


# АЛИШЕР НАВОИЙ






ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# АЛИШЕР НАВОЙИЙ

*Шўла асарлар шўлаами*

**Ўн жилдлик**



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2011


Узб  
Н 14

# АЛИШЕР НАВОИЙ

*Шўла асарлар шўлаами*

Тўққизинчи жилд

Лисон ут-тайр  
Мажолис ул-нафоис  
Маҳбуб ул-қулуб  
Муншаот  
Вақфия



835499  
TDIU  
kutubxonasi СБО

# ЛИСОНУТ-ТАЙР

## БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Жон куши чун мантиқи роз айлагай,  
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай.

Улки махлуқот халлоқидур ул,  
Ондин ўзга фонию боқийдур ул.

Сониъиким чекти чун сунъи қалам,  
Офариниш тарҳини қилди рақам.

Айлагач дойир тўқуз афлокни,  
Қосир этти фаҳмидин идрокни.

Кўкни тун-кундин муламмаъ айлади,  
Меҳру анжумдин мурассаъ айлади.

Ойни кўк тирноғидин қилди мисол,  
Олғон ул тирноғ бир ёнин ҳилол.

Сайрдин гардунға солди изтирор,  
Ерга онинг жавфида берди қарор.

Ер юзин ёмғур суви бирла юди,  
Гарду чирки ул юмоғдин ўксуди.

Баҳр уза жўнг айлади туфроғдин,  
Жўнг учун лангар ясоди тоғдин.

Қилди дарёға бухорин пардапўш,  
Меҳр ўтидин тушмасун деб суға жўш.

Ошкор айлаб адолат оламин,  
Еб суда мавжуд қурту куш ғамин.

Берди найсон ёмғуриға ул шараф,  
Ким гуҳар қозғонди базлидин садаф.

Дурға берди ул баҳо бирла ривож,  
Ким сарир аҳлиға бўлди зеби тож.

Чун Ҳамалдин берди ойини баҳор,  
Бўлди тенг мезонида лайлу наҳор.

Тонг насимин Исоосо айлади,  
Боғ амвотини эҳё айлади.

Жилвагар қилди чаман зеболарин,  
Боғ аро ёйиб чечак раъноларин.

Рўзи этти елга руҳосо шамим,  
Ким шажарға топти жон азми рамим.

Ҳам ёрутти субҳи кофури асос,  
Ҳам тузотти шомни мушкин либос.

Меҳрни кундуз дурахшон айлади,  
Ойни шамъи шабистон айлади.

Ҳар ғаройибким ёйиб саҳро аро,  
Ондин ортуғ кўргузуб дарё аро

Дашт аро ҳар не таковар айлабон,  
Сувда юз онча шиновар айлабон.

Чун қуюнни дашт аро айландуруб,  
Сувда игримни доғи тўлғандуруб.

Уйлаким душман яротиб ўтқа сув,  
Елни ҳам туфроққа айлаб адув.

Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,  
Бўлуб инсон хилқатида муттаҳид.

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,  
Они айлаб халқ ичинда безаваз.

Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,  
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.

Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,  
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилисм.

Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин,  
Офарин сунъунгға, эй жон, офарин.

Айлаганда розининг ганжини арз,  
Не само айлаб қабул они, не арз.

Ғайри инсонким қилиб они қабул,  
Ҳам залум айлаб хитобин, ҳам жаҳул.

Чун халойиқдин они мумтоз этиб,  
«Кунту канзан» сирриға ҳамроз этиб.

Бошиға қўюб ҳидоят тожини,  
Қисмати айлаб шараф меърожини.

Олам ичра андоқ айлаб муқтадо,  
Ким бўлуб хайли малакка пешво.

Чун малак хайлиға ул масжуд ўлуб,

Кимки саркашлик қилиб мардуд ўлуб.

Яъни ул жинну малоик сарвари,  
Тахти фармонида олам кишвари.

Неча минг йил зуҳду тоат айлаган,  
Амриға онинг итоат айлаган.

Бир важаб ер қолмоғон офоқ аро,  
Балки бу кирёс нили тоқ аро.

Кимки ҳақ оллинда тоат қилмағон,  
Касби ойини саодат қилмағон.

Бу саодатларға топқон дастрас,  
Урмағон ҳақ ёдидин айру нафас.

Чун тақаррубда топиб доруссурур,  
Кўнглига ул қурбдин солғон ғурур.

Бу ажаб мазҳарни кўзга илмағон,  
Саждасин хайли малакдек қилмағон.

Бўйинини сунмай аён этконда таън,  
Солибон бўйниға онинг тавқи лаън.

Бўйниға итдек қалода солибон,  
Кўнглиға итлик ирода солибон.

Хайли одамға адуйи жон бўлуб,  
Душману ғоратгари имон бўлуб.

То қиёмат бу шақоватқа қолиб,  
Дўзахи макру адоватқа қолиб.

Ул шарафлар бирла андоқ пеш хайл,  
Ким аён айлаб такаббур сори майл.

То абад мардуду малъун айлабон,  
Ибрату офоқу гардун айлабон.

Бир овуч туфроғдин айлаб пайкари,  
Одамийлиғда ажойиб мазҳари.

Ҳам қилиб ўз сирри бирла ганжи роз,  
Ҳам хилофат бирла айлаб сарфароз.

Бўлди саркашликдин онинг офати,  
Ажзу туфроғлик бу бирнинг рофати.

Бирга ул масжудлуғ берган ўзи,  
Бирга бу мардудлуғ берган ўзи.

Ҳам ўзи ул бирни маълул айлаган,  
Ҳам ўзи бу бирни мақбул айлаган.

Ул не қилди, бу не қилди-ул билур:  
Ул бу қилмас, ҳар не қилса-ул қилур

Ҳикматидин воқиф эрмастур киши,  
Бўлмади бу иш кишининг чун иши.

Иш эрур улким ўзи они қилур,  
Ҳикмат улким ҳам ўзи они билур.

Подшоҳеким анго йўқтур назир,  
Не шарикун не адилу не вазир.

Сунъунгга юз офарин, эй кирдигор,  
Ғайр йўқ сен сенки дерлар-они бор.

Борсен сен борлиғ зебандаси,  
Бирлику жабборлиғ арзандаси.

Сендадур ҳам бирлику ҳам борлиғ,  
Ҳайлиғу қодирлиғу ғаффорлиғ.

Баҳри ғуфронингга тушкан чоғда мавж,  
Журм эрур ҳар неча тутқон бўлса авж.

## II

### **Муножот қозиюл-ҳожот ҳазратида ўз тақсиротининг шармандалиғида ва ул уётдин мазаллат туфроғиға сарафкандалиғида**

Ё раб, ўз холимға ҳайронмен баса,  
Осию масту паришонмен баса.

Нафс маъмури ҳаво мағлуби ҳам,  
Сидқ мардуди сафо манкуби ҳам.

Жонима исён майидин мастлиғ,  
Кўнглума фикс аҳлиға побастлиғ.

Юз ҳаво бошимға солиб нафси шум,  
Хайли шайтон айлабон ҳарён хужум.

Айлабон ул хайл бўлгунча хабар,  
Жону кўнглим кишварин зеру забар.

Бир таадди пешаликни хўб деб,  
Ўзни ошиқ деб, они маҳбуб деб.

Ҳар ситамким тундхўедин етиб,

Ул чу етточ ох уруб, ўздин кетиб.

Оташин лаълидин ўт жоним аро,  
Рўзгорим зулфу холидин қаро.

Нуктаси нутқум тилин лол айлабон,  
Жилваси ақлимни беҳол айлабон.

Васлу ҳажрин умру марг айлаб лақаб,  
Бирдин осийиш топиб бирдин тааб.

Ҳажри андуҳида жоми май ичиб,  
Васли жомин чун топиб жондин кечиб.

Онглабон онсиз тирикликни ўлум,  
Жонға айлаб ҳажрида юз уштулум.

Они фаҳм айлаб ҳаётимдин мурод,  
Ондин ўзга келмайин кўнглумга ёд.

Ғайри ёдимдин чиқиб фирқат чоғи,  
Чунки воқифсен, чин айтай мен доғи.

Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон,  
Они истарга сени ёд айлабон.

Оллох, Оллох, ўлтурур шармандалиқ,  
Ёдима келса бу янглиғ бандалиқ.

Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,  
Ким кўзимга қилди оламни қаро.

Қилмадим умрумда бир рақъат намоз,  
Сар-басир маҳзи ниёз, эй бениёз.

Ҳаргиз андоқ қўймадим туфрокқа бош,  
Ким кераклик бўлмағай бошимға тош.

Бермадим ҳаргиз гадоға бир дирам,  
То ўзумни кўрмадим соҳиб карам.

Тутмадим отинг қилиб фарзоналик,  
Сабҳа элдин осмайин юз доналиқ.

Бир амал ҳаргиз риёсиз қилмадим,  
Зарқсиз ҳаргиз ўзумни билмадим.

Ўйлаким мендурмен инсон бўлмасун,  
Йўқки инсон-деву шайтон бўлмасун.

Ўз фиолимдин ажаб озурдамен,  
Дам-бадам афсурдау дилмурдамен.



Бас хижолатдин манга йўқтур ҳаёт,  
Не учунким ўлтурур ҳардам уёт.

Бу маразлар ичраким ўтти сўзум,  
Ўз иложимни қила олмон ўзум.

Бермадим мунча балиятқа ризо,  
Найлагаймен сендин ўлғонға қазо.

Гар манга бу дард бедармон эрур,  
Лек дармони санга осон эрур.

Дардима дармон иноят айлагил,  
Тавбаи комил ҳидоят айлагил,

Адлу эҳсонингға хос этгил мени,  
Нафси золимдин халос этгил мени.

Жонда шавқунг шуъласин мавжуд қил,  
Ҳар не ғайринг кўнглума мардуд қил.

Ончаким бўлғай бадан қайдида рух,  
Қил анга рўзи шуҳудингдин футух.

Чун бу қушқа рихлат оғоз ўлғуси,  
Гулшани аслиға парвоз ўлғуси.

Қуш таважжух айласа учмоқ сари,  
Туфроқ этса майл ҳам туфроқ сари.

Чун ҳар иш бобида қилғунгдур хитоб,  
Топмағон чоғда саволингға жавоб.

Бошима еткур мени қўймай ҳазин,  
Ониким деб сен шафиъул-музаннибин.

### III

#### **Бу номиға Саидул-мурсалин наъти била туғро тузмак ва шафиъул-музаннибин мадҳи билан зийнат кўргузмак**

Анбиё сархайли султони русул,  
Ким эрур онинг туфайли жузви кул.

Улки Одамдин бурун ул бор эди,  
Ҳам Наби ҳам соҳиби асрор эди.

Нури мавжуд офаринишдин бурун,  
Ким эди халқиға муддат олти кун.

Қайси нур, улким топиб юз иззу ноз,

Ул келиб маъшуқу холиқ ишқи боз.

Бе ниҳоят йил топиб ҳақдин назар,  
Токи ҳақ мавжуд қилди Булбашар.

Булбашар рухсори чун тутти жамол,  
Кавкаби ул нурдин топти камол.

Чунки ул Ҳаввоға <sup>1</sup> бўлди мунтақил,  
Жабҳасидин меҳр эрди мунфаил.

Шиснинг <sup>2</sup> топти вужуди чун вуқуъ.  
Ул қуёш қилди жабинидин тулуъ.

Борди ондин маҳрами дилбандиға,  
Ондин ўлди мунтақил фарзандиға.

Жуфтиға ондин етишти ул шараф,  
Ўйла гавҳар ҳуққаси қилғоч садаф.

Бир-бирига бу сифат текурдилар,  
Токи Абдуллоҳға <sup>3</sup> топшурдилар.

Ул доғи еткурди ул дастур ила,  
То уйи бўлди ёруғ ул нур ила.

Токи ул уйдин тулуъ этти қуёш,  
Оразида ул нубувват нури фош.

Нур йўқким ҳақ таоло сояси,  
Ло журм ўтти қуёштин пояси.

Дин ливоси кундек ўлди муртафиъ,  
Зулмати куфр ўлди ондин мундафиъ.

Матлаъи бўлди онинг байтул-ҳаром,  
Ким фалакдин топти олийроқ мақом.

Маккада бўлғоч ул ахтар нури фош,  
Борча бутлар қўйдилар туфроққа бош.

Куфр аҳлидин намудор ўлдилар,  
Барчаси, яъни нигунсор ўлдилар.

Дин ливоси бўлди гардундин бийик,  
Шаръи тиғи насси қотиъдин итик.

Табъи чун бўлди рисолат росихи,  
Миллати бўлди милалнинг носихи.

Ройи чун кўргузди шамъи муъжизот,

Партавидин равшан ўлди коинот.

Лот ноқислиғ била бўлди табоҳ,  
Зохир ўлди куфр элига ло илоҳ.

Ондин ўлди элга иллаллоҳ аён,  
Қилди афсаҳ нутқ ила они баён.

Айлагон ирсоли иллаллоҳ ўзи,  
Ёнида онинг расулуллоҳ ўзи.

Зоти олам дуржида дурри самин,  
Балки ҳақдин раҳматан лилоламин.

Ўзи пок азвож ила авлоди пок,  
Зоти пок асҳоб ила аҳфоди пок.

Онга ҳардам юз дуруду минг салом,  
Олам аҳлидин ила ёвмулқийём.

Пок авлодию асҳобиға ҳам,  
Сўнгра хаддомию аҳбобиға ҳам.

#### IV

**Ул рисолат Қофи Анқо<sup>1</sup>сининг баландпарвозлиғи ва маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб  
қуш тили била тақаллум ва ҳамрозлиғи**

Ул кеча ким, ул шаҳи гардунмақом,  
Ким они ҳақ истади гардунхиром.

Уммаҳони ҳужрасида эрди хуш,  
Даҳри дун ашғолидин осудаваш.

Ким етишти оллиға руҳул-амин,  
Арз этиб пайғоми раббул-оламин.

Илкида эрди Буроқи барқ хез,  
Барқ онинг бирла қила олмай ситез.

Дедиким-эй тенгрига жонинг қариб,  
Жисм ила ҳам бул эурсен чун ҳабиб.

Рокиб ўлким келтурубтурмен Буроқ<sup>2</sup>,  
Гарди роҳинг айла бу фируза ток.

Чиқти шаҳ раҳш узра чун маҳкум эди,  
Ҳукм қойдин эркони маълум эди.

Чун хумоюн маркаби қилди ҳаво,  
Мақдамин чарх эли топти наво.

Чун камарға маркабидин етти кадр,  
Ул куёш ташрифидин ой бўлди бадр.

Чун иккинчи авж уза урди алам,  
Дурфишон бўлди Аторудға қалам.

Зотидин топқач шараф учунчи сахн,  
Зухра хунёгарлик айлаб чекти лахн.

Сурди чун тўртинчи айвонға асос,  
Шоҳ анжум айлади нур иқтибос.

Солди чун бешинчи айвон сори от,  
Наҳс Асғар Саъд Акбар бўлди бот.

Саъд Акбар сори чун қилди гузар,  
Топти ул нури саодатдин назар.

Қилди чун еттинчи торамға убур,  
Ҳиндуи мазлум деди Оллоҳи нур.

Икки водий чун яно қилди уруж,  
Зохир ўлди қуббаи зотул-буруж.

Фарридин топти қўзи қўчқорлик,  
Саврға етти асад кирдорлик.

Хидматиға боғлади Жавзо камар,  
Бўлди Саратон ростравликқа самар.

Арслон итдек оёғиға тушиб,  
Хўша тухми дур бўлурға ёвушиб,

Каффажон мезонлиғин айлаб аён,  
Захрини тарёк этиб ондин чаён.

Ёни айлаб қоши таъзими ҳилол,  
Мақдамидин Жадй ўлуб заррин ғизол.

Далв олиб нуктасидин жон суйи,  
Хут топиб нуткидин ҳайвон суйи.

Чун буларға бу шарафлар еткуруб,  
Борчасидин юқори маркаб суруб.

Аршу курсиға уруб фаррух алам,  
Бўлуб ондин муҳтарам лавҳу қалам.

Ломакон майдонида жавлон қилиб,  
Ондин оҳанги ажаб майдон қилиб.

Пайк ила маркаб қолиб ул сайрдин,  
Икки пар тушгон масаллиқ тайрдин.

Чун аносир меҳнатидин шод ўлуб,  
Ҳам жиҳот итлоқидин озод ўлуб.

Эгнидин солиб аноният тўнин,  
Ойириб ўтдин башарлик учқунин.

Ўзни ўзлук қайдидин айлаб халос,  
Топиб ўздин ўзгаликка ихтисос.

Елу туфроғу ўту сувдин ориб,  
Ҳам мену сен ҳам улу будин ориб.

Боргоҳи қурб аро топиб мақом,  
Майл этиб ондин яқинроқ ҳам хиром.

Айлабон чун рафъ етмиш минг ҳижоб,  
Қолмай ўзга мониъи онинг ҳижоб.

Чун мавоний бору йўқ маслуб ўлуб,  
Ул ҳабиб онда етиб маҳбуб ўлуб.

Ли маъоллоҳ остонин ёстониб,  
Қоба қовсайн иттиҳодин қозғониб.

Ли била маъни ҳам ўздин солибон,  
Бу солинғоч не қолур ул қолибон.

Ёрутуб айнини мозоғал-басар,  
Рафъ ўлуб андишаи фийан-назар.

Топибон ул рутбаким топмай киши,  
Ким эмас бу иш кишилиқнинг иши.

Ўзлуги бирла ўзидин йўқ хабар,  
Балки ўзу ўзлугидин йўқ асар.

Ғайр осориға имкон қолмайин,  
Бориб ўз ҳам ғайри жонон қолмайин.

Ҳам кўруб жонон жамолин кўз била,  
Васлидин ҳам баҳра топиб сўз била.

Айлабон идрок тўқсон минг калом,  
Лек асносида юз минг эҳтиром.

Осий умматнинг гуноҳин истабон,  
Барча аҳволи табоҳин истабон.

Ҳар не истаб ҳайи мутлоқдин топиб,



Ҳақ тилаб, ҳақдин тилаб, ҳақдин топиб.

Ҳосил айлаб улча имкони мурод,  
Қайтиб ул меърождин 3 масруру шод.

Васлидин масрур ўлуб ул боргоҳ:  
Буйруғидин мунтазам бу коргоҳ.

Борғонида бор эди дурри шигарф,  
Лек ёнғонда келиб дарёи жарф.

Турфатул-айн ичра онглаб билғони,  
Турфаким бир онда бориб келғони.

Ўзга оламдин ёниб тутқоч мақом,  
Берди бу олам ишига интизом.

Биз нечаким осию гумроҳбиз,  
Бок йўқ чун мунчадин огоҳбиз.

Ким онингдек ҳомию зоти рафиъ,  
Журмумизга бўлғуси тонгла шафиъ.

Ёраб ул кунким; шафиъ ўлғой расул,  
Кимниким ул истаса қилғунг қабул.

Юз тумон минг аҳли исёну гуноҳ,  
Топқуси раҳмат етиб фазли илоҳ.

Бўлғуси ул хайл аро фоний доғи,  
Қилмоғойсен ноумид они доғи.

## V

### Амирул-мўъминин Абу Бакр<sup>1</sup> Сиддиқ розиоллоҳу анҳу таърифида

Улки султони расулнинг ёридур,  
Соний иснайн азхума филғоридур.

Содиқу сиддиқ ҳамрози онинг,  
Ҳар ёмон-яхшида дамсози онинг.

Ул эди олам элига раҳнамун,  
Келди чун вассобиқун асосбиқун.

Муқтадои зумраи таҳқиқ ул,  
Собиқ ислом аҳлиға сиддиқ ул.

Ғор аро ёриға айлаб жон нисор,  
Ёри онинг отин айлаб ёриғор.

Ганжким ғор ичра пинҳонлиқ қилиб,

Аждаҳодек ул нигоҳбонлиқ қилиб.

Ғор зулмотида тортиб чунки ранж,  
Топиб онда Хизр<sup>2</sup> суйи бирла ганж.

Ганж худ, ганжи илохий ёнида,  
Ким келиб пинҳон жаҳон вайронида.

Бас недур гар топмади оби ҳаёт,  
То жаҳон бўлғай тирик қолмоғлиғ от.

Чун йилондин захм аёғиға етиб,  
Оби ҳайвон нўши они дафъ этиб.

Ўрниға они расул айлаб имом,  
Ой бўлиб хуршидға қойим мақом.

Чун бўлиб хуршидға воқиъ ғуруб,  
Дин уйи ул ой фуруғидин ёруб.

Ёраб, ул ой шамъи то ёвмул-ҳисоб,  
Олмасун ислом уйидин нуру тоб.

## VI

### Ҳикоят

Мустафодин<sup>1</sup> сўнгра аҳли иртидод,  
Чун хилофатқа ул ўлди истинод.

Дин тариқида адоват туздилар,  
Ким хужум айлаб жадал кўргуздилар.

Бергали ислом рукниға халал,  
Ким закот эрди аён айлаб жадал.

Ул ғазаб айлаб бу навъ этти хитоб,  
Ким наби<sup>2</sup> қонунидин бир ришта тоб.

Ўксумак тағйир ила имкони йўқ,  
Ўксутур элга қиличдур доғи ўқ.

Шаръ ишига улки мундоқ қилса жаҳд,  
Ким онинг осори қолғай то бу аҳд.

Ким қила олғай бу ишни ошкор,  
Жуз Абубакр улки эрди ёри ғор.

## VII

Амирул-мўъминин Умар Форук<sup>1</sup>розиоллоху анху васфида

Улки пайғамбарға ҳамдам эрди ул.  
Шубҳасиз Форуқи аъзам эрди ул.

Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ,  
Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ.

Ондин ўзга йўқ эди офоқ аро,  
Балки ушбу қасри олий тоқ аро.

Шаръ аро шоҳи Расулнинг пайрави,  
Адл ила дин пуштини қилғон қави.

Хон базлидин жаҳон аҳли тўюб,  
Ул ўзин тўйғорғоли кирпич қўюб.

Рубъи маскун адли меъмориға паст,  
Тушколи бир хишт янглиғ зери даст.

Нафсин ўлтургон ичибон захри ноб,  
Ўғлин ўлтургон қилурда ихтисоб.

Динидин меҳробу минбар равнақи,  
Адли бирла мулку кишвар равнақи.

Тиғи суйи шаръини бўстон этиб,  
Куфр мулку дайрини вайрон этиб.

Қаҳри кисролар бошидин олди тож,  
Ваҳми қайсарларға ҳамл этти хирож.

Фатҳ ўлуб давронида мулки Ажам 2,  
Ул билод узра араб тортиб алам.

Олди шаҳлар мулкини чокарлари,  
Куфр уйини бузди дин парварлари.

## VIII

### Ҳикоят

Хайле чун фатҳи Мадойин қилдилар,  
Ахзи амволу хазойин қилдилар.

Неча юз йиллик салотин ганжини,  
Жамъ айлар чоғда кўргон ранжини.

Юклаб эттилар онинг оллиға нақл,  
Ким тамошосида хайрон эрди ақл.

Кўз учидин бокмай ул амволға,

Борчани жамъ этти байтул-молға.

Ким ғазо аҳлиға ул бұлғай мадад,  
Ҳар бирига ончаким етқай расад.

Кимнинг илкидин келур бу навъ иш,  
Жуз Умарким бўйла қонун айламиш.

## IX

### Амирул-мўминин Усмони зуннурайн розиоллоху анху шонида

Ул ҳаё коники нурул-айн эди,  
Ўйлаким айнайн зун-нурайн эди.

Сидқ конию мурувват махзани,  
Ҳилм баҳрию футувват маъдани.

Ҳам Мадина<sup>1</sup> аҳлиға шайху имом,  
Ҳам келиб шайхайға қойим мақом.

Тенгри айлаб жомии Қуръон<sup>2</sup> они,  
Халқ деб Усмон бин Аффон<sup>3</sup> они.

Чун Каломуллоҳни руҳул-амин,  
Айлаб ирсоли шафиъул-музнабин.

Ул замондин то онинг даврониға,  
Ер тутиб эрди ҳафо зиндониға.

Неча оят жамъ айлаб ҳар араб,  
Жамъу тартибиға ул бўлди сабаб.

Суралар ўрнини таъйин айлади,  
Булажаб девонни тадвин айлади.

Бу шараф басдурки то ҳоли анго,  
Ашрафи уммат эрур толиъ анго.

Кимга бергай дастким рабби ғафур,  
Кулбасиға солғай андоқ икки нур.

## X

### Ҳикоят

Накл эрур бу навъким бир кун наби,  
Ул халойиққа саодат кавкаби.

Хилват ичра истою элдин фароғ,  
Ўлтуруб эрди узотиб бир оёғ.

Кирдилар баъзи кибар асҳобдин,

Ҳам азизу ҳам шариф аҳбобдин.

Бўлмади тағйир ҳазрат ҳолиға,  
Ул фароғ ичра ҳумоюн фолиға.

Лек Усмон киргач ул миллатқа шамъ,  
Ўлтуруб сўнғон аёғин қилди жамъ.

Ким эрур осру ҳаёлиғ кимса ул,  
Топқуси тағйир онинг ҳолиға йўл.

Улки мундоқ ҳурматин тутқай расул,  
Эътибори йўқ неким дер ҳар фузул.

## XI

### Амирул-мўъминин Али<sup>1</sup> розиоллоху анху ҳазратида

Илм дарёси вилоят гавҳари,  
Олам аҳлида ажойиб мазҳари.

Анбиё сархайлиға фарзанд ул,  
Хайли одам ичра бемонанд ул.

Макка тоқидин тушурмакта Хубал<sup>2</sup>,  
Эғни ҳазратнинг оёғиға маҳал.

Қатлдин пайғамбар этконда фирор,  
Жонин ўйнаб ўрниға тутқон қарор.

Олам авсофиға зоти муттасаф,  
Ким сўзики ман арафки лав кашаф.

Аҳли дин ичра амирул-мўъминин,  
Тақвий аҳлиға имомул-муттақин.

Илм шаҳри анбиёға интиҳо,  
Васфида айтиб Алиюн бобаҳо.

Дулдулининг пўяси андоқки барқ,  
Зулфикоридин<sup>3</sup> адув қон ичра ғарқ.

Иттиҳодида нубувват шамъининг  
Сўзи бу ким сен менингсен, мен сенинг.

Лаҳмака лаҳми ҳам онинг шонида,  
Дамака дами ҳам истиҳсонида.

Бешаи тақдир шери шарзаси,  
Шернинг ондин ҳаросу ларзаси.

Куфр аҳлининг жавобин еткуруб,



Балки гулбонги салувни ул уруб.

Ҳам наби фарзанди пайванди онинг,  
Ҳам мунинг фарзанди, фарзанди онинг.

## ХII

### Ҳикоят

Бир ғазода нақл мундоқдурки шох,  
Ебдур ўқ захмики отмиш кийнахоҳ.

Ер тутиб пайкон сўнғакка ўйла руст,  
Ким чекордин бўлмаин чикмоққа суст.

Чун Набиға арз этибдурлар они,  
Бўйла дебтур ул ҳидоят махзани.

Ким ул этгон чоғда эхроми намоз,  
Они тортарға бўлунгуз чорасоз.

Ондаким ул захмнинг пайкони бор,  
Зўр айланг ончаким имкони бор.

Онча истиғроқдиндур бахравар,  
Ким ул иштин бўлғусидур беҳабар.

Ўйлаким ҳукм этти ул шамъи худо,  
Қилдилар ул ишни фатҳ этти худо.

Шаҳ намозининг саломин чун деди,  
Захмда не дарду не пайкон эди.

Қилди чун ул ҳол истифсорини,  
Дедилар шоҳи расул гуфторини.

Ҳайдари каррор шукр айлаб аён,  
Ушбу иш сиррин бу навъ этти баён.

Ким халос ўлмоқ ажал пайконидин,  
Мумкин эрмас жуз наби эҳсонидин.

Бизга ҳар ғамдин нажот ондиндурур,  
Балки ойини ҳаёт ондиндурур.

## ХIII

**Қудватул-аҳрор ва қиблатул-аброр Шайх Фаридиддин Аттор<sup>1</sup> қаддасоллоху  
руҳахуға мадху сано оғозим ва ўз арзи ниёзи**

Ҳар не гардун баҳр ила конида бор,  
Онча юз Аттор дўконида бор.

Баҳрида анжумдин ўлмиш зебу фар,  
Ҳар кеча дур янглиғ ўлмоқ жилвагар.

Конининг ёқути шом ўлгон шафақ,  
Субҳи анвор сори андоқким фалақ.

Ул гуҳар йўқким ҳаводис тошидур,  
Синғучи ондин забунлар бошидур.

Бу бирин ёқут йўқким, қон дегил,  
Олам аҳли қатлидин оққон дегил.

Ул дўкон шарҳин қилай эмди рақам,  
Гарчи авсофида ожиздур қалам.

Одами табъини жаҳл айлаб залил,  
Ҳар ямон ахлоқдин қилса алил.

Бўлғоли зойил ҳар андоқ иллоти,  
Бу дўкон ичра муҳайё шарбати.

Сандалу мушку абиру заъфарон,  
Табъ жаҳлидин саросар заъфарон.

Файз боғидин гулобу мушки бид,  
Ҳар биридин табъға юз файз умид.

Нукта ҳилвидин баса қанду набот,  
Ким топиб ўлгон кўнгил ондин ҳаёт.

Ваъзу ирфондин баса шаҳду шакар,  
Ким бўлуб бечораларға чорагар.

Назму насридинки таҳрир айлабон,  
Ваҳдад асрорини тафсир айлабон.

Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,  
Табъға гулқанд янглиғ судманд.

Чун «Мусибатнома»син айлаб баён,  
Юз мусибат нафса айлаб аён,

Ҳар мусибатдин кўнгулга сур ўлуб,  
Ким кўнгул ул сурдин масрур ўлуб.

Чун рақам айлаб «Илоҳийнома»ни,  
Ваҳйига айлаб муҳаррир хомани.

Шарҳи асрори илоҳи айлабон,  
Халқ аро шарҳин камоҳи айлабон.

Чунки «Уштурнома» айлаб ошкор,

Нуктаси бухтиларин тортиб қатор.

Неча минг бухти нечукким чархи дун,  
Дурру гавҳар ҳамлидин бори забун.

Чунки ғавси лужжаи ҳилож этиб,  
Ҳар дурун шоҳлар бошига тож этиб.

Балки айлаб шоҳ тожи зийнати,  
Мулк нақди ҳар бирининг қиймати.

Чун қасоид даштига солиб кумайт,  
Водийи қатъ айлабон ҳар турфа байт.

Лек ҳар водида юз мулки ғариб,  
Мулклардин ҳар бирида минг ажиб.

Чун ғазал гулзорида мажмаъ тузуб,  
Булбул ойин минг тараннум кўргузуб.

Лекин ул ҳар бир тараннумдин аён,  
Сирри ваҳдат шарҳиға равшан баён.

Чун рубоийдин бериб девонга зайн,  
Рубъи маскун ичра солиб шўру шайн.

Олами маъни аро тақсимдин,  
Ҳар бири мухбир неча иқлимдин.

Наср ила чун «Газкира» мавжуд этиб,  
Авлиё арвоҳини хушнуд этиб.

Ҳар бирининг руҳидин юз тийра зот,  
Жон топиб ичкон киби оби ҳаёт.

Бир тараф бориға ойину шараф,  
«Мантиқут-тайр»иға<sup>2</sup> ойин бир тараф.

Ондаким дарж этти қушлардин мақол,  
Ўзга тилдир, ўзга сўздур, ўзга хол.

Фаҳмиға махфий забондони керак,  
Йўқ забондонким — Сулаймони<sup>3</sup> керак.

Юз туман қуш нутқи мушқил келди бил,  
Турфа буқим ҳар бирига ўзга тил.

Ҳар бирига лаҳну қонуни ажаб,  
Ақл-идрокида мажнуни ажаб.

Лек ҳақ тавфиқ берса, мен — гадо,  
Шайхнинг руҳиға айлаб иқтидо.

Ўйла қушлар-нутқини изҳор этай,  
Булбулу тўти киби ғуфтор этай.

Ким халойиқ чун тараннум айлағай,  
Қуш тили бирла такаллум айлағай.

Лек сурмак нуктани тўти мисол,  
Будур инсоф ўлса, эй фархунда фол.

Ким бу тўти тўъмаси бўлғой шакар,  
Ул шакар фикр айласанг бўлғай магар.

Тенгрининг лутфу иноят хонидин,  
Яъни, ул Атторнинг дўконидин.

#### XIV

#### **Қушлар ижтимоъи ва тақдим ва таъхир учун бир-бири била низоъи**

Жамъ ўлуб бир кун гулистон қушлари,  
Бешау баҳру биёбон қушлари.

Борча бир манзилда мажмаъ туздилар,  
Ҳар бир ўз хайлу сафин кўргуздилар.

Ким муҳаббат бирла тузгайлар наво,  
Чун тугонса базм, тутқойлар ҳаво.

Ўлтурурда чунки ойин йўқ эди,  
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди.

Юқори ўлтурди тўтидин калоғ  
Булбулу қумридин ул янглиғки зоғ.

Ход сунғурдин бийик тутти мақом,  
Юртачи товус уза қилди хиром.

Чун хунарвар узра чикди беҳунар,  
Тоздин қолди қуйироқ тожвар.

Хайли ашроф эттилар зоҳир низоъ,  
Қилмади ул сўзга арзол истимоъ.

Тушти қушлар ичра ғавғо ҳар тараф,  
Можаро бирла муҳоко ҳар тараф.

Бир-биридин ўтмади ул можаро,  
Ҳар дам ошти можаро ул хайл аро.

Бўдилар муҳтож охир ул гуруҳ,  
Ким агар бўлса шаҳи соҳиб шукуҳ.

Ҳокими инсофлиғ доно диле,  
Ҳуш ойин шаҳриёри одиле,

Етмагай аднодин аълоға шикаст,  
Бўлмагай ашраф ахас оллинда паст.

Ҳар гуруҳ эрди ўзига чун азиз,  
Истади борча шаҳи соҳиб тамиз.

Йўклиғидин зору маҳзун бўлдилар,  
Ҳар бир ўз холиға мағбун бўлдилар.

Яъс оҳангин тузуб тортиб навид,  
Бўлдилар шаҳдин саросар ноумид.

Бу таабдин ҳар бири кўнглида тоб,  
Ним бисмил қушдек айлаб изтироб.

## XV

### **Қушлар шоҳ тилаб топмоғондин мутаҳаййир бўлғонда, Ҳудхуд Симурғдин хабар дегони**

Ҳудхуд ул нури хираддин баҳраманд,  
Рохбарлиғ афсаридин сарбаланд.

Зотида иззат шараф меърожидин,  
Бошида зевар ҳидоят тожидин.

Жабраилосо аён юз роз анго,  
Курб арши авжида парвоз анго.

Кирди ул мажмаъ аро девонавор,  
Шамъи мақсад васфида парвонавор.

Деди: «К-эй ғофил, гуруҳи беҳабар,  
Ҳолингиз ғафлат аро зеру забар.

Сизга шоҳе бор бешибху, мисол,  
Васфини айгурда юз минг нутқ лол.

Борча олам қушлариға шоҳ ул,  
Ҳолингиздин мў-бамў огоҳ ул.

Ул ёқин сизга-у сиз ондин йирок,  
Васл анга ойин, вале сизга — фирок.

Ҳар парида юз туман ранги ажиб,  
Лек ҳар рангида юз нақши ғариб.

Нақшу рангидин хирад огоҳ йўқ,



Ғофил эрконга хирад икроҳ йўк.

Ким хирад идрокидин афзундур ул,  
Мундин идрокиға топмас ақл йўл.

Ҳам нишиман Қофи истиғно анго,  
Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо анго.

Шухрати Симуғ ила офоқ аро,  
Зоти мамлу чарх олий тоқ аро.

Сиз тушуб ул шохдин беҳад баид.  
Ул ёқинроқ сизга мин ҳаблил варид.

Ҳар киши бўлса тирик ондин йироқ,  
Ул тирикликдин ўлум кўб яхшироқ».

## XVI

### Худхуд Симуғдин хабар дегоч, кушлар хушхол бўлуб, таҳқиқ қилғонлари

Сарбасар кушлар алоло қилдилар,  
Худхуд атрофинда ғавғо қилдилар.

— «К-эй даминг жонбахшу нутқунг дилписанд,  
Иккиси жону кўнгулга судманд.

Ҳам Сулаймон базмида топқан қабул,  
Ҳам расул эткон сени андоқ расул.

Хизматида курб ҳосил айлаган,  
Йўлида қатъи манозил айлаган.

Амри бирла онча водий қатъ этиб,  
Ким баса, олий манозилға етиб.

Қойда азм этса Сулаймон, сен —далил,  
Мустафоға ул сифатким Жабраил<sup>1</sup>.

Ҳарне ўлса айлаган дамсозлик,  
Айшида қилғон аён ҳамрозлик.

Истаса Билқис<sup>2</sup> ҳолидин хабар,  
Сен бўлуб шаҳри Сабоға раҳбар.

Еридан сен еткуруб, пайғом анга,  
Изтироб ичра бериб ором анга.

Ўйла пайғамбарға маҳрамлик қилиб,  
Ҳар ғаме юзланса ҳамдамлик қилиб.

Базми гар шаҳр ўлса, гар ёзи ябон,

Без қилиб бошиға пардин соябон.

Юз туман минг қуш бўлуб шамёнаси,  
Сен ва лек ул сояда ҳамхонаси.

Базми ичра комрон айлаб сени,  
Махрами рози ниҳон айлаб сени.

Берди ҳақ — топтинг чу ондин рифъате,  
Ҳар пару узвунгға бир хосияте.

Бизга чун монийдурур гумроҳлик,  
Берсанг ул шоҳ сирридин огоҳлик.

Ҳам сифотидин ривоят айласанг,  
Зоти сори ҳам ҳидоят айласанг.

Қўймасанг бизни бу ғафлат домида,  
Тийралик бирла залолат шомида.

Вокиф этсанг бизни шоҳ асроридин,  
Бахраманд этсанг бу сир изхоридин.

Жаҳл аро афтодалиқдин қўлдасанг,  
Шоҳимизни истамакка йўлдасанг.

Комимиздин етса бархурдорлик,  
Сендин ўлғой борча миннатдорлиғ».

## XVII

### **Қушлар диққат била сўрғондин сўнгра, Худхуд Симурғдин нишонлар айтқони**

Худхуд анфосин шакаррез айлади,  
Ул шакарни нуктаомез айлади.

Кўрди чун қушларда андоқ изтироб,  
Берди ул мажмаъға бу янглиғ жавоб.

Ким:— «Онинг аҳволидин билгонни дей,  
Кўнглума асроридин келгонни дей.

Лек бу афсона бирла бутмас иш,  
Сўз била эл васл ганжин топмамиш.

Иш улукдур, шоҳ улук, даргоҳ улук,  
Йўл қотик, водий узун, дилхоҳ улук.

Буки — дерсиз шоҳ сўзидин сур калом,  
Гар они минг йил десам бўлмас тамом.

Кимса идрок этмомишдур зотини,

Лек шарт улдур тутарға отини.

Ким юбон ҳайвон суйи бирла оғиз,  
Йўқ ўну юз қатлаким андозасиз.

Тил била оғизни айлаб бўйла пок,  
Тутқай эл отин ва лекин ҳавлноқ.

Ондин аълодур жаноб ул шоҳға,  
Ондин авсаъ фусҳат ул даргоҳға.

Ким мен айлай олғомен тақрир они,  
Ё лисон килки била таҳрир они.

Лек чун қушларға будур орзу,  
Ким шаҳ авсофидин ўлғай гуфтугў.

Мен доғи мингдин бирин айлай баён,  
Сизга бирдин минггача айлай аён.

Бизга шохедурки шаҳлар шохидур,  
Ким бори аҳволимиз огоҳидур.

Бирлик ойинида зотидур онинг,  
Лек мингдин кўп сифотидур онинг.

Ул сифат офоқ аро шойеъ бўлуб,  
Борча онинг зотиға рожиъ бўлуб.

Кимсага урмоқ нафас имкон эмас,  
Бўлмайин ондин ирода ул нафас.

Сиздин ар бўлсун азим, ар худ ҳақир,  
Тавру вазъ ичра сағир, ар худ кабир.

Ҳар бирида неча минг пар бордур,  
Ҳар парида неча ҳар ён тордур.

Борчасиға бор онинг илми муҳит,  
Гар мураккаб бўлсун ул шай, гар басит.

Сизга онинг нашъасидиндур ҳаёт,  
Ким учарсиз ҳар тараф очиб қанот.

Они аъзонгизда қон янглиғ билинг,  
Жисм ихёсида жон янглиғ билинг.

Тан ичинда сизга ул жондин яқин,  
Ҳарне йўқ ондин яқин, ондин яқин.

Лек сиз минг йилчилик ондин йироқ,  
Қайси минг йиллиқки, имкондин йироқ.

Ондин ойру кимсага жондин не суд,  
Жонки онсиз бўлғай-ул ондин не суд.

Васли бирдамликки тушкай иттифоқ,  
Икки олам шоҳлиғидин яхшироқ.

Фирқатидаким ўлумдиндур хатар,  
Секкиз учмоқ, етти дўзахдин батар.

Лек мундоқ шаҳға васл осон эмас,  
Истамай кўп саъй ила имкон эмас.

Йўлида етса талабдин минг тааб,  
Ҳам анга етмас киши қилмай талаб.

Лекин ул водий ниҳоятдин узун,  
Қатъида офат ниҳоятдин фузун.

Умрлар урмоқ керак тинмай қанот,  
Неча каркас умрича бўлса ҳаёт.

Йўлда дарёлардурур хунобдин,  
Демайин хуноб — захри нобдин.

Тоғлардур тортқон гардунға тиғ,  
Тиғи барча қон тўқарга бедариг.

Ўт туташқон даштлар ҳар сори фош,  
Тортибон ёлинлари гардунға бош.

Бешалар муҳлик балолардин тўло,  
Шоҳи — андуҳу тааб, барги — бало.

Ҳам ҳавосинда булутлар чарх уруб,  
Бошқа ёмғур ўрнида тош ёғдуруб.

Ҳам саҳобидин чоқинлар чоқилиб,  
Тобидин оламда ўтлар ёқилиб.

Онда бир тун қўнғоли кошона йўк,  
Жисми қут олмоққа суву дона йўк.

Минг туман куш айлабон ул ён сафар,  
Урса минг йил ул ҳавода болу пар,

Бўйла йўл қатъ этмаги маълум эмас,  
Мақсадиға етмаги маълум эмас.

Лек улким бу талабда берса жон,  
Яхшироқким юз ҳаёти жовидон.

Чун жаҳон бўстонида ҳар навъ қуш,  
Неча кун топса учуш ёхуд қўнуш.

Навҳаи боғи фано тузмак керак,  
Ул тараф парвоз кўргузмак керак.

Чун улар водийи ҳижрон йўлида,  
Берса авли жонни жонон йўлида.

Эй хуш ул ўлмакки юз минг жонча бор,  
Қайси жонким умри жовидонча бор.

Давлату иқбол гар ёвар бўлуб,  
Толиъу бахту шараф раҳбар бўлуб.

Бўлса қатъ ул беҳаду андоза дашт,  
Ким фазосидин дейилди саргузашт.

Рўзи ўлғай то абад беинтиқол,  
Қатъ қилғон қушқа гулзори висол.

Ваҳдати жовид топқай шоҳға,  
Восил этгай ўзни зиллуллоҳға.

Пояси рифъатда бўлғай аршсой,  
Соясидин бумни қилғой ҳумой».

## XVIII

### **Қушлар Худхуддин Симурғнинг зуҳури бидоятин сўруб, ул оларға бу маънидин фасонае ва бу махфийдин нишонае дегони**

Бори қушлар дедилар:— «К-эй роҳбар,  
Бизга бер иш ибтидосидин хабар.

Ким бу султонким сипоҳидир туюр,  
Халқ аро аввал не навъ этти зуҳур?

Ким кўрубтур онию ҳолотини,  
Феълу асмоу сифоту зотини?

Тавфу сайрининг дегил кайфиятин,  
Амру наҳйининг дағи хосиятин.

Ким эрур сўз мушкилу бегона табъ,  
Бўлгудек девона юз фарзона табъ».

## XIX

### **Чин шаҳри сифати ва Симурғ пари онда тушконнинг кайфияти**

Деди Худхудким:— «Бу иш бўлмиш яқин,



Ким эрур машрикда шахри, оти — Чин.

Шахр йўқким, вусъат ичра бир жаҳон,  
Ўн жаҳон халқи саводинда ниҳон.

Хитгаси хушроқ Эрам гулзоридин,  
Суйи дилкашроқ биҳишт анҳоридин.

Бир кеча ул шоҳи давлат ошён,  
Даҳр аро парвозини айлаб аён.

Иттифоқо сайри тушмиш Чин сари,  
Ул саводу мулки хулд ойин сари.

Ул тун ул кишвар саросар ёрумиш,  
Воқиф элни бешуур этмиш ул иш.

Силкиниб Чин ичра тушмиш бир пари,  
Топмиш андин зебу фар Чин кишвари.

Рангу накш ул парда ғоятдин фузун,  
Ким онинг шарҳида сўз бўлғай узун.

Тонгласи чун келмиш эл ўз холиға,  
Боқиб ул бу ранг ила ашколиға.

Ҳар киши боғлаб тахайюлдин қалам,  
Қилмиш ул пар накшидин тарҳи рақам.

Борчанинг нақшу хаёл андешаси,  
Бу иш ондин бўлмиш ул эл пешаси.

Бир кишини қилмиш ул нақшу хаёл,  
Нақшу тасвир амрида соҳиб камол.

Оти — Моний<sup>1</sup>, хомаси — муъжизнамой,  
Санъати наззораси ҳайратфизой.

Бўйла нисбатлардин аҳли маънавий,  
Чинда дерлар коргоҳи Монавий,

Ул пар эмди гўйёким Чиндадур,  
Хурдек ул мулки хулд ойиндадур.

Бу эмиш ул пар зуҳурининг иши,  
Мундин ортуқ фаҳм қилмайдур киши.

Кўрмагидин кимса дам урмайдурур,  
Сўзни бу ғоятда еткурмайдурур.

Зотидин демайдурур худ кимса сўз,  
Ким эрур кўр, онда ҳар бинанда кўз.

Ул пар узра ҳар тараф тори онинг,  
Бил сифотининг намудори онинг.

Беадад накш ўлди ул пар холидин,  
Ноқил ул пар соҳиби афъолидин,

Ранглар ул парда беҳадду қиёс,  
Ҳукм асмосиға қилди раҳшунос.

Кимса тавфу сайри аҳволин демас,  
Ҳаргиз ондин ҳеч ер холи эмас.

Амру наҳйи барчамизға фарзи айн,  
Тарк амру наҳйида юз шўру шайн.

Келди маъмуриға уммиди висол,  
Осию обисиға бийми накол.

Ҳеч қайси қавм аро йўқ бўйла шоҳ,  
Онсиз ўлғонларға юз минг дарду оҳ».

Тушти қушларға бу ҳолатдин хурўш,  
Шавқ солди ҳар бири кўнглига жўш.

## XX

### Худхуднинг Симурғдин фасона сургони ва шавқ ўти қушлар ниҳодидин забона ургони

Дедилар Худхудғақим:— «Эй пешво,  
Бўйла шахнинг фирқати эрмас раво.

Даҳр аро бўлғай бу янглиғ шоҳимиз,  
Барча турлук ҳолдин огоҳимиз.

Биз жаҳолатқа гирифтор ўлғобиз,  
Фирқати ошубидин зор ўлғобиз.

Бўйла ғафлатқа ўлум рожихдурур,  
Аҳли хуш оллинда бу возихдурур.

Сен аромизда чу келдинг раҳшунос,  
Борчамиздин будур эмди илтимос.

Ким бориға муқтадолик қилғосен,  
Бу сафарда пешволик қилғосен.

Кирғобиз ул шаҳ йўлиға жон била,  
Жон овучлаб дидаи гирён била.

Васли комин айлағайбиз мултамас,

Истамакдин тинмағайбиз бир нафас.

Онча урғайбиз бу йўлда болу пар,  
Айлағайбиз қатъи онча бахру бар.

Ким висоли комиға ё етқобиз,  
Ё таманносида жон тарк этқобиз».

## XXI

### Худхуд қушларға кўнгил бериб, бу йўлга тарғиб эткони

Худхуд ул сўзлардин ўлди шоду хуш,  
Дедиким:— «Эй бир сурук афтодаваш.

Бизга чарх ўлса мусоид бахтиёр,  
Қилсангиз мундоқ сафарни ихтиёр.

Мен доғи бу йўлда жоним борича,  
Жисм аро тобу тавоним борича.

Борингизға айлайин ҳамроҳлик,  
Борча манзилдин берай огоҳлик.

Йўлда ҳар ғам етса ҳамдамлик қилай,  
Ёшурун дард ўлса маҳрамлик қилай.

Оллингизға мушкиле еткан маҳал,  
Саъй бирла айлай ул мушкилни ҳал.

Оллингизга келса ҳар яхши-ямон,  
Дафъида маъзур бўлмай бир замон.

Ҳам учарда ҳаминонлик айлайин,  
Ҳам кўнарда посбонлик айлайин».

Қавмдин фаҳм айлагач бу муддао,  
Айлабон борини таҳсину дуо,

Бошлаб ул мажмаъда асрори шигарф,  
Фош қилди бўйла сармастона ҳарф:

— «К-эй бори асрори ирфон мойили,  
Зотингиз бу ганжи пинҳон қойили.

Бадви фитратда бихишти Адн аро,  
Шохсори хулд аро дoston саро.

Борчангиз шаҳ сирриға маҳрам келиб,  
Розиға бир-бир билла ҳамдам келиб.

Ҳам онинг тасбеҳидин илҳонингиз,  
Ҳам онинг таҳлилидин достонингиз.

Кутунгиз зикри ғизонгиз ёди ҳам,  
Зикр ила фикридин урмай айру дам.

То фузули ўргутуб ул жамъни,  
Кўзунгуздин ёшуруб ул шамъни».

Етгоч ул мажмаъға мундоқ кўзғолон,  
Ҳар бири аввораи бехонумон,

Топмайин ул гулшани аслиға йўл,  
Балки кулли маҳв ўлуб хотирдин ул.

Даҳр боғи сори майл этган аён,  
Айлаган бу хокдонни ошён.

— «Бу ғарибистон аро бўлғон муқим,  
Кўнглунгуздин кетган ул нозу наъим.

Берса ҳақ тавфиқ жидду жаҳд этай,  
То яна сизни анга ҳамаҳд этай.

Бу сафарда ранжлардур таъмия,  
Кўнглунгузга етса ондин тасфия,

Бу манозил қатъидин етгач футух,  
Софий ўлса жисмингиз андоқки рух.

Жилва кўргузгай ҳамул аввалғи ҳол,  
Зоҳир ўлғай сизга айёми висол.

Шаҳ сифотиға бўлуб ирфонингиз,  
Зиндаи жовид бўлғай жонингиз.

Бўлғосиз сирру риёзат воқифи,  
Шоҳ бирла нафсингизнинг орифи».

## XXII

### **Худхуднинг Тўтини мухотаб қилиб, мақсад қасдиға тарғиб қилғони**

— «Сайроғил, эй Тўтии ширин калом,  
Нутқ ташрифи била олий мақом.

Хилъати ахзар била жуёи шаҳ,  
Йўл озикқонларға бўлғил Хизри раҳ.

Аввал ўз манзилгаҳингни ёд қил,  
Кўнглунг ул уммид бирла шод қил.

Ким ватан зотингга Ҳиндистон эди,  
Шаҳ ҳаримида саро бўстон эди.

Ҳам мақоминг шаккаристонни висол,  
Ул шакардин нўш этиб, айлаб мақол,

Шоҳ илки маскану манзилгоҳинг,  
Ҳар такаллум ҳолатидин оғаҳинг.

Кел бу ғурбатдин раҳил оғоз қил,  
Ул чаман сори яна парвоз қил».

### XXIII

#### Товус хитобида Ҳудҳуднинг нуктасаролиғи

— «Кўргуз, эй Товуси, гулзори аласт,  
Жилваиким қилғосен давронни маст.

Ҳам бошинг тожи раёсат маскани,  
Ҳам танинг нақди латофат махзани.

Қоматингга қисвати ҳусну жамол,  
Уйлаким васфида онинг нутқ лол.

Ҳам ярошиб хилқатингга хўблиқ,  
Ҳам мувофиқ зотингга маҳбублиқ.

Лек ёдингдин чиқиб ўз масканинг,  
Шаҳ қошинда жилва айлар гулшанинг.

Бир йўли ул равзани қилма унут,  
Бу харобобод маҳбас тарки тут.

Шоҳ базми шавқидин тортиб наво,  
Ул саро бўстон сари қилғил ҳаво».

### XXIV

#### Булбул навоси оҳангида Ҳудҳуднинг гулбонги

— «Чек наво, эй Булбули гулзори шавқ,  
Савти алҳонинг келиб асрори шавқ.

Ишқ лаҳнин минг наво бирла тузуб,  
Бенаволиғлар суруди кўргузуб,

Шаҳ гулистонида гул ҳусниға маст,  
Тортиб ул гул ишқидин жоми аласт.

Оташин гул жилва қилғач гул чоғи,  
Ҳар парингга ўт ёқиб бир яфроғи.

То тушуб ул тоза гулшандин йирок,  
Кул қилиб жисмингни нийрони фирок.

Қил ҳаво ул гулшани мийно сари,  
Майл кўргуз ул гули ҳумро сари.

Шоҳ бўстонида юз гул жилвасоз,  
Сенда ҳижрон шуъласидин минг гудоз».

## XXV

### Қумри лаҳни усулида Худхуднинг нағмасозлиғи

— «Нағма туз эй Қумрийи бўстони ҳол,  
Нағманг ичра мундариж алҳони ҳол.

Тайр хайлин бир нафас лол айлагил,  
Савту лаҳнинг бирла беҳол айлагил.

Солғонингдин бўйнунгга тасбеҳи юср,  
Тилга онинг васфида юзланди уср.

Буки ҳар бўстон аро саргаштасен,  
Қон била туфроқға ҳам оғуштасен.

Ким қилурсен нола маҳзунлар киби,  
Ишқ савдосида мажнунлар киби.

Ёд этиб сен гўйиё боғи висол,  
Ким бўлубсен бу сифат ошуфта ҳол.

Муждаким ул ғамда қолмай бенаво,  
Ҳам ўшул гулшан сари қилдинг ҳаво».

## XXVI

### Каклик хуруши савтиға Худхуднинг захма пардозлиғи

— «Қил хиром, эй Кабки кўхсори фирок,  
Лаъл этиб кўзунгни дарди иштиёк.

Ҳажр кўхистонида фарходвор<sup>1</sup>,  
Пўя қилмоғдин дами тутмай қарор,

Буки минқоринг бўлубтур лола фом,  
Қон ютардин бу далилидур тамом.

Қурб Қофин гўйиё ёд айладинг,  
Буъд аро мундоқки фарёд айладинг.

Қаҳқаҳа эрмаски тортарсен баланд,

Ким эрур ўз мотамингга захрханд.

Чунки қилдинг қурб Қофи сори азм,  
Тузгил эмди васл умиди бирла базм.

Васл умиди чун яқиндур шод бўл,  
Ҳажр тоғи тошидин озод бўл».

## XXVII

### Тазарв хироми суръатида Худхуднинг сайрдин дам урғони

— «Ишваи ноз айла, эй раъно Тазарв,  
Ким қулунг гулшан аро озода сарв.

Гулистон зеби жамолингдин сенинг,  
Гул хижил рухсори олингдин сенинг.

Жилвагоҳинг гоҳ боғу гоҳ роғ,  
Муфтахир зеболиғингдин роғу боғ.

Ҳам чаман аҳлиға сен маҳбубсен,  
Ҳам даман хайлиға сен марғубсен.

Гарчи беғоятдурур раънолиғинг,  
Бениҳоят ҳусн ила зеболиғинг.

Асру ўз хуснунгга мағрур ўлмағил,  
Ўз жамолинг бирла масрур ўлмағил.

Ёд қил ул ҳусни бенуқсонни ҳам,  
Ўтдек ул гулшан сари чеккил алам».

## XXVIII

### Дуррож равиши нисбатида Худхуднинг қадам урғони

— «Кел-кел, эй Дуррожким, бас хуб сен,  
Жон қушидек барчаға матлуб сен.

Беша ичра зеб гомингдин сенинг,  
Сабзаға равнақ хиромингдин сенинг.

Мастлиғдин савтинг асру дилфиреб,  
Мустамеълар кўнглидин олиб шикеб.

Ҳайъатинг матбуъу шаклинг дилпазир,  
Суратинг мавзуну нутқунг беназир.

Бўйла вазъу ҳайъати мафтун ила,  
Бўйла нутқу нағмаи мавзун ила.

Лойиқ аввал сенки беқайд ўлғосен,

Саъй этиб, бир шоҳға сайд ўлғосен.

Жон фидо қилғойсен, ул сургач, саманд,  
Бўлғосен умри абадқа баҳраманд».

## XXIX

### Кабутар ҳавоси парвозида Худхуднинг парвоз ҳавоси

— «Эй Кабутар, чарх уза парвоз қил,  
Ул ҳавода тоб урарни соз қил.

Неча бўлмоқ тийра ўз кошонада,  
Хонагўр ўлдунг кабутар хонада.  
Шоҳ қасрининг ҳавосин қил хаёл,  
Ул ҳавода ур замоне парру бол.

То қолибдурсен кўнгул парвозидин,  
Шоҳ қасри томининг андозидин.

Хотирингдин гўйе чиқмиш тамом  
Қаср султони уза олий мақом.

Ул тараф ур тобу қўн ул том уза,  
Сарфароз ўл гардиши айём уза.

Пай қўйиб бўйнунгға шояд тутқай ул,  
Топқосен асли кабутар хонға йўл».

## XXX

### Шоҳбоз ҳусну истиғноси васфида Худхуднинг раҳнамойлиғи

— «Ҳаббазо, эй Шоҳбози шоҳваш,  
Ҳайъатинг ҳам хуш, жамолинг доғи хуш.

Сарфароз айлаб сени қушларда ҳақ,  
Хўблугда барчадин элтиб сабақ.

Шоҳ илки масканинг бўлғон мудом,  
Тўъманг ул тортиб едурғон бардавом.

Ул силаб илкини парру болингга,  
Еткуруб минқор ила чанголингга.

Муддатеким чарх этиб зоҳир нифок,  
Шоҳ илкидин сени солди йирок.

Мубтало бўлдунг чу ҳижрон домиға,  
Табъинг ўрганди фирок айёмиға.

Бўл яна шоҳға гирифтору нажанд,



Илкини ўпмак била бўл сарбаланд».

### XXXI

#### **Шунқорнинг шоҳвашлиғи таърифида Худхуднинг мадҳоройлиғи**

— «Мархабо, эй Сунғури чарх ошён,  
Шаҳ кўлинда манзилинг айлаб аён.

Қушлар ичра шоҳлардек тожвар,  
Шаҳ кўруб бошингга лойиқ тожи зар.

Тожвар қушларға сен сархайл ўлуб,  
Шаҳға ондин суҳбатингга майл ўлуб.

Шоҳ базмида сенга олин мақом,  
Бениҳоят эҳтирому эҳтимом.

Чун келиб ўн ўзгаларча журъатинг,  
Шаҳ бериб ўн ўзгаларча қисматинг.

Илкини бўйнунгга мойил айлабон,  
Дурру гавҳардин ҳамойил айлабон.

Кўп йироқ туштунг бу ҳижронни унут,  
Шаҳ кўлиға туш, ватан илкида тут»»

### XXXII

#### **Қушларнинг йўл азмиға ҳужум кўргузгонлари ва риёзат шиддатидин баъзининг азиматиға футур юзлангони**

Чунки Худхуд айлабон оғози ишқ,  
Бу сифат қушларға сурди рози ишқ.

Қуш тили бирла тараннум айлади,  
Васлу ҳижрондин такаллум айлади.

Бўлди ул қушларға ҳижрондин малол,  
Васлдин ҳар бирга тушти юз хаёл.

Ҳар бири ёдиға келди ҳоллар,  
Ҳажр дардидин қотик аҳволлар.

Васл давронин унутмоғлиғлари,  
Ҳажр ойинини тутмоғлиғлари.

Билдилар ул бул ажаб асрордин,  
Ул румузи ишқ аро гуфтордин.

Не саодатдин йироқ тушконларин,  
Не ҳидоятдин қироқ тушконларин.

Бўлди Худхуд сўзидин огоҳлиғ,  
Ким алар-не жаҳл ила гумроҳлиғ.

Ишқ тариқидин йироқ этмиш баса,  
Бастаи доми фироқ этмиш баса.

Ўртаниб ўз шуълаи хирмонидин,  
Дуд чиқти ҳар бирининг жонидин.

Ёкин эрди ўчколи шамъи ҳаёт,  
Ҳар бирига баски юзланди уёт.

Бўлдилар ўз феълининг шармандаси,  
Ўз сулуку феълининг афкандаси.

Гарчи кўб хуноби ҳайрат юттилар,  
Узри мофот ўзларига туттилар.

Ким не янглиғ бўлса то бўлғай ҳаёт,  
Туну кун ул йўлда урғойлар қанот.

Бошлариға келса юз турлук бало,  
Ҳар балода бўлса юз минг ибтило,

Ёнмағайлар ул талаб водисидин,  
Қолмағайлар ул шараф ҳодисидин.

Чун бориға бўлди мундоқ иттифоқ,  
Чектилар давронға оҳанги фироқ.

Бўлдилар Худхудға пайрав сар-басар,  
Роҳрав ул хайлу Худхуд — роҳбар.

Туштилар йўлға нашоту ноз ила,  
Васл умедиға итик парвоз ила.

Чун неча кун бўйла тайрон қилдилар,  
Саъй ила қатъи биёбон қилдилар.

Меҳнати ранжу алам юзланди кўп,  
Шиддату ошубу ғам юзланди кўп.

Бўйла чун қатъи масофат қўйди юз,  
Нотавонларға кўп офат кўнди юз.

Нозпарвард эрдилар бўстон аро,  
Соғлиғ ашжори туби сон аро.

Бўлдилар йўл ранжидин фарсуда хол,  
Ҳар бирига қўйди юз беҳад малол.

Соғиниб осудалиғ бирла ватан,  
Боғу бўстон бирла гулзору чаман.

Нафс комию фароғат маъмани,  
Айш ойинию ишрат гулшани.

Ул азиматда топиб баъзи футур,  
Фаҳм айлаб ул таважжухда қусур.

Нотавонлиғ бирла ажз айлаб аён,  
Ҳар бири бир узр қилдилар баён.

Ўз қошинда узрини мақбул этиб,  
Ул таважжухдин ўзин маъзул этиб.

Қилдилар Ҳудхудға боре илтимос,  
Ким:— «Таваққуф қил даме, эй раҳшунос.

Бизда баъзи нотавон бўлмиш баса,  
Йўл борурдин хастажон бўлмиш баса.

Баъзи оллиға келибтур мушкилот,  
Ким сенинг раъйингдин истарлар нажот.

Баъзи оллинда суубатлар дурур,  
Ул суубатдин укубатлар дурур.

Ким эрур они баён қилмоқ зарур,  
Йўкса йўл азмиға юзлангай футур».

Раҳбар чун кўрди ожизлиғларин,  
Кўнди бир водида жамъ айлаб барин.

Ул чу бори нуктасиға тикти кўз,  
Деди:— «Айтинг қайси бирга бўлса сўз».

Чунки Ҳудхуд ул ҳаводин бўлди паст,  
Сўрғали кушлар сўзин қилди нишаст.

### **XXXIII**

#### **Тўтининг узри**

Тўти аввал узрин оғоз айлади,  
Бўйла ажз ойинини соз айлади.

Ким:— «Қушедурмен маконим гармсер,  
Ҳинд ақсосида қилғон сайри тайр.

Эл аро шуҳрат фасоҳатдин тутуб,  
Нукта бирла ғамлиғ элни овутуб.

Комронлар манзилим айлаб қафас,  
Ҳар малолат етса айлаб ҳамнафас.

Нозанинлар илкидин олиб хўриш,  
Қанду шаккар бирла топиб парвариш.

Рўбарўйим гоҳ бир кўзгу бўлуб,  
Гоҳ кўзгу чехралик маҳрў бўлуб.

Кўрмайин умрумда жуз кому нишот,  
Элга нуткумдин етиб юз инбисот.

То билиб ўзни қотиғлик кўрмаган,  
Ранж захридин ачиғлик кўрмаган.

Даргаҳеким пашшадур анда уқоб  
Пашшадин ожизроқ элга не ҳисоб.

Онгламон ўзники ул ён кетгомен?  
Ўзга қушлардек бу йўл қать этгомен?

Айлай олғаймен санга ҳамроҳлиғ?  
Ҳолатимдин бўйла топ огоҳлиғ».

#### XXXIV

#### Худхуднинг жавоби

Деди Худхуд:— «К-эй узун ҳарфинг ғалат,  
Барча гуфторинг хато бирла сахат.

Ҳарза нуткунгни фасоҳат соғиниб,  
Кажжа лафзингни балоғат соғиниб.

Айтиб ўз васфингда гуногун хилоф,  
Барча ҳашву барча лағву барча лоф.

Худпарастесен, ўзунгнинг ошиқи,  
Худписандесен — мазаммат лойиқи.

Фахр этарсен нутқ бирла кўзгуга,  
Ким эрур нуткунг муносиб кулгуга.

Кўзгу ул бўлғайки тортиб юз бало,  
Бергосен лавҳи замирингга жило.

Буки ҳар ҳинду қошингда шохдур,  
Дер бу сўзни ҳашвким огоҳдур.

Шоҳ улдурким — йўлидин қойтасен,  
Ҳар замон йўлсиз ҳадисе ойтасен.

Барча фосиддур хаёлотинг сенинг,  
Узр айтурға мақолотинг сенинг.

Бўлди монёъ гафлату гумрохлиғ,  
Ким етишмас кўнглунгга огохлиғ.

Уйғониб билсангки ҳолингдур қотиғ,  
Қилмағай ул дам пушаймонлиғ осиг.

Қилғонингдин юз хижолат чеккасен,  
Кавлу нутқунгдин малолат чеккосен.

Бўлғон эрмиш борча нақдинг носара,  
Нафс ила шайтонға зотинг масхара».

### XXXV

#### Истишҳодиға ҳикоят

— «Ғофиле кўйди кадам бозорға,  
Хайлу тобеъ нафси бадкирдорға.

Зарқ учун эгнида далқи Хизрваш.  
Лек ёшил барг бирла нафси хуш.

Урмиш эрди ташлағон асрори тоб,  
Кўрди дўконларда неъмат беҳисоб.

Эгри йўллар кўргузуб нафси даний,  
Солибон шайду гадолиққа ани.

Гоҳ талтифи мақол айлар эди,  
Гоҳ изҳори камол айлар эди.

Гаҳ каромотин қилиб эл ичра нақл,  
Гаҳ этиб зоҳир тариқи шаръу ақл.

Айлабон бу навъ юз афсуну дам,  
Олғуча ё лукмае, ё бир дирам.

Бўйла юз бози ебу бози бериб,  
Нафс матлубин юрур эрди териб.

Бангдин ҳар лаҳза юз фосид хаёл,  
Солибон кўнглига бир фикри мақол.

Етти ногаҳ бошиға соҳибдиле,  
Кўп манозил қатъ қилғон комиле.

Кўргач-ўқ, комилни шайёди дағал,  
Ул ямон ҳолидин ўлди мубтадал.

Деди:— «Пир оллимда касб этканни-тут,  
Ким кўрайким ҳосил айлабсен не қут.

Чун харита бошини очти лаим,  
Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим.

Кўрди жамъ ўлғон нажосатлар баса,  
Тушти ўт жисмиға андоқким хаса.

Пир ердин бир овуч туфроғу тош,  
Олибон берди ангаким қил маош.

Боқса ул туфроғ эмас олтун эрур,  
Тошлари лаълу дуру макнун эрур.

Ноқис ул ҳолатни кўргач ногихон,  
Комил ўлмиш эрди оллиндин ниҳон.

Ўзни ул хижлатдин ўлтурмак не суд?  
Оху войин кўкка еткурмак не суд?

Санга ҳолатким қилурсен кўп хурўш,  
Билки бор ул навъким ул сабзпўш».

## XXXVI

### Товус узри

Сўнгра Товус этти узрин ибтидо,  
Деди:—«К-эй, сен барчамизға муқтадо.

Мен қушемен қасру гулшан зийнати,  
Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати,

Суратим гулшанға оройиш дурур,  
Ҳайъатим кўрганга осойиш дурур.

Боғ аро мендин хазонда бўстон,  
Бешада мендан қиш ичра гулситон.

Жилва айлар чоғда ҳуллам зевари,  
Сар-басар оинаи Искандари.

Тенгри бермиш ҳусну зеболиғ манга,  
Ҳаддин ортиғ зебу раънолиғ манга.

Ким улус ҳуснум тамошо айлагай,  
Офарини сунъ ифшо айлагай.

Ҳар кишини қилди ҳақ бир иш учун,  
Нўш учун бирнию бирни ниш учун.

Ишки қилмиш эзиди доно насиб,  
Ҳам ул ишта ҳар не келса ё насиб.

Тенгри амридин бири маҳбуб эрур,  
Лек шайтони лаин манкуб эрур.

Ҳар бирига ўз тариқидин фирок,  
Зоҳиран таклиф зрур «мо ло юток».

### XXXVII

#### Ҳудҳуднинг жавоби Товусқа

Ҳудҳуд ул сўз нафйиға очиб нафас,  
Деди:— «К-эй жаҳл аҳли янглиғ булҳавас.

Улча зоҳир айладинг ақволдин,  
Келгай ул мажнундину атфолдин.

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,  
Кимки ондин фаҳр этар одам эмас.

Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,  
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши.

Барча сурат аҳлиға ашрафдур ул,  
Ким сувардин элтгай маъниға йўл.

Сенки бу суратқа бўлдунг мубтало,  
Ур тамасхурға улус ичра сало.

Зеби зоҳир жуз тамасхур келмади,  
Кимсага ондин тафохур келмади».

### XXXVIII

#### Ҳикоят

— «Ҳиндуйи зоҳир қилиб нақшу нигор,  
Айлади кўп булажаблиғ ошкор.

Тож қўйди бошиға ул масхара,  
Даврида онинг саросар кунгира.

Тож ила кисватки тартиб айлабон,  
Бори кимсон бирла тазҳиб айлабон.

Ёнида бир табл ҳинди чолғучи,  
Ҳиндуйу раққос оёлғу олғучи.

Тебратиб бошин ҳамон, илкин ҳамон,  
Ҳиндуосо лаъб бирла ҳар замон.

Зеб аро оройиши бўстон киби,  
Жилвада товуси Ҳиндустон киби.

Айлади майдон аро хангома тез,  
Даврида авбош солиб рустахез.

Бу маҳалда мухтасиблар егтилар,  
Ул ғулув ҳарён ҳазимат эттилар.

Туттилар ҳиндуи нофаржомни,  
Ҳашвлиғда нодири айёмни.

Табли бирла тожини синдурдилар,  
Дарра аъзосин яланглаб урдилар.

Бўлди ибрат олғудек ул санъати,  
Тожи давлат бўлди тожи зийнати».

### XXXIX

#### Булбул узри

Деди Булбул:— «К-эй бу мажмаъға далил,  
Мен бўлубмен гул ҳавосидин залил.

Ондин ойру ошику девонамен,  
Ақлу ҳушу сабрдин бегонамен.

Онсизин йўқ сабр ила тоқат манга,  
Қойда, ёро, чеккали фирқат манга.

Токи гул бўстонда бўлғай жилвасоз,  
Минг наво бирла қилурмен шарҳи роз.

Ишқида ҳар лаҳза афзун шиддатим,  
Ҳусниға ҳар лаҳза ортиб ҳайратим.

Боғдин ул кетгач, ўлдум гунгу лол,  
Йилға тегру йўқ тараннумға мажол.

Ҳам онинг ёди била боғ ичрамен,  
Ҳажридин юз дард ила доғ ичрамен.

Ул дурур кўнглумда ҳам, жонимда ҳам,  
Кўзда ҳам, пайдоу пинҳонимда ҳам.

Шоҳға комил таважжухдур равиш,  
Бўйла ошиққа қачон бўлғай ул иш».

### XL

#### Ҳудхуд жавоби Булбулға



Худхуд ул афсонани чун қилди гўш,  
Деди:— «Кўп қилма бу ишқингдин хурўш.

Ишқ эмастур бу — ҳавасдур сар-басар,  
Гар ҳавасдур, мунча, бас, эй беҳабар.

Сен киби оламда нодон бўлмағай,  
Нафсқа маъмури фармон бўлмағай.

Ким ясаб сен ўзни ошиқ зўр ила,  
Кўргузурсен ишқ аро минг шўр ила.

Бир чечаккаким — вафоси йўқ онинг,  
Умр боғинда бақоси йўқ онинг.

Йилда беш кунким чаманда очилур,  
Ўн кун ўтмай туфроғ узра сочилур,—

Кимса бу пайкарга ошиқ бўлмағай,  
Ким бу ошиқликка лойиқ бўлмағай.

Бил они маъшукким юз хаста хол,  
Ўлсау этса — анга йўқтур завол.

Гарчи бу ишқингда шайдолик дурур,  
Лек онинг поёни расволик дурур».

## **XLI**

### **Ҳикоят**

«Сайр учун шоҳи сурар чоғда фарас,  
Ошиқ ўлди бир гадои булҳавас.

Оху вовайлоу афғон бошлади,  
Халқ аро ғавғоу тўфон бошлади.

Сендек ошуб айлабон афғон ила,  
Нола айлар эрди минг достон ила.

Телбалардек турмайин маскан аро,  
Ўзни кулга булғабон гулхан аро.

Шаҳға маълум ўлғоч ул ишқу жунун,  
Истади ошиқни қилмоқ озмун.

Отланиб филҳол андоқким дурахш,  
Имтиҳонға сурди гулхан сори рахш.

Деди:— «Ул гумроҳни судраб келтурунг,

Хизматимға еткуруб буйнин узунг».

Чунки они тортибон келтурдилар,  
Ишқ аро матлубиға еткурдилар.

Қатл ҳукми қилди шоҳи бахтиёр,  
Ваҳмдин қочти гадо беихтиёр.

Айлар эрди ҳушсиз ҳар сори майл,  
Тутмағиға пўягар ҳар сори хайл.

Тутти энтиккондин ул гулханга йўл,  
Беҳуд ўзни ўтқа ташлаб куйди ул.

Шоҳға бу уммид ким ошиқ эса,  
Ишқ даъвоси аро содиқ эса.

Қатл ҳукми чун етар қилса қабул,  
Шоҳ отдин оллида қилған нузул.

Узр ила дилхоҳлиғлар айлағай,  
Ҳолидин огоҳлиғлар айлағай.

Шаҳга қилғай сидқ ила ихлос они,  
Ҳам мусоҳиб, ҳам надими хос они.

Ул гадо чун ишқ аро эрди дағал,  
Бўлди расволикқа аҳволи масал.

Гар санга ҳам етса гулдан бир тикан,  
Гулхан ўлғай масканинг, йўқким чаман».

### ХIII

#### Қумри узри

Деди Қумриким:— «Аё фархундарой,  
Ғафлату гумроҳларға раҳнамой.

Мен кушидурмен чамандин чиқмағон,  
Дашту водий сайридин торикмағон.

Заъфу ожизлик шиор ўлғон манга,  
Шоҳу барг ичра қарор ўлғон манга.

Не совуғ кўрган жаҳонда, не исиг,  
Не ирик бошимға келган, не қотиғ.

Боғдин боғ ичра кўргузгон сафар,  
Шохлардин барг аро қилғон мафар.

Бўйла йўл ранжи чека олғайму мен,

Бу җавас тухмин эаолғайму мән.

Қўйдум эрса бу машаққат жонима,  
Куч била кирмакдурур ўз қонима».

### XLIII

#### Худхуднинг жавоби Қумриға

Деди Худхуд:— «К-эй забуни ажзкеш,  
Шавку дард ичра кўнгулни иста реш.

Минг йил ўлса боғ аро манзил санга,  
Шоҳ ила барг ичра не ҳосил санга.

Ғайр улким ётибон йўлунгда шук,  
Қормабон қонингни ичкой бир мушук.

Ё биров газ бирла бўлғай қотилинг,  
Ё гуруҳа бирла қилғай бисмилинг.

Мундин ўзга айшу коминг не экан?  
Гулшан ичра эҳтироминг не экан?

Бўйла мурдор ўлгуча ғафлат аро,  
Ўзни ўртаб шуълаи фирқат аро,

Эр эсанг, мақсуди асли истабон,  
Йўлға кирсанг ёр васли истабон,

Ўлсанг ул йўл ичра ранжу дард ила,  
Жисми зору жони ғампарвард ила,

Яхшироқ юз қатла ул офотдин,  
Ор қилғудек даний авқотдин».

### XLIV

#### Ҳикоят

— «Боғбоне бор эди бас беҳунар,  
Боғбонлиқ санъатидин беҳабар.

Не шажар пайванд қилмоқ шеваси,  
Ким ҳаловат ҳосил эткай меваси.

Не ёғоч паркови бирла парвариш —  
Айлай олибким, шажар қилғай равиш.

Вақт ила не дона сочмоғни билиб,  
Ким фараҳ қилғай гули ҳосил қилиб.

Боғ аро анборкашлиғ бирла хуш,

Боғбон йўқким, дегил анборкаш.

Чун кўруб бу навъ ранжу тоб анга,  
Пандлар деб аҳли хуш аҳбоб анга.

Ким бу беҳосил ишингни тарк тут,  
Ўзни бир ҳосиллик иш бирла овут.

Жоҳил ул меҳнатдин ўлмай мужтаниб,  
Эрди ул меҳнат чекорга муртакиб.

Токи бир жўя аро кесмакта ток,  
Айлади они йилон санчиб ҳалок».

## XLV

### Кабутар узри

Сўнгра шарҳ этти Кабутар арзи ҳол,  
—«К-эй ҳидоят фаннида соҳиб камол.

Барча кушлар ичра ҳайи ло ямут,  
Манга қисм этмиш улус илкида қут.

Эл ясаб маскан манга қошона ҳам,  
Келтуруб оллимға суву дона ҳам.

Даҳр аро эл бандининг маҳбуси мен,  
Бу сабаб бирла олар маънуси мен.

Тенгри бу ҳолат насиб этмиш манга,  
Хони қисматдин бу иш етмиш манга.

Ҳақ насиб эткондин этмак ижтиноб,  
Ақл қонунида бўлғайму ҳисоб?

Шукр айлаб қисмат этконга илоҳ,  
Чекмасам авло бу ранжи умрқоҳ».

## XLVI

### Худхуд жавоби Кабутарга

Деди Худхуд: «К-эй баҳона фан санга,  
Гўшаи макру хайл маскан санга.

Кушлар айлаб ҳолатингдин ҳайрате,  
Йўқ сенингдек бир яна беғайрате.

Ким санга тенгри насиб айлаб қанот,  
Қилғудек бир дамда қатъи коинот.

Сен халойикқа бўлуб фармонпазир,  
Дона бирла сув учун зору асир.

Қовғали хайлингни тобар эҳтимол,  
Латгани бошиға боғлаб бемалол.

Қовубон сиз хайли нофаржомни,  
Лавсунгиздин холи айлаб томни.

Сиз бу жавру зажр бирла кетмайин,  
Ғайр ул том узра-ўқ майл этмайин».

## XLVII

### Ҳикоят

— «Халқ ичинда бор эди беғайрате,  
Элга беғайратлиғидин ҳайрате.

Мушту силли бирла аппони ебон,  
Элдин олиб лукмау они ебон.

Қовлабон, кетмай халойик кўйидин,  
Балки чикмай дун сифатлар уйидин.

Бу жафоларға туз этмиш эрди нарх,  
Қайси бир тепса, уруб бир катла чарх.

Ул муқаррар муздин олур эди,  
Нафс комин оғзиға солур эди.

То бериб бир пора нон чуст даст,  
Қилди бир мушт урғоч, ондоқ ерга паст.

Гарчи силлилар емоқдин тўк эди,  
Мушт еб гўёки ҳаргиз йўқ эди.

## XIVIII

### Кабки дарий узри

Ёна ажз айлаб аён Кабки дарий,  
Деди:—«К-эй мажмуъи қушлар раҳбари.

Мен қушидурмен — кўҳистон манзилим,  
Онда тенгри ҳамдиға зокир тилим.  
Даҳр эли ошубидин силкиб этак,  
Тоғ этогинда топиб орому так.

Чун бўлиб толеъ рафику бахт ёр,  
Куллаи узлатни айлаб ихтиёр.

Тоғ ганжи чун манга бўлди мафар,

Не муносиб ҳолима мундоқ сафар.

Кон уза доим хиромимдур менинг,  
Гавҳари бу ишта комимдур менинг.

Гавҳари маъни ҳамоно ул дурур:  
Сайри бемаъни манга бу йўл дурур».

## XLIX

### Худхуд жавоби Кабутарга

Деди Худхуд:— «К-эй хаёлотинг маҳол,  
Йўқ димоғинг ичра жуз ботил хаёл.

Тоғ аро дерсенки туттум инзиво,  
Инзиво эрмас эрур нафсу ҳаво.

Ҳарза гардисен югурмаклик ишинг,  
Пўя тоғу қулла узра варзишинг.

Қаҳқаҳа ҳар лаҳза айлаб бежихат,  
Ким мажонин шевасидур бу сифат.

Гавҳари маъники мазкур айладинг,  
Номуносиб амр мазбур айладинг.

Сен киму маъни ким, эй мажхули маст,  
Жаҳл бирла мастлиғдин худпараст.

Гавҳари маъни саридин урма дам,  
Ўзни бу ёлғонга қилма муттаҳам.

Ким эрур ул маҳз бадгавҳарлиғинг,  
Айни бемаънилиғу абтарлиғинг.

Ким ҳамул ёлғонга бўлғунг мубтало,  
Келгуси ондин бошингга юз бало».

## L

### Ҳикоят

— «Бир улуснинг қалбию бад ахтари,  
Қўйди бир шаҳр ичра отин жавҳари.

Тонимай хармуҳрани ферузадин,  
Фориғ этти нафсни дарюзадин.

Айлабон гавҳар вуқуфи бирла хос,  
Айлади ўзни гадолиғдин халос.

Ранги гуногун қилиб биллури соф,

Лаъл ила ёкут деб ойтиб газоф.

Бўйла маҳмалларки деб ул нотамом,  
Чин гумон айлаб тамом ондин авом.

Токи сотти бир кун ул қалби дағал,  
Бир ғаниға соз этиб мундоқ амал.

Бениҳоят нақдға бир пора тош,  
Ким они хуш ранг айлаб эрди фош.

Важҳни оз кунда борин сийпади,  
Гавҳар олғон чун ул ишни онглади.

Ким бир олтунлуқ биллури лаългун,  
Юз минг олтунға сотибдур қалби дун.

Гавҳари беайн иқола айлади,  
Туттию важҳин ҳавола айлади.

Ҳаббаси йўқ эрди чунким кўрдилар,  
Қалбни қин остида ўлтурдилар».

## LI

### Тазарв узри

Ёна арз этти Тазарви гулузор:  
— «К-эй ҳидоят шевасида номдор.

Мен қушидурменки қилмиш хусну зеб,  
Гулшан ичра суратимни дилфиреб.

Тенгри рўзи хусну зеб этмиш манга,  
Лутфу раънолиғ насиб этмиш манга.

Чунки ифроти жамолу хўблуг,  
Айлади зоҳир манга маҳбублуг.

Нозу истиғно бўлиб маҳбуб иши,  
Ранжи хўб элға раво тутмас киши».

## LII

### Худхуд жавоби Тазарвға

Деди Худхуд:— «К-эй хаёлинг булажаб,  
Ҳам хисолинг, ҳам мақолинг булажаб.

Кимса мундоқ ҳарф ҳаргиз сурмади,  
Ўз жамолу хуснидин лоф урмади.

Келмагай бу сўз мажонин хайлидин,

Жамъи гўлу тифл ойин хайлидин.

Қаҳбаларким хулла қилғой ранг-ранг,  
Бу такаллумдин аларға ору нанг.

Кимса бу даъвий муҳаддас қилмағой,  
Демойин эрким муханнас қилмағой.

Ноқисеким сўрса бу янглиғ калом,  
Қўймағон хушроқ бу йўл азмиға гом.

Сенки хотунлар кибисен худписанд,  
Еткуси зотингға эрлиқдин газанд.

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,  
Эр эмас фахр айлағон зийнат била.

Эрга хулку феъл эрур зебу камол,  
Янги заркаш хулласидур эски шол».

## ЛШ

### Ҳикоят

— «Туштилари бир йўл аро икки рафиқ,  
Бир эди йўлсиз, бири соҳиб тарик.

Бири ноқисваш, бири комил сифот,  
Онга Мудбир мунга Муқбил эрди от.

Ҳар бирига зот эди оти киби,  
Ул сифатким от эди зоти киби.

Муқбил айтур эрди аҳлиллоҳдин,  
Динда хайли комилу огоҳдин.

Аҳли нуқсондин эди Мудбирға сўз,  
Ўйлаким бут васфидин кофирға сўз.

Дарду сўзи холдин ул нукта деб,  
Лавну зебу рангдин бу ҳарза деб.

Топмайин бир-бирларидан ҳеч баҳр,  
То намудор ўлди бир фархунда шахр.

Иккиси они ғанимат билдилар,  
Бир-бирисидин равон ойрилдилар.

Бу бирига кўйи фақр эрди тараф,  
Бўлди ул бир озими байтул-латаф.

Шаҳ муни кўрмакка келди сарфароз,



Кўргузуб юз ҳурмату ажзу ниёз.

Онда эрди шаҳки, боғлаб устивор,  
Мудбири ноқисравиш, не хожавор.

Келтуруб арз эттилар хайли асас,  
Ким ичиб бу-кеча жамъи булҳавас.

Воқеъ ўлмиш қону бу боис эмиш,  
Ким муни мақтул бадҳайъат демиш.

Мунча сўзга бу лаими худписанд,  
Онга ханжар бирла еткурмиш газанд.

Шоҳ эшитгач бўлди адл амриға хос,  
Қилди Мудбирға равон ҳукми қасос.

Худ шиканга етти ул олий мақом,  
Худнамо топти бу янглиғ интиқом.

Учкун ўлди озими чархи барин,  
Қолди қозурот уза ишнар чибин».

#### LIV

#### Қорчиғой узри

Қорчиғой қилди аён гуфторини,  
Кўргузуб чангол ила минқорини:

— «Ким, манга қушлар киби эрмас ҳисоб,  
Ким баче қушларға мен молик риқоб.

Мунча қушким бўлди гуфтори санга,  
Билки, тўмадурлар ул бори манга.

Зотима шаҳлар қўли оромгоҳ,  
Тўма ҳар кун еткуруб оллимға шох.

Қайси қуш қасдиға очсам пару бол,  
Насри тойир бўлса махласдур маҳол.

Шаҳлар оллинда топиб бу эътибор,  
Шавкатим Симурғча билфеъл бор.

Шаҳ қўли тахтимдуру бошимда тож,  
Йўқ манга Симурғ сори эҳтиёж».

#### LV

#### Худхуд жавоби Қарчиғойға

Деди Худхуд:— «К-эй ғурур илкида паст,

Жахл ила ғафлатқа бұлғон зери даст.

Шох аёғингға солиб банди азим,  
Йўкки шах, ҳар қайси сайёди лаим.

Очлиғу беҳоблиғ онча бериб,  
Ким сўнгах узра этинг бори эриб.

Еткуча бир лукма эт бедод ила,  
Еб улус мағзин ўкуш фарёд ила.

Тенгри қисм этконни еб, эй зори дун,  
Лек ўлуб дунларға мухтожу забун.

Қайси сайдеким сен они овлабон,  
Қушчи ташлаб, табл чолиб, қовлабон.

Сен ўзунгдин ҳар забунроқ чун топиб,  
Жуъдин беҳуд учуб, етгоч қолиб.

Топшуруб элга, итоат айлабон,  
Қушчи бергонга қаноат айлабон.

Бу забунлуғлар била мунча газоф,  
Ҳам қилиб изҳор урғон чоғда лоф.

Гар ҳамият бўлса эрди ё уёт,  
Бўлмағой эрди уётингдан ҳаёт.

Лек чун нодонлиғинг қолибдурур,  
Нафс мундоқ ёваға роғибдурур».

## LVI

### Ҳикоят

— «Кўҳие тоғ ичра бир ойиғ тутуб,  
Ўргатиб эрди они кўп қон ютуб.

Ром бўлғунча еб эрди ул саёғ —  
Кунда икки қатла ўлғунча таёғ.

Очлиғ бирла таёғи беҳисоб,  
Ичу тошин айлабон бетўшу тоб.

Ўйлаким солса ёғоч ҳар чирадаст,  
Ўзга сори ул бўлуб туфрокка паст.

Ҳам эшикларда ўйунчилик этиб,  
Ҳам уйи сори ўтунчилик этиб.

Юклабон эгнига беандоза юк,

Юк таширдин қолмайин эгнида тук.

Ҳар жафоким мумкин ўлғай тортибон,  
Жаҳлдин нафсида пиндор ортибон.

Гаҳ хаёл айлабки қоплон бошини,  
Ёнчқай отиб макру удвон тошини.

Гаҳ гумон улким йўлуқса шарза шер,  
Тўьма айлой қорнини ёриб далер,

Бу сифат тўьма хаёл этти баси,  
Токи охир бўлди итлар тўьмаси.

Ҳар замон бу ҳарза қилмоқтин гумон,  
Халқ ичинда сен ҳамон сен, ул ҳамон».

## LVII

### Шунқор узри

Деди Сунгур:— «К-эй улусқа роҳбар,  
Амринга тобеъ келиб огоҳлар.

Манга ҳақ бир рутба зоҳир айламиш,  
Ким бори қушларға қодир айламиш.

Борча шаҳлар чун мубоҳидур манга,  
Исм қушлар подшоҳидур манга.

Бошима олтун тумоға тожи зар,  
Чун мени ҳақ бўйла қилмиш тожвар.

Сен чун воқифсен бори ҳолотима,  
Хайл аро ҳам зотима ҳам отима.

Хўб эмас бир шаҳ қўюб бошиға тож,  
Ўзга шаҳга зоҳир этмак эҳтиёж.

Шоҳлиғ ойиниға рожеъ бўлай,  
Невчун ўзга шоҳга тобеъ бўлай?»

## LVIII

### Худхуд жавоби Шунқорға

Деди Худхуд:— «К-эй фақири тийра рой,  
Бу хаёлинг зотинга ваҳшатфизой.

Буки шаҳлиққа таҳаввурдур санга,  
Бас ажаб ботил тасаввурдур санга.

Эй басо зангеки келди тийра зот,

Ким анга халқ ичра кофур ўлди от.

Исм аро султонун шаҳ шоеъдурур,  
Бу бори арзолга воқеъдурур.

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,  
Келмас ишни илкидин дерму бўлур.

Қавми нодонким дегайлар сени шох,  
Бутни ё ўтни дегондекдур илоҳ.

Зотинга шатранж шохидур адил,  
Ким ўзидек ўтрисиндадур бадил.

Не шаҳ ўлғойким, они ҳар дунин хас —  
Кўкка элтиб, ерга урғай ҳар нафас.

Ул шаҳу сен шаҳ эрур беҳад йирок,  
Бўйла шаҳлиғдин гадолиғ яхширок».

## LIX

### Ҳикоят

— «Хисраве тарх этти бир фархунда сур,  
Кишвар аҳлига аён бўлди сурур.

Онда зийнат ҳадду поёндин фузун,  
Ҳарне ким бўлғай гумон ондин фузун.

Боғладилар мулкин ойин сар-басар,  
Шаҳр элида зебу тазийин сар-басар.

Санъат аҳли боғлабон бисёр тоқ,  
Меҳри рахшон авжидек юз чор тоқ.

Таъбия боғлаб бисе аҳли ҳунар,  
Топиб ондин мулку кишвар зебу фар.

Кўб ажуба зохир айлаб рўзгор,  
Ўз фусунидин бўлуб омузгор.

Ҳар киши лаъби қилиб кулмак учун,  
Ишрат ортиб ҳузн ўксулмак учун.

Жамъ аро бир қалтабони беҳаё,  
Отин айлаб подшоҳи бўрё.

Бўрёдан сар-басар қисват анга,  
Содоғу қалқон ила роят анга.

Ўзидек ёсаб нечани ёр сара,

Йўқ сара, неча лаими масхара.

Базм майдони аларға жилвагоҳ,  
Зоҳир айлаб бидъати ҳар дам табоҳ.

Ўзни шоҳи кишваройин соғиниб,  
Ҳарне қилса ҳазл ила чин соғиниб.

Чунки охир бўлди суру таъбия,  
Тутти ул аблах ўзига таъзия.

Чатр ила тожин бошиға урдилар,  
Бўрө тўнин бузуб куйдирдилар.

Бўлди бу ҳамгомадин оғоҳлиғи,  
Ким тамасхур эрмиш онинг шаҳлиғи».

## LX

### Бургут узри

Кирди Бургут ўртаға, яъни Уқоб, Деди:—  
«Эй қушлар аро молик рикоб.

Манга ҳолат ўзга қушлардек эмас,  
Кумрию булбулдек эл васфим демас.

Савлатим муфритдуру қаҳрим ямон,  
Тоғ мулки ичра менмен қаҳрамон.

Неча каклик тўмадур ҳар кун манга,  
Бўлмаса бу уйқу келмас тун манга.

Тўма истаб чун ҳаво туттум бийик,  
Эмин эрмас не қулону не кийик,

Улки бўлғай бўғзи бу янглиғ улуғ,  
Йўл нетиб қатъ айлагой бўлмай озук.

Мени бу йўлда қанот кўп солди тут,  
Қорин оч ўлғоч — йиқилиб қолди тут».

## LXXXI

### Водий бошиға етиб қушларни хайрат забун этиб, бир қушнинг саволи

Чун аларға Худхуд ўлди пешво,  
Йўлни қатъ айларга қилдилар ҳаво.

Урдилар чунким неча кун болу пар,  
Еттилар водий бошига ул ҳашар.

Бениҳоят водие бўлди падида,  
Ким кўрунғач, уздилар жондин умид.

Меҳнат онда ҳадду ғоятдин фузун,  
Ҳажр шомидек ниҳоятдин фузун.

Умр ила жон офати наззораси,  
Қатъ қилмоқдин йўқ ўзга чораси.

Жонлариға тушти ҳавлу ҳайбати,  
Ким демактин кўпрак эрди шиддати.

Водие эрди халойиқ етмаган,  
Вусъатини ҳеч қуш қатъ этмаган.

Барчаға сустайди жисму пару бол,  
Бир қуш ул дам қилди Ҳудҳуддин савол.

Ким недин холи экин оё бу йўл,  
Фикр этиб мундоқ жавобин берди ул.

Ким эрур холи улус ғавғосидин,  
Шоҳ иззу жоҳу истиғносидин.

## LXXXII

### Ҳикоят

Хилватидин чиқти бир кун Боязид,  
Ким ул эрди қобили хилмин мазид.

Кеча ойдин тобидин равшан эди,  
Чарх анжум вардидин гулшан эди.

Баҳри ахзардин кавокиб тобнок,  
Ҳар бири раҳшандаликдин дурри пок.

Тортибон афлоки олий боргоҳ,  
Рифъату вусъат тузуб бу коргоҳ.

Ақл ожиз сайр ила оромида,  
Ҳуш қосир вазъ ила андомида.

Бўйла даргоҳ ичра пири бохабар,  
Кўрмади махлуқ жинсидин асар.

Неча қилди саъй ила жўяндалиғ,  
Шаҳру тоғу дашт аро пўяндалиғ.

Кимсадин мутлақ нишоне топмади,  
Ўздин ўзга нотавоне топмади.

Деди холи недин эркин, ё илох,  
Дард ила шавқ аҳлидин бу боргоҳ.

Бунда кўнглига хотиф айлади,  
Жонини бу навъ воқиф айлади.

Ким эрур бу дарғаҳи иззу жалол,  
Ҳар киши йўл топмағи йўқ эҳтимол.

Шаҳ ҳарими иззининг поёни йўқ,  
Ҳар гадо маҳрамлиғи имкони йўқ.

Умрлар жон чексалар аҳли талаб,  
Бири бу давлатқа етмоқдур ажаб.

### LXXXIII

#### **Водий суубатидин қушлар Худхуддан саволот қилғони ва онинг жавоб айтмоғи**

Нукта бу янглиғки сурди раҳшинос,  
Роҳрав қушларға юзланди ҳарос.

Ким ниҳоятсиз балоға туштилар,  
Ғояти йўқ ибтилоға туштилар.

Йўл кўрунур эрдию поёни йўқ,  
Дарди муфрит эрдию дармони йўқ.

Ранж ўти кўкка чекар эрди алам,  
Аршни куйдургудек, курсини ҳам,

Ўйла секрир эрди истиғно ели,  
Синғудек бу гунбади хазро бели.

Бўйла йўлни ул неча афтода қуш,  
Жисм бирла жонлари меҳнатқа туш.

Қатъ қилмоқ қайда бўлғай эҳтимол,  
Ким хаёлин этса ҳам бўлғай маҳол.

Жонлари чун қолмади ул бийм ила,  
Жамъ ўлуб бориси юз таслим ила.

Кўргузуб Худхудқа кўп ажзу ниёз,  
Дедилар:— «К-эй пешво-у сарфароз.

Чун сени ҳақ бизга қилди муқтадо,  
Ажзимизни фарздур қилмоқ адо.

Сен чу бу йўлдин эрурсен бархабар,

Доғи биз берохларға рохбар.

Бизга мушкуллар дурур бу азм аро.  
Ким эрур фарз они қилмоқ можаро.

Ҳар биримиз санга арз этмак сўзин,  
Ранжу меҳнатдин халос этмак ўзин.

Сен борининг мушкилин ҳал айламак,  
Шарҳида сўзни муфассал айламак.

Нукта тафсилида бўлмоқдир фишон,  
Сўзни сойилға қилиб хотирнишон.

Хотирининг шубҳани рафъ айлабон,  
Кўнглининг мажҳулини дафъ айлабон.

Жамъ этиб кўнглин бори ашколидин,  
Қутқориб ҳар навъ мушқил ҳолидин,

Тафриқа қўймай кўнгулда қил учи,  
Ким керактур тинч йўл қатъ эткучи.

Бир нафас бир маъман ичра ўлтуруб,  
Хайл кўнглин ҳар хатардин тиндуруб.

Мушкилин ҳар ким санга қилса хитоб,  
Ҳаллида сен ҳам анга айтиб жавоб.

Қолмоғондин сўнг кўнгулларда хатар,  
Ҳеч хотирда хавотирдин асар,

Жамъ хотир бирла қилмоқ йўлға азм,  
Бу улук мақсадқа тутмоқ ўзни жазм.

Йўқса йўл бир кун-икки кунлук эмас,  
Бал киши поёниға етгук демас.

Бўйла йўл қатъида жамъ ўлмамай кўнгул,  
Шубҳа бирла бормоғи мушқил дегул».

Пешвоға тушти маъқул ул мисол,  
Деди:— «Жамъ ўлдик бори аҳли савол».

Илтимосин хайлнинг айлаб қабул,  
Бир бийик манзил топиб қилди нузул.

Кўндилар онинг била хайлу сипоҳ,  
Нукта сурди муршиди ирфон паноҳ.



## LXXXIV

### Бир қушнинг саволи

Деди:— «Сўрдик кимда бўлса мушкиле?»  
Бўйла сўз солди ароға сойиле:

— «Ким, аё бу хайлдин бўлгон азиз.  
Чун сену биз барчамиз бир жинсбиз.

Тенгдурур чун боримизга болу пар,  
Сен нединсен — бохабар, биз — бехабар?

Бу тафовутни саросар шарҳ қил,  
Ким нединдур — бизга равшан айлағил».

## LXXXV

### Худхуднинг жавоби

Ўтруда бу бўлди Худхуднинг сўзи:  
— «Ким манга тушмиш Сулаймоннинг кўзи.

Ҳақ таолоким анга айлаб назар,  
Ҳам расул айлаб эди, ҳам тожвар.

Жинну инсу ваҳшу тайр устида шох,  
Айлаб эрди они лутф айлаб илоҳ.

Бўйла соҳиб давлати, соҳибсарир —  
Илтифотин топти мен янглиғ ҳақир.

Ондин ўлди бу қадар иззат манга,  
Бош уза бу афсари рифъат манга.

Кимга-ким айлар назар аҳли сафо,  
Ул назар туфроғни айлар кимё».

## LXXXVI

### Шайх Нажмиддини Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи

«Шайх Нажмиддин Кубро<sup>1</sup> — қутби даҳр,  
Бир назардин кимгаким еткурса баҳр.

Ёрубон нури вилоятдин кўзи,  
Ўзлугидин ойрилур эрди ўзи.

Бу сифатда етти ул ерга иши,  
Ким вали бўлди кўзи тушкан киши.

Сукр вақти солди чун бир кун назар,

Ул назардин бўлди бир ит бахравар.

Ошнолиғдин етишти чошни,  
Тортиб итлик сийратидин бошни.

Юз қўюб шайх оллида қилди ниёз,  
Барча итлар узра бўлди сарфароз.

Ҳар қаён шаҳр ичра қилса эрди майл,  
Итлар эрди гирдида андоқки хайл,

Қайда ўлтурса эди итларга шох,  
Ҳалқа эрди даврида хайлу сипоҳ.

Чун қазодин бошиға етти ажал,  
Шайх эшигинда қозибон бир маҳал —

Дафн этиб қабрин намудор эттилар,  
Қабрин инсондек падидор эттилар.

Айлаб итлар мотамида кўп фиғон,  
Қабрининг даврида туттилар макон.

Юз қўюб қабрига ҳоло — аҳли роз,  
Кўргузурлар сидқ юзидин ниёз.

Бу дам ул Хоразмда мавжуд эрур.  
Кишвареким ҳокими беҳбуд эрур.

Бўлмағай оламда мундин турфа сўз,  
Ким саодат аҳли итга солса кўз,

Еткурур итга натижа ул назар,  
Зотиға солур кишилиқдин асар.

Итгаким етгай валидин тарбият,  
Қушқа ҳам тонг йўқ набидин тарбият.

Не кишилиқ ким иноятдин нишон,  
Нашъаи нури валоятдин нишон.

Қушқа ҳам бўлса паямбар лутфи туш,  
Не ажаб бўлса мутеъи барча қуш.

Собиқан ҳам қисса ўтмиш бу қабил,  
Сидқиға Асҳоби қаҳф<sup>2</sup> этти далил.

Чун иноят айласа ҳайии мужиб,  
Итгау қушқа не тонг етса насиб».

## LXXXVII

### Яна бир кушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди тортиб нафир:  
— «К-эй бори кушларға сархайлу амир.

Иўл қотикдур, мен заифу нотавон,  
Пашша Анқоға бўла олмас равон.

Ҳар нафас бу йўлда юз меҳнатдурур,  
Ҳар дам анда юз туман шиддатдурур.

Ақабалар онда балият тоғидин,  
Гардлар кўзга ажал туфроғидин.

Ели ўзни тоғ уза чун еткуруб,  
Тошни туфроғ янглиғ совуруб.

Шерға етмас бу йўл азмиға зўр,  
Не қила олғай заифу хаста мўр».

## LXXXVII

### Худхуднинг жавоби

Деди Худхуд: — «К-эй наҳифу мустаманд,  
Ҳимматинг пасту ўзунг дуну нажанд.

Тан нечаким бор эса пасту дижам,  
Ҳиммат ар бўлса бийик — ондин не ғам.

Чун ки бу иш келди бешак ишқ иши,  
Кимки ошиқ эрмас, ул эрмас киши.

Чун яна бу ишга ишқ ўлдию бас,  
Қайда қилғай майлини ҳар булҳавас.

Ошиқ элга нотавонлиғдур нишон,  
Ишқдин бехонумонлиғдур нишон.

Нотавонлиғ ошиқ элга пешадур,  
Балки жон тарки мудом андешадур.

Бору йўқдин ўзни фоний айламак,  
Ёр ишқин жовидоний айламак.

Ҳар кишига ишқу ҳиммат бўлса ёр,  
Буняу тан заъфиға не эътибор.

Бор анга ишқ ичра жон бермак мурод,  
Ишқ қайдидиндурур барча кушод.

Ишқ аро ўлмақдурур мақсуд анга,  
Жонға нуқсон ўлмоғидин суд анга.

Кимга ким дунёгадур вобасталиқ,  
Етса ул андешадан дилхасталиқ.

Кимсага бу заъфи мустаҳсан эмас,  
Аҳли ишқ ул заъфни аҳсан демас.

Ишқдин ҳар кимга заъфу тоб эрур,  
Ул мурод ойиниға асбоб эрур.

Ишқдин чунким мурод ўлмақ эмиш,  
Бордур ўлмакка яқин заъф ичра иш.

Заъфким жон таркига бўлғай сабаб,  
Бўлса ондин ижтиноб эрур ажаб.

Ишқ аро жон тарки чун матлубдур,  
Ҳар не онинг боиси марғубдур.

Заъфнинг поёни бўлса тарки жон,  
Ўйла ўлмакка фидо жону жаҳон.

Сен жаҳон мулкида минг йил бўлди тут,  
Дарду ҳасрат бирла охир ўлди тут.

Бўлмас эрмишсен худ ўлмақдин йирок,  
Бу талабда боре ўлмақ яхшироқ.

Ёрдин ўлмақ агар уммид эрур,  
Бил ҳаётедурки ул жовид эрур».

## LXXXIX

### Шайх Абу Саид Абул Хайр<sup>1</sup> хикояти

«Михна шайхиким бу йўлни қилди сайр,  
Ёр васлидин насиби бўлди хайр.

Аввалида ишқнинг бас зор эди,  
Юз балият тиғидин афгор эди.

Заъф топмиш эрди истило анга,  
Заъфдин иш оҳу вовайло анга.

Ишқ баркидин эди жонида ўт,  
Ул шарардин жисми вайронида ўт.

Тун анга уйқу-у кун ороми йўқ,  
Ишқ андуҳидин ўзга коми йўқ.

Кундуз онинг зикру фикри ёру бас,  
Ҳажридин даъби фиғону зору бас.

Кеча бўлмас эрди шаҳру боғ аро,  
Ўзни тортар эрди дашту тоғ аро.

Ул даманда бор эди вайронае,  
Чуғз қасридек бузуғ кошонае.

Онда чоҳе бор эди беҳад амиқ,  
Суйида шахси нашот ўлғон ғарик.

Осилиб ул чоҳ ичинда сарнигун,  
Ишқ истилосидин зору забун.

Тонгға тегру иш анга оху фиғон,  
Қатра-қатра кўзидин томғунча қон.

Ўлмак истаб ишқ ароу топмайин,  
Ул таманнодин кўзинн ёпмайин.

Бу балият жисмини нол айлабон,  
Ноласи жонини бадҳол айлабон.

Ҳажр аро йиллар бу янглиғ чектихол,  
То етишти оғзиға жоми висол.

Ишқ аро будур эранларнинг иши,  
Ўлмайин топмас бу давлатни киши».

## ХС

### **Яна бир қушнинг Ҳудҳуддин саволи**

Деди бир қушким:— «Қилибмен кўп гуноҳ,  
Бу уятден асру холимдур табоҳ.

Зоеъ айлабтур мени олудалиғ,  
Кўймас ул йўлға бу ғам фарсудалиғ.

Чун нажосатдин жабиндур лавсноқ,  
Анга не нисбатдурур Симури пок.

Пок васлиға керактур поклик,  
Йўкки лавси журм аро бебоклик.

Ул ориғ, менда ориғсизлиғ сифот,  
Васлини истарга монёдур уёт».

## ХСІ

### Худхуднинг жавоб айтқони

Деди Худхудким:—«Эурсен муътариф,  
Ким ишинг бўлмиш гуноҳдин мунҳариф.

Даҳр худ эрмас иқомат манзили,  
Кимки бор охир ўлумдур ҳосили.

Бу гунаҳ бирла гар ўлмак истасанг,  
Халқ аҳволиға кулмак истасанг.

Билки бас нодону ғофил бўлғасен,  
Аҳли ақл оллида жоҳил бўлғасен.

Бу гунаҳдин оримоҳ эттинг ҳавас,  
Ул доғи осон эрур, эй булҳавас.

Тавбадур они оритмоққа илож,  
Зулмати исён аро будур сирож.

Журм лавсидин киши маъсум эмас,  
Бўйла исмат кимсага маълум эмас.

Одам авлодини қилмайдур илоҳ,  
Ўйлаким ондин бош урмайдур гуноҳ.

Бўлмаса сендин гуноҳ, эй беҳабар,  
Афву раҳмат кимга бўлғай чорагар.

Журмдин улким юзи бўлғай сариғ,  
Тавба айлар ул сариғлиғни ориғ.

Баҳри раҳмат мавжға кирган замон,  
Пок ўлурсен мен киби юз минг равон».

## ХСІІ

### Одам Сафий алайҳиссалом ҳикояти

— «Хайли инсоннинг отаси Булбашар,  
Ким они халқ этти ҳайи додгар.

Бошиға қўйди ҳидоят афсарин,  
Тожиға тикти нубувват гавҳарин.

Қилдилар топқоч бу янглиғ иззу жоҳ,  
Туфроғин хайли малойик саждагоҳ.

Авжи гардун хоки роҳ ўлди анга,  
Боғи жаннат жилвагоҳ ўлди анга.

Бу сифат сафийваши олий ҳасаб.  
Ким Сафий келди анга ҳақдин лақаб.

Чунки тақдир этди ҳайи зулжалол,  
Журму исён бирла бўлди тийраҳол.

Онча рифъат бирла ул масжудлук —  
Кетти-ю бўлди иш мардудлук.

Кўксига рад панжасин еткурдилар,  
Равзаи жаннатдин они сурдилар.

Юз қаролиғлар анга айлаб насиб,  
Тушти Ҳиндистон саводида ғариб.

Қарнлар ҳижронда эрди ашкрез,  
Солиб оху ноласидин рустахез.

Жони ўртанган замон андоқки хас,  
Тавба ул ҳолига бўлди чорарас.

Боғи раҳматдин яна эсти насим,  
Бўлди юз минг ранжу меҳнатдин салим.

Тавбасиға дастгир ўлди қабул,  
Айлади ҳурмат ҳаримида нузул.

Ондоқ элга етса бу банду кушод,  
Сен ким ўлғайсен заъифи номурод

Тавба қилғил доғи беҳбудунгға ет,  
Йўлға айлаб азм, максудунгға-ет».

### ХСШ

#### **Яна бир қушнинг Ҳудҳуддин саволи**

Яна бир сойил деди:— «К-эй зеби тож,  
Менда воқеъдур талаввунлук мизож.

Ҳар сифатда келди табъим норасо,  
Гоҳ фосиқмен, замоне порсо.

Гоҳ матлубум харобот аҳлидур,  
Гоҳ марғубум муножот аҳлидур.

Гаҳ ҳарам тавфида мен, яздонпараст,  
Дайр ичинда, гоҳ бут оллинда паст,

Истиқомат йўқтурур ҳолимда ҳеч,  
Бу жиҳатдандур ичимда печ-печ.

Бу талаввунлиқ мизожи шум ила,  
Бу сифатлиқ одати мазмум ила,

Бўйла йўлғаким керак якранглиғ,  
Ўзни топмасмен саҳиҳ оҳанглиғ.

## XCIV

### Жавоб

Деди Худхудким:— «Бу бемаъни шоир  
Филҳақиқат барчанинг зотида бор.

Ким бориға ҳамнафасдур нафсу рух,  
Басталиғ бирдин етар, бирдин футух.

Улдур эрким салб этиб нафсоният,  
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.

Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,  
Ул киши поку шариф авқот эрур.

Гар талаввун бўлса зоти шеваси,  
Сен киби бўлса таҳаттук меваси.

Бу мараз топмиш риёзатдин илож,  
Ким кишига мустақим ўлғай мизож.

Нафсдин ҳар кимгаким бу бийм эрур,  
Чора муршид оллида таслим эрур.

Бўйла иллатларға муршиддур табиб,  
Ким халойиқ пир дерлар, эй ҳабиб.

Толиби соликка иллатлар бўлур,  
Нафс хайлидин мазаллатлар бўлур,

Ким анга феъли замойимдур лақаб,  
Мубтало бўлур анга аҳли талаб.

Пир ҳарбирга қилур навъи даво,  
Ким бориб иллат топар толиб шифо.

Ул маразлардин бу доғи биридур,  
Ким риёзатлар онинг тадбиридур.

Сен доғи бу ишга ўзни чоғласанг,  
Бир қотиклиққа белингни боғласанг.

Ўйладур умидким, бир лутфи хос —  
Гар таҳаттукдин сени қилғой халос.



Бу тааблардин тарабнок ўлғосен,  
Ҳақ йўлинда раҳрави пок ўлғосен.

## ХСV

### Ҳикоят

«Зумрай таҳқиқ софий машраби,  
Восили ҳақ Бу Туроби Нахшабий.

Бир муриди ҳолига солиб назар,  
Зебу зийнатдин топар эрди асар.

Хирқасида вуслалар эрди ариғ,  
Ранглар онда қизил, ёшил, сариғ.

Майл кўп нафсиға раънолиғ сари,  
Кисвати фақр ичра зеболиғ сари.

Кўп риёзатлар буюрди пир анга,  
Ул такаллуф топмади тағйир анга.

Кўрдиким дафъ ўлмас эрди бу сифат,  
Муршиди комил буюрди оқибат.

Ҳар кун ўз нафси била разм айламак,  
Доғи дорус салхқа азм айламак.

Бир сабадга қўйнинг ич — олотани  
Солибон ихшоу қозуротини.

Бош уза они қўюб, маҳкам тутиб,  
Меҳнату ранжидин онинг қон ютуб.

Қатралар ҳарён томиб дасторидин,  
Они ўтқаргай Насаф бозоридин.

Нафсиға онинг етиб мундоқ инод,  
Неча кун бу иш чу топти имтидод.

Хирқасида қолмади зеболиғи,  
Бошидин чиқти бори раънолиғи.

Бу машаққат қилди чун нафсин ҳалок,  
Муршиди комил буюрди ғусли пок.

Ул мараздин бўйла қутқарди они,  
Ул хатардин бўйла ўтқарди они.

То мақоми бўлди айвони вусул,  
Ҳарне матлубиға юз қўйди ҳусул.

Сен доғи нафсингга кўй бир навъ ранж,  
То насибинг бўлғай онинг музди ганж.

Йўқ эса ўзунгни зоеъ бўлди тут,  
Бу талаввун дўзахида ўлди тут».

## ХСVІ

### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Деди бир сойил:— «К-эй фархундахў,  
Нафс золимдур манга, беҳад адув.

Ҳар не амр этсам қилур зоҳир хилоф,  
Иртиқобидин тутар ўзни маъоф.

Бўйла йўлда душман ўлса ул манга,  
Тай нечук бўлғай бу қаттиқ йўл манга».

## ХСVІІ

### Худхуднинг жавоби

Деди Худхуд:— «К-эй забуни хирскеш,  
Нафс зулми айлаган кўнглунгни реш.

Нафсинг маҳкуми бўлғон туну кун,  
Ўзга бу хангомани қилғон узун.

Нафс не амр этса бўлғон зер даст,  
Ул бийиклик қилса қилғон ўзни паст.

Урмағон ул амр қилмай бир нафас,  
Ҳосил айлаб ҳар не ул этган ҳавас.

Умр онинг фармони бирла сарф этиб,  
Ул таманно айлаган сори кетиб.

Бир эшакдек бошинга афсар уруб,  
Нафсни ўз орқанг узра миндуруб.

Ул қаён сурса, уриб гом ул тараф,  
Қайда турса топиб ором ул тараф.

Тифл эконда худ онинг зори эдинг,  
Лаҳв ила ғафлат гирифтори эдинг.

Чун йигит бўлдунг ҳам ондин ёнмадинг,  
Лаҳзае ўз ҳолингга айланмадинг.

Қариғонда худ етишти варзишинг,

Фиску исёнда тамом ўлди ишинг.

Умрунг ўтти ғафлату исён била,  
Етти ўлмак юз туман армон била.

Тенгри амрин умр ўтуб ёд этмадинг,  
Шева жуз излолу ифсод этмадинг.

Даҳр аро йўқ сен киби зоти ажаб,  
Умр ўтиб ўткарган авқоти ажаб.

То тирик эрдинг — бу эрди ғафлатинг,  
Бўйла ўлсанг, кўр, не бўлғай ҳолатинг».

## ХСVIII

### Ҳикоят

«Подшоҳе маст эди, бебок ҳам,  
Золиму ғоратгару саффоқ ҳам.

Нафси золим ҳар нега маъмур этиб,  
Қилмоғида ул ўзизи маъзур этиб.

Бир кун айлар эрди жоми айш нўш,  
Кўрдиким борурлар икки жандапўш.

Бир-бирига иккиси ёру рафиқ,  
Ҳамдаму ҳамрозу ғамхўру шафиқ.

Шаҳ тилаб қилди бирисидин савол,  
Ул бирининг ҳолидин сўрди мақол:

— «Ким, буким келди сенинг ҳамқисватинг,  
Зоҳир этким — анга недур нисбатинг?»

Деди:— «Нисбат иккимизда ёрлиғ,  
Ҳамдаму ҳаммашрабу ҳамкорлиғ».

Масти ғофил деди:— «Эй соҳиб тарик,  
Ойтким мен яхшироқ ё ул рафиқ?»

Дедиким:—«Улча манга бўлмиш аён,  
Иккингиизнинг ҳолини айлай баён.

Чунки бўлдунг иккисидин бархабар,  
Сен ўзунг ҳукм айлагил, эй тожвар,

Сен агарчи бир улусқа шоҳсен,  
Тенгри йўлунда вале гумроҳсен.

Ҳар не ҳақ дебтур — хилофидур ишинг,

Кечау кундуз бу бўлди варзишинг.

Ул агарчи бўлса дарвешу гадо,  
Тенгрининг амрини хўб айлар адо.

Ҳақ йўлидин ташқари қўймас қадам,  
Балки ҳақ амридин урмас айру дам.

Сен шах, аммо нафса зору ҳақир,  
Ул гадоу нафсни айлаб асир.

То тириксиз иккингишга ҳол — бу,  
Ул гадо, сен шоҳга минвол — бу.

Ўлсангиз, худ шоҳ — улдур, сен — гадо,  
Ким, сен эрдинг маст, ул аҳли иқтидо».

Нуктани бу навъ сургач пири роҳ,  
Сескониб ул уйқудин уйғонди шоҳ.

Маст эди, етти анга хушёрлиғ,  
Уйқусига қўйди юз бедорлиғ.

Шоҳлиғ зарбафтидин юзланди ор,  
Ташлаб они, жанда қилди ихтиёр.

Кўнглига ҳақдин етиб огоҳлиғ,  
Билдиким дарвешликдур шоҳлиғ.

## XCIX

### Яна бир қушнинг Ҳудҳуддин саволи

Деди бир сойилки: — «Иблиси лаъин,  
Қасдим айлар, зоҳир айлаб макру кин.

Ўз ҳузуримға мени қўймас даме,  
Келтурур кўнглумга ҳардам оламе.

Бошима ҳар лаҳза солур бир хаёл,  
Ким эмас ондин қутулмоқ эҳтимол.

Чунки йўқ ондин қутулмоғлиғ манга,  
Чорадур маъмури бўлмоғлиғ манга.

Ўйла музтармен онинг васвосидин,  
Ким забундур ақл онинг ихсосидин».

## С

### Жавоб

Деди Худхуд: — «Токи нафсингдур карин,  
Анга бор иблис шогирди камин.

Нафс онча кўнглунга солур ғурур,  
Еткурур онча замирингга футур.

Ким они шайтон кўруб ҳайрон қолур,  
Водийи ҳайратда саргардон қолур.

Қайси ишдинким етар нафсингга ком,  
Топар ондин комини шайтон мудом.

Нафс ҳукми бирлаким қилсанг ҳар иш,  
Иржаюр ул комдин шайтонга тиш.

Демаким, шайтонга бўлмишмен залил,  
Ул сенинг нафсингни айлабтур вакил.

Ҳар не ул қилмоқ керак нафсинг қилур,  
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур.

Ҳарне дунёга тааллуқдур умур,  
Сарбасар шайтонга дохилдур зарур.

Нафсинг андоқ ҳаққу мулк этмиш ани,  
Ким эрур дарж анда юз шайтон фани.

Нафсинг онча кўргузур талбисни,  
Ким қилур шарманда юз иблисни.

Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,  
Не учун шайтондин эткансен гила»

## СИ

### Ҳикоят

— «Келди Хирқоний **1** қошига бир мурид,  
Ўз сулуку тоатидин ноумид.

Дедиким:— «Иблис пурфанлиқ қилур,  
Кўнглума ҳар ишда раҳзанлиқ қилур.

Ҳам намозимга етар ондин қусур,  
Зикру тасбеҳимга доғи юз футур».

Муршиди комил деди: — «К-эй зулмкеш,  
Тиғи жаврунг бирла шайтон кўнгли реш.

Онда ҳам сендин шикоятлардурур,

Жавру зулмунгдин ривоятлардурур.

Дер манга қисм этмиш аввалдин илоҳ,  
Макр ила эл ҳолини қилмоқ табоҳ.

Роҳзанлиқ айламак исён сари,  
Бошламоқ йўл водийи нуқсон сари.

Сен муриде айламишсен тарбият,  
Ким анга мендин фузундур бу сифат.

Ҳар қачон келдим бу шаррун носға,  
Ким солай кўнглини бир васвосға.

Қайси мункирким манга мақбул эди,  
Кўнгли, кўрдумким, анга машғул эди.

Ҳар тахайюлким манга эрди маҳол,  
Хотирида эрди мамлу ул хаёл.

Айламакни санга талқинлар баче,  
Бизни шайтон қилди таҳсинлар баче.

Раҳмат ушбу макр ила тазвиринга,  
Ким дегай шайтонки, раҳмат пиринга».

Деди: — «Шайтон айламиш тухмат манга,  
Ул берур ҳар лаҳвга рағбат манга».

Деди шайх: — «Аҳсанта бу янглиғ маош,  
Ким санга шайтон била бўлғай талош.

Мен арода бўлғомен ҳукм эткучи,  
Ёрғу айлаб, узрунгузға еткучи.

Ҳам санга юз қатла шайтондин уёт,  
Ҳам анга сен шуми нодондин уёт».

## СП

### Яна бир қушнинг Ҳудҳуддин саволи

Деди бир сойилки: — «Эй фаррух жамол,  
Кўнгулма беҳад муҳаббат солди мол.

Ҳам висоли жонима солур нашот,  
Ҳам унидин кўнглум айлар инбисот.

Бир нафас гар бўлмаса илкимда сийм,  
Ҳажридин жонимға бор ўлмакка бийм».

## СП

### Жавоб

Деди Худхуд: — «К-эй ҳақиқатдин йирок,  
Жонинга қўйғон дирам доғи фирок.

Ҳирс жоми айлаган кўнглунгни маст,  
Сен бўлуб ул мастлиғдин зеридаст.

Бу не сўз бўлғайки зикр этгай киши,  
Ким эмас бу одамийларнинг иши.

Одамийлиғнинг бу иштин ори бор,  
Ким бу сичқонга эрур даъбу шиор.

Ерни қазмоқ айлабон кўп ихтимом,  
Туфроқ ичра хору зор айлаб мудом.

Нақб уруб уйларға ҳирси шумдин,  
Жон чекиб бу хислати мазмумдин.

Ҳар нафас бир уй сари солиб тўшук,  
Ногаҳон чиққач каминдин бир мушук.

Айлаб они сайд ишратлар била,  
Тўъма айлаб ҳирсу рағбатлар била.

Еб шарадин жисми бирла қонини  
Эт нечукким сифлалар сичқонини.

Ё йилон янглиғки, ганж айлаб ҳаво,  
Йиллар ўлғай туфроғ ичра мубтало.

Чарх мундоқ айлағай подошини,  
Ким кўрунғач, ёнчқойлар бошини.

Ё йилон бўл ёки сичқон, эй нажис,  
Мунча худ бордур сенинг зотингда хис.

Ким аларға бўйла бўлса оқибат,  
Билгасенким яхши эрмас бу сифат.

Сийм севгонким, анга побаст ўлур,  
Шавқидин онинг ажойиб маст ўлур.

Ўйладурким жоҳилу нодон маст,  
Сиймдин бут айлаб, ўлғай бутпараст.

Жаҳл бирла тарки ислом айлаган,  
Ўзга дўзах азмин анжом айлаган.

Токи бўлғай даҳр боғида тирик,  
Рўзғор андоқки бу янглиғ ирик.

Сийм учун юз ҳирсу шайдолиғ била,  
Ўлмагай охир бу расволиғ била.

Мен сени сичқон демай, Қорун тутай,  
Йўқ йилон, алҳақки, Афридун тутай.

Оқибат борин чу солиб кеткосен,  
Неттилар ул хайлким, сен неткосен.

Бу таманнони чиқарғил бошдин,  
Бошни кутқар бу қаттиқ тошдин.

Эр эсанг мақсуди асли кўзлагил,  
Ҳар неким сўзларсен — ондин сўзлагил.

Қилма ул ишким етиб нуқсон санга,  
Охири бўлғай вуболи жон санга».

## CIV

### Ҳикоят

— «Басра<sup>1</sup> шаҳрида лаиме бор эди,  
Бebasарлиғ фаннида динор эди.

Майли жамъ айларга динору дирам,  
Ул сифат ғолибки, Ҳотамға<sup>2</sup> карам.

Кўп машаққатлар била дуни лаим,  
Бир-бир узра жамъ айлар эрди сийм.

Ончаким жамъ ўлди бир махзан анга,  
Ер тубида айлади мадфан анга.

Бовужуди мунча нақд ул дунҳисол,  
Тўниға тикмиш эди гардун мисол.

Беадад махфий дирамлар ҳирси шум,  
Кундуз андоқким фалак ичра нужум.

Ким булардиндур манга тан қуввати,  
Ўйлаким тан қуввати — жон сиҳхати.

Иттифоқо бир кун ўлди манзиле,  
Мол савдосиға дарё соҳили.

Сув қироғинда еб ул моли ҳаром,  
Молнинг савдода судидин таом.



Бўлди дарёда иликни юрда ҳам,  
Чун оғирлиқ қилди бир сори дирам.

Тушди дарёга лаими дунсиришт,  
Чекти қаърига они ул феъли зишт.

Толпиниб кўп зоҳир этти изтироб,  
Ким биров солғай онинг сари таноб.

Махласига майл кўргузгунча хайл,  
Кўпрак этти баҳрнинг қаърига майл.

Чун оғир эрди дирамдин лангари,  
Сув тубин тутти садафдек гавҳари,

Сиймдин етти бу офат жониға,  
Тушти яғмо махзани пинҳониға.

Сийм йиғмоққа натижа бўлди бу,  
Сен онинг савдосидин илқингни ю(в).

Мутлақ онинг сори майл этма яно,  
Ким талотумда эрур баҳри фано».

## CV

### **Яна бир қушнинг Худхуддин саволи**

Деди бир сойилки:— «Эй улви хиром,  
Масканимдир бир биҳишт осо мақом.

Ҳар шажар онда келиб тўби мисол,  
Ҳар тараф кавсар киби равшан зулол.

Суви руҳафзо, ҳавоси жон физо,  
Саҳнида мавжуд танпарвар ғизо.

Боғи жаннатдек фазосидур васеъ,  
Ўртада қасри биноти бас рафеъ.

Қаср ичи наққошлиқдин зарнигор,  
Тошида наққошлиғ гавҳарнигор.

Қаср аро бир хисрави оромгир,  
Сурати хуш, сийрати хотирпазир.

Бўйла гулшан ичра манзилдур манга,  
Бўйла шахнинг васли ҳосилдур манга.

Менсиз эрмас бирдам онинг мажлиси,  
Туну кун менмен рафиқу муниси.

Бу тарабларни кўюб, айлаб ҳаво,  
Истамак Симурғ бўлғайму раво?»

## CVI

### Жавоб

Деди Худхуд:— «К-эй хаёлинг барча ҳеч,  
Шарҳида бу қилу қолинг барча ҳеч.

Гарчи зебо гулшану дилкашдурур,  
Кўзгу сув бирла ҳавоси хушдурур.

Онда тўбиваш йиғочлар жилвасоз,  
Гуллари юз лавн бирла ишвасоз.

Ҳам вафосиз келди насрину гули,  
Ҳам бақосиз сарв бирла сунбули.

Чун баҳориға хазон солур шикаст,  
Бўлур ул гуллар қаро туфрокка паст.

Қасрини ҳам чарх чун даврон қилур,  
Хаста ошиқ кўнглидек вайрон қилур.

Шоҳиға доғи жафои рўзғор —  
Тахта узра тахтдин берур қарор.

Боғига гулчехралардек йўқ вафо,  
Шоҳиға бадмеҳрлардек йўқ бако.

Сендин онда ким десун худ, эй заъиф,  
Бир тикан баргига эрмассен ҳариф.

Эр эсанг Қофи бақоға азм қил,  
Авжида бир — шоҳ васли истагил.

Ким бу гулшанға камол ондин дурур,  
Ҳар хазону ҳам завол ондин дурур.

Шоҳга зебу фар жамолидин онинг,  
Азлу фавти ҳам жалолидин онинг.

Қасрни обод айлаган ҳам ҳикмати,  
Сўнгра вайрон доғи қилғон қудрати».

## CVII

### Ҳикоят

— «Бир қаландар бор эди мабхуту данг,  
Субҳу шом онинг ғизоси эрди банг.

Тарк ахлидек намудори онинг,  
Журъадонда лекин асрори онинг.

Чун ғизо еб ўзни айлар эрди лол,  
Айш анга қилмоқ хаёлоти маҳол.

Тушти кўпрак бир кун ул нофиъ ғизо,  
Мунтафеъни чекти бир вайрон аро.

Такая солди бир бузуғ деворға,  
Сойир ўлди олами асрорға.

Кўрди ўзни бир назах гулшанда шод,  
Теграсида жамъи асбоби мурод.

Маскани қасри биноси бас қавий,  
Зеби онинг коргоҳи Монавий.

Ўзи бир тахт устида Жамшедваш 1,  
Ёнида гулчехраи хуршедваш.

Айш этиб ул хисрави олий мақом,  
Топиб ул гулчехрадин ҳар лаҳза ком.

Бу хаёлот ичра ул кошонада,  
Ётмиш эрди гўшаи вайронада,

Ким бузуғнинг гўшасидин бир чаён,  
Ниши нўгида ажал захри аён.

Чиқти ул вайрон тавофин майл этиб,  
Санчар эрди ниш ҳарёнким етиб.

Нўши лабдин ком олурда ҳарзакеш,  
Ул чаёндин эрнига санчилди неш.

Қичкириб кўпти қаландар беқарор,  
Зоҳир айлаб изтиробу изтирор.

Не гулу гулшан эди, не қасру тахт,  
Не ёнида маҳваши ферузбахт.

Ул хаёлоти топиб бори халал,  
Еб ва лекин эрнига ниши ажал.

Билди ҳарне қилғони эрмиш хато,  
Қилмади суди пушаймонлиғ анго.

Санга ҳам мутлақ ҳам андоқ келди ҳол,  
Йўл димоғингға топиб фосид хаёл.

Чун ажал нишин ебон сесконгосен,  
Ғафлатинг уйқусидин уйғонғосен.

Ҳар неча қилсанг фиғону зорлиғ,  
Қилғуси йўқ бир сари мўйи осиг.

Онглағунгким кимдин ўлмишсен йирок,  
Қолғуси жонинг аро доғи фирок».

## CVIII

### Яна бир қушнинг Ҳудхуддин саволи

Яна бир сойил деди:— «К-эй беназир,  
Айламиш бир ишқ кўнглумни асир.

Кўрмасам маъшуқ рухсорин даме,  
Тийрадур ул дам кўзумга оламе.

Бир нафас онсиз қарорим йўқ турур,  
Дарду ғамда ихтиёрим йўқ турур.

Орази наззораси комим менинг,  
Васлидин кўнглумда оромим менинг.

Ондоқ онинг бирладур улфат манга,  
Ким эрур онсиз гумон шиддат манга.

Қилмасам лаҳнин замоне истимоъ,  
Жисмдин руҳум қуши айлар видоъ.

Кўнглум онинг фурқатининг хастаси,  
Жоним онинг васлининг вобастаси.

Фирқатидин жонима бедод эрур,  
Туну кун кўнглум иши фарёд эрур.

Ойрила олмасмен ондин бир замон,  
Ондин айрилмоқ ҳамон, ўлмақ ҳамон.

Ул санам ишқин нечук тарк эткомен,  
Ойрилиб ондин қаёне кеткомен?»

## CIX

### Жавоб

Деди Худхуд;— «К-эй ишинг сўзу гудоз,  
Солибон кўнглунгга ўт ишқи мажоз.

Тушконинг ишқи ҳақиқийдин йирок,  
Ўртаган кўнглунг аро доғи фирок.

Асли йўлдин кўнглунг эткон ижтиноб,  
Фаръ сори азмни кўрган савоб.

Чашмаи ҳайвондин ўтган хушк лаб,  
Баркадин дафъи аташ қилгон талаб.

Дурри яктодин қилиб ғофил кўнгул,  
Жола сори айлаган мойил кўнгул.

Меҳри ҳовар нуридин қилгон удул,  
Шамъу машъал партавин, этган қабул.

Сурати зоҳир била топқон фириб,  
Топмагон маъни жамолидин насиб.

Ҳусни зоҳирнинг не навъ ўлғай иши,  
Юзда балғам бирла қон оройиши.

Юзни не васфин дединг ҳури Чигил,  
Балғаму қондин эса оқу қизил.

Ҳусни зоҳирнинг вафоси йўктурур,  
Ҳам саботу ҳам бақоси йўктурур.

Ошиқу шайдо бўлурға арзимас,  
Ишқидин расво бўлурға арзимас.

Ким анга боқий эмастур хўблук,  
Ориятдур шаклида маҳбублук.

Гар бу кундур хўб, тангло хўб эмас,  
Хўбким бу навъдур, марғуб эмас.

Они севким ҳусни бўлғай баркамол,  
Бўлмағай мумкин қуёшиға завол.

Юз туман минг сендек ўлса ошиқи,  
Бўлмағай ошиқлигининг лойиқи.

Берсалар ишқ аҳли юз жон ҳар бири,  
Ҳусни юз минг мунчаға қилғай гари».

## СХ

### Ҳикоят

— «Бор эди шахсе Арастуға<sup>1</sup> мурид,  
Ҳалқай дарсида ул эрди муъид.

Айлабон они ҳакими аржуманд,  
Жумлаи шогирдлар ичра писанд.

Анга махфий илмларни ойтибон,  
Тифл экондин оллида улғайтибон,

Тўрт юз ҳикмат элидин аълам ул,  
Барчадин ортуқ, Арастудин кам ул.

Кўнглида мундоқ хаёл айлаб ҳаким,  
Ким Скандарга они қилғай надим,

Ким ўзи бир сориким қилса хиром,  
Бўлғой ул фарзанддек қойим мақом.

Ҳикмат ичра нуқтаи мавзун била,  
Сўз дегай мажлисда Афлотун<sup>2</sup> била.

Борур эрди йўл била бир қатла ул,  
Урди кўнглига бировнинг ишқи йўл.

Куфр дайридин чиқиб маҳпайкаре,  
Кофири сангин дили сийминбаре.

Ноз ила юз динни яғмо қилғучи,  
Ҳикмат аҳлин зору шайдо қилғучи.

Ул ҳаким ўлғоч гирифтори онинг,  
Кўнглини кўрди ажаб зори онинг.

Боғлаб онинг васлиға етмакка бел,  
Саъйлар айлаб ароға солди эл.

Токи кўп харж айлабон ажносу нақд:  
Ром этиб ул дилрабони қилди ақд.

Эмдиким ул бут васли берди даст,  
Куфр аҳли янглиғ ўлди бутпараст.

Кеча-ю кундуз кўз ондин олмайин,  
Вола ўлди сафҳаға кўз солмайин.

Бўлди ул маҳвашқа андоқ шифтае,  
Ким сабоқ баҳсидин ўлди кифтае.

Айлабон устод онинг наззораси,  
Деди, айлай панд бирла чораси.

Берди истаб кўп насиҳат бирла панд,  
Бўлмади панд ул балоға судманд.

Кўрди илму ҳикмати зоеъ бўлур,  
Неча йиллик заҳмати зоеъ бўлур.

Неча фикр этти ҳакими беназир,  
Кўрмади ул иш давосидин гузир.

Махфий ондин ўзни тутти чораға,  
Берди мухлик доруйи махпораға,

Ким йиқилди оху афғон тортибон,  
Дам-бадам ул нотавонлиғ ортибон.

Чоралар қилди йигит — суд этмади,  
Ул санамдин нотавонлиғ кетмади.

Ожиз ўлғач чорадин ул дардманд,  
Келди устод оллиға зору нажанд.

Бош қуйи солиб малолатлар била,  
Шарҳи ҳол этти ҳижолатлар била.

Кўрди чун устод андоқ эҳтиёж —  
Келдиким беморға қилғой илож.

Дедиким:— «Кўп, сен бу кун хизматқа бор,  
Тур Скандар ҳазратида бандавор.

Мен мудово айлайн беморинга,  
Еткурай сиххат париваш ёринга».

Ул қабул айлаб равони тутти йўл,  
Сунди устои илож айларга қўл.

Мусҳиле соз этти беҳад зўрманд,  
Бердиким они сумурди мустаманд.

Деди махрамларғаким, воқиф турунг,  
Ташт элтиб ул эшикда ўлтурунг.

Ҳар неким хориж бўлур — тўкманг они,  
Бир ино ичра солиб асранг они.

Чиккоч ойтиб сўзлар ул олий маҳал,  
Қилди мусҳил доғи бунёди амал.

Қилди юз мажлисга ихрожи мавод,  
Ўлтуруб эрди эшикда устод.

Хастанинг тобу тавони қолмади,  
Жисмида бир қатра қони қолмади.

Балғаму, сафроу савдо бирла қон,  
Дафъ ўлуб, бўлди суманбар нотавон.

Кечқурун қилғоч йигит азми висок,

Деди доноким: — «Кириб ёрингга боқ!»

Киргач, истар эрди шўхи дилкаши,  
Кўрдиким ётмиш гиря нохуши.

Тонимай деди: — «Менинг ёрим қани  
Сарв бўйлуқ лола рухсорим қани?»

Эшитиб кирди ҳаками кордон,  
Ақли кулдек олими бисёрдон.

Деди: — «Топширғон инони келтуринг,  
Нозанинни ошиқиға еткуринг».

Борубон келтурдилар чун зарфни,  
Ким эшитмиштур бу янглиғ ҳарфни.

Мухталиф ахлот ила мамлу эди,  
Мухлику макруҳ лавни бў эди.

Деди: — «Олғилким паризодинг будур,  
Гул жабинлиқ сарви озодинг будур.

Будур улким мубтало бўлмиш эдинг,  
Ошиқу вола мунга бўлмиш эдинг».

Ул йигит устоддин бўлди хижил,  
Кўргач они устои музмаҳил.

Деди: — «Эй фарзанд, кўрдум эҳтиёж,  
Йўқ анга, билким — санга қилдим илож.

Сен доғи ошиксену маҳбубунг ул,  
Зору шайдо айлаган матлубунг ул.

Бўйла ошиқликдин, эй олуда зот,  
Пок ишқ аҳли қошиндадур уёт!»

## СХІ

### **Яна бир қушнинг Худҳуддин саволи**

Яна бир сойил деди тортиб фиғон:  
— «К-эй сен ўлғон воқифи сирри ниҳон.

Йўлда жонимға ўлумдин бийм эрур,  
Жон бурун манзилда — ўқ таслим эрур.

Хавфи муставли яқин беҳад заъиф,  
Бўйла йўлга найлаб ўлғаймен ҳариф?»



## СХП

### Жавоб

Деди Худхуд:— «К-эй наҳифи хаста дил,  
Неча қолғунг олам ичра — фикр қил.

Кимки келди — оқибат борғусидир,  
Кўксини тиғи ажал ёрғусидир.

Зи ҳаёт ўлмак учундур оқибат,  
Бўйла таҳқиқ этти аҳли маърифат.

Йўкки ориф кимки йўқтур ўйла кул,  
Бу муҳаққак амрдин ғофилдур ул.

Минг йил ўлсанг даҳр аро ё бир замон,  
Ким ажал охир санга бермас амон.

Авлиё бу вартаға бўлмиш асир,  
Анбиёға бу юришдин йўқ гузир.

Ваҳм қилмоқдин қутулмоқ йўқтурур,  
Қайғуруб озод бўлмоқ йўқтурур.

Ришва бермак бирла йўқ озодлиғ,  
Ҳам қилур тиғи ажал жаллодлиғ.

Йиғламоқ бирлау ёлбормоқ била,  
Чора йўқтўр жуз бу йўл бормоқ била.

Зоҳиду фосиқ била шоҳу гадо,  
Қилмайин бўлмас бу йўл қатъин адо.

Кўркмоғдин кимсага йўқ фойида,  
Ғайр кўрмаклик ҳумуми зойида.

Ҳеч навъ ўлмас чу ўлмақдин гузир,  
Аvlo улким бўлғосен фармонпазир».

## СХШ

### Ҳикоят

«Нақлдулким, авжи рифъат кавкаби,  
Меҳтари аъзам Сулаймони наби.

Бир кун эрди тахт уза оромгир,  
Оллида деуу пари фармонпазир.

Жинси махлуқот инсу ваҳшу тайр,

Кўрмай онинг хизматидин ўзни ғайр.

Нофиз ул бориға фармони онинг,  
Ом мажмуъиға эҳсони онинг.

Турмиш эрди оллида бир аҳли ҳуш,  
Ҳуш они айлаб тафаккурдин хамуш.

Бўйла ҳолатда етишти бир малак,  
Қобизи арвоҳу жаллоди фалак.

Қилди пайғамбарға таъзиму салом,  
Сўнгра арз эттики: «Эй фаҳри киром!

Асру махфийдур илоҳи ҳикмати,  
Ким эрур онда хираднинг ҳайрати.

Бу азизеким қошингда бу замон, —  
Турмиш, ўлмақтин анга йўқтур гумон.

Умриға тўлмиш ажал паймонаси,  
Ҳукм етмишким, бўлуб ҳамхонаси —

Ҳам бу соат қатл тигин солғомен,  
Ҳинд иқлимида жонин олғомен.

Ушбу ишда ғолиб ўлмиш ҳайратим,  
Дам-бадам ортар ўзумга ваҳшатим».

Ул бу маънида такаллум деб равон,  
Ким наби оллида турғон нотавон.

Келди ер ўптию тўқти пас ниёз,  
Сўнгра деди: «Ё расули сарфароз!

Бу кун ўз ҳолимға ҳайронмен баса,  
Марг ваҳмидин паришонмен баса.

Чора қилким бўлмаин бу мулк аро,  
Ким кўзумни ваҳм айлабтур қаро.

Елга амр этти Сулаймон ул нафас —  
Ким: «Они элт ондаким — қилғай ҳавас!

Қайси ердаким, деса, бергил қарор,  
Дафъ қил кўнглидин онинг изтирор».

Ел они олиб учурди тунду тез,  
Бори аъзосиға солиб рустахез.

Ким ишорат қилди Ҳиндистон сари,  
Онда етгач, ўтмади ондин нари.

Деди: «Бу ерда манга ором бер,  
Ким эрур бўлмоққа матлубум бу ер».

Тушти рокиб, борди рахши тезтак,  
Ўзни еткурди бу ҳолатда малак.

Тенгри сунъиға дебон кўп офарин,  
Они ҳам қилди ёноларға қарин.

Ел била ҳамтаклик этса гар киши,  
Рух қабзи келди Азроил<sup>1</sup> иши».

## СХІV

### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди: — «К-эй покзод,  
Жумлаи умримда кўрмаймен мурод.

Доимо ғам бирла элтибмен басар,  
Шодлиғдин менда йўқ эрмиш асар.

Йўл борурға хотири хуррам керак,  
Даҳр ранжидин малолат кам керак.

Чун мени ғампарвар этмиш рўзгор,  
Ҳар замон бир ғам била жоним фигур.

Не кўнгул хушлуғ била йўл қатъ этай,  
Кўнгли хушлар қайда кетса, мен кетай».

## СХV

### Жавоб

Деди Худхуд: — «К-эй нажанди ғамсиришт,  
Зотинга ғамдин баҳона сарнавишт.

Бўйла водий қатъида беиштибох,  
Ғамни этмишлар эранлар зоди роҳ.

Йўл ғами келмиш эранларнинг иши,  
Йўлда ғамсизни киши демас киши.

Ғамдин айларлар эранлар шодлиғ,  
Бу муқайядлиғ дурур озодлиғ.

Ғам еридур меҳнат ободи жаҳон,  
Онда ҳар навъ элга бир ғамдур аён.

Олам аҳли кўнглида олам ғами,

Худ будур кўпрак бани одам ғами.

Лек аларким келдилар аҳли яқин,  
Йўл ғамидин келдилар доим ҳазин.

Кимсага аввалғи ғам мамнуъдур,  
Одамидин сўнги ғам матмуъдур.

Гар бурунғидин эсанг зору нажанд,  
Йўлдин ўзни шод қил, эй мустаманд.

Сўнгидин ғамгин эсанг — қил шодлиғ,  
Ким кўнгул ондин топар ободлиғ.

Ғамдин айлар шодлиғ аҳли видод,  
Бор аларға номурод ўлмоғ мурод.

Йўл ғамидур мақсаду мақсуд учун,  
Ким ер ул ғамни кўнгул беҳбуд учун.

Ондаким йўктур бу ғам — эр эрмас ул,  
Зод ғамдин топти қатъ этган бу йўл».

## СХVI

### Ҳикоят

— «Мисрда бор эрди олийҳиммате,  
Олами маънида соҳибдавлате.

Ишрат асбоби бори тайёр анга,  
Не хаёл этсанг юз ул миқдор анга.

Жаннатосо қаср ичинда манзили,  
Ҳурваш маҳбуб онинг ҳаммаҳмили.

Лек ул олий сифати пок зот,  
Бор эди бу барчаға беилтифот.

Дарду ғам эрди анга ёру надим,  
Ҳажр зиндонида Юсуфдек муқим.

Дедилар: — «К-эй кўнглунг андуҳ бирла жуфт,  
Бизга равшан айла бу рози нуҳуфт.

Ким муҳайё бори асбоби нашот,  
Ким кўнгулга бўлғай ондин инбисот.

Хотиринг нечун даме хуррам эмас,  
Ғамдин ўзга кўнглунга ҳамдам эмас?»

Деди: — «Йўл аҳлиға зиндондур жаҳон,

Негаким матлуби кўздиндур нихон.

Иш будурким айлагай қатъ ушбу йўл,  
Кўнглининг матлубиға етгунча ул

Кимса зиндонда қачон хуррам бўлур,  
Байтул-аҳзонда нетиб беғам бўлур.

Менки айру ёрдин дармондамен,  
Гар Эрам боғидамен — зиндондамен.

Бўлмағунча васл гулзориға хос,  
Бўлмағум ғам хорхоридин халос».

## СХVII

### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди: — «К-эй беназир,  
Мен онинг амриғамен фармонпазир.

Мунтазирмен амр ила фармониға,  
Йўқ муқайяд қаҳр ила эҳсониға.

Ҳарне амр этса — топар мендин ҳусул,  
Ул билур гар рад қилур, ёхуд қабул.

Не буюрса ул ишимдур ёзу киш,  
Йўқ манга радду қабули бирла иш.

Амриға иқдом одатдур манга,  
Чун адо қилдим саодатдур манга».

## СХVIII

### Жавоб

Деди Худхуд: — Хуб сўздур бу сўзунг,  
Хуброқким демагай они ўзунг.

Кимсага бу йўлда ҳайи лоязол,  
Бу тариқ ичра насиб этмиш камол.

Ким онинг фармониға бўлғай мутеъ,  
Келди бу йўлда онинг жохи рафеъ.

Амридин чеккон бўюн мардуд эрур,  
Боргоҳи иззидин матруд эрур.

На хумоюнфол мақбул бандадур,  
Ким онинг фармониға афкандадур,

Амриға тоат эрур коми онинг,  
Йўқ бу ишсиз бирдам ороми онинг.

Лек ҳар неча итоат айласа,  
Амру ҳукми бирла тоат айласа,

Бу иши бирла мубоҳот айламас,  
Кибрни жониға офот айламас.

Тоат этса озу кўп ё боту кеч,  
Борию йўқи эрур оллинда ҳеч.

Бўлмаса мақбул кирдори онинг,  
Балки тенг бўлса йўқу бори онинг.

Қилмаса ўзни тафохурдин азиз,  
Тоатиға кўрса қиймат бир пашиз,

Улдурур гўйи саодат элтгон,  
Нафъи тақвоу ибодат элтгон.

Бар еган ўз тоату тақвосидин,  
Баҳравар бўлгон бу иш маъносидин».

## СХІХ

### Ҳикоят

— «Тенгри одамни яратмасдин бурун,  
Руҳ шамъин танға қотмасдин бурун —

Ким малойик хайлиға эрди хужум,  
Тоату тақвода одобу русум.

Бориға сарвар Азозил ↓ эрди бас,  
Муршиду мушкиллариға чорарас.

Неча минг йил ўйла тоат айлади,  
Тенгри амриға итоат айлади.

Ким эрур васфида онинг нутқ лол,  
Ақл оллинда эрур амримахол.

Нақл мундоқдурки сатҳи хокда,  
Яна бу олий тўқуз афлокда.

Қолмамиштур сажда қилғунча макон,  
Ким юз онда қўймамиш ул нотавон.

Тенгри чун одамни махлуқ айлади,  
Ўзни ошиқ, они маъшуқ айлади.

Амр қилдиким малойик сарбасар,  
Сажда қилсунким, будур — хайрулбашар.

Чун малойикка бу амр этти илох,  
Қилдилар одам жанобин саждагоҳ.

Ул неча минг йил ибодат айлаган,  
Амр ила таквою тоат айлаган.

Чун ғурур этти ишига ошкор,  
Хайл аро рад қилди они кирдикор.

Кўнглидин олиб ибодат завқини,  
Солдилар бўйнига лаънат тавқини.

Неча минг йил бўлдиким мардуд эрур,  
Неча минг йиллик иши нобуд эрур.

Онглаким бу йўлда қилмайдур илох,  
Ўзни кўрмакликдин ортуғроқ гуноҳ.

Ўзни кўрмак тоатин кўрмакдурур,  
Қилғонин кўнглига келтурмакдурур».

## СХХ

### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди:— «К-эй сарфароз,  
Кимки бўлса ҳақ йўлинда покбоз.

Нафъи онинг не экан — изҳор қил,  
Чун манга мубҳамдурур — шарҳ айлагил.

Ким бу йўлда — мен эрурмен покбоз,  
Борин ўйнабмен тўкуб ажзу ниёз».

## СХХІ

### Жавоб

Деди Худхуд ким: — «Бу иш душвор эрур,  
Саҳл этар тенгри ангоким ёр эрур.

Топса бу давлатни ҳар олий ниҳод,  
Мундин ортиқ йўктурур бу йўлга зод.

Яъни бу йўл зодидур безодлиғ,  
Зоду тўша қайдидин озодлиғ.

Лек онинг шарти будурким роҳрав,

Ҳарнеким бору йўқини жав-бажав.

Тоату зухду зиёну судини,  
Ҳақ йўлинда буд ила нобудини.

Жамъ этиб солгай фано ўтиға пок,  
Куйдуруб, кул айлаб, они завқнок.

Кулни совурғай ҳавоға сарбасар,  
Ул сифатким қолмағай ондин асар.

Сўнгра кўнглига солиб афғон ели,  
Ул чаманға эстуруб найсон ели.

Қилғонин мутлақ чиқорғай кўнглидин,  
Ҳар не қилмиш эрди — борғай кўнглидин.

Чун вужудин бу сифат қилди адам,  
Сўнгра бу йўл азмиға урғай қадам.

Улки дерларким сулук аҳлиға йўл,  
Бир қадамдур яхши воқиф бўлса ул.

Ул қадам будурки, йўку борини,  
Ўртағайким, қўймағай осорини.

Бу қадам қўйғоч, етар матлубға,  
Ҳажр бориб қовушур маҳбубға».

## СХХІІ

### Ҳикоят

«Улки бу йўлда иши таслим эди,  
Ибн Адҳам шоҳ Иброҳим<sup>1</sup> эди.

Ҳақ йўлинда муршиди дин эрди ул,  
Покбозу пок ойин эрди ул.

Ким бу йўлда мулку тахту кишварин,  
Ўйнади, ташлаб бошидин афсарин.

Жанда кийди кўргузуб юз минг ниёз,  
Йўлға тушти шоҳи ринди покбоз.

Балхдин<sup>2</sup> азми Нишобур<sup>3</sup> айлади,  
Они вайрон, муни маъмур айлади.

Бу макон бўлди чу ул гавҳарға кон,  
Етти йил бир тоғ аро қилди макон.

Онда Султон сойимуд — даҳр эрди кун,



Ул сифатким қойимул — лайл эрди тун.

Жамъ этиб водийда кундуз хасу хор,  
Бир кучок боғлар эди мардонавор.

Эгнига боғлаб бориб бозорға,  
Сотар эрди шом учун ифторға.

Бас риёзатдин хиёл ўлмиш эди,  
Жисми ул янглиғки нол ўлмиш эди.

Бир кун эгнида ўтун, жисмида ранж,  
Шаҳрга борур эди ул кони ганж.

Тўстилар йўлини ақтоби замон,  
Қилғоли онинг сулукин имтиҳон.

Урди бир юмруғ бири бўйниға руст,  
Деди ул факру фано таврида чуст.

Ким: «Ониким сен тилайсен қолди ул,  
Балхдин мен бу тараф тутқонда йўл».

Дедиларким: «Нотамом эрмиш хануз,  
Бу ўтун остида хом эрмиш хануз.

Балх онинг чиқмайдур эрмиш ёдидин,  
Ким бош урди хотири ношодидин.

Неча йил чекса бу янглиғ ранжу дард,  
Мулкнинг ёдидин ўлған кўнгли фард».

Йил ўтуб яна ул икки-уч ҳариф,  
Топтиларким борур эрди ул наҳиф.

Яна бир мушт имтиҳонға урдилар,  
Оз мун шартин бажо келтурдилар.

Чиқмади бу қатла султондин нафас,  
Мумтаҳинлар бўлдилар фарёдрас.

Дедилар топиб ул ойин бирла ком,  
Ким сулук ичра иши бўлмиш тамом

Шукрлар бу ишта ифшо эттилар,  
Ўзни султонға падидор эттилар,

Бир-бириға ҳамдаму дамсоз ўлуб,  
Каъба азми қилдилар ҳамроз ўлуб.

Шаҳға андин сўнгра итти шоҳлиғ,  
Рохравлар етқуриб огоҳлиғ.

Ғайр ёди кўнглида то бор эди,  
Парда янглиғ монёи асрор эди.

Кўнглидин билкулл чу зойил бўлди ул,  
Парда кўпғоч пешгаҳға топти йўл.

Бу фаноға кимки топти дастрас,  
Они дерлар покбоз, эй булхавас.

### СХХІІІ

#### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди:—«К-эй хушманд,  
Менда бордур ҳиммати беҳад баланд.

Гар бийик ҳимматнинг элга нафъи бор,  
Манга нафъ ўлмоқ керактур ошкор.

Мен заифу ҳимматим асру қавий,  
Сўз бу маънида не айтур маънавий».

### СХХІV

#### Жавоб

Деди Худхудким:— «Бу даъвонг ўлса жўб,  
Топкунг ондин ушбу йўлда нафъ кўп.

Паст элнинг гар бийикдур ҳиммати,  
Бор онинг хўрдида иззу рифъати.

Гавҳар ўлди ҳиммату одам садаф,  
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.

Ҳиммат ўлса, маснаду жоҳ ўлмасун,  
Мулку мол ончаки дилхоҳ ўлмасун.

Кимки йўқдур нақддин пирояси,  
Билки ҳиммат басдурур сармояси.

Кимсага ҳеч ишта гар етмас илик,  
Бок йўқ гар ҳиммати бўлса бийик.

Эрга ҳимматдин берур юз эътибор,  
Жоҳу мулку ганжнинг не дахли бор.

Мол ўлуб гар йўқ кишининг ҳиммати,  
Маъни аҳли оллида йўқ иззати.

Кимки бўлғай ҳиммати олий анга,

Бар берур бу җиммат иқболи анга.

Шаҳға җиммат паст агар берди худо,  
Хушроқ ондин җиммати олий гадо.

Подшоҳким бўлса җиммат ичра паст,  
Келди җимматлиғ гадодин зери даст.

Одамнинг зеби җимматдин дурур,  
Нафснинг таъдиби җимматдин дурур.

Паст җиммат гар топар бахти баланд,  
Мудбири кўхидек эрмас аржуманд.

Минг адад кўй бирла муздур шабон,  
Музд олиб кўйларға бўлмиш посбон.

Чун бўридин кўйга етса тумтарок,  
Ул шабондин онда бир ит яхшироқ.

Улки ганжи бору йўқ җиммат анга,  
Бу шабону кўйгадур нисбат анга.

Ганжга ул бир ниғаҳбон беш эмас,  
Ўйлаким ул кўйга чўпон беш эмас.

Ринди соҳиб җиммат онда чун етар,  
Ул сурукни бир гадоға базл этар.

Риндға җиммат била бўлса карам,  
Нақди анжумдур анга харжи дирам».

## CXXV

### Ҳикоят

«Бўйла сўз манқул эрур ахбор аро,  
Ҳиммат аҳли холидин осор аро.

Ким қиёматким эрур ёвмун — нушур,  
Онда ҳар ким қабридин айлаб зухур.

Зоҳиду фосиқ гадоу мухташам,  
Арсаи маҳшар аро кўйғой қадам.

Шайхи Жом ул муршиди олий мақом,  
Зинда Пили мастдек айлаб хиром.

Дўзах аҳли сори чун қилғай гузар,  
Солибон ибрат кўзи бирла назар.

Кўргач анда элга гуногун азоб,

Ҳиммати баҳриға тушкай изтироб.

Тенгрига изҳори ҳожот айлағай,  
Бўйла ойини муножот айлағай.

Ким илоҳий, аҳли дўзахни тамом,  
Ҳарне бўлғай шайху шобу хосу ом,

Барчанинг қилғон гуноҳин афв қил,  
Ёрлиқаб, лутф айлаб озод айлагил.

Санга бу лутфу карам осон эрур,  
Бу улус бору йўқи яксон эрур.

Гар мунга рози эмассен — бер манго,  
Ўйла жисмиким томуғ бўлғай тўло.

Гар санга бўлса азоб этмак ғараз,  
Мен бўлай бу нотавонларға эваз.

Ринди соҳиб ҳиммати олий жаноб,  
Чун шафоатда бу навъ этгай хитоб.

Бу сифатким зоҳир ўлғай қўшиши,  
Анга лойиқ ҳақдин ўлғай бахшиши.

Чун хумои ҳиммати очқай қанот,  
Юз туман минг халқ топқайлар нажот».

## **CXXVI**

### **Яна бир қушнинг Ҳудҳуддин саволи**

Яна бир сойил деди:— «К-эй пок сайр,  
Кимсада инсоф бўлғай, борму хайр?

Ҳақ манга инсоф қисмат айламиш,  
Қути жоним бўйла неъмат айламиш.

Бу сифатқа улки бўлса нисбати,  
Борму ул ҳазратда онинг қурбати?»

## **CXXVII**

### **Жавоб**

Деди Ҳудҳудким: — «Бу нақледур ҳасан,  
Борча эл оллинда мустаҳсан бу фан.

Одамиға яхши кўп авсоф эрур,  
Лек оларнинг ашрафи инсоф эрур.

Кимгаким инсоф йўқ — инсон эмас,  
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Бу сифат келди эранларнинг иши,  
Бўйла давлатқа етишмас ҳар киши.

Одам эрмас улки ноинсоф эрур,  
Одам инсоф истамас— аммо берур.

Истамаслар элдин инсоф аҳли ҳақ,  
Ким оларға келди мунсифлиғ сабак.

Бермай инсоф, улки инсоф истади,  
Ўзни ноинсофи мутлақ айлади».

## СХХVIII

### Ҳикоят

«Хожаи динпарвари олий насаб,  
Ким отиға Порсо<sup>1</sup> эрди лақаб,

Макка сайрин оллида жазм айлади,  
Каъбаи исломға азм айлади.

Хожа Бу Наср<sup>2</sup> эрди хизматкор анга,  
Ходиму фарзанду хосу ёр анга.

Чун мушарраф бўлдилар мақсудқа,  
Шукр зоҳир айлабон маъбудқа.

Қилдилар» ҳар неки фарз эрди адо,  
Халкнинг ҳажжини айларга дуо.

Ким қабул этгай ҳақ айлаб иттифоқ,  
Хожани мажмуъ кўрдилар йирок.

Олти юз минг раҳнаварди ҳақшунос,  
Хожаға кўргуздилар бу илтимос.

Соҳиби «Қудсия»у «Фаслул-хитоб»,  
Ул жамоатқа деди мундоқ жавоб:

«Ким манга бу ишки тортибсиз рақам,  
Мен худ ондин ташқари қўймон қадам.

Гар мунга боисдурур фазлу камол,  
Олами инсоф аро бекилу қол.

Мендан ансабдур бу иш Бу Насрға,  
Ким дуо қилғай бу аҳли асрға».

Чун бу янглиғ они таъриф айлади,  
Эл дуосин анга таклиф айлади.

Хожанинг инсофин ул эҳсон била,  
Эл қабул айлаб саросар жон била.

Хожа Бу Наср этти минбарин макон,  
Эл дуосин айлабон вирди забон.

Тенгрн оллида муножот айлади,  
Халқ учун изҳори ҳожот айлади,

Хожа минбарнинг тубин айлаб мақом,  
Сидқ ила омин дер эрди бардавом.

Етгач охирға дуо бирла савол,  
Деди сойил: «К-эй илоҳи зулжалол.

Кўрмасанг лойиқ дуо ойинини,  
Қилмағил зоеъ онинг оминини».

Олти юз минг халқдин чикти нафир,  
Зор йиғлаб ҳам сағиру ҳам кабир.

Офаринлар деб алар авсофиға,  
Ҳам атоу ҳам ўғил инсофиға.

Мундин аҳсан кимсага йўктур сифат,  
Онгламас они жуз аҳли маърифат».

## СХХІХ

### **Яна бир кушнинг Худхуддин саволи**

Яна бир сойил дедиким:— «Хайл аро  
Бандаға густохлиғ борму раво?

Сидрағаким келди олий шохлиғ,  
Гар куше қилса аён густохлиғ.

Журъати жанбида бўлғайму уқоб,  
Йўқса истиғноға бўлғайму ҳисоб?»

## СХХХ

### **Жавоб**

Деди Худхудким:— «Буким қилдинг савол,  
Сел жавоблида бил онинг икки ҳол.

Кимсаким густох ўлур шоҳ оллида,  
Ё керак махсус даргоҳ оллида.

Ўзлугининг қайдидин бўлғай халос,  
Ўзга уллуқ бирла берган ихтисос.

Ҳарне бу дер ул дегандекдур якин,  
Буллуку уллуқ бўлиб рафъ ўртодин.

Мунда зохирда агар журъатдурур,  
Лек маъни йўлидин ваҳдатдурур.

Ё керактур ишқ савдосида паст,  
Ошиқу ошуфтау — мажнуну маст.

Ким муҳаббат қилмиш ўлган они зор,  
Бўлган ойтур ҳолида беихтиёр.

Не инод ўлғай, не кибр онда ғараз,  
Жуз муҳаббатким анга йўктур эваз.

Ўйла ҳақ машъуфи бўлғай мутлақ ул,  
Ким дей олмағай ҳадисе жуз ҳақ ул».

## **CXXXI**

### **Ҳикоят**

— «Бор эди девонаи олий сифот,  
Халқ Мажнун Алҳақ айтиб анга от.

Чунки ҳақ ёди анга маҳбуб эди,  
Туну кун бу ёд ила мағлуб эди.

Сўз деса, ҳаққа қилур эрди хитоб,  
Ҳақ тилидин — ўқ берур эрди жавоб.

Бир баҳор айёми азм айлаб сафар,  
Ўзга байтуллоҳни айлаб мақар.

Чун риёзатдин тани эрди наҳиф,  
Минмиш эрди маркаби ул ҳам заиф.

Тун қоронғу бўлдию тутти ёгин,  
Кўрдим Мажнун саъб ул йўл бормоғин.

Бир бузуғ кўрдию сокин булди ул,  
Деди: — «Эй тенгрим, эшакдин воқиф ўл».

Кирди маркабни қўйиб вайронаға,  
Уйку ғолиб бўлди ул девонаға.

Ётти бош остиға қўюб бир кесак,  
Ул бузуғдин тошқари қолди эшак.

Кўзи борғоч уйқуға абри баҳор,  
Тезлик қилди ёғинға ошкор.

Тўкти вайрон ичра ҳарёндин су(в)ни,  
Телба бошидин учурди уйқуни.

Кўптию ўлтурди турғўнча ёғин,  
Чун ёғин турди билиб борур чоғин.

Чикти маркабни қилурға тез так,  
Йўқ эди вайрона тошинда эшак.

Кўйди юз Мажнунға беҳад изтироб,  
Тенгрига қилди ғазаб бирла хитоб.

— «Ким, санга маркабки топшурдум бу дам,  
Яхши асродинг, карам қилдинг, карам!

Эл сенинг меҳмонлигингга бормаса,  
Маркабин водий сари бошқармаса.

Бўлмағай эрди бу бепарволигинг,  
Ғафлат ичра маҳз истиғнолигинг.

Асромоғдин маркабим ор айладинг,  
Тийра тунда нопадидор айладинг»!

Гунгрониб ҳарён урар эрди кадам,  
Ғойибин истарға мажнуни дижам.

Ким чоқилди бир ажаб рахшанда барқ,  
Айлади оламни анворида ғарқ.

Маркабин кўрдикки ўтлойдур юруб,  
Хору хаска ҳар тараф оғзин уруб.

Кўргач они телба бўлди шодмон,  
Минди доғи йўлға тушти ул замон,

Тундлуғларни бошидин тошлади,  
Лутфлар бирла навозиш бошлади.

— «К-эй менинг жисмим аро жоним худо,  
Балки юз жоним санга бўлсун фидо!

Гарчи улдам маркабимға боқмадинг,  
Ғойиб айлаб бўйниға ип тоқмадинг.

Манга юзланди ажаб ошуфталик,  
Қаҳрдин қилдим санга олуфталик.



Чун эшакни топшуруб эрдим санга,  
Они топшурмоқ керак эрдинг манга,

Асрамоқда чунки таксир айладинг,  
Тунд кўргач мени тадбир айладинг.

Чора айлаб чакмоғингни чоқибон,  
Кўз ёрутур машъалингни ёқибон.

Кўзума они намудор айладинг,  
Дар маҳал бу лутф изҳор айладинг.

Тундлукқа гарчи мен эрдим муҳик,  
Сен ҳам эрмишсен ҳарифи бас мудик.

Ким бу диққат айлабон зоҳир манга.  
Ғойибимни айладинг ҳозир манга.

Дегонимдин бемадор эттинг мени,  
Қилғонимдин шармисор эттинг мени.

Сен неким қилдинг — унутгум мен тамом,  
Сен ҳам ўтконни унут, лутф айла ом.

Мен унутгум айлабон зоҳир вифок,  
Сен доғи они унутсанг яхшироқ.

Мен сени деб қилмоғумдур чун хижил,  
Сен мени ҳам қилма ойтиб мунфаил.

Мен сени бу қиссада тутгум маоф,  
Сен доғи кўнглунгни мендин айла соф»!

Ўзини ҳардам ситойишлар қилиб,  
Ҳакни ҳам мундоқ навозишлар қилиб,

Телба рози гарчи номаъкул эди,  
Чун муҳаббатдин эди мақбул эди.

Бўлса ҳар мажнун бу янглиғ роз анга,  
Ҳам етар густохлиғ ҳам ноз анга.

Тенгрига чунким бу эл маҳбуб эрур,  
Ҳар не маҳбуб айласа марғуб эрур».

## СХХХІІ

### **Яна бир қушнинг Худҳуддин саволи**

Ёна бир сойил деди: — «К-эй раҳнавард,  
Ғайрдин мен бўлмишам озоду фард.

Ўзни айлабмен хаёли бири хўш,  
Бўлғоли бир кун висоли бирла хуш.

Мен чу ондин ойру эрмон бир нафас,  
Они истаб не сафар айлай ҳавас?»

### **СХХХІІІ**

#### **Жавоб**

Деди Худхуд:— «К-эй сўзунг даъвоға хос,  
Топмоғон маъни сари ҳеч ихтисос.

Ҳар киши ҳадди эмас бу навъ лоф,  
Ким ўзи васфиға дегай бу газоф.

Сен мун кўрким чекиб жон ою йил,  
Ўз-ўзунгни васф этарсен мутгасил.

Ўзни ғайридинки дерсен фард бу,  
Оллида макбул экин мардудму.

Сен демокдин рост келмас бу мақол,  
То не навъ эркин онинг оллинда ҳол.

Сен бу даъводин урарсен худ нафас,  
То анга не навъ экин бу мултамас.

Ҳар не сен дерсен анга йўк эътибор,  
Мўътабардур не ул этса ошкор.

Сен демокдин иш кифоят бўлмағай,  
То қабул ондин иноят бўлмағай.

Демагон хушроқ яна бу навъ сўз,  
Тиккон авлодур онинг лутфиға кўз».

### **СХХХІV**

#### **Ҳикоят**

Шайх Бистомий, амини ганжи роз,  
Аҳли маъни тахти узра сарфароз.

Чунки бу дорулфанодин қилди азм,  
Равзаи дорулбақоға тузди базм.

Бир кун они тушта кўрди бир мурид,  
Деди: «Эй ичгон майи «ҳал мин мазид»!

Бизга ҳолингдин аён этгил хабар,  
Ким санга не қилди ҳайи додгар?

Токи итминони бўлғай бизга ҳам  
Фурқатингда чун бәсе кўрдук алам».

Муршиди комил дедиким: «Ул замон —  
Ким, лаҳад қаъри манга бўлди макон.

Ул малакларким эрур аҳли савол,  
Бўдилар ҳозир қилурға қилу қол».

Дедиларким: «Кирдигоринг ким дурур,  
Холиқу парвардигоринг; ким дурур ?»

Мен дедим: «Бу сўзни мендин сўрмангиз,  
Гар жавоби демасам ёзғурмангиз.

Айлангиз бориб савол ондинки, ул —  
Бандалиғ сори манга берурму йўл.

Қуллуғумға гар қабул ўлса хитоб,  
Ул хитоб — ўқ сизга кофийдур жавоб.

Бандае онгланг мени даргоҳида,  
Маснади иқбол иззу жоҳида.

Гар қабул иқболидин навмид мен,  
Ҳажрида аввораи жовид мен.

Мени рад аҳлидин ул соат билинг,  
Ҳар не истар кўнглунгиз ул дам қилинг.

Чун бу янглиғ топтилар мендин жавоб,  
Келди ул соат хитоби мустатоб.

«К-эй савол аҳли, буқим масъулдур,  
Бандаи мустаҳсану мақбулдур.

Бўлмайин равшан онинг нуриға кўз,  
Ўз демоқлик бирла келмас рост сўз».

## СXXXV

### Яна бир қушнинг саволи

Яна бир сойил дедиким:— «Эй рафиқ,  
Бўлмишам баҳри камол ичра ғариқ.

Ҳам камоли нафс бўлмиш ҳосилим,  
Ондин ўлмиш восилим, коми дилим.

Бу муродим мунда чун ҳосилдурур,  
Йўл азобин тортмоқ мушкилдурур»

## СХХХVI

### Жавоб

Деди Худхуд:— «К-эй мурудингдин нуфур,  
Кўнглинга ғафлат солиб жаҳлу ғурур.

Ўз хаёлингдин қилиб мағрурлуқ,  
Ишнинг аслидин топиб маҳжурлуқ.

Бу хаёлинг келди беҳосил хаёл,  
Балки боштин то оёқ ботил хаёл.

Ноқис улдурким ўзин комил дегай,  
Комил улким нуқсин исбот айлағай.

Ўз камолидин демас аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.

Сенки нуқсон ичра комилсен баса,  
Олим ойтиб ўзни, жоҳилсен баса.

Ўз камолидин демактур маҳзи жаҳл,  
Жаҳлдин сўз ойтқой ким бўлса аҳл.

Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.

Меҳр кун туш ўзни кўргоч баркамол,  
Анга юзланди ҳамул соат завол.

Бовужудиким камоли бор эди,  
Чун они кўрди заволи бор эди.

Гар ўзин комил дегай ноқисваше,  
Хушлуқ ўзга собит этгай нохуши.

Они ислоҳ айламак душвордур,  
Ким биноси кибр ила пиндордур.

Бу камолингким, қилибтурсен гумон,  
Маҳзи нуқсон бил они, эй нотавон».

## СХХХVII

### Ҳикоят

Шайх Абу Бакри Нишобурийки<sup>1</sup>, ул  
Мулки маъни сори топиб эрди йўл,

Чикти бир кун мулки Нишобурдин,  
Сайр учун ул хиттаи маъмурдин.

Шайхлиғ ойини ғоятдин фузун,  
Ходиму мухлис ниҳоятдин фузун.

Ҳам маҳофа, ҳам рикобу ҳам алам,  
Жавқ-жавқ асҳобу афроду хадам.

Шайх чун наззора қилди бу шукух,  
Кейнида — оллида ҳар янглиғ гурух.

Бир хаёли кўнглиға тушти маҳол,  
Ким они мағлуб қилди ул хаёл.

Бу маҳалда бир эшак айлаб фиғон,  
Чиқди ондин бир бийик ел ногаҳон.

Шайхқа бу рамздин вақти ўлди хуш,  
Важду рақс айлаб йиқилиб қилди ғаш.

Чун анга бу навъ ҳол ўлди падида,  
Қилдилар инкор асҳобу мурид.

Баргараф бўлғон замон ул оллами,  
Айлабон густохлиғ бир маҳрами.

Кайфият сўрдик не ҳол эрди бу,  
Шайх ойтти: «К-эй рафиқи розжў.

Чун назар солдимки, халқ айлаб ҳужум,  
Тобеъимдурлар бу ишдин нафси, шум.

Кўнглума солдике иршод аҳли дин,  
Толибу солиққа имдод аҳлидин.

Не Жунайду Шиблюю<sup>2</sup> не Боязид,  
Не Убайду Нурию<sup>3</sup> не Бу Саид.

Қайси бир топиб эди эркин бу жох,  
Фақр ойинида бу хайлу сипоҳ!

Нафс чун кўнглумга солди бўйла тоб,  
Бу маҳалда ул эшак берди жавоб.

Чун жавобим топтим андоқким керак,  
Боиси бу важдим ўлди ул эшак.

Шайхким, айлаб эшак фарёд анга  
Бўйла етса айлағай иршод анга.

Жой ул бўлғайки, айлаб важду ҳол,  
Бошидин елдек чиқорғай ул хаёл.

Ўйла инсоф аҳлидин келгай бу иш,  
Кимки ул мунсифдурур — билгай бу иш.

Йўкса ҳар мағрур, дунӣ булҳавас,  
Бу бийик давлатқа топмас дастрас».

## **CXXXVIII**

### **Яна бир қушнинг саволи**

Яна бир сойил деди: «К-эй муҳтарам,  
Бу маҳал йўлга қачон қўйсам қадам.

Ўзни не машғуллуқтин шод этай?  
Етса ғам, ўзни не навъ озод этай?

Не қилайким кўнглума еткай сурур,  
Ким манга ондин даме еткай ҳузур?»

## **CXXXIX**

### **Жавоб**

Деди Худхуд: «Ўзни гар шод истасанг,  
Ҳар сифат қайғудин озод истасанг.

Ўзни онинг ёдиға муътод қил,  
Шодлиғ истарсен — они ёд қил.

Шодлиғким эрмас онинг ёдидин,  
Бўлмағон хушроқ хирад иршодидин.

Ондин ойру айшдин ғам яхшироқ,  
Сурдин юз қатла мотам яхшироқ.

Ғамки ондин бўлса, билгил шодлиғ,  
Ҳар балийят қайдидин озодлиғ».

## **CXL**

### **Ҳикоят**

— «Хожа Абдуллоҳ Ансорийки<sup>1</sup>», ақл —  
Айлай олмас минг ишидин бирни нақл.

Дедиким:— «Улдур кўнгулнинг хушлиғи,  
Факр йўлинда киромивашлиғи.

Ким кўнгулда ондин ўзга бўлмағай,  
Ёдида жонондин ўзга бўлмағай.

Ҳар кўнгул мундоқдур — они бил кўнгул.  
Йўкса баҳру кон эса ондин тўнгул,

Кўнгул улдурким анга маскандурур,  
Йўкса гулшан бўлсаким гулхандурур».

## **CXLI**

### **Яна бир қушнинг саволи**

Яна бир сойил деди: «К-эй бахтиёр,  
Чун онинг ишқини қилдим ихтиёр.

Ногаҳон васлига бўлсам сарфароз,  
Не тилай ондин қилиб зоҳир ниёз?

Ондин истар нимани аввал билай,  
Васлиға етган замон ондин тилай».

## **CXLII**

### **Жавоб**

Деди Худхуд:— «К-эй шиоринг хомлик,  
Хуш водисинда беоромлик.

Чун санга ул мақсаду мақсуд эрур,  
Ондин ўзга бору йўқ нобуд эрур.

Чун муяссар бўлди матлубинг сенинг,  
Кирди оғушунгга маҳбубунг сенинг.

То йироксен — кўнглунга ўлдур ҳавас,  
Жонинга йўқ ондин ўзга мултамас.

Эмдиким топтинг, қилиб қатъи финок,  
Истамак не бўлғай ондин яхширок!

Улдурур чун тан била жондин мурод,  
Ондин ўзга не бўлур ондин мурод!

Топқоч онинг ғайридин кўнглунгни уз,  
Бору йўқунгни онинг ишқида туз».

## **CXLIII**

### **Ҳикоят**

Бу Саид ул ғарқи дарёи вусул,  
Ким онинг васфида ожиздур укул.

Улки зотиға лақаб Харроз эди,  
Туну кун матлуб ила ҳамроз эди

Маккада бир кун дуо вақтида хайл,  
Қилдилар ҳақдин мурод истарга майл,

Ул халойиқ авлиёуллоҳ эди,  
Барча ҳақ асроридан огоҳ эди.

Барчаси тақвою тоат айлабон  
Ҳақни истарға муножот айлабон.

Юзни суртиб барча Байтуллоҳға  
Ошнолиғ истаб ул даргоҳға,

Лек ул сирри ҳақойиқ маҳзани,  
Васл боғи гулларининг гулшани.

Ул талаб аҳли аро хомуш эди.  
Кўнгли ваҳдат жомидин беҳуш эди.

Эл дуо қилғонда ногоҳ солса кўз,  
Оғзиға гоҳи келур эрди бу сўз —.

Ким: Илоҳий ҳар не халқ айлар талаб,  
Мен топибмен чекмайин ранжу тааб.

Сенки, эл матлубисен — мен топмишам,  
Истамакдин ложарам кўз ёпмишам.

Сендин айру чун эмасмен бир нафас,  
Лағв эрур топқонни қилмоғлиғ ҳавас.

Мен чу васлинг бирла топмишмен кушод,  
Бу талаб аҳлиға ҳам бергил мурод».

## CXLIV

### Яна бир қушнинг саволи

Яна бир сойил деди:— «К-эй илмкеш,  
Бу сафарким кўнглумизни қилди реш.

Қатъ ўлуб шах базмиға бўлсақ анис,  
Тухфаи вожибдурур беҳад нафис.

Шаҳни кўрмак тухфаи, мақбул ила,  
Бизни ондин огоҳ эт маъкул ила».

## CXLV

### Жавоб



Деди Худхуд: — «К-эй саволинг хуб эрур,  
Тухфаким шоҳ оллида марғуб эрур.

Бир нима топқилки ноёб ўлғай ул,  
Йўқки лаъли дурру сероб ўлғай ул.

Бордур ул маҳзанда нақди беҳисоб,  
Дурру гавҳарға худ онда неҳисоб.

Ул малоик тоату тақвосидур,  
Покравларнинг шариф анфосидур.

Зухд аҳлидин ибодат онда кўп  
Жавҳари тақвою тоат онда кўп.

Анбиёдин ҳам риёзат беадад,  
Авлиёдин ҳам ибодат беадад.

Ҳарнеким ондин шариф ўлмас гумонн,  
Ул ҳамондур ондау туфрок ҳамон.

Лек анда тухфа сўзу дард эрур  
Бир асарлиғ оҳи ғампарвард эрур.

Боргоҳи иззу истиғнодур ул,  
Юз туман минг аршдин аълодур ул.

Онда кўптур иззу истиғноу ноз,  
Улки йўқтур ул эрур ажзу ниёз.

Сен ўзунг бирла ниёзу дард элт,  
Жисми зору жони ғампарвард элт.

Ким бу тухфа йўқтур ул даргоҳда,  
Не тилар ажзу забунлуғ шоҳда.

Онда еткур сўз ила дарду фано,  
Истар ўлсанг ўзни қилмоқ ошно.

## CXLVI

### Ҳикоят

Шаҳриёре бор эди шаҳларға шоҳ  
Олам аҳли бошида зилли илоҳ.

Тоҷу меҳру онда кавкабдин гуҳар,  
Мулки Ховар ҳаддидин то Бохтар.

Бор эди бир ўғликим, чархи кўхун,  
Кўрмамиш эрди онингдек сарвбун.

Ҳусн авжи узра тобон ахтар ул,  
Лутф дуржи ичра рахшон гавҳар ул.

Ҳам сабоҳат шомида шамъи тироз,  
Ҳам малоҳат гулшанида сарви ноз.

Шоҳ ани асраб ниҳоний қаср аро,  
Ҳуснидин ўт тушмасун деб аср аро.

Даҳр аро офат тушарни чоғлабон,  
Отланиб тушмак йўлини боғлабон.

Ул қилиб гулшан ҳарамида мақом  
Боғ аро товусдек айлаб хиром.

Шаҳ чу чиқмоқдин анга монёъ бўлуб,  
Ул чаманда айш ила қонёъ бўлуб.

Ногаҳон чекти ажал жомини шоҳ,  
Тахтни шаҳзода қилди жилвагоҳ.

Хутбаи давлат ўқулди зотиға,  
Сиккаи рифъат сўкулди отиға.

Отланиб бир кун тамошо қилғали,  
Кўнгли мулки сайридин очилғали.

Кирди офат солғали майдон аро,  
Солди гардун сайрини жавлон аро.

От чопиб майдонда чавгон ўйнади,  
Халқ бошин гўй этиб жон ўйнади.

Қайси жонибким, таковар сурди тез,  
Шаҳру мулк аҳлига солди рустахез.

Кўрган эл девонау зор ўлдилар,  
Ишқ домиға гирифтор ўлдилар.

Офате солиб улусқа бас азим,  
Ёнди гулшан сори андоқким насим.

Шаҳр халқи «ё раб»у ғавғо чекиб,  
Ишқидин фарёду вовайло чекиб,

Қолмайин они эриштилар бори,  
Қасру боғига етиштилар бори.

Шоҳи золим айлабон мулкин хароб,  
Туштию қилди халойиққа итоб.

Ким: «Бу ғавғо аҳлини ҳарён сурунг  
Кетмаганларни жазоға еткурунг!»

Неча сурдилар — халойиқ кетмади,  
Саъю кўшиш онда кўп суд этмади.

Шаҳр халқи сарбасар мажнун бўлуб,  
Балки мажнундин доғи афзун бўлуб.

Туну кун ошифтау девонавор,  
Тутгилар шаҳ боғи давринда қарор.

Шайху шобу ринду зоҳид хосу ом  
Қилдилар ишку жунун кўйин мақом.

Шаҳ чу элнинг саъб кўрди ҳолатин,  
Ғолиб ўз ҳолига доғи ҳайратин.

Кўрди бу ғавғониким — поёни йўқ,  
Чора қилмоғлиғ анга имкони йўқ.

Ул халойиқ сори пайғом айлади,  
Бир кишидин бўйла эълум айлади.

«Ким, буларким ишқима мағлуб эрур,  
Ҳар бири бир шеваға мансуб эрур.

Ҳар ким ўз фаннида қилсун эҳтимом,  
Ҳирфасидин айласун бир иш тамом.

Бори ом ўлғонда ҳозир айласун,  
Ҳар ким ўз фазлини зоҳир айласун.

Кўнглума хуш келса ҳар кимнинг иши,  
Оллима бўлсун мулозим ул киши.

Они ўз базмим аро дамсоз этай,  
Суҳбатимда ҳамдаму ҳамроз этай.

Дилписандим бўлмаса бўйнин узай,  
Кўп уқубат бирла они ўлтурай».

Бўйла ҳукм этти чу шоҳи зулмфан,  
Тушти ушшоқ оллида беҳад миҳан.

Эл бўлуб бу ваъдаға умидвор,  
Ишлари кейнича туттилар қарор.

Кеча-кундуз сайъ этиб эл сарбасар,  
Аҳли фазлу илму ҳар аҳли ҳунар,

Барча иштин ўзни маъзул эттилар,

Шоҳ буюрғон ишга машғул эттилар.

Борди олим нусха тасниф этгали,  
Кетти мутриб савт таълиф этгали.

Шоир этти мадҳгусторлик аён,  
Ким анга қилғой назар шоҳи замон.

Сурди мунши васфи узра хомани,  
Ким писанд эткайму шоҳ ул номани.

Заргар ўлтирди аён айлаб ҳунар,  
Ким ясағай шоҳға лойиқ камар.

Жомабоф омада қилди коргоҳ,  
Қилғали зарбафт они киймакка шоҳ.

Ошкора айлади нажжор тахт,  
Тўктағай деб онда шоҳи некбахт.

Айлади қаввос ўзин санъатқа банд,  
Шоҳға тушкайму деб ул дилписанд,

Ўқчи айлаб ўзни меҳнатқа асир,  
Ким бу шояд шаҳға бўлғай дилпазир.

Ҳосило ул шаҳр элидин хосу ом,  
Ўз ишига ҳар бир айлаб эҳтимом,

Ким бу шояд шоҳға тушгай қабул,  
То муродиға онинг бўлган ҳусул.

Гарчи келса оллиға ранжу тааб,  
Бўлғай ул кому муродиға сабаб.

Бир кеча ишратгоҳидин чиқти шоҳ,  
Халқ шаҳқориға айлай деб нигоҳ.

Бир-икки маҳрам надими бирла ул,  
Тутти шабравлар киби шаҳр ичра йўл.

То ул эл аҳволиға солиб назар,  
Барчанинг сарвактиға қилгай гузар.

Қайси бир ишгаки қилди илтифот,  
Деди кўнглида шаҳи олий сифот:

«Ким бизнинг маҳзанда бу иш бордур,  
Балки мундин яхшироқ бисёрдур!»

Токи етти бир ғариби зорға,  
Ошиқи озурдаи афгорға.

Они қилғон ишқ жондин ноумид,  
Ҳажр пайдоу ниҳондин ноумид.

Бағрининг хунобини ул нотавон,  
Кўз йўлидин ҳар тараф айлаб равон.

Қон била туфроғ аро кўнглида тоб,  
Ним бисмил қушдек айлаб изтироб.

Ҳар дам ўзга нолау афғон тузуб,  
Нолау фарёди эл кўнглин бузуб,

Ишқ тиғи хаста кўнглин чок этиб,  
Кўнглин ўзлук меҳнатидин пок этиб.

Ишқ жавридин чекиб онча ано,  
Ким вужудин айлабон маҳзи фано.

Бу фано туфроққа айлаб они паст,  
Ҳар сари муйиға солиб юз шикаст.

Дебки: «Ўз фаннида ҳар ошуфта ҳол,  
Кўргузуб айни маҳоратдин камол.

Тонгла шаҳ базмини айлаб жилвагоҳ,  
Ҳар бирига лутфлар кўргузса шоҳ.

Мангаким йўқ тухфаи жуз оҳу дард,  
Найлаб ўлғаймен оларға ҳам набард?!

Лутф бўлса ё сиёсат шоҳда,  
Ким манга йўл бергай ул даргоҳда.

Ўзни лойиқ лутфу эҳсонға демон,  
Ким сиёсат қилғоли ҳам арзимон.

Кошки тиғи сиёсат сурса ҳам,  
Ўз қиличин бўйнума еткурса ҳам,

Умрдин мунча шараф басдур манга!  
Ком мундин ўзга эрмастур манга!

Лек чун йўқ менда онча эътибор,  
Қатлиға доғи умидим қойда бор.

Войким, муҳлик эрур дарду ғамим,  
Ондин ўз ҳолимға бўлмиш мотамим».

Шоҳ кўргач бу ғариб аҳволни,  
Бу ғариби зорға бу ҳолни.

Кўнглига айлаб асар меҳр этти фoш,  
Кирди ул вайронға ондоқким қуёш.

Лутф кўргуздию кўнглин овлади,  
Балки руҳин жисм уйидин қовлади.

Ошиқи бечора кўргач бўйла хол,  
Ғояти ҳайратдин ўлди гунгу лол.

Қилди ул ҳолатдин айлаб кўнгли ғаш,  
Меҳмон оллида жонин пешкаш.

Бил бу навъ ўлмакни жондин яхшироқ,  
Минг ҳаёти жовидондин яхшироқ.

Бўйла ўлмак одамиға берса даст,  
Одам эрмас жонға бўлса пойбаст.

Қилди они ишқ аро ул дарду сўз,  
Руҳи шамъин машъали гетиғурўз.

Ашқу куймак шамъини ҳар тийра шом,  
Кўрки, айлар меҳрға қойим мақом.

Фониё истар эсанг мақсадға йўл,  
Оху сўзу дард ила хурсанд бўл!

## CXLVII

### Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

Яна бир сойил деди: «К-эй пок қуш,  
Раҳбарлиқ фаннида чолок қуш.

Бўлди бу йўл шиддати ҳаддин фузун,  
Тули онинг худ ниҳоятдин узун.

Бу бало даштин қачон қатъ этқобиз,  
Асли манзилға не янглиғ етқобиз?

Бизни бу иштин хабардор айлагил,  
Суръату оромин изҳор айлагил.

Шарҳ қил оғоз ила анжомини,  
Аввал эмгок сўнгра айшу комини».

## CXLVIII

### Жавоб

Деди Худхудким: — «Аё раҳрав рафик,  
Бу саволинг воқеъ ўлди бас дақиқ.

Чун сўрарсен бу сафар кайфиятин,  
Манзилу водий нашоту шиддатин.

Ким неча водию манзилдур бу йўл,  
Эмди мен шарҳ айлаю сен воқиф ўл.

Оллимизда етти водийдур **1** азим,  
Ҳар бирида беҳаду андоза бийм.

Лек ҳар водийда манзил беҳисоб,  
Ким ҳисобидин қилур таъ ижтиноб.

Етти водий аслу манзиллар фуруъ  
Айлоли ул асл шарҳиға шуруъ.

Водийи аввал — Талаб водийсидур,  
Бошлағон ул ён шараф ходийсидур.

Ишқ водийсидур ондин сўнгра бил,  
Ул ўт ичра бору йўқни ўртагил,

Ишқ чун қилди вужудингни адам,  
Маърифат водийсиға урдунг қадам.

Сўнгра Истиғноға водийдур васеъ  
Пастдур жунбида бу чархи рафеъ.

Водийи Тавҳид бил, ондин нари,  
Фард бўлмоқ неча борсанг илгари.

Мундин ўтсанг водийи Ҳайратдурур,  
Водийи Ҳайратда кўп шиддатдурур.

Борчадин сўнг водийи Факру фано,  
Ўтмас ондин сайр ила солик яно.

Қаъ ўлур мунда сулук аҳлиға гом,  
Иш бўлур ўзга қилиғ бирла тамом.

Лек манзилдин хабар бермас бирав,  
Ким бу йўлдин ёнмади бир роҳрав.

Бу етти водий доғи ижмол эрур,  
Лек тафсилида кўп ишкол эрур».

## CXLIX

### Талаб водийсининг сифати

— «Чун Талаб водийсиға қўйсанг қадам,  
Оллингға ҳар дам келур юз минг алам.

Ҳар дам анда юз маломат юзланур,  
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.

Истамак ранжи кўнгулни зор этар,  
Топмомоғлиғ руҳни афгор этар.

Жонни куйдурмак бўлуб маҳрумлук,  
Васлининг миёоди номаълумлук.

Ранжу кўшиш санчибон жисмингга неш,  
Дарди ноёб айлабон жонингни реш.

Истабон топмай дури ноёбни,  
Мундадур тарк айламак асбобни.

Молу мулку ҳар недур соликка банд,  
Тўрт такбири фано урмоқ баланд.

Ҳар неким ғайри талабдур ташламоқ,  
Ўзни мақсад манзилига бошламоқ.

Қолмаса олам матоъидин жиҳот,  
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.

Ганждин еткай асар вайронинга,  
Зоти нуридин ёруғлуғ жонинга.

Ул ёруғлуғ шавқ ўтин тез айлағай,  
Ким талаб раҳшин сабукхез айлағай.

Ўзда топқайсан талабни бирга юз.  
Тоғлар бўлғай сенинг оллингда туз.

Жонинга еткай талабнинг роҳати,  
Қолмағай ранжу таабнинг шиддати.

Дурға топқон сойи кўнглунг хослиқ,  
Бўлғой осонроқ санга ғаввослиқ.

Ламъа кўргузган сойи меҳри висол,  
Айлағай шоминг саҳарға интиқол.

Оллинг келса агар пили дамон,  
Кўргосен пашша ҳамону ул ҳамон.

Гар йўлунгни тутса юз шеру паланг,  
Бўлғай оллингда нечукким мўри ланг.

Аждаҳодин етмаган кўнглунгда ранж,  
Ўйла бўлмиш бўлғай ул машъуф ганж.



Куфр ила имонға урғайсен илик,  
Бу тамаъдинким очилғай бир эшик.

Чун эшик очилди не куфру не дин,  
Ичкари киргач қутулдунг барчадин.

Куфру имон роҳравға кеш эмас,  
Асл йўлда банди роҳе беш эмас».

## СЛ

### Ҳикоят

— «Подшоҳе бор эди гардунжаноб,  
Махзану ганжи сипоҳдек беҳисоб.

Бор эди ул шаҳға бир зебо ўғул,  
Бўлғудек Юсуф онинг оллида қул.

Меҳри ховар ҳусн аро шармандаси,  
Кўйи туфроғи уза афкандаси.

Сарв онинг нахли қадига соядек,  
Ой узори меҳриға пироядек.

Ҳам қуёшдек ҳусн ила офоқгир,  
Ҳам камардек энг била гардун сарир,

Кўзи ҳар боқмоқта оламни бузуб  
Ишқ элиға ўзга олам кўргузуб,

Жон олиб лаъли такаллум айласа,  
Жон бериб лекин табассум айласа.

Ошику шайдоси онинг оламе,  
Олам аҳли қатлидин кўрмай ғаме.

Кофиру усрук кўзи солиб мудом,  
Дину имон аҳли ичра қатлиом.

Ўт ёлиндек раҳш ҳарёнким суруб,  
Ул чоқин бирла жаҳонни куйдуруб.

Олам аҳли волау шайдо анга,  
Лек муфрит нозу истиғно анга.

Кўз учидин халқ сори чун боқиб,  
Зулми тиғидин туман минг қон оқиб.

Ўлсалар офоқ эли парвоси йўк,  
Балки айлаб қатл истиғноси — ўк.

Кўйида йўл топмайин пайки насим,  
Онда эсмоқдин етиб жониға бим.

Гулшани сори эса олмай шамол  
Ким топиб ҳар барг гулдин гўшмол,

Бир кун ул сахрога сурди отланиб,  
Ёнғали сахро фазосин айланиб.

Юз туман мажнун эди дашт узра зор,  
Барча ишқи шиддатидин беқарор,

Лек онинг сори боқарға захра йўқ,  
Кўзга ул жониб назардин бахра йўқ.

Васлиға толиб вале яхши ямон,  
Топмоғи лекин кишига йўқ гумон.

Ногаҳон шахзодаи фархунда фар,  
Солди ул сахродаги элга назар.

Кўзи тушти икки зори хастаға,  
Ишқ занжири била вобастаға.

Ҳукм човушларға қилдиким юрунг,  
Ул ики девонавашни келтурунг.

Сурди чун давлатсаро сори саманд,  
Йўлида ҳозир ул икки мустаманд.

Ул бирин маҳбуси зиндон айлади,  
Бу бирин оллида сакбон айлади.

Ул бўлуб бандилар ичра пойбанд,  
Бу бўлуб занжириларға мустаманд,

Бу балиятда эдилар муддате,  
Тортар эрдилар бу янглиғ шиддате.

Дардманде айлади бир кун савол,  
Ким: — «Недур сизга бу меҳнат ичра ҳол?»

Бу деди: «Меҳнат деган қайси бўлур,  
Кому роҳатдур машаққат не бўлур,

Менки ишқи кўнглум ичра тўлғали,  
Рози эрдим кўйида ит бўлғали.

Гарчи итларга мулозим бўлмишам,  
Лек ул хайл узра ҳоким бўлмишам».

Ул дедиким: — «Ишқ этиб кўнглумга зўр,

Рози эрдимким мақомим бўлса гўр.

Гарчи ҳоло банд аромен устувор,  
Васлидин кўнглум эрур уммидвор».

Бу ҳикоятларни шоҳи маҳжабин,  
Эшитур эрди ниҳон айлаб камин.

Чун талабда бўйла содиқ эрдилар,  
Ишқ таврида мувофиқ эрдилар.

Мунбасит бўлди шаҳи хуршидваш,  
Кўнглига сўзлар бағоят келди хуш.

Фаҳм чун бу навъ ихлос айлади,  
Ул иковни маҳрами хос айлади.

Чун талабда сидқдин эрди асар,  
Оқибат бу навъ топтилар самар».

## СЛ

### Ишқ водийсининг сифати

— «Чун Талаб водийсини қилдинг тамом  
Кўйғунг ул дам Ишқ водийсиға гом.

Ишқ келди машғали гитифурўз,  
Дема машғал, шуълаи офоқсўз.

Ишқ аро ҳар кимса дархур бўлмағай,  
Ўтқа лойиқ жуз самандар бўлмағай,

Ишқ аро поку қаландарлик керак,  
Шуъла баҳрида самандарлик керак.

Куймак иштур ошиқи девонаға,  
Шуъла ичра ўйлаким парвонаға.

Дема раънолар иши фарзоналик,  
Кўпалак ҳадди эмас парвоналик.

Жилва айлар кўпалак гуллар уза,  
Тифлларға ҳусну зебин кўргуза.

Қани пашмин кисвати девонадек,  
Шуълаға урмоқ ўзин парвонадек.

Кўпалакда гарчи бўлғай рангу ҳол,  
Бўлмағай парвона янглиғ сўзу ҳол.

Барча кушнинг оти булбул бўлмади,

То азалдин ишқ аро кул бўлмади.

Куймаган ишқ ичра эрмас ишқбоз,  
Ошиқ эрмас улки эрмас жонгудоз.

Шод эрур ишқ аҳли ўртанмак била,  
Бўлмағай бу шева ўртанмак била.

Ишқ элининг ўти келди хонасўз,  
Ўйлаким аждар дами вайронасўз.

Фард эмас ушшоқ кўнгли оҳдин,  
Не чиқар жуз дуд оташгоҳдин.

Олам ўртар ишқдин тушкан ёлин,  
Сўзнок эткон хаводиндур чоқин.

Ишқ ўтиға ошики пок ўртанур,  
Барқдин андоқки хошок ўртанур.

Дема ошиқ кўнглини оташзада —  
Ким они ишқ айламиш оташкада.

Гар тушар оташкада ичра киши,  
Не бўла олғай жуз ўртанмак иши.

Кимса бўлди ишқ аро тушкан дам ўт,  
Ўтқа неким тушти бўлди ул ҳам ўт.

Ишқ ўртар ким сориким ойланур,  
Ким тушар ўт даврасиға ўртанур.

Ишқ саргардони эрмасдур уюн,  
Ким эрур жисмиға ўт тушкон қуюн.

Ишқ аро лозимдурур ўртанмак — ўқ,  
Ўт аро куймақдин ўзға чора йўқ.

Ишқ авжидин қаёнким тушти барқ,  
Жонни айлар шуъла селобида ғарқ.

Ишқ барқи хонумонни куйдурур,  
Хонумон йўқким, жаҳонни куйдурур.

Тарки жон ошиққа варзиш онглағил,  
Ёр учун ўлмақ камин иш онглағил.

## СЛП

## Ҳикоят

— «Асмаъий ҳаж сари эрди раҳнавард,

Кўрди бир манзил аро ашжору вард.

Сабза бирла гул аро бир чашма су,  
Ғулгули ҳайвон сувидин нуктагу.

Равшану покиза ошиқ жонидек,  
Ориғ онинг дидаи гирёнидек.

Асмаъий ул сув ёқосида даме  
Ўлтуруб ювди замиридин ғами.

Табъи ул манзилда кўргач интиқош,  
Кўрди чашма бошида бир тахта тош.

Онда ёзилғонки: — «Эй аҳли Ҳижоз<sup>1</sup>,  
Чорасин онинг чу билгайсиз бу роз.

Кимса бўлса ишқ зори найласун,  
Бўлмаса сабру қарори найласун?»

Асмаъий чекти қалам бирла давот,  
Ёзди ул тахирнинг остида бот:

«Ким бу варта ичра истар поклик,  
Қилмасун фош этколи бебоклик».

Сўз жавобин бўйла чун соз айлади,  
Манзилидин рихлат оғоз айлади.

Тонгласи айлаб яна ул ён гузар,  
Ул битилган тошқа солди назар.

Кўрдиким ул хатки сурмуштур қалам,  
Бурноғи котиб яна сурмуш рақам:

«Ким агар ул ошиқи озурда жон,  
Бўлса поку тутса ишқин ҳам ниҳон,

Лек ул шавқу муҳаббат шиддати,  
Тез ўлуб, тоқ ўлса онинг тоқати,

Васл бўлса эҳтиёжи найласун,  
Топмаса бу иш иложи найласун?»

Асмаъий кўргач бу муҳлик розни,  
Тортти килки фусун пардозни.

Ёздиким: «Ул нотавони дардманд,  
Ким анга ишқ ичра ёздим бўйла панд.

Топмаса ул панд бирла ихтисос,  
Ўлсуну ишқ ўтидин бўлсун халос».

Носихи бераҳм бу муҳлик жавоб,  
Ёзиб ўтти чашмадин айлаб шитоб.

Бир кун айлаб ул навоҳийда ҳаял,  
Тонгласи ул ён яна сурди жамал.

Ким яна ошиқ жавобин онглағай,  
Бедили ғойиб хитобин онглағай.

Кўрди ул чашма бошинда бедиле,  
Ишқ ичинда умридин беҳосиле.

Ошкоро пайкаридин зорлиғ,  
Рангу вазъидин аён беморлиғ.

Халқ кўнглин бузғудек ҳоли онинг,  
Ҳал бўлуб ишқ ичра ишколи онинг.

Бошин ул тош узра ул янглиғ уруб,  
Ким икисин бир-биридин синдуруб.

Чашма сувин қони айлаб лолагун,  
Сув сари тош устидин боши нигун.

Ул насихатким анга носих етиб,  
Бедил ул сўз бирла тарки жон этиб.

Жонни ҳижрон шиддатидин қутқориб,  
Ишқ аро гўё ёгур ўздин бориб.

Асмаъий кўргач бу ҳоли булжажаб,  
Кўнглига санчилди юз ниши тааб.

Тўнни чок айлаб, амома тошлади,  
Панди мактулиға мотам бошлади.

Ҳол кўрмайдур эди мундин қотик,  
Навҳа бирла йиғлади оччиқ-оччик.

Кўнглин ул иш асру маҳзун айлади,  
Чок этиб бир они мадфун айлади.

Чун шаҳид эрди ҳалок ўлғон бадан,  
Жисмиға қонлиғ либос ўлди кафан».

Фоние, ишқ ичра фоний бўйла бўл,  
Бўлмаса сабру шикебинг, бўйла ўл.

Кимга бу ўлмак насиб этса худо,  
Юз туман жон бўйла ўлмакка фидо.

## СЛШ

### Маърифат водийсининг васфи

— «Маърифат водийсин ондин сўнгра бил,  
Дашти бопоёнлигин наззора қил.

Кимки бу водийға бўлди мутгасиф,  
Топти анда ҳолларни мухталиф.

Водиедур юз туман минг онда йўл,  
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.

Ихтилофи жузв ила кул мундадур,  
Ким тараққио таназзул мундадур.

Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,  
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.

Ўз борур йўлиға ҳар бир муфтахир,  
Йўлни айлаб ўз йўлиға мунҳасир.

Бу они тутмай мусаллам, ул муни,  
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай ул буни.

Пашша онда раҳнаварду пил ҳам,  
Пашша анда тойиру Жибрил ҳам.

Мусию<sup>1</sup> Фиръавн<sup>2</sup> онда роҳрав,  
Бил яқинким бирдек эрмас бу икав.

Маҳдию<sup>3</sup> Дажжолға<sup>4</sup> йўл мазҳаби,  
Лек тенг бўлмай Масиху<sup>5</sup> маркаби.

Аҳмаду Бу Жаҳл<sup>6</sup> этиб онда зухур,  
Бу тушуб зулматқау ул ғарқи нур.

Даъб анда сайр этиб яхши ямон,  
Мўъмин онда солику кофир ҳамон,

Лот лосин дайр эли айлаб паноҳ,  
Қаъба аҳли лек ло илоҳа иллаллоҳ.

Куфр аҳли лотни огоҳ дебон,  
Лек ислом аҳли иллаллоҳ дебон.

Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш,  
Чун бу янглиғ мухталиф бўлди равиш.

Мундин айтибтур набии роҳбар,  
Ким улуска ҳақ сари бўлса сафар.

Истасанг йўл касратиға адду ҳад,  
Халқ анфоси била тенг бил адад.

Ҳам бари дурди эмас, ҳам борча соф,  
Биззарурадур улусқа ихтилоф.

Бу маҳалда гар гадодур, гар мулук,  
Ҳар бир ўзга йўл била айлар сулук.

Нафс чун бўлди маҳалли ихтилол,  
Лозим ўлди мунда авсофу камол.

Мунда соликка тафовут бўлди фош,  
Анга меҳробу мунга бут бўлди фош.

Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,  
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.

Ҳар киши ўз таврида истаб камол,  
Қилди водий тай қилурға иштиғол.

Гар сулук атворида тағйир эди,  
Мақсади лекин борининг бир эди.

Йўл агар эгри эди ё эрди туз,  
Ё йирок ёхуд яқин кўргузди юз.

Баъзи ўлди, баъзи итти йўл аро,  
Баъзи аввора бўлуб ҳар қўл аро.

Бўлмади ҳар йўлни чун қатъ этмаган,  
Бўлмади мақсадға доғи етмаган.

Маърифат хуршиди чун қилди тулуб,  
Ҳар ким ўз максудиға айлаб ружуб.

Ўз сулукига натойиж истади,  
Қилмоқ ўз нақдини ройиж истади.

Чунки партав солди ул покиза нур,  
Бўлди ҳаркимнинг камолиға зухур.

Топтилар ҳаркимки чекмиш эрди ранж,  
Ўз сулуки ранжининг хурдида ганж.

Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,  
Кўпраги дурд эрди, лекин ози соф.

Ким равишда софи эрди машраби,  
Бор эди ул тобеъи шаръи наби».



## Ҳикоят

— «Бас муносибдур, эшит, бу можаро,  
Нақл мундоқдурки: Ҳиндистон аро.

Туштилар бир навъ ила жамъи басир,  
Ё мусофирлиғ била ёхуд асир.

Сўнграким берди аларға рўзгор,  
Маскану маъволари ичра қарор.

Бир киши сўрди: — «Кўрибсизларму пил?»  
Дедилар: — «Ҳов!» ойтти: — «Айтинг далил!»

Чун алар кўрмайдур эрдилар они,  
Яхши ҳам сўрмайдур эрдилар они.

Ҳар бири бир узвига суртиб илик,  
Ҳосил айлаб эрдилар ондин билик.

Қўлларин мас айлаган деди: — «Сутун»,  
Қорнин эткон мас дедиким: — «Бесутун».

Ул бири ким мас хартум айлади,  
Аждаҳо андоми маълум айлади.

Ул бириким тишларин қилди баён,  
Дедиким икки сўнгак бўлди аён.

Куйруғидин улки кўргузди хабар,  
Деди бир афъи осилмишдур магар.

Бошиға ул бирки суртуб эрди қўл,  
Бир қиёнинг тумшуғи шарҳ этти ул.

Улки еткурди қулоғиға овуч,  
Деди таҳрик ичра икки елпигуч.

Борчаси умъё юзидин сўз деди,  
Гарчи ул сўзлар бори воқъе эди.

Лек нуқсон эрди тақрир ичра кўп,  
Йўк эди тартиб тағйир ичра кўп.

Чун ҳаками комили ҳинду нажод,  
Пилбонлиғ шевасида устод.

Бўлди ул тақрирларға мустамеъ,  
Нақл қилғонларға бўлмай мумтанеъ.

Деди ҳар бир улча вокиф эрдилар,  
Пил ҳолидин нишоне бердилар.

Бир-бирининг сўзига айлаб хилоф,  
Гар жадал қилдилар эрдилар маоф.

Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,  
Солмоғон эрди бири пил узра кўз.

Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,  
Пилға ҳосилдур улдам маърифат.

Комили бийноға чун эрди яқин,  
Бетакаллуф деди бори сўзни чин».

## CLV

### Истиғно водийсининг баёни

— «Водий ондин сўнгра Истиғнодурур,  
Онда тенг аълоу гар аднодурур.

Ҳар дам истиғно ели бўлғонда тез,  
Солибон офоқ аро юз рустахез.

Ёғиб истиғно саҳобидин ёгин,  
Юз туман оламни сув элтур соғин.

Етти дарё онда бир қатра матар,  
Етти кўк хашхош чоғлиғ мухтасар.

Етти дўзах онда бир учкун киби,  
Секкиз учмоғ онда бир шудрун киби.

Мўрларға тўъма онда барча шер,  
Пашшаси пил овламоққа бас далер.

Етти кишвар ичра шоҳе қахрамон,  
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон.

Тиғи қотил тортибон юз минг черик,  
Кўзга келмай онда қоқимча ирик.

Аждаҳоқим кўкни чеккай дам била.  
Онда яксон риштаи Марям 1 била.

Бўлди минг хайли малоик баргараф,  
Ногаҳ одам кийди бир тожи шараф.

Бўлди юз минг жисмдин бегона рух,  
Токи киштибонлиғ ойин қилди Нух.

Юз туман Намрудни<sup>2</sup> пашша залил,  
Қилди то ўтти чечак қилди Халил<sup>3</sup>.

Бўлди юз минг тифлнинг қони ҳадар,  
То Калимуллоҳ<sup>4</sup> бўлди тожвар.

Боғлади зуннор юз минг аҳли дин,  
То Масиҳ анфосидин жон топти тин.

Тўкти юз минг қон бу золим кўҳна дайр,  
То Муҳаммад<sup>5</sup> бўлди бир тун арши сайр.

Мунда яксон келди йўқу бор ҳам,  
Аҳли дину зумраи куффор ҳам.

Минг йил ар Заҳхок<sup>6</sup> улустин тўкти қон,  
То Масиҳ ўлган баданга берди жон.

Ёки Бухтуннаср қилди зулму кин,  
Ёки Нўширвонга<sup>7</sup> адл ўлди қарин.

Иккисининг мунда бирдур ҳукми бил,  
Кел бу истиғно сари наззора қил.

Юз туман хуршид агар бўлса адам,  
Бўлди соғин чархдин бир зарра кам.

Ерга сингса юз туман баҳри амиқ,  
Қатраи ўксулди, тутғил, эй рафик.

Куйса гар юз минг туман хуру пари,  
Куйди, тут бир пашшаи сингон пари.

Ел совурса бу тўккуз афлокни,  
Дам учурди онглағил хошокни.

Қофдек юз тоғнинг йўқ бўлмоғин,  
Ер юзидин бир кум ўксулди соғин.

Сидра шохи бирла тўбий бўлса йўқ,  
Ўксуди, тут бешадин бир ёфроғ — ўк.

Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,  
Дайр кўйи бирла байтуллоҳни.

Бирдурур гар Каъба бирла буткада,  
Бўлсалар маъмур ё оташзада.

Минг яшар пил тонгла туғқон ёшча,  
Чархи аъзам донаи хашхошча.

Куфр ила динға чу тенг миқдордур,  
Мунда иш соликка бас душвордур».

## CLVI

### Ҳикоят

— «Икки шатранж ўйноғучи устод,  
Арсай шатранжга айлаб кушод.

Икки жонибдин бўлуб оромгир,  
Тўктилар ўртада шатранжи кабир.

Ҳар тарафдин бир шах ўлди ошкор,  
Борча ойину сипоҳи шоҳвор.

Ҳар бирига бир вазири руст гом,  
Ёна бир фарзину лекин каж хиром.

Ул иковдин бири Рум аҳлиға шоҳ,  
Ёна бир занг аҳлига кишварпаноҳ.

Устод ул шоҳ ила хайлин териб,  
Сафлариға зебу оройиш бериб.

Кинаварлар от солиб майдон аро,  
Лаъблар зоҳир қилиб жавлон аро.

Ҳам тузуб майдони разму ҳам ҳисор,  
Бўлса мағлуб этколи ул ён қарор.

Сафлар ичра пил ила зуррофа ҳам,  
Рух била даббобау кашшофа ҳам.

Ҳам ёёқ черик сипоҳ оллида чуст,  
Қилғали ҳангома ойинин дуруст.

Ҳарб аҳли ҳам уруш расмин тузуб,  
Кўп ўюн ҳам бир-бирига кўргузуб.

Қайси бирким ўз сипоҳин беркитиб,  
Бузғоли ул бириси тадбир этиб.

Ўртада зоҳир бўлиб аъжубалар,  
Балки беҳад юзланиб мансубалар.

Мунда кўп гурду сипаҳсолар ҳам,  
Зоҳир айлаб лаъб ҳам, пайкор ҳам.

Имтидод онча топиб бу размгоҳ,  
Ким черик тортиб урушқай икки шоҳ.

Балки кўпрак ҳам ўтуб ондин замон,  
Ким урушқай икки шоҳи қахрамон.

Мунча ойину сипоҳу карру фар,  
Қалъау майдону жавлону мафар.

Ҳам буронғор, ҳам жувонғор кинсигол,  
Ҳам яна ғулу ҳировулда бу ҳол.

Ҳар сипаҳбад ўғли оллинда юруб,  
Ондин аввал ўзни ишга еткуруб.

Размгоҳ майдони қатъ ўлғоч тамом,  
Ўз атосига бўлиб қойим мақом.

Бир ёёқ ҳам бир кироқдин раҳнавард,  
Ким мусоид бўлса чархи тезгард.

Чунки майдон вусъатин рафъ айлағай,  
Бир черикни ёлғуз ул дафъ айлағай.

Онча ойиндин тўла бу размгоҳ,  
Ким урушта икки шоҳи кинахоҳ.

Ҳар бирида юз туман навхоста,  
Бўлмағай мундоқ масоф ороста.

Ҳам ишида мунча ойин ўлмағай,  
Ҳам элида мунча тазйин бўлмағай.

Мунча бунёду масофу кину разм,  
Чун ўюнчи йиғмоғига қилди азм.

Арсанинг бир гўшасин бот, йўқки, кеч,  
Тортибон бузғоч, бу мажмуъ ўлди ҳеч.

Не қолур ул разм ила киндин асар,  
Не ҳамул тартибу ойиндин асар.

Мунча мазкур ўлғон ойину русум,  
Разм тартибида бир ёндин хужум.

Ҳеч ўлур ул навъким ақли дақиқ,  
Неча зоҳир айласа фикри амиқ.

Ҳечликдин ўзга топмас бир пашиз,  
Ўйлаким бир хаста юз ёшар каниз.

Боғлабон бир пора бўзда бешу кам,  
Ўтқа они ташлай олғой, сувға ҳам.

Чун тазалзул тушти ул бунёдға,

Не тафовут айлағай устодға.

Чун харита ичра боғланди бори,  
Шах куйидур ё пиёда юкори.

Ул хам истиғнодин осоридурур,  
Балки ондин бир номудоридурур.

Бас бу тамсиле сари наззора қил,  
Асли истиғнони юз минг мунча бил.

Чун бу маъни сори бўлдунг рахшунос,  
Барча ишни айлагил мундин қиёс.

## CLVII

### Тавҳид водийсининг таърифи

«Водийи Тавҳид ондин сўнгра бил,  
Фард ўлуб тажрид ондин сўнгра бил.

Чун бу водий сори сайринг қўйди гом.  
Фарду яктолиғ санга бўлди мақом.

Чун бу водийға ниҳоят топти сайр,  
Мунда бир бил юз туман минг бўлса тайр.

Борчаға кому ҳаво тажрид ўлур,  
Борчаға лахну наво тафрид ўлур.

Бу равишларға чу етти ул кашиш,  
Борчаға бирликда ким бўлмоқдур иш.

Бирда бирдин ҳосил бўлди бир адад,  
Йўқ хирадқа мунда дам урмоққа ҳад.

Чун сенинг олингға тушти бўйла печ,  
Билки эрмиш бирдин ўзга барча ҳеч.

Бир бўлу, бир кўру, бир де, бир тила,  
Майл қилма мунда иккилик била.

Иккилик бу йўлда аҳволлиқдурур,  
Сирри ваҳдатдин муъатталлиқдурур».

## CLVIII

### Ҳикоят

«Бўлди чун Мансур<sup>1</sup> тавҳиди дуруст,  
Ким «Анал — ҳақ!» эрди алфозида чуст.

Кўп насихат қилдилар арбоби дин,  
Ким бу эрмас шеваи аҳли яқин,

Кўп сулук аҳлига кашф ўлуб бу ҳол,  
Ҳам адаб асрабдурур, ҳам эътидол.

Сен доғи бу даъви изҳор айлама,  
Нафсни муставжиби дор айлама.

Мастроқ чун тушмиш эрди жом анга,  
Йўқ эди бу нағмадин ором анга.

Онга бир кўн воқеъ эрди турфа ҳол,  
Ҳар дам элтур эрди они бу хаёл.

Ким Расулulloҳға бўлғоч бу мақом,  
Ким буроқин айлади гардунхиром.

Етти бирлик гавҳаридин тож анга,  
Бўлди ваҳдат пояси меърож анга.

Қоба қавсайн авжи ҳосил айлади,  
Ли маъ Оллоҳ қурби восил айлади.

Бу хитоб ўлғонда тенгридин насиб,  
Ким неким комингдур — иста, эй ҳабиб.

Тенгри лутфи узрхоҳин истади,  
Осий умматнинг гуноҳин истади.

Онча базл ғолибу лутфи амим,  
Онча лутфи муфриту хулқи карим.

Бовужуди бу ҳақ эткай илтимос,  
Истагил деб лутф қилғай беқиёс.

Осий уммат журмин этгунча талаб,  
Илтимос этса эди шоҳи араб.

Ким азалдин то абад ҳаркимки йўл,  
Эгри бормиш борчанинг ғаффори бўл.

Раҳмат эткил борчаға исён била,  
Журмидин кеч борчанинг ғуфрон била.

Не учун ул маъдани сидқу сафо,  
Қилди эркин мунча бирла иктифо.

Бош уруб кўнглидин онинг бу хаёл,  
Дам-бадам айлар эди бу қилу қол.

Они бу андиша помол айлабон,

Ажзу хайрат илкида лол айлабон.

Ким Расулуллоҳ анга бўлди аён,  
Мушкили ҳаллин бу навъ этти баён.

К-эй фузул айвонида ўлтурғучи,  
Лофи ваҳдатдин «Анал — ҳақ» урғучи.

Билмадингким, ул сифат олий буруж,  
Ким мен айлаб эрдим ул оқшом уруж.

Онда менликнинг хаёли йўқ эди,  
Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.

Элтган ул эрди, бошлағон ҳам ул,  
Истағон ҳам ул, бағишлағон ҳам ул.

Сен ажаб кўтахназарлик айладинг,  
Бўйла ерда бевасарлик айладинг.

Ким онингдек водийи Тавҳид аро,  
Гулшани тажрид ила тафрид аро.

Ҳамл қилдинг менлику сенликка йўл,  
Бу иккилик васфидин пок эрди ул.

Ул эди дегон ўзи, берғон ўзи,  
Базл аро сочқон ўзи, терғон ўзи.

Ул рақам пок эрди менлик рангидин,  
Нағмаси фард иккилик оҳангидин.

Онда мен сенлик тахайюл айлаган,  
Иккилик нақшин тааққул айлаган.

Ғайри аҳволлик эмастур, бил муни,  
Хотирингдин маҳву зойил қил муни!»

## CLIX

### Ҳайрат водийсининг сўзи

— «Водийи Тавҳид қатъ ўлғон замон,  
Водийи Ҳайрат кўрунур бегумон.

Ҳар нафас етмас киши бошиға тиғ,  
Бош урар минг оҳ ила юзминг дариф.

Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,  
Ақл зойил, ҳушни помол ҳам.

Кечау кундузга боқса ҳар неча,



Онгламас кундузмудур ёхуд кеча.

Йўқни билмас, борини ҳам онгламас,  
Не бўларни тонглару не тонгламас.

Ҳар негаким солса кўз хайрон бўлур,  
Бўйла хайронлиғда саргардон бўлур.

Мунда чун кўйди қадам аҳли равиш,  
Онга хайронлиғдин ўзга бўлмас иш.

Ҳарне касб айлаб эди тавҳидаро,  
Водийи тафрид ила тажрид аро.

Барчаси ондин бўлур махву адам,  
Йўқки ҳосил қилғоликим ўзи ҳам.

Сўрсаларким бормусен ё йўқмусен,  
Ҳеч қайси ё иккиси — ўқмусен.

Бера олмас ҳеч қойсидин жавоб,  
Бору йўқлукқа қила олмас хитоб.

Уртада ё бир тараф ё ташқари,  
Чиркада ёхуд кейин ё илгари.

Ҳеч қайсида ўзин билмас яқин,  
Ҳайрат айлар они хориж борчадин.

Фоний эрканнию боқинлиғни ҳам,  
Маст эрканнию соқийлиғни ҳам.

Ўзининг мавжуду маъдумин доғи,  
Зотининг мажҳулу маъдумин доғи.

Бокса ҳарён хайратин афзун топар,  
Ўзни хайрат ичра дигаргун топар.

Дерки ошиқ эрконимни тонгломон,  
Кимга эрконнию лекин онгламон.

Боқибон ҳар зарраға зарротдин,  
Ҳайрат айлар нафйи ё исботдин,

Бу мақом ичра эрур асру ажаб,  
Бир туганмай минг келур ўтру ажаб».

**CLX**

**Ҳикоят**

«Бор эди бир хисрави офоқгир,

Ходими даргоҳи юз соҳиб сарир.

Мулки онинг қирвондин қирвон,  
Қирвон то қирвон ҳукми равон.

Пардада эрди ниҳон бир гавҳари,  
Ҳуснининг шармандаси ҳуру пари.

Хўблуг бўстони ичра нахли ноз,  
Қайси нахли ноз, сарви сарфороз.

Жон шабистонида шамъи дилпазир,  
Шамъ йўқким машъали меҳри мунир.

Айни ноз ичра балойи жон кўзи,  
Кўрмаган ондоқ бало даврон кўзи.

Зулфи холи фитнадин анбар фишон,  
Фитна ул янглиғ киши бермай нишон.

Оразида лаълу анфоси фасих,  
Иттисол айлаб қуёш бирла масих.

Васли уммидида соҳибжохлар,  
Балки соҳибтахт олий шохлар.

Кимсага бўлмай муяссар бу мурод,  
Ким, кўнгул қилғай онинг васлиға шод.

Ул ҳам эл маҳрамлиғин қилмай ҳавас,  
Икки ёндин қатъ ўлуб бу мултамас.

Яъни улким бўлса даврон ичра тоқ,  
Жуфт анга не навъ тушкай иттифоқ.

Даъби бу янглиғ эди жорий онинг,  
Эл бўла олмай харидори онинг.

Иттифоқо бир кеча туш кўрди ул,  
Пайкареким тоқатиға урди йўл.

Рухдин бўлғон мужассам пайкари,  
Ҳусн авжи узра меҳри ховари.

Сафҳаи ҳуснида мушкomez хат,  
Холи ул янглиғки хат узра нуқат.

Сарвдек саркашлику раънолиғи,  
Гул киби нозиклуку зеболиғи,

Бу чароғи меҳру, ул — бадри мунир,  
Иккиси бир тахт уза оромгир.

Дам-бадам нўш айлабон жоми висол,  
Бир-бирисидин олиб коми висол.

Чун бу уйкудин кўз очти гулузор,  
Итмиш эрди кўнгли мулкидин қарор.

Ортар эрди дам-бадам шайдолиғи,  
Бўлғудек эрди аён расволиғи.

Ҳар замон ул тушни айлаб орзу,  
Кўздин элтиб эрди лек уйқуни су.

Кўнглидин осойишу коми кетиб,  
Ҳам кеча, ҳам кундуз ороми кетиб.

Бир кун ортиб ҳажр дардидин малол,  
Чиқти олий қаср уза ошуфтаҳол,

Ҳар тараф боқиб кўнгул таскиниға,  
Йўл тилаб сабру шикиб ойиниға.

Ногаҳон кўз солди, тортиб дуди ох,  
Бир тарафким базм тузмиш эрди шох.

Тушта кўрган кимсага тушти кўзи,  
Оҳ уруб ўз ҳолидин борди ўзи.

Навжавоне эрди шаҳ худдомидин,  
Даҳрнинг сарфитнаи аёмидин.

Ул доғи чун солди кўзни бу тараф,  
Ишқ ўқиға кўнглини топти хадаф.

Тушти ошуб ўйла жони зориға,  
Ким асар қилди тани афғориға.

Кўнгли мулки ичра тушти кўзғолон,  
Жони қасдига ёвушти кўзғолон.

Ҳушу сабри қолмади ўз ҳолида,  
Ўзи ҳам борди алар дунболида.

Ўтти оқшомғача аҳволи ирик,  
Не ўлук топиб ўзини, не тирик.

Тун саводи ерга бўлғоч пардапўш,  
Зоҳир этти пардадин юз минг хурўш.

Тонгға тегру ҳолати афғон эди,  
Оҳу ашки ўйлаким тўфон эди.

Тонг қуши қилғоч сахар сиррини фoш,  
Тунгача урмоқ эди кўксига тош.

Икки ёндин бўйла савдо солди ишқ,  
Икки кишвар ичра яғмо солди ишқ.

Навжавон ишқ ичра гарчи зор эди,  
Кўп фусун бирла ўзин асрор эди.

Лек махваш беқарор эрди бaсе,  
Ишқдин зору низор эрди бaсе.

Кўрди борғудек иликдин ихтиёр,  
Ишқи расволикка туткудек қарор.

Қилди чун бечоралиғ беҳад зухур,  
Чора жўлуқ шевасин кўрди зарур.

Ўтти ихфо айламакдин чун иши,  
Дедиким, йўқ чора то билмас киши.

Бор эди икки мувофиқ махрами,  
Шодлиғ бирла ғам ичра ҳамдами.

Чорагарликда муқаррар ҳар бири,  
Сохиру шўху фусунгар ҳар бири.

Макри афсун ғоятиға еткучи,  
Пашша бирла пилни жуфт эткучи.

Ўйлаким пашша ўзин кўрмай кичик,  
Пил ўзин топмай улўғроқ жуссалик.

Ҳар бирига реву афсуну фиреб,  
Ишқ бирла жамъ қилгунча шикеб.

Бовужуди бу бири хуш нағма руд,  
Чолғучию чеккучи бу бир суруд.

Чун мувофиқ тортиб ул созу наво,  
Зухра буржидин қилиб этмак ҳаво.

Бу бири сози унидин жон олиб,  
Нағмадин ул бир баданға жон солиб.

Бу чолиб соз, ул бири чеккач хуруш,  
Тарки хуш айлаб, эшиткач аҳли хуш.

Моҳвашқа бўйла еткоч шиддати,  
Ул иковни истаб этти хилвате.

Деди, холин йиғлабон оччиғ-оччиғ,

Ким нечук ишқ айламиш ҳолин қотиғ.

Тушта кўрган они маҳзун қилғонин,  
Кўрган уйғоқликда мажнун қилғонин.

Ул йигит ишқида зор ўлғонни ҳам,  
Волау беихтиёр ўлғонни ҳам.

Дебки: — «Сиз икки рафиқи дилнавоз,  
Шиддатимға бўлмағайсиз чорасоз.

Хорхорим халқ аро гул қилғуси,  
Пайкаримни бу ўтум кул қилғуси.

Куймоғимдин ҳеч ғам йўқтур манга,  
Ўлмагимдин ҳам алам йўқтур манга.

Лек номус ўлтурурким кўп газаф,  
Зоҳир айлаб мен уруб тақвода лоф.

Ҳам отам номусидин беҳолмен,  
Ким онинг шарҳида гунгу лолмен.

Ким нечук шоҳи фалак миқдор эрур,  
Рўзгориға бу иш кўп ор эрур.

Юз менингдек ўлса ондин бок йўқ,  
Ўйлаким дарёда бир хошок йўқ.

Шаҳни беномусликқа тоқатим,  
Йўқ учун бу ишта ортар шиддатим.

Мен дедим холимни эмди сиз билинг,  
Ўлтиринг ёхуд иложимни қилинг.

Тавсан эрдим, ишқдин бўлдум забун,  
Ожиз ўлдум гарчи бор эрдим ҳарун.

Хотири ношодима раҳм айлангиз,  
Нолау фарёдима раҳм айлангиз».

Чун етишти ул иковга бу нидо,  
Дедилар, оллинда жон айлаб фидо.

— Айлоли бир чораким ул нозанин,  
Андоқ ўлғай санга маънусу қарин.

Ким бу ишни ҳеч одам билмагай,  
Қайси одам — ул пари ҳам билмагай.

Сен шикебо бўл вале бир неча кун,  
Ҳар дам оху нола бирла чекма ун.

Чун мурудинг ишта ихфодур бaсе,  
Бизга бу ихфо таманнодур бaсе.

Васлға чун бўлди уммеди ҳусул,  
Мохваш сабру шикеб айлаб қабул.

Икки доноға тааммул бўлди иш,  
Туздилар матлуб ила бориш-келиш.

Ул йигитга айлаб ўзни ошно,  
Ишқдин кўнглида топтилар ано.

Анга зоҳир қилдилар макру фиреб,  
Ким аларға сайд бўлди ул ғариб.

Бу бири бўлди ано, ул бир сингил  
Дедилар: «Чорангни биздин онглағил.

Гарчи аҳволингни қилмассен аён,  
Лек билдукким нединсен нотавон.

Ишқ кўнглунг мулкин этмиш поймол,  
Ҳажринга биздиндур уммиди висол».

Ул йигит бу нуктадин хурсанд ўлуб,  
Жондин ул иккига ҳожатманд ўлуб.

Неким ул икки деса фармон била,  
Бу бири айлаб итоат жон била.

Корвонлар тез этиб бозори шайд,  
Қилдилар ул турфа кушни ўйла сайд.

Ким дегачким, қўй бизинг манзилға гом,  
Нотавон азм этти ул ён шодком.

Туздилар шоҳона базми дилпазир,  
Бода ичти ишқ аро бўлғон асир.

Чун қадах кайфияти бўлди аён,  
Айлар эрдилар ҳикоятлар баён.

Ишқу ошиқликнинг ўту дудидин,  
Васл ила ҳижрон зиёну судидин.

Ошно сўзлар мурағиб розлар,  
Онча шарҳ эттилар ул дамсозлар.

Бўйла сўзларда тутуб жоми мурод,  
Номурод ондин топиб коми мурод.

Май била ул нукталардин навжувон,  
Ишқ аро ул навъ бўлди нотавон.

Ким анга юзланди гунгу лоллик,  
Ҳар замон ўз ҳолидин беҳоллик.

Бу маҳалда чектилар дилкаш суруд,  
Чолибон ҳуш олғучи ҳуш нағма руд.

Нотавон ул навъ қилди тарки ҳуш,  
Ким дегайсен ҳушбар май қилди нўш.

Тун қоронғу эрдию беҳуд ҳариф,  
Комронлиғ айлаб ул икки зариф.

Ишда бўлмай суст, айлаб жидду жаҳд,  
Ҳозир эттилар равон бир турфа маҳд.

Они маҳд ичра солиб айлаб шитоб,  
Гом урарда зоҳир айлаб изтироб.

Моҳваш базмиға ҳозир қилдилар,  
Сарву гулға васл зоҳир қилдилар.

Онда худ омода асбоби тараб,  
Мунтазир хилватда моҳи нўшлаб.

Ким етурдилар ул икки чорагар,  
Маҳд аро бир сарв қадди сиймбар.

Моҳмаш тахти уза еткурдилар,  
Ойни хуршидқа топшурдилар.

Моҳваш васл ичра бўлғоч комёб,  
Дедиким, қаҳгилға урдилар гулоб.

Ҳушсизға атр чун топти машом,  
Кўз очиб кўрди беҳиштойин мақом.

Ёнида ул ғайрати ҳуру пари,  
Кўнглини зор айлаган маҳпайқари.

Қўпуб ўлтурди ажаб ҳолат била,  
Боқти ҳарён юз туман ҳайрат била.

Остида кўрди бийик шоҳона тахт,  
Ёнида мунис шаҳи фархунда бахт.

Деди: «Ё рабким, не ҳол эркин бу ҳол,  
Тушму уйғоғлиғму эркин ё хаёл!»

Берди маҳваш лутф ила таскин анга,

Кўргузуб коми висол ойин анга.

Ким туш эрмастур бу, эй бетобу ҳуш,  
Шукр этиб қил эмди жоми васл нўш.

Истабон ичти пари бир жомни,  
Сўнг анга тутти майи гулфомни.

Соқийи Узро<sup>1</sup> узори ҳуллапўш,  
Ҳушсизға чун ичурди неча қўш.

Жоми май урди ҳижоб ўтиға су,  
Беҳижоб ўлди тариқи гуфту — гў.

Ошиқи маҳзуну маъшуқи ҳазин,  
Бўлдилар ишрат уйида ҳам нишин,

Андок ўлди бирлик ойинираво,  
Ким икилик ўртадин бўлди сиво.

Ҳар тарабким бўлғай имкони ҳавас,  
Бир-биридин топти икки ҳамнафас.

Бетаҳаши ўйла ойини вифок,  
Ким онинг шарҳи адабдиндур йирок.

Ҳам йигит муштоқу ҳам муҳтож қиз,  
Юзга юз қўюб, оғиз узра оғиз.

Ўзгани мундин қиёс этмак бўлур,  
Ғояту имкониға етмак бўлур.

То саҳар бу навъ эди айшу нашот,  
Икки ёндин бетоҳоши инбисот.

Субҳ чун айларга тун розини фош,  
Бўлди ер мушки уза кофурпош.

Май дағи зохир қилиб беҳад сурур,  
Элтиб эрди базм аҳлидин шуур.

Ким ул икки пардапўши пардавар,  
Бўлдилар, ул парда ичра нағмагар.

Базм элидин ғорати ҳуш эттилар,  
Ул йигитни ўйла мадҳуш эттилар.

Ким йиқилди заъф они беҳол этиб,  
Ғаш била идроки ҳолидин кетиб.

Чорагарларға бу иш чун берди даст,  
Маҳд аро бедилни айлаб пойбаст.



Накл қилдилар ҳамул кошонаға,  
Ошиқи ғамхорани ғамхонаға.

Мастлиғ уйқусиндин бўлгач фароғ,  
Тонг елидин ҳолиға келди димоғ.

Кўз очиб бедил тааммул айлади,  
Ўтган аҳволни тахайюл айлади.

Оҳ уруб чиқти димоғидин тутун,  
Тош ила қўймади аъзосин бутун.

Ўз-ўзи бирла қилиб кўп можаро,  
Айлади кўзига оламни қаро.

Навҳа тузди ашки анжумрез ила,  
Бошлади ошуб рустохез ила.

Васл базмин чун хаёл айлар эди,  
Нолаи мажнун мисол айлар эди.

Дер эди: «Ё раб, не тадбир айлайин,  
Кимга ўз ҳолимни тақрир айлайин.

Гар десам хомуш ўлай, тоқатму бор,  
Ўзни забт айлай десам, қувватму бор!

Ҳолатим махфий тутай ё фош этай,  
Сўз дейин ё тек турай — билмай нетай.

Гар десам айтай қани поён анга,  
Дерга мингдин бирни йўқ имкон манга.

Гар ниҳон тутмоғлигин қилсам хаёл,  
Йўқтурур жон элтурумга эҳтимол.

Айлар эрди бўйла ғавғоу хуруш,  
Не танида руҳу не мағзида жўш.

Ҳайрати ҳар лаҳза қасди жон этиб,  
Элни онинг ҳолига ҳайрон этиб.

Ҳар киши ул ҳолдин сўрди хабар,  
Топмади онинг жавобидин асар.

Мунча зоҳир айладиким, сўрмангиз,  
Куйганим басдур, яна куйдирмангиз.

Ҳолатим шарҳи эмас тақрир иши,  
Билмас они ондо то етмас киши.

Менму эрдим, ё раб, ул иқбол ила,  
Васл базмида ул истиблал ила.

Шарҳ қилмоқ истар эрсам гар они,  
Кимса не навъ айлагай бовар они.

Ҳайратим жонимни ўртар — найлайн,  
Жисми вайронимни ўртар — найлайн!

Ваҳдати васл ичра ул янглиғ мурод,  
Ул сифат маъшуқ бирла иттиҳод.

Сўнгра ҳижрондин бу янглиғ шиддатим,  
Ҳайрат узра, ҳайрат узра ҳайратим.

Ҳолатедур асру бепоён ажиб,  
Кимсага қилма муни, ё раб, насиб».

## CLXXXI

### Истиғно тариқи адосида муножот

Эй жанобинг юз фалакдин ҳам васеъ,  
Остонинг минг Зуҳалдин ҳам рафеъ.

Чарху анжумға қошингда не вужуд,  
Гар олар буди тамом ўлса набуд.

Олам ўлса нафйи ё исботинга,  
Бир сари мў йўқ тафовут зотинга.

Бу не янглиғ ҳазрати воло бўлур,  
Оллоҳ — Оллоҳ, бу не истиғно бўлур.

Ҳазратингда мўри лангу шери ғоб,  
Бўлса ёхуд бўлмаса — бирдур ҳисоб.

Шери ғоб эрмон, эрурмен мўри ланг,  
Балки мендин онга ҳам юз ору нанг.

Ғайрдин бу зорни мустағни эт,  
Элга муҳтож этма, фарёдимға ет.

## CLXXXII

### Тамсил

Қилди чун Намруд сози манжаниқ,  
Ҳақ Халилин ўтқа айларға ҳарик.

Тоғ-тоғ ўтунға ўтлар урдилар,

Шуъласин афлокка еткурдилар.

Отқоч ўт сори Халилуллоҳни,  
Ишқ кўйида далилуллоҳни.

Ҳукм бўлдиким, етишти Жабраил,  
Ўтқа еткон чоғда деди: — «Эй Халил!

Ойтқилким эҳтиёжинг негадур?  
Лутфу эҳсондин мижозинг негадур?

Неки сен дерсен муҳайё айлоли,  
Улча коминг ошкоро айлоли?»

Деди улким: — «Ўт манга рўзи қилур,  
Эҳтиёжим не эконни ул билур.

Йўқ санга худ эҳтиёжим бу нафас,  
Токи зоҳир айлагаймен мултамас».

Борча ҳолимда ўзунг муҳтож қил,  
Элдин истиғно насибим айлагил.

## CLXXXIII

### Ҳайрат тариқи адосида муножот

Эй жанобингда хирад ҳайрон бўлуб,  
Водийи ҳайратда саргардон бўлуб.

Ҳар не сендин ўзгадур ҳайрон санга,  
Ҳайратобод ичра саргардон санга.

Ақли кулл ҳайратда зотинг бобида,  
Зот йўқ ҳар бир сифотинг бобида.

Коргоҳинг ичра ҳар бир ришта тоб,  
Ақлнинг бўйниға ҳайратдин таноб.

Аҳли илму ақл сунъунгда забун,  
Ҳар бирининг ҳайрати ҳардам фузун.

Ушбу ҳайрат маслакида тут қўлум,  
Бу таҳайюр ичра кўргузгил йўлум.

Ҳайрат ичра қўйма саргардон мени,  
Торт ўз васлинг сори осон мени.

## CLXXXIV

### Тамсил

Бор эди бир бедили зору хақир,  
Бўлди бир бадмеҳр ишқиға асир.

Неча ўртанса бу ғамдин ул ғариб  
Давлати дийдор эмас эрди насиб.

Ўткорур эрди ғами ҳижрон била,  
Васл ёдидин баса армон била.

Ҳаддин ўтти чунки ранжу зорлиғ,  
Тори ўлди жисмиға беморлиғ.

Кўнгли чун маъшукдин навмид эди,  
Жонида андуҳ ўти жовид эди.

Дер эди: — «Ё раб, манга будур мурод,  
Ким ўшул навраста сарви ҳурзод.

Етса бошимға, солиб ул юзга кўз,  
Ойтсам кўнглум ғамидин икки сўз!»

Халқ холиға тарахҳум айлабон,  
Дилбарига кўп тазаллум айлабон.

Ошиқи бедил сари келтурдилар,  
Умрин онинг бошиға еткурдилар.

Нозанин чун келди айлаб турктоз,  
Айлабон ул хастаға зоҳир ниёз.

Дедиким: — «Ойт улча бор кўнглунгда сўз!»  
Ул тикиб юзига ҳайрат бирла кўз.

Ҳам тилин ҳайронлиғи лол айлади,  
Ҳам танин ул заъф беҳол айлади.

Ҳайрат этти зойил ондин ақлу ҳуш,  
Дарди холин дер киши бўлди хамуш.

Ҳушиға чун келди кетмиш эрди ёр,  
Тушти сихҳатсиз таниға изтирор.

Ҳайратидин ул заъифи нотавон,  
Бир сўз ойто олмайин топшурди жон.

**CLXXXV**

### **Тавҳид тариқи адосида муножот**

Эй мусаллам зотингга тавҳиди пок,  
Аҳли ваҳдат ойтиб они завқнок.

Ҳар кишиким қисми тавҳид айладинг,  
Боиси тажриду тафрид айладинг.

Кимки ўзлукдин чиқординг они чувт,  
Айладинг оллингда тавҳиддин дуруст.

Кимгаким тавҳиддин бердинг кушод,  
Мидҳатида куфр қилдинг иттиҳод.

Онгаким ваҳдат сари йўл айладинг,  
Сен қолиб нафйи бую ул айладинг.

Мену ўзлук ширкатин мендин итур,  
Маҳз тавҳидинг сари, ё раб, етур.

Менда, ё раб, қўйма менликдин нишон,  
Ўзлугунгда маҳв қил домонкашон.

## CLXXXV

### Тамсил

Бир кеча Маҳмуд шоҳи<sup>1</sup> покбоз,  
Қўптиким билгайки найлайдур Аёз<sup>2</sup>.

Гарчи ул уйғоғ эди юмди кўзин,  
Ҳийла бирла уйқуға солди ўзин.

Тахт оёғи сори солиб такягоҳ,  
Етиб эрди боши узра келди шох.

Бирдам этти хусниға наззораи,  
Шавқ ўтиға айлайн деб чораи.

Шавқини наззора афзун айлади,  
Ишқ аҳволин дигаргун айлади.

Чекти маҳвашнинг аёғиға ўзин,  
Шавқдин қўйди табониға кўзин.

Кўз кафи пойиға суртар эрди шох,  
Ул оёғин тортиб ўлмай узр хоҳ.

Билди шоҳким нозанин уйғоғ эрур,  
Деди: — «Эйким жонда сендин доғ эрур.

Мендин онглаб мунча изҳор ниёз.  
Невчун эрди мунча бе андоза ноз?

Ким аёғ тортиб қўпуб ўлтурмадинг,  
Зоҳир айлаб меҳр бир сўз сўрмадинг?»

Деди гулчехр: — «Эй шаҳи соҳиб назар,  
Борму эрди менда менликдин асар?

Бир киши узр ойтқон ким бўлғой ул,  
Менда улдам йўқ эди менликка йўл».

Йўқ эди ул дам Аёзу шоҳ эди,  
Ҳам ўзи бедил ҳам ул дилхоҳ эди.

Кимга ваҳдат қилса мундоқ турктоз,  
Фарқ бўлмас онда султондин Аёз.

Олами тавҳиддин топқон хабар,  
Менлику сенликдин ул топмас асар.

## CLXXXVII

### Фано тариқи адосида муножот

Эй фано аҳли, сенинг восилларинг,  
Васл нузҳатгоҳиға дохилларинг.

Ким бақо топмоққа сендан майл этиб,  
Чун солиб ўзни фано сори етиб.

Ўзлугин ҳаркимки, фоний қилмайин,  
Ул фанонинг ҳам фаносин билмайин.

Топмоқ имкон йўқ висолинг комини,  
Ул фанолардин бақо анжомини.

Ўйла Фоний қисми, ё раб, бер Фано,  
Ким бақо кунжидин ул топқой ғино.

Қил ўзунгда будини аввал набуд,  
Ул набуди ичра бергил бир вужуд.

Ким анга иш ул вужуд ичра тамом,  
Бўлғаю топқой висолинг вассалом.

## CLXXXVIII

### Тамсил

Комиле изҳори ҳожот айлади,  
Тенгрига мундоқ муножот айлади.

«Ким илоҳий пок зотингға бақо,  
Ўйладурким, кўрмас имкони фано.

Ўйлаким зотингға собитдур қадам,

Айласанг андоқ вужудимни адам.

Ким анга йўл топмағай ранги вужуд,  
Қолмағай васл ичра жуз коми шухуд».

Истаган фоний вужудимдин асар,  
Топқой ул бокий вужудинда хабар.

Менлику сенлик аромиздин кетиб,  
Қолғосен сен-ўқ, ародин мен кетиб.

Сен мен итлоқи маҳол ўлғоч маҳол,  
Топсам ул ҳолатда сендин мен висол.

## CLXXXIX

### Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби

Ёдима мундоқ келур бу можаро,  
Ким туфулият чоғи мактаб аро.

Ким чекар атфол марҳуми забун,  
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун.

Эмгонурлар чун сабақ озоридин,  
Ё «Каломуллоҳ»нинг такроридин.

Истабон ташхиси хотир устод,  
Назм ўкутурким равон бўлсун савод.

Насрдин баъзи ўкур ҳам дoston,  
Бу «Гулистон» янглиғу ул «Бўстон».

Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,  
«Мантиқут-тайр» айлаб эрди мултамас.

Топти сокин-сокин ул такрордин,  
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин.

Табъ ул сўзларга бўлғоч ошно,  
Қилмади майл ўзга сўзларга яно.

Одат эттим ул ҳикоятлар била,  
Куш мақолидин киноятлар била,

Чун бирар сўздин топиб табъим кушод,  
Топсам эрдиким, недур ондин мурод.

Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,  
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.

Чун бу аҳволимға бўлди имтидод,

Бўлди ул дафтарға ғолиб эътиқод.

Ўйлаким элдин узулди улфатим,  
Ул китоб эрди аниси хилватим.

Халқ расми сўзларидин қилу қол,  
Ўтса таъбимға етар эрди малол.

Оқибат ишқ айлади шайдо мени,  
Ўйла машъуф этти бу савдо мени.

Ким дедим узлат эшигин очқомен,  
Даҳри бемаъни элидин қочқомен.

Онглағоч атфол айлаб шўру шайи,  
Истимоъ этти бу сўзни волидайн.

Ваҳми ғолиб бўлди андоққим авом,  
Ким эрур сўз оташину таъб хом.

Бўлмағайким даст бергай телбалик,  
Чеккулук бўлғой салоҳидин илик.

Ёшуруб дафтарни маъдум эттилар,  
Шуғлидин кўнглумни маҳрум эттилар.

Манъи кулли қилдилар ул ҳолдин,  
«Мантиқут-тайр» узра қилу қолдин.

Чун ародин ўтти бир аҳди баъид,  
Бўлдилар ул ҳолатимдин ноумид.

Лек чун ёдимда эрди ул калом,  
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.

Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,  
Қуш тили бирла кўнгул ҳамроз эди.

Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Тўрт девон бирла назми панж ганж,  
Даст берди чекмайин андуху ранж.

Назму насрим котиби тахминшунос,  
Ёзса, юзминг байт этар эрди қиёс.

Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,  
Хотиримдин чикмас эрди бу хаёл.

Ким бу дафтарға бериб тавфиқ ҳақ,  
Таржума расми била ёзсам варақ.



Лек сўз душвор эди, мен нотавон  
Бормас эрди хомаға илким равон,

Окибат кўрдумки умр айлар шитоб,  
Ўлсаму қолса дейилмай бу китоб.

Ул жаҳон сори бу армон элтқум,  
Бўйла ўтдин доғи ҳирмон элтқум.

Неча бу ишга кўнгул машъуф эди,  
Гўйёким вақтиға мавқуф эди.

Олтмишқа умр кўйғонда қадам,  
Қуш тилин шарҳ этгали йўндум қалам.

Шайхнинг руҳидин истимдод этиб,  
Кўргач истимдод, ул имдод этиб.

Эрди ёрим кеча ашғолим чоғи,  
Табъ бу маъниға машғул ўлмоғи.

Хома рафторин неча сурсам неча,  
Қирқ-эллиқ байт ҳар ярим кеча.

Сафҳаға ёзмай қарорим йўқ эди,  
Бу рақамда ихтиёрим йўқ эди.

Шайх руҳидин етиб кўп эҳтимом,  
Қилдим оз фурсатда арқомин тамом.

Сўз дақиқ эрдию маъни онда гум,  
Гарчи қилдим ўз-ўзумға уштулум.

Шайх руҳидин вале етти кушод,  
Ким муроди топти ушбу номурад.

Гарчи ғаввоси чекиб ранжу ано,  
Ўзни бу дарёға айлаб ошно.

Дурға гарчи топмаса ҳам дастрас,  
Йиғса дарё мавжидин хошоқу хас.

Ҳам қурутсау они қилса ўтун,  
Ёруғон вайронаси бўлмай тутун.

Мен бу дарё ичра дурри покни,  
Топмайин, йиғдим эса хошокни.

Найлайн бу эрди маҳдурум менинг,  
Қонё ўлди табъи маҳжурум менинг.

Сочти эрса нозими олий макон,  
Олам аҳли узра нақди баҳру кон.

Мундин ортуғроқ ҳад эрмастур манга,  
Жудини васф айласам басдур манга.

Будур уммидимки, ҳар ким солса кўз,  
Ким ҳарорат солса кўнглиға бу сўз,

Шайх анфосиға они ҳамл этиб,  
Файз топқой комиға, яъни етиб.

Бизни доғи онда кўргай бир туфайл,  
Қилмағай кўнгли икилик сори майл.

## СХС

### Тамсил

Толиби кўнглида ошуби талаб,  
Шаҳр аро борур эди тортиб тааб,

Кўрди девори йиқилғон кўй аро,  
Жамъ бўлғон эл узотиб можаро.

Ким бу шориёдин эди элга убур,  
Эмди, ё раб, қай сари тушкан мурур.

Ким иморат айлағай, оё, муни!  
Ёсарға айлағай парво муни!

Муддати боғланди элга йўл тамом,  
Бўлди ожиз йўл ўтардин хосу ом.

Эл аро бу изтиробу изтирор,  
Ким етишти толиби уммидвор.

Кўргач ул ҳолат тушуб кўнглига жўш,  
Важду ҳол этти аён айлаб хурўш.

Эл таажжуб қилдиларким, бу фақир,  
Бежихат қилди аён важду сарир,

Кайфият сўрдилар ул бечорадин,  
Кому мақсад даштида оворадин.

Деди: — «Мен бу халқнинг жамъиятин,  
Кўрдум, аммо билмадим кайфиятин.

Лек солиб бу тараф рафторни,  
Айласам наззора бу деворни.

Майлини доим кўрур эрдим буён,  
Ким йиқилмоқ айламиш ҳоло аён.

Чун жамоди зоҳир этса бу сифат,  
Майл қилғон ён йиқилмоқ оқибат.

Менки бор эрдим ўзумдин ноумид,  
Майл қилғон комдин беҳад баъид.

Айлагач девор бу рамз ошкор,  
Бўлди бу навмид ҳам уммидвор.

Ким қаёнким майл этти ҳақ мени,  
Ул тараф-ўқ бошлағай мутлақ мени.

Чун манга факру фано келди мурод,  
Ул тарафдин ҳақ насиб этти кушод.

Майл бергон сойи айлаб бахтиёр,  
Солғай ул жониб мени беихтиёр».

## СХСИ

### Бу китобда таҳаллус тағйирининг узри

Чун кичик ёштин манга бўлди насиб,  
Назм адосида хаёлоту ғариб.

Шеър ҳар синфинки қилдим ибтидо,  
Турк алфози била топти адо.

Ўйлаким ҳар кимса неким қилғуси,  
Баъзи ишта бор онинг бир белғуси.

Ким-ўзи таҳсисиға имлодур ул,  
Муҳри ё тавқиё ё тамғодур ул.

Сафҳа дебосию назм иншосидур,  
Ким таҳаллус нозими тамғосидур.

Бу нишони бирла топти имтиёз,  
Не варақким назм қилди аҳли роз.

Ким бу Саъдий<sup>1</sup>, ё Низомийнинг<sup>2</sup> дурур,  
Ё бу Хисравнинг<sup>3</sup>, бу Жомийнинг<sup>4</sup> дурур.

Менки турк алфозиға айлаб шуруъ,  
Назм топти табъу килкимдин вуқуъ.

Чун саҳоби табъим ўлди дурфишон,  
Назмима эрди Навоийдин нишон.

Даҳр боғида бўлуб комим раво,  
Комронлар топти назмимдин наво.

Форсий назм ичра чун сурдум қалам,  
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.

Файз еткоч ул маонийдин манго,  
Топти белгу назми Фонийдин<sup>5</sup> манго.

Чун «Лисонут-тайр» оғоз айладим,  
Турфа қушлар бирла парвоз айладим.

Мунда ансаб эрдиким тузғоч наво,  
Бўлса назмимға Навоийдин адо.

Ким наво қушлар тили алхонидур,  
Дилкаш афғони ҳазин достонидур.

Туркий услуб эрди ҳам бу достон,  
Топкудек эрди Навоийдин нишон.

Бу рақамда Фоний айларга лақаб,  
Мустамеъ бўлғонға айтурмен сабаб.

Ким бу дафтар назмидин кулли мурод,  
Чунки маржиъ майли эрдию маод.

Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом,  
Фоний ондин топти назмим ихтимом.

Ҳам бу дафтар ичра Шайхи маънавий,  
Ким демиш қушлар тилидин маснавий.

Сайр ул қушларғаким фан айламиш,  
Етти водий чун муайян айламиш.

Чектуруб қушларға кўп ранжу ано,  
Сўнгги манзил бўлди водийи фано.

Гарчи бу икки таносиб ёр эди,  
Назмима ҳам бу тахаллус бор эди.

Гар тахаллус мунда Фоний айладим,  
Бу таносиблардин они айладим.

Гар сабаб истаб биров қилса хитоб,  
Шарх, қилғон сўз анга басдур жавоб.

Кимга бўлса мундоқ ишлар нияти,  
Бўлмас ул бўлмай замон амнияти.

Бу замон амниятин қилма гумон,  
Собит ўлмаи адли Доройи замон.

## СХСП

### Подшоҳи ислом дуоси ва узрхоҳлик адоси

Улки амният вужудидиндурур,  
Халқ шокир базлу жудидиндурур.

Аббадат эҳсонаху Султон Хусайн<sup>1</sup>,  
Шоҳ Абулғози моло-зулхофақайн.

Мен не айта олгомен авсофини,  
Хулку лутфу адл ила инсофини.

Ким агар юз минг менингдек назмкеш,  
Қилса минг йил сафҳа руҳсорини реш.

Васфининг мингдин бири айтилмоғой,  
Балки юз мингдин бири ёзилмоғой.

Бас қилиб ҳамду дуосин ибтидо,  
Айлайин қушлар тили бирла адо.

Токи даврон боғида давлат қуши,  
Ким саодат бўлғай ул қушнинг туши.

Салтанат авжида сайр айлаб аён,  
Айлағай бир чатр бошин ошён.

Бўлсун онинг чатру иззу давлати,  
Боши узра соябони хашмати.

Адли бўстонида юз хайли туюр,  
Кўрмасунлар зулм тошидин футур.

Хукми нофиз то абад даврон аро,  
Инқиёди амри инсу жон аро.

Давлатининг душмани хайлу мутеъ,  
Барча афву халқини айлаб шафеъ.

## СХСП

### Бу назм тарихи гуфтори ва ўзининг истеъфо ва истиғфори

Менки, хилват ичра йўндум хомани,  
Нақш айларга бу дилкаш номани.

Анбиё сархайли Батҳо соридин,  
Айлаган Ясрибқа<sup>1</sup> майл изҳоридин.

Йил тўқиз юз ўтмиш эрди доғи тўрт,  
Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт.

Ҳам бу тарих ичраким қилдим шуруъ,  
Ихтитомиға доғи бўлди вуқуъ.

Бир-икки ой ўйлаким дедим дуруст,  
Юқорироқ шарҳини қилдим нухуст.

Кечаким ҳар шуғлдин маъзул эдим,  
Бир-икки соат мунга машғул эдим.

Чун бу янглиғ эҳтимом эттим тамом,  
Ибтидосиға етишти ихтитом.

Ё раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб.

Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларға марғуб айлагил.

Гарчи мақсудиға мубҳамдур баён,  
Қуш тилин эл кўнглига қилғил аён.

Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.

Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.

Табъима тушса хато бирла зулал,  
Килкима сахв ўлди эрса ё халал.

Лутф ила, ё рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолдин ҳам маҳв қил.

Ҳар паришон сўзки ёздим, ё карим,  
Барчадин астағфириллоҳ, ал-азим.

## ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

### СХСІV

#### Ш

1. Ҳавво — Ислом ривоятларига кўра, Одамотонинг умр йўлдоши, биринчи аёл ҳамда инсон зотининг онаси.

2. Шис — Пайғамбарлардан бўлиб, ҳазрат Одамнинг учинчи фарзанди. Нух пайғамбар ҳам Шис наслидан бўлган. Нух пайғамбар бутун дунё тўфонида омон қолган, шунинг учун иккинчи Абулбашир деб ҳам аталади. Шис пайғамбар Макка шаҳри атрофида яшаган. Ҳаж зиёратларини

мукаммал бажарган. Макка шаҳридаги Каъба биносини тош ва лойдан биринчи маротаба курганлардан. Макка шаҳри яқинидаги Абу Кубас ғориға Шис пайғамбар дафн этилган.

3. Абдуллоҳ — Абдуллоҳ ибни Муталлиб Муҳаммад пайғамбарнинг отаси. Курайш қабиласидан, Ҳошимийлар хонадонига мансуб. Абдуллоҳ Муҳаммад пайғамбар туғилмасдан вафот этиб кетган.

#### IV

1. Анқо — Қоф тоғида яшаган афсонавий қушнинг номи. Бу тоғ ҳам афсонавий бўлиб, ривоятларга кўра, ер юзини ўраб олган. Анқо тамомила йўқолиб кетган эмас, лекин жуда кам қолган деган гаплар ҳам бор. Ислом ақидаларича, Анқо афсонавий Симурғ билан айнанлаштирилади.

2. Буроқ — Ривоятларга кўра тез юрадиган, тез чопадиган ва тез учадиган афсонавий отнинг номи. Шу от билан Муҳаммад пайғамбар Макка шаҳридан Қуддус шаҳрига ва ундан Меърожга кўтарилган.

3. Меърож — Ислом тушунчасига кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг Оллоҳ олдига парвози, Қуддуси Шарифдан Жабраил фаришта билан бирга содир бўлган эди. Меърож шунчалик тез ўтганки, ётилган ўрин қайтганда ҳали совимаган бўлган.

#### V

1. Абу Бакр — (572—634) Чорёр халифаларидан биринчиси (632—634). Муҳаммад пайғамбарнинг сафдошларидан, унинг қайнотаси Ойшанинг отаси, йирик савдогар, Курайш қабиласидан. Абу Бакр Муҳаммад пайғамбар билан бирга Макка шаҳридан Мадина шаҳрига кўчиб ўтган (622). Кўп жангларда шахсан қатнашган. Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг халифаликка кўтарилган. Арабистонда Ислом динини мустаҳкамлашда унинг ҳиссаси катта.

2. Хизр — Ривоятларга кўра, «оби ҳайвон» тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб доимий тирик юрадиган бир пайғамбарнинг исми. У кишиларга йўлдошлиги, ҳамроҳлиги билан ном қозонган.

#### VI

1. Мустафо — Бу сўз араб тилида танланган, сараланган маъноларда ишлатилса ҳам бу ўринда Мустафо Муҳаммад пайғамбарнинг иккинчи исмларидан.

2. Набий — Мавжуд динларда набийлар Худонинг фармойишларини кўпчиликка — одамларга етказиб берувчи воситачи шахс деб тасаввур этилиб, уларга эътиқод қилиш вожибдур. Муҳаммад пайғамбар набий деб ҳам аталади. У набийларнинг энг охиргиси.

#### VII

1. Умар форуқ—(644 йилда ўлдирилган, чорёрлардан, 634—644). Абу Бакр ҳукмронлик йиллари Умар унинг яқин сафдошларидан ҳисобланган. Умар халифалиги даврида Сурия, Фаластин, Миср, Ироқ ва Эроннинг катта қисм ерлари босиб олинган ва араб халифалигига қўшилган. Ўз даврида у давлат ишларини кучайтирган. Халифалик давлат хазинаси бойиган. Умарнинг ҳукмронлик даври исломнинг «олтин даври» деб ҳисобланган.

2. Ажам — Араблар истилоси даврида босиб олинган ва араб халифаларига бўйсундирилган. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини шундай ном билан атаганлар. Кейинчалик Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё ерлари Ажам деб юритилган. Бунда «мулки Ажам» Эрон мамлакати — давлати назарда тутилган.

## IX

1. Мадина — Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган катта шаҳарлардан бири. Ҳижоз вилоятида, Макка шаҳридан 400 км шимолда. Қадимий Ясриб (Ятриб) илк Ўрта асрлардан бошлаб Мадина деб аталган. VII асрдан бошлаб Мадина шаҳри мусулмонларнинг Макка шаҳридан кейинги энг катта зиёратгоҳ шаҳарларидан ҳисобланади. Шаҳарда Муҳаммад пайғамбарнинг уйи ва мақбараси бор. Мақбара устига катта масжид қурилган (656).

2. Қуръон — Ислом оламида муқаддас деб танилган китоб. Унда ислом дини ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Оллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга йигирма икки йил давомида фаришта Жабраил орқали ваҳй қилинган деб тасаввур этилади. Йиллар давомида текстлар тўпланиб, 632 йилда биринчи марта Қуръон тексти юзага келган. 651 йилда айрим тўлдиришлар билан «Усмон Масҳафи» вужудга келган.

3. Усмон бин Аффон—(656 йилда ўлдирилган). Чорёрлардан учинчи халифа (644—656). Унинг даврида халифалик территорияси кенгаяди. Қуръон матнлари тўпланади. У маккалик Уммавийларга ҳомийлик қилиб, ўзининг қариндош ва яқинларига давлат мансабларини ва катта-катта ерларни, хазина маблағларини бўлиб берган. Саҳобалар ҳамда қўшин бошлиқлари ўртасида унинг олиб бораётган сиёсатига қарши норозиликлар кучайиб, биринчи халифа Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Бакр раҳбарлигида ўлдирилган.

## XI

1. Али — Чорёрлардан тўртинчиси. Қурайш қабиласининг Ҳошимийлар хонадонидан Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви, 656 йилда халифалик ўрнини эгаллайди. Али Куфа шаҳрида (661) ўлдирилади. Али тарафдорлари «шиа» оқимини ташкил этадилар. У суннийлар ўртасида ҳам обрўли шахс ҳисобланади.

2. Хубал —

Саудия Арабистони Макка шаҳридаги Қурайш қабиласининг худоси. У одам сифа тида тасвир этилган бўлиб, унинг ўнг қўли олтиндан ясалган, қолган аъзолари тошдан иборат бўлиб, ҳайкал сифатида ифода этилган. Исломдан кейин Хубал аста-секин тамом унутилган.

3. Зулфиқор — Ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг жангда ўлжа олган афсонавий қиличининг номи. Кейинчалик бу қилич халифаларга ўтган. Зулфиқор сеҳрли кучга эга бўлган қурол сифатида тасвирланади.

## XIII

1. Шайх Фаридиддин Аттор — Эроннинг машҳур мутасаввуф шоирларидан ҳамда шайхларидан. Исми Муҳаммад ибн Иброҳим. Отасининг изидан бориб, атторлик ва табобат билан шуғулланади. Мўғуллар ҳужуми даврида 1220 йилда Нишопурда вафот этган. У сўфий адабиётнинг йирик вакили бўлиб, асарларида ўз аксини топгандир. «Газкиратул-авлиё», «Илоҳнома», «Мусибатнома», «Уштурнома», «Мантикут-тайр», «Лужжаи-хилож», «Асрорнома», «Мухторнома», «Панднома» ғазаллар ва бошқа асарлар ёзган.

2. «Мантикут-тайр» — Бу Фаридиддин Атторнинг шу номдаги асари бўлиб, 1175 йилда ёзилган. Асарни ёзишда у Ғазолийнинг қушлар ҳақидаги асаридан руҳлангани ҳолда ёзган. Бу ўз даврида сўфийликнинг энг пешқадам асарларидан ҳисобланган. Фаридиддин Атторнинг поэмаси ҳам адиб ва шоирлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Алишер Навоий ўзининг «Лисонут-тайр» асарини, яна турк шоирларидан Гулшаҳри «Қуш тили» асарини ёзган.



3. Сулаймон — Баний Исроилнинг ҳукмдорларидан, отасининг исми Дауд. Милоддан аввал 965—928 йилларда яшаган. У ўз даврида диний ибодатни марказлаштирган тадбирли шоҳлардан бўлиб, илм-фан ривожига ўзининг маълум ҳиссасини кўшган. Унинг даврида шаҳарлар қуришда яхши натижаларга эришилган. Табиат ва жамиятнинг кўп сир-асрорларидан хабардор бўлиб, ривоятларга кўра, ҳайвон, қуш тилларини билган. Шамол, инс, жинс, жинлар унга қарам бўлган.

## XVI

1. Жабраил — Ислом динидаги тўртта фариштадан бири. Диний ақидаларга кўра, хабар берувчи фаришта Жабраил пайғамбарларга мураббийлик қилган. Муҳаммад пайғамбарга ҳам Қуръон мазмунларини етказиб берган. Қуръонда Жабраил «Муқаддас рух» номи билан тилга олинади.

2. Билқис—Сулаймон пайғамбарнинг энг суйган қуши Худхуд Сабо мамлакатининг подшоҳи хотин киши эканлигидан хабар келтиради. Мамлакат аҳли ўтга, қуёшга, ойга ва бошқа нарсаларга ибодат қилишини ҳам маълум қилади. Сулаймон пайғамбар Худхуд орқали Билқисга нома юбориб, мамлакат Сулаймон пайғамбарга тобе бўлиши кераклигини айтади. Билқис Сулаймон пайғамбарнинг олдига ўзи келиб, бутун шартларни қабул қилади. Ривоятларга кўра, пайғамбар Билқисни ўз никоҳига олади. Яна бошқа ривоятда пайғамбар Балқисни Яман подшоҳига эрга бериб юборади.

## XIX

1. Моний ибн Фатак — (216—277) Монийлик таълимоти асосчиси, Наққош ва рассом. Моний «Шабуракон» «Канзил-аҳъеъ», «Авангэльон», «Кефалея», «Бунгахик» (Бунгахинг) номли асарлар ёзган. Ривоятларга кўра, Монийнинг ўз даврида истеъдодли наққош, рассом сифатида танилгани ҳикоя қилинади. Шунга кўра, ҳам шарқ дostonчилигида кўп тилга олинади.

## XXVI

1. Фарҳодвор — «Фарҳод ва Ширин» Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётида кенг тарқалган дoston. Эронда ҳукмронлик қилган Хисрав II Парвез (591—628), унинг хотини Ширин ва тоштарош Фарҳод ҳақида тарқалган ривоятлар асосида шундай дostonлар юзага келган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Хисрав билан Ширин муҳаббати ва ҳалокати ҳикоя қилинади. Илк мустақил «Хисрав ва Ширин» (1181) Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий дostonидир. Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳодни энг мукамал ва идеал шахс сифатида тасвирлаб асарнинг марказий образи қилиб олди.

## LXV

1. Қорун — Беқиёс бойликка эга афсонавий шахс. Яна у ўзининг хасислиги билан ҳам машҳур. Бадиий адабиётда давлатмандлик ва хасислик рамзи сифатида юради, ўзи яҳудий қавмларидан.

## LXXVII

1. Искандар—Искандар Зулқарнайн Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган образ. Бу Александр Македонский фаолияти билан бевосита боғлиқ. Биринчи маротаба Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тарихий фактлардан бирмунча тўғрироқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома», Амир Хисрав Дехлавийнинг

«Ойнаи Искандарий», Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» дostonларида Искандар образи мохир лашкарбоши, олим файласуф тарзида кўрсатилади. Алишер Навоий «Тарихи Мулуки Ажам» асарида Искандарнинг Равшанакка уйланганлигини қайд этган бўлса, «Садди Искандарий» дostonида (1483—1485) бош ижобий қахрамон идеал шоҳ деб талқин этилган.

2. Суруш — Жабраил фариштанинг иккинчи номи. Бу фариштанинг асосий хизматларидан бири, Муҳаммад пайғамбарга осмондан хабар келтириш бўлган.

## LXXVIII

1. Мусҳаф — Қадимги Қуръон қўлёзма нусхаларининг номи, 651 йилда халифа Усмон буйруғи билан йиғилиб таҳрир қилинган нусхаси ҳам Мусҳаф деб аталган. Кейинчалик мусулмон халқлар орасида Қуръоннинг ҳар қандай қадимий қўлёзмасини Мусҳаф деб аташ одат тусига кирган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Тошкент шаҳрида сақланаётган Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси (VIII асрда кўчирилган) ҳам Мусҳаф нусхаларидан бири ҳисобланади.

## LXXIX

1. «Шайх Санъон» — Шарқ мамлакатлари халқлари орасида «Шайх Санъон» ҳақидаги севги қиссаси ҳам кўп замонлардан бери маълум. Бу қисса биринчи маротаба шайх Фаридиддин Атторнинг 1175 йилда ёзган «Мантиқут-тайр» номли машҳур асари таркибида учрайди. Шайх Санъон афсонавий шахс бўлиб қолмасдан, XI—XII асрларда яшаган тарихий бир шахс деб ҳам тахмин этилади. Бу ҳикоя Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асарида ҳам берилган.

2. Каъба — (арабча куб мазмунида) Ислом дунёсининг энг муқаддас ибодатхонаси, Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида 10x12x15 ўлчамдаги кулранг тошдан иборат иншоот. Ислом таълимотида Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи), Байтун ҳарам (Муқаддас уй), Қуръонда бўлса Алмасжидул ҳарам (Муқаддас масжид) деб аталгандир. Ҳовли саҳнида Оби замзам булоғи мавжуд. Ҳозир барча ислом мамлакатларидан мусулмонлар Маккага ҳаж этиш учун келадилар. Каъба бутун мусулмонларга «Қибла» бўлиб хизмат қилади. Ўша томонга қараб намоз ўқиб, ибодат қиладилар.

3. Жунайд — Жунайд Бағдодий машҳур шайхлардан бўлиб, Бағдод шаҳрида туғулган. Исми Абулқосим, отаси шиша асбоблари билан савдо-сотик ишлари олиб борган. Имом Шофийнинг шогирдларидан. Суфён Сурийнинг мазҳабида. 910—911 йилларда вафот этган. Бутун умри давомида 30 марта ҳаж қилган.

4. Боязид — Боязид Бистомий, асли исми Тайфур бинни Исо бинни Одам бўлиб, машҳур шайхлардан Баязид Бистомий номи билан танилган. Олим ва шоир Тайфурия тариқатининг асосчиларидан. 961 йилда вафот этган.

5. Ваҳй — Диний ақидаларга кўра, Оллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга Жабраил фаришта воситаси билан юборилиб турилган нома ва хабарлар. Бу нома ва хабарларни одамларга ҳар хил мўъжизавий йўллар билан билдирилишига ваҳй деб айтилади.

6. Рум — Кичик Осиё. Рим давлати ва унинг халқига берилган нисбатдир. Бир вақтлар Византия Рим империясига қўшиб олингач, Византия ҳам Рум деб атала бошланган. Шунга кўра, Қора денгиз ҳам Шарқ тарихий адабиётларида Рум денгизи номи билан юритилган. Турклар Византияни урушиб олгандан кейин бу ном туркларга ҳам ўтади.

7. Юсуфи Канъон — Шарқ адабиётида кенг тарқалган афсоналарнинг қахрамонидир. Яъқуб пайғамбарнинг ниҳоятда кўҳлик ўғли. «Юсуф ва Зулайҳо» ишқий саргузашти шу номга асосланади.

8. «Лоҳавл» — «Лоҳавла вало қуввата илло биллоҳил алиюл азим» —

«Буюк ва олий Оллоҳдан бошқа куч ва қудрат йўк».

Бу кўрқанда, ҳаяжонга тушганда ва жаҳл чиққанда ўқиладиган дуо.

9. Батҳо — Саудия Арабистонидаги Макка шаҳрининг иккинчи номи. Сиёсий иқтисодий маъмурий маркази, мусулмонларнинг зиёратгоҳи.

10. Ҳошимий — VII асрда Арабистоннинг Макка шаҳрида яшаган Қурайш қабиласига мансуб хонадонлардан бирининг номи. Муҳаммад пайғамбар ана шу хонадон аъзоларидан бирида туғилган. Ҳошим пайғамбарнинг катта бобоси бўлган.

11. «Лайли ва Мажнун» — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган самимий севги ҳақидаги дoston. Унинг сюжети дастлаб араблар орасида вужудга келган. «Лайли ва Мажнун» Алишер Навоий «Хамса»сининг учинчи достони (1484).

12. Сухо — Осмондаги 540 та хулкар тўпламидаги юлдузларнинг энг хираси.

## LXXXVI

1. Шайх Нажмиддин Кубро — Тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абулжанноб Нажмиддин (1145—1221). Сўфийликнинг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларида. Кубравийлик тариқотининг асосчиларидан. Сўфийликка оид асарлари бор. Унинг таълимоти Ўрта Осиё ва Эронда тарқалган. Уларча, овоз чиқармасдан зикр қилиш амалда бўлган. Шайх Нажмиддин Кубро мўғул истилоси даврида вафот этган.

2. Азҳоби Қаҳф — Юнон мамлакатининг бутпараст подшоҳи Доқёнус ниҳоятда жоҳил, золим бўлган. Шохнинг мулозимлари орасида мусулмонлари ҳам бўлиб, улар ҳамиша яширин ибодат қилганлар. Доқёнус бундан хабар топиб, мулозимларни ушлаб қатл қилмоқчи бўлганда улар қочадилар. Йўлда бир қўйчивон ҳам ўзининг ити билан қочқиндиларга қўшилади. Кўп юрганларидан сўнг бир ғорга кириб беркинадилар ва у ерда ётиб ухлайдилар. Бу уйқу 309 йил давом этади. Уйғонганларида золим подшоҳ тахтдан кетганлиги, улар ўзларининг ғор дўстлиги туфайли золим шох зулмидан қутилиб қолганликлари маълум бўлади.

## LXXXIX

1. Шайх Абу Саид Абул Хайр — Машхур шайхлардан, исми Фазлиллоҳдир. Ўз даврида барча машойихлар уни ўзига устоз қилиб олганлар. Абу Саид Абул Хайрнинг устози Абул Фозил Ҳасан Сарахсийдир. Ўзи Хуросондан, 1048 йилда вафот этган.

## CI

1. Хирқоний—Абулҳасан Хирқоний машхур шайхлардан. Асли исми Али бинни Жаъфар, лақаби Абулҳасан. Эроннинг Хирқон деган жойида туғилганлиги туфайли Хирқоний деб юритилган. 1023 йилда вафот этган.

## CIV

1. Басра — Арабча Бассара —Ироқнинг жанубидаги шаҳар, Басра вилоятининг маъмурий иқтисодий маркази. Ироқнинг энг катта порт шаҳарларидан. 637 йилда халифа Умар (634— 644) қурдирган шаҳар. VIII—IX асрларда халифаликнинг маданий ва иқтисодий маркази бўлган.

2. Ҳотам — Тўлиқ исми ва лақаби Абу Аддий бинни Абдуллоҳ бинни Саъд бўлиб, арабларнинг атоқли қабила бошлиқларидан ҳисобланган. Ҳотам ўзининг сахийлиги билан шуҳрат топган. У шоир ҳам бўлган.

## CVII

1. Жамшид — Жам шаклида ҳам учрайди. Эроннинг қадимги тарихига кўра, Пешдодийлар сулоласининг тўртинчи ҳукмдорларидан. Афсонага кўра, Наврўз кунининг сана боши деб байрам қилиниши Жамшид номи билан боғлиқ.

## СХ

1. Арасту — Юнон файласуфларидан Аристотель исмининг арабча шакли (Милоддан аввал 384—322). Қадимги юнон фалсафа фани таракқиётида янги давр яратган буюк мутафаккир. Милоддан аввал 343 йилдан Македония тахтининг вориси, Александр Македонскийнинг тарбиячиси вазифасида хизмат қилган.

2. Афлотун — (милоддан аввал 428 ёки 427—Афина 348—347) қадимги Юнон файласуфи, антик философиядаги объектив идеалистик оқимнинг асосчиси. Тахминан 407 йилда Сократ билан танишиб, унинг энг яқин шогирдларидан бири бўлиб қолган.

## СХІІІ

1. Азроил — Ислонда эътиқод қилинадиган тўрт фаришталардан бири. Улар Жабраил, Микоил, Азроил ва Исрофилдир.

## СХІХ

1. Азозил — Шайтоннинг асли исми.

## СХХІІ

1. Ибн Адҳам Шох Иброҳим — Иброҳим Адҳам Балх шаҳрида туғилган. Лақаби Абу Исҳоқ, исми ва нисбаси Иброҳим Адҳам бинни Сулаймон бинни Мансур Балхий. У Фузайл Аёз Абу Юсуф Ғайбуллийлардан таълим олади ва катта қаромат ва мақомат аҳлидан бўлиб етишади. 777 йилда Шом шаҳрида вафот этади.

2. Балх — Шимолий Афғонистонда ҳозирги Мозори Шарифнинг ғарбидаги кўҳна шаҳар. Милоддан аввал еттинчи асрдан бошлаб маълум. Балх тарихда Уммул-билод (шаҳарлар онаси) номи билан ҳам машҳурдир. Юнонлар уни Бактра деб ҳам атаганлар.

3. Нишобур — Ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқидаги қадимий шаҳар. Хуросон остонида. У энг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Шаҳарда Умар Ҳайём ва Фаридиддин Аттор яшаб ижод этган ва шу ерга дафн этилган.

## СХХVІІІ

1. Порсо — Хожа Муҳаммад Порсо — машҳур бухоролик шайхлардан бири бўлиб, исми Муҳаммад бинни Маҳмуд Ҳофизи Бухорийдир. Порсо номини Шайх Баҳоуддин Нақшбанд берган. 70 ёшида 1419 йилда вафот этган.

2. Абу Наср — Хожа Абу Наср Порсо — машҳур шайхлардан бўлиб, унинг лақаби иккита: Бурхониддин ҳамда Ҳофизиддиндир. Хожа Муҳаммад Порсонинг муриди. 1460 йилда вафот этган.

## СХХХVІІ

1. Абу Бакр Нишобурий—Абдуллоҳ бин Муҳаммад машҳур фақиҳ ва ҳадис билимдонларидан бўлиб, зоҳид ва тақводор киши бўлган. Боғдод шаҳрида яшаган, 852 да туғилиб, 935 да вафот этган.

2. Шиблий—Машҳур шайхлардан, исми Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар бинни Юнус 945 йилда вафот этган.

3. Нурий — Абулхасан Нурий — машхур шайхлардан бўлиб, исми Аҳмад ибн Муҳаммаддир. 907 йилда вафот этган.

### CXL

1. Абдуллоҳ Ансорий — Машхур мутасаввуф шайхлардан, 1005 йилда Ҳирот шаҳрида туғилган. 1093 йилда вафот этган. Мақбараси Ҳирот шаҳрида.

### CXCVIII

1. Етти водий — Тасаввуф таълимотича, шахс рухий такомиллашиш йўлида босиб ўтиши лозим бўлган етти босқич, даража, поғона, улар қуйидагилардан иборат. Талаб водийси, Ишқ водийси, Маърифат водийси, Истиғно водийси, Ҳайрат водийси, Тавҳид водийси, Факру фано водийси.

### CLII

1. Ҳижоз — Саудия Арабистонининг ғарби-шимолий қисми, яъни Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган водий Ҳижоз деб юритилади.

### CLIII

1. Мусий — Исломда ҳам исми қайд этиладиган пайғамбарлардан. Яхудийликка эътиқод этувчилар орасида иудизм асосчиси деб эътироф этилган. Қадимий яхудий манбаларда Моше, Христиан манбаларида Моисей номи билан маълум. У Сино тоғида яхудийларнинг муқаддас китоби “Таврот”ни қабул қилиб олган.

2. Фиръавн—Қадимги Миср подшоҳларининг номи. 18 сулоладан бошлаб подшоҳ Фиръавн деб аталган. Мисрда қурилган йирик пирамида ва ибодатхоналар фиръавнлар номини муқаддаслаштирган ва улуғлаган.

3. Маҳдий — Ислом ривоятларига кўра, ўн икки имомнинг охиригиси бўлиб, қиёмат яқинлашганда қайтиб келиб Дажжолга қарши курашади, дейилади.

4. Дажжол — Ислом ақидаларига кўра, қиёмат куни олдидан диндорларни тўғри йўлдан оздирадиган афсонавий шахс. Дажжол кўпгина ривоятларда тилга олинади.

5. Масих — Масихо — Исо пайғамбарнинг лақаби. Диний ривоятларга кўра, Исо пайғамбарнинг нафаси ўлган одамларни тирилтириш, унга жон ато этиш қудратига эга бўлган деб юритилади. Шеърларга шу хислат билан сингиб кетган.

6. Бу жаҳл — Асли исми Амир ибн Ҳошим. Макка шаҳрининг зодагонларидан бири. Муҳаммад пайғамбар тарғиботига қарши тургани ва унга душманлиги учун қувғинга учраган. Шу боис унга ислом тарикотида Абу Жаҳл лақаби берилган. Абу Жаҳл Бадр жангида (624) ҳалок бўлган.

### CLV

1. Марям — Машхур ва маълум «Минг бир кеча» ҳикояларининг қаҳрамонларидан бири, моҳир ва эпчил каштачи аёл.

2. Намруд— Иброҳим Ҳалилуллоҳни ўлдиришга буйруқ берган золим шоҳ. Ривоятларга кўра, қадимги Арабистонда ўтган подшоҳлардан бири. Уни пашшалар талаб ўлдирган.

3. Халил — Иброҳим пайғамбарнинг лақаби. Золим шоҳлардан Намруд пайғамбарни ўтга ташлаб ўлдирмоқчи бўлганда худонинг амри билан ўлмасдан қолган. Катта гулхан — ўт, гулзорга айланган.

4. Калимуллоҳ — Оллоҳ билан сўзлашган Мусо пайғамбарнинг лақаби.

5. Муҳаммад—Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570—632). Арабистонда ислом динини биринчи бўлиб тарғиб этган. Оллоҳнинг элчиси, пайғамбар деб танилган шахс. Қирқ ёшида Макка шаҳрида Худодан ваҳй олаётганлигини эълон қилади.

6. Заҳҳок — Эроннинг қадимги тарихига кўра, Жамшид қатлидан сўнг тахтга Заҳҳок ўлтиради. У золим сифати билан ном таратади. Шунга кўра, Заҳҳокка қарши темирчи Кова кўзғолон кўтаради. Кўзғолонга пешдодий шоҳларидан Фаридун ҳам кўшилиб Заҳҳокни енгадилар.

7. Нуширвон ёки Ануширвон — Шарқда адолат тимсоли бўлиб, афсоналарга қоришган шахс. Милоддан олдин ўтган Эрон шоҳларидан бири.

## CLVIII

1. Мансур — Мансур Халлож, тўлиқ исми Хусайн ибн Мансур (858—922). Машҳур мутасаввуфлардан «Мен ҳақ (худо)-ман», (Анал ҳақ)— Менинг ўзлим худонинг ўзлигидир, деган фикрни илгари сурганлиги учун жоҳил руҳонийлар томонидан ўлдирилган.

## CLX

1. Узро — «Вомиқ ва Узро» қиссаси. Шарқ халқлари адабиётида кенг ўрин олган эпик асарлардан. Унинг ижобий қахрамонлари халқ оғзаки ижодида ҳамда ёзма адабиётда кенг томир отгандир. Қиссанинг ўзбек тилида ҳам бир нечта вариантлари мавжуд.

## CLXII

1. Шайх Абдулаббос қассоб — Исми Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Абул Карим. Табаристонда ва Омилда имомлик қилган. Муҳаммад ибни Абдуллоҳ Табарийнинг шогирдларидан.

## CLXIII

1. Хожа Боҳоуддин Нақшбанд — Исми Саид Муҳаммад ибн Жамолиддин. Бухоронинг энг машҳур шайхларидан (1318—1389). Нақшбандийлик тариқатининг асосчиларидан. Металга нақш бериш касби билан шуғулланган. Шунинг учун «Нақшбанд» тахаллуси берилган. У ўз тариқотида ҳар бир сўфий ўз меҳнати билан яшашини ёқлайди. Бу таълимот Эрон, Арабистон, Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

## CLXV

1. Шайх Суфён Сурий — машҳур мутасаввуф шайхлардан, исми Абу Абдулло бинни Саид, 783 йилда вафот этган.

## CLXXIII

1. Осаф — Сулаймон пайғамбар яшаган даврда ўтган шахс, пайғамбар яқинларидан ҳисобланган. У Сулаймон пайғамбар каби ваҳший ҳайвонлар ва қуш тилларини яхши билган бўлса ҳам билимини ҳеч кимга ўргатмаган ва билиш ҳақида ўзидан кейинги авлодга ҳеч нарса қолдирмаган.

2. Қакнус— «Лисонут-тайр» асарида берилган кушлардан бирининг номи. Бу кушнинг тумшуғида кўп (сукба) тешиклари бўлиб, улар орқали ҳар хил ёқимли куй ва оҳанглари чиқарган. Қакнусни жуфти бўлмас экан, умри бўйи чўп, ўтин йиғиб умрининг сўнгида жуда чиройли ва узок куйлар экан, унинг жозибали сайрашидан олдин ўзига кейин йиғилган хашак ўтинга ўт кетиб, куш ҳам, ўтин ҳам куйиб кул бўлар экан. Ўт кули уюми орасидан янги «Қакнусбача», яъни унинг боласи чиқиб, боласи ҳам ўз йўлида отаси қилган ишларни давом эттирар экан.

#### CLXXIV

1. Фисоғурс — Пифагор, қадимги юнон файласуфи, эрамиздан олдин 571—497 йилларда яшаган. Пифагор тарафдорлари эрамиздан олдин IV асргача илм-фанга, айниқса, математика, астрономия фанлари тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ривоятларга кўра, Фисоғурс ўрмон яқинидан ўтиб кетаётганда қакнус номли кушнинг куйлаётганини эшитган. Бу уни музыка куйларини, музыка асбобларини кашф этишга олиб келган.

2. Самандар — Доимо ўт, олов ичида яшайдиган ҳайвон, катта-кичиклиги каламушча. Афсонага кўра, у гўё ўт ичида пайдо бўлиб, ўт ичида яшар ва ҳалок бўлар экан.

#### CLXXVI

1. Бистом — Эронда, Хуросоннинг жануби-шарқида. Кирмон билан Кўҳистон орасидаги бир шаҳар. Атрофини тоғлар ўраган. Унинг олмоси қадимдан машҳур.

#### CLXXVIII

1. Қайс Омир— Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» асарининг бош қаҳрамонларидан. Омир Мажнуннинг отаси бошқарган қабиланинг номи. Қайс Мажнуннинг асли исми.

#### CLXXXVI

1. Маҳмудшоҳ— Маҳмуд ибн Сабуктагин (туғилган йили номаълум — 1030). 999 йили Маҳмудшоҳ бутун Хуросонни эгаллаб, ўзини султон деб эълон қилади. Ҳукмдорлик даврида, Ғазна шаҳрида жуда катта нодир китобларни тўплаган, ўзи паҳлавий ва араб тилларини яхши билган, шеър ҳам ёзган.

2. Аёз — Султон Маҳмудшоҳнинг (1030) хос шахсий маҳрами ва қулидир. Исми Абу Нажим. 1057 йилда вафот этган.

#### CXCI

1. Саъдий — Муслиҳиддин Абу Муҳаммад ибн Мушрифиддин. Шайх Саъдий номи билан машҳур (1203, 1210—1292). Форс-тожик шоири, мутафаккир, файласуф ва олим. Унинг «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари шарқ халқлари маънавий ахлоқий ҳаётининг ўзига хос қомусидир.

2. Низомий — Низомий Ганжавий, асли исми Муҳаммад Илёс ибн Юсуф (1141—1209). Буюк Озарбайжон шоири. Шарқда биринчи «Хамса»навис сифатида машҳурдир. Унинг «Хамса»си «Маҳзанул-асрор» (1170), «Хисрав ва Ширин» (1181), «Лайли ва Мажнун» (1188), «Ҳафт пайкар» (1196), «Искандарнома» (1199—1200) дostonларидан иборатдир.

3. Хисрав — Амир Хисрав Дехлавий (1253—1325). Ҳинд ва форс-тожик шоири, музикашуноси, форс, урду ва ҳинд тилларида асарлар ёзган. Хисрав Дехлавийнинг

лирикаси беш девондан иборат бўлиб, Низомийга жавобан «Хамса» ҳам яратган (1298—1301).

4. Жомий — Абдурахмон Жомий (1414—1492). Йирик олим, файласуф, шоир. Алишер Навоий ўзининг «Хамсатул-мутахаййирин» китобида Жомийнинг ўтгиз саккизта асарини санаб ўтган. Унинг асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик ва санъат соҳаларига оид бўлиб, назм ва насрнинг ҳар хил жанрларида ёзилган.

5. Фоний — Алишер Навоий ўзининг форс-тожик тилида ёзган асарларида Фоний тахаллусини қўллайди. 1496 йилда «Девони Фоний» девонини тузган. «Лисонут тайр» (1498—99) асарига ҳам «Фоний» тахаллусини қўллаган.

## СХСII

1. Султон Ҳусайн — Асли исми Ҳусайн Мирзо Мансур бинни Мирза Бойқаро (1438—1506). Хуросон хукмдори (1470—1506). Ўзбек шоири. Ғазал жанрида қалам тебратиб девон тузган, «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» (1485) номли насрий асари ҳам бор.

## СХСIII

1. Ясриб — Саудия Арабистонидаги Мадина шаҳрининг қадимги номи.

# МУНДАРИЖА

I. Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим

II. Муножот қозиюл-ҳожот ҳазратида ўз тақсиротининг шармандалиғида ва ул уётдин мазаллат туфроғиға сарафкандалиғида

III. Бу номаға Саидул-мурсалин наъти била туғро тузмак ва шафиъул-музаннибин мадҳи била зийнат кўргузмак

IV. Ул рисолат Қофи Анқосининг баландпарвозлиғи ва маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб куш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи

V. Амирул-мўъминин Абу Бакр Сиддиқ розиоллоҳу анҳу таърифида

VI. Ҳикоят

VII. Амирул-мўъминин Умар Форук<sup>1</sup> розиоллоҳу анҳу васфида

VIII. Ҳикоят

IX. Амирул-мўъминин Усмон зуннурайн розиоллоҳу анҳу шонида

X. Ҳикоят

XI. Амирул-мўъминин Али розиоллоҳу анҳу ҳазратида

XII. Ҳикоят

XIII. Қувватул-аҳрор ва қиблатул-аброр Шайх Фаридиддин Аттор қаддасоллоҳу руҳаҳуға мадҳу сано оғози ва ўз арзи ниёзи

XIV. Қушлар ижтимоъи ва тақдим ва таъхир учун бир-бири била низоъи

XV. Қушлар шоҳ тилаб топмоғондин мутаҳаййир бўлғонда, Ҳудҳуд Симурғдин хабар дегони

XVI. Ҳудҳуд Симурғдин хабар дегоч, қушлар хушҳол бўлуб, таҳқиқ қилғонлари

XVII. Қушлар диққат била сўрғондин сўнгра, Ҳудҳуд Симурғдин нишонлар айтқони

XVIII. Қушлар Ҳудҳуддин Симурғнинг зуҳури бидоятин сўруб, ул оларға бу маънидин фасонае ва бу маҳфиндин нишонае дегони



- XIX. Чин шаҳри сифати ва Симурғ пари онда тушконнинг кайфияти  
XX. Ҳудҳуднинг Симурғдин фасона сургони ва шавқ ўти кушлар ниҳодидин забона ургони  
XXI. Ҳудҳуд кушларга кўнгил бериб, бу йўлга тарғиб эткони  
XXII. Ҳудҳуднинг Тўтини мухотаб қилиб, мақсад қасдиға тарғиб қилғони  
XXIII. Товус хитобида Ҳудҳуднинг нуктасаролиғи  
XXVI. Булбул навоси оҳангида Ҳудҳуднинг гулбонги  
XXV. Қумри лаҳни усулида Ҳудҳуднинг нағмасозлиғи  
XXVI. Каклик хуруши савтиға Ҳудҳуднинг захма пардозлиғи  
XXVII. Тазарв хироми суръатида Ҳудҳуднинг сайрдин дам ургони  
XXVIII. Дуррож равиши нисбатида Ҳудҳуднинг қадам ургони  
XXIX. Кабутар ҳавоси парвозида Ҳудҳуднинг парвоз ҳавоси  
XXX. Шоҳбоз ҳусну истиғноси васфида Ҳудҳуднинг раҳнамойлиғи  
XXXI. Шунқорнинг шохвашлиғи таърифида Ҳудҳуднинг мадҳоройлиғи  
XXXII. Кушларнинг йўл азмиға ҳужум кўргузгонлари ва риёзат шиддатидин баъзининг азиматиға футур юзланғони  
XXXIII. Тўтининг узри  
XXXIV. Ҳудҳуднинг жавоби  
XXXV. Истишҳодиға ҳикоят  
XXXVI. Товус узри  
XXXVII. Ҳудҳуднинг жавоби Товусқа  
XXXVIII. Ҳикоят  
XXXIX. Булбул узри  
XL. Ҳудҳуд жавоби Булбулға  
XLI. Ҳикоят  
XLII. Қумри узри  
XLIII. Ҳудҳуднинг жавоби Қумриға  
XLIV. Ҳикоят  
XLV. Кабутар узри  
XLVI. Ҳудҳуд жавоби Кабутарға  
XLVII. Ҳикоят  
XLVIII. Кабки дарий узри  
XLIX. Ҳудҳуд жавоби Кабки дарийға  
L. Ҳикоят  
LI. Тазарв узри  
LII. Ҳудҳуд жавоби Тазарвға  
LIII. Ҳикоят  
LIV. Қорчиғой узри  
LV. Ҳудҳуд жавоби Қорчиғойға  
LVI. Ҳикоят  
LVII. Шунқор узри  
LVIII. Ҳудҳуд жавоби Шунқорға  
LIX. Ҳикоят  
LX. Бургут узри  
LXI. Ҳудҳуд жавоби Бургутга  
LXII. Ҳикоят

LXIII. Куф узри  
LXIV. Худхуд жавоби Куфга  
LXV. Ҳикоят  
LXVI. Хумой узри  
LXVII. Худхуд жавоби Хумойга  
LXVIII. Ҳикоят  
LXIX. Ўрдак узри  
LXX. Худхуд жавоби Ўрдакка  
LXXI. Ҳикоят  
LXXII. Товуғ узри  
LXXIII. Худхуд жавоби Товуғга  
LXXIV. Қушлар ўз нисбатларин Симурғқа Худхуддин сўрғонлари  
LXXV. Худхуд қушларга жавоби ва Симурғ зуҳуридин хитоби  
LXXVI. Ул шоҳ ҳикоятиким хуснини зоҳир қилурға кўзгуни васила қилди  
LXXVII. Искандарнинг элчиликка борғон ҳикояти  
LXXVIII. Қушларнинг йўл кайфиятин Худхуддин саволи ва онинг жавоби  
LXXIX. Ҳикоят  
LXXX. Қушлар пешволикка қуръа солиб, Худхуд отиға тушғони  
LXXXI. Водий бошиға етиб қушларни ҳайрат забун этиб, бир қушнинг саволи  
LXXXII. Ҳикоят  
LXXXIII Водий суубатидин қушлар Худхуддин саволот қилғони ва онинг жавоб айтмоғи  
LXXXIV Бир қушнинг саволи  
LXXXV Худхуднинг жавоби  
LXXXVI Шайх Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи  
LXXXVII Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
LXXXVIII Худхуднинг жавоби  
LXXXIX Шайх Абу Саид Абул Хайр ҳикояти  
XC Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
XCI Худхуднинг жавоб айтқони  
XCII Одам Сафий алайҳиссалом ҳикояти  
XCIII Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
XCIV Жавоб  
XCV Ҳикоят  
XCVI Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
XCVII Худхуднинг жавоби  
XCVIII Ҳикоят  
XCIX Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
C Жавоб  
CI Ҳикоят  
CII Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
CIII Жавоб  
CIV Ҳикоят  
CV Яна бир қушнинг Худхуддин саволи  
CVI Жавоб  
CVII Ҳикоят  
CVIII Яна бир қушнинг Худхуддин саволи

CIX Жавоб  
CX Ҳикоят  
CXI Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXII Жавоб  
CXIII Ҳикоят  
CXIV Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXV Жавоб  
CXVI Ҳикоят  
CXVII Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXVIII Жавоб  
CXIX Ҳикоят  
CXX Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXXI Жавоб  
CXXII Ҳикоят  
CXXIII Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXXIV Жавоб  
CXXV Ҳикоят  
CXXVI Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXXVII Жавоб  
CXXVIII Ҳикоят  
CXXIX Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXXX Жавоб  
CXXXI Ҳикоят  
CXXXII Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXXXIII Жавоб  
CXXXIV Ҳикоят  
CXXXV Яна бир кушнинг саволи  
CXXXVI Жавоб  
CXXXVII Ҳикоят  
CXXXVIII Яна бир кушнинг саволи  
CXXXIX Жавоб  
CXL Ҳикоят  
CXLI Яна бир кушнинг саволи  
CXLII Жавоб  
CXLIII Ҳикоят  
CXLIV Яна бир кушнинг саволи  
CXLV Жавоб  
CXLVI Ҳикоят  
CXLVII Яна бир кушнинг Ҳудҳуддин саволи  
CXLVIII Жавоб  
CXLIX Талаб водийсининг сифати  
CL Ҳикоят  
CLI Ишқ водийсининг сифати  
CLII Ҳикоят  
CLIII Маърифат водийсининг васфи  
CLIV Ҳикоят

CLV Истиғно водийсининг баёни  
CLVI Ҳикоят  
CLVII Тавҳид водийсининг таърифи  
CLVIII Ҳикоят  
CLIX Ҳайрат водийсининг сўзи  
CLX Ҳикоят  
CLXI Факру Фано водийсининг адоси  
CLXII Ҳикоят  
CLXIII Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи фанойи комил макомида  
CLXIV Парвоналар мажмаъи шамъи ҳақиқий шарҳида  
CLXV Шайх Суфён Сурийнинг фанодин сўнгра бақо хусулида нукта сургони  
CLXVI Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятидин бақо мулкидин нишон топмоғлари  
CLXVII Қушларга фано навмидлиғида Ҳудхуднинг иршодидин қувват ҳосил бўлғони  
CLXVIII Ҳикоят  
CLXIX Қушларнинг фано хусулидин бақо вусулига еткони  
CLXX Ўз адоси кусури узрига тамсил  
CLXXI Ҳикоят  
CLXXII Ўз тақсирлариға авф истидъоси ва журмлариға ғуфрон илтимоси  
CLXXIII Шайх авсофию ўзининг анга пайравлиғида иттисофи  
CLXXIV Ўзининг шайх руҳи мададидин анга татаббуъ қилғонга қақнус тамсили  
CLXXV Талаб тариқи адосида муножот  
CLXXVI Тамсил  
CLXXVII Ишқ тариқи адосида муножот  
CLXXVIII Ҳикоят  
CLXXIX Маърифат тариқи адосида муножот  
CLXXX Тамсил  
CLXXXI Истиғно тариқи адосида муножот  
CLXXXII Тамсил  
CLXXXIII Ҳайрат тариқи адосида муножот  
CLXXXIV Тамсил  
CLXXXV Тавҳид тариқи адосида муножот  
CLXXXVI Тамсил  
CLXXXVII Фано тариқи адосида муножот  
CLXXXVIII Тамсил  
CLXXXIX Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби  
СХС Тамсил  
СХСИ Бу китобда таҳаллус тағйирининг узри  
СХСИИ Подшоҳи ислом дуоси ва узрхоҳлик адоси  
СХСИИИ Бу назм тарихи гуфтори ва ўзининг истеъфо ва истиғфори  
СХСИV Изоҳлар

## **Шарҳ ва изоҳлар**

# МАЖОЛИС УН-НАФОИС

## БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Юз ҳамд ангаким ясаб жаҳон бўстони,  
Айлаб юзу зулфидин гулу райҳони.  
Қилди ясағоч бу боғи руҳафзони  
Назм аҳлин анинг булбули ҳуш илҳони.

Ва дуруди номаъдуд ул хулосаи маъдум ва мавжудғаким<sup>1</sup>:

То тахти фасоҳат авжида топти нишаст,  
Ҳам назмки этти зумраи таъпараст,  
Ҳам нозимининг поясига берди шикаст,  
Ҳам назмини қилди қаро туфроққа паст.

Хурдабинлар хизматида ва хирадойинлар ҳазратида маъруз улким, назм каломии рутбаси рифъатиға ушбу далил басдурким, анинг муқобиласидаким, араб фусаҳоси балоғат зеварлари била намойишлиқ ва фасоҳат гавҳарлари била оройишлиқ назм раънолариға жилва берулар эрди ва даъво кўси овозасии фалакка еткурулар эрди. Ҳазрати малики алломнинг<sup>2</sup> каломии муъжиз низоми<sup>3</sup> Жабраили<sup>4</sup> ҳужаста фаржом воситаси била хайр-ул-аном алайҳиссалавоту вассалламға<sup>5</sup> нозил бўлди. Бас назм илми қойиллари ва шеър фани комилларики, дақойиқ дурри покининг баҳри уммони ва маоний лаъли оташнокининг кони бўла олғанлар, бас шариф хайл ва азиз қавм бўлғайлар, бу жиҳатдиндурким, аларнинг номин отлари ва киромий сифотлари замон саҳойифидин ва даврон сафойихидин маҳв бўлмасун деб тасниф аҳли таълифларида ва таълиф хайли таснифларида фусули ораста ва абвоби пийроста қилибдурлар ва ўз китобатлариға бу жамоат зикридин зеб берибдурлар. Ул жумладин бири ҳазрати маҳдуми, шайх ул-исломи мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий<sup>6</sup> (мадда зилли ва иршодаху)<sup>7</sup> дур.

Улким бу тўқуз фалакни ақл этса хаёл,  
Дарёи улумиға топар қатра мисол,  
То чашмаи таъби даҳр аро очти зулол,  
Ҳайвон суйи янглиғ айлади молмомол.

Мундоқ бузургвор олий миқдор «Баҳористон»<sup>8</sup> отлиғ китобидаким, секкиз равза очибдур ва секкиз равзаи жаннат алар хижолатндин эл кўзидин ихтифо пардасиға қочибдур ва они Султони Соҳибқирон<sup>9</sup> оти зевари била музайял ва алқоби гавҳари била мукалал қилибдур, бир равзасини бу мавзун наволиқ балобил ва матбуъ садолиғ анодил гул бонгидин рашки нигорхонаи Чин<sup>10</sup> ва ғайрати фирдавси барин қилибдур ва Амир

Давлатшоҳким<sup>11</sup>, Хуросон мулкининг асил мирзодалари орасида фазл ва дониш зевари била баҳраманд, фақр ва қаноат тожи била сарбаланддур, ҳам Султонн Соҳибқирон отиға «Газкират уш-шуаро»<sup>12</sup> отлиғ китоб битибдур, воқеан баса захмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур. Бу бобда яна дағи расоил ва кутуб бор. Аммо барчасидан бурун ўтган шуаро ва эрта кечган фусоҳонинг оти мазкур ва сифоти мастурдур ва бу хужаста замон ва фархунда даврон шуаро ва хуштаъблариким, Султон Соҳибқирон юмни давлатидин ва натижаи тарбиятиднн шеърнинг кўпрак услубида, батахсис ғазал таврида барчадин дилосороқ ва нишот афзорокдур, таркиби салосат ва латофатин бурунғиларга еткурадурлар ва маъни назокат ва ғаробатин улча шарти бор, бажо келтурадурлар, отлари ул жамоат зумрасида бўлмоқдин маҳрум ва сўзлари ул тартиб ва қоидада номаълум учун шикаста хотирға ва синуқ кунгулға андоқ келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурофаси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуаро акобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға кўшулғайлар. Бу жиҳатдин Султон Соҳибқироннинг хумоюн валодатлари<sup>13</sup> замонидин рўзафзун давлатлари давронигачаким, қиёматғача барқарор ва олам инкирозиғача пойдор бўлғай, улча фақир эшитибмен, аммо хизматлариға етмаймен ва улча хизматлариға етибмен, аммо ҳоло бу фано дор ул-ғуруридин бақо дор ус-суруриға интиқол қилибдурлар<sup>14</sup> ва улча ҳоло бу фаррух замонда намояндадурлар<sup>15</sup> ва ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадҳ сарояндадурлар, жамъ қи-лилғай ва ҳар қайсининг натойижи табъидин бирор нима нишона нўсунлуқ ёзилгай. Чун бу мақсудға етилди, они секкиз қисм этилди ва ҳар қисми нафис бир мажлисға мавсум бўлди ва мажмуъиға «Мажолис ун-нафоис»<sup>16</sup> от қўюлди.

Бу тухфаки, хушмен ибтидоси бирла,  
Ҳам назм латойифи адоси бирла,  
Уммид буким, умр вафоси бирла,  
Хатм айлагамен шоҳ дуоси бирла.

## АВВАЛГИ МАЖЛИС

**Жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим**

Ул жумладин, солики атвор ва қошифи асрор, яъни: Ҳазрати Амир Қосим Анвор<sup>1</sup> (қуддиса сирруху<sup>2</sup>)дур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлиқ поясидин юқорирокдур ва валоят аҳли<sup>3</sup> зумрасида васфдин тош-қарирок, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида<sup>4</sup> назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар, таяммун жиҳатидан бу мухтасарни аларнинг шариф исмлари била ибтидо қилилди.

Мирнинг асли Озарбайжондиндур ва мавлуди Сароб отлиғ кентдиндур. Йигитликларида шайх Садриддин Ардабили<sup>5</sup> (қуддиса сирруху)ға мурид бўлдилар ва

суфия одоб ва тарийқин андин такмил қилиб шайх ишорати била Хуросонға келдилар ва оз вақтда халойиқ Мир хизматиға фирифта бўлуб ғавғо қила бошладилар. Подшоҳи замон Мирга ихрож ҳукми қилди. Балх ва Самарқанд сари бориб, муддате бўлуб, яна дор ус-салтанат азимати қилдилар, яна Чигатой мирзодалари, балки улус озадалари мурид бўлнб, хужум қила бошладилар. Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмлариға мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка роғиб бўлдилар. Ҳар ойинаким, девон жамъ қилурға бу амр боис бўлди ва «Анис ул-ошиқин»<sup>6</sup> отлиғ мухтасарроқ маснавий ҳам назм қилдилар ва таржеъ<sup>7</sup> дағи дедилар ва табаррук жихатдан икки матлаъ битилур, бири буким:

Ишқи ту ки сармояи мулки ду жаҳон аст,  
Алминнату лиллаҳки, маро бар дилу жон аст<sup>8</sup>.

Яна бири буким:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,  
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок<sup>9</sup>.

Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен, бу сўнгги матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқумоқ таклифи қилиб, баъзи хайрат изҳор қилурлар эрди ва маснавийлари ҳазрати мавлоно Жалолиддин Румий<sup>10</sup> (қуддиса сирруху) маснавийларининг вазнидаким «рамали мусаддас» дерлар воқеъ бўлубтур, бу мисраъким:

Буд дар Табриз саййидзодае<sup>11</sup>.

андиндур, гўёки мақсад ўзларидур ва таржеъларининг банди бу байтдурким:

Туи асли ҳама пинҳону пайдо,  
Ба афъолу сифоту зоту асмо<sup>12</sup>.

Ва ул ҳазратнинг муббрак марқади Жом вилоятида Харжурд қасабасидадур. Ва фақир ҳам ул остона жорўбқашларидинмен<sup>13</sup>. Вафотлари санаи хамса ва салосина ва самона миада<sup>14</sup> воқеъ бўлубдур.

М и р М а х д у м — Ҳазрати Мир Қосимға<sup>15</sup> халифа ва фарзанд ва маҳубб масобасида эрди, отаси Маккадин Имом Али Мусо ар-Ризо<sup>16</sup> зиёратиға Машҳадға келди,

Қайтиб Нишопурға етганда кадхудо бўлуб мутаваггин бўлди. Ва анга уч фарзанд тангри иноят қилди, кичикраги Мир Махдум эрдиким, оти Сайид Муҳаммаддур, шахрга таҳсилға келди ва зоҳир улумин такмил қилгон чоғда ҳазрати Мир Қосимнинг зуҳур ва шухрати вақти эрди, ул ҳазрат хизматиға етгач мурид ва вобаста бўлди ва ҳазрат Мир анинг тарбият ва такмилиға машғул бўлдилар ва азим риёзатлар буюруб қаттиқ хизматларға ружуъ қилдилар. Чун Мир Махдум поктийнат ва соҳибдавлат йигит эрди, ул хизматларни андоқ қилдиким: «Ман хадима худима»<sup>17</sup> мазмуни била ҳазрат Мир Қосим анга Мир Махдум от кўйдилар ва доим ҳазрати Мир Қосим ани азиз ва мукаррам тутар эрдилар. Бу матлаъ анингдурким:

Мутриб, бизан таронаву соқий биёр жом  
Хунаш ҳалол онки бигуфтаст: «май ҳаром» <sup>18</sup>.

Ва мазори Нишопур вилоятида Мехрободдадур.

Ҳ о ф и з и С а ъ д — Мир Қосим муридларидандур Чун лоуболиваш ва шўхтабъроқ киши эрди. Хирий шахрининг лаванд ва ичкучи йигитлари анга мусоҳиб бўлур эрдилар. Бу жиҳатдин алардин ноҳамвор маошва беандом атвор зоҳир бўлур эрди. Ҳазрати Мирғаммаълум бўлғоч, они ўз суҳбатидин маҳрум қилиб хонақоҳдин ихрож қилдилар ва буюрдиларким, хужрасини бузуб туфроғин тошқари ташласинлар. Ул маҳалда Ҳофизи Саъд бу ғазални айттиким, бу матлаъ ул ғазалдиндур:

Маро дар олами ринди ба расвои алам карди,  
Дилам бурдию жонамро надими сад надам карди <sup>19</sup>.

Ва андин сўнгра Ҳофиз мардуд бўлуб, мулозамат давлатига мушарраф бўла

احمد ميرک

олмади ва

отиға бу муаммо<sup>20</sup> анингдурким:

سرمن ندارم مدارو ميار  
يمان سعديا بر سر كوي يار



Ва Ҳофиз ҳамул ҳирмонда оламдин ўтти.

Х о ж а А б д у л в а ф о й и Х о р а з м и й (қуддиса сирруху) кибори авлиёдиндур. Хоразм халқи ғоят малакий сифотлиғидин Хожани «ер фариштаси» дерлар эрди ва Хожа улуми зоҳирий ва ботинийни такмил қилиб эрди. Ва тасаввуфда яхши мусаннофоти бор ва машҳурдурким, улуми ғариба ҳам билур эрди, аммо андин зоҳир, бўлмас эрди, балки ғояти таважжуҳ ва истиғроқдин парво ҳам қилмас эрди. Адвор ва мусикий илмида дағи маҳорати бор эрдиким, рисоласидан маълум бўлур. Хожа авсофини хар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда ҳам сикқайму ё йўқ. Бир рубойиси била ихтисор қилоли.

Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,  
Зеро ки дар ин ҳаст се даъвии табоҳ,  
Даъвии вужуду даъвии қуввату ҳавл,  
Лоҳавла вало қуввата илло биллоҳ<sup>21</sup>.

Хожа ҳам Хоразмда оламдин ўтти ва муборак марқади ҳам Хоразмдадур.

М а в л о н о Ҳ у с а й н Х о р а з м и й — Х о ж а А б у л в а ф о (қуддиса сирруху)нинг зоҳир илмида шогирди эрди ва ботин илмида муридидур. Мавлоно ўз замонининг машоҳиридиндур ва «Мақсади ақсо»<sup>22</sup> анинг таснифидур. Ва Мавлоно Жалолиддин Румий (қуддиса сирруху) маснавийсиға шарҳ битибдур ва «Қасидаи бурда»<sup>23</sup> ға ҳам хоразмийча туркий тил билан шарҳ битибдур. Ўзга мусаннафоти ҳам бор. Аммо ахлоқ ва сифоти ботин илмида ёруғлик топқоннинг мунофисидур. Ва Мавлоно Шохрух<sup>24</sup> мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдин Ҳирийға келтурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетти. Ва ул ғазалнинг матлаи будурким:

Эй дар ҳамин олам пинҳон туву пайдо ту.  
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту<sup>25</sup>.

Мавлонони Тансўфи булоғида (Хоразмда) ўзбек шаҳид қилди ва қабри Хожа Абулвафо (қуддиса сирруху) қабрининг оёғи саридур.


Ш а й х О з а р и й — Исфаройинда зуҳур қилди ва шеъри шуҳрат тутти ва кухулат синнида майли сулук сари тушти. Ҳажи муборак сафариға бориб, сайр расми била Ҳнд сари мутаважжих бўлди. Анда кўп акобир ва машойих хизматиға мушарраф бўлуб ул мулк салотини анга мурид ва муътақид бўлдилар ва дебтурларким, Гулбарга подшоҳи Шайхқа бир лак ярмоқ таклиф қилди, аммо ўз расмлари бирла бош ерга қўймоқ, таклифи ҳам кўргузди. Шайх ул важҳқа бош эндурмади ва бу байтни айттиким:


Мани турк, хинду жифаи жайпол гуфтаам,  
Боди бурути жуна ба як жав намехарам<sup>26</sup>.

Ва Ҳинддин қайтғандин сўнгра Исфаройинда гўша ихтиёр қилиб тоатқа машғул бўлди ва баъзи кутуб, мисли «Ажойиб уд-дунё» ва «Жавоҳир ул-асрор»<sup>27</sup> Шайхнингдур. Ўзга мусаннафоти ҳам бордур. Ва девони ҳам машхурдир. Ва бу матлаъ анингдурким:

Боз шаб шуд чашми ман майдони гирья об зад,  
Сайли ашк омад шабихун бар сипоҳи хоб зад<sup>28</sup>.

Ва шайхнинг қабри ҳам Исфаройинда ўз масканида — ўқдурур ва Ҳожи Авҳад Муставфийким, фазойили шарҳдин мустағнийдур, Шайхнинг вафоти

таърихин  <sup>29</sup>лафзи топибдур. Бу фақир Мавлоно Тўти Туршизий

фавтига  лафзи тарих топиб эрдим, маълум бўлурким бир тарихда ўтубдурлар.

Мавлоно Котиби<sup>30</sup> — ўз замонининг беназири эрди. Ҳар навъ шеърғаки, майл кўргузди, анга маонийи ғариба кўп юзланди, батахсис, қасоидда балки ихтироълар ҳам қилди ва кўп яхши келди. Ва маснавийлари ҳам мисли «Тажнисот» ва «Зул-бахрайн» ва «Зул-қофиятайн»<sup>31</sup> ва «Хусн ва ишқ» ва «Носир ва Мансур» ва «Баҳром ва Гуландом» бор. Аммо ғазалиёт ва қасоид девони машхурроқ ва яхшироқ воқеъ бўлубдур. Охири умрида «Хамса»га татаббуъ бунёд қилди ва анда даъволар зоҳир қилибдур. Гўё бу сабабдин итмомиға тавфиқ топмади. Бу фақирнинг хаёлиға андоқ келурким, Мавлоно Котибийда шеър салиқаси онча бор экандурким, бизнинг Султон Соҳибқирондек сухандон подшоҳ анга мураббий бўлса эрди ва умри дағи бирор нима вафо қилса эрди кўп элнинг кўнглин шеър айтмоқдин совутқай эрди. Аммо толеъи заъфидин бу мазкур бўлғон икки давлатқа мушарраф бўлмади. Ҳар тақдир била инсоф улдурким, анинг асридин бу кунгача анга ғолиби маҳз шеърнинг-барча услубида киши йўқтур. Анинг яхши сўзи кўпдур. Аммо ғазалиётида бу матлаи яхши воқеъ бўлубдурким:

Зи чашму дил бадани хокиям дар оташу об аст,  
Ба чашм бину ба дил раҳм кунки, кор хароб аст<sup>32</sup>

Ва қасоидида ҳам бу матлаъ хуб воқеъ бўлубтурким:

Эй рост равии қазо, ба камони ту чун хаданг  
Бар таркаши ту чархи мурассаъ думи паланг<sup>33</sup>.

Ва маснавийсида кеча бориб кундуз келур таърифида ҳам бу бир байт анингдурким:

Шабпара аз гунбази ферузагун  
Рафт ба ферузаи гунбаз дарун<sup>34</sup>

Ва Мавлоно Астрободда тоун марази<sup>35</sup> била ўтти, ўтар ҳолда бу китъани айтиб эрдиким:

Зи оташи қаҳри вабо гардид ногаҳон хароб  
Астрободки, хокаш буд хушбўтар зи мушк,  
Андар у аз пиру барно ҳеч кас боқи намонд,  
Оташ андар беша чун афтад на тар монад, на хушк<sup>36</sup>.

Ва мазори Астрободда Нўҳ Гўрон деган гўристондадир.

М а в л о н о А ш р а ф<sup>37</sup> — дарвешваш ва номуродшева киши эрди. Ва кийиз  
бўрк устига қурчуқ чирмар зрди. Ва эл била дағи омизиши оз эрди. Кўпроқ авқот «Хамса»  
татаббуъиға сарф қилур эрди; то ул китобни тугатур тавфиқи топти, воқеан ўз  
хурди ҳолиға кўра ямон бормайдур. Афв фазилатида «Хамса»сидин бу байт яхши воқеъ  
бўлубтурким:

Ба назди касе к-ў ба дониш меҳ аст,  
Зи мужримкуши журмбаҳши беҳ аст<sup>38</sup>.

Бу ғазал матлаи дағи анингдурким:

Хоҳамки, чўби тийр шавам, то ту гоҳ-гоҳ  
Бар ҳоли ман зи гўшаи чашме куни нигоҳ<sup>39</sup>.

Х о ж а И с м а т у л л о<sup>40</sup> — Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир  
илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштабълиғидан ўзин шеърға мансуб қилиб девони

машхур бўлди. Ва Халил Султон<sup>41</sup> отиға яхши қасидалари бор. Бу матлаъ  
Хожанингдурким:

Дил кабобест к-аз у шўр барангехтаанд,  
Ваз намақдони Халилаш намаке рехтаанд<sup>42</sup>.

Ва Халил Султон ашъорининг девони таърифида рангин қасидаси бор. Матлаи будурким:

Ин баҳри бегаронки, жаҳонест дар бараш,  
Ғаввоси ақли кулл набарад пай ба гавҳараш<sup>43</sup>.

Ва Хожанинг қабри Бухорода ўз ҳужрасидаднр.

М а в л о н о   Х а ё л и й — Бухородин ва Хожа Исматуллонинг шогирдидир. Бу  
матлаъ анингдурким:

Эй тийри ғаматро дили ушшоқ нишона,  
Халқе ба ту машғул, ту ғойиб зи миёна<sup>44</sup>.

Иккинчи байти дағи яхши воқеъ бўлибтурким:

Гаҳ муътакифи дайраму гаҳ сокини масжид,  
Яънеки, туро металабам хона ба хона<sup>45</sup>.

Ўзи хуш хулқ ва хуш тавр йигит эрмиш, ҳамоноки қабри Бухородадур.

М а в л о н о   Б и с о т и й — Самарқанддиндур. Шўх таъби бор эрмиш, аммо  
бағоят омий эрмиш. Бу матлаъи машхурдурким:

Дил шишаву чашмони ту ҳар гўша барандаш,  
Мастанд, мабодоки, баногаҳ шиканандаш<sup>46</sup>.

Бу байти ҳам хуб воқеъ бўлубтурким:

Аз хурӯши чангу даф васли ту мехоҳад дилам.  
З-он ки дар ҳар пўсте бошад худоро дўсте<sup>47</sup>.

Қабри Самарқанддадур.

М а в л о н о Я х ъ ё С е б а к<sup>48</sup>—Хуросон мулкининг рангин фозили эрди, кўп улум ва фунунда мохир эрди. Саноеъ ва аруз фанида барча эл ани мусаллам тутарлар эрди. Анинг таъби диққатини ҳар киши билай деса «Шабистони хаёл» деган китобини кўрсун. Аввал «Туффоҳий» таҳаллус қилур эрди. Сўнгра «Фаттоҳий» ҳам таҳаллус қилди. Аммо «Хуморий» ва «Асрорий» ҳам таҳаллус қилибдур. «Фаттоҳий» таҳаллус била бу матлаъ анингдурким:

Эйки, даври лола соғар холи аз май мекуни,  
Рафт умр, ин доғи ҳасратро даво кай мекуни<sup>49</sup>.

Ва «Асрорий» таҳаллус била Хожа Ҳофиз<sup>50</sup> татаббуида бу байт анингдурким:

Арраи барги канаб, эй бангиён, з-он тез шуд,  
То бурад беҳинихоли ақлу имони шумо<sup>51</sup>

Бу фақир аруз фанида восита била Мавлононинг шогирдимен<sup>52</sup>. Иншооллоҳким, ўз ерида келгай. Мавлоно дарвешваш ва қонёъ киши эрди. Гўшае ихтиёр қилғон жиҳатидин латоифи таъби озроқ шуҳрат тутти. Сана исно ва хамсина ва самона миада<sup>53</sup> оламдин ўтди.

М и р И с л о м Ғ а з з о л и й<sup>54</sup> — Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий (қуддиса сирруҳу) авлодидиндур. Зоҳир улумин такмил қилди ва лекин фоний сифат ва бетакаллуф киши эрди. Ва тибб ва ҳикматда маҳорати бор эрди. Салотин ва ҳукком мажлисиға борур эрди. Ғояти латофати таъбидин назмға дағи иштиғол кўргузур эрди ва анинг назмда қамоли Ҳаким Анварийнинг<sup>55</sup> бу қасидаси жавобидаким:

Чу муроди хешро бо мулки Рай кардам қиёс<sup>56</sup>.

Маълум бўлурким, Алоуддавла Мирзо<sup>57</sup> мадҳида айтибдурким, ҳар байти боштин оёқ ул замоннинг бир таърихидур ва ул қасида матлаи будурким:

الدرابی ملک او نبود لباس  
ال از جلال او کند مجد التماس<sup>58</sup>

Мир Балхда Ҳазораспийлар чоғида бор экандур, Султон Абу Саъид<sup>59</sup> Мирзо чоғида оламға видоъ қилди.

С а й и д А л и Ҳ о ш и м и й — Сайид Ҳошимий насаб ва хуштабъ йигит эрди. Абдуллатиф Мирзо<sup>60</sup> мулозаматида бўлур эрди. Ва сипоҳийлик ҳам қилур эрди. Ва шўх табъға бу байт шоҳиди адилдур.

Дар биёбонин адам будам ба фикри он даҳан,  
Шуд паид он хатти сабзу гашт Хизри роҳи ман<sup>61</sup>.

Қ о з и М у х а м м а д И м о м и й — мутадаийин ва хуштабъ киши эрди. Хуросоннинг қозиюл-қузотлиғ мансабида мутаммаккин бўлди. Ва назмға гоҳи машғул бўлур эрди. Ашъори Ҳирий шаҳрида эл орасида бор. Бу матлаъ анингдурким:

Гуфтамаш гул-гул баромад ранги рухсорат зи мул,  
Ғунчаи у дар табассум шудки, аз гулҳо чи гул<sup>62</sup>.

Ва қабри Ҳирийда Имом Кузотнинг гўристонидадур.

М а в л о н о М у х а м м а д О л и м — Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо<sup>63</sup> била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтабъ ва хийра киши эрди. Баҳсада кўп гўстохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азим уш-шоъний таҳаммул қила олмади. Самарқанддин анга ихрож ҳукми бўлуб Ҳирийга келди ва мунда Мавлононинг мақдамин ғанимат туттилар ва сокин бўлди. Бу матлаъ анингдурким:

Мо сиях бахтему бад рўзему ахтар сўхта,  
Шамъи мақсуде ба умри хулд шабе нафрўхта 64.

Ва Мавлоно ҳам Ҳирийда мадфундур.

М а в л о н о Қ у д с и й — хирийликдур, ширингўй киши эрмиш. Ва оғзида лақва марази бор эрди, андоқким оғзидин сув борур эрди ва забт қила олмас эрди, бу бобда дебдурким:

Бу вужуди чунин даҳанки, марост,  
Шеър гўямки, об аз у бичакад 65.

Бу матлаъ дағи анингдурким:

Эйки, манъам мекуни аз дидани он гулўзор,  
Ҳолати дилро намедони, маро маъзур дор 66.

М а в л о н о Р у ҳ и й Ё з и р и й — Хуросон афозилининг дохилидур. Табъи хуб ва сулуки марғуб киши эрди.

«Булбул била гул» ва «Шамъ била парвона» орасида мунозара битибдур. Анда кўп диққат кўргузубтур. Сарахс вилоятидин нари Дарун ва Езирғача кўпрак табъ аҳли анинг замонида анга шогирд эрдилар.

Бу матлаъ анингдурким:

Намехоҳамки, кас ёбад зи сирри ҳолам огоҳи,  
Ва гарна оламе сўзам ба як оҳи сахаргоҳи 67.

М а в л о н о С о ҳ и б Б а л х и й — бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусиқий илмида комил эрди. Ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилиға далолат қилғай. Ул жумладин, «Чаҳоргоҳ» амалидирким, машхурдур. Дерларким, Жўги Мирзо 68 мажолисида ул амалдин ўзга нима айттурмас экандурки, бу ғазалга боғлабдур:

Ҳамчу субҳ аз меҳри рӯят мезадам дамҳои сард,  
То расам рӯзе ба кӯят дил бәсе шабгир кард<sup>69</sup>.

Ва Хожа Салмоннинг<sup>70</sup> маснуъ қасидасиға жавоб дебтурким, андин кўп истеъдод маълум бўлур за яна бир қасидаси жавобида бу матлаъ хуб воқеъдурким:

Зи қомати ту ба олам қиёмате бархост,  
Қиёматест қадат гар бувад қиёмат рост<sup>71</sup>.

Ва ғазалиётида бу матлаъ машҳурдурким:

Туи кони намаку мо шўрбахтон,  
Худо ин дод мороу туро он<sup>72</sup>.

Ва таъбида тамаъ муфрит учун бовужуди фазойил эл қошида иззати камрак эрди. Ошпаз била нонвой-дин ош ва нон тилаб ер эрди. Бу ғаразға айтқон қитъасидин бир байт будурурким:

Магаси мурда буд қайлаи рӯи ошам,  
Шубуши зинда буд кунжуди рӯи нонам<sup>73</sup>.

Мазори Балх навоҳисададур.

М а в л о н о С и й м и й — Нишопурдиндур, кўп фазли бор эрди. Шеър ва муаммо ва иншо ва хатда асридағи бу фан аҳли мусаллам тугар эрдилар. Бир кун даъво била икки минг байт айтиб битигани машҳурдур. Ва муҳрига бу байтни айтиб қоздурубдурким:

Як рӯз ба мадҳи шоҳи покиза сиришт  
Сиймий ду ҳазор байт гуфту бинавишт<sup>74</sup>.

Ҳар ойинаким, бу байтдин бошқа эл ичида ғазали-дин бир озроқча бор. Бу

муаммо дағи

отиға анингдурким:



# میگذد ز شادی غنچه در پوست هو سیمی نسبتش با آن دهن کرد

Мавлоно Али Охий — Машхаддиндур. «Хамса» муқобаласида неча маснавий айтибдурким, чун муқобалаға келтурса, гўёки бўлмас. Ул жиҳатдин шуҳрат тутмайдур. «Хаёл ва висол» отлиғ китобида бир байти бор, магарким, мулҳими ғайб анинг тилига ўз шеъри бобида солғондурким:

Шеъреки бувад зи нукта сода,  
Монад ҳама умр як савода<sup>75</sup>.

Мавлоно Али Шихоб — туршизликдур. Султон Муҳаммад Бойсунгур<sup>76</sup> мулозими эркандур, ҳам равон, ҳам пухта айтур эркандур. Ул замон шуароси андин ёмон айтурлар эрмиш. Ва Мавлоно Сиррий анинг ўғлидурким, ўз ерида мазкур бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

Чу парда аз рух чун офтоб бардори  
Ба жону дил кунадат муштари харидори<sup>77</sup>.

Муҳаммад Али Шуғоний — вазирзодадур, таъби хуб воқеъ бўлгон жиҳатдин назмға кўп машғул бўлур эрди, бу байт анинг ашъоридиндурким:

Чунон ғариқи маям, соқиёки, аз гили ман  
Агар гуле бадар ояд шароб аз у бичакад<sup>78</sup>.

Мавлоно Толъий — ҳам Султон Муҳаммад Бойсунгур модихи эрди. Таъби ғаробат сори майллик шоирдур.

Имоми жин ва инс Али ибни Мусо ар-Ризо мадҳида қасида айтибдур, матлаи будурким:

Хишти ин меҳри зар андуеки, бар сакфи самост,  
Баҳри фарши равзаи Султон Али Мусо Ризост<sup>79</sup>.

М а в л о н о Т у с и й — масалгўй ва ғазалгўй эрди. Шеъри бaсе омфириб эрди.  
Узун умр топти, ҳамоноки ёши юзга етти. Бу матлаи машҳурдурким:

Зихи нўши лаби лаълат ҳаёти. жовидони ман,  
Ба дандон мегази лабро чи мехоҳи зи жони ман<sup>80</sup>.

Бу матлаъ ҳам анингдурким:

Маро бошед, эй хубон, худоро,  
Худоро дораму боки шуморо<sup>81</sup>.

Ироқда оламдин ўтти.

Б о б о С а в д о и й<sup>82</sup> — Боварддиндур. Аввал «Ховарий» тахаллус қилур эрди.  
Ғайби оламдин анга жазаба еттиким, ақли зойил бўлуб, элдин чиқиб бош-аёғ яланг  
девоналардек тоғу даштда кезар эрди. Ўз ҳолига келиб эл орасиға киргандан сўнгра,  
«Савдой» тахаллус қилди. Бойсунғур Мирзо отиға қасойиди бор. Ғазални дағи навъи  
айтнбдур. Бу матлаъ анингдурким:

Анбарат холу рухат варду хатат райҳон аст,  
Даҳанат ғунчаву дандон дуру лаб маржон аст<sup>83</sup>.

Умри сексондин ўтти ва қабри Боварднинг Суккон отлиғ кентидадур. Икки ғариб  
ўғул ёдгор қўюб борди.

М а в л о н о З о ҳ и д и й — Бобо Савдойға муосир эрди. Амир  
Хусравнинг<sup>84</sup> «Дарёи аброр»ига татаббуъ қилибдур ва Мавлоно Котибийнинг  
«Тажнисот»иға ҳам маъразға келибдур. Ва муножотида анинг бу банти яхши  
тушубдурким:

Зухраро чанг ё рубоб ки дод,  
Лаъл дар санг, ё раб, об ки дод?<sup>85</sup>

М а в л о н о А м и р и й — турк эрди ва туркча шъри яхши воқеъ бўлубдур,

аммо шуҳрат тутмабдур. Ва бу байт анинг «Даҳнома» сндиндур:

Не емакдин, не уйкудин солиб сўз,  
Емакдин тўюб уйкудин юмуб кўз.

Ба форсийда шайх Камол<sup>86</sup> татаббуъи қилибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Рўзи қисмат ҳар касе аз айш бахши худ ситонд,  
Ғайри зоҳид к-ў риёзатҳо кашиду хушк монд<sup>87</sup>.

Анинг қабри Бадахшон сари Арҳанг Саройдадур.

М а в л о н о Б а д а х ш и й — фозил киши эрмиш, Улуғбек Мирзо замонида Самарқандда шуаро ани хушгўйликға мусаллам тутубдурлар. Ва Мирзонинг дағи кўп илтифоти бор эрмиш. Бу матлаъи машхурдурким:

Эй зулфи шаб мисоли туро дар бар офтоб,  
Аз шаб ки дид сояки уфтад бар офтоб!<sup>88</sup>

М а в л о н о Т о л и б Ж о ж а р м и й — Шерозда нашъу намо топибдур. Ва қабри ҳазрати Хожа Ҳофизнинг оёғи сари эрди. Бу рубоийсини қабри тошиға битиб эрдиларким. Фақири ҳақир ёд тутгумким:

Дар кўчаи ошиқи ба паймон дуруст,  
Меғуфт ба ман аҳли диле рўзи нахуст,  
Толиб маталаб касе ки у ғайри ту жуст,  
Ту толиби у бошки, у толиби туст<sup>89</sup>.

М а в л о н о Б у р у н д у қ — надимваш ва ҳаззол киши эрмиш. Султон Бойқаро<sup>90</sup> бинни Умаршайх хизматида бўлур эрмиш ва ул замон шуароси анинг тилидин кўрқуб, анинг жонибини кўп риоят қилур эрмишлар ва ани устод лафзи била хитоб қилур эрмишлар. Ва бу матлаъ анингдурким:

Лаби ширини ту бо тунги шакар мемонад,  
Дури дандони ту бо иқди гуҳар мемонад<sup>91</sup>.

М а в л о н о Ж у н у н и й — ҳирӣйликдур. Шеъри ёмон эрмас экандур. Аммо назмда таъби ҳажв ва ҳазл сари мойил эркандур. Хожа Ҳофиз Шарбатий била анинг орасида низоъ воқеъ бўлди ва ул мунозаатни ҳажв қилди ва халойиқ ул ҳажвни ёд туттилар ва яхшироқ шеърлари бу жиҳатдин бартараф бўлди ва ул ҳажв чун машҳур эрди битмак муносиб кўрунмади. Бу матлаъ анингдурур:

Эй аҳли жунунро ба каманди ту забуни,  
З-он рӯй дар он ҳалқа забун аст жунуни 92.

М а в л о н о О р и ф и й — бағоят фозил ва хушгўй шоир эрди. Замон аҳли ани Салмони Соний дерлар эрди, ҳам шеъри муносабатидин, ҳам кўзлари заъфидин. Ва Салмоннинг кўзи оғриғонда айтқон қасидасиғаким, матлаъи бу дурурким:

Дардоки, дард кард саводи басар хароб,  
Айём кард чашмаи чашми маро сароб 93.

Мавлононинг дағи кўзи оғриғонда жавоб айтибдур. Бу байти хубтурким:

Бар палаки сурхи дидаи ман доруи сафед,  
Бошад биайниҳ намаки суда бар кабоб 94.

Ва «Гўй ва чавгон» мунозарасида ҳам маснавийси бор, рангин айтибдур. От таърифида бу икки байт андиндурким:

Чун гўи сипехр гирд басти,  
Майдон-майдон чу гўй жастӣ.  
Ҳар гоҳки, дар арақ шуди ғарк,  
Борон буди-ю дар миён барқ 95.

Ғазал девони ҳам бор. Бу матлаъ анингдурким:

Аҳд кардамки, наёям ба дар аз майхона,  
То ба-дон дамки, маро пур нашавад паймона <sup>96</sup>.  
Қабри Ҳирий шаҳридадир.

М а в л о н о С у л а й м о н и й — Бобур Мирзо<sup>97</sup> хизматида бўлур эрди. Ва  
бадихани равон айтур эрди. Аммо Ҳазрати Хожа Ҳофизнинг бу матлаи жавобидаким:

Ёд бод он ки сари кўи туам манзил буд,  
Дидаро равшани аз хоки дарат ҳосил буд<sup>98</sup>.

Анинг бу матлаи ёмон воқеъ бўлмайдураким:

Ҳалли он нуктаки, бар пири хирад мушкил буд.  
Озмудем, ба як журъаи май ҳосил буд <sup>99</sup>.

Сўнгги байти будураким:

Гуфтам аз мадраса пурсам сабаби ҳурмати май,  
Дари ҳар каски, задам беҳуду лояқил буд<sup>100</sup>.

Ва машҳур мундоқдураким, бу абъёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни  
Меҳринингдур<sup>101</sup>. Ва бу фақир сикқа элдин эшиттимким, Сулаймонийнингдур, валлоҳу  
аълам! <sup>102</sup>

М а в л о н о Қ а д и м и й — нақорачиликка машҳурдур, аммо таъби назмларда  
мулоним эрди, бу матлаъ анингдураким:

Бе жамолаш дидаи равшан чи кор ояд маро,  
Равшани дар дида аз дидори ёр ояд маро<sup>103</sup>.

Сўнгги байти яхшироқ воқеъ бўлубдур:

Оҳ аз он соатки, ногаҳ дар раҳе пеш оядам,  
Муддате боядки, то дил бар қарор ояд маро<sup>104</sup>.

Мавлоно Масихий — Кушанж вилоятидин эрди. Покиза рўзгор ва мусулмонваш киши эрди. Дерларки, Макка зиёрати давлатиға мушарраф бўлди. Ва таъби шўх эрди. Яхши ашъори бор. Бу матлаъ анингдурким:

Моро ба жафо кушта пушаймон шуда боши,  
Хуни дили мо рехта пазмон шуда боши**105**.

Дерларки, Каъба сафарида Мавлоно бодияда хорғон маҳаллидаким, муғайлон ниғочи кўланкасида оёғидин тикон суғурурға машғул экандур, қофила шўх таъбларидин бири бу байтни дебтурким:

Аз ранжи раҳи дуру сархори муғайлон,  
Аз омадани Каъба пушаймон шуда боши**106**.

Мавлоно Ҳожи Абулҳасан — туркдир, аммо толиби илмликқа машғул бўлуб, бирор нима модда ҳосил қилибдур, чун таъби хуб эрди, шеър айтурға машғул бўлди. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Келибтур ул гулу бир ҳафта туруб борадур,  
Бу ўт кўнгулга тушуб жонни куйдуруб борадур.

## « байзид »

Муаммо фанида дағи яхши эрди.  
муаммо анингдурким:

исмиға бу латиф

ه بنید سرو من بالای زیبای تورا  
کنار دیده روشن کند جای تورا

Мавлоно Қутбий — Султон Масъуд Мирзо**107** мулозими эрди. Шўх таъби киши эрди. Туркий ва форсий шеърда жалд эрди. Бу туркча матлаи машхурдурким:

Ғунча гар нисбат қилур ўзига дилдор оғзини,  
Эй сабо ели, тўла қон айла зинҳор оғзини.

М а в л о н о Н а и м и й — Мавлоно Қутбийға қаробатдур. Ёмон таъби йўқ эрди. Туркий назмларга таъби мулойим эрди. Ва Султон Соҳибқирон остонасида бўлур эрди. Чун қобилияти бор эрди ва сидқ ва ихлоси била куллуқ қилур эрди. Кўп илтифот топти, оқибат садорати олий мансабқа сарафроз бўлди. Бу матлаъ анингдурким:

То адамдин бўлди пайдо мунчаким хусну жамол,  
Сен паривашдек яратмабдур башардин зулжалол.

Ҳамул ҳазратнинг қазоқлиғида яра еб оламдин ўтти.

М а в л о н о З а й н — киссадўзлуқ санъатиға мансуб эрди. Ва ўз замонининг шўх таъбаридин бир ани тутарлар эрди. Бу мақтаъ анингдурким:

Бо Зайнки, манъат кунад аз мардуми ножинс,  
Бегона чунонеки, ғами хеш надори**108**.

М а в л о н о М у х а м м а д Ж о м и й — Ҳазрат Мавлавий Махдуми Нураннинг**109** иниси эрди. Зоҳир улумин такмил қилиб эрди. Ахлоқ ва сифоти дарвешона ва сулук равиши бехешона, адвор ва мусиқий илмида моҳир ва сойир фазлиётда комил эрди. Ул оғоға иниликка лойиқ ва тарийқи алар тарийқи била мувофиқ эрди. Бу рубоий аларнингдурким:

Ин бодаки, ман бе ту ба лаб меорам,  
Не аз паи шодио тараб меорам.  
Зулфи сияҳи ту рўзи ман карда сиёҳ,  
Рўзи сияҳи хеш ба шаб меорам**110**.

Қабри ул ҳазратнинг манзилларида қутб ус-соликин Мавлоно Саъдиддин Кошғарий**111** (қуддиси сирруҳу)нинг суфасида, анинг аёғи сари воқеъдурур.

М и р Ш о ҳ и й**112**—сабзаворликдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозаматида бўлур эрди. Оти Мир Окмалиқдур. Фароғатдўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеърини чошни ва салосат ва якдастлик ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эрмас. Ғазали агарчн оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур. Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақирни орасида эълум ва ирсол воқеъ бўлди. Мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми билан Сабзаворға юбориб эрди ва Мир Шохийни Астрабод ҳокими тилаб Журжон мамоликига элтиб эрди. Астрабодда анга қазо етиб наъшин Сабзаворға келтурдилар ва обо ва аждоди дахмасида халойиқни ўтру чиқориб ани охират ерига дафн қилдилар. Астрабодда айтқон икки матлаи туганмай

қолғон эрдиким, васият қилғондурким, Хожа Авҳад аларни тугатсун деб, бири будурким:

Харобем аз дили бераҳм гаҳ-гаҳ ёд кун моро,  
Саги кўи туем охир ба санге шод кун моро<sup>113</sup>.

Яна бири буким:

Ту шахрнёри жаҳон, мо ғариби шахри туем,  
Ватан гузоштаи бехонумон зи баҳри туем<sup>114</sup>.

Хожа Авҳад иккаласин тугатти ва девониға битилди ва шахр шуаросиға марсия таклифи қилдиким, айттилар. Бу бир байт ул марсия абъётидиидурким:

К-ў бишав зеру забар аз ашку оҳам Сабзавор,  
З-онки шахри шоҳ бе Шоҳий намеояд ба кор<sup>115</sup>.

М а в л о н о М у ш т а р и й — астрободлиғдур. Ўз вақтида машохирдин эрди.  
Бу матлаъ анингдурким:

Соқий агар маям надихад дар ҳавон гул.  
Дасти ман асту домани соқию пой гул<sup>116</sup>.

М а в л о н о А л и Д а р д ў з д ҳам астрободлиғдур. Бу матлаи машҳурдур ва  
яхши воқеъ бўлубдурким:

Гузашт умру намеорам аз шароб гузаштан.  
Ки, маст хоҳам аз ин олами хароб гузаштан<sup>117</sup>.

М а в л о н о Т о л е ь и й — камардўзликқа мансубдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ёрам зи ғамза тийру зи абру камон кашид.  
Аз рўи хуб ҳар чи расад метавон кашид<sup>118</sup>.

М а в л о н о М у ҳ й и — Бойсунғур мирзо мулозаматида бўлур эрмиш. Бу



матлаъ анингдурким:

Бо рухат дам зи сийм натвон зад,  
Бўса онжо зи бийм натвон зад<sup>119</sup>.

«Мажолис ун-нафоис»нинг аввалги мажлисининг итмоми

Бу валоятосор гуруҳ ва бу фасоҳатшиор анбуҳларнинг руҳлариниким, халойик руҳи аларнинг жонпарвар нафасларидин тозадур ва улус осойиши аларнинг руҳбахш каломларидин беандоза. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло саҳоби иноятидин файз ёмғури селобиға ғариқ қилсун ва мағфирати соикасидин руҳ шуъласи анвориға ҳариқ этсун. Ва аларнинг руҳониятидин Султони Соҳибқирон ҳумоюн таъбиғаким, фасоҳат баҳрининг самин гавҳаридур, нур ва сафолар берсун, ва балоғат бўржининг мунир ахтаридур, сурур ва зиёлар еткурсун. Рубоий:

Ё рабки, бу шоҳким улус хонидур,  
Таъ аҳлию зеҳн хайли султонидур.  
Не хону не султонки, жаҳон жонидур,  
Бер умр ила давлат, улча имконидур

## ИККИНЧИ МАЖЛИС

Ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф бўлибмен, алар ситта ва тисъина ва самона миа<sup>1</sup> тарихидаким, бу мухтасар битиладур, бу фано домгоҳидин бақо оромгоҳига борибдурлар

Ул жамоадин:

Мавлоно Шарафиддин Али Яздиёду<sup>2</sup> — Мавлононинг соҳибкамоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур. Шоҳрух султон бузуғлиғида фақирнинг волиди жамоати касир била рўзгор ҳаводиси фитнасининг Хуросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтгаким Мавлононинг мувалладидур, ярим кеча етиб тушдилар. Иттифоқо манзил аларнинг хонақоҳи эшикида воқеъ эрди, тонг отқонда, андоқким, ўюни атфол даъби бўлур, ул жамоатнинг атфоли ул хонақоҳга ўйнағали кирдилар ва фақир ҳам алар била эрдим, тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим, ва Мавлоно бир раҳбада ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким сўрдилар жавоб айтдим. Табассум қилиб таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларким, мактабга борибмусен? Дедимким: борибмен. Дедиларким: не ергача ўқибсен? Дедимки: «таборак» сурасиғача.

Дедиларким: бу жамоат атфолидин биз тилаганда, сен келиб биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули деб ўз фотиҳалариға мушарраф қилдилар. Ҳамул замон фақирнинг волиди ва ул хайл улуғлари келиб, Мавлоно хизматида анвои ниёзмандлиғлар қилгондин сўнгра, фақирға андоқ шуур ҳосил бўлди ангаким, «не киши эр-кандурлар».

Ва алар мусаннафотидин улча машҳурдур: «Қасидаи Бурда» шарҳи ва «Асмоуллоҳ»<sup>3</sup> шарҳи ва «Зафарнома» тарихидур ва муаммо фанини алар тадвин қилдилар, анда ҳам «Ҳулал»<sup>4</sup> ва «Мунозара» ва «Мунтахаб» аларнинг таснифидур. Ва Мавлоно ҳиммат ва базл бобида таърифдин мустағний эрдилар. Табаррукан бир матлаълари битилдиким:

Суфий, мабош мункири риндони майпараст,  
К-андар пиёла партаве аз акси дўст хаст <sup>5</sup>

Ва Мавлононинг қабри Тафтда ҳамул хонақоҳда-ўқдур

Ҳ о ж а А в х а д М у с т а в ф и й — анинг лақабин «Кадуд» ҳам дерлар. Ўз асрининг яғонаси эрди. Кўпроқ улум ва фунунни билур эрди, батахсис улуми ғарибани, аммо фалакиётда шухрати бор эрди. Бу фақир ул бузруквор суҳбатиға етар эрди, кўп илтифотлари бор эрди. Ва шеърда дағи девон тартиб қилибдур, яхши қасойидлари бор. Бу матлаъ анингдурким:

Эй зи бўстони жамолат чашму жонро зебу зайн,  
Гашта бар наргис ҳаводори чашмат фарзи айн<sup>6</sup>.

Ва бу қасидани Султони Соҳибқирон отиға музайял қилибдурким:

Шод бош, эй дилки, бар мо сояи раҳмат фиканд,  
Офтоби осмони салтанат Султон Ҳусайн<sup>7</sup>.

Ва Хожа Сабзаворда сокин эрди ҳам анда-ўқ оламдан ўтди ва қабри ўзи бўлур масканида-ўқдур.

М а в л о н о А б д у л в а х х о б — донишманд ва зуфунун киши эрди ва Машҳад шахрида кози эрди.

Иншо фанида беназир эрди. Имод кўрғони китобасида «Ирама зот-ил имодиллати ламу юхлаку мислуҳа фил билоди»<sup>8</sup> оятин битибдур. Машҳаднинг шуаро на зурафоси

қозиға шогирд эрдилар.

Ул зурафодин бири «Мақлуби

«مراد دارم»

муставий»<sup>9</sup> санъатида

алфозин топиб қозиға

арз қилибдур. Ул оз тааммул била алфози била жавоб берибдурким, бу иши таърифдан

خر وس

ташқаридир.

исмиға бу муаммо анингдурким:

ن از لب لعل تو و دل از سر زلفت  
بزرده آب خضر و عمر در ز است

Қабри Машҳадда-ўк воқеъдур».

Х о ж а Ф а з л у л л о х А б у л л а й с и й <sup>10</sup> — Самарқанд ақобиридиндур.

Фақиҳ Абуллайс авлодидандур. Фикҳда ани Абу Ҳанифаи Соний <sup>11</sup> дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб <sup>12</sup> каффасида тутарлар эрди.

Сайид Шариф <sup>13</sup> нинг шогирди эрди ва Сайид ўз хатлари била улуми дарс айтурға ижозатномалар анинг учун битиб эрди. Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар.

Бовужудким, Самарқанднинг аълами уламози эрди, шеър ва муаммоға дағи мойил эрди.

Бу матлаъ аларнингдурким:

Қади чун сарви ту жон аст маро, балки равон,  
Сўям, эй сарв, равон шавки, фидо созам жон <sup>14</sup>.

«حاكم»

ва

отиға бу муаммо анингдурким:

ون بهشت آید بفتح از روی باغ  
ببلاش کر کم شود یابد شکست

Хожа Самарқандда тангри таоло раҳматиға борди ва ўз хонақоҳида жаддининг гунбазида мадфундур.

Мавлоно Улои Шоший — донишманд киши эрди. Хуш таъблиқға барча халойиқ анн мусаллам тутар эрдилар.

Муаммода Самарқанд аҳли ани Мавлоно Шарафиддин Яздий муқобаласида мазкур қилурлар эрди. Фақир Самарқандға борғонда аёғи синиб, соҳиб фирош эрди. Иёдатига бордим, қошида ўлтуруб, бу

«علا»

муаммоким, андин

хосил бўлур битиб анга тутабердим:

دور باد. از تو دردو زحمت پا  
دشمنت را بلا نصیب عنا

Қошидин чикқонда фақирнинг ҳолатин сўруб, ким эрканимни маълум қилғондин сўнгра бу муаммониким, фақирнинг оти андин ҳосил бўлур, айтиб битиб, бир шогирдидин висоқимға юбориб, эрди, муаммо будурким:

شم تو مرا دید و منش نیک زدیدم  
ون سیر ببینم ز تو اینست آمیدم

Ва Мавлоно ҳамул заъд била оламдин ўтди ва қабри Самарқандда — ўқдур.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний<sup>15</sup> — Шайх Зайниддин<sup>16</sup>хулафосидиндур. Ўз замонининг муқтадоси эрди. Хонақоҳи бор эрди ва қалин муридлар ва элнинг ружуи Мавлоно сари кўп эрди ва «Қасидаи Бурда»ни мухаммас қилибдурур ва ҳазрати муқарраби борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий<sup>17</sup>нинг «Манозил ус-

сойирин»**18**иға шарх битибдур ва фазл ва камоли шархдин ташқаридур. Ҳар қачон самоъға кирса эрди, бовужуди улким, усул қондаси била ҳаракоти мувофиқ эрмас эрди, аммо халойиқға андоқ асар қилурким, кўп эл йиғлар эрдилар. Бу матлаъ Мавлононингдурким:

Онҳоки, ба жуз қомати сарват нигаронанд,  
Гар рост бигўи ҳама кўтаҳ назаронанд **19**.

Ҳирий шаҳрида оламдин ўтти ва қабри Хиёбоидадурким, анда хонақоҳ ясабдурлар ва ўғли Ҳамидиддин ва сойир суфия ул хонақоҳда сулук ва ибодатга машғулдурлар.

Ш а й х С а д р и д д и н Р а в о с и й — ул дағи Шайх Зайниддин хўлафосидиндур. Шайх зебо ва раъно эрди. Шакли дилписанд ва ҳақойиқ ва маориф айтмоғи дилфириб эрди. Шариф суҳбатиға фақир мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳиғаким, анга мурид бўлуб эрди, «Фусус» **20** дарс айтур эрди, кўпглумни баса сайд қилди. Замон подшоҳи ҳам шайх мулозаматиға етар эрди, ўзга халойиқға худ не еггай! Мунча корхонаи шайхлик била назмға дағи иштиғол кўргузар эрди. Бу матлаъ ҳазрати Шайхнингдурким:

Зихи аз оразат чашми маро нур,  
Ҳамеша аз жамолат чашми бад дур **21**.

Шайх Ҳирий шаҳрида оламдин ўтти ва наъшин Шўғонға элттилар ва анда мадфундур.

М и р Ҳ а й д а р М а ж з у б — Дарвозаи Хуш тошида Имом Фахр**22** мазори бошида сокин эрди. Йигитлигида зоҳир улумин такмил қилиб эрди, ҳамул вақтда анга жазаба етиштиким, ақли зойил бўлди. Гоҳики, ўз холиағ келса эрди, уламо билан улум баҳсин андоқ қилур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар Муважжаҳ сўзлайдурганда, орасида сўзи паришон бўлур эрди ва хаёли жунун вақтида хотам ус-салтанатлиққа росих бўлуб эрди ва халқни ўз навкарлигига даъват қилиб хуруж қилур сўзин айтур эрди. Назмида ғариб абёт воқеъ бўлур эрди. Бу байт анингдурким:

Лабу дандони он маҳ бо чи монад,  
Чу қанде бар биринжи дона-дона**23**.

М а в л о н о М у х а м м а д А р а б — ул ҳам донишманд киши эрди. Димоғи ҳабт қилди ва хаёли Мир Ҳайдар хаёли борғон сори борди. Дойим салтанат сўзини мазкур қилур эрди, то улким чин ё ёлғон Мавлонони мунга муттаҳам қилдиларким, уйидин хуруж аслаҳаси пайдо бўлубтур деб, чун азиз ва мусин киши эрди, подшоҳи замон анга

шаҳардин ихрож ҳукми буюрди. Ул ердин Сийистонға борди ва сўзи ҳам ушбу ранг эрди,  
ўзининг подшоҳлиғи қондасида «Шоҳнома» айтибдур. Бу байт ул абётдиндурким:

Касе маҳрами шаҳ ба жуз шоҳ нест,  
Зи аҳволи шаҳ жуз шаҳ огоҳ нест 24.

Мазори Сийистонда — ўқдур.

М и р М у ф л и с и й — Машҳад содотидиндур. Табъи хуб эрдиким, анга жазаба  
етиштиким, ақли зойил бўлди. Илкига ва бармоқларига ҳалқалар солур эрди. Дойим ўз-  
ўзи бирла сўзлашур эрди. Хуши борида яхши абётлар айтиб эди. Аммо жунун вақтида бу  
байтни кўп ўқур эрдиким:

Балои маргу андуҳи қиёмат,  
Чу чанбар сохт моро нахли қомат 25.

Ва бу тахаллуси ҳам эл ичида машҳурдир.

Халқ гўяд Муфлосий девона шуд,  
Ложарам девонаги аз муфлосист 26.

Ва қабри Машҳадда Хожа Хизр лангаридадур.

М а в л о н о А б д у л қ а х х о р — донишманд киши эрди. Ҳирий шаҳрининг  
мутаайин хуш табъларидин эрди. Мавлононинг хаёли кимёгарликка тушиб кўп нима  
зоёе қилди ва ҳеч нима ҳосил қила олмади.

Кўп ўт пуфлагандин модда қулоғи сори иниб кар бўлуб эрди. Аммо хуб абёти бор  
эрди.

Мир Хусравнинг жавобида бу матлаъ анингдурким:

Рашкам ояд он чи бар дилҳо хаданги ёр кард  
Тийри уро ғайр хўрду дар дили ман кор кард 27.

Қабри Имоми Фаҳрададир.

М а в л о н о А б д у р а з з о қ 28 — Мавлоно Абдулқаҳҳорнинг инисидур. Хуш  
муховара киши эрди, зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди.  
Хусусан тарих илмиким, анда мусаннафоти бор ва машҳурдир. Ва ҳар киши бу фанда

анинг маҳоратин билай деса ўз тарихидин била олур. Бу матлаъ анингдурким:

Боз абрў кард боло турки тийранدوزи ман,  
Оламеро кушту дорад ин замон андози ман<sup>29</sup>.

Қабри оғоси ёнида Имоми Фахрдадир.

М и р Ё д г о р б е к — «Сайфий» тахаллус қилур эрди. Хуросоннинг асил ва мутааййин мирзодаларидиндур. Аммо мулозамат тарийкни тарк қилиб, гўша ихтиёр қилди. Фониваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий мустағалоти ҳосили била қаноат қилиб эрди. Бу тоифа доим анинг теграсида эрдилар. Ҳеч нимасин булардин аямас эрди. Яхши матлаълари бор, жумладин бу матлаъ анингдурким:

Дар барат пирохани катгон зи таҳрики насим,  
Ҳаст чун қисаи ларзанда бар болои сийм<sup>30</sup>.

Бу матлаъ ҳам анингдурким:

Сарви ман сабз асту ширин, рост ҳамчун найшакар,  
Чун ба болои қабои барг най бандад камар<sup>31</sup>.

Қабри обо ва аждоди гўристониди—Сарипулдадир.

М а в л о н о Т ў т и й — асли Туршиз вилоятидиндур. Бобур Мирзо мулозаматида тарбият топти. Яхши шакллик ва яхши хулқлик йигит эрди. Қасидада Мавлоно Котибийға татаббуъ қилур эрди. Анинг мавъиза қасидасиғақим, матлаи будур:

Агар ба чашм ақолим сабъа ганжи зар аст,  
Чу нек дар нигари аждаҳои ҳафт сар аст<sup>32</sup>.

Яхши жавоби бордурким:

Жаҳонки, хужраи шаш тоқу хонаи ду дар аст,  
Зи чор рукни бисоташ фиғони алҳазар аст<sup>33</sup>.

Ғазаллари яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Гўшаи хумхона аз лаъли равон ганжи сафост,  
Шакли чанг аз баҳри дафъи ғам даҳони аждаҳост<sup>34</sup>.

Ул йигитликда фавт бўлди. Улча қобилияти бор эрдиким, агар ҳаёт топса, хуб назмлар андин қолғай эрди. Фавтининг тарихи Шайх Озарийнинг зикрида ўттиким,

«**خروس**»<sup>35</sup>

фақир лафзи била пайдо қилиб эрдим. Қабри Хиёбондадур.

Мавлоно Вайсин — котибликка машхур эрди, аммо шеър ҳам айтур эрди. Асру содава гўл киши эрди. Фақир, балки кўпроқ ёронлар таажжуб килурлар эрдиким, оё ул бу навъ содалиғ била назм нечук айтур эркин, аммо ғазаллари ёмон эрмас ва девони ҳам бордур. Бу матлаъ анингдурким:

Рафтам ба сайри боғу тавофи бунафшазор,  
Омад зи ҳар бунафша маро бўи зулфи ёр<sup>36</sup>.

Сафар ихтиёр қилди ва ул сафарда охират сафари олиға тушти.

Мавлоно Соғарий<sup>37</sup> — Соғар вилоятидиндур. Хирот шуароси силкида эрди. Маоши ўткунча тамаввули бор эрди. Аммо имсоки ғолиб эрди.

Ҳазрат Махдумий Нўран Макка сафарига азимат қилғонда, Вайсий ва Соғарий иккаласи мулозаматда борур изхори қилдилар.

Аммо Вайсий эшаги йўк баҳонаси била ва Соғарий яна бир баҳона била ул сафардин қолдилар ва Амир Суҳайлий<sup>38</sup> бу қитъани алар учун айтти ва эл ичида баса шуҳрат туттиким:

Вайсию Соғарий ба азми ҳарам,  
Гашта буданд ҳар душон сафари,  
Лек аз он роҳ ҳар ду во монданд,  
Он як аз бе харию ин зи хари<sup>39</sup>.

Мавлоно Соғарий агарчи бад шеър эрди, аммо бу матлаи хуб тушубдурким:

Чашми дурбори ману абри баҳор аст яке,  
Нолаи зори ману савти ҳазор аст яке<sup>40</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди. Қабри ҳамоноки Хиёбон навоҳисидадур.

Мавлоно Фасих Румий — донишманд киши эрди. Жўги Мирзо хизматида бўлур эрди ва анинг боғоти, қасрларининг китобалари Мавлононинг



ашъоридур. Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасиға татаббуъ қилибдур. Ўз хўрди ҳолиға ёмон айтмайдур. Ва Ҳазрат Шайхнинг <sup>41</sup> «Махзан ул-асрор»иға жавоб айтибдур, бу байт «розни ниҳон асрар» бобида анингдурким:

Ҳар нафас к-аз ту касе бишнавад,  
Бешак аз у ҳамнафасе бишнавад<sup>42</sup>.

Мавлононинг қабри Ҳирийдадур.

Ш а й х К а м о л и Т у р б а т и й — кўп диққатлик, таълик киши эрди. Хожа Ҳофиз ғазалларидин кўп мухаммас қилибдур. Хуросоннинг муттаайин, рангин зурафосидин эрди.

Фақирнинг ани кўрарга кўп орзум бор эрди, ошнолиғ бу навъ воқеа бўлдиким, Султон Абу Саид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир букъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз кўйдилар. Расмдурким, мусофирлар муттаайин букъа гаштига ҳам борурлар, ул букъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида баҳса туштилари. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анга тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш, бошим устига келиб, мабҳасни ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўздан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳхус қилди. Эrsa ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур. Хушвакт бўлуб дилжўйлуғлар қилиб, қошимда ўлтурди ва сўз асносида бу

муаммосинким, «**قُطْب**» ҳосил бўлур, ўқудиким:

در هوای سرزلف یار ماست  
کزشته اول و در آخرش هباست

Мунинг устида ҳам сўзлар айтилди, Манзилига бориб, тухфа ва табаррук ва савғот йўсуни била юборди ва то анда эрди, дойим келур эрди. Шайх била ошнолиғ тақриби бу навъ воқеъ бўлди.

Шайх Маккадин келгандин сўнгра Турбатда фавт бўлди ва қабри ҳам андадур.

Д а р в е ш М а н с у р — сабзаворлиғдур. Дарвеш ва парҳезкор ва муртоз киши эрди. Кўпроқ авқот сойим эрди, аруз ва саноеъда Мавлоно Яҳъё Себак шогирди эрди. Икки аруз тасниф қилди ва маснуъ қасида айтибдурким, матлаи будурким:

Бас давидам дар ҳавои васли ёр,  
Кас надидам ошнои асли кор<sup>43</sup>.

Тарсеъ санъати<sup>44</sup> покиза воқеъ бўлубдур. Тасаввуф илмида Ҳофиз Али Жомийшогирди эрдиким, анинг таърифида ақл косирдир ва тасаввуфда бу рубоий Дарвешнингдурким:

Мавжуд чу заррае ба худ натвон кард,  
Бисъёр ҳадиси неку бад натвон кард.  
Эжод чу бе қабул мумкин набувад,  
Онро ки қабул кард рад натвон кард<sup>45</sup>.

Фақир арузни Дарвеш қошида ўқубмен. Ва Дарвеш қирқ била эллик ёш орасида оламдин ўтти ва қабри Хожаи Тоқдадур.

Ҳ о ф и з А л и Ж о м и й — ўз замонининг соҳиб камоли эрди, батахсис тасаввуф илмида. Ва Махдумий Нуран «Нафаҳот ул-унс»<sup>46</sup> да анинг Шайх Фаридиддин Аттор<sup>47</sup> (қуддиса сирруху)нинг бу қасидасиғақим:

Эй рўй дар кашида ба бозор омада,  
Халке ба-дин тилисм гирифтор омада<sup>48</sup>

шарҳ битиганин зикр қилибдурлар.

Ва қироат илмида жамеи қурро анинг шогирдлигига мубоҳат қилурлар эрди. Ва фақир ҳам неча сабақ ўқубмен.

Қабри Шайх Баҳоуддин Умар<sup>49</sup> (қуддиса сирруху)нинг ҳазирасидадур.

М а в л о н о М у х а м м а д М у а м м о и й — ани Ҳирий эли «Пири Муаммой» дерлар эрди. Зариф киши эрди. Мир Хусравнинг ашъор ва рисоласин ва сойир мусаннифотин андин кўпроқ киши жамъ қилмабдур эрди. Ул вақт муаммо фанида

«يوسفي»

зурафо анинг шогирди эрди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

ی سفر بود پیش ازین در سر  
ت تو بدیدم نمازد رای سفر

Қабри Ҳирийдадур.

С а й й и д К а м о л К а ч к у л — Балхда сокин эрди. Саёҳат кўп қилғон киши эрди. Ул етмаган ер оз бўлғай эрди. Анинг ҳолатида кўп таажжуб маҳаллидур. Машҳур мундоқ эрдиким, анинг беш юз минг байти бор ва бир қасида айтибдурким, андин ўн икки минг байт маснуъ истихроҷ қилса бўлур. Аммо улча фақир кўрдум, Ҳазрат Хожа Абу Наср Порсо<sup>50</sup> (қуддиса сирруҳу) фавт бўлғонда марсия айтиб эрдиким, неча байтининг ҳар мисраи Хожа фавтига тарих эрди ва неча байти мустағрак тарих эрди, ва неча байти ҳар байт уч ва тўрт тарих эрдиким, байт маъносиға футур йўл топмайдур эрди<sup>51</sup>. Бу ишлар башар шавкидин ташқари учун ани дерлар эрдиким, аторудни истихроҷ қилибдур<sup>52</sup>. Ёши тўксондин ўтиб эрди<sup>53</sup>. Бу матлаъ анингдурким:

Эй равшани аз нури рухат дидаи жонро,  
Бар хок нишонда қад туги сарви равонро<sup>54</sup>.

Ҳамоники қабри Балхда, Амир Сурх мазори навоҳисидадур.

Х о ж а М у а й я д Д е в о н а — Ҳазрати Шайх авлодидиндур. Ўзи ошуфтадимоғ киши эрди. Аммо назми равон ва салис воқеъ бўлур эрди. Анга салтанат даъвоси бор эрди. Ҳамул иш устига ани зоеъ қилдилар. Бу матлаъ Хожа Ҳофиз жавобида анингдурким:

Чашм дорем аз он шамъи саодат партав —  
Ки, жаҳонро бидиҳад равшани аз сари нав<sup>55</sup>.

Гўё ани талаф қилғонда сўнгокин топмадиларки, бир ерда қўйғайлар.

Х о ж а М у а й я д М е ҳ н а — Ҳазрат Шайх Абусаид Абулхайр<sup>56</sup> (қуддиса сирруҳу)нинг набираларидиндур. Йиллар мазор бошида шайх эрди ва зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва ваъз мажолиси бағоят гарм ва пуршўр воқеъ эрди. Ва Хожа самоъни дағи муассир қилур эрди. Салотин Хожани таъзим қилурлар эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Аз маҳи рўи ту оинаи жон сохта анд,  
В-андар оина жонро нигарон сохта анд<sup>57</sup>.

Хожанинг мазори бузургвор жадди гунбазидадур.

М и р И м о д М а ш ҳ а д и й — «Мусавий» таҳаллус қилур эрди. Донишманд ва хуш хулқ ва хуш таъб киши эрди. Машҳад шуароси анинг хизматиға йиғилур эрдилар. Ва ҳар не деса итоат қилурлар эрди. Ва муаммо фанида ҳам маҳорати бор эди. Ва Шайх

Камолнинг **58** жавобида бу байт айингдурким:

Гуфт бо чашмат бигу: то жуз хаёли рўи мо,  
Сурати дигар наёрад дар назар, гуфтам:

«Ба чашм» 59.

Ш о х Б а д а х ш о н — «Лаълий» тахаллус қилур эрди. Хуш таъб ва мусулмонваш киши эрди. Аларнинг хонаводаси қадим хонавода эрди, неча минг йил эрдиким, Бадахшон мулкининг салтанати, аларнинг хонаводасидин ўзга хонаводага интиқол топмайдур эрди. Султон Абу Саид Мирзо аларни мустаъсал қилди ва мулку молларини эгаллади. Бу матлаъ Шоҳнингдурким:

Мо ба савдои ту тарки жону сар хоҳем кард,  
Коми жон ҳар дам зи лаълат пур шакар хоҳем кард 60

Шоҳ мазкур бўлгон подшоҳ илкида шаҳид бўлди ва дерларки, мазори Шайх Зайниддиндадур (Валлоҳу аълам).

И б н Л а ъ л и й — Шоҳ Лаълийнинг ўғлидур. Хуш бош ва хуш таъб подшоҳзода эрди. Соҳиб вужудлўқ ва шўхлуқ андин кўп нақл қилурлар. Бу матлаъ анингдурким:

Эй зи лаъли оташинат дар дили гулиор нор,  
Гайри дил бурдан надори, эй бути маккор, кор **61**.

Ул ҳам отасининг қотилиға мақтул бўлди.

М а в л о н о А б д у с а м а д Б а д а х ш и й ҳам Бадахшондиндур. Султон Абусаид Мирзо замонида Ҳирига келди. Подшоҳ анга ўз тарихин буюрди. Маснавийгўй ва мусанниф киши эрди. Бир байтида тажнис хаёл қилиб, қофиясин ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғач филлоҳ муттанаббих бўлди ва изҳори миннатдорлиғ ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошноликқа сабаб бўлди. Тўй таърифиди ва гўяндалар зикрида анинг маснавийсидиндурким:

Зи моҳи хаё-хўй то моҳ буд,  
Сари овозашон, жокам оллоҳ буд 62.

Қабри дерларки Кўҳистондадур.

М а в л о н о Ю с у ф Ш о х — «Котиб» тахаллус қилур эрди, китобат фанида мутаайин киши эрди ва Ҳирий шаҳрида зурафо зумрасида ўзин дохил тутар эрди, аммо фақир ва яхши киши эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Эй жудо гаштаки дури зи бари ҳамнафасон,  
Мо дар ин шаҳр ба-дин рўзу ту дар шаҳри касон<sup>63</sup>.

Ҳирий шаҳрида оламдин рихлат қилди ва қабри ҳам Ҳирийдадур.

Х о ж а А б у И с ҳ о қ — Хожа Муайяд Меҳнанинг ўғлидир. Толиби илм ва хуш табъ йигит эрди. Аммо бадхўй ва мутақаббир ҳам бор эрди. Меҳнада баъзиға айтқон марсиядин бу бир байт анингдурким:

Кашид аз дасти мо саҳрои Хозар домаки гулро,  
Ба саҳрои қиёмат дасти мову домани саҳро<sup>64</sup>

Қабри ҳам отаси мазоридадур.

С а й й и д К о з и м и й — хуш табъ ва сабук руҳ киши эрди ва табъи ҳазлға мойил эрди. Подшоҳ ҳазратидин Хожаи Жаҳонға рисолатқа бориб андин келурда Ироқда қолди. Андин фақирға бир икки руқъаси келди. Аммо ўзи Шерозда фавт бўлубтур деб шуҳрати бор. Сипоҳийликда жалд киши эрди ва шеъри равон воқеъ бўлур эрди, қасидаси Бобо Савдойи таври тушар эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Субҳ аз уфуқ чу раъяти байзо баровард,  
Оҳам алам ба авжи сурайё баровард.

Шукри худо ки қозии шаҳри Ҳари наям,  
Дар силки одами сифатонам харе наям<sup>65</sup>

ҳам анингдур. Мунча ғайри муқаррар халқ, Сайид давлатидин шуароға мамдуҳ бўлубтурлар.

М а в л о н о М у ҳ а м м а д М у а м м о и й — латиф ва сунний мазҳаб киши эрди. Кўп ақобир хизматига етиб эрди, манзури назарлари бўлуб эрди. Бобур Мирзо замонида муаззам садр бўлди ва андин сўнгра ҳам салотин мажлисида мақбул ва махсус эрди. Мукнати чоғида Шерозда ҳазрат Хожа Ҳофиз қабри бошида гунбаз ясади ва Бобур Мирзони анда тилаб зиёфағ қилди. Шерознинг шўх табъларидан бири Мирзонинг кўзи

тушар ерда деворда бу байтни битиб эрдиким:

Агарчи жумлаи авқофи шаҳр ғорат кард,  
Худош хайр диҳод онки, ин иморат кард 66.

Мирзо ўқуди ва бу бобда хазллар бўлди. Фақир бу нақлни ўзидан эшитибмен.  
Фақир била улфати бор эрди ва кўп мушарраф қилур эрди. Охир ҳаётида Кичик  
Мирзо 67 била ҳаж давлатиға ҳам мушарраф бўлди ва анда оламға видоъ

« **درویش** »

қилди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

بیتابیم روی از دشنام دوست  
ی را روی در دشنام اوست

Х о ж а Ҳ а с а н Х и з р ш о ҳ — астрободлиғдур. Яхши табълик, яхши муховаралиқ киши эрди. Ошuftасор ва фонийсифат ҳам бор эрди. Шеърни яхши айтур эрди. Насхтаълик хатин ҳам Мавлоно Жаъфар 68 тарийқин таклид қилиб, ширин битир эрди. «Лайли ва Мажнун» муқобаласида «Зайд ва Зайнаб» маснавийси айтибдур. Бу байт анинг тавҳидидиндурким:

Эй чеҳра кушои ҳар жамили, \_  
Номи ту шифои ҳар алили 69.

Бобур Мирзо Машҳадда фавт бўлғон йил ул шаҳарда ғариб ва хаста йиқилиб эрди. Фақир ғамхорлиқ қилиб сиҳат топти. Бу матлаъ анингдурким:

Соаят ҳар жоки, афтад бар замин гул бар дамад,,  
Не гули танҳоки, сар то сар гулу шаккар дамад 70,

Қабри Астрободда масжиди жомеъ рўбарўйидадур.

М а в л о н о Ҳ о ж и Н у ж у м и й— Лоуболи киши эрди ва табъи ҳазлға мойил эрди ва ҳазломез қитъалари бор. Аммо бу матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:

Боз ийд омад, биё жоноки, қурбонат шавам,  
Ҳамчу чашми гўсфанди кушта ҳайронат шавам<sup>71</sup>,

Х о ж а М а с ъ у д Қ у м и й — ул вилоятнинг улуғларидиндур, Ироқтинким Хуросонға келди ва фақир била мусоҳиб эрди. Маснавийси пухта ва ғазаллари равон эрди. Кўп рангин абёт ҳам шеърларида бордур. Султон Соҳибқирон тарихин анга буюрулди. Ўн икки минг байтқа яқин айтибдур. «Юсуф ва Зулайхо», «Шамс ва Қамар», «Тиғ ва Қалам» мунозараси ҳам назм қилибдур. Бу матли хуб бўлубтур:

Бе ту чун дар гирья хобам, мебарад,  
Хоб мебинам, ки обам мебарад<sup>72</sup>.

Бир руқъада бу байтни битиб аҳли назмга ва хуш табъларға юбориб эрдиким:

Муштоқаму дурам, ғами жонкоҳам аз ин аст,  
Муштоқтарон дуртаранд, оҳам аз ин аст<sup>73</sup>.

Ва девони эл орасида бор ва машҳурдур. Ҳирий шаҳрида фавт бўлди ва Пири Сесадола жаворида мадфундур.

Ҳ о ф и з и Ё р и й — хуш суҳбат ва ширин калом киши эрди ва қироат илмин яхши билур эрди ва кўпроқ авқот тиловат қилур эрди ва ҳамиша фақир била мусоҳиб эрди. Мавъизада инсоф бобида бу байт анингдурким:

Гарам бар сар ҳазор ояд бало шойистаи онам  
Ки, ҳастам бадтарин аз халку худро нек медонам<sup>74</sup>.

«Ихлосия»<sup>75</sup> мадрасасида фавт бўлди ва кўчаи Сафо бошида қўйилди.

М а в л о н о Қ а н б а р и й — Нишопурдиндур. Оми киши эрди. Аммо назм айтурда чолок эрди ва шеърида ҳам чошни бор. Бу қасида матлаи Бобур Мирзо мадҳида анингдурким:

Ин гуҳарҳо бинки, дар дарёи ахзар кардаанд,  
3-ин машоил оташи хур бинки чун баркардаанд<sup>76</sup>.

Қабри ҳамул вилоят соридур.

М а в л о н о Х у с р а в и й — даъволик ва бузургманиш ва тундхўн киши эрди. Фақир қошиға баъзи маҳалда шеър келтурса эрди, бурунроқ андоқ калом сураар эрдиким, дахл қилмоқ йўли боғланур эрди. Заруратан барча шеърни таҳсин қилмоқ керак эрди. Девони ҳам эл орасида бор эди. Бу матлаъ анингдурким:

Зи лаъли ёр дандоне гирифтам,  
Ҳаёте ёфтам, жоне гирифтам<sup>77</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди, қабри ҳам андадур.

М а в л о н о З а й н и й — дилпазир табълик киши эрди. Агарчи оми эрди, аммо шеъри холи аз ранги эмас эрди. Ғазал кўпроқ айтур эрди. Асли Сабзавордин эрди ва Мир Шоҳий била суҳбат ва мажлислар тутуб эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Санавбар то зи хизматгории сарват жудо монда,  
Шуда девонаву жўлида мў сар дар ҳаво монда<sup>78</sup>.

Астрободда фавт бўлди ва қабри ҳам андадур.

В а л и Қ а л а н д а р — Бобур Мирзо остонида мулозим эрди. Хира ва далер беҳаё киши эрди. Сухандонлар орасида бадшеърликка машҳур эрди. Пир Будоғ Ҳирий шоирларин Шерозға элтганда ул ҳам борди, нодиран бу матлаи яхши воҳеъ бўлубтурким:

Наям малулки, қорам наку нашуд, бад шуд,  
Шавад-шавад нашавад к-ў машав чи хоҳад шуд<sup>79</sup>.

Шерозда фавт бўлди ва қабри ҳам андадур.

М а в л о н о В о л а ҳ и й — ошуфта киши эрди. «Бард»<sup>80</sup> лафзидин аччиғи келур эрди, бу жиҳатдин анга ташвиш берулар эрди. Бобур Мирзо Машҳадда эканда «ороста» радиф қасида айтиб эрди. Байтики «мамдух» отин боғлабтур будурким:

Шоҳ Абулқосимки, шуд дар даври у хуштар зи хулд,  
Машҳади Султон Али Мусо Ризо ороста<sup>81</sup>.

Ҳ а р и м и й Қ а л а н д а р — Самарқанд вилоятидин эрди. Толиби илмлиғи ҳам



бор эрди. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Неча йиғлай шамъдек ҳажрингда, ёрим, кечалар,  
Оҳким куйдирди доғи интизорим кечалар.

Қабри Самарқанддадур.

М а в л о н о Т а р х о н и й — Андхуддиндур. Сипоҳийлик суратида юрур эрди.  
Ҳазрат Махдумий Нураннинг бу шеъри жавобидаким:

Эй зи мушкин турраат бар ҳар диле банди дигар,  
Риштаи жонро ба ҳар мӯи ту пайванди дигар<sup>82</sup>.

Бу байт анинг шеъридинким:

Мурғи дил пар кандаму аз сина биръён сохтаи,  
То кашам пеши сагат ҳар лаҳза парканде дигар<sup>83</sup>.

Баъзи маҳодим Самарқандда бандға тушганда, бу туркча шеър айтқондур. Матлаи будурким:

Тушгали банд ичра бўлдум ул пари девонаси,  
Кўк саро фонусдур ул шамъу мен парвонаси.

Қабри гўё Андхуддадур.

М а в л о н о И ш қ и й — хирийлик эрди ва қасидани пухта айтур эрди. Султон Абу Саид Мирзо Оқсаройни ясаганда иморатнинг китобаси учун шуароға шеър буюрдилар. Иморат таърифида анинг шеъри яхши тушуб эрди. Матлаи будурким:

Ин манзареки тоқ чу абрӯи дилбар аст,  
Аз хок бар гирифтаи дорои кишвар аст<sup>84</sup>.

Қабри Ҳирийдадур.

М а в л о н о А б д у л в а х х о б — Исфаройиндиндур. Абдолваш киши эрди. Аммо яхши таъби бор эрди. Сабзаворда қазо мансабини анга бергандурлар. Андин сўнгра Исфаройинда кози бўлғондур. Андин маъзул бўлғонда Астрободқа ихтисоб амрин анга ружуъ қилиб йибордилар. Шеърға машъуф эрди. Мир Хусрав «Даръён аброр»и жавобида

бу матлаъ анингдурким:

Ин куҳан авроқи гардун к-аш зи анжум зевар аст,  
Кўҳна тарихе бaсе шoҳони анжум лашқар аст<sup>85</sup>.

Астрободда фавт бўлди ва қабри ҳам андадур.

Х о ж а Ю с у ф Б у р х о н — Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий<sup>86</sup>(қуддиса сирруҳу)нинг яқинроқ авлодидиндур. Фақир ва фано тарийқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди. Ва жамеи аҳли турукнинг соҳиб тарийқи эрди ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен. Кўпроқ ўз шеъриға мусиқий боғлар эрди. «Исфаҳон» амалини, бу байтиға боғлабтурким:

Расид мавсуми шoдию айшу тараб,  
Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб» <sup>87</sup>.

Жомда оламдин рихлат қилди. Қабри Ҳазрати Шайхнинг ҳазираси эшигидадур.

М а в л о н о М а ш р и қ и й — машҳадлиғдур. Косагарлик санъатига мансуб эрди, аммо дарвеш киши эрди. Мир Махдум (алайҳир-рахма)<sup>88</sup> ва кўп азизлар хизматиға етиб эрди. Рўзгор шикоятда бир ободон шеъри бор. Бу байт андиндурким:

Аз чист сурх панжаи маржону пои бат,  
Гар хун бажои об равон нест дар бихор<sup>89</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди.

М а в л о н о Ҳ а в о й и — Мавлоно Машриқийнинг инисидур. Накқошлиқдин бирор нима вукуфи бор эрди.

Филжумла китобат ҳам қила олур эрди. Ва зурафо дерлар эрдиким, ўз ашъорин ўзи битиб, жадвал тортиб тазҳиб қилиб, тайёр ясаб элга берурким, бу жиҳатдин шухрат тутқай. Анга айтилса, инкор қилиб ҳазлу мутойиба била ўтқарур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Ба гирди кўн ту бо сад ниёз мегардам,  
Баҳона мекунам аз дуру боз мегардам<sup>90</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди. Қабри Хожа Чилгазий жаворидадур.

М а в л о н о Қ а б у л и й — фақир киши эрди. Бозори Маликда ғазлфурушлук<sup>91</sup> дўкони бор эрди. Бир сабоҳ ул маҳалладин жамъе келдиларким, ўтган кеча Мавлоно Қабулий бизларни тилаб васият қилдиким, бу кеча оламдин борурмен, такфин ва тажҳиз жиҳатидинким, ҳеч нимама йўқтур, сабоҳ девонимни фалон кишига, яъни фақир қошига элтиб ниёзимни етқуриб, илтимос қилингким, мени Содоти Мусрих гўристониде дафн қилдурсун. Сабоҳ хабар туттуқ, эрса ўтуб эрди. Васияти дастури била девонин сенинг қошингга келтуруббиз. Фақир анинг васиятини бажо келтуруб, тадфинидин сўнгра девонин очтуқ. Эрса бу матмаи келдиким:

Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на  
Ба ҳар ду кавн чу ман ноқабул натвон ёфт<sup>92</sup>.

М а в л о н о М у х а м м а д А м и н — Балхдиндур. Сода киши эрди. Кўпроқ авқот нависанда ва амалдорлар теграсиде бўлур эрди, «дилбарам» лафзин етти тажнис ила айтиб ул ғазалин Бобур Мирзо тобуғиде келтурди, мустаҳсан тушуб бу байтиниким:

Эй сияҳ чашми хитои мурғи жонро бо ту унс.  
Ба-з сияҳ чашмои дигар ҳамчу оху дилбарам<sup>93</sup>.

Ёд тутуб Мирзо ўқур эрди. Мавлоно бу иштин бағоят мубоҳи эрди. Андоқ эшитилдиким, Астрободде оламдин ўтубдўр.

М а в л о н о С а и д и й — машҳадлиғ эрди ва косагарлик санъатиға мансуб эрди.  
Бу матлаъ анингдурким:

Зи баҳри қатъи ҳасти ҳила аз сад жой ангезам;  
Магар як лаҳза бо он дилбари худрой омезам<sup>94</sup>.

Икки қофия риоят қилибдур, фақирға сўнгғи байти матлаъдин яхшироқ келибдурким:

Шабе биншину чандоне шароби беҳисобам дех  
Ки, натвонамки то рўзи ҳисоб аз жой бархезам<sup>95</sup>.

Ҳирийде фавт бўлди.

М а в л о н о М и р А р ғ у н — хаймадўзлук санъатиға мансуб эрди ва қадимий

зурафодин эрди. Соѳир назмлардин муаммоға кўпроқ мойил

« محمود »

эрди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

سر خوش نسوی مخموری بو بین  
ش را پیوسته دارد برجبین

Ҳирийда фавт бўлди.

М а в л о н о С а д р К о т и б — ошuftарўзгор киши эрди, кўпрақ авқот атроқ хизматида бўлур эрди. Лавандлиқ муаяссар бўлса эрди, на шеърдин ёд қилур эрди, на хатдин. Чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишда йўқ эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳаргиз дили моро ба ғаме шод нақарди,  
Кушти дигаронрову маро ёд нақарди<sup>96</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди.

М а в л о н о А ё з и й — ғариб шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи хоқ назм, хоқ насрда ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пули Молонда ани кўрдум, бир анжуманда бир касидасин ўқуйдур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиясин айта берур эрдим. Бағоят хайрат қилди. Уч йилдан сўнг Боғи Сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқеъ бўлди. Ул яна хайрат бунёд қилди. Бурунғи мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмусен, чун кўзида заъф бор эрди, дедики, кўрмаймен, магар уч йил мундин бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдум, ул ҳам бу навъ шуъбадабозлик қилди. Мажлис аҳли кулуштилар. Анинг ўзи учун айтқон машҳур байти будурур, басе хуб айтибдур:

Чодаршаби худ ранги магас рида, Аёзий  
Не жомаву не куртаву не мўза намози<sup>97</sup>.

Мадфани маълум эрмас.

М а в л о н о А н и с и й — кам бизоат шоир эрди ва муттаҳам анга эрдиким, элнинг шеърини ўзига боғлар. Бу матлаъни дер эрдиким, мен айтибмен:

Гарчи межўяд дилам доим висоли ёрро,  
Ёр межўяд ба рағми ман дили ағёрро<sup>98</sup>.

Бу матлаъ ҳар кишининг бўлса, маҳалли музояқа эмас Қабри Ҳирийдадур.

Мавлоно Муҳаммад Омилӣ — зарифваш ва нозикшева киши эрди.  
Ҳазрати Мавлоно Шарафиддин Али Яздӣ (қуддиса сирруҳу) хизматин кўп қилиб эрди ва  
манзури назар бўлуб эрди. Назмлардин таъби муаммоға мулойим

« اسحاق »

эрди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

ئجويم داد از خوبان کلچهر  
که خواهانم بمه رویان بی مهر

Ўғли ҳам шоирдир, ўз ерида келгай. Ҳамоноким, Мавлононинг мадфани  
Нишопурдадур.

Мавлоно Буружӣ — Мавлоно Саъиддин Кошғарийниг муридидур,  
нақшбандия силсиласидиндур. Қалин муридлари бор эрди. Узи шаҳар масжиди жомеида  
сулук қилур эрди. Басе толибларға муршиди муқтадо эрди ва гоҳи назм ҳам илтифот  
қилур эрди. Бу матлаъ анингдурким;

Ман ошиқи шўридаву мастам, чи тавон кард?  
Дил додаву жон дар кафи дастам, чи тавон кард? <sup>99</sup>

Қабри ўз пири ёнидадур.

Дарвеш Нозукиӣ — Хуросоннинг одамизодаларидин эрди. Отаси Машҳад  
ҳукуматин қилиб эрди. Ўзи сипоҳийлик таркин тутуб дарвешлик водийсига тушуб  
капанакпўшлук шақида Машҳадда гўша ихтиёр қилди ва маоши ўткунчаким, гадолик  
қилмағай, илгида нимагинаси бор эрди, зиҳи соҳиб давлатиким ул эрди:

Бировким чиқти элдин оғаҳ улдур,  
Гадолиғдин ким оғаҳдур, шаҳ улдур.

Алқисса бу яхши форсий матлаъ анингдурким:

Манамки, нест маро жуз ба жому бода тафоҳур,  
Бидор соқии гулчехра, косаҳои пурро-пур<sup>100</sup>.

Қабри Машҳаддадур.

Мавлоно Қавсарий — Бухородиндур. Қабулиятлик, хуш суҳбат,  
ширингӯй ва фасих забон ва донишманд киши эрди. Бир кун хужрасида ўзига яраша табх  
қиладур эрмиш. Маволидин биров кирибдур қазон остига ўтун қўюбдур. Мавлоно  
дебдурким: «Табх ишида мадад қилмаким, шарик бўлурсен»<sup>101</sup>. Бу матлаъ анингдурким:

Дар хаёли пистаи хандони он бодом чашм,  
Чашмаи хунест чашми моки, дорад ном чашм<sup>102</sup>.

Ҳирийда фавт бўлди. Қабри Хиёбон бошидадур.

Сайид Муслимий — исфаройинликдур. Абдолваш йигит эрди. Аммо яхши  
табъи бор эди. Бу матлаъ анингдурким:

Холи у нақди дилам аз дидаи равшан кашад,  
Ҳамчу дузде к-ў матои хона аз равзан кашад<sup>103</sup>.

Қабри Исфаройиндадур.

Мавлоно Низом — толиби илм ва фақир киши эрди. Хонақоҳи Маликда  
бўлур эрди. Мўаммо фаниға кўп машғуллуқ қилур

« إسحاق »

эрди. \_\_\_\_\_ исмиға бу муаммо анингдурким:

Қабри гўёки Хиёбондадур.

سخا دان طایر بخشنده دانه  
که از اقبال سارد آشیانه

Мавлоно Ёрий — вазирзода эрди, аммо дарвеш ва озода эрди. Фақр ва  
номуродлиғда кўзига заъф торий бўлди, андоқким нимани кўрмас бўлди ва Балхда

мутаваддин бўлди. Хуб таъби бор эди. Бу матлаъ анингдурким:

Қасам нишони сари мўй аз он дахон надихад,  
Чунон ба тангам аз ин ғамки, кас нишон надихад<sup>104</sup>.

Балхда оламдин ўтти. Қабри ҳам андадур.

Х о ж а А х м а д М у ж а л л и д — Хуросоннинг шўх таъбаридин эрди. Аммо бағоят хабисшева киши эрди, Мутаайин элдин оз қолмиш бўлғайким, ул назм ё муаммо

« جرده »

била ҳажв ё ҳазл қилмағай. Мавлоно  
ҳазилларидиндур:

исмиға бу муаммо анинг

کاج کرده پالان سریده ناخت  
کاه ده از کاوآن بپرداخت

Қабри Ҳиридадур.

Мавлоно Муҳаммад Неъматободий — Паҳлавон

Муҳаммад<sup>105</sup>(салламаҳуллоҳ) хизматида ул букъанинг имоми эрди. Чун Паҳлавон мажлисида шеър ва муаммо аҳли доимбор эрдилар, ул дағи муаммоға ишқ пайдо қилди ва Паҳлавон баъзи зурафоға супориш қилди, оз фурсатда яхшигина ўрганиб айта бошлади. Аммо бот қазо етиб оламдин ўтти, фақир муаммоғиналарин жамъ қилдурдум.

« کاکا »

Ва

исмиға бу муаммо анингдурким:

دی بردل از بیداد کر یاد آرمش  
ا. کوه جانامن به فریاد آرمش

Гозургоҳ гўристониди мадфундур.

С а й и д А б д у л х а қ — астрободлиғдур, хуштабъ йигит эрди, муҳовараси дағи хуб эрди. Хўчон вилоятининг қозиси, эшак ришва бериб садр они қози қилғонға бу қитъаси машхурдурким:

Ҳаме гашт дар шаҳр шахсе зи Хўжон  
Ки, қози шавад, садр рози намешуд,  
Бидодаш харе ришваву гашт қози,  
Агар хар намебуд, қози намешуд**106**.

Қабри гўё Астробод вилоятидадур.

М а в л о н о М и р Қ а р ш и й — Самарқандда бўлур эрди ва бозорда  
саххофлик дўкони бор эрди, зурафо анда жамъ бўлурлар эрди ва Мавлоно ўзин ул хайлға  
устод тутар эрди. Шикоят бобида бу матлаъ анингдурким:

Нест ойини муҳаббат кардан аз ёре гила,  
Варна з-он бадахд мекардем бисъёре гила**107**.

Ул «Хатойй» тахаллус қилур эрди ва Самарқандда—ўқ оламдин ўтти, мадфани  
хам анда-ўқдур.

М а в л о н о Ж а в х а р и й — ҳам самарқандлиғдур, собунхона мушрифи эрди,  
хам собунхона эшигида кўчанинг ўртасида ўзи учун хужрағина ясаб эрди. Аруз билур  
эрди ва «Сияр ун-наби» **108** назм қилиб эрди. Бу байт анингдурким:

Фалак баски, дар мавкибаш тохта,  
Ба ҳар моҳ наъле бияндохта**109**.

Қабри Самарқанддадур.

М а в л о н о Х о в а р и й — ҳам самарқандлиғдур ва дарзигарликка мансуб эрди.  
Бадихани равон айтур эрди ва табъи хейли шўх эрди. Ул таржеъбандким, банди будур,  
анингдурким:

Мезанад гаҳ ба чўбу гоҳ ба мушт,  
Бози-бози маро бихоҳад кушт**110**.

Бу матлаъ анингдурким:

Ман ки умре ба ҳавас пайравии дид кардам,  
Умр бигузашту надонамки, чи ҳосил кардам**111**.

Қабри маълум эмас.

М а в л о н о Ҳ а л в о и й — ҳам самарқандлиғдур. Шукуфта табълик, яхши



чиройлик йигит эрди. Шабоб айёмида фавт бўлди. Умри киска учун сўзининг шухрати ҳам оздур. Бу матлаъ анингдурким:

Зоҳидо, қиблаи мо абрўи дилдор авло,  
Туву масжидки, туро рўй ба девор авло<sup>112</sup>.

Қабри ўз мулкидадур.

М а в л о н о Р и ё з и й<sup>113</sup>—самарқандлиғдур. Мутақаббир ва муъжиб киши эрди. Ғазални бағоят хуб айтур эрди. Жомеъ ул-фазойил ва муқави юд-далойил киши эрди ва етти қалам билан хатни хуб битар эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, қуръони мажидни етти кироат билан билур ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса анға мажхул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди ва боғлар эрди ва хуб тасниф қилур эрди. Илми мусиқий ва адвор ва нужум ва истихрожи рамал ва ғайри золика ҳеч нимарсадин бенасиб эмас эрди. Бу ғарро матлаъ анингдурким:

Ситораест дури гўши он ҳилолабрў,  
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлу<sup>114</sup>.

Икки мисраъ орасида рабт жиҳатидин бир «ки» лафзи керак. Фақир анга дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайки:

Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилолабрў.  
Ситораестки, бо моҳ мезанад паҳлу<sup>115</sup>.

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди, фақир соқит бўлдум. Ўз ёронлари талоштилар ҳам қабул қилмади. Самарқандда фавт бўлди.

М а в л о н о С а ф о и й — андижонликдур. Сода йигит эрди. Аммо сода юзлук йигитлар суҳбатиға машъуф эрди. Табъидин гоҳ-гоҳ рангингина нималар бош урар эрдикки, ўз содалиғи мунофиси эрди. Ул жумладин бу байт анингдурким:

Менамояд гоҳи жавлон наъли шабрангат ба чашм,  
Чун маҳи нав к-аз назар созанд мардум ғойибаш<sup>116</sup>.

Самарқандда фавт бўлди.

М а в л о н о Ю с у ф — «Бадийй» тахаллус қилур эрди. Ул ҳам Андижондиндур. Мавлоно Сафойй била бўлур эрди. Фақир таҳсил учун Самарқандға борғонда, ул

Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сиғари син жиҳатидин шеърида хомлик бўлса фақир ислоҳ қилур эрдим. Бот бузургманиш ва мутасаввир? йигит бўлди ва Хуросонга келиб кўп салоҳиятлар ҳам касб қилди. Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз, айта олмас эрди. Ужби жиҳатидин шўхлар ани Юсуф Сафой дерлар эрди. Ул тағайюр жиҳатидин беҳол бўлур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди ва кўпрак синф шеърни яхши айтур эрди ва аруз билур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Гар бад-ин обу ҳаво кўят бувад манзилга ҳам,  
Не зулоли Хизр бояд не дами руҳуллаҳам<sup>117</sup>.

«Миръот ус-сафо»<sup>118</sup> қасидаси татаббуида бу байти яхши воқеъ бўлубтурким:

Дури мақсуд жўён мажма ул-бахрайн шуд суфи  
Ки, баҳре дар аст аз чашмаи ҳар чашми гирёнаш<sup>119</sup>.

Муаммо рисоласи битиб, анда кўп иш

« **منصور** »

қилибтур.

исмига бу муаммо анингдурким:

مرا زان شد منورخانه چشم  
که آمد دوست تر کاشانه چشم

Сарахсда фавт бўлди. Мазори ҳазрат Шайх Лукмон хонақоҳидадур.

М а в л о н о Х о к и й — Кусавдиндур, Хожа Кусавий (қуддиса сирруху)  
хизматида бўлур эрди. Дарвеш киши эрди. Шеър ҳам айтур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Ниёзманди туем, эй ба ноз парварда,  
Туро замона ажаб дилнавоз парварда<sup>120</sup>.

М а в л о н о Л у т ф и й <sup>121</sup> (алайҳирраҳма) — ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирини йўқ эрди, аммо туркийда, шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутааззир ул жавоб матлаълари бор, ул жумладин бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур кушъ

Яна бири буким:

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,  
Солди каманд бўйнума икки қулочдин.

Ва Мавлононинг «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдин ортукрок маснавийси бор, баёзга ёзмагон учун, шухрат тутмади ва лекин форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърлариға жавоб айтибдур ва яхши айтибдур. Тўксон тўққуз яшади ва охир умрида радифи «офтоб» шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайсиси матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ будурким:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,  
Шоми зулфатро ба жои моҳ дар бар офтоб<sup>122</sup>.

Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, хазрати Махдумий Нуран тугатиб, ўз девонларида битисунлар ва ул матлаъ будурким:

Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад,  
Беҳ з-онки, ба бадхўи бемехри чунин афтад<sup>123</sup>.

Мавлоно йигитлигида улуми зоҳирийни такмил қилгондин сўнгра Мавлоно Шихобиддин Хиёбоний (алайҳиррахма) қошида суфия тарийқида ҳам сулук қилгондур. Азиз ва мутабаррак киши эрди.

Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубдур. Умед улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай.

Мавлононинг қабри шаҳр навоҳисида Деҳи Канордаким, ўз маскани эрди, андадурур.

М а в л о н о Я қ и н и й<sup>124</sup> — тундроқ машраблиқ киши эрди. Туркий ва форсий шеър айтур эрди. Туркчасидин бу матлаин кўп мубоҳотлар била ўқур эрдиким:

Оҳким жонимға еттим ёри нодон илгидин,  
Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин,

Аммо форсийсидин бу матлаи ёмон воқеъ бўлмайдурким:

Субҳеки, дам ба меҳр назад як нафас туи,  
Нахлаки, бор нахӯрад аз у ҳеч кас туи **125**.

Охир дамида беадабона сўзларидин тавба қилиб, аҳли салоҳ тарийқи била кечти.  
Умедким, маъфу бўлмиш бўлгай. Қабри Дараи Дубародарондадур.

М а в л о н о А т о и й **126** — Балхда бўлур эрди. Исмоил ота  
фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз  
замонида шеъри атрок орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким, сув қироғинда паридек ўлтурур,  
Гояти нозуклугидин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия  
эхтиётиға муқайяд эмас эрди.

Қабри Балх навоҳисидадур.

М а в л о н о М у қ и м и й — хирийлик эрди. Дарвеш, машраб киши эрди. Суфия  
истилохотидин ҳам вукуфи бор эрди, Бу тоифа истилохотиға мувофиқ чун туркигўй эрди,  
туркча таржеъ айтибдурким, хили чошниси бор ва анинг банди бу байтдурким:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,  
Сендин ўзга вужудда не вужуд.

Қабри Ҳирийдадур.

М а в л о н о К а м о л и й — Балхдиндур. Кўхи Софда бўлур эрди. Туркигўйдур.  
Анинг назми ҳам ул навоҳийда халойиқ орасида холи аз шуҳрат эмас эрди. Бу матлаъ  
анингдурким:

Ирнинг қулидур найшакар, эи жон, бели боғлик.,  
Гул доғи юзинг бандасидур тўни ямоғлик.

Қабри Кўхи Софдадур.

М а в л о н о Л а т и ф и й — анинг не ерлик экани маълум бўлмади. Аммо  
мундоқ дерларким, табъи хили шўх экандур. Кичик ёшида фавт бўлди. Сўзи оз қолибтур.  
Бу матлаъ анингдурким:

Гаҳ оқар, гаҳ томар лабинг шакари,  
Бизга тегмасму ҳеч оқар, томари.

Агарчи турконадур, аммо қойилининг шўх таъблиғи маълум бўлур. Қабри маълум эмаским қайдадур.

М а в л о н о С а к к о к и й<sup>127</sup> — Мовароуннаҳрдиндур: Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканда муаррифларидин ҳар неча тафаҳхус қилдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англаин, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърларн анингдурким, ўғурлаб ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар гоҳи воқеъ бўлур. Бори баъзиси таъриф қилибким ўқурлар, бу матлаъни анга иснод қилурким:

Не нозу бу, не шевадур, эй жоду кўзлук, шўхшанг,  
Кабки дарий товусда йўқ албатта бу рафтору ранг.

Қабри ҳам ул сори — ўқдур.

М и р з о Ҳ о ж и С ў ғ д и й — ҳам самарқандлиғдур ва ул мулкнинг одамизодаларидиндур. Агарчи баъзи маҳалда ғариб нималар таъбидин бош урар эрди. Бу байтида хили сўз ранги ва чошниси борким:

Ўхшатти коматингға санавбарни боғбон,  
Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни.

Буғина масални яхшиғина боғлағон учун умид улким, тангри таоло анга раҳмат қилмиш бўлғай. Қабри ҳам ўз мулкидадур.

Н у р С а и д б е к — хоразмлиғдур. Таъбининг не миқдор қувват ва латофати бор эрканин шеъридин билса бўлур, ўқуғон билғай. Бу матлаъ анингдурким:

Моро дар ин диёр туи дилнавозу бас,  
Дорем аз ту гўшаи чашме ниёзу бас<sup>128</sup>.

Қабри Марвда Хожа Ҳамадоний<sup>129</sup> (қуддиса сирруху) жаворидадур

П а х л а в о н Ҳ у с а й н — «Девона» тахаллус қилур эрди. Филвоқеъ абдолваш ва бағоят ичгувчи киши эрди. Аммо номуродлиғи ҳам бор эрди. Чун холи аз лутфи таъ эмас эрди, назм ҳам айтур эрди.

Бу матлаъ анингдурким:

Туби мисоли сарву шамшод қомати,  
Ман васфи қомати ту чи гўям, қиёмати 130:

Қорабоғда мақтул бўлди.

М а в л о н о С о н е њ и й — Бохарздиндур. Маснавий кўпроқ айтур эрди. Ҳазрат Махдумий Нуран таърифида бир маснавийсида бу навъ икки байт дебдурким:

Ба ту ҳар гаҳ у даъви мекунад,  
Чи даъвиест бемаъни мекунад,  
Тўро мёваи ширину урост талх,  
Чу себи Самарқанду олуи Балх **131**.

Вазир эрди. Зулм ва баднафслиғи жихатидин подшоҳ сиёсатиға гирифтор бўлди ва мақтул бўлди. Қабри ўз кентида Зирихдадур.

Х о ж а М у с а й я б — андин ажаброқ киши эрди.

Ул дағи вазорат беҳудлиғидин мусулмонларға ажаб зулмлар қилурға бел боғлаб эрдиким, қазо девонидин бевосита сиёсатқа муставжиб бўлуб ва эл анинг шарридин халос бўлдилар.

Қабри ҳам ўз вилоятидадур. Бу матлаъ анингдурким:

Гузашт умру зи ғафлат ман он чунон мастам  
Ки, ҳеч тавба накардамки, боз нашкастам 132.

М а в л о н о Б и л о л — надим шева ва шўрингўй киши эрди. Туркий ва форсий шеърни яхши айтур эрди. Бу туркий матлаъ анингдурким:

Жону кўнглумни жафо ўти била куйдурдингиз,  
Уйлаким кул бўлдуму мендин кўнгул тиндурдингиз.

Ҳирийда фавт бўлди ва қабри Хожай Тоқ гўристонидадур.

М и р С а и д — эл орисида «Кобулий» лақаби била машхурдур. Фақирға тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди. Бу туюк анингдурким:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хумори ёзасиз,  
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошиға,  
«Куштаи бир шўх эрур» деб ёзасиз.

Султон Абу Саид Мирзо илгида Сарахс кўрғонида шаҳид бўлди. Қабри шаҳрдадур.

М у х а м м а д А л и — «Ғарибий» тахаллус қилур эрди. Ул ҳам фақирға тағойи бўлур эрди. Мир Саид Кобулийнинг инисидур. Хуш муҳовара, хуш хулқ ва хуштабъ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хуб эрди. Муסיқий илмидин ҳам хабардор эрди. Хутутни хуб битир эрди. Агарчи бу фақирнинг қавм ва хайли Султон соҳибқиронинг бойри қуллари ва маврусий бандаларидурлар, аммо бу мазкур бўлғон салоҳиятлар жихатидин ул ҳазратнинг илтифоти инояти анинг била ўзгалардин. Кўпроқ эрди. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Дарди ҳолимдин агар ғофил, агар огоҳ эсанг,  
Ҳеч ғамим йўқ сен манга гар дилбару дилхоҳ эсанг.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Чашми бемори ту ҳардам нотавонам мекунад,  
Лаъли жон бахши ту, жоно, қасди жонам мекунад<sup>133</sup>.

Султон соҳибқирон хизматидин ғариблик ихтиёр қилиб, Самарқандда қолғонда оғасининг қотили шаҳодат мартабасиға еткурди.

Д а р в е ш б е к — Мирзо Али Идигу Темур<sup>134</sup> ўғлидур. Насаби худ олам аҳлиға зоҳирдур.

Ҳасаби жонибидин ҳам насабча шариф бор эрди. Ҳасаб ва насаб била ороста йигит эрди ва табъи дағи бағоят хуб эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Бубин ба қабри шаҳидатки, куштаи ситам аст,  
К-аз оташи дилу аз новаки туаш алам аст<sup>135</sup>.

Абқои жинсида андоқ киши йўқ эрди. Ҳайф ва юз ҳайфки, Тошканд юрушида зоеъ бўлғонлар орасида талаф бўлди. Чун фано селобиға ғарик бўлди, қабри муттаайин эрмас.

М и р з о б е к<sup>136</sup> — инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади

замона бу навъ таърифлардин мустағний.

Бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур. Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди. Бу матлаин фақир тугатиб анинг ёдгори девонда битибмен. Ҳайф ва юз ҳайф ва дариг ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин бар емади.

Мазори Самарқанд маҳфусасида Аҳмад Ҳожибек<sup>137</sup> (салламаҳуллоҳ<sup>138</sup>) мадрасасида муттаайин мадфанларидадур. Макони равзаи жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсун!

С а й и д Ҳ а с а н А р д а ш е р <sup>139</sup> бу фақирға ота масобасида эрди. Андоқким, Мирзобек фарзанд масобасида эрди, ҳам анга ва ҳам фақирға. Бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен. Йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо фақир жониби ғолиб эрди. Тасаввуфда табъй хуб эрди. Салотин тарбияти анинг хузуриға бўлдилар, ўзин йироқ тортти ва лекин Султони соҳибқирон хулқ ва лутфи муфрит билан иш орасиға кюрди ва улуғ тарбиятлар қилди ва майли биттабъ фақр сори ғолиб эрди. Оқибат ҳамул жонибни ихтиёр қилди ва ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодконий (қуддиса сирруху) хизматидаким, муршиди замон эрди ва зикри ўтти, сулук ихтиёр қилиб «арбаин»лар чиқариб<sup>140</sup>, кўп мақосиди маънавий ҳосил қилди. Иккаласи тил била гоҳи назм айтур эрди. Риндлиғи чоғида високи ринд ва хароботийларнинг мажмаи эрди ва бу ишни киши андин яхшироқ-қилмади. Ул вақтда бу қитъани деб эрдиким:

Чи хуш бошад сабуҳи бо дилором,  
Лаболаб аз қадах ҳар дам кашидан  
Чу ғунча ҳар ду дар як пираҳан танг,  
Баҳам печидану дарҳам кашидан <sup>141</sup>.

Аммо тақво ва зуҳд чоғида туркча бу байт ҳам анингдурким:

Илоҳий, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил  
Ки, исён зулмати ичра хароб аҳволу ҳайрондур.

Муборак марқади Миёни Ду жўйда Гозургоҳ йўлида ўз отаси ҳазираси ичида гунбазида эрди. Азизлар ҳазирасиға нақл қилилди.



## **Иккинчи мажлиснинг ихтимоми**

Бу латофат оийн аиззаға ва бу балоғаттазийн ажиллағаким, табълари натижасидин олам аҳли хуш-ҳол ва зехнлари бодасидин хотирлари соғари молломолдур, тенгри таоло аларға боғи ризвонни мақом қилсун, равзаи жинонда ором берсун ва Султон соҳибқирон рўзгориға рухларидин мадад ва файзи беадад еткуресун.

Шоҳеким, эрур сипехр миқдорлиғи,  
Туфроқ аро хасм боису хорлиғи,  
Топсун булар арвоҳи мададкорлиғи,  
Ҳар иштаки бўлса тенгрининг ёрлиғи.

## **УЧИНЧИ МАЖЛИС**

**Алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида моиний абкори аларнинг Дақиқ табълари хуллабофлиғидин назм либоси киядур, назм либоси аларнинг амийк зихнлари мўй шикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигоре топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусохабатидин хушнуд ва бахраманддурбиз**

Ул жумладин куёшеки, рои олам оройи била бу замон мубоҳий ва аҳли замонға шарафи номутананоҳий муяссардур ва дарёеки, табъи гавҳарзойи била бу даврон жайби гавҳардин тўла ва даврон аҳли қўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур.

Ҳазрат Маҳдумий Шайхул-исломий Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий (мадда зиллаҳу<sup>1</sup>) дурурким, то жаҳон бўлғай аларнинг ёруғ хотирларининг натойижи, жаҳон аҳлидин кам бўлмасун ва то сипехр эврулғай, аларнинг очик кўнгуллари фавойиди даврон халойиқидин ўксулмасун. Чун бу мухтасарда мазкур бўлғон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур бўлғон гуруҳнинг муқтадоси ва пешвоси ул гавҳари яктодур, муборак исмлари бу авроқда сабт бўлурдин гузир ва ёзилмаса дилпазир эрмас эрди, журъат бўлди. Чун алар латойифи назми андин кўпроқдурким, ҳожат бўлғайким, баъзи битилғай, ё элга маълум бўлсун деб бирори сабт этилғайким, кутубларининг отин битилса, бу авроқтин ошар ва мусаннафотлари дурлари зинкрин қилилса, гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм қилилур.

## Рубоий:

Ё раб, бу маоний дуррининг уммони,  
Бу донишу фазл гавҳарининг кони  
Ким, айладинг они олам аҳли жони,  
Олам элига бу жонни тут арзоний.

Турфа будурким, Хожа Муҳаммад Таёбодий<sup>2</sup> ким, бир қарн ул ҳазратнинг махсус мулозими эрди, назмларидин бир байт билмас ва билса ҳам назм ва насрларидин бир нукта фаҳм қилмас ва қилса ҳам мақсудқа мувофиқ демас. Борақаллоҳ, камоли қобилият мунча — ўқ, бўлғай! Ул ҳазрат йиллар анинг бадхўйлуғин кўруб сингтурубдурлар ва ўзларига кетурмайдурлар ва аларнинг бу ҳолиға содиқ келур ул байтким:

Раҳравони боркашро саҳл дон ошоми қаҳр,  
Дар даҳони ноқа хори хушк хурмои тар аст<sup>3</sup>.

А м и р Ш а й х и м С у ҳ а й л и й — Хуросон мулкининг муттаайин элиндиндурур. Кичик ёшидин таъб осори ва зиҳин намудори андин кўп зоҳир ва ҳамида ахлоқ ва писандида маош атворидин боҳир эрди, Султон Абу Саид Мирзо хизматиға тушуб махсус мулозим бўлди ва ашъори эл орасида шуҳрат тутти ва ҳоло йигирма йилдин ортуқроқдурким, Султон Соҳибқирон мулозиматидадур ва рафеъ муносиб ва аъло маротибға мушаррафдур; андоқким, мулку мол, балки салтанатнинг барча маслаҳат ва аҳволиға мушорунилайх ва мўътамаддун-алайх<sup>4</sup> ва аморат зайлучасида сокин ва тақарруб маснадида мутамаккиндурким, ҳеч намулойим амрға мансуб ва ношойиста айбға матъун ва маъюб эмас ва бу давлатда андоқки интизоми ҳоли бийик бўлди, назми аҳволи дағи авж тутти ва бу «Ийдия»<sup>5</sup> қасидасининг матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:

Шукр, эй дилки, дигар бор ба сад зебу жамол  
Гардани шоҳиди ийд аст дар оғуши ҳилол<sup>6</sup>.

Бу ғазал матлаи ҳам анингдурким:

Дил, чу шикаста макуш ошиқи хаста ҳолро,  
Санги ситам чи ,мезани мурғи шикаста болро<sup>7</sup>.

Бу матлаъ ҳам ёмон воқеъ бўлмайдур:

Ҳар замонам қоматаш дар нолаи зор оварад,  
Тарсам ин нахли бало девонаги бор оворад<sup>8</sup>.

Ва «Лайли ва Мажнун» маснавийсида, Лайлининг хасталиги таърифида бу байт анингдурким:

Гўйи занахаш зи ҳол гашта,  
Монандаи себи сол гашта<sup>9</sup>.

Агарчи туркча шеърға машғуллук оз қилур эрди, аммо бу матлаъ анингдурким:

Зухд эли тасбиҳ деб хайрон қолур авбош аро,  
Риштаи жисмимни кўрса қатра-қатра ёш аро.

Аввалдин охирғача фақир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортук таърифин қилилса, ўзумни таъриф қилғондек бўлурдин кўрқиб, ихтисор қилилди. Оқибати хайр бўлсун!

М а в л о н о С а й ф и й<sup>10</sup> — бухоролиғдур, андин Ҳирий шаҳриға келди ва аксари кутуби мутадовилотни кўрди ва таҳсил асносида назмға машғул бўлди. Андоқки шеъри шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтти. Бу матлаъ анингдурким:

Дило, васфи миёни нозуки жонони ман гуфти,  
Наку рафти ҳадисе аз миёни жони ман гуфти<sup>11</sup>

Ва санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латофатлик назм қилибтур ва ул тарийқда мухтареъдур. Бу байт ул жумладиндурурким:

Бути пардозгарам к-у ба касон месозад,  
Ҳеч бо ҳоли мани хаста наменпардозад<sup>12</sup>,

Муаммо фанида ҳам рисола битибтурур ва анингдурким:

« قَبْرُك »

исмиға бу

هر دم بسوی زلف جانان میشود  
مع میسازم پریشان میشود

Мавлоно хушёрлиғда бәсе одамиваш ва ҳаё ва адаблиғ йигитдур. Аммо сархушлукда ўзга моҳият бўлур эрди, балки расво нима бўлур эрди. Бу учурда тавбаға муваффақ бўлди. Умед улким, истиқоматқа ҳам муваффақ бўлғай.

Мавлоно Осафий<sup>13</sup> — отаси подшоҳи замоннинг вазорат девонида муҳр босибдур ва ўзининг табъи таъриф қилғуча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик ва раъносифатлик ва худройлик ва худройлик била авқотин зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифоти кўпдурки, агар деса сўз узолур. Мутлақо пандпазир эрмас. Бу жиҳатдин бағоят паришондур. Яхши абёти бор. Аммо бу матлаъ машхурдурким:

Нарехт дурди май муҳтасиб зи дайр гузашт,  
Расида буд балое, вале бахайр гузашт<sup>14</sup>.

Бу туркча матлаъ ҳам анингдурким:

Юз балолар кўрдум, ул ороми жонднн кўрмадим,  
Икки кўзумдин ёмонлик кўрдум ондин кўрмадим.

« بهمن »

отиға бу муаммоси яхши воқеъ бўллубтурким:

برسم سهند تو سرهای سروران  
ده سروران جهان را بسر مران

Иншо оллоҳким, туз йўлға киргай.

Мавлоно Биноий<sup>15</sup> — авсот ун-носдиндур, муваллади Хирий шахридур. Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилға машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Хатға ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусикийға майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб адворда дағи рисола битиди. Аммо мўъжиб ва мутасаввирлиғидин эл кўнглиға мақбул бўлмади. Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади. Эл таъну ташниидин Хирийда туролмай Ирокқа борди. Андин дағи ушбу ранг овозалар йиборди. Аммо чун йигитдурур, қобил ва кўп гурбат ва шикасталиклар тортти, умид улким, нафсиға ҳам шикаст ва тавозеъ етмиш бўлғай. Ҳар тақдир била бу матлаъ анингдурким:

Ба сурма ҳарки сияҳ кард чашми ёри маро,  
Басони сурма сияҳ кард рўзгори маро<sup>16</sup>.

Мавлоно Қомий — Убадиндур. Кичик ёшидин Мавлоно Муҳаммад Бадахший<sup>17</sup> ани тарбият қилди. Таҳсили ул ерга еттиким, Мавлоно анинг сабақининг ухдасидин чиқолмади. Улуғроқ донишмандларга тарбиятин ружуъ қилди. Чун саодатманд йигит эрди, таҳсилди саъйлар қилди. Ҳоло яхши толиби илмдур. Воқеан адаблиқ ва тавозуъ ва инсониятлик одми йигит бўлубтур. Мавлоноға филҳақиқат фарзанд улдур. Шеър ва муаммони ҳам яхши айтур ва очар. Бу матлаъ анингдурким:

Касеки, у сари дастори сарви ман чинад,  
Дигар зи боғ чаро дастаи суман чинад<sup>18</sup>.

« زعمان »

Бу муаммо ҳам ... отиға анингдурким:

کلی داد از کلاستان خودم یار  
که از پرکش تو نام من پروتار

Умид улким бот мутаайинлардин бўлғай.

Мавлоно Олим — донишманд кишидур. Дарс ва ифодаға машғул. Шеърға дағи мулойим табъи бор. Бир кун бир жамоат эл била девонбошиға қазияи арз қилди ва ўз муддаоси мувофиқи арзадошти ҳам, битиб эрди. Девонбоши бу воқеани Хожа Маждиддин Муҳаммад<sup>19</sup> ки, мубошир эрди, анга ҳавола қилди. Мавлоно арзасини хожага берди. Аммо Хожагийннинг майли хотири анинг муаддийлари сари эрди, анинг коғазин ўкумай чирмади ва ғанимлари тарафин тутти. Мавлоно бу байтни муносиби аҳвол айтти, будурким:

Кори моро Хожа Мажиддин Муҳаммад ҳеч кард,  
Коғазии моро нахонд он рӯзу дарҳам печ кард<sup>20</sup>.

Бу байт шуҳрат тутти. Бу матлаъ ҳам анингдурким:

Оям басар ба роҳат пайваста ҳамчу хома,  
Карди зи баҳрам аз хат, эй моҳ, гирд нома<sup>21</sup>.

М а в л о н о    Ҳ а с а н ш о х<sup>22</sup> — Хуросоннинг қадимий шуаросидиндур.  
Шохрух Мирзо замонидин бу фархунда давронғача кўпрак салотин ва акобир ва  
мутгаайин элга ҳам мадҳи ва ҳам марсияси бор. Бу матлаъ анингдурким:

Аз лабат як суҳан бихоҳам гуфт,  
Суҳане з-он даҳан бихоҳам гуфт<sup>23</sup>.

М а в л о н о    М у з х и р — Мавлоно надимшева ва ҳаззол табъ киши учун  
ҳазломез ашъори ва қитъалари кўпдур ва машҳурдур. Ул жумладин, Мутаҳҳири  
Удий<sup>24</sup> учунким, эшакини улуғроқ, жиҳатидин эл музд бериб, тухум учун ўз эшақларига  
секритур эрмишлар. Бу қитъани дебтур:

Мутаҳҳир ҳаст исми бемусаммо,  
Нажасро кай мутаҳҳир метавон гуфт?  
Хараш бар хар жаҳад у зар ситонад,  
Бас ўро кайдии хар метавон гуфт<sup>25</sup>.

Бу мисраъ тазмини ҳам қаламзанлар бобида анингдурким:

Ба як даст шамшеру дасти дигар,  
Қаламзан ниғаҳдору шамшерзан<sup>26</sup>.

М а в л о н о    Ш о м и й — Домғондиндур. Кўп таҳсил қилиб, мутадовилотни  
муқаррар ўткарди. Аммо муллолиғ отиға кирмади. Андин сўнг тиббқа машғул бўлди. Дағи  
кўпроқ, мўътабар кутубни кўрди. Анда ҳам атиббо силкига кўшилмади. Шеърни яхши  
айтур эрди, аммо имлоси дуруст эмас эрдиким, шеърин битгай. Ҳар тақдир била бу  
матлаъи яхшн воқеъ бўлубдурким:

Дидаро гуфтамки, дар рӯяш ба густохи мабин,  
Гуфт густохи чи бошад айни муштоқист ин<sup>27</sup>.

М а в л о н о А б д у л л о — агарчи зоҳир юзидин ҳазрат Махдуми Нуранга ўзин қаробат тутар, аммо маъни юзидин бағоят йироқдур. Сойир шеър аснофидин маснавийга кўпроқ илтифот қилури учун малик ул-калом Фирдавсий Тусий<sup>28</sup> ва ҳазрат Шайх Низомий Ганжавий ва султон уш-шуаро амир ул-умаро ҳазрат Хожа Хусрав Дехлавий «Шоҳнома» билан «Хамса»ни маснавийлариким, бўлғай писанд қилмас. Баҳс балки ҳазрат Махдуми Нураннинг маснавийлариға борурким, писанд қилур, ё йўқ. Биз фақирларким, бу жамоатнинг резачини хони ва хўшачини хирмони тутарбиз, балки ул ҳунар ва қобилият ҳам йўқ ва мундоқ қиши шеъри не истехқоқ била таъриф қила олғайбиз; Ҳар неча дағи андоқ бўлса табаррук ҳайсиятидин ул назм қилғон «Зафарнома» маснавийсидин бу уч байт битилди:

Бас онки бaсе гавмишони нар  
Ба занжир бастанд бар якдигар  
Ки, дар пеши хандак фасиле бувад  
Вазу ҳар яке манъи филе бувад.  
Чаро бояд аз фил кардан ҳазар  
Ки у чорпоест чун гову хар<sup>29</sup>.

Бу тарихдаким бу рисола битилди «Хамса»дин «Лайли ва Мажнун», «Хусрав ваШирин», «Ҳафт пайкар»<sup>30</sup>ға татаббуъ қилди. «Искандарнома» муқобаласида «Зафарнома» назмига машғул эрди. Шеъри эл орасида бағоят машҳур ва ривожи номақдурдур.

Наътда бу байт анингдурким:

Нубуватро туи он нома дар мушт  
Ки, аз таъзим дорад муҳр бар пушт<sup>31</sup>.

Уруш таърифида бу байт ҳам анингдурким, эл ичида бaсе машҳурдурким, уруш фанида ўқурлар:

Фитода дар он паҳн дашти дурушт  
Сари нотарошида чун хорпушт<sup>32</sup>.

Бурунлар йигитлик ҳиссиётидинким, жунундин бир шўъбадурур, баъзи ҳолатида агар бирор нима номулойимлик бор эрди, аммо ҳоло авқоти мазбут ва мақолоти марбут зоҳир бўлур ва ноз ўрнига ниёз ва бурудат муқобаласида сўз ва гудоз жилва қилур, бу давлат анга ва ҳар кимга насиб бўлса, ҳақ таолло арзоний тутсун! Омин.

М а в л о н о Д а р в е ш М а ш х а д и й **33** — сафиҳ ва бадзабон кишидур. Баъзи азизларни, дерларки, ёмон хажвлар қилибдур. Андин ажиб эрмасдур ва таъби ёмонлук сори ҳар неча деса яхши борур. Бу фақир андин жунун ва ошуфталиклар кўрдум, аммо хажвларин зоҳир қилмади. Сойир назмларда бир навъи таъби бор. Бу матлаъ анингдурким:

Онки, аз абруи у дид маҳи ийд асаре,  
Хаст солеки, аз он моҳ наёмад хабаре **34**.

М а в л о н о Х у р р а м и й — Ҳирийнинг одамизодаларидиндур. Аммо ўзида одамийликдин асар, балки бўйе йўқтур. Бадмизожликлари жиҳатидан Хуросонда туролмади, Ироққа борди, андин Макка ва Мадина ва Байт ул-муқаддас, кўпрак анбиё ва машойих мазоротин яёқ бориб, зиёрат қилди, балки икки қатла анга бу риёзат ва машаққат, балки бу давлат муяссар бўлди. Аммо ўз зоти бедавлатлиғлари жиҳатидин бу сафарлардин келгандин сўнгра борғондин бурунроқдин беҳабарроқ ва бадфеълроқ келди ва анинг маддоҳлиғида тил ожиз ва ақл қосирдур. Бовужуди мунча турфалиқ шеър ҳам айтур ва анда кишини писанд қилмас. Бу матлаъ анингдурким:

Овозаи рухи гул то боз бар наёяд,  
Дар бўстон зи булбул овоз бар наёяд **35**.

С а й и д Қ у р о з а — шерозликдур. Таҳсил қилур суратида ғурбат ихтиёр қилиб Хуросонга келди. Бағоят маҳрум ва вожиб ул-риоя ва номурод кўрундиким, ҳам ҳақир ул-жусса эрди ва ҳам сағир ус-син. Анинг муҳофазати аҳволи қилиб, сабақ жиҳатидан дағи баъзи азизларга сипориш қилилди. Улча мақдури шафқат ва мурувват эрди, анинг борасида маръи тутулур эрди, то улким, бир оз фурсатким, ўтти андин ғаройиб ҳам бош ура киришти. Муддате эшитиб-эшитмасга солиб, кўруб-кўрмасга солинди. Оқибат иш булардин ўтти ва анга еттиким, Хуросон мулкида туролмади, Самарқандга борди. Андоқ маълум бўлурким, Самарқанд ҳамрийлари бирла ҳам заду хўрд қилиб, ғолиб бўлмаса, мағлуб дағи эрмас. Анинг ишлари андин машхурроқдурким, шарҳ қилурга ҳожат бўлғай. Бу матлаъ ул бадбахтकिनанингдурким:

Дигар он фасл шуд к-аз лола шамъи базм даргирад,  
Гули раъно шароби лаългун даржоми зар гирад **36**.

С а й и д Қ у т б Л а к а д а н г — самарқандлиғдур. Барча хублукларда Сайид Курозаннинг адили бўла олур, балки ортукроқ. Ҳирийда эрди. Андин фасоде вужудқа келдиким, қатл ҳукми бўлди. Басе захмат тортилди, то бандға қарор топти. Банддин қочиб, ҳоло Самарқанддаким, мажолисда Сайид Қуроza била мажлисоройдир ва анга муътариз ва мутаариз. Мажлис аҳлидин изо кўрмакта мехтар шерик ва назмлардин ул



нокасинанинг майли муаммоға кўпроқ воқеъ бўлгон учун бир муаммосин

« فرید »

битилди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

خالقم واحد بود الله اكبر  
زان مرید احوال آمد كور و كور

Барча салоҳиятин ушбу муаммосидин ихсос қилса бўлур.

М а в л о н о М у қ л и л и й — Туршиздиндур. Надимшева ва ҳакимваш кишидур, мажолисда амсол ва назойир кўп келтурур. Дарвешлик суратида юрур. Бу матлаъ анингдурким:

Муҳтасиб мегуфт дай аз рўи ҳол  
Бода арзон шуд кужои зар ҳалол<sup>37</sup>.

Муддатедурким, оёғиға маразе тори бўлубтурким, ланг бўлубтур ва бу жиҳатдин тараддуд оз қилур.

Д а р в е ш Х у с о м и й — хоразмлиғдўр. Бу матлаъ анингдурким:

Фиғон, эй дўстон к-он лаъли ширин аз ҳавас моро  
Бикүшту ҳеч кас бар сар наёмад жуз магас моро<sup>38</sup>.

М а в л о н о Ш а в қ и й — Чечактудин бўлур. Ўзи мақбул ва таъби мулойим йигитдур. Аммо димоғиға мутолаа жиҳатидин хиффат юзланиб, анга монии мутолаа бўлубтур. Туркин ва форсийда таъби яхши тасарруф қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Бо ғайр дидамат ба сухан кушт он маро  
Лабро чу басти аз сухан осуд жон маро<sup>39</sup>.

Бу тўркча матлаъ ҳам анингдурким:

Бориб овора кўнглум зулфинг ичра мубтало қолди  
Тарахҳум қилки, мендин бордию, эмди санга қолди.

М а в л о н о З и ё — табризликдур. Кўнгулга яқин ширинадолиқ мақбулғина

кишидур. Ҳақир ул-жусса учун асҳобқа мужиби баст ҳам бўлур. Шаҳрға таҳсил учун келди. Таҳсил асносида шеърға ҳам иштиғол кўргузди, дағи яхшигина шеърлар ҳам айтти. Бу матлаъ анингдурким:

Ажаб набвад агар парвона имшаб тарки жон карда  
Ки, бинад нахли умри шамъ бунёди хазон карда 40.

Бу матлаъ ҳам хуб зоқеъ бўлубтур.

Хуш он соатки, ояд турки ман шамшери кин бо у,  
Рақибон жумла бигурезанду ман монам ҳамин бо у 41.

Ва «**خلق**» отиға бу муаммо анингдурким:

ای دردکش زار باددین خالی بولولمور یورتینکیز  
نا تو تالی خملا نهین بز گوشه سیز بر گوشه بیز

М а в л о н о Х а л а ф — табризликдур. Аланжакнинг шайхзодаларидиндур. Хулқда хуб, натойижи табъда эл кўнглига марғуб йигитдур. Таҳсилға Ҳири шаҳриға келди. Ҳоло султонзодаи замон ҳазратида мулозим ва мусоҳибдур ва табъи ҳам асру хуб

воқеъ бўлубтур. «**عیدی**» исмиға бу муаммо анингдурким:

صد شکر که وصل دوست واقع شد باز  
سوز دل و آب دیده مانع شد باز  
خورشید بدیع ما غارب بود  
طالع ددی نمود و طالع شد باز

М а в л о н о М а х в и й — Хуросоннинг одамизодаларидиндур. Яхши табъи бор. Баъзи маҳалда таҳсилға машғул бўлур. Яна йигитлик ҳаво ва ҳаваси ани паришон тутар ва мусоҳиблар паришонлиғи ани сомон қилур. Табъида хилиғина чошни бор. Бу матлаъ анингдурким:

Дудеки, аз дили ман дар шоми ғам барояд.

Бар ёди турраи у пур печу ҳам барояд 42.

М а в л о н о Н а р г и с — хирийдиндур. Мазкур бўлгон тахаллус била назм айтур эрди. Ани «Оҳий» **43**га табдил қилди. Сабабин сўрулди, эрса ободонгина жавоб айтмади. Қайдаким, жузвий рангин сўз ё маънийи нозук кўрса, тасарруф қилурға одат қилибдур. Иншо-оллох, андоқким тахаллусиға тағйир берди бу одатига ҳам тағйир бергай. Бу матлаъ анингдурким:

Ба ёди сафҳаи рухсори у к-аз маҳ фузун омад,

Кушодам фоли мусҳаф «сураи Юсуф» барун омад 44.

М а в л о н о С о л и м и й — Ироқ мулкининг одамзодаларидиндур. Хўросонда фазлиётдин кўп нима касб қилди. Аввал таҳсилға машғул бўлди. Андин сўнгра шеър ва муаммо ва хатқа кўшиш қилди. Яна созлардин уд ва танбур ҳам ўрганди ва мусиқийда ҳам таснифлар боғлади. Ҳам нафсида саломат бор ва ҳам табъида истиқомат. Бу матлаъ анингдурким:

Чунончи ба суврати он офтоб хайронам

Ки, тиг агар занадам чашми худ напўшоном 45.

«**امان**»

исмиға бу муаммо анингдурким:

ذكارم اشارت بلب ميکند  
اکر دیده زاهش طالب ميکند

М а в л о н о Ж а н н а т и й — Хуросон мулкидиндур. Табъи ёмон эмас, аммо ақли ҳам йўктур ва толеи ҳам. Муддате подшоҳ мулозими эрди, фалокат анга базе муставли бўлди, фақир ани йиғиштурдум. Фалак била ситеза қилгонни фалак энгар эрмиш. Ҳеч ерга еткура олмадим. Ҳоло дағи ул навъким бор эрди, саргардон юрур. Тенгри анга раҳм қилгай. Бу матлаъ анингдурким:

Ба май хўрдан чу сокий соғари майро даҳан пўшад,

Чи шуд к-уро ба сарпўше саводи чашми, ман пўшад **46**.

М а в л о н о   А н в а р и й — Балх тарафидиндур. Ошуфта мизожроқ йигитдур. Гоҳи савдоси андоқ ғолиб бўлурким, мизожи сихат қонунидин мунҳариф бўлур, яна кўп заҳмат била муолажапазир бўлур. Бу матлаъ анингдурким:

Эй зи тоби май туро ҳар гуна бар рухсор гул,  
Сабзаи боғи жамолат андаку бисъёр гул<sup>47</sup>.

М а в л о н о   Қ о б и л и й —туршизликдур. Ул сипоҳийлик суратида эрди ва элни ҳажв қилур эрди. Гўё эмди иккаласидин мутабоид бўлубтур. Бу матлаъ анингдурким:

Ажаб навбад ба лутф арзонки, бинавози ғарибонро,  
Навозиш з-онки, расму одати хубест хубонро<sup>48</sup>.

Иттифоқо бу шеъри била ўзин ҳажв ҳам қилибтур. Бовужудким, ҳеч мазаси йўктур ва қофияси ҳам ғалатдур.

М а в л о н о   С и р р и й — Мавлоно Али Шаҳобнинг ўғлидурким, юқори мазкур бўлди. Абдолваш йигитдур. Холо Марвда бир лангари бор, ўтар-борур элга хизмат қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Буд дар даъви ба абрўят маҳи нав тезу тунд,  
Дид чун хуршед рўят сохт худро гирду ғунд<sup>49</sup>.

М и р   Ҳ о ж — сайид кишидур, толиби илмлик ҳам қилур. Яхши таъби бор. Ҳамоноки, илтизом қилибтурким, кўпроқ қасидаси манқабат бўлғай. Аҳёнан бирор ғазал ҳам айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Агар дар гўшаи ғам дур аз он сиймин бадан мирам,  
Халал дар кори ишқ ояд ҳамон рўзеки, манн мирам<sup>50</sup>

М а в л а н о   М о н и й — машҳадлиғдур. Соҳибжамол ва зариф ва раъно йигитдур. Бовужуди улким, атоси беназир косагардурким, чинни ясар ва иниси андоқ нақш қилурким, Чин ва Хитода қила олмаслар. Ул бу икков хирфасидин ор қилиб, бирин кули, бирин чухрасича кўрмас. Чун хусни бор, хусни хати ва хусни каломи дағи бор, ҳар не қилса анга тегар. Бу матлаъ анингдурким:

Чу дар сахрои ғам девонасон бо худ фитад чангам,  
Гаҳе дар чангам афтад сангу гаҳ санг афтад аз чангам<sup>51</sup>.

Мавлоно Сойилий — Жўяннинг Ховаршосидиндур. Дарвешваш ва камсухан кишидур. Баъзи ашъори ёмон тушмас. Бу матлаъ анингдурким:

Маро дар дида танг омад фазои кўху хомун ҳам,  
Ғами Фарҳод ман дорам, балои ишқи Мажнун ҳам 52.

Мавлоно Саломий — шаҳр масжиди жомеъида Мулук гунбазида ходимдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ин бас аз ашки жигаргун зи ғамаш ҳосили ман  
Ки, ба ҳар қатра кушояд гириҳе аз дили ман 53.

Мавлоно Фориғий — Хонақоҳи Жадидийда бўлур. Дарвешваш йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Аз бас ки он жафожў озор менамояд,  
Андак тараҳҳуми у бисъёр менамояд 54.

Мавлоно Жамшед — эмди пайдо бўлгон хуш табъ йигитлардиндур. Ободон котиб ҳам бор. Сойир шеър аснофидин табъи муаммоға

“  
زین”  
мойилдур. исмиға бу муаммо анингдурким:

چکنم نکھت کل را که دماغ من مست  
مست خوشبوی ز مشک سر زلفت پیوست

Мавлоно Шихоб — эмди пайдо бўлгон кичик ёшлик йигитдур. Атоси зикриким, Мавлоно Низом хонақоҳида ўтгиким, муаммоға машҳур эрди. Ўзи дағи

«  
جابر»  
муаммоға кўпрак машғул бўлур, исмиға бу муаммо анингдурким:

آنان که کنند دیده چون ابر بهار  
بینند درو یقین وصال دیدار  
دردا که در آب دیده معروح تو مرد  
بی روی تو ای مادلقا آخر کار

Мавлоно Абдулҳақ — дағи кичик ёшида муаммо фанига шуруъ қилди.

## «Рисъи»

Мутасарриф яхшигина табъи бор.  
анингдурким:

исмига бу муаммо

اشکمن در حسرت آن لب بخون آمیخته  
پیش وی چون کریه تلخ صراحی ریخته

Мавлоно Видоий — Балх навоҳийсидиндур ва капанакпўшлуқ қисватида юрур эрди. Омийдур, аммо латиф табъи бор эрди. Бу матлаъ анигдурким:

Дило, натвон ҳарйфи аҳли тақви жовидон будан,  
Бар дурдкашон ҳам чанд рўзе метавон будан<sup>55</sup>.

Мавлоно Бақоий — камонгарликка машхур ва ўзини муаммойликқа ҳам шуҳрат берди. Аммо фақир ҳаргиз андин муаммоки, нимага ярагай, эшитмадим. Сўнгра шеър айта бошлади. Аммо ғариб хаёллар қилур, аммо таркибни реш боғлар. Дерларки, тирандозлик фанида соҳиб вуқуфдур, биз билмасбиз. Бу матлаъ анигдурким:

Тоба зулфи ту сар даровардам,  
Сар ба девонаги баровардам<sup>56</sup>.

Мавлоно Мушрифий — хирийликдур. Нависандалиқдин бирор нима вуқуфи бор. Гўё қушхона мушрифий эрдиким, таҳаллуси ҳам улдур. Гоҳи ул ишни тарк қилур ва яна гоҳи пушаймон бўлур. Бу матлаъ анигдурким:

Гавҳари ашк нисори раҳи ёре кардам.

Шодам лаз ошиқии хешки, коре кардам 57.

М а в л о н о А с и л и й — машҳадлиғдур. Ҳоло ул шаҳрда мутаайин хуш таъб  
улдур. Насхтаблиқ хатин дағи ямон битимас. Бу матлаъ анингдурким:

Чу ба тифляш бидидам бинамудам аҳли динро.  
Ки, шавад балои жонҳо, ба шумо супурдам инро **58**.

М а в л о н о К а в с а р и й — ҳирйликдур. Кичикдин бери таъбида назм айтур  
қобилияти бор. Аммо машғуллуқ қилмас. Хожа Осафийнинг мусоҳиблиғи  
давлатидиндурким, гоҳ-гоҳи шеър айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Муҳтасиб гар ринд бошад дайро дар во кунад,  
Баҳри риндон бода аз зери замин пайдо кунад **59**.

М а в л о н о Ҳ и л о л и й **60** — турк элидиндур. Ҳофизаси яхшидур, таъби дағи  
хофизасича бор. Сабақ ўқумоқ таклифи қилибдур, умид улким, тавфиқ топгай. Бу матлаъ  
анингдурким:

Чунон аз по фиканд имрўзам он рафтору қомат ҳам  
Ки, фардо бар нахезам, балки фардои қиёмат ҳам **61**.

М а в л о н о Қ а б у л и й — Қундуздин Хуросонга келганда боиси таҳсилни  
зоҳир қилди. Чун думоғида бирор нима паришонлиғ бор ва таврида лавандлиғ, ул  
муддаоси яхши муяссар бўлмас. Бу матлаъ анингдур ўз ҳасби ҳоли воқеъ бўлубтур ҳам  
деса бўлурким:

Хона, эй оқил, чи кор ояд мани девонаро,  
Чун намедонам мани девона роҳи хонаро **62**.

М а в л о н о А б у Т о ҳ и р — Бадахшон вилоятидиндур, илм таҳсили учун

келибдур, бу фақирнинг мадрасасида сабақ ўқур.  
муаммо анингдурким:



исмиға бу

# عاشقان را دل ز هجرانش بسی فریاد کرد ناکه آمد از سفر آناه دله شاد کرد

М а в л о н о Ж о н и й — журжонликдур. «Райхоний» тахаллус килур эрди, вилояти муносабати била анга «Жоний» тахаллус буюрулди. Хили жунун зотида борким, салохат касбиға моньдур, йўк эрса, ғаробатжўй табъғинаси бор. Бу матлаъ анингдурким:

То жилва кард хату лаби ёр сабзу сурх,  
Оташ алам зад аз дили афгор сабзу сурх<sup>63</sup>.

М а в л о н о О ф а т и й — машҳадлиғдур. Ҳалвогарликка мансуб килурлар. Фақир ани кўрмаймен, аммо шеърин эшитибмен. Бу матлаъ анингдурким:

Худо кунад ба хаёли ту ҳар замонам шод,  
Гар аз хаёли ту гардам жудо, худо накунод<sup>64</sup>.

М а в л о н о З у л о л и й — ҳирийликдур. Отаси дарвеш кишидур. Ғазлфурушлуқ килур. Зиҳни сарчашмасидин назми зулоли софи зоҳир бўлур. Бу жиҳатдин анга «Зулолин» тахаллус топилди. Бу матлаъ анингдурким:

Лайли узоре мерасад доман кашон дар хуни ман,  
Дигар надонам чун шавад ҳоли дили мажнуни ман<sup>65</sup>.

С а й и д Н а қ и б и й — ҳам ҳирийликдур. Мир Абдуқодир Нақиб мусоҳиблиғи жиҳатидин бу тахаллусни ихтиёр қилибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Дидаам то шуда аз моҳрухи ёр жудо,  
Дил жудо хун шудаву дидаи хунбор жудо<sup>66</sup>.

М и р Ҳ о ш и м и й — кўфтгарлик<sup>67</sup> била машҳурдур ва толиби илмлиғи дағи бор. Табъи ҳам яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Хушам з-он рўки, тираш дар дили ношод жо дорад  
Ки, хоҳад ёди ман кард аз хаданги худ чу ёд орад<sup>68</sup>.

М а в л о н о С о ҳ и <sup>69</sup> — кабуджомалиғдур. Яхши табъи бор. Ғойибона



шатранжни хуб ўйнар ва табъида жунун чошниси бор. Бу матлаъ анингдурким:

Дўстон, то кай ба кўяш манъам аз рафтан кунед,  
Таркирафтан чўн нахоҳам кард тарки мани кунед **70**.

## پايزده

Муаммо айтур ва яхши очар.

исмиға бу муаммо анингдурким:

آن شاه حسن از دل محزون هر کسی  
بیند سنا هی بسروپا هر طرف بسی

М а в л о н о М о й и л и й — исфаройинликдур. Ул дағи холи аз жунун эмас.  
Аммо табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳаст дар сина зи пайкони ситамкораи ман,  
Жон зи дил тангу зи жон ин дили овораи ман **71**.

М а в л о н о Қ а в с и й — ҳам исфаройинликдур. Хили қобилиятлиғ йигитдур.  
Аммо лаванд, балки тананддур. Ул жиҳатдин ҳеч ишта истиқомати йўқтур. Захим ва  
кучлидур. Ҳеч ишким, анда кучнинг дахли бўлғай, қила олмас. Сипоҳийликқа ҳаваси бор.  
Анда ғам ғайри уят келтурмас. Бу матлаъ анингдурким:

Чу бар ман вақтӣ жонбози либоси хештан пўшад,  
Касе хоҳамки, рўзи марг бар тобути, ман пўшад **72**.

М а в л о н о Ҳ а ж р и й — балхликдур. Бу матлаъ анингдурким:

Шуда бахти бади ман монеи васли ҳабиби ман,  
Чи бадбахтамки, ҳам бахти бади ман шуд рақиби ман **73**.

М а в л о н о Н у р и й — кўпроқ авқот Машҳадда бўлур. Лавандваш ва  
ошуфтасифат кишидур. Бу матлаъ анингдурким:

Дилам бенаво шуд аз ин рў ҳазин аст,  
Ҳамеша, бале, бенавои чунин аст **74**.

М а в л о н о Д о и й — доим Сарахсада ҳазрат Шайх Лукмон (қуддиса сирруху) мазори бошида бўлур ва гоҳо сотиғ-савдоға ҳам иштиғол кўргузур. Бу матлаъ анингдурким:

Жустем он даҳонро болои чоҳи ғабғаб,  
Дар ханда гуфт он маҳ ончоки нест матлаб<sup>75</sup>.

М а в л о н о С у б ҳ и й — Ўба навоҳисиди Гўён чашмасиди бўлур. Мавлоно Муҳаммад Бадахший воситаси била фақирға ошно бўлди. Шеърида хили чошниси бор. Бу матлаъ анингдурким:

Моҳи ман, имшаб ба нури хеш ин кошонаро  
Соз равшан, варна оташ мезанам ин хонаро<sup>76</sup>.

М а в л о н о М а ж н у н<sup>77</sup> — машҳадликдур. Шўх таъби бор, зоти дағи мақбул тушубтур. Хушнавис йигитдур, «бозгуна» хатини андоқ равон ва соф битирким, маҳалли таажжубдур ва кўрмаган киши ишона олмас. Бу матлаъ анингдурким:

Ба ваъз мераваму зор-зор мегирьям,  
Бад-ин баҳона зи ҳижрони ёр мегирьям<sup>78</sup>.

М а в л о н о М а л и к — Бохарз вилоятида Кориздиндур. Ўзин Малик Завзан авлодидин тутар. Бу жиҳаттин «Малик» тахаллус қилур. Ўттиз ёшқа яқинғача назм айтмайдур эрди. Улғайғонда назмға машғул бўлди. Анинг била ҳазл қилувчилар. Малики гов дерлар. Бу матлаъ анингдурким:

Сад исса гар зи Лайлию Мажнун ривоят аст,  
Мову ҳадиси ишқи ту, инҳо ҳикоят аст<sup>79</sup>.

М а в л о н о Ж а л о л и д д и н — Машҳаддиндур. Али Зайниддинким, ул ерда мутгаайин киши эрди ва хонақоҳи ҳам бор эрди, анинг авлодидиндур. Таъбининг

мулойимати муаммо фанида таъриф қилғуча бор.  
муаммо анингдурким:

« احمد »

исмиға бу

بجانب که دلہرا رقیب میخو اهد  
نخوا اهد آمدو روی حبیب میخواهد

Х о ж а М у с о — ўзин шеърга мансуб қилур ва эл қошида шеърлар ўқур. Анинг ахволидин соҳиби вуқуф эл қошида муқаррардурким, таъби назм эмас, ёрмақ бериб, бу тоифага ўз отиға шеър айтурур ва ул навъ шеърларидин бири бу матлаъдурким:

Жоми шаробро сари риндон хубоб шуд,  
Бисьёр сарки дар сари жоми шароб шуд<sup>80</sup>.

М а в л о н о М а ш р а б и й — машҳадлиғдур. Хуш таъб йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Турки ман ҳар гаҳ ки жо дар хонаи зин кардаи  
Хонаи зинро чу суратхонаи Чин кардаи<sup>81</sup>.

М а в л о н о В а ф о и й — ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Кош пайваста бувад ойина пеши назараш,  
То назар жониби ағъёр наяфтад дигараш<sup>82</sup>.

М а в л о н о Ҳ а б и б — машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Чи гуям ҳоли дил бо нозанини ноз парвардам,  
Чу осори муҳаббат зоҳир аст аз чехраи зардам<sup>83</sup>.

М а в л о н о Ҳ а р и м и й ҳам Машҳад хуштабъларидиндур. Шеъри ямон эрмас.  
Бу матлаъ анингдурким:

То ба водии ғам аз ишқи бутон дам задаам,  
Дам зи шоди мани ғамдида дигар кам задаам<sup>84</sup>.

М а в л о н о Қ а л а н д а р ҳам Машҳад зурафосидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Он чи ҳардам дур аз он лабҳои майгун мекашам,  
Коса-қоса аз ду чаши хунфишон хун мекашам 85.

Мавлоно Қироний ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Гарчи Мажнун зи ғами ишқ дили пурхун дошт,  
Лек ҳолеки, маро ҳаст кужо Мажнун дошт? 86

Мавлоно Шодий ҳам Машҳад хуштабъларидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Хонаи дил муҳр шуд аз доғи он қотил маро,  
То пас аз мурдан бимонад меҳри ўлар дил маро 87.

Мавлоно Халил ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Зи тиғи ту, эй қотили дардмандон,  
Чу ғунчааст пур хун дили дардмандон 88.

Мавлоно Ҳайбатий ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Даҳони танги он хуршидрў хоҳам нақу бинам,  
На бинад дийда ҳеч аз хийраги чун рўи у бинам 89.

Мавлоно Фаноий — ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Мани жўлида мў бо ақл аз он бегонаги дорам  
Ки, дар ишқи пари рўе сари девонаги дорам 90.

Мавлоно Қанбарий — Машҳад шуаросидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Нола аз бисёрии жавр аст ҳар ношодро,  
Ман аз он ноламки бо ман кам кунад бедодро 91.

Сайид Ориф — ҳам Машҳад аҳли табъидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Эй пари рӯ гар нишини дар сарои чашми ман,  
Дил бияндозад гилем аз пардаҳои чашми ман<sup>92</sup>.

Л у т ф и й и С о н и й — ул дағи Машҳад шуароси ва зурафосидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Шуда чу меҳмони ман он шамъи шабафруз имшаб,  
Кош то субҳи қиёмат нашавад руз имшаб<sup>93</sup>

М а в л о н о А д и м и й — Мазид танбурачининг ўғлидур. Яхши табъи бор,  
машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Чун зарраам парешон доим дар орзуяш,  
Жамбияте надорам бе офтоби руяш<sup>94</sup>.

М а в л о н о Ш а б о б и й — ҳам Машҳад шуаросидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Эй сарви сихи қомат, эй шўҳи жафопеша.  
Шуд ин тани мажруҳам аз тири ғамат беша<sup>95</sup>.


М а в л о н о Д а р в е ш — ҳам машҳадлиғдур. Бу Дарвеш Равғангардин бошқадур. Бу матлаъ анингдурким:

Доғҳо бар дасти дил к-аз дасти жонони ман аст,  
Гарчи месузад маро осойиши жони ман аст<sup>96</sup>.

М а в л о н о А ё н и й — ҳам Машҳад зурафосидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Накард аз гиръяи зори ман афғон ҳечгаҳ ёре  
Ки, бар афғони зори у накардам гиръяи зори<sup>97</sup>.

М а в л о н о Ғ и ё с и д д и н — ҳам машҳадлиғдур. Яхши

табъи'бор. «  » отиға бумуаммо анингдурким:

مرا مهر و مه نا مهر پانی  
جدا از دل نمیگردد زمانی

С ай й и д Абдуллатиф — ҳам машҳадлиғдур. Ўн тўрт ё ўн беш ёшида бўлғай, муаммони андоқ айтур ва очарки маҳалли таажжубдур. Маълум эмаским, ул ёшда

« حیدر »

ҳаргиз бу фанда андоқ бор экан бўлган.  
анингдурким:

отиға бу муаммо

گریبان از کنج هجر در گلشن گریخت  
سو از گل و درهای اشک از دیده ریخت

Мавлоно Мўхаммад — ул ҳам машҳадлиғдур. Ул дағи кичик ёшда

« محمد »

муаммо фанида жалддур.

отиға бу муаммо анигдурким:

ایکه جز مهر و وفا چیزی نبودت خوی دل  
مهر پیدد گویمت ذکر تو بنما روی دل

Мавлоно Фаҳрий — ҳам

« قباد »

машҳадлиғдур.

исмиға бу муаммо анигдурким:

راکی بر رخ جانان هوای کشت کازار است  
که دل از روی آنمه بدد خود گرفتار است

## № “صفى”

исмиға бу муаммо анингдурким:

باشد دل هر کس بیکى آینه بنما  
ز آینه طلعت یار است دلما

Мавлоно Рукний — шерозликдур. Таъби ямон эмас. Бу матлаъ анингдурким:

Гар мажולי як сухан ёбам (ки) бар дилдори хеш,  
Арза дорам пеши у шарҳи дили афгори хеш<sup>98</sup>.

Мавлоно Носихий — хуштабъ йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Касеки, сафҳаи руи ту дар назар дорад,  
Кай аз мутолаа хоҳадки чашм бардорад<sup>99</sup>.

Мавлоно Тойрий — астрободлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Хушам ба ишқ, гарам рўзу рузгоре нест,  
Маро ба неку бади рузгор коре нест<sup>100</sup>.

Сайид Хазиний — ҳам астрободлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Водии ҳижронки, нест ғайр дарду ғам дар у.  
Бо хаёли у фароғат дорам аз олам дар у<sup>101</sup>.

Мавлоно Маҳдий — ҳам астрободлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Соқий набувад беадабиҳо ажаб аз мо,  
Мо мардуми мастем наёяд адаб аз мо<sup>102</sup>

М а в л о н о Т о й и ф и й — зиёратгоҳлик бўлур. Бу матлаъ анингдурким:

Манки, дар хайли сагонаш жо муайян сохтам;  
Аз ғубори остонаш дида равшан сохтам **103**.

М а в л о н о Н о й и б и й — таёбодлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Гаҳеки лола бирўяд зи хоки аҳли назар,  
Зи доғи дил бувад он лолаву зи хуни жигар **104**.

М а в л о н о С и ф о т и й — эмди пайдо бўлғонлардиндур. Фақир ҳануз ани  
кўрмайдурмен, аммо шеърин эшитибмен. Бу матлаъ анингдурким:

Баски, дар сар ҳаваси рўи ту дорад дида,  
Пушт суи ману рў суи ту дорад дида **105**.

М и р Л а в а н д — жаҳонгашта кишидўр. Қаландарлик суратида юрур эрди. Холи  
аз фазлу табъ эмас эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Рухашро моҳ гуфтам, шаҳри аз гуфтори ман пур шуд,  
Зи дандонаш сухан гуфтам, даҳони ман пур аз дур шуд **106**.

М а в л о н о А м и н и й — Муҳаммад Али Амин ўғлидурким, иккинчи  
мажлисда оти мазкур бўлди. Табъи бағоят мулойим йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ёр дар силсилаи нозу итобам дорад,  
Боз девонаги ишқи харобам дорад **107**.

М а в л о н о М у ҳ а м м а д Т о л и б — мажнунваш йигитдур, толиби илмлиғи  
ҳам бор ва шатранжға ажаб машъуфдур ва муаммоға ҳам кўпроқ машғул бўлур. Бу

муаммо  отиға анингдурким:



ندارم جز دوزلفت یار غمخوار  
مرا بی یار و بی غمخوار مکرار

Мавлоно Зийракӣ **108** — шаҳр ичидаги хуш табълардиндур, табъида тасарруф нишонаси бор ва бу матлаъ анингдурким:

Дар роҳи ишқ санги жафо тўшаи ман аст  
Дар кўху дашт лола жигар гўшаи ман аст **109**.

Мавлоно Ваҳдатӣ — бир навъи назми бор ва табъи холи аз ранги эмас.  
Бу матлаъ анингдурким:

Гаштаам беҳол аз он холеки, дар рўхсори уст,  
Офарин бар сонии к-он нуқтаи паргори уст **110**.

Мавлоно Нодирӣ — Марвдиндур. Яхши табъи бор. Фаробат тиламакта хили кўшиш қилур, аммо кўп лаванддур. Муддате фақир била мусоҳиб эрди. Ўзин лавандлиғдин забт қила олмади. Яна ўз ишини кейнига борди. Бў матлаъ анингдурким:

Ба саниг нарм кун, эй чарх, устухони маро,  
Мабодо раҳна кунад тиғи дилситони маро **111**.

Мавлоно Замонӣ — Мавлоно Муҳаммад Омилийнинг ўғлидурким, иккинчи мажлисда оти мазкур бўлди, «Вафой» таҳаллус қилур эрди. Фақир илтимоси била «Замонӣ»ға тағйир берди. Икки жиҳатдин; бир жиҳат буқим, Султон Бадиуззамон Мирзо **112** мулозими эрди, «Замонӣ» — таҳаллусининг муносабати анға кўп бор эрди; яна бир жиҳат буқим, Аҳмад Ҳожибек «Вафой» таҳаллус қилур ва шеъри машҳурдур ва девони ҳам бор. Муносиб эрмас эрдиким, улуғ кишига бежиҳат таҳаллусда шерик бўлғай. Бу матлаъ яхши воқеъ бўлубтурким:

Ба оби дида ҳаргиз кам нашуд сўзи дили зорам,  
Магар аз хок таскин ёбад он оташки, манн дорам **113**.

Мавлоно Савсанӣ — озодаваш кишидур. Кўпрак авқот маҳди ульё «Гавҳаршодбегим» мадрасаси теграсида бўлур эрди. Аммо эмди шаҳрда соқиндур.

Бефоида эл била мусохиблиқ қилмас, невчунким, бежиҳат машаққатларни ўзига раво кўрмас. Умид бўким бу давлат барчаға насиб бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

Мужаррадонки, зи қайди замона озоданд,  
На сайд гашта ба доми касе, на сайёданд 114.

М а в л о н о    Х а л о к и й — шаҳрдиндур. Турк эли оросиға кўп кирмас ўз номуродлиғига машғулдур ва Макка сафарини ҳазрат Махдумий Нуран мулозиматида бориб келди. Зиҳи муваффақ бандайки улдур. Гоҳи назм айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Бе ғамат дам наметавонам зад,  
Даме бе ғам наметавонам зад 115

Бу байти ҳам хуб воқеъ бўлубтурким:

Даст дар дйл бимонду по дар гил,  
Сар ба олам наметавонам зад 116.

Д ў с т    М у х а м м а д — Мурғаний маҳалласидиндур. Ҳам шеърға, ҳам муаммоға табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Балост аз ту ба дил ҳар замон жафои дигар,  
Жафоки, бар дигаре мекуни балои дигар 117.

« صفي »

исмиға бу муаммо анингдурким:

سحر باد دهد بوی از آن کارم  
دل سوخته بر باد صبا پیدارم

Ҳ а с а н    А л и — бу Дўстмуҳаммадға қаробатдур. Анинг дағи шеър ва муаммоға табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Мани бедил нахоҳам соя бошад ҳамнишин уро,  
Биё, эй шоми хажру, гум кун аз рӯи замини уро 118.

## « فریدن »

Бор.

исмиға бу муаммо анингдурким:

نکویان دل دردمندان زار  
فریبدند بیغایت و بیشمار

Мавлоно Фатхулло — дағи эмди ароға кирган наврас йигитлардиндур.

## « بالال »

Муаммоға, табъи яхши бор.

исмиға бу муаммо анингдурким:

چه سان کیرد دلم بازلفت الفت  
عوى دل بیخود زمايد درد و زلفت

Мавлоно Асириддин — толиби илм йигитдур ва муаммоға дағи табъи

## « مقبول »

мулойим тушубдур.

исмиға бу муаммо анингдурким:

من بیچاره آن مه بد نکرد  
که حرفی گفت از من رد نکرد

Мавлоно Ғуборий — исфаройинлиғдур ва кўпроқ авкот Астробод ва Исфаройин саркори Жўян ва Баҳробод ва ул навоҳийда бўлур. Фақирваш киши ҳам бор.

Бу матлаъ анингдурким:

Шабки, мерафтам ба паҳлуи саги он дилафруз,  
Хоб дар чашмам намеомад зи шоди то ба руз<sup>119</sup>.

М а в л о н о Р и ё з и й — Зова муҳаввилотидиндур. Атвори муталлаввин кишидур. Ул вилоятнинг қозиси эрди. Ул амрға мунофий ишлар андин содир бўлуб, маъзул бўлди ва қайд ва мусодаралар торгти ва баса захматлар кўрди, ҳамул мансаб муддаосиға аммо муяссар бўлмади. Ваъз айтиб минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиғлаб важду ҳол қилур. Анинг ишида бу навъ-зарофат кўпдур. Барчадин ғариброқ буким, бу учурда дерларким, шогирдлари била тоғ гаштига бориб, тош юмалатиб, бир фақирға тегиб, ўлуб эрмиш. Яна доруғадин қаён қочиб борғонин киши билмас. У ўзин забт қилаолмас. Бу матлаъ анингдурким:

Малак шуста ба оби Хизр агар домони ман буди,  
Ҳанузам, дасти дур аз домани жонони ман буди<sup>120</sup>

М а в л о н о Т о ҳ и р и й — Ҳирий шахридиндур. Кичикида кафшдўзлукка мансуб эрди. Ҳамул айёмда андин назмлар нақл қилурлар эрди. Улғая кўпрак бўлди. Табъида шўхлик бор. Бу матлаъ анингдурким:

Дил ки сад паргола шуд аз чашми жодуи туам,  
Ман ба як дил не ба сад дил ошиқи руи туам<sup>121</sup>.

М а в л о н о М а ж н у н и й — Балхда бўлур, фақир кишидур, китобатқина қила олурки, важҳи маош ҳосил қилғай. Хожа Уккоша мазорида сокиндур. Гўё шеър тахайюли учун бўлғайким, варақ ул-хаёл муртакибидур, андоқки, ҳам мағлуб бўлғон чоғликдур. Бу матлаъ анингдурким:

Моҳи тобоним иситти қилди бағримни кабоб,  
Ой эди, эмди ҳарораттин бўлубтур офтоб.

М а в л о н о Ҳ а м д а м и й — машҳадликдур. Косагарлик санъатин билур. Бу матлаъ анингдурким:

Бе рухат мотаму ғаме дорам,  
Мотамию чи мотама дорам<sup>122</sup>.

Мавлоно Нажмин — ҳам машҳадлиғдур. Жомабофлиқ ҳирфасиға мансубдур. Бу матлаъ анингдурким:

Сарам он беҳки, зи савдои ту дар по бошад,  
Чун надидам сари онатки, сирримо бошад **123**.

Сайидзодаи Муншӣ — таъбида хейли диққат бор. Аммо аблук йўсуулук **124** йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ёр бар ҳоли ману ағъёр аз афғони ман гирист,  
Бар ману бар ҳоли ман ҳам дўст, ҳам душман гирист **125**.

Мавлоно Осимӣ — ҳирӣлиқдур. Отаси ободон кишидур. Савдо ва тижорат била маош ўтқарур эрди. Ўзи толиби илмлиғ қилур ҳам назм айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Чун оташам зи ҳажри ту бар сар занад алам,  
Созам равон чу шамъ зи гирдоби дида нам **126**.

Мавлоно Фахриддин — фақирнинг киши қоромдиндур. Муаммони яхши очар ва гоҳи бирор муаммо ҳам айтур. Агар бу фанда мудовамат қилса хейли яхши

« **حيدر** »

бўлғудекдур,

отиғабу муаммо анингдурким:

گرچه از دلبران جفا بینم  
شاید از حابری وفا بینم

Мавлоно Максуд — бу Фахриддиннинг инисидур. Анинг ҳам мулойим таъби бор. Ғазал таврида кўшиш кўпроқгина қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Пеши меҳри руи у раҳ баста шуд охи маро,  
То аз он набвад ғубор ойинаи моҳи маро **127**.

М а в л о н о С о ф и й — Кўҳи Соф шайхзодаларидиндур. Тахаллуси ҳам анга далолат қилур. Назмларида Ҳожа Ҳофиз татаббуъи қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Соқийё, сархушаму бодаи софам дори,  
Гар кунам сархуши он беҳки, маофам дори**128**.

М а в л о н о Ф и ғ о н и й — Мир Саид Гўяндадур ва мужаллидлиғ ҳам билур ва нақшбурлиғда хунарманддур. Аммо ани аксар авқот хуштабълиқ иллата паришон тутар. Бу матлаъ анингдурким:

Даме висоли ту аз умри жовидон хуштар,  
Ба ёди васли ту хуш будам ин замон хуштар**129**.

М а в л о н о Б у - А л и — девонавор юрур. Девона бўлмаса эрди, «Бу-Али» тахаллус қилғайму эрди? Бу матлаъ анингдурким:

Халке ба роҳи ишқи ту осуда мераванд  
Ошиқ манаму дигар ҳама беҳуда мераванд**130**.

М а в л о н о Ш а й х и й**131** — табаслиқдур. Муддате Ироққа борди. Андин келганда адвор ва мусиқийға ҳам соҳиби вуқуф бўлуб келди. Гўёки ишлар дағи тасниф қилибдур. Табасдағи авқоф ва тавлият ва шайхлиғин қабул қилиб, Ҳоло ул ишга машғулдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ин на доғест ки бар синаи сўзони ман аст,  
Муҳри ишқ аст ки аз меҳри ту бар жони манн аст**132**.

М а в л о н о Ҳ и р о т и й — не ерлик экани тахаллусидин зоҳирдур. Ямон табълиқ киши эмас. Бу матлаъ анингдурким:

Фасли баҳору мавсуми гулҳо шукуфтан аст,  
Соқий, биёр бода чи ҳожат ба гуфтан аст**133**.

М а в л о н о Б и х и ш т и й — Ҳисор вилоятидиндур. Таҳсил қилғали бу мулкка келибдур. Табъи дағи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Дар каманди ту на ҳар бесару по афтода аст,  
Ин балоестки, дар гардани мо афтода аст**134**.

М а в л о н о А х л и й — Туршиз вилоятидиндур. Табъида хейли чошни бор. Бу матлаъ анингдурким:

Душ афғони ман аз чашми малойик хоб бурд,  
Хирмани маҳрози туфони сиришкам об бурд 135.

М а в л о н о Н а р г и с и й 136 — Марв вилоятидиндур. Мазлумваш йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Онроки дарди ишқи ту девона сохта,  
Мажнун сифат бағўшаи вайрона сохта 137.

М а в л о н о Х и з р и й — гўёки бировнинг мамлуки эркандур 138. Хожаси ани, ё ул хожасини озод қилибтур. Бори хожавор юрур ва ўзин озодаваш кўргузур. Бу матлаъ анингдурким:

Умри ман берухат, эй зухражабин, мегузарад,  
Ҳайф аз авқоти шарифамки, чунин мегузарад 139.

М а в л о н о Б о т и н и й — фақир ва сода кишидур. Балхда бўлур. Таваккул қадами била Маккага бориб келди. Дағи Балхда гўша ихтиёр қилди. Бу матлаъ анингдурким:

Баски, дори тангдил, эй ғунчаи хандон маро  
Жон зи дил омад ба тангу дил гирифт аз жон маро 140.

М а в л о н о Ф а з л и й — хирийликдур. Кичик эрканида наққошлиқ қилур эрди ва назмғина ҳам айтур эрди. Ўзин тамом шоир хаёл қилғондан сўнгра тамоми наққошлиқни тарк қилиб, шоир бўлди. Бу матлаъ анингдурким:

Зоҳид, биёр хирқаву раҳни шароб кун,  
Асбоби зухду хонаи тақви хароб кун 141.

М а в л о н о Ш ў х и й — Шайх Саид Лоданинг ўғлидур. Агарчи яхшиғина табъ насиби бўлубтур, аммо отаси тавридин ҳам бенасиб эмасдур ва бу матлаъ анингдурким:

Нест раҳ пеши сағони ту мани овораро,  
То бад-эшон гўям аҳволи дили бечораро 142.

М а в л о н о З о ҳ и р и й — дарвешваш йигитдур. Бу тоифа била гоҳи фақир  
қошиға келур, табъи холи аз ранги эмасдур. Бу матлаъ анингдурким:

Соғари бодаки, жон равшан аз он аст маро,  
Мавжи он сайқали ойинаи жон аст маро 143.

М а в л о н о Х у л қ и й — ҳирийликдур. Табъи назмларға ямон эмас. Бу матлаъ  
анингдурким:

Эй сарвиноз, дар дили мо жо намекуни,  
Жо мекуни, вале ба дили мо намекуни 144.

М и р А с а д у л л о ҳ — симнонликдур. Ўз мулкидин илм талабига шаҳрға  
келди ва фақирнинг мадрасасида сабақ ўқур эрди. Сурат ва сийрати яхши йигитдур. Бу

« **آنس** »

муаммо

отиға анингдурким:

ريزد از چشم تر اهل محبت متصل  
آتش هجران او ناچار اشک و خون دل

М и р А ҳ а д у л л о ҳ — Балхдиндур. Ул дағи шаҳрға таҳсил учун келибдур.  
Яхши табъи бор. Бу матлаъ анингдурким:

Эй шаби ғам, дур аз он шамъи жамолам сўхти,  
Солҳо дар ваъдаи рўзи висолам сўхти 145.

« **پارسا** »

Ва

отиға бу муаммо анингдурким:



پاکان و فرق امل ادراک  
راسر کشته زیر پی او خاک

Мавлоно Шох Али — фақирнинг мадрасасида таҳсил қилур ва фақирга

« خان »  
мутааллиқ элдиндур. исмига бу муаммо анингдурким:

از عم دوران وجود روزگار  
خواهم امين شد رجور روی یار

Мавлоно Зебой 146 —фақир ани кўрмаймен, аммо шеърин эшитибмен.

Бу матлаъ анингдурким:

Қоматат шеваи рафтор чу бунёд кунад,  
Сарвро бандаи худ созаду озод кунад 147.

Мавлоно Саид — сиёҳ жарда кишидур. Ҳамоноки убудиятқа мансубдур, ўз холига муносиб бу матлаъ анингдурким:

Ғуломи хештанам хонад лола рухсоре,  
Сиёҳи рўйи ман кард оқибат коре **148**.

Мавлоно Дарвеш Али — табобатқа машғулдур ва бу фаннинг ҳозиқ ва моҳирлари анинг табъин таъриф қиладурлар. Муолижасин ҳам кўрганлар ўкодурлар. Табъи ҳам яхшидур. Аммо муаммога кўпрак

« ولی »

машғулдур.

исмига бу муаммо анингдурким:

# مزدوی زلفی اوز بد کیشی کوشن بگرفت و کفت درویشی

Мавлоно Қаллоши **149** — атори тахаллусиға муносиб кишидир. Гўё ушбу муносабатдин бу тахаллусни ихтиёр қилибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Онки, бар хубони олам подшоҳ дорад туро,  
Ҳоҳам аз чашми бади мардум нигоҳ дорад туро **150**.

Мавлоно Гадои **151** — туркигўйдур, балки машохирдиндур. Бобур Мирзо замонида шеъри шуҳрат тутти, бир навъи айтур ва унинг машҳур матлаъларидин бири будурким:

Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,  
Бу кўнгулнинг илгидин жонға бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўксондин ўтубдур. Бу матлаъ анингдурким:

Дилбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш  
Ким, анинг дарди қошпда юз ўлум ҳайрон эмиш.

Мавлоно Воҳиди — Мавлоно Ҳожи Муаррифнинг ўғлидур. Машҳадлиғдур ва анда бўлур. Бу матлаъ анингдурким:

То туро турраи анбар шикане пайдо шуд,  
Дили овораи моро ватане пайдо шуд. **152**

Зова Қозиси — яхши таълик йигитдур. Маснавийларни рангин айтур. Амир Хусравнинг баъзи маснавийлариға бу яқинда татаббуъ қилибдур. Ғариб хаёллар қилибдур. Ва ўзга назмлар ҳам айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Ки гўяд бар сарири мулки хуби подшоҳиро,  
Ки бар дар нолаи зорест мискин додхоҳиро **153**.

М и р Ҳ у с а й н — машҳадлиғдур, яқинда таҳсил учун шаҳрға келибтур ва

«Ихлосия» хонақохида бўлур. Табъи яхшидур  
муаммо анингдурким: «لطيف» отиғабу

شاد از آنم که یار ناوک غم  
طرف دل فکنده از بی هم

М а в л о н о К о ш и й — ҳам машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Эй дил, ба ғамаш кай сару савдои ту дорам,  
Парвои худам нест чи парвои ту дорам **154**.

М а в л о н о З о й и р и й — ҳам машҳадлиғдур. Толиби илмликқа мансубдур. Бу  
матлаъ анингдурким:

Маро сарвест дар дил карда жо, дар чашми равшан ҳам,  
Чу гул покиза рӯ ҳамчун сабо покиза доман ҳам **155**.

М а в л о н о Қ о н е и й — ҳам бу тоифадин. Бу матлаъ анингдурким:

Руҳи ту қиблаи дилҳои беқаророн аст  
Нишони пой ту меҳроби хоксорон аст **156**.

М а в л о н о З и ё и й — Нишопур зурафосидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Ба хуни ошиқ имшаб ташна бинам лаъли серобаш,  
Мадеҳ май, соқиё, тарсамки, аз масти барад хобаш **157**.

М а в л о н о Н у р и й — дағи Нишопур шуаросидиндур, ғайри ул Нурийки  
машҳадлиғдур. Бу матлаъ анингдурким:

Хадангатки, шуд нахли гулзори дил  
Наёварад боре магар бори дил 158.

М а в л о н о Ф а й з и й — жўнободлиғдур. Кўпрак авқот Гозургоҳда бўлур ва толиби илмлиқ қилур. Табъи назмларда дағи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Гарчи дашномам расад аз лаъли шаккарбори у,  
Ҳаст як ширине дар талхии гуфтори у **159**.

М а в л о н о А й н и й — ўбалиқдур. Ҳофиздур, китобат ҳам қилур ва табъи ҳам назмларда мулойимдир. Бу матлаъ анингдурким:

Манам дур аз маҳи рўи ту ҳар шаб то саҳар гирён,  
Суроҳивор дил пур хуну бар сар чашми тар гирён **160**.

М а в л о н о М у ʻ и н и й — шерозлиқдур. Бу матлаъ анингдурким:

Аз сад сухан ба ҳийла яке гуш мекуни,  
Он ҳам нагуфтаам кифаромуш мекуни **161**.

М а в л о н о Х и з р и й — ул дағи эмди пайдо булғон йигитлардиндур ва сиғари синдадур. Умид улким, яхшироқ айтқай. Бу матлаъ анингдурким:

Зи ҳажрат дил дамодам нолаву оҳу фиғон дорад,  
Ғамат гар қасди дил мекард, акнун қасди жон дорад **162**.

У с т о д М у х а м м а д У б а ҳ и й — кордгарлик санъатиға мансубдур. Фаҳми ёмон эмас. Бу матлаъ анингдурким:

Насими хулду умри Хизр мебахшад агар дони,  
Ҳавои дашти Гозургоҳ оби жуи Султони 163.

М а в л о н о К а в к а б и й — мунажжим йигитдур ва ўз фаниға муносиб тахаллус ихтиёр қилибдур. Фақир андоқ хаёл қилурменким, они кўрмаймен. Баъзи ёронлар дерларким, кўрубсей, хотирға келмади. Бу матлаъ анингдурким:.

Бе рухаш ҳар қатраи хун бар сари мужгон маро,  
Машъале бошад фурузон дар шаби ҳижрон маро 164.

М а в л о н о М е ҳ н а т и й — ул дағи эмди пайдо бўлгон шоирлардиндур. Фақир ани ҳануз кўрмаймен. Бу матлаъ анингдурким:

Саҳар чу бўи худ он моҳ дар никоб гирифт,  
Фигон зи халқ баромадки, «офтоб гирифт» **165**.

М а в л о н о Ш у к р и й — масаломез айтурда Мавлоно Сайфийға татаббуъ килур. Ул услубда зехни яхши борур. Бу матлаъ анингдурким:

Чу зи хат пурсамат аз мушки Хўтан мегўи,  
Чанд бо мо ба саризулфи сухан мегўи **166**.

М а в л о н о Ҳ а қ и р и й — эмди пайдо бўлгон хуш табъ йигитлардиндур. Аммо табъида хили чошниси бор. Ҳирийлиқдур. Бу матлаъ анингдурким:

Меравам дар гўшаи майхона чо хуш мекунам,  
Жоми май меёбаму онжо фурукаш мекунам 167.

М а в л о н о А с и р и й — ҳам эмди зухур қилган шуародиндур. Аммо назми хануз шуҳрат тутмайдур ва шеърида масал равиши бор. Бу матлаъ анингдурким:

Шудам аз ёр жудову ба бало уфтодам,  
Чи бало буд ки аз ёр жудо уфтодам **168**.

М а в л о н о С а ъ д — мутасарриф таъблиқ шоирдур ва табъида хейли хаёлангезлик бор. Бу матлаъ анингдурким:

Барги гул нестки уфтода ба тарфи чаман аст,  
Пунбаи доғи дили булбули хунин кафан аст **169**.

Х о ж а К а л о н Б а з з о з — шаҳр элидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Анжум машумур он чи дар ин гунбази хазрост,  
К-аз баҳри тамошои рухат дидаи ҳаврост **170**.

Х о ж а М а н с у р — Журжон мулкидиндур ва битикчи қавминдур,  
филвоқеъки, ул қавмда андин одамивашроқ ва инсониятлиқроқ киши йўқтур. Таъби  
бағоят яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Пардаи лола тихи дидаму оғушта бахун,  
Ёдам омадки маро рафта дил аз парда бурун **171**.

С у л т о н М а ҳ м у д — Хожа Мансурға қаробат бўлур, Хожа Шамсиддин  
Муҳаммад битикчининг, ўғлидур. Нужум илмини истихрож қилғуча билур. Бу матлаъ  
анингдурким:

Шуд рўзгори ман сияҳ аз ҳажри ёри ман,  
Касро мабод рўзи ману рўзгори ман **172**.

М а в л о н о Н и з о м — астрободлиғдур. Қасидани яхши айтур ва бу «Баҳория»  
қасидаси яхши воқеъ бўлубтурким:

Боз гулзори хат аз сабзаи тар пандо кард,  
Кори бўстони жаҳон ранги дигар пайдо кард **173**.

М а в л о н о Ё р и й — астрободлиғдур. Таъбида хили шўхлуқ бор. Бу матлаъ  
анингдурким:

Нахоҳам пеши мардум дида бар рухсори ёр афтад,  
Чу пеш ояд назар бар рўи у беихтиёр уфтад **174**.

М а в л о н о Д о и й — ҳам астрободлиғдур. Ғариб хаёл топмоқ ҳузурида кўп  
бўлур. Бу матлаъ анингдурким

Он парироки, зи гулбарги қабо дар бари уст,  
Ҳар тараф банди қабо нестки, болу пари уст **175**.

Б о б о Ш ў р и д а — қасидахонлиққа маъруф ва машҳурдур. Таъб аҳлининг  
кўпи била мусоҳиб бўлубтур ва таъбида кўп чошни зоҳир бўлур. Қарилик  
бобида айтилган маснавийдин бу байт анингдурким:

Қадам шуд чун камону умри ман шаст,  
Жавони ҳамчу тир аз шасти ман част **176**.

М а в л о н о С у ф и й — ҳам астрободлиғдур. Яхши табъи бор ва иншоси ҳам хубдур. Бу матлаъ анингдурким:

Нест дар ҳажри туам заъф зи бемории дил,  
Тарсам озурда шавад табъи ту аз зории дил **177**.

М а в л о н о Ҳ а м и д г у л — Мавлоно Абдулваҳҳобнинг ўғлидурким, оти юқори ўтти, фузул ва девонадур. Лутфи табъдин холи эмастур. Бу матлаъ анингдурким:

Шаб хоки тийра бистари мо бедилон бас аст,  
Чодиршаби кашидаи мо осмон бас аст **178**.

М а в л о н о Б и ҳ и ш т и й — Ҳамид-гулнинг инисидур. Аммо ҳам табъда, ҳам таврда анга ҳеч нисбат йўқтур. Бу матлаъ анингдурким:

Шамъ, имшаб тарки даъви бо рухи он моҳ кун,  
Тира карди мажлиси моро, забон кутох кун **179**.

М а в л о н о Ф и ѓ о н и й **180** — Хожа Афзалға қаробатдур. Яхши табъи бор. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳар ки чун сурати Чин дидаба рӯи ту кушод,  
Чашми дигар зи тамошои ту барҳам наниҳод **181**.

М а в л о н о Ш а р о р и й — астрободлиғдур. Гўё рангида хумрат бор учун бу тахаллусни ихтиёр қилибтур. Бу матлаъ анингдурким:

Надорам бештар з-ин тоқати бемехрии жонон,  
Худоё, бар ман он номехрибонро меҳрибон гардон **182**.

М а в л о н о Ф и д о и й — ҳам астрободлиғдур ва сайидзодадурким, зохирий сафоси бор. Отаси била Байтулло сафариға бориб келди. Табъи дағи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳамеша рӯй ба девор буд Мажнунро  
Ки, аз рақиб бишӯшад сиришки гулгунро **183**.

М а в л о н о М а х р а м и й — Астрободнинг мутаайинларидиндур. Толиби илм  
ҳам бор ва Хожа Мансурнинг акасидур ва фақирваш йигитдур. Бу матлаъ анингдурким:

Мудом воизи мо манъи бода нуш кунад,  
Чи хуш бувадки, даме даркашад хамуш кунад **184**.

М а в л о н о А ё н и й — ҳам астрободлиғдур. Хейли тасарруфлуқ таъби бор. Бу  
матлаъ анингдурким:

Дар сар аз лои таҳи хум ҳаваси ҳаст маро,  
Бахти бад бин ки бад-он ҳам нарасад дастмаро **185**.

М а в л о н о В о л а ҳ и й — олий остонда мулозимдур. Бу матлаъ анингдурким:

Он чашмаи ҳаётки, ёбанд жон аз у,  
Жуз обӣ ҳасратам набуд дар даҳон аз у **186**.

С а й и д Х а н ж а р — чечактулӯқдур. Таҳсил учун шаҳрга келди, аммо бот тарк  
килиб сипоҳийлик ихтиёр қилди. Бу матлаъ анингдурким:

Жудо зи ёр ба жуз дарди иштиёқ надорам,  
Ажал, биёки, дигар тоқатӣ фироқ надорам **187**.

М а в л о н о З о р и й — эмди пайдо бўлгон хуш таъьлардиндур. Бу матлаъ  
анингдурким:

Чу сели ашк зи чашми пур об меояд.  
Ду дида бар сари он чун ҳубоб меояд **188**.

М а в л о н о Н о з и р и й — яхши таъьлиқ йигитдур. Зехнида тасарруф бор. Бу  
матлаъ анингдурким:

Мешавад дар қаҳр агар худро кушам аз баҳри у,  
Ваҳ, чи қаҳр аст он ки худро мекушам аз қаҳри у **189**.



М а в л о н о З о т и й —янги хуштабълардиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Най гарчи дам зи замзамаи зеру бам занад,  
Дар пеши нолаам натавонадки, дам занад 190.

М а в л о н о М и р А л и — Ҳазрат Махдумий Нуран мадрасасида бўлур ва аларға мулозим ҳам бор. Бу матлаъ анингдурким:

Маро бесарв қадаш бошад, эй дил,  
Ба жон ҳар лаҳза тири ҳажр ҳосил 191.

П а х л а в о н К о т и б — ҳам ул Ҳазратнинг ашъор ва мусаннафотин китобат қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Ийд асту маро бемаҳи худ хуррами нест,  
Халқе ҳама дар шодию чун ман ғами нест 192.

### Учинчи мажлисининг хатми

Бу ҳазратким 193, бу мажлис аҳлининг садринишинидурлар саҳоби маонийлари гавҳаррез ва бу жамоатким, ул ҳазрат хирмани маонийсининг хушачинидурлар, гулшани табълари гулафшон ва суманбез, сархайлға вусули илоҳи етсун ва хайлға шарафи саодат ва мағфирати номутаноҳи касиб этсун. Ва Султони соҳибқиронким, ул ҳазратнинг нуқот ва маорифининг дақойиқи алфозини ва ҳақойиқи маонийсини ҳеч донишварлардин яхшироқ билмади ва ҳеч аҳли табъ аларнинг ушри аширини фаҳм қилмадиким, мажлисда назм тарийқида ҳамроз эрдилар ва наср услубида пуктапардоз. Ул ҳазрат руҳониятидин аларға файзи беғоят ва имдоди бениҳоят етсун ва бу фақир ҳамким, бу ҳазратнинг бандаи даргоҳи ва ул ҳазратнинг хоки роҳимен маҳрум бўлмусун.

Чун бор эдилар бу ҳазрату ул ҳазрат,  
Ким, ул ҳазрат ҳақ сари қилди рихлат.  
Бу ҳазрат кўп умр ила топсун давлат,  
Мен бандаға давлатида кунжи узлат 194.

## ТЎРТИНЧИ МАЖЛИС

## Аср фузалоси зикридаким, шеърга машхур ва мубохий эмастулар, аммо аллардин назм тарийқида кўп латойиф зоҳир бўлур ва кўп заройиф бош урар

Ул жумладин:

Паҳлавон Муҳаммад Гўштигирким, кўб фазойил била орастадурким, гўшти фани бавужуди улким, анинг андоқ ҳақ ва мулкидурким, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғай. Ўзга фазойилига кўра дун мартабасидур. Мусикий ва адвор илмида даврининг беназиридур. Чун камолоти «азҳару мин аш-шамс»<sup>1</sup>дур, шарҳ қилмоқ эҳтиёж эмас, фақир Астрободдин бу рубойни Паҳлавон хизматлариға битиб эрдимким:

Дар Каъбаву дар дайр ба иршоди туем,  
Дар савмааву майкада бо ёди туем,  
Зокир саҳару шом ба авроди туем,  
Яънеки, яtimi Неъматободи туем<sup>2</sup>.

Паҳлавон бу рубойни жавоб битиб эрдиким:

Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,  
Доим ба дуогуию бо ёди туем,  
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,  
Мурдему хароби Астрободи туем.

Бу матлаъ Паҳлавоннингдурким, айтқонда Паҳлавонға подшоҳ минг олтун сила иноят қилди:

Гуфтамаш: «Дар олами ишки ту корам бо ғам аст»,  
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст»<sup>3</sup>.

Ҳоло фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур, баъзи эл Паҳлавоннинг насабида таън қилурлар, аммо фақирға таҳқиқ бўлдиким, ёлғон айтурлар.

М и р С а р б а р а х н а — Туркистондиндур. Хуш таъб ва хуш машраб ва хуш суҳбат ва ширин калом кишидур. Атиқ ур-раҳмон Шайх Луқмон (қуддиса сирруху) мазорида йигирма йилға яқин шайх ва мутавалли эрди. Йил бўлдиким, юз минг, юз эллик минг олтунға яқин анинг авқофидин ҳосил қилиб андоқ масрифиға еткурдиким, худо ва халқи худо қошида мустаҳсан тушуб ҳеч киши ҳеч навъ айб топа олмади. Сўнгра худ садорат масканида мутамаккин бўлуб, улви ҳимматдин андоқ олий мансабдин ўз ихтиёри била истеъфо қилди. Ғоят шўх таъблиғидин тирзиқ<sup>4</sup> айтмоқ қоидасин Мир пайдо қилди. Бовужуди бу гоҳ-гоҳ Яхши тирзиқлар ҳам навиш қилурлар ва йигитликда Оқил кунгурга мутааллақ бўлуб, офият тарийқин тарк қилиб, ул тоифаға тобеъ бўлуб эришиб юрурда

анинг пеш салоти ғойиб бўлғонда, Мир маъракада пеш салоти бўлуб айтқон абётдин бу рубоийдурким:

Ононки, парастандаи хуршеду маҳанд,  
Аз чашми ту дар орзуи як ниғаҳанд,  
Кунгур<sup>5</sup> агар ин астки ман мебинам,  
Хубони дигар питанги таълимғаҳанд<sup>6</sup>:

Мир ул вилоятнинг вожиб ул-эҳтиром содотидиндур, агарчи арзол ва хубасо мусаллам тутмаслар ва нимагина дерлар, аммо ул тойифанинг сўзига эътибор йўқтур. Ва Мирнинг муфрит таом емакка кўп шаафлари бор. Ул жиҳатдин кўпроқ авқот имтило<sup>7</sup>маразига гирифтордурлар.

М а в л о н о Б у р х о н и д д и н — Ҳирий шахрининг бузургзодаларидиндур, донишманд ва хуштабъ ва сабукрух кишидур. Бобур Султон отиға муаммо рисоласи битиди «Жавоҳир ул-асмо»<sup>8</sup>ға мавсум. Бу

« شایبیر »

муаммоким,

ҳосил: бўлур, ул рисоладину

Мавлононинг хосса муаммоларидиндурким:

ر بهار جوانی کشیم آه بحسرت  
عمر چو آخر رسید ار پی عارت

Бу фақирға подшоҳ муҳр таклифи қилғонда, тарихе айтиб эрдиким, бағоят хуб воқеъ бўлуб эрди. Аммо чун фақирнинг таърифики, нафс ул-амрда ғайри воқеъдур лозим келур эрди, битилмади, ва лекин асл мисраи будурким:

س این بود که، علیثیر مهرزد<sup>9</sup>

«Ки» лафзидин сўнграғи алфоздин тарих ҳосил бўлур. Ғаройиб иттифокотиндурким, Мир Дарвеш Алиға муҳр иноят бўлғонда ўзининг хотириға «Дарвеш Али муҳр зад» таркиби келиб эрди ва ўн йил тафовут эрди ва рост воқеъ эрди. Ва Мавлоно холо Шохрух Мирзо мадрасасида ва баъзи мадорисда дарсға машғулдур ва қалин талаба истифода қилурлар. Баъзи ёронлар мутойиба юзидин Мавлоноға дерларким, қадимий хуш

табълардинсиз ва ул изтироб қилур, аммо чораси йўқдур.

М и р Ғ и ё с и д д и н А з и з — Машҳадда Имом Али Мусо ар-Ризо равзаларида нақиб ва вилоятнинг улуғидур. Таърифларида баён қосирдур. Бу матлаъ аларнинг деб шуҳрати борким:

Бозам аз дасти буге домони исмат чок шуд.  
Жуз хаёлаш ҳар чи буд аз лавҳи хотир пок шуд<sup>10</sup>.

М а в л о н о М а с ъ у д<sup>11</sup> — Ширвондиндур, ўз мулкидин Ҳирийға келди ҳам ифода, ҳам истифодаға ба жид машғул бўлди. Бу аснода ҳазрат Махдуми Нуран мулозаматлариға етиб, бирор сабақға дағи мушарраф бўлур эрди. Ҳоло маҳди улё «Гавҳаршодбегим» мадрасасида ва яна баъзи мадорисда мударрисдур. Юз ободон толиби илмдин ортуқроқ ҳар кун андин нафъ олурлар, балки йироқ мамоликдин бу тоифа анинг дарси ишқиға ғурбат ихтиёр қилиб келурлар. Яхши ахлоқлик ва дарвешваш ва фонийсифат кишидур. Бир кун фақир била намози пешин қилди. Намоз тугагандин сўнгра яна икки ракаат қилди. Фақир айттим ки, «таҳвилдор ҳисобин адо қилурда фозил келтурмак хиёнат далилидур». Бу сўз шуҳрат тутти ва Мавлоно айтур эрмишким, икки ракаат ортуқси намоз қилдим, йилларким, анинг маломат ва ғароматидин қутула олмон. Бу матлаъ анингдурким:

Бисўз синаи мастон ба рикқати маи ноб  
Ки, нест сўзи маро созкор ғайри шароб<sup>12</sup>.

Ҳ о ф и з Ш а р б а т и й — Хуросоннинг мутгаайинларидиндур. Одамиваш, мугавозеъ ва муаддаб кишидур ва хушхонлиқда фариди замонадур. Султон Абу Саид Мирзо Ироқда бузулғонида Маккага бориб мужовир бўлди. Андин бу тарихқача йигирма беш йилдурким, ул давлатқа мушаррафдур. Табъи дағи хубдур. Бобур Мирзо хиёбонидин май ичиб келадурғонда Мавлонозодаи Абҳарийким, шаҳрнинг муфтиси ва риндваш киши эрди Мирзонинг ёнида сархуш эрмиш, Мирзо Ҳофизға дебдурким, тушуб суроҳини олиб бир байт ўқуб, бир аёқ тут. Ҳофиз суроҳини олиб Мавлонозодадин аёқ тутиб, бу байтни ўқубдурким:

Дар даври подшоҳи атобахшу журмпўш.  
Ҳофиз қаробақаш шуду муфти пиёланўш<sup>13</sup>.

Бобур Мирзо кўп таҳсин эҳсон қилибдур. Ва Ҳофизнинг яхши нақшлари ҳам

## « آناه يار »

бор,

исмиға бу муаммо анингдурким:

جان و ذل در هجروي افكار است  
نکه گزدم حق بر طرف يار است

Х о ж а К а м о л и д д и н У д и й — зариф киши эрди ва ўз замонининг хушнавози эрдиким, барча халойиқ ани мусаллам тутар эрдилар. Таъби ҳам шеъриға мулойим эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Намехоҳам зи дида бар рухат ойинае созам,  
Зи мужгон баҳри зулмат анбаросо шонае созам<sup>14</sup>.

А л и К а р м о л — дағи Удий эрди. Бағоят сафиҳ ва бадзабон киши эрди. Аммо яхши таснифлари бор. Бу матлаъ анингдурким:

Кокулатроки, ба гирди сари у жон гардад,  
Ба сари худ магузарашки, парешон гардад<sup>15</sup>.

М и р А т о у л л о х<sup>16</sup> — Нишопурдиндур. Андин илм таҳсили учун шаҳрға келди. «Кофия» ва «Мутавассит» ўкур эрди. Донишманд бўлгунча бир навъ мустаҳсан маошқа муваффақ бўлдиким, андин ортуқ мумкин эрмас. Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммоға кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилибдур. «Бадоеъи Атоийға» мавсумдур. Эмди баёзға борди. Маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жамъ ва муфидкитоб битимиш бўлғай. Бовужуди ихтисор мақлуби муставий<sup>17</sup> санъатидаким, андин мушкулроқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хос-са бантидурким:

# شكر دهنای غمی زدارید دیر آدنی مغانه در کش

Анинг таъби диққатиға бу байт далили басдур. Фақир густоҳлик юзидин Мирға дерменким, фазойил ва камолотингизға кўра дарवेशлигингиз ҳам бўлса эрди, хуб эрди. Билурким, мусаллам тутмаса, собит қилурмен, заруратдин мусаллам тутар.

М и р М у р т о з — кичик ёшдин бериким, илм касбиға машғулдур. Анга тегруким кўпрак улумда донишманд бўлди — ўз мутолааси. била бўлди. Кеча тонг отқунча ва кундуз оқшом бўлгунча иши мутолаа эрди. Бовужуди бу зуҳди дағи аъло мартабада эрди ва сойим уд-дахр<sup>18</sup> эрди. Бу риёзатлар жиҳатидин маволи анга Мир Муртоз от кўйдилар ва ҳоло бу лақаб била маш-хурдур. Чун баҳсда лажожи кўп эрди анинг била ҳар ким масала баҳс қилса эрди, мулзам бўлмагунча қутулмас эрди, балки мулзам бўлса ҳам. Шаҳр зариф ва шўхлари «Вали шалоин»<sup>19</sup> ҳам дерлар. Ҳоло вузу ва намозида муболаға жиҳатидин анга васвос пайдо бўлубдур, ва шатранжға андоқ мағлубдурким, бир ҳариф илгига тушса, халос бўла олмас. Бу жиҳатдин ҳарифлар андин қочарлар. Машхурдурким, агар икки ҳариф илгига тушса, бири била ўйнаб, яна бирининг этагин берк тутиб ўлтурурким, бири қочса, бори бири илгида бўлган. Ба ҳар тақдир андоқ беназир киши оз бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

То наёяд суи дил ғайри хаёли дилситон,  
Бар сари раҳ мардумони чашм гашта дидабон<sup>20</sup>.

М а в л о н о Ҳ у с а й н В о и з<sup>21</sup> — «Кошифий» таҳаллус қилур, Сабзаворлиқдур. Йигирми йилға яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфўнун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, даҳли бўлмағай. Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳақ-қидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машхур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир уттафсир»<sup>22</sup> дурким, «албақара» сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай. Бовужуди барча хиралиқ ва донолик шаҳр шўхларидин бири Хожа Ҳофизнинг бу матлаъин битиб, минбарининг устиға кўйғондур, будурким:

Воизон к-ин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,  
Чун ба хилват мераванд он кори дигар мекунанд<sup>23</sup>.

Олиб ўқуғач кўп мутағаййир ва музтариб бўлиб, хили хорижи мабҳас сўзлар айтиб неча вақт ваъз айтмади. Хасми номаълум худ ўз мақсудин ҳосил қилди. Аммо

Мавлоно қилғонининг хато эрканига воқиф бўлғач яна ўз иши бошига борди. Бормаса икки хато бўлур эрди. Бок йўқдур, айбсиз тенгридур. Бу матлаъ анингдурким:

Сабз хато, зи мушки тар ғолия бар саман мазан,  
Сунбули тобдодаро бар гули настаран мазан <sup>24</sup>.

М а в л о н о М у и н В о и з — Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Фароҳиннинг ўғлидурким, машохирдиндур. Ҳоло ўзи дағи азим воиздур ва муридлари кўп. Минбар устида девонавор илик ташламоғи ва тахтани тепмаги кўпдур ва ўзин «Муни девона» била таъбир қилур ва кўп баланд ва паст сўзлар айтур. Чун жунунға муътариф, ҳар навъ сўз айтса маъзурдур, шеърида вазн, қофия ва радифға муқайяд эмас, эса маоф бўла олур. Бир қатла Ҳазрат Амир улмўъмнин Али <sup>25</sup>нинг имони тақлидий экандур деганга, ул ҳазратнинг руҳидин ғариб сиёсат ва шиканжалар кўрди. Ҳамоноки тавба қилдиким, қутулди. Ва оғаси Мавлоно Низомиддинким, донишманд ва муттақий ва дарвеш ани деса бўлурким, икки қатла Ҳирий шаҳрининг қазосин тақлиф била анга бердилар. Иккаласи қатла ўзин азл қилди. Умид улким, бу қатла қабул қилғай ва азл қилмағай. Дерларки, айтур эрмишким: «Муини мо қобилияти бисъёр дошт, ин зинапояи чубин уро зоеъ сохт»<sup>26</sup>.

Ҳар тақдир била шаҳрда муқаррар воиз Мавлоно Муиндур. Шаҳр масжиди жомеъида жумъа куни ийдгоҳда икки байрам куни ваъз ул айтур. Бу матлаъ анингдурким:

Магар фасли баҳор омадки, олам сабзу хуррам шуд,  
Магар васли нигор омадки, дил бо васл ҳамдам шуд <sup>27</sup>.

С у л т о н И б р о ҳ и м М у ш а ш а ъ — Султон Муҳсиннингки, Арабистонда подшоҳдир, анинг инисидур. Донишманд ва муттақий ва бағоят аҳл кишидур ва хаттот ҳам бор ва арабий шеърни яхши айтур ва девони ҳам бор. Бу байт анингдурким:

Сол-ал ҳабл фиймо байн фолибин сойил  
Фикам жазз ҳаддалабин мобайн кам ҳабл <sup>28</sup>.

М и р х о н д <sup>29</sup> — Сайид Ховандшоҳ ўғлидурким, Балх (қуббат ул-исломий)нинг мутаайин донишманди ва бузурги эрди ва ўзи йигитликда улум такмили қилди ва ҳоло бовужуди кибари син ва улви насаб ва касрати ҳасабки барча мужиби ужб анониятдурлар, ул миқдор бетаайюн ва фоний машраб ва хуш ахлоқ кишидурким, андин ўтмас. Иншо ва тарих фанида беназирдур. Бу фақир илтимос била аввали офаринишдин бу кунгача тарихи жомеъи битурким, нисфиға етибдур. Иншооллоҳ, тугатурига муваффақ бўлғайким, таворих аросида андин муфидроқ тарих бўлмағусидур. Вусъати машраб била адами таайюн жиҳатидан гоҳи бирор аёқ ичарда дафъи малолат ё касрати нишот учун, нард ўйнарға ҳам таназзул қилурлар. Ва масхлиқ ва мабхутлуқ оламин ҳам кўп таъриф



қилурлар. Амир Хусравнинг «Даръи аброри» татаббуида бу байти хуб воқеа бўлбтурким:

Ҳарки даст аз оби ҳайвон шуст, Хизри вақт ўст,  
В-он ки аз зулмоти нафс омад бурун Искандар аст<sup>30</sup>.

М а в л о н о Х о н д а м и р<sup>31</sup> — Мирхонднинг фарзандидур ва салоҳиятлик

«*زُفَى*»

йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор анингдурким:

отиға бу муаммо

رَوِي أَنْ دَلر بای مهر کسل  
فتنه با خالماش کشت ای دل

М а в л о н о Х а м и д и д д и н<sup>32</sup> — Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодконий (қуддиса сирруху)нинг халафидур. Инсонияти зотий ва дарвишвашлиги жибилий воқеъ бўлбтур. Адаб ва тавозей ва таъзим ва ҳаёси муфрит ва асру беҳад тушубтур. Бузургвор атосининг хонақоҳида дарвешлар бурунги дастур била борча анинг теграсида мужтамеъдурлар. Хилват ва узлат ва само ва сафо мавжуд. Мавлоно ҳануз зоҳир улуми такмилидин фориғ бўлмайдур. Агарчи эҳтиёҳи дағи йўқтур, аммо важҳи акмал била тиларки, такмил қилғай. Табъи бағоят хуб воқеъ бўлбтур ва ботинининг ғоят софлиғидин неча йилдирким, Мавлоно Муҳаммад Араб фирибин еб, ани дарвешлик тарийқида росих, балки мусулмон балки мухлис ҳаёл қилур. Аммо бўла олурким, ўз ҳолининг сатр ва китмони учун маломат тарийқида бу иш ихтиёр қилмиш бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

Гаҳе зи хаста дилон ёд метавон кардан,  
Диле, зи баҳри худо, шод метавон кардан<sup>33</sup>.

М и р К а м о л и д д и н Х у с а й н — Мир Рафеиддин Хусайнга хоҳарзода бўлур. Хуросонда улум таҳсили қилди ва Ироққа тушти. Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб Биёбонгни суюрғол бердиким, юз минг олтунға яқин ҳар йил тегар эрди. Онча ғаниматқа ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонға келиб, дарвешлик ихтиёр қилди ва ҳазрат иршод маобий Нуран хизматида матбуъ ва мақбулдур ва тасаввуф илмида табъи бағоят қобил ва алар истилоҳотидин соҳиби вуқуф. Ҳазрат Хожа Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирруху)нинг «Манозил ус-сойирин»<sup>34</sup> иға шарҳ битибдур ва ани муборак манзилда шайх қилғонда бунёд қилибдур ва китобнинг хутбасин бу оят билан ибтидо



қилибдурки: «Рабби анзилни мунзалан муборакан ва анта хайр ул-мунзилин» **35**.

Ва яна расойил ҳам илгида борким, аларға ўтган киши Мирнинг фазойил ва камолатин фаҳм қилғай.

Мир хушшақл ва хуштабъ ва хушмуховара йигитдур. Барча хунарлар била ороста ва мундин ўзга айби йўқтурким, дарвешваш ва суфиваш кишидур ва ўзин шайхлиқ исмиға мавсум қилибдур ва бўла олурким, бу ҳам аҳволининг сатр ва китмони учун маломатни ихтиёр қилмиш бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

Аз ин боғи жаҳоноро чи сон орам қадам берун

Ки, бошад равзаи хулдаш дарун, боғи Эрам берун **36**.

М и р И х т и ё р и д д и **н37** — яхши табълик, яхши тавриғ йигитдур. Мавлоно Низомиддин қазо маснадида мутаммаккин эрканда, маҳкамаси ва дор улқазосида сижиллот ва қаболжот ва шаръиёт анга, эврулур эрди. Арабият ва фикҳи таъриф қилғунча бор, дёрларки, бир тасниф илгидадурким, туганса маълум бўлурки, не миқдор салоҳияти бор. Оз ишида айб топса бўлур. Аммо ҳабислар дер эрмишларким, дасторин бу навъ донишмандона чирмағунча кўп заҳмат кўрар эркин. Эл тилидин қутулғон киши йўқтур ва «Пои Ҳисор» хавзи туганганида бу таръихни хуб айтибдурким:

Ҳавзеки, чу хоҳам аз сафояш гўям,  
Сад бор даҳан ба оби ҳайвон шўям  
Ҳар чандки, ҳаст манбааш чашмаи

«ساقى كوثر»

Хизр, Таърихи вай аз

жўям **38**.

М а в л о н о М у ҳ а м м а д Б а д а х ш и й — Қундузнинг Ишкамиш отлиғ кентидиндур. Аввали ҳолида андин таҳсил учун чиқиб Самарқандға борди ва бир неча вақт анда сабақ ўқуб Ҳирийга келди. Таҳсил ишин такмил қилур вақтда ғоят хуштабълиғидин ва мусоҳиблар хотири жиҳатидан лавандлиғларға тушти ва риндлик тарийқин ул мартабаға еткурдиким, маст ё махмур бош ва оёқ яланг кўй ва кўча ва бозорда юрур эрди. Ҳодии тавфиқ тавба насиб қилиб, ани туз йўлға кетурди. Ҳоло табъ аҳли орасида андин сомонлиқроқ киши йўқтур. Подшоҳ ва гадоға мақбул ва мулойимдур. Ва муаммо фанида рисола битибдурким, кўп эл орасида машҳур ва шоеъдур. Аммо агар муховиротда гоҳи сўзга бетаамул жавоб берур, чун ғалат кам тушар, ҳеч тушмас ва муаммодин бошқа дағи назмлари бор. Бу матлаъ анингдурким:

Хаёли қоматаш дар дидаи бехоб мегардад,

Чу он моҳики, ҳар су дар миёни об мегардад **39**.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад — Машҳаддиндур. Кўпрак авқот бу фақир  
била мусоҳибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам азизроқ. Ахлоқда малакийдур,  
башар сурати била келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зуҳур қилғок. Таъби  
софий ва тафаккури барча диққатларға вофий. Зеҳни мушкулкушо ва тааммули фунун  
ишколиға расо. Баъзе маҳал бирор назм дағи андин бош урар. Бу матлаъ анингдурким:

Эй басо, тавбаи деринаки, чун тавбаи ман,  
Хубрўён бишикастанд ба як чашм задан<sup>40</sup>.

## « عادل »

Ва исмиға бу муаммо дағи анингдурким:

ببال قد تو جا کرده عالمی در دل  
ان مراد فدا ساخته دلان حاصل

Мир Ҳусайн Муаммои<sup>41</sup> — Нишопурдиндур. Шаҳрда таҳсил қилди.  
Онча ҳамида ахлоқ ва писандида атвори борким, шарҳидин қалам тили ва қаламзан илиги  
ожиздур ва валоят осори ҳолидин пайдо ва фано намудори зотидин ҳувайдодур, Мир  
хизматларида бир тифл таълимин илтимос қилиб эрмишлар ва шогирди андинким,  
туфулият муктазосидур, ўкумоққа коҳиллик қилмиш бўлғай. Мир бир азизға илтимос  
қилибдурларким, шогирдининг атосиға айтғайким, ўғлиға, мулойимат била насихат  
қилсун. Аммо андоқ қилмағайким, тифл билғайким, бу Мир қошидин экандурким, ногоҳ  
кўнгилгинаси Мирдин оғримағай. Мундоқ тарийқи кўпдур ва муаммо фанининг латофат  
ва нозуклугин ул ерга еткурдиким, андин ўтмак мумкин эрмас, ва ҳукм қилса бўлурким,

## « ناصر »

бу йўлни банд қилди.

исмиға бу муаммо анингдурким:

روي آن حور پريوش آفتاب  
ز خاک و باد و آب و آتش آفتاب

Хофиз Муҳаммад Султоншоҳ — хушхон хофиздур ва хушнавис хаттотдур. Булардин бошқа солик ва покиза рўзгор кишидур ва яхши табъи ҳам бор. Бу матлаъ анингдурким:

Шакли ҳилол абрўят аз чашми тар нарафт,  
Моҳи зи айни баҳр, бале суи бар нарафт<sup>42</sup>.

Мавлоно Фаҳри<sup>43</sup> — Ҳирий шаҳрининг одамизодаларидиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Гуфтики ҳаргизам ба ту-дил меҳрибон набуд,  
Эй сарви нозанин, ба туам ин гумон набуд<sup>44</sup>.

Сайид Жаъфар<sup>45</sup> — Сайид Муҳаммад Нурбахшнинг ўғлидур. Шох Қосимдинким, оғаси бўлгай кўп яхшироқдур. Хуросонға келди. Подшоҳ эъзоз ва икром қилгондин сўнгра, йилда беш минг олтун ёрмоқ ва икк юз ҳарвор ошлиқ важҳи маош учун муқаррар қилдилар. Бовужуди улким, бир қуруқ бошлиғ мужаррад киши эрди, оздур деб ёмонлаб Арабистонға борди. Аммо хуштабъ ва яхши йигитдур. Ва лекин, атоси маҳдийлик даъво қилгондин не балоларким, бошиға келди ва ҳоло қирқ йилдин ортукдурким, ўлубдур. Ақидаси хануз будурким, отаси ё Маҳдийдур ё маҳдий экандур. Бу матлаъ анингдурким:

Турки ман даст чу бар ханжари бедод бурд,  
Ташнаро оби зулоли Хизр аз ёд бурд<sup>46</sup>.

Мир Сайид Ҳусайн Абивардий<sup>47</sup> — таҳсил учун вилоятидин шаҳрға келди. Анинг асносида ҳазрат Кичик Мирзо мулозаматида Каъба сафариға бориб Ироқда айрилиб қолди. Андин Рум ва Миср ва Ҳалаб балки ул тарафнинг кўпрак мамоликига мусофират қилиб, олти-етти йил қолиб арабий тилни равон қилиб мутабаррук мазоротға етиб, балки Макка ва Мадинаға мушарраф бўлиб, кўп азизлар суҳбатин топиб, Хуросонға келди. Борурда ақл ва табъи қиллатиға матъун эрди, келганда иккаласин тамом қилиб келдиким, ҳеч кишиға маҳалли таън ва ташнеъ бўлмағай. Бир байт моддасида ақли ва табъи не миқдор эканин исбот қилибдур. Ул байт будурким:

Эй зи меҳри оразат гардун ғулом,  
Юсуфери кардаанд Яъқуб ном48.

Таъби натижаси бу бўлдиким, мундоқ байт айти ва вукуф аҳли бу байтнинг маънисини йўқтур, номавзундур деганда, эмасдур, деб баҳс қилди ва ақл натижаси буким, Хуросон аҳлин тажҳил қилиб, бу байтин хублукға битиб Ироқға Яъқуб Мирзо ўрдусига йиборди ва Мирнинг мундоқ ишлари лоюадду ва лоюҳсодур. Аммо чун қобилдур, бок эмас. Умид борким, ислоҳпазир бўлғай!

С а й й и д Ғ и ё с и д д и н — Машхаднинг содоти, балки нуқабосидиндур. Аҳл ва мулойим кишидур. Мазох ва мутойиба мизожига ғолибдур. Шўхлукдин файласуфваш ва улви насабдин тазвир ва бузург манишликда беихтиёр тушубтур. Чун Саййиднинг хумоюн башараларида суфрат ғолибдур, Саййид ширға ҳам дерлар. Баъзи маймунға ҳам ташбиҳ қилурлар. Фақир худ бу навъ густохликлар қила олмасмен, аммо Мирнинг маркабин ул итга ўшатибменким, анга бир маймунни миндурурлар. Агарчи Мирға нохуш келур, аммо ҳазл била ўткарур. Бу матлаъ анингдурким:

Даме аз дасти дуни во нарастам,  
Биё, соқийки, яқдам майпарастам49.

С а й й и д А с а д у л л о ҳ — яхши

таъблиқдур.

« كدا » « امين »

ва

исми

ға бу муаммо анингдурким:

در امان ز کدامین چمنی تو  
روی جلوه کنان جان منی تو

М а в л о н о Қ о с и м — Мавлоно Абдурахим мунажжимнинг набирасидир. Ўз замонида нужум аҳкомида муқаррар ва мусаллам эрди ва ўзи ҳам нужум фанини яхши билур. Бу матлаъ анингдурким:

Мо масти мудомем зи майхона чи пурсам,  
Аз бешу ками соғару паймона чи пурсам50.

М а в л о н о А л и — ҳамоноки туршизликдур ва таъби муаммо фанида кўп

« ملك »

мулойим тушубтур.

исмиға бу муаммо анингдурким:

عتاب و برا برو کره مز ن یارا  
ذیست تاب عتاب مه رخت مارا

Ш а й х з о д а П у р о н и й — Шайх Абусаид Пуронийнинг халафидур. Икки пуштидин валоят анга маврусийдур. Ва ўз зотида ҳам қабулият кўпдур. Оз фурсатда хутутни андоқ битидиким, ул фан устодлари ўттиз йилда онча битимақдурлар. Ҳоло таҳсидға маш-ғулдур, дерларким, рушд осори зоҳирдур<sup>51</sup>. Бу рубоий анингдурким:

Чунг ман ба ғами ту дар жаҳон фарде нест,  
Дил сўхтаи ниёзпарварде нест,  
Хоҳам ғаму дарди хешро шарҳ кунам.  
Лекин чи кунамки, ҳеч ҳамдарде нест<sup>52</sup>.

М а в л о н о С а ф и й<sup>53</sup> — Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидур. Бағоят дарвешваш ва фоний сифат ва дардманд шева йигитдур. Ҳирийдин Самарқандға Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатиға мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатиға сарафроз бўлуб, яна Хуросонға келди. Таъби хуб воқеъ бўлубтурким, бу матлаъ анингдурким:

Бо лаби лаълу хату ғолиягун омадаи  
Ажаб ораста аз хона бурун омадаи<sup>54</sup>.

М а в л о н о Ш и х о б — Мудаввин лақаби била машҳурдур ва ани «ажойиб ул-махлуқот» деса бўлур. Бовужуди улким, «Каломуллоҳ» оётини бот топар учун тадвин қилибдурким, уламо ва қурро таажжуб ва ҳайрат юзидин таҳсин килурлар. Мундин бошқа ҳам салоҳиятлик кишидур. Бир навъ қадимона шеър ҳам айтур, аммо яқиндур одамийлик суратидин мунхалеъ бўлуб ўзга жонвор суратиға масх бўлғай. Андоқким, инсоният сийратидин субоъ ва баҳойим сийратиға мубаддал бўлубтур. Аммо бу даъво исботиға бу мисраъки «мақлуби муставий» санъатида айтибдур, далил басдурким:

# موش خر فرخ شوم درک رقم قور کرد

Бовужуди булар анга шахр шайх ул-исломидин ажаб зулм ўттиким, ҳеч киши ғавриға ета олмади.

Ҳ о ф и з Ж а л о л и д д и н М а х м у д — «Ихлосия» хонақоҳининг шайхидур ва «Қудсия» масжиди жомеининг хатиб ва имоми ва яхши меҳробхон ҳофиздур. Шеър ва муаммо айтур ва хатни яхши битир. Мунча салоҳиятни бот касб қилди. «Ихлосия» мадрасасиға келганда номавзун ҳам ташлар эди. Эмди ҳам ёнгилиб ҳамул тарийқни маслук тутса ажаб эмас, нечунким, ҳам шайхдур ва ҳам хатиб ва ҳам имом. Бу матлаъ анингдурким:

Масих агар шунавад як такаллум аз даҳанаш,  
Дигар зи шарм набошад мажоли дам заданаш<sup>55</sup>.

М а в л о н о П о м и й — сабзаворлиқдур. Иншо била нома хатин битурга машҳурдур. Аммо иншода ҳеч мунши они бегонмас, батаҳсис Мавлоно Абдулвосеъ<sup>56</sup> ва «нома» хатида ҳеч ҳушнавис они писанд қилмас, хусусан Шайх Абдулло Девона ва Хожай Дехдорки<sup>57</sup>, ҳазрат подшоҳ мажлисида надимлик юзидин кўп элни тақлид ва ташбиҳ қилур мустаҳсан тушар. Мавлононинг такаллумида бир ҳол борким, ани анга ташбиҳ қилибтур, собун чайнайтур ва оғзидин мағзоба зоҳир бўладур ва такаллумни ҳам тақлид қилурда иккаласин аҳли идрок кўп таҳсин қилурлар. Бу матлаъ анингдурким:

Лофад ба хатат нофа зиҳи бесару пои,  
Ғаммози сияҳ ботини мо дар бахатои<sup>58</sup>.

Ба баъзи зурафо дерларким, Хожа Дехдор учун бу матлаъни айтибдур, нечунким хейли муносабати бор ва йироқ ҳам эмаским, чин айтадур эрмиш бўлғайлар (валлоҳу аълам).

М а в л о н о А б д у л в о с е ъ — иншо фанида моҳир, бағоят сабукруҳ кишидур, ул ғоятқачақим, хуффат ва тахаттукга бош тортар. Зурафо анинг била мутойиба кўп қилурлар. Ул ширин изтироблар қилурки, яна муъжиби ҳазл бўлур. Сафоҳат қилса ҳам, элдин қутулмас. Анга бу мансаб Хожа Мажиддин Муҳаммад давлатидин етишти. Дерларки, анинг учун беш юз байтдин ортуқ ҳажви бор ва сойир халқ учун минг байтдин ортуқ. Бу матлаъ анингдурким:



Эй кашида турки чашмат дар қамон пайваста тир,  
Моҳи нав гашт аз камони абрувонат гўша гир<sup>59</sup>.

Х о ж а С у л т о н М у х а м м а д — Шорахтдиндур. Шаҳрда нашъу-намо топти. Хушсухбат ва хушмуҳовара кишидур. Сухбати мужиби баст ва такаллуми мужиби нишотдур ва нома хатин дағи ширин битир ва бошининг туки бирор нима озроқ учун бурун кўп мутараддид ва мутағаййир бўлур эрди. Аммо эмди вусъати Машраби ул ёрга етибдурким, мажлисда бош яланг-ўлтурур ва бир сари мў гами йўқтур. Табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Ба дандон уқдаи зулфи туро хоҳамки бикшоям,  
Аз ин савдо шудам девонаву занжир мехоям<sup>60</sup>.

М и р а к Ҳ у с а й н — анинг ўғлидур ва табъи эмди назмларға мойил бўлубтур.  
Бу матлаъ анингдурким:

Кужо расад зи ту, эй бевафо, висол маро  
Ки, аз жунуни ғамат нест эътидол маро<sup>61</sup>.

« صديق »

Бу муаммо дағи

отиға анингдурким:

نا كنم بر سگان او تقسیم  
دل مجروح کرد، ام بدو نیم

М а в л о н о М у х а м м а д Н о и н и й — аҳл кишидур. Тиб илмидин вукуфи бор. Назмлардин муаммо фанида кўпрак шуури бор. Бу фан устодлари иттифоқ била муаммо таърифин мундоқ қилибдурларким, «мавзун каломдурким, ишорат ва имо била андин от ҳосил бўлур» ва ул дебдурким, «мавзуни калом қайди таърифда ҳожат эмас ва ишорат била ҳам эмасдур». Ва мисол муни дебдурким, бировнинг оти «Садр» <sup>63</sup>дур. Яна биров сўраским, отинг недур? Айт! Ул илик кўксига қўйса, далолат анга қилурким, оти Садр бўл-ғай. Ва биров бир махзан бир ерда дафн қилди ва устида бир занге сарнигун ости, дақиқтабъ нигун «занг» дин «канз»<sup>64</sup> вужудин таҳқиқ қилурким, ҳеч қайсида не каломнинг дахли бор ва не назмнинг». Аммо фан донолари бу тахайюлин банг хаёлотига

## «روح»

хамл қилдилар.

отиға бу муаммо анингдурким:

يخوانه ز حوران بهشتي معبور  
خني بزني و بچشم فكن جانب حور

М а в л о н о Н у р — сода ва абдолваш кишидур. Бир мажлисда анга айтилдиким ҳукамо ҳисси шоммани<sup>65</sup> димоғнинг тўрида таъин қилибдурлар. Бас бу эътибор била машмумотни икки қош орасиға исласа керакки, иси ботроқ маълум бўлғай. Ул бу сўзни маъқулсиниб, яхши ислик ашъени икки қош орасиға қўюб, нафасин юқори тортар эрди. Аммо холи аз таъ эмас. Бу матлаъ анингдурким:

Туро нилуфари пирохану ман монда хайронаш  
Ки, сар бар мезанад хуршед ҳар рўз аз гиребонаш<sup>66</sup>.

М а в л о н о Ш е р А л и — оламнинг машоҳиридиндур. Ўз замонида «насхтаълик» хатин андоқ битидиким, ҳеч киши тақлид қила олмади, балки мушқилки, ҳаргиз ҳам тақлид қилса бўлғай. Таъби ҳам тасаввуф ва ҳам муаммо ва сойир фазлиётда яхшидур. Ҳоло муддатедурким, инзиво ихтиёр қилибдур. Ва ўз номуродлиғиға машғулдур. Ва эл била ихтилоти йўқтурким, тенгри бу давлатни ҳар кимга ҳамки, факр

## «ملنکو»

давлатиға толибдур анга арзоний тутсин.  
муаммо анингдурким:

исмиға бу

كفتيم نامت گفته مارا بجو  
از ما روان پيوسته با ابروبكو

М а в л о н о С у л т о н А л и<sup>67</sup> — машҳадлиғдур. Бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида «насх таълик» хатида қиблат ул-куттобдур ва китобат



мулкининг қаламрави як қалама анга мусалламдур. Онча ҳамида ахлоқ ва гузида атвор била ороста ва пиростадурким, шарҳидин қалам тили ожиз ва ҳусни хулқда назири йўктур ва таъби дағи хуб воқеъ бўлубтур. Бу матлаъ анингдурким:

Гул дар баҳор аз он рухи гулгун намунаест.

Чун ашки манки, аз дили пурхун намунаест 68.

Аммо чун Машҳадийдур, ул алфозға тамом тағайюр бера олмайдур, ва лекин кўп хунар муқобаласида оз айб тушмас.

Мавлоно Султон Али-Қоийиний — дарвеш йигитдур ва ҳазрат Махдумий Нуран мулозаматлари шарафи анга даст берубдур ва алар мусаннафотидин ўзга нима оз китобат қилур ва неча йил Маккада мужовир эрди ва таъби ва салоҳияти кўпдур. Аммо бир кун анга китобат буюрулуб эрди, музд таъйин қилурда муболағани ул ерга еткурдиким, ҳар бир байтим бир тангага арзир, деб бир маънидин йироқ ҳам эмас. Ул сўзларким, ул битир ортуқроққа ҳам арзир. Бу матлаъ анингдурким:

Эй ишқат оташ дар зада номусу нангу номро,

Дода ба бод нести-ю ҳастии хосу омор 69.

Мавлоно Шарифи Боғи Шаҳрий — ҳам котиб йигитдур ва яхши таъби бор ва назмларға дағи иштиғол кўргузур. Бу матлаъ анингдурким:

Навбахорон гарчи гул аз сабза берун медамад,  
Сабзаи хатти ту аз гулбарги тар чун медамад 70.

Мавлоно Шох Али — ҳабисшева йигитдур ва зихни муаммоға яхши

« عيوب »

борур.

исмиға бу муаммо анингдурким:

نرا نکشد دل بسوی باده ناب  
خویش نه بیزند سزاوار شراب

Мавлоно Баҳлул — табибшева, толиби илм

«**خرم**»

йигитдур.

исмиға бу муаммо анингдурким:

رى مى ساقى چو دارم ا انتظار  
لب او ماندهام اندر خمار

Суфий Пир Сесадола — Дарвеш Хусайннинг набирасидур ва Мавлоно Мухаммад Чохунинг ўғлидур. Суфиликқа табобатни зам қилибтур. Гўё мараз риёзатин тортқон соликларга «Муту қабла ан тамуту» <sup>71</sup> иршодин килур. Бу рубоий анингдурким:

Манамоё ба ғайри ман рух, эй сийм зақан,  
К-аз ғояти ғайратам равад жон зи бадан,  
Хоҳам ки шавам мардумаки дидаи халқ,  
То руи ту ҳеч кас набинад жуз ман <sup>72</sup>,

Суфининг мизожининг тезлик ва нозиклиги бу ғоятғача дерларким, бир йигитга тааллуқ лофи урар эрмиш, аммо йигити анинг райи била бормаса сафиҳона алфоз била фаҳш айтур эрмиш ва таёғламоқға дағи ҳам қилур эрмиш (Алуҳдату алар-ровий) **73**.

Мавлоно Васлий — Мавлоно Хожа Калон қозининг ўғлидур. Отасини Ҳирий аҳли иттифоқ била ақл ва раъйға мусаллам тутарлар эрди. Ўзи хейли салоҳиятлик йигитдур. Кабир ва сағир шатранжни хуб ўйнар. Яхши суҳбатлик, хуштабъ ва салим нафас одамийдурур. Бу матлаъни яхши айтибдурким:

Маро дар дида нур аз гарди роҳи он сипоҳ омад,  
Бихамдиллаҳки, нури чашми ман аз гарди роҳ омад **74**.

Мавлоно Фиёсиддин — толиби илм ва хуш-табъ йигитдур. Холо табобатқа машғулдур ва шуҳрати табобатқа ўзга ишлардин кўпрак эмишдур. Балки расоил тасниф қилибдур ва назмларда ҳазрат Шайхнинг «Махзан уласор»иға татабууъ

қилибдур. Рангин ва ҳамвор айтибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Эй сабо, к-он боғи оразро тамошо кардаи,  
Музтариб мебинамат гўё гуле во кардаи 75.

Ш а й х з о д а и А н с о р и й — Шайх Абдулла Девонанинг ўғлидур. Кичик ёшидин таҳсилға яхши машғулдур ва муаммо фанида кўп мулойимат андин зоҳир бўлур, ҳам айтурида ва

ҳам очаридаким, улуғроқ элга маҳалли таажжубдур ва  
смиға бу муаммо анингдурким:

« صاد »

چه اندازی بقصد جان من  
از سرشک چشم خون افشان من

Андоқ зоҳир бўлурким, волидаси ҳам хуш таъбдурур ва «Бедилий» 76 таҳаллус килур. Гўё бу матлаъ анингдурким:

Равам ба боғу зи наргиси ду дида вом кунам  
Ки, то назораи он сарви хуш хиром кунам 77.

Ш а й х А б д у л л о — дағи агарчи мажнуншиор кишидур, аммо чун салим фитрати бор, гоҳ-гоҳ тилига назмлар ўтар. Бу матлаъ ул жумладиндурким:

Мани мискин ба сари кўи ту харчанд давидам,  
Ғайри оҳею сиришке зи дилу дида надидам 78.

Деса бўлурким, анинг уйида зано-марди хуш таъбдурлар.


Х о ж а М а х м у д — сабзаворлиқдур. Бобо Али Хушмардон 79нинг набираси, Хожа Имодиндин Ҳасан ўғлидур. Отасининг яхши-ёмонида сўз деса бўлмаским, бағоят машҳурдур. Аммо жадди дарвеш киши эрди. хонақоҳи ва муридлари бор эрди. Узи

салоҳиятлик йигитдур. Хутутни яхши битир, назми ҳам яхши. Бу яқинда «даржий» <sup>80</sup> битиб эрди ва олти асл қаламни тартиб била сабт этиб эрди ва «дарж»нинг охирида неча байт маснавий ҳам хатлари таърифидида назм қилиб эрди ва сўнгги байтида тарих ҳам «дарж» қилиб эрди. Ул будурким:

Чун усули шаш қалам кардам рақам,  
Гашт тарихаш «усули шаш қалам» <sup>81</sup>.

У с т о д Қ у л м у х а м м а д <sup>82</sup> — Шибирғондиндур. Қичик ёшида ғижжак чолар эрди. Қобилият осори ул фанда андин кўп зохир бўлур эрди. Тарбиятига машғул бўлулди. Ҳоло ул фан устодлари мутааддид анинг мусаннафотин ёд тутуб, шогирдлигига мубоҳийдурлар. Толиби илмликқа дағи машғулдур. Узга ушоқ фазойили ҳам бор: маърифати тақвимдек, наққошлиқдек, хатдек. Аммо уд ва ғижжак ва кўбузни асрида онча киши чала олмас ва. муаммо қавоидин ҳам мазбут

билур.  исмиға бу муаммо анингдурким:



М а в л о н о Ш а р б а т и й — ул фақир қошида улғайибдур. Тарих ва иншодин соҳиби вуқуфдур ва шеър ва муаммодин хабардордур ва наққошлиқ ҳам билур. Бир таснифи илқидаборким, туганса кўп фавойид андин элга мутасаввардур. Абной жинсида онча салоҳиятлик киши оздур. Фунун касбида ул мартабада моҳирдурким, кичик ёшида кориликни ҳам касб қилибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Жунун омад шиор ва меҳри рўи он паризодам,  
Мани девона з-он рў дар забони мардум афтодам <sup>83</sup>.

П а х л а в о н Д а р в е ш М у х а м м а д — Паҳлавон Муҳаммад (алайҳир-рахма)нинг инисидур. Ҳоло-Паҳлавон ўрнида қойим мақоми улдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ин мақоместки, инжо рухи пургард хуш аст,  
Дардмандию ниёзу дили пурдард хуш аст <sup>84</sup>.

## « مجد »

Иниси Хусайний ҳам муаммо айтур.  
муаммо анингдурким:

исмиға бу

بیدل را نموده روی دل لیای  
دل تنکش بغیر از عشق اومیای

М у х а м м а д А л и — ҳам Паҳлавон

## « حسام »

ушшокларидиндур.

отиға бу муаммо анингдурким:

نشنود کس در جهان نام فراق  
ب تو دیدم روز شد شام فراق

Паҳлавон Султон Али Гўштигир — ул дағи Паҳлавон (алайҳир-рахма)нинг хулафосидиндур. Яхши таъби бор. Бу матлаъ анингдурким:

Мусофирест маро дар сафар намеояд,

Ба манки, беҳабарам з-ў хабар намеояд 85.

Х о ж а А б у С а и д — Меҳнадиндур. Ҳазрати Султони тарийқат Шайх Абу Саид Абулхайр (қуддиса-сирруху) авлодидиндур. Хожа Муайяд Девоганинг ўғлидур. Номурод кишидур. Аммо ўз шеърин ўқурда йиғламсиниб ўқур, дағи ўзи мутаассир бўлуб, хардам улуғ тинар, то бас қилмағунча эл тинмас. Бу матлаъ анингдурким:

Ба тавба доданам, эй шайх, изтироб макун,  
Маро, барои ризои худо, азоб макун 86.

М а в л о н о Ҳ о ж и — Машҳадда имом Али Мусо» ар-Ризо (алайҳиттаҳияти вас-сано) **87** равзасида имом ва муаррифдур ва «Гавҳаршодбегим» масжиди жомеида хатибдур. Фозил ва сунний мазҳабдур. Ақл маоши ул мартабададурким, бовужуди тасаннун ул равза бошидағи содот била боришур, бу жиҳатдин баъзи ани нифоққа ва баъзи хуруж мазҳабиға нисбат берурлар. Яхши табъи бор. Бу матлаъ анингдурким:

Кадом айшу танаъум бувад баробари инам  
Ки, сар зи хоб барорам сабоҳу рӯи ту бинам **88**.

М а в л о н о А б д у р р а з з о қ — толиби илм кишидур. Аммо балоҳати ғолибдур. «Гавҳаршодбегим» мадрасасининг талабаси, соҳиб жамъ вазифаларин кечроқ барот битидургон учун шикоятга бу фақир қошиға келдилар. Иттифоқ била сўзни ул айтурға мукаррар қилгон эрмишлар. Фақир жамоати касир кўрдум эрса сўзларин сўрдум. Анинг тақририға ҳавола қилдилар.

Андин сўрулди, эрса бу иборат била такаллум сурдиким «барот наменависад» **89**.  
Ва рангининг хурмати бор учун мутойиблари ани «сурх қалб» **90**дерлар. Бу матлаъ анингдурким:

Жони ман тоза шуд аз лаъли ту хунхории дил,  
Баъдаз ин мову сари кўи туву зории дил **91**.

М а в л о н о Ҳ о ж и — дарвеш ва мункатеъ кишидур ва Ҳазрати Махдумий Нураннинг мулозим ва мусоҳибларидур. Неча қатла Каъбаға бориб, баъзи қатла, ҳамоноки, яёқ ҳам бор экандур. Ул ҳазратнинг андоқки, анинг била хусусияти бор, оз киши била бўлғай. Гоҳи назм ҳам айтур. Табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Пирона санам тоза ниҳоле ба бар омад,  
К-аз мева ғаму ғуссаву хуни жигар омад **92**.

М а в л о н о Ж а м о л и д д и н — Ҳазрат Махдумий Нураннинг қаробатларидиндур. Толиби илм бўлубтур. Агар лавандлиғи муфрит бўлмаса эрди, донишманд ҳам шояд бўлғай эрди. Ул ҳазратнинг шаҳар ичидаги мадрасасида мударрисдур. Бу матлаъ анингдурким:

Манам он қумрии нолон зи шавқи сарви дил жўят  
Ки, дорам тавқи гардан аз хами қуллоби абрўят **93**.

Х о ж а А б у Н а с р — Хожа Муайяд Мехна (алайҳиррахма)нинг ўғлидур.

Меҳна шайхзодаларининг ноҳамвор маоши кўптур. Андоқким, алар ҳар қачон бир-бирлари била низоъ қилсалар, икки жонидин ясол ясаб, ўқ ва қилич ва найза била урушурлар. Аммо ҳоло баъзидейдурларким, Хожа Абу Наср хейли салоҳга кирибдур. Иншооллоҳки, рост бўлғай! Бу матлаъ анингдурким:

Намонад сабру тоқат оташи ғам чун шавад тезам,  
Аз он чун шуъла биншинам даме, сад бор бархезам 94.

Хожа Хусайн Киранги 95 — Абивард вилоятидиндур ва Хожа Абу Наср Меҳнанинг хоҳарзодасидур. Отаси Хожа Қанбар Хуросоннинг мутааййин арбобларидин эрди. Ўзи мужид ва сулб ва якрўй кишидур. Йиллар садорати олий мансабида мутамаккин эрди ва подшоҳ инояти анга аъло даражада. Ул бу иноятқа андоғ, мустазҳирким, баъзи маҳалда подшоҳ маслаҳати учун тенгриликдин ҳам тажовуз қилур эрди бўлғай. Оқибат подшоҳнинг муборак хотириға ани андоқ кўргуздиларким, анинг иложи киши илгидин келурнинг имкони йўқтур. Магар ҳам тенгри подшоҳнинг муборак хотириға солғай (иншооллоҳ). Ва Хожанинг яхши таъби бор. Бу байт анинг абётидиндурким:

Ҳеч оҳе жуз ба ёдат бар намеояд зи дил,  
Ҳеч нақше жуз хаёлат дар намеояд ба чашм 96.

Хожа Қутбиддин — Ҳазрат Шайх Абу Саид Абулхайр авлодидиндур. Бағоят солиҳ ва муттакий ва покиза рўзгор кишидур ва шайх атвори анинг атворидин зоҳирдур. Бу матлаъ анингдурким:

Муддате шуд к-он пари пайкар намеояд ба чашм,  
Соҳт манзил дар дилу дигар намеояд ба чашм 97.

Хожа Юсуф Меҳна — Хожа Рукнидиннинг ўғлидур ва ҳазрат Шайхнинг бузург авлодидиндур. Толиби илм ва солиҳ ва хуш таъб йигитдур ва таъбида кўп мулойимат бор. Бу матлаъ анингдурким:

Дили зорамки, жо дар зулфи он номехрибон дорад,  
Гар аз савдо парешонҳол бошад жои он дорад 98.

Хожа Абу Тоҳир — Хожа Абдуллоҳ Меҳнанинг ўғлидур, хейли латиф таъби бор. Бу матлаъ анингдурким:



Ончи шабҳо бар дилам з-он жаъди пурхам мерасад,  
Бар гирифторони занжири бало кам мерасад 99.

Х о ж а Қ у т б и д д и н А х м а д — Ҳазрат шайх ул-ислом Зинда Фил Аҳмад Жом (қуддиса сирруху)нинг авлодидиндур. Фариштаваш ва малакшева кишидур. Чун Хожа Аҳмад Жомий қуш асраб солур, алар дағи тақлид қилибдурлар. Солур чоғида улоғлари йўк эрмиш, бағоят бийик киши, бир қуллариға ўзларин кўтариб қуш солур эрмишлар. Бу матлаъ анингдурким:

Сабо, биёр ғубори раҳи сувори маро  
Ки, тўтиё бувад он чашми ашкбори маро **100**.

М а в л о н о М у х а м м а д Х у р о с о н и й — лоуболи ва лавандшева, абтарваш кишидур. Ва ҳодии тавфиқ анга раҳнамоилиқ қилиб, ани ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодконий (раҳматуллоҳ) хизматиға солди. Ул бузургвор илгида тавба қилиб, суфия одоб ва таринқиға машғул бўлди ва «арбаин»лар ўлтуруб, дерларким, қушонишлар топти ва яёқ сойим уд-дахр муборак сафарин қилиб ул давлатқа мушарраф ҳам бўлди. Ҳоло узлат кунжида ибодатға машғулдур. Ва бу рубоий анингдурким:

Як чанд зи дўстон жудо хоҳам буд,  
Бо меҳнату дард мубтало хоҳам будх  
То ёр насозад ошноии хешам,  
Бегона зи хешу ошно хоҳам буд 101.

Х о ж а К а м о л и д д и н Х у с а й н — Хожа Низом ул-Мулкнииг ўғлидур. Отасининг таайюн ва иштҳори бурунги Низом ул-Мулкдин ортуғроқ бўлмаса, ўксук ҳам эмас. Эътибор юзидан анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидан орти, нечукким, ул вазир эрди, бу вазорат мансабин тай қилди ва ҳоло ашрофи олий мартабасида мутамаккиндур. Ўзи мулойим йигитдур. «Нома» хатин яхши битир. Ва дерларки, мусиқийда ҳам дахли бор ва баъзи нақшларни анга мансуб қилурлар.

Таъби яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Гарчи дар жаннат насими хулду оби кавсар аст,  
Хонаи хамморро обу ҳавои дигар аст **102**.

Х о ж а А б д у л л о ҳ С а д р **103** — Хожа Муҳаммад Марворид **104**ўғлидурким, муддате вазорат девонида муҳр босар эрди ва ўз ихтиёри била истиғфор қилиб, офият кунжи ихтиёр қилди. Бу тоифадан анга муяссар бўлгондек оз кишига бўлмиш бўлғай. Ўзи кичик ёшида улум касб қилди. Адвор ва мусиқий илмида ва хутут фанида беназир бўлди. Ва қонунни маълум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чолмиш бўлғай. Ва подшоҳ хизматида



олий мансабқа сарфароз бўлди. Уд жумладин бири, садоратдур. Ва иншо фанини ҳам камолға еткурди. Ва ўзи яхши муҳоваралиқ ва яхши хулқлуқ ва яхши суҳбатлиқ йигитдур. Ғафлат ва бепарволиғдин ўзга ҳеч айби йўқдур. Чун йигитдур, умиди дафъ бор. Ва бу матлаъ анингдурким:

То дил даҳону турраи он дилнавоз ёфт, .  
Хўрд оби зиндағони умри дароз ёфт 105.

## « داود »

Бу муаммо

исмиға анингдурким:

چو بلبل دل عشاق جگر خوار  
ی او هر طرفی زان کل رخسار

Х о ж а Я х ё — Хожа Абдуллоҳнинг инисидур. Яхши таъби бор. Бу матлаъ анингдурким:

Ба ин шукрона, эй ҳамдамки, мегўи суҳан бо у,  
Чи бошад гар бигўи шаммае аз ҳоли ман бо у 106.

## « داعی »

Бу муаммо

исмиға ҳам анингдурким:

آن صنمرا بعاشق بیدل  
آمد ورفت کی بود ای دل

М а в л о н о Ф а с и х и д д и н — Мавлоно Низомиддин Ҳиравин

аҳфодидиндурким, аларни Низомийлар дерларким, Хуросонда мундин шарифроқ насаб йўқтур. йигирми ёшига яқин эканда улумни такмил қилди. Ҳоло ўтгуз йилга яқин борким, ифодага машғулдур. Зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмағайким, дарс айтмағай. Ва ҳар бир илмки айтур, кўрида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳраманддурлар. Мунча пуркорлиғ ва рангинликбила ақл ва базли ҳам борким, мунофии бу улумдўр. Кўп ҳамида ахлоқ ва писандида авсофга муттасйфдур. Бовужуди мўнча камол бу фақирнинг таназул қилиб, сафар ва хазарда кўпрак авқот ўз шариф суҳбати билан мушарраф қилур. Неча фикр қилилса, бу тийра рўзгор нақўҳида атвор мусоҳиблиғидин

« غريب »

ўзга айб онда топса бўлмас, аммо айбсиз тенгридур.  
бу муаммо анингдурким:

исмига

مشم کردم بر روی دلر باایی  
که بعشم جاهی و وه چه جاهی

### Тўртинчи мажлис охири

Бу диққатпеша ва зарофатандеша азизлардин агарчи баъзи ажал майидин маст ва беҳабардурлар, аммо баъзи ҳаёт базмида сармаст ва жилвагар ва назмгустардурлар, тенгри таолло ўтган жамоатни ўз қошидин ғарийқи дарёи раҳмат қилсун ва қолғон аҳли хизмат ва убудиятни шоҳ лутфидин шойистаи эҳсони беминнат.

### Рубой:

Ул хайлға тенгри раҳматй ёр ўлсун,  
Бу жамъга шаҳ лутфи мададгор ўлсун,  
Ҳам шоҳқа юз фалакча миқдор ўлсун,  
Ҳам қуллари эҳсонға сазовор ўлсун!

## БЕШИНЧИ МАЖЛИС

«Хуросоннинг ва баъзи ернинг мирзодалари ва сойир» Озодалари зикридаким, табъ саломати ва зиҳи истиқомати аларға боиси назм бўлур, аммо мудовамат қилмаслар

Ул жумладин:

А м и р Д а в л а т ш о х<sup>1</sup> — Фирузшоҳбекнинг амакизодаси Амир Алоуддавла Исфаройинийнинг ўғлидур. Фирузшоҳбекнинг мукнат ва азамати худ олам аҳли қошида гунашдин равшанрокдур, таърифқа эҳтиёж эрмас. Амир Алоуддавла дағи аҳл киши эрди. Аммо димоғи ҳиффат пайдо қилиб, зоеъ бўлди. Ва лекин Амир. Давлатшоҳхуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлиғ йигитдур. Обо ва аждоди тарийқидинким, аморот ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай, кечиб гўшае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанат била қаноат қилди ва фазойил ва камолот иқтисоби била умр ўткарди. Ушбу мазмундаким, бу мухтасар битиладур, «Мажма уш-шуаро»<sup>2</sup> тасниф қилибдурким, ҳар, киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолин маълум қилур. Аммо бу яқинда хабар келдиким, фоний оламдин рихлат қилибдур. Воқеъ бўлса тенгри ани раҳмат қилғай.

Бу матлаъ анингдурким:

Зиҳи аз офтоби оразат чашми жаҳон равшан,  
Зи чашми равшани карда диламро хонумон равшан<sup>3</sup>.

М и р Х у с а й н А л и Ж а л о й и р<sup>4</sup> — «Туфайлий» таҳаллус қилур эрди. Алн Жалойирнинг ўғлидурким, отаси Ёдгор Мирзо эшигида амир ул-умаро ва соҳиб ихтиёр эрди. Аммо ўзининг отасиға нисбати йўктур. Фақиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабъ йигитдур. Назмларға табъи мулойимдур. Аммо қасида услуби анинг ҳаққидур. Андоқки, бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар. Султон соҳибқирон отиға ғарро қасойиди бор. Ул ҳазрат ҳам ани яхши тарбиятлар қилдилар. Андоқким, вилоят билди ва кўш девонида муҳр бости ва парвоначи бўлди ва тақарруб ва наёбатқа дахли бор эрди.

Фалакнинг андинким, фазл аҳлиға ҳасади бор, бир тақсир била они даргоҳи фалак иштибоҳдин йироқ солибдур, анинг худ бу қайғудан кундуз қарори ва кеча уйкуси йўктур. Умид улким, подшоҳона лутф ва карам дастгири бўлғай.  
Бу матлаъ анинг қасойидидиндурким:

Биҳамдиллаҳки, дигар раҳ ба иқболи шаҳи одил,  
Бурун омад гулам аз хору хор аз пову ва по аз гил<sup>5</sup>.

Умид улким, бу матлаъ муносиби ҳоли бўлғай. Бу ғазал матлаи ҳам анингдурким:

Буте к-аз гул бувад озори по дар гашти бўстонаш,  
Чи рў дар дида жўям бовужуди хори мужгонаш<sup>6</sup>.

Айби муфрит лавандлиғ ва жунундин ўзга йўктур.

М и р Х а й д а р<sup>7</sup> — «Сабуҳий» таҳаллус қилур. Ота отадин бу даргоҳнинг бойриси, балки туғмасидур. Бу фақирға шиддати қаробатдин фарзандлиғ нисбати бор. Туфулиятдин шабоб айёмнғача улум иқтисоби қилди ва табъи шеър ва муаммо ва сойир фазлиётда мўлойимдур. Агарчи бот тарк қилди, аммо сипоҳийликда ҳам эрдамларким бўлур, ўқ отмоқда жалд ва қилич чопмоқда чобук ва сойир жалодатларда онча борким, асрининг аҳли писанд қилурлар. Чун жунун нашаъсидин бебахра эмасдур, сулуки

тарийқида кўп офат ва андоз бўлди. Умид улким, оқибат истикоматда росих бўлғай. Бу матлаъ анингдурким:

Май аст лаъли ту ё шахди ноб: аз ин ду кадом аст?

Хай аст бар руҳи ту ё гулоб: аз ин ду кадом аст? **8**

А б д у л в а х х о б — «Суҳой» тахаллус қилур. Шайхимбекнинг хоҳарзодасидурким, Абдурраззоқ атканинг ўғли. бўлғай. Шайхимбек таърифи ўз зикрида айтилди. Абдурраззоқ дағи гўёки Алоуддавла Мирзо<sup>9</sup> девонида муҳр босқондур. Ўзи дағи сипоҳишева йигитдур. Китобе, дерларким, жамъ қилғондур ва отин «Абдолнома» **10** қўйғондур. Аммо фақир кўрмадим. Буким, таъбини гоҳи тағойиси таъриф қилур, анга шу шараф басдур. Бу матлаъ анингдурким:

Доштам аз чашми бемораш ба дил сад гунна дард,

То ба чашми худ надид он дардро бовар накард **11**


Гўёки бировнинг кўзи оғриғонда айтқондур.


С у л т о н Х у с а й н **12** — «Хатмий» тахаллус қилур. Шайх Баҳлулбекнинг ўғлидур. Агарчи отаси холо фақр тарийқин ихтиёр қилиб гўша тутубдур, аммо Султон соҳибқирон давлатидин Хоразм тахтида ҳукумат қилиб, аморат девонида муҳр бости ва оғаси йиллар Балх (куббат улисломи)да ҳукмрон эрди. Ўзи фақирваш ва номуродшева йигитдур. Таъби ҳам холи аз саломат эмас. Бу матлаъ анингдурким:

Маро бисъёр мушқил менамояд фурқати жонон,

Видои жони ширин ҳаст душвор, эй мусулмонон **13**.

М и р И б р о х и м — Султон Хусайннинг ўғлидур ва фақирнинг оғасининг набирасидур. Фақир они ўғил, чилай

асрабмен. Бу  ва

 отиға анингдурким:

# از سر مهر ای زکار دلنواز سوی ابراهیم بیدل بین بنواز

М у х а м м а д С о л и х<sup>14</sup> —исми муносабати била «Солих» тахаллус қилур. Нур Саидбекнинг ўғлидурким, кўп вақтлар Чахоржўй навоҳисидин Адоқ навоҳисига дегича аморат қилди ва Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлат ул-мулк эрди. Аммо бағояг бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. Ўзи мулойим йигитдур. Атворининг отаси атвориға нисбати йўқтур. Анга ҳам ғариб сахв туштиким, Султон Соҳибқирон қуллуғидин ғайбат ихтиёр қилди.

Баъзи дерларким, беҳудлиғ оламида ёмон мусоҳиблар ани бу ёмон йўлга тутубтурлар. Табъида хейли диққат бирла чошни бор. Хатка ҳам қобиляти кўпдур. Бу матлаъ анингдурким:

Наям ошуфта гар пўшида кокул моҳи тобонаш,

Чи ғам аз тирагии шаб, чу бошад субҳ поёнаш? 15

Ш е р а м — Хуросоннинг одамизодаларидиндур. Солим нафслиқ ва салим табълиқ йигитдур ва табъи назм таврида кўп мулойимдур. Бу матлаъ анингдурким:

Ёридин ҳар ким тушар айру паришонлиғ чекар,  
Васл қадрин билмаган мендек пушаймонлиғ чекар,

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Машав носих ба кўи ақлу дониш раҳнамун Моро

Надорем ихтиёри то чи фармояд жунун моро 16.

М и р И ш қ и й - Жаҳон Маликбекнинг набирасидурким, ғоят таайюндин гўёки таърифи ҳожат эмас. Амир Ёдгорбекким, зикри юқори ўтти, инисининг ўғлидур ва отаси Алоулмулк дағи табъдин холи эмас эрди. Табъи яхшидур. Бу матлаъ анингдурким:

Зи баҳри он ки ояд қиссаи жонони ман берун,

Зи хубон ҳар замон дар анжуман орам Сухан берун<sup>17</sup>.

М и р А л и Д ў с т — «Рафиқий» тахаллус қилур. Алайкабек 18нинг набираси бўлур. Анинг шаъни андин азимроқ ва шуҳрати андин кўпроқдурким, шарҳ қил-моқ била

киши они элга танитқай. Отиким, мазкур бўлди, басдур. Анга маъруф мадраса ва гўрхона ва работи басдур. Ўзининг таъби мулойим тушубтур. Бу матлаъ анингдурким:

Давои дарди дили хешро кўжо жўям,  
Кўжо равам, чи кунам, холи дил киро гўям? **19**

Ё м ғ у р ч и б е к — «Сипоҳий» тахаллус қилур. Мир Валибек ўғлидур. Мир Валибек **20**нинг таърифи ҳамул Алайкабек таърифига ҳукми бор. Ўз таврида азамати андин ортуқ бўла олур эрдиким, ўксук йўқ. Аммо осори онча қолмади. Ўзи хуштабъ воқеъ бўлубтур. Бу матлаъ анингдурким:

Ба масжидеки, равам дар фироқи дилбари хеш,  
Баҳона сажда кунам бар замин ниҳам сарн хеш **21**.

М у х а м м а д А л и Ж а л о й и р — «Нисорий» тахаллус қилур. Али Жалойир ўғлидур ва Хусайн Алибекнинг инисидур. Иккаласининг таърифи юқори ўтубдур. Аммо ўзи не сипоҳийликда отасига ўхшар ва не ўзгага. Атворда оғасига нисбати бор. Ғариб таврлик кишидур. Чун Хуросон аҳлининг аксари билурлар, битимак бефойдадур. Аммо шеър айтур. Бу матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:

Касе ҳаргиз маро беғам надидаст,  
Чу ман ғам дидае ғам ҳам надидаст **22**.

М а в л о н о К а в к а б и й — эмди зоҳир бўлубтур ва Шайх Боязид Иланинг ўғлидур. Факир ани кўрубмен, аммо шеър айтурин маълум қилмайдур эрдим. Машҳадда бўлур ва обоаждоди гўрхонасида бўлур. Андин келганлар бу матлаъни андин накл қилдиларким:

Кушти! мани дилхастаро, турки камонабрўи ман,  
То боз ёбам зиндаги тийре бияфкан сўи ман **23**.

И б р о ҳ и м М у х а м м а д Х а л и л — Мухаммад Халилнинг ўғлидур ва Халилбек йиллар Нимрўз мулкидин Ғазни навоҳисиғача ҳукумат қилдиким, баъзи вақтда ҳеч подшоҳқа тобеъ ҳам эмас эрди ва бу Иброҳимнинг яхши таъби бор. Ўзи дағи мулойим таврлик ваадаб ва хурматлиғ йигит эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Кўруб ағёрни филхол илик кўксумгаким, урдум,  
Эмас таъзим учун, ханжарлари захмини ёшурдум.

М и р Ҳ а б и б у л л о ҳ — Мир Садрнинг ўғлидур. Отасининг таърифи юқорида мазкур бўлди. Ўзи мулойим йигитдур. Уд чоларға ҳам қобилияти бор, ҳам ишқи бор. Умид улким, ул фанда яхши бўлғай, таҳсил ҳам қиладур. Бу матлаъ анингдурким:

Аз чи дар шомӣ ғамат олам ба чашмам шуд сиёҳ,  
Ғар намурд аз сарсари оҳам чароғи меҳру моҳ? **24**

М у х а м м а д Ж а ъ ф а р — Муҳаммад Али Кўкалтош ўғлидурким, отаси  
Машҳади муқаддаса доруғасидур. Ўзининг яхши таъби бор. Бу матлаъ анингдурким:

Он шабки, шамъи чехраро аз тоб меафрўхти,  
Раҳме накарди бар ману парвонаворам сўхти **25**.

Ш о х Қ у л и У й ғ у р — кичикдин таъби таҳсилға ва аксар фазлиётқа мулоим  
эрди. Ота-онанинг суюклиги жиҳатидин оми қолди. Ва кўпрак қобилияти зоеъ  
бўлди. Қабиланинг мирзосидур. Ҳукм улдурким, ул қилғай, Таъби муаммода мулоим

« محوى »

тушубтур.

исмиға бу муаммо анингдурким:

ت ما به پیش وی حرفی دو  
لحت است کو و کر نیست مکو

Д а р в е ш А б д у л л о х — Тархонийларда Шайх Салмон атканинг ўғлидур.  
Таъби назмларға кичикдин мойил эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Аз хаёли лабу дандони ту чашмам ки пур аст,  
Ҳамчу рўдестки, сангаш ҳама ёкуту дур аст **26**.

А б д у қ а х х о р **27** — Шайхзода Муҳаммаднинг ўғлидур. Отаси подшоҳ девонида  
аморат мансаби топти, баҳодир киши эрди ва зотида бовужуди омийлиғ мулоямат бор  
эрди. Уғлига булардин ҳеч мерос тегмади. Аммо муаммо фанига қобилияти

« همام »

бор

отиға бу муаммо анингдурким:



ما از آتش می روی کل افروخته  
ب، بی سروپا در غمش دلسخته

Б е к М а л а к и й — Ҳасан Малакийнинг ўғлидур. Киши отаси бобида андоқки, хар неча таъриф ва васф этса тамом қила олмас. Анинг бобида акс воқеъдур. Агарчи бурун бирор муаммоғина айта олур эрди, ул дағи эмди юқориғи ҳампойидек, андин ҳам орийдур.

« خرم »

Айтур чоғида

исмиға бу муаммо айтиб эрдиким:

خال چو بر عارض مهوش زدی  
در دل مردم زرخ آتش زدی

С о қ и й — Жаъфар бахшининг ўғлидур. Кичиклигида қобиляти кўп эрди, ҳам назмларға, ҳам сойир инсониятқа, туркий ва форсий шеърда рушди бор эрди ва сипохийлик тарийқида жалодати ул мартабада эрдиким, Хуросоннинг сипохийларидин мутааййин ва муқаррар кишилар ани имкони борича таъриф қилурлар эрди. Аркони давлат қошида, балки подшоҳ ҳазратида мултафат ва макбул эрди. Ҳеч маълум бўлмадиким, анга на бало урдиким, ушбу сифатлардин ҳеч нима анда қолмади ва эл оросидин чиқти. Умид улким, бу идборин ҳақ таоло иқболға мубаддал қилғай. Бу матлаъ анингдурким:

Қилодаи сағи у кун зиҳи гиребонам,

Ки, ҳар замон нафитад чок то ба домонам 28

Туркча маснавийда кечимлик от таърифида дебтурким:

Тазарве эрди раъноликда оти,  
Ики ёнчоқ бўлуб икки қаноти.

**Бешинчи мажлисининг ғояти**



Бу таъб латофати била ороста, озодалар ва зехни зарофати била пийроста  
мирзодалардин ҳам агарчи баъзи адам макманида пардаи ихфодадурлар, аммо баъзи  
вужуд анжуманида зовияи зухур ва бақодадурлар, маъдумларни ҳақ раҳмати  
мағфиратидин баҳраманд қилсун ва мавжудларни шоҳнинг хизони инъому лутфидин  
аржуманд ва сарбаланд этсун!

## РУБОИЙ

ё рабки, чу шахни айладинг арш жаноб,  
Зиллуллаҳ анинг зотиға ёзилди хитоб,  
Утган қуллар ёзуғини қилма ҳисоб,  
Қолғонларин эт базмида иқбол таоб.

## ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

**Хуросондин ўзга мамолик фузало ва зурафоси зикридаким, бу асрда холо бордурлар  
ва ҳар қайси ўз хўрди ҳолиға кўра ширингуфтор "ва соҳибдевон ва ашъордурлар**

Ул жумладин Самарқанд аҳлиға шуруъ қилали:

А х м а д Х о ж и б е к<sup>1</sup> — Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг  
бебадалларидин эрди, ўғлидур. «Вафой» тахаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш,  
ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот дор ус-  
салтанатида ўн йилға яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким  
эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳға  
наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужибии эътироз бўла  
олғай, нақл қилмайдур. Бовужуди бу Бекнинг сипоҳийликда жалодат ва баҳодурлуғин ҳар  
кишиким танир, мусаллам тутар. Ва таъби бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп  
илтифот қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан, басти,  
Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман басти<sup>2</sup>.

Х о ж а Х у р д — Самарқанд тахтининг якқалама қозиси ва «Улуғбек Мирзо»  
мадрасасининг мударрисидур. Бовужуди фазлу камолу ақл ва дониш ҳуляси била  
орастадур ва бовужуди зуҳди тақво, ҳусни ахлоқ зевари била пийростадур. Мунча  
машоғил ва авориз била чун лутфи таъби ғолибдур, назм ва иншо ва тарих ва муаммо

« ماک »

фунунида ҳам иштиғол кўргузур ва  
анингдурким:

, исмига бу муаммо

كان از اوج مه تا ماهی است  
ت گذشته کر ترا اکاهی است

Ва Бобо Худойдодким, дерларким, абдолдин эрмиш, Самарқандда фавт бўлғонда,

مجز اوب سالک

фавтнинг тарихини<sup>3</sup>  
«Вақфия»<sup>4</sup>сининг тасҳихин

топқондур. Фақирнинг

من وقف على شهر

килурда тарих<sup>5</sup> топибтур.  
Иккаласига таъриф ҳожат эрмас. Анинг диққатиға икки адл гувоҳдурлар.

А б у л б а р а к а — ҳарнеким, Хожа Хурд қози васфида айтилибдур, анинг моддасида тамом бар акс воқеъдур. Чун Хуросон ва Самарқандда ани андоқким бор, билмас киши йўқтур. Кобоҳа ҳолатини мазкур қилмоқда кўп беҳижоблиқ керак ва ул шарҳ бир нақл билаким, анинг бобида бир сохиб давлатнинг муборақ оғзидин чиқибдур, иктифо қилилур. Анинг шарҳи буқим. Абулбарака Шаҳрисабзда қози эрди, подшоҳ ҳазратида анинг зулмидин додхоҳ кўп келган жихатдин маъзул бўлди ва Хуросонға келди. Мунда дағи ғариб шаҳқорлар ташладиким, ғаробатининг тули бор. Мунда ҳам тура олмай, яна Самарқандға борди. Анда дағи аркони давлатдин баъзини мунга келтургандурким, яна ул ерда қози йўқ экандур. Анинг ҳаводорлари ул мансаб эгасиздур, муносиб киши топиббиз деб, бир либос била подшоҳ арзиға етқургандурлар. Яна баъзи наввоб ул бадмаош кишидур, деб ул сўзни рад қилғондурлар. Подшоҳ дегандурким, ҳар неча бадмаош ва бадбахт бўлса, ул бурунқи қозидин яхшироқ бўлғусидур.

Анинг назмидин хотирда йўқ эрди, аммо бу байтни зурафо анинг учун дебтурлар:

Деви шайтон сифат Абулбарака,  
Бод жояш ба ҳафтумин даргга<sup>6</sup>.

Х о ж а Х о в а н д — Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсин (рахмаҳум оллоҳ)нинг ўғлидур. Донишманд ва хуштабъ йигитдур. Табъи ҳам назм сори, ҳам ҳазл сори мойил бор. Эшитгандурким, Абулбарака Хирийга келганда Дарвеш Хусайн била анинг орасида кудурате воқеъ бўлғондур. Абулбарака Дарвеш Хусайнға қаттиғ келсун деб, букъасига мужиби ихонат бўлсун деб, қаронғуда келиб Пири Сесадола қабри бошида ҳадас

қилибдурким, ўзи ул мазор бошига борғони ҳамул маъни-ўқ эрди. Хожа Хованд бу маънида ҳазл юзидин бу байтни айтибдур, бағоят муносиб ва яхши воқеъ. бўлубтур ва байт будурким:

Он жавонмаргеки, ў бар Пири Сесадсола рид,  
Пир агар гардад, нагардам ҳеч пиреро мурид 7.

Амир Маҳмуд Барлос<sup>8</sup> — бовужуди улви насаб ва касрати ҳасабдин дарвешваш ва фоний машраб ва бетакаллуф кишидур. Ва Кирмон вилоятида ҳукумат қилди ва муддатедурким, подшоҳ эшигида: аморат девонида муҳр босадур.

Бу матлаъ анингдурким:

Магуки, ҳаст рухи ман зи об равшантар  
Ки, ҳаст пеши ман аз офтоб равшантар<sup>9</sup>.

Д а р в е ш Ш у х у д и й<sup>10</sup> — Дарвеш Санид Боязид парвоначининг ўғлидур. Кичик эканда хейли шўхлуқ қилар эрди. Энди дарвешлик ва салоҳ суратиға кирибтур ва Мир Сарбараҳна айттиким, онча кашф ва каромат ҳосил қилибдурким, агар бировнинг сақолин тутуб айтсаким, йигирма икки минг тўрт юз саксон беш тук-тур, сари мўйи тахаллуф қилмас. Мажлис аҳлидин биров дедиким, магар сизнинг маҳосингиз туки ададидин сизни воқиф қилибдур, эл кулуштилар. Мирга тафовут қилмади.

Бу матлаъ анингдурким:

Ин доғҳоки, бар тани аҳли муҳаббат аст,  
Бар кўҳи дард рехти борони ҳасрат аст 11.

М а в л о н о М ў ъ м и н и й — «Халосия» хонақоҳида таҳсил қилур. Оти Абдулмўъминдур, тахаллуси бу муносабатдин воқеъ бўлубтур. Самарқанддиндур. Табъида мулойимат бор. Бу матлаъ анингдурким.

Бикүшо даҳанки, нўши лабў нўшханд ҳам,  
То қиймати шаккар шикани, нархи қанд ҳам<sup>12</sup>.

О р и ф Ф а р к а т и й — Самарқанд навоҳисининг Фаркат деган мавзуидундур. Кўп вақт Хуросонда, Хирот тахтида бўлур эрди. Гоҳ сабақ ўқур эрди ва гоҳ лавандлик қилур эрди. Ва ирфон изҳориға машъуф эрди. Ироқ сори борди ва аҳвочи маълум

бўлмадиким, не бўлди. Бу матлаъ анингдурким:

Дар ҳолати такаллум аз нозуки забонаш,  
Барги гулест гўё дар ғунчаи даҳонаш<sup>13</sup>.

М а в л о н о Н о с и р и д д и н — Аҳмад Ҳожибек мулозимидур. Отаси донишманд ва муттақи ва валоят шиор киши эрмиш. Аммо ўзи сипоҳийликқа ҳаваснок ва такаллуфотқа роғиб кишидур. Дойим туркча айтиб қуш соло отланған ва таблбоз боғлаб белига баҳли<sup>14</sup> санчқай ва рангин отларға минарға майл қилғай. Бовужуди бу ишлар табъин яхшидур. Бу яқинда андин бир байт нақл қилдилар. Имкони борким, Самарқанд шўх ва ҳабислари анга бу байтни боғламиш бўлғайлар. Ул байт будурким:

Тубучок абраше агарам зери зин бувад,  
Мулки жаҳон маро ҳама зери нигин бувад<sup>15</sup>.

М а в л о н о Б а қ о и й — хоразмликдур, Яхши табълик ва яхши хулқлук йигитдур. Онаси ризоси учун бовужуди одами иститоат ва номуродлик ҳаж сафарин ихтиёр қилиб, онасини элтти. Ҳануз аҳволи не бўлғон, хабари келмайдур. Умид улким, матлуби ҳосил бўлуб келгай. Бу матлаъ анингдурким:

Намеҳоҳамки, дил дар банди он зулфи дуто афтад,  
Чаро аз паҳлуи ман дарманде дар бало афтад<sup>16</sup>.

М а в л о н о Х а й р и й ҳам хоразмликдур. Девонаваш, абтаршева йигитдур. Дойим ифлос ва фалокат била ўткарур. Аммо шоирликда хейли қуввати бор. Қасойиди бор, ғазалиёти ҳам ямон эмас. Табъ аҳли қошида матъундур мунгаким, абётининг маънисин сўрсалар билмас, билса ҳам айта олмас. Аммо ул мун мусаллам тутмас. Бу матлаъ анингдурким:

Ба рўзи ташнаги оби равон набвад ҳавас моро,  
Дами тиғи туро гар бар гулу ёбем бас моро<sup>17</sup>.

М а в л о н о С о й и л и н — қаршиликдур. Анингдек сариъ улқалам котиб ўз замонида йўқтур. Ҳар кунда беш юз байт осонлик била битир Туркваш сода йигит кўрунур. Аммо кўрунгандек эмас. Бу яқинда девон дағи тартиби хуруф била тузатти. Бу матлаъ аннингдурким:

На бар захмаш дилам пайкони он абрў камон дорад  
Ки, баҳри захми дигар оби ҳасрат дар даҳон дорад<sup>18</sup>.

М а в л о н о Ш а м с и й — бадахшонлиқдур. Фақир ани агарчи кўрмаймен, аммо Мавлоно Муҳаммад Бадахшийдин таърифин эшитибмен. Андоқ маълум бўлурким, таъбида хили тасарруфлуқ ва шўхлуқ бор. Бу матлаъ анингдурким:

Чашмони ман ба рўят дар ошиқи чунонанд,  
К-аз рашк як дигарро дидан наметавонанд<sup>19</sup>.

М а в л о н о С о л и х и й — агарчи хурусонлиқдур, аммо кўп йилдурки, Ҳисордадур. Ҳамоноки, аввал розалиқ санъатиға<sup>20</sup> мансуб эрди ва шеър айтурдин сўнгра аруз ўрганди ва санойиъдин дағи соҳиби вуқуф бўлди. Андоқ эшитилурким, Ҳисорда подшоҳнинг китобдоридур. Хаёлға андоқ келурким, бу матлаъ анинг бўлганким:

Агар, эй шамъ, шабе ҳамнафаси ман боши,  
Чи дуо беҳтар аз ин астқи, равшан боши<sup>21</sup>.

М а в л о н о Д а р в е ш Д е х а к и й<sup>22</sup> — Қазвин вилоятидиндур. Хиштомлиқ санъатиға мансубдур. Дерларким, абдолваш кишидур. Девони дойим белига боғлиқдур. Ҳар байти, ё маънисига эҳтиёж бўлса, кўргали филҳол девонин чиқариб, топиб кўргузур. Фил-вокеъ фақирнинг то шеърға шуурум бор ул тарафдин анинг абётидин яхшироқ назм келмади. Бу матлаъ анингдурким:

Бар мисоли сурати девор бежон мондаам,  
Пушт бар девору рў сўи ту ҳайрон мондаам<sup>23</sup>.

Бу байти дағи хуб вокеъ бўлубтур:

Ба ғайри ноқай Лайлики, меканад хоре,  
Дигар киро ғаме аз раҳгузори Мажнун аст<sup>24</sup>.

Қ о з и И с о<sup>25</sup> — совалиқдур. Султон Яъқуб ани ул мартабада таъзим ва тарбият қилдиким, ҳеч подшоҳ аҳли алоқадин ҳеч кишини онча тарбият қилганини тарихларда кўрулмайдур. Ўзи савдойи мизож ва мутакаббур киши эрди. Дерларким, шеърға андоқ машъуфдурким, кунда ўн ғазал, балки кўпроқ ҳам айтур эрмиш. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳар кас багашти гулшану гулзори хештан,  
Мову диле чу ғунча гирифтори хештан<sup>26</sup>.

Мукнат ва азамати чоғи ҳеч иш қилмадиким, андин деса бўлғай. Ҳоло хабар будурким, суфи Халил ани ўлтурубтур (Валлоҳу аълам!)

Ш а й х Н а ж м<sup>27</sup> — ҳам совалиқдур ва Қози Исоға қаробатдур. Султон Яъқуб қошида андин махсусроқ ва нойиброқ киши йўқ эрди. Ҳар неча қози Исо элга истиғно ва азамат кўргузди. Аммо шайх халойиқ била яхшилар боришти. Фуқаро ва масокиннинг ишига кўп мадакорликлар қилди. Андоқки, яхши оти атроф ва жавонибқа борди. Бу фақир била дағи ғойибона муҳаббат ва ёрлик ва инилик қоидасин маръи тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ба шўхи мехурад хуни дили ман чашми хунхоре,  
Балои фитнажўе офати жоне.хитамкоре<sup>28</sup>.

Х о ж а А ф з а л<sup>29</sup> — Кирмон мулкининг ашрофидиндур. Табъи ва ахлоки хуб мутаанний ва мутавозеъ йигитдур. Аҳли қалам бу замонда барча муттафиқдурлар мунгаким, сиёқ ва дафтар ва ҳисоб ва зарб ва қисмат илмида беназири даврондур. Ўн беш йилга яқин ҳазрат Султон соҳибқирон куллуғида вазорат девони анинг ихтиёри эрди. Маждиддин Муҳаммад бузуғлиғидаким, аҳволига футур етмаган киши қолмади, ани дағи подшоҳқа ёмон кўргуздиким, заруратидин жало ихтиёр қилди. Аммо ул сафарда Макка зиёратиға мушарраф бўлди. Балки мирҳожлик мансаби анга муфавваз бўлди. Ҳар неча ул мамолик салотини мулозамат таклифи қилдилар, қабул қилмади, дебтурким: «Агар куллуқ қилсам, ўз подшоҳимға қилурмен йўқ эрса йўқ». Ҳоло дерларким, Қум вилоятидадур. Бу матлаъ анингдурким:

То ҳар шараре дона шавад кишти жаҳонро,  
Барбод диҳад оташи дил хирмони жонро<sup>30</sup>.

А д х а м и И б р о ҳ и м — Шоҳ туркманнинг тахаллусидур. Туркман бекларида мутаайин хуштабъ ва зарофатлик киши эрди. Девони ҳам бор. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳаргизам дил бе хаёли анбарин холе набуд,  
Ин дили девона ҳаргиз холи аз холе набуд<sup>31</sup>.

Х о ж а А л о у д д и н — Кирмон мулкидин. Хожа Афзалиддин Муҳаммадка қаробатдур ва Бибича Мукажжиманинг инисидур. Зоҳирин улумни такмил қилгондин сўнгра майли дарвешликларга ғолиб бўлуб, Мак-ка азимати қилди ва ўттиз йилга яқиндурким, анда мужовир бўлуб, сулук ва тоатқа, машғулдур. Андоқ маълум бўлурким, бу сулукда бийик манзилат ва ёруғлуғларға мушарраф бўлубдур ва олий мартабаға етибдур. Улви ҳимматдин дунё мофийҳоға этак силкиб мақсуд каъбасида мунқавий бўлубдур ва ҳамулдаражадин мохалақаллоҳ балки мосиволлоҳни мавҳуми маҳз, балки

маъдуми мутлақ билиб вусул ҳаримида эътикоф қилибдур. Бу яқинда силаи раҳим риояти учунки, адои фарз қилғай, Хуросонға келиб эрди, неча вақт ҳазрат Махдумий Нуран била суҳбати хушти. Ул жиҳатдин таваққуф қилди. Чун ул ҳазрат бақо оламиға рихлат қилди, яна Макка азимати, асли мақомға борди. Борурда йўлда Шайх Низомий «Хамса»сининг аввалғи китоби «Махзан уласрор» вазнида бир маснавий антиб юбориб эрди ва кўп ҳақойиқ ва маориф анда дарж қилиб эрди. Бу яқинда Маккадин яна бир маснавий ҳам тасаввуф истилоҳатида ҳадиқа вазнида айтиб юборибдурким, анинг таърифидин қалам тили қосирдур, аҳли таҳқиқ ўқуғондин сўнг қойилининг камолин маълум қилғайлар. Китоби ҳамдининг аввалғи байти будурким:

Эй ,жаҳон ёфта намуд аз ту,  
Бар адам тухмати вужуд аз ту<sup>32</sup>.

М а в л о н о Ш а ҳ и д и й<sup>33</sup> — Қум шаҳридиндур. Ошуфтаваш ва девонасор киши кўрунур. Аммо бу тарийқлари жаъли ранг ҳам бор. Ироқдин Хуросонға иккн навбат келиб борди. Бадиҳаси равондур ва таассуби ғолиб ва таъби ҳазлға кўп роғибдур. Бу матлаъ анингдурким, яхши воқеъ бўлубтур:

Биё, эй ишқ, оташ зан дили афсурдаи моро,  
Ба нури хеш равшан кун чароғи мурдаи моро<sup>34</sup>.

М а в л о н о Х у м о и й — маълум эмас не ерликдур. Аммо кўпрак авқот, балки хамиша Ироқда бўлур. Бир қатла келиб кетти. Бағоят фақир ва камсухан ва номурод киши кўрунур. Аммо наузу биллоҳ андинким, бир мажлисда анга бир аёқ берсалар, ул арбада ва пургўйлиқким, андин зоҳир бўлур, анинг шарҳи мутааззирдур. Ҳар тақдир била бу матлаи яхши воқеъ бўлубтурким:

Жоно, манам зи дасти фироқи ту мурдае,  
Хун дар танам намонда чу нори фушурдае<sup>35</sup>!

М а в л о н о Х о л и д и й<sup>36</sup> — Ҳисори Шодмон тарафидин бўлур. Ҳирий шаҳриға таҳсил учун келиб. кўп вақт сабақ ўқуб, хейли салоҳият касб қилди. Ҳамоноки, Холид Валид авлодидиндурким, «Холидий» тахаллус қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Матарс аз тани хоки ба вақти куштани ман,  
Агар ба тиғи ту гарде расад ба гардани ман<sup>37</sup>.

М а в л о н о Ё р и й<sup>38</sup> — шерозликдур. Андинким, Хуросонға келди. Наққошлиққа мансуб эрди, аммо мубтадий эрди. Фақир они тазҳиб аҳлиға сипориш қилдим, оз фурсатда ободон наққош бўлди. Ва лекин андоқ маълум бўлдиким, ғарази

наққошлиқ ўрганмакдин нақшбозлиғ экандурким, андин ажаб нақшлар иш юзага келди ва анинг шарҳининг тули бор. Бу матлаъ анингдурким:

Зи ашки дидаки, дил пур зи дурри макнун аст,  
Биёки, баҳри нисори ту ганжи Қорун аст<sup>39</sup>.

М а в л о н о М и р а к и й ҳам шерозликдур. Сайр расми била Хуросонға келди. Бир неча вақт туруб, муовадат қилди. Кичик ёшлиқ, хом табъроқ йигитдур. Имкони бордурким, табъиға кўп иш буюрса пухталиғ пайдо қилғай. Бу матлаъ анингдурким;

Жоно, мабош дар паи озору кин ҳама,  
К-ин олами хароб наярзад бад-ин ҳама<sup>40</sup>.

М а в л о н о А х л и й<sup>41</sup> — шерозликдур. Ҳамоноки, толиби илмлиғи бор. Назмлардан ҳар синф шеърда маҳоратлиғ кишидур, батахсис қасида услубида. Неча қатла Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди. Бу яқинда Хожа Салмон Соважий. «маснуъ» қасидасиға жавоб айтиб бир ғариб рубоий дағи изофат қилиб юборибдур. Ҳола онча чоғлиқ қувватлиғ киши демасларки, бўлғай. Бу матлаи ҳам хейли чошнилиғ тушубтурким:

Ману Мажнун ду, асиремки, ғаму шодии мост,  
Ҳарки ин шева надонист на аз водии мост<sup>42</sup>.

М а в л о н о Ф а з л у л л о ҳам шерозликдур. Тижорат тарийқи била Астрободға келди. Лавандвашлиғи ғолиб учун бепарволиғ қилиб, дастмойсиға нуқсонлар воқеъ бўлди. Салоҳиятлиқ йигитдур. Толиби илмлиғи ҳам бор. Шеър ва муаммо ва нард ва шатранжи ҳозирона ва ғойибона, балки сағир ва кабирни билур. Бу матлаъ анингдурким:

Саодати ту фузун боду давлати ту зиёдат,  
Ҳазор сол бимони ба давлату ба саодат<sup>43</sup>.

М а в л о н о М у и н<sup>44</sup> ҳам Шерознинг одамизодаларидиндур. Хуросонға келганидин бери фақирлар теграсида бўлур. Зоҳири худ содаваш кўрунур, Аммо бу яқинда андин бир ҳазл кўрулдиким, содалиғнинг мунофиси эрди. Бу матлаъ анингдурким.:

Шуд далқи муракқаъ гарави бодаву шодем,  
К-охир ба сари кўи муғон жома ниҳодем<sup>45</sup>.

Х о ж а И м о д — Лор вилоятидиндур. Тижорат била маош ўткарур. Одамиваш йигитдур. Маснавийсида хили ранг ва зийнат бор. «Лайли ва Мажнун»ға татаббуъ



килибдур. Кўп элдин яхшироқ тушубтур ва ғазал таврида дағи яхши табъи бор:

Бурд суи лаб забону шуъла зад бар жони ман,  
Кард зоҳир ламъаи аз оташи пинҳони ман 46.

М а в л о н о Б а й з о и й — Маҳмуд Барлос Ҳисордин элчиликка келганда била келиб эрди. Ул борғонда хаста бўлуб қолди. «Дор уш-шифо» 47да муҳофизатин қилғондин сўнгра сихат топиб, яна Ҳисорға борди. Ҳамоноким, ҳамул навоҳийдиндур. Бу матлаъ анингдурким:

Бизан бар синаи ман ханжару афкан сар аз тан ҳам  
Дари ин хонаи торикро бикшову равзан ҳам 48.

С а й й и д И м о д — Язд шаҳридиндур. Ироқтин қонунийлик унвони била келди. Мунда хейли илтифот топти. Аммо беақл, бемаошлик била ҳар не топқоннн зоеъ қилди. Ул чоғир била нардинг олуфтасидур. Бу матлаъ анингдурким:

Дилам нашкуфт дар боғи жаҳон чун ғунчавулола,  
Зи пайкони он маҳ то нашуд паргола-паргола 49.

Олтинчи мажлисининг ниҳояти

Бу балоғат маоб ва фазойил интисоблардин ҳам бирори, агар замон саҳифасида ўз назмлари саводидек мавжуддур, аммо аксари замона вафосидек нобуддур ва подшоҳлари ҳам фано маҳаллидин кетибдурлар, бақо сарманзилиға етубдурлар. Ва филҳақиқат, Султони соҳибқироннинг қаробат ва тавобиидин эрурлар ҳам модихлари, ҳақ таоло лутфидин маъзур ва ҳам мамдуҳлари руҳи равзаи ризвонда масрур ва мабрур бўлсун:

**Рубоий:**

То модихларидин асар ўлғай мавжуд,  
Мамдуҳлари руҳини тутқил хушнуд.  
То модиху мамдуҳлар ўлғай нобуд,  
Султони замонға умр бергай маъбуд!

## ЕТТИНЧИ МАЖЛИС

Салотини изом ва авлоди вожуб ул-эҳтиромлари зикридаким, баъзи яхши

## маҳалларда хуб байт ўқубтурларким, филҳақиқат ўзлари айтқондек хубдур ва баъзи назм латойифига машғул бўлбтурларким, ул дағи матлуб ва марғубдур

Мулуқ шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни:

Т е м у р К ў р а г о н<sup>1</sup> — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор. Табаррук ҳайсиятидинким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдин бири била ихтисор қушилур. Мундоқ нақл қилурларким, чун Табризда Мироншоҳ Мирзо<sup>2</sup> чоғирға кўп иштиғол кўргузди. Димоғи ва мизожи эътидол тариқидин инҳироф топиб, андин номулойим амр кўп сурат тута бошлади. Самарқандда ул ҳазрат арзиға бу навъ еткурдиларким, уч надими борким, муфрит чоғир ичмакка боис алардурлар. Ҳукм бўлдиким, тавочи миод била чопиб бориб учаласининг бошин келтурсун. Алардин бири Хожа Абдулқодир эрди ва яна бири Мавлоно Муҳаммад Кохин эрди ва яна бири Устод Қутб Нойи эрди. Тавочи бо-риб иккисини ясоққа етқурди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб қаландар бўлуб, ўзин девоналикқа солиб мулкдинмулкка мутавори юрур эрди, то улким, ул ҳазрат яна Ирок юруши қилди. Ул мамоликда Хожанинг ул ҳоли баъзиға маълум бўлуб, юқори арз қилдилар. Ҳукм бўлдиким, тутуб келтурсунлар. Ул ҳазрат тахтда эрдиларким, Хожаи фақирни девоналикқа қўймай, судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била қуръон ўқумоқ бунёд қилдиким, ул ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мисраъни ба вақт ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг бар мусхаф зад<sup>3</sup>.

Андин сўнгра Хожаға илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар балки қарнларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас. То олам аҳли билғайларким, Султон соҳибқиронғаким, мажолисда пайдар-пай хуб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур дағи. маврусийдурким, нисбатин ул жадди бузургворға тузатурким, ул бирининг макони равази жинон ва бу бири жаҳон мулкида жовидон бўлсун!.

Х о қ о н и С а и д Ш о ҳ р у х М и р з о<sup>4</sup> ким, авлоди ваамжод орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди. Ҳам назмға машғуллуқ қилмас эрди, аммо хуб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин ҳам воқеъ бўлур эрди. Муни ҳам бир нақл била ихтисор қилилур. Бу фақирни ҳақир Бобур Султон муборак тилидин мундоқ эшиттимким бир мажлисида акобир сари бо-қиб Шохрух Мирзодин нақл қилдиларким, устод Қивомиддин меъморға бир иморат жиҳатидин эътироз қилиб бир йил мулозаматдин маҳрум экондур. Йил бошида тақвим истихроҷ қилиб бу васила била шояд Мирзонинг муборак диндорин кўра олғаймен деб эшикка келиб, судурни восита қилиб, они судур кўргузуб тақвимин арз қилибтурлар, Мирзо табассум қилиб бу байтни ўқубдурларким:

Ту кори заминро наку сохти  
Ки, бо осмон низ пардохти 5.

Анингдек отадин мундоқ ўғул ҳеч ажаб эмас.

А б о б а к р М и р з о — набира бўлур. Баҳодирлуғи ва қиличи зарби Чигатон улусида машҳурдур. Чун табъида назм чошниси бор эрмиш. Ҳамул баҳодирлуғ таврида бу туюқ андин машҳурдурким:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,  
Ёра еб ётса отининг ёлина.  
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,  
Эр отониб душманиға ёлина.

Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисини яхши топибдур.

С у л т о н И с к а н д а р Ш е р о з и й ҳам набирадур. Салтанат тажаммулини, дерларким салотиндин ози онча қилмиш бўлғай. Етти ё саккиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй, анинг модихи экандур. Бу анинг маснавийсидиндурким:

Ҳиммат элидур яди байзо деган,  
Эр нафасидур дами Исо деган.

ва Султон Искандарни дерларким, табъи назм эрди. Ва бу туюқни андин нақл қилурларким:

Тўлун ойға нисбат эттим ёруми,  
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.  
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,  
Ё Мисрки, ё Ҳалабни ё Руми.

Бурунғи туюқдин бу турконароқдур.

Х а л и л С у л т о н 6 — ҳазрат султон ус-салотиннинг воқеасидин сўнгра Самарқанд тахтида салтанат қилди. Зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машҳурдурким, ўзи шеър айтур эрди. Андоқким, девони таърифида Хожа Исмадуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаидин ўзгаким:

Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,  
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил.

Улуғбек Мирзо<sup>7</sup> — донишманд подшоҳ эрди. Камолати бағоят кўп эрди. Етти кироат била қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоқким, зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зиж орода шоеъдур. Бовужуди бу камолот гоҳи назмға майл қилур. Бу матлаъ анингдурким:

Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўҳи мақунки, чашми бадон дар камини туст<sup>8</sup>.

Б о й с у н ғ у р М и р з о<sup>9</sup> — хуштабъ ва сахий ва айёш ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, анинг тарбиятидин ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлғай. Улча имкони бор, оламини хушлуқ била ўткарди. Дерларким, бу матлаъ анингдурким:

Надидам он ду рух, акнун ду моҳ аст,  
Вале меҳраш баса бар жони мо ҳаст<sup>10</sup>.

Тахаллуси будурким:

Ғуломи рўи у шуд Бойсунғур  
Ғуломи хубрўён подшоҳ аст 11.

Б о б у р М и р з о — дарвешваш ва фоний сифат ва карим улахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча хисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин «Ламаъот»<sup>12</sup> била «Гулшани роз»<sup>13</sup>ға кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмға мулойим эрди. Бу рубоий анингдурким:

Чун бодаву жомро баҳам пайвасти,  
Медон ба яқинки, ринди боло дасти,  
Жомаст шарияту, ҳақиқат бода  
Чун жом шикасти, ба яқин бадмасти<sup>14</sup>.

Агарчи туркча назмлар ҳам айтур эрдиким, барчаға қабул эрди. Аммо у байт ҳам анингдурким:

Неча юзунг кўруб ҳайрон ўлайн,  
Илоҳи, мен санга қурбон ўлайн.

А б д у л а т и ф М и р з о **15** — савдойи мизож ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеълликлари бор эрдиким, зикридин беҳижоблик лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шируяға вафо қилгонча анга қилди. Аммо табъи назм эрди ва шеърни ободон айтур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Бар дилу жон сад бало аз як назар овард чашм,  
Чун бигуям шукри ин, ё раб, набинад дард чашм **16**.

Ж а ҳ о н ш о ҳ М и р з о **17** — дағи шеър айтур эрди. Бу мақтаъ анингдурким:

Аз лутфи дўст ёфт ҳақиқи мурод дил,  
Бе жидду жаҳди тоату бе миннати амал **18**.

Я ъ қ у б М и р з о **19** — туркман салотинида анингдек писандида зотлиғ ва хамида сифотлиғ йигит оз бўлғай. Дарвешсифат ва фонийваш эрди. Бу рубоий анингдурким:

Оламки, дар у сабот кам мебинам,  
Дар ҳар тарабаш ҳазор ғам мебинам,  
Чун кўҳна работестки, аз ҳар тарафаш  
Роҳе ба биёбони адам мебинам **20**.

С а й и д А ҳ м а д М и р з о **21** — салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида «Латофатнома» анингдур. Бу туркча матлаи яхши вақеъ бўлубтурким:

Сайд этти фирокинг мени мурғи сахарийдек,  
Қил одамийлик, қилма ниҳон юзни паридек.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,  
Ажаб, гар бедилонро жон бимонад **22**.

С у л т о н А ҳ м а д М и р з о — дарвешваш, яхши ахлоқлик, писандида

атворлиқ, одамишева кишидур. Ота жонибидин хуштабълиқ анга маврусийдур. Йиллар Хуросон тахтида ҳукумат қилдиким, ҳеч киши андин шикоят қилмади ва таън этмади. Ва Султон соҳибқиронға ота майобасидадур ва икки девон ихтиёри ва мулку мол мушорун илайҳи ва сипоҳи ва черик муътамаддун алайҳи улдур ва гоҳи назм ҳам айтур. Бу байт анингдурким:

Сен киби шўҳи ситамгар дунйида пайдо қани,  
Сеҳр бобида кўзунгдек кофири яғмо қани?

Б о й қ а р о М и р з о — бовужуди улким, Султон Соҳибқироннинг туғқон оғаси эрди. Йиллар Балх (куббат ул-исломий)да салтанат қилди. Ва лекин шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллуқ, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиғи аъло мартабада эрди. Табъи дағи назм ҳульясидин муарро эмас эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Зиҳи тажаллии ҳусни ту дар жаҳон пайдо,  
Ва з-ин тажаллии у гашта жони мо шайдо 23.

К и ч и к М и р з о 24 — хуб табълиқ, тез идроклиқ, шўҳ зеҳнлиқ, қавий хофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси билан вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хуб англлар эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди. Бовужуди бу фазойил дарвешлиқларга мойил бўлуб, Макка зиёрати шарафиға мушарраф бўлди. Аммо бағоят мустағни киши эрди. Бўла олурким, фақир истиғноси эркан бўлғай. Бу рубоий анингдурким:

Умре басалоҳ месутудам худро,  
Дар шеваи зуҳд менамудам худро.  
Чун ишқ омад кадом зуҳду чи салоҳ,  
Алминнатулиллаҳ, озмудам худро 25.

Баъзи дерларким, бу рубоий ҳазрат Махдумий Нуран била таворуд 26 воқеъ бўлубтур. Андоқ дағи бўлса улуғ давлат турур.

С у л т о н Б а д и у з з а м о н М и р з о 27 — ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур. Разм атворидин отар-тутарда дилписанд ва базм асбобидин ичмак ва бағишламоқда бемонанд. Табъи ҳам назм услубида мулойимдур. Бу матлаъ анингдурким:

Маҳи ман, бе гули рўят дилам хум гашта чун лола,  
Жигар ҳам аз ғами ҳажрат шуда паргола-паргола 28.

Бу туркий матлаъ дағи таркибда хуб ва ҳолатда марғуб воқеъ бўлубтурким:

Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,  
Эврулуб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз.

Ш о х Ғ а р и б М и р з о<sup>29</sup> — шўх таълиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назирӣ маъдум ва мутаханйила ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва қуш хотириға марғуб ва қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб. Бу матлаъ анингдурким:

Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор,  
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор?

Бу матлаъ ҳам яхши воқеъ бўлубтурким:

Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,  
То тирикман, қилмағумдур аҳди паймон ўзгача.

Бу матлаи хос хаёл ва ғариб адо топибдурким:

Порсо ёримға май ичмак шиор ўлмиш яна,  
Баски тортарман сабу, эгним фигор ўлмиш яна.

Бу форсий матлаи ҳам бағоят ошиқона тушубтурким:

Бозам балои жон ғами он моҳпора шуд,  
Эй вой, он маризки дардаш ду бора шуд.

Бу матлаи ҳам бағоят ошиқона ва мухлисона ва муассирона воқеъ бўлубтурким:

Дўстон, ҳар гаҳ гузар сўи мазори ман кунед,  
Жои такбирам дуои жони ёри ман кунед<sup>30</sup>.

Девон ҳам жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бу мухтасарға сиғмас, магар яна бир китоб битилгай.

Ф а р и д у н Ҳ у с а й н М и р з о **31** — Фаридун ҳасаблиқ ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим ва виқорлиқ ва хулқи адаб ва ҳурмат шиорлиқ, ёй кучида ягона ва ўқ отарда замона аҳлига нишона. Тоат ва тақвийға мойил. Зикр ва тиловатқа машғул йигитдур. Хуб таъби ва мулойим зехни бор. Бу матлаъ анингдурким:

Гарчи дар кўи ту помоли жафо гардидам,  
Ба худо гар сари мўе зи вафо гардидам **32**.

Бу туркча матлаъ ҳам анингдурким:

Эй сабо, еткур манга сарви равонимдин хабар,  
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдин хабар.

М у х а м м а д Ҳ у с а й н М и р з о **33** — халойиқ ани адолат ва шижоат ва салтанат ойинида кўп таъриф қилурлар, аммо улча зоҳир бўлди — бағоят саркашлиқ ва бегонавашлиқ гўё зотида бор. Ҳар тақдир била дерларким, бу матлаъ анингдурким ва яхши тушубтур:

Олудаи гарди зи паи сайдки, гашти,  
Гарқи арақе бар дили гармки, гузашти **34**.

Б о й с у н ғ и р М и р з о **35** — таъби диққатлиқ ва зехни жавдатлиқ. Салтанат тахтида фақрпешалиқ ва макрумат бисотида фаноандешалиқ йигитдур. Фазойил ва хунарларга роғиб ва фазл аҳли тақвиятиға муртакиб. Назм ойини дағи анга мақбул ва гоҳи ул фикрга таъби машғул. Бу матлаъ анингдурким:

Кош дар ишқи бутон девонае бошад касе,  
Тарки олам карда дар вайронае бошад касе **36**.

С у л т о н М а с њ у д М и р з о **37** —равшан зехнлик ва мустаҳсан таъблиқ ва покиза ҳисол ва маҳмуд фаол йигитдур. Вафо ва дилжўйлуқ анинг шиори, сахо ва дарвешхўйлуқ анинг атвори. Мулк равнақ ва интизомида ахтари масъуд. Назм зеб ва зийнат итмомида абнои жинсқа мақсуд. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Ёр бориб жонға кўйди доғи фурқат, эй рафик,  
Кўнглума кор этмасунму дарди ғурбат, эй рафик?

С у л т о н А л и М и р з о **38** — ҳоло Самарқанд мулкида салтанат тахтида



мутамаккиндур. Дерларки, таъби назмға мойилдур. Бу матлаъни андин нақл килурларким:

Васлида мағрур бўлдунг ҳажрида зор, эй кўнгул,  
Не анинг бирла, не онсиз, тоқатинг бор, эй кўнгул.

## Еттинчи мажлисниинг туганчиси

Бу олийжоҳ подшоҳлар ва анжумсипоҳ фалак дастгоҳлардин аввалғи Жамшид<sup>39</sup> ва Фаридун<sup>40</sup> монанд ота била фарзандға сўнгги авлод ва ахфод ва амжодқа фалак Жамшид била Фаридунға ичиргандек, аёғи ичурди ва вужуд базмгоҳидин сурди ва адам фаромушхонасиға киюрдиким, дунёда ҳақ таоло аларни шоҳи тахтгир қилғондек охиратда ҳам муқарраби даргоҳ ва арши сарир қилғай. Ва аларнинг мулку тахт ва салтанатин ва тожу сипоҳ ва ҳашаматин аларға вориси барҳақ ва мулкка ҳориси мутлақ, яънн Султон Соҳибқиронға мусаллам тутғай ва руҳларининг шамъин ҳам ўз ўчоғлари шуъласи била ёрутғай ва сойир шоҳзодалар дағи бу давлатдин баҳраманд ва шоҳ иноятидин сарбаланд бўлғайлар.

То Темуру Шоҳрух деган бўлғай от  
Андин сўнгги шаҳлар бори фархунда сифот.  
Эй давлату иқболға оростаи зот,  
Мажмуича бўлсун санга даврони ҳаёт.

## САККИЗИНЧИ МАЖЛИС

**Султон соҳибқироннинг латиф таъби натойижининг зеболари, хусн ва жамоли зикрида ва шариф зеҳни хасоисининг раънолари ганж ва далоли шарҳидаким, ҳар қайси замон сафҳаси бўстонида рангинлиғ ва равонлиғдин гульзуредур сарвқад ва ҳар бириси даврон арсаси гулистонида равонлиғ ва рангликдин сарви озодедур, улҳад**

Салтанат баҳрининг дурри яктоси ва хилофат сипеҳрининг хуршеди жаҳонороси, саховат ҳавосининг абри гуҳарбори ва шижоат бешасининг ҳузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва мурувват маъданининг гавҳари аржуманди, кўшиш размгоҳининг Рустами<sup>1</sup> достони ва баҳшиш базмгоҳининг Ҳотами<sup>2</sup> замони, фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била муъжиза пардози - Султон ус-салотин Абдулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон –

Ким, мулки давоми то қиёмат бўлсун,  
Зотиға бу мулк узра иқомат бўлсун,  
Адл ичра тарийқи истиқомат бўлсун,  
Олам аҳли учун саломат бўлсун.

Бу хусрави гардунжоҳниким, насаби бобида хома сурсам юз минг хон ва хоқонни бу жузви мухтасарда йиғиштурса бўлурми? Ва бу дорой анжумсипоҳниким, ҳасаби шарҳида қалам урсам юз туман хоқон ва қооннинг ҳамида ахлоқича сўзни бу муҳаққар авроққа йиғиштурса бўлурму? Насаби бобида фасоҳатшиор яхшилар «Насабнома»<sup>3</sup> битибдурларким, ҳар сафҳаси Моний коргоҳин хижил этар ва ҳасаби шарҳида балоғатдисор муншилар тарихе тартиб берибдурларким, ҳар варақи Чин нигористонин мунфаил айлар. Ҳар киши ул «Насабнома»ға боқса билгайким, хоқон ва рои анга бир турк ва бир ҳинду бандадур. Ва ҳар ким, ул тарихни мутолаа қилса, англағайким, Жамшид ва Искандар анинг ҳам билганларидин, ҳам қилғонларидин шармандадур. Бас чун бу мухтасарда нима ул жинс сўзлардин суғурса бўлмас ва алар шарҳида нукта сурса бўлмас. Ва юқориғи сўз услуби тақозои ул қилурким, ул ҳазратнинг латойифи табъидин бир неча матлаъ била бу авроққа зеб ва зийнат қилгай ва натоийжи зехнидин бир неча байт била бу ажзоға қадру қиймат берилгай ва ҳар ошиқона матлаъ била дард аҳли жониға шуълаи фано ёқилгай ва ҳар дардмандона байт била ишқ аҳли кўнглиға барқи бало чақилгай. Бас эмди, шуруъи мақсудқа ва ружуъи матлубқа қилали-им, сўз итноби ул шариф табъға мужибни калол ва фасонаи тули ул латиф зехнға боиси малол бўлмасун. Ул ҳазратнинг хуб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўптур ва девон ҳам мураббаъ бўлуртур. Девон ибтидосидин бунёд қилилди ва ҳар ғазалдин бир матлаъ ёзилди:

### **А л и ф х а р ф и:**

Манзурнинг хўйининг булжаблиғидаким, меҳрида ошиқ жон берса, бовар қилмослиғининг бесабаблиғида:

Не ажойиб хўй эрур, эй шўхи сийминбар, санга —  
Ким, неча меҳрингда жон берсам эмас бовар санга.

Маҳбубнинг муфрит илтифотидин беҳол бўлуб беҳудона ул илтифотни изҳор қилур маънида бу матлаъ ғариб адо топибтурким:

Эврулуб гул бошиға булбул висол ўлгай анга,  
Гул анинг бошиға эврулса, не ҳол ўлгай анга.

Гул вақтида биров хор ғамидин мубтало эрканининг изҳори ва лоладек бағрида юз доғ била эрканининг намудори:

Бўлди гул вақти-ю мен хор ғамидин мубтало,  
Ҳажр ўтидин лоладек бағримда юз доғи бало.

Кўнгли ноласин вайронадағи чўғз фарёдиға нисбат қилибтур. Ул маъни шарҳида  
бу матлаъ яхши тушубтур:

Ваҳки, кўнглум ноласи ҳардам бузулғон жон аро,  
Гўиё бир чўғз эрур фарёд этар вайрон аро.

Сиришки дарёсидин гирдобға тушганин ва торжисми ул гирдобдин печу тобға  
қолғонин бу матлаъда изҳор қилурким:

То тушубтурмен сиришким баҳридин гирдоб аро  
Зулфидек саргашта жисмим қолди печу тоб аро.

«Бе» ҳ а р ф и:

Фурқат ўтидин жисми бетоб эканин ва ғамгин кўпгли печу тобидин кўзида хуноб  
эканин бу матлаъда ғариб навъ адо қилур. Бу матлаъ мавқуфдур ўзга абётқа, аммо дастур  
била матлаъ битилди:

Фурқатингда йўқ эди жисмимда жон, кўнглумда тоб  
Кўзда хуноб эрди-ю, ғамгин кўнгулда изтироб.

Бедиллиғидин телба кўнглин тилай борғони бу ғазалда охирғача мусалсал  
айтилибдур ва зебо дейилибдур:

Телбараб итган кўнгулни истадим ҳар ён бориб,  
Тоғу дарёву биёбонларни бир-бир ахториб.

Манзур юзи олида кўзгу рашкидин печу тоби ва кўнглида ул қуёш тобидин  
заррадек изтироб:

Зарра янглиғ, айб эмас, кўнглумга тушса изтироб,  
Меҳри рухсориға ҳардам чун эрур кўзгу ҳижоб.

Фироқ зулмидин жониға ўт ва кўнглида тобин ўтқа тушган қил печу тобиға  
ташбиҳ қилибдур ва ғариб ташбиҳ воқеъ бўлубтур:

Эй фирокнинг зулмидин жонимда ўт, кўнглумда тоб,  
Ўтқа тушган қил каби жисмим аро ҳам печу тоб.

Мусофир ёри ҳажридин кўнглининг хароблигин ва ул ошубдин жони бетоқат ва бетоблигин хуброк ваҳж бирла ажаб яхши адо қилибдурким:

Бир мусофир ой хаёли қилди кўнглумни хароб,  
Қолмади жонимда онсиз ваҳки не тоқат, не тоб.

«Те» ҳ а р ф и:

Манзур лабидин оби ҳаётни хижл ва Исо4 они қошида дам урмоғдин мунфаил дегани оби ҳаётдек равонсо ва Исо дамидек руҳафзо тушубтур:

Эй дудоғинг шарбати шармандаси оби ҳаёт,  
Нутқунг оллида эрур Исоға дам урмоқ уёт.

Ҳажри барқидин шабистониға ўт тушганининг ифшоси ва учқунидин байт ул-эҳзони куйганининг адоси ажаб ўтлуқ матлаъ тушубтурким:

Ваҳки, ҳижрон барқидин тушти шабистонимға-ўт.  
Учқуни бирла туташти байт ул-эҳзонимға ўт.

«С е» ҳ а р ф и:

Бу ҳарфда турк шуаросининг малик ул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айта олмайдурлар, то анга не етгайки, бу муқобалада киши они кетургай ё нисбат бергай. Бу матлаъ таърифида мунча басдур:

Ёр кўйидин ўтарда кўргузур бу зор макс,  
Сўз деса доғи жавобида қилур бисёр макс,

«Ж и м» ҳ а р ф и:

Раҳмсиз ёри қонин тўкиб тарахҳум қилмағони ва меҳрсиз дилдори ҳолин кўриб табассум қилмағонини айтур:

Тўқуб қоним, тарахҳум қилмадинг ҳеч,  
Кўруб ҳолим, табассум қилмадинг ҳеч.

Бу радиф ҳам гўёки шариф табъ ва латиф зеҳннинг ихтироидурким,  
эшитилмайдур, бағоят ширин ва дилпазир ва рангин воқеъ бўлубтур:

Хаста жоним заъфиға лаъли шакарборинг илож,  
Зор кўнглум дардиға жонбахш гуфторинг илож.

«Х е» х а р ф и:

Бу харфқа дағи туркий алфоз гуҳарин назм силкига тортқувчи шуаро таарруз  
қилмайдурлар, ҳамоноки, ишколи жиҳатидиндур, ёрдин не келса, они мубоҳ билиб, жон  
берурда дебтур:

Ёрдин не келса ошиқ берса жон бўлғай мубоҳ,  
Дафтари ишқ ичра гўё буйла бўлмиш истилоҳ.

«Х е» х а р ф и:

Бу харфда туркигўй шуароким, девон тартиб қилибдурлар, ўзларин маъзур тутуб  
ўтубдурлар ва бағоят хуб матлаъдурким:

Ой юзунгдек кўрмади бир меҳр давронида чарх,  
Балки кун тортиб хижолат меҳри рахшонида чарх.

«Д о л» х а р ф и:

Маъшуқ васли умидидин муддате мустаманд бўлуб ул давлат муяссар бўлғондин  
сўнгра сихҳат маразға мубаддал бўлғон таҳририда бу икки байтнинг дағи маъниси бир-  
бирига муваффақ ва мусалсал воқеъ бўлубтур асру ва ғариб тартиб ва ажиб таркиб  
тушубтур:

Муддате ишқинг хаёли бирла эрдим мустаманд,  
Бодаи васлинг била бир дам бўлай деб баҳраманд.

Чун бу давлат бўлғудек бўлди муяссар, войким,  
Сихҳатим ул лаҳза толеъ заъфидин топти газанд.

«З о л» х а р ф и:

Бу харфда дағи муқаддам туркигўй шуародин, хок Мавлоно Лутфий ва хох

Мавлоно Саккокийким, Мовароуннаҳрда малик ул-калом эрдилар, назарға келмайдур,  
хамоно йўктур:

Қилди руҳафзо лабинг қулмак била жонимни аҳз,  
Йиғлатиб кофир кўзунг ҳам нақди иймонимни аҳз.

«Р е » х а р ф и:

Ул мазмундаким, бовужуди улки, баҳор васли муяссардур, кўнгул фироқ  
хазонининг хорларидин озурдадур, бу матлаъ сўзнок воқеъ бўлубтурким:

Тоза бўлди боғу кўнглумда фироқ озоридур,  
Жилва қилди гул, нетай, бағримда ҳижрон хоридур.

Маҳбуб жамолидин кўз равшан бўлуб, хаста кўнгулга висоли маскан бўлғон  
шукронаға бу матлаъдек оз воқеъ бўлубтурким:

Шукрилллаҳким, жамолингдин кўзум равшандурур,  
Хаста кўнглумга висолинг кулбаси маскандурур.

Жононнинг заъф ҳолатида сустайғонининг хаста жонининг заъф қилғониға  
ташбиҳ қилибдур ва кўп муносибдур:

Заъфдин ҳардам чу ул ороми жоним суштаюр,  
Жоним ўлуб хаста, жисми нотавоним суштаюр,

Кўнгли фироқу дард ўкидин ёра эркани ва бағри ҳажр тиғи захмидин юз пора  
бўлғонини баса хуб бу навъ адо қилурким:

Оҳким, кўнглум фироқу дард ўкидин ёрадур,  
Ваҳки, бағрим тиғи ҳижрон захмидин юз порадурур.

Ишқ ошубидин уй кунжида ашки гулнор эрканин зоҳир қилур ва гулистон  
сайрида гул анинг кўзларига хор кўрунганин пайдо этар:

Бўлсам уй кунжида, ашким қатраси гулнор эрур,  
Азми гулзор айласам, гул кўзларимга хор эрур.

Фурқатдин кўнгул қатра-қатра қон эрканин бурунги мисраъда айтиб, сўнги мисраъда ўтқон муқаррар лафз муқобаласида «Оллоҳ-оллоҳ» лафзи ҳам муқаррар ва асру муассир адо топибдурким:

Фурқатингдин хаста кўнглум қатра-қатра қон эрур  
Оллоҳ-оллоҳ, бу не ҳажри беҳаду поён эрур.

Жаннат сабзаси ёрнинг хатти намудорича эрмаслигин айтибдур ва Масихо<sup>5</sup>нутқи дилдорнинг лаъли шакарборича бўла олмаслигин дебтур:

Қайси жаннат сабзаси хатти намудорича бор,  
Ё Масихо нутқи ул лаъли шакарборича бор?

Бир ғунчаи хандондин айру кўнглида қолғон хорхорин кўргузубдур ва тинмағур жонға онсиз дунйидин рихлат мақомин тузубтур:

Ғунчаи хандон бориб, кўнглумда қолди хор-хор,  
Тинмағур жонимға онсиз дунйида боре не бор.

Гулрўйнинг ғунчадек оғзи ва рухсори узра кўрганин зарра хуршед юзида пайдо бўлғонга хуб ташбиҳ қилибдур:

Уйлаким хуршеди тоби заррани пайдо қилур,  
Ғунча оғзинг сиррини ҳам гул юзунг гўё қилур.

Кўзи ёрининг юзига тушгач, кўнгли беқарор бўлғони ва ёр ҳам ани ўз лутфи меҳридин умидвор қилғонн шарҳида баса хуб ва писандида тушубтур:

То кўзум тушти юзунга, кўнглум ўлди беқарор,  
Сен ҳам эттинг лутфи меҳрингдин мени уммидвор.

Гул рухсори ёнида сариғ лола санчқон ва ёнида зулфни кокулидек кейин солғон намудорида:

Гул юзи атрофида ул лолаи асфармудур,  
Ёнида зулфимудур ё кокули анбармудур?

Зулфи саҳобининг соябони ойдек юзига ёйилгонн ва сарсардек оҳ таҳрикидин ул булут гаҳ ёпилғони ва гаҳ очилғони хусн баҳорида бағоят турфа кўрунурининг шарҳи:

Соябони зулфиким, ойдек юзига ёпилур,  
Сарсари оҳимдин ул гаҳ очилур, гаҳ ёпилур.

Васлидин баҳра етмай, тиғи ҳижрон кўнглини ҳалок қилғани ва ҳажр заҳри берғонига ўхшар ва васлдин тарёк топилмағони:

Тиғи ҳижрон сурди етмай васлидин кўнглумга баҳр,  
Нўш бермасдин бурун, берди манга бир қатра заҳр.

Элни ноз кулкуси била тиргузмакдин ҳикоят ва ўзининг риштаи ҳаётин зулм илги била узмакдин шикоят:

Элга боқиб ҳар замон юз ноз ила кулмак недур?  
Ўзгаларни тиргузуб, ваҳ, мени ўлтурмақ недур?

Маҳваши беҳабар эркандин анинг хотири зори ҳайронидин шарҳи ҳол ва ғамкаши ғофил эркандин анинг рози пинҳонидин гилаомиз мақол, баса хуб воқеъ бўлубтурким:

Маҳваше йўқ сўрғали бу зори ҳайрондин хабар,  
Ғамкаше йўқ топқали бу рози пинҳондин хабар.

Ҳабибеким, фиғонидин анга асар бўлмағай анинг андухи ва рафиқеким, ёмон ҳолидин анга хабар бўлмаған, анинг фиғон ва андуҳи:

Не ҳабибеким, фиғонимдин анга бўлғай асар,  
Не рафиқеким, ямон ҳолимдин ул топқай хабар.

Ўтлуқ оҳининг шарарларин маҳбуб юзигаким сочилур зар ҳукка ҳарирнинг зар ришталариға ташбиҳ қилур:

Чун юзига ўтлуқ оҳимнинг шарори сочилур,  
Гўйё зар ҳуккаедурким юзига ёпилур.



«З е» х а р ф и:

Ўз ниёзи ва бадхўй ёри нози шарҳида бу нозанин матла не бало ниёзмандона  
вокеъ бўлубтурким:

Ваҳ, не ҳолатдурки, мен ҳар неча кўргузсам ниёз,  
Эй маҳи бемехр, сендин зоҳир ўлмас ғайри ноз.

Ашк қони ва кўнгул чоки изҳорида бу матлаъ ягона ва бағоят ошиқона вокеъ  
бўлубтур:

Қон кўруб ашқимни, кўнглум ёрасини сўрмангиз,  
Чок ўлуб кўксум, жигар парғоласини сўрмангиз.

Бу матлаъ маънисиниғ ғаробати ишқ шуъласидин равшанроғдур ва ўт  
забонасидин муайяноқ:

Ишқни манъ этсалар шавқим ўти айлар ситез,  
Шуъла янглиғким, нафас таъсири айлар они тез.

Наргис кўзлук ва ғунча оғизлиғ гульузори кўзу оғзин наргис била ғунчаға  
таржеҳ қилғони ажиб навъ вокеъ бўлубтур:

Наргис олмас ердин ул фаттон кузунг олида кўз,  
Оғзинг олида тутулмиш ғунчанинг оғзида сўз.

Ошиқона киноят била ҳусн аҳлиға элни шайдо қилур маънида насиҳат қилибдур  
ва оламға расво қилур маънида мавъизат этибдур, бале ғарибдур:

Баъдазин, эй ҳусн аҳли, элни шайдо қилмангиз,  
Бевафолиқ айлабон оламға расво қилмангиз.

«С и н» х а р ф и:

Васлидин маҳрумлук бобида манзурни кўрмак муаяссар бўлмаса, анга  
назар тушгон ерни кўрмак орзу қилибдур. Бу нодир маънидур:

Бир нафас ул ойни кўрмак чун эмасдур дастрас,  
Они кўрган ерни, вах, бориб кўройин бир нафас.

Манзурнинг лаби табассумини ва ўзини қоналғон доғини ғунчаи хандон ва лолаи  
Нўъмон7га ташбиҳ қилибдур ва маъниси шеър саноеидин «тажоҳил ул-ориф»8услубида  
хуш воқеъ бўлбтур:

Айлади лаъли табассум, ғунчаи хандон эмас,  
Доғини кўнглум қонатти, лолаи нўъмон эмас.

Ўз ниёзи ва нозанинининг истиғноси изхорида ва ўзи жон бермакида анинг  
бепарволиғининг осорида шундоқ матлаъ оз воқеъ бўлбтурким:

Менда ҳар дам юз ниёзу анда истиғнову бас,  
Ҳар замон юз жон берай ул шўх бепарвову бас.

«Ш и н» ҳ а р ф и:

Ёрнинг ўзгаларга илтифотидин гиламандлиғи ва кўнглини мухотаб қилиб кўнгли  
оромидин шикоятпайвандлиғи:

Эй кўнгул, ул дилрабонинг ўзга ёри бор эмиш,  
Вах, санга душман бўлуб, ул ўзгаларга ёр эмиш.

«С о д» ҳ а р ф и:

Бу ҳарфда дағи туркигўй фасоҳатшиорлар варақ ғозига қалам сурмайдурлар ва  
ҳеч навъ назм ароға келтурмайдурлар:

Эй кўнгул, бўлсанг вафосиз дилраболардин халос,  
Шукр қил, бўлғон кишн янглиғ балолардин халос.

«З о д» ҳ а р ф и:

Туркигўй балоғатосорлар бу ҳарфнинг ҳам таркин тутубтурлар ва ҳеч навъ  
назмға жилваи зухур бермай ўтубтурлар:

Ишқдин то қилмишам пайдо мени шайдо мараз,  
Қилғудекдур заъфлик жисмимни нопайдо мараз.

«То» ҳарфи:

Турк каломининг малик ул-каломлари бу ҳарфда дағи такаллум тузмайдурлар ва калима назм ҳайсиятидин варақда кўргузмайдурларким:

Эй жамолинг гулшанида сабзаи сероб хат,  
Оразинг кофури узра зеб мушки ноб хат.

«З о» ҳарфи:

Бу ҳарф ҳамул жумладиндурким, турк тилининг ширинашъор ва шакарғуфторлари душворлиғи жиҳатидин мутлақ таарруз қилмайдурлар:

Кўнглум этти ишқ асрорин қилиб такрор ҳифз,  
Кимса қилғондек каломи поки ваҳй осор ҳифз.

«А й н» ҳарфи:

Бу қофия ва радиф ҳазрат Султон Соҳибқироннинг ихтироидурким, ҳеч назм айтилмайдур ва ҳеч девонда битилмайдур:

Оҳким, ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ,  
Ўртади офоқни ўтлуқ фиғоним ўзга навъ.

«Ғ а й н» ҳарфи:

Ишқ доғидин шукр изҳори қилибдур ва ҳажр доғидин шикоят осори кўргузубтур,  
басе муассир тушубдурким:

Доғи ишқинг бермиш эрди хаста кўнглумга фароғ,  
Ваҳки, қўйди шуълаи ҳижрон яна доғ узра доғ.

«Ф е» ҳарфи:

Ишқу муҳаббат ҳавосининг ҳумойи баланд парвози Хожа Ҳофиз Шерозий —  
каломи таврида тушубтур ва салосат ва таркибда анга ёвушубтўр:

Ғам сипаҳ қасдимға чекти, сокиё, тут жоми соф.  
Ким, бўлур жоми май ичкандин далер аҳли масоф

«Қ о ф» х а р ф и:

Фирок тийралигининг мажораси ва ўз куймаклигининг дарди бедавоси:

Қилди бахтимни қаро зулфидек ул моҳ аз фирок,  
Неча кўйдургай мени дилхастани оҳ аз фирок.

Ёр иштиёқининг суубатида ва дарди фирок укуба-тида бу матлаъ беҳад Дилнавоз  
ва бағоят жонгудоз воқеъ бўлубтур:

Бор эмиш ёр иштиёқи асру қаттиқ иштиёқ,  
Васл топмон, ваҳ, туганмас дард эмиш, дарди фирок.

Телба кўнглининг ишқда шайдолигин ва ўзга париларға бепарволигин бир  
рафиқни мухотаб қилиб арз қилур:

Телба кўнглум то эрур ишқ ичра шайдо, эй рафиқ,  
Айламас ўзга парилар сори парво, эй рафиқ.

Манзурнинг лаъли лаби устида сабзаи хат ҳайъатин кўруб ажаб рангларда бу  
матлаъ воқеъ бўлубтур ва филвоқеъ рангин тушубтур:

Лаъли узра сабзаи хатти намудориға бок,  
Шўхи рангомизнинг шингарфу зангориға бок.

Кўнгли ўтининг ороми йўқлуғига ҳасрат оҳи тортибдур, ҳамоноки, ул ўт шуъласи  
бу ялдин ортибдурким:

Оҳким, ишқинг ўтини бир замон ороми йўқ,  
Истаган ором ул ўтқа жуз хаёли хоми йўқ.

«Қ о ф» х а р ф и:

Матлубнинг моҳи оразин саодат матлаи ва хоки даргоҳин аҳли биниш тўтиёсиға  
нисбат берилибдур. Бу матлаъ салис ва соф ва пок тушубтурким:

Эй саодат матлаи, ул орази моҳинг сенинг,  
Аҳли биниш тўтиёси хоки даргоҳинг сенинг.

Моҳи тобонин мухотаб қилиб андин айру тушганда чашми гирёнининг қон ёшин изҳор қилибдур, мубкийи муҳлик тушубтур:

Сендин айру тушгали, эй моҳи тобоним менинг,  
Дам-бадам қонёши йиғлар чашми гирёним менинг.

Бу фақирнинг бир ғазалига бу ғазал жавоб воқеъ ўлубтурким, ўзум инсоф юзидин муътарифманким, андин юз мартаба ортуқроқ тушубтурким:

Тушгали ҳажрингда, эй сарви гуландомим менинг,  
Не кўзумда уйку бор, не жонда оромим менинг.

Шоми ҳижронин кўруб, меҳр отин тутмағон мазмунида ва ваъдаи субҳи висол айлаб ёрутмоғон афсунида:

Шоми ҳижроним кўруб сен меҳр отин тутмадинг  
Ваъдаи субҳи висол айлаб вале ёрутмадинг.

Ишқдин жаҳон ичра, афғонидин калом ва кўю-кўчада бу достонидин паём:

Ваҳки, ишқингдин жаҳон ичра фиғонимдур менинг,  
Барча кўю-кўчада ҳам достонимдур менинг.

Маҳбубнинг зулф очқонидин ва ўз ошуфта аҳволлиғи ва қоши чинидин кўнгли беҳоллиғи бобида:

Зулф очиб мен телбани ошуфта аҳвол айладинг,  
Қош уза чин кўргузуб кўнглумни беҳол айладинг.

Ғам тунди бодидин жисми биноси вайрон, балки ер бирла яксон бўлур маънида бу матлаъ бағоят хуб адо топибдурким:

Ғам ели жисмим биносин бўлди вайрон қилғудек,  
Қайси вайронким, қаро ер бирла яксон қилғудек.

Манзурнинг саводи хатти аро лаъли хандони муқобаласида ўз ғами аро кўзи

дурри ғалтонин солибдур, дилпазир тушубтурким:

Ул саводи хат ичинда лаъли хандонин кўрунг,  
Баҳри ғам ичра кўзумнинг дурри ғалтонин кўрунг.

Байт ул-эхзонининг тийралигин дуди хижронидин дегани хуб ва вайронининг  
емирулганин ашк тўфонидин дегани дилошуб воқеъ бўлубтурким:

Дуди хижрондин қарорди байт ул-эхзоним менинг,  
Сайли ашким бирла ҳам емрулди вайроним менинг.

Сарсари оҳин байт ул-эхзонига офат дегани хуш оянда дебтур ва вайронидин  
гарди бало бошиға ёғарини дилрабоянда адо қилибдурким:

Қолғоч оҳим сарсариға байт ул-эхзоним менинг,  
Ёғдурур гарди бало бошимға вайроним менинг.

«Л о м» х а р ф и:

Сафар азмида мусофиридин айрилур чоғда хайрбод мазмунлуқ алфозни радиф  
қилиб айтқон шеърнинг матлаи фурқатнамо келибдур ва андуҳосо айтилибдур:

Оҳ ила-азм эттим, эй розимға маҳрам, яхши қол,  
Дард ила айрилдим, эй дардимға мархам, яхши қол.

евафоси кўйида кўнглига маскан қилмоғини тарғиб қилмоғи хуб ва йиғлаб ҳолини адо  
қилурда шеван қилмоғини таълим бермаки марғуб:

Эй кўнгул, ул бевафо кўйида маскан айлагил,  
Зор йиғлаб, шарҳ этиб, ҳолингни шеван айлагил.

Манзуридин бир назарға хурсанд бўлуб ҳажр торин васл сарриштасиға пайванд  
килурун хуброқ важҳ бирла истидьо қилур:

Нетти, бир боқмоқ била кўнглумни хурсанд айлагил,  
Ҳажр торин бир замон васлингға пайванд айлагил.

Ишқдин бошиға келган суубат шарҳида такаллум кўргузмак ва Фарҳоду Мажнун

Ўл суубатни хаёл қила олмаслиғида тараннум тузмак мажнунвор ва фарҳод-осор келибдур:

Ишқдин келди менинг бошимға онча саъб ҳол,  
Ким, они Фарҳод ила Мажнун қила олмас хаёл 9.

Бу ғариб хаёлдурким, Султон Соҳибқироннииг хотирлариға келибдур ва назм аҳлига зоҳир қилиб эрдиларким, айтсунлар, барча айттилар, аммо ҳеч қайси ул ҳазратча айта олмадилар. Ул бу матлаъдур:

Ҳажринг ўти жисми зорим қилди кул, эй ёр, бил,  
Гар бино қилсанг мазорим тарҳин ул кул бирла қил.

Хурвашенинг гулшан кўйидин равзаи ризвон мунфаил ва юзу хаттидин лолаву райҳон хижил эрканин латифойин била зоҳир қилибдур:

Гулшани кўюнгдин, эй жон, равзаи ризвон хижил,  
Юзу хаттинг рашкидин ҳам лолаву райҳон хижил.

Васл орзусидин кўнгли қушиға қанот таманноси қилиб, васл ҳавосида парвоз буюрғони ошиқона ва муштоқона тушубтур:

Кирпикимдин, эй кўнгул, ҳардам қанотлар соз қил,  
Ҳажр даштидин висоли кўйига парвоз қил.

Бу фақирнинг машҳур матлаиғаким:

Англадинг, ё йўқмуким, айлар сафар ёр, эй кўнгул,  
Ваҳки, бўлдук ҳажри илкидин яна зор, эй кўнгул

жавоб воқеъ бўлубтур, аммо юз мартаба ондин равонроқ ва яхшироқ воқеъ бўлубтур:

Чун жунун занжириға бўлдум гирифтор, эй кўнгул, Бўлғасен мен телба ҳолидин хабардор, эй кўнгул.

«М и м» ҳ а р ф и:

Ишқ ўтидин ўз дарду ҳасратин ва фурқат дардидин ёр ғафлатин бу матлаъда асру

ва сўзнок адо қилибдур:

Ҳаддин ошти ишқинг ўти бирла дарду ҳасратим,  
Войким, сен ғофилу куйдирди доғи фурқатим.

Маъшук умидида дарду ҳасратини изҳор қилиб бетоқатлиғиға раҳм этмасида у  
матлаъдаўқ жавоб ул таъби дурарбордин ва хомаи гуҳарнигордин рақам топибдурким,  
васфида ақл хайрон ва фаҳм саргардон:

Неча бўлғай васлинг уммидиға дарду ҳасратим,  
Раҳм қилким, йўктурур ҳажрингда эмди тоқатим.

Масал таврида бу матлаъдек парварда, ва ораста, ва мураттаб, ва пийроста оз  
воқеъ бўлубтурким, ул ҳазратнинг латиф таъбидин ва шариф зехнидин бош урубдур:

Мен ҳалок ўлдум ғамингдин сен кўёшсен, эй санам,  
Айб эмас гар мендин ўлса камлигу сендин қарам.

Ҳам бу матлаъға жавоб агарчи масал таврида эмас, аммо ғаробат жонибини  
маръи тутулуб, бас нозук ва покиза дейилибдур:

Ваҳки, ишқим шуъласи ҳардам чекар андоқ алам,  
Ким, малойик кўзи дудидин бўлур ҳар лаҳза нам.

Бу матлаъ қофиясида икки шеър айттилар, учунчи матлаъ ҳам қувват юзидин  
айтилибдур, алардин ортуқ бўлмаса, кам ҳам эрмас:

Сен ғамим билмай хаёлинг бирла бордур хайратим,  
Билганингни англасам, билмам, не бўлғай ҳолатим.

Ер қадди ҳажридин сарв майлин мафқуд дебдур ва юзи шавқидин гул орзусин  
қобуд билибдур. Алҳақ равшан ва рост тушубтурким:

Қадду юзунг ҳажридин, ваҳким, менга бўлмиш мудом,  
Сарв майли бартараф, гул орзуси худ ҳаром.

Ўз жисмиға тутошқон шуълани ёрға арз қилурға бу матлаъни ҳам оташин ва



рангин хаёл қилибдур:

Оташин хилъат дема жисмим уза, эй дилбарим  
Ким, эрур ишқинг ўти бирла туташқон пайкарим

Парируйи тарки муҳаббат қилганин билдирур, бу жиҳатдин жовидон кўнглига  
фурқат ўти туташқоник ёр арзиға етқурар:

Қилғон эрмиш ул пари тарки муҳаббат, билмадим,  
Тушгон эрмиш жовидон кўнглумга фурқат, билмадим

Бу қофияда бовужудким, икки рангин матлаъ ўтубдур, назм таврида ғоят  
қудратдин сўз адосида ниҳояти диққатдин бир матлаъ дағи дейилибдурким, хублукдаг ул  
матлаъларча бор:

Неча куйгай ҳажр ила фарсуда жоним дам-бадам,  
Кўнглум ичра ғам уза ғамдур алам узра алам.

Сўзу гудозин ҳам дегали маҳваш топмағондин алами ва розин айтқоли мушфике  
кўрмағондин ғами марақ воқеъ бўлубтур:

Қани бир маҳваш, анға сўзу гудозимни десам.  
Қани бир мушфиқки, бирдам онға розимни десам

Ҳам бу матлаъ таврида-ўқ қофияға тағйир берилиб, ҳамул радифда бу матлаи  
дағи асру дилоро ваандухафзо тушубтур:

Топмадим бир мушфикеким, холи зоримни десам,  
Ёхуд ул гулдин ичимда хор-хоримни десам.

Париваш ҳажрида озорларидин ани хабардор қилмоқ орзу айлабтур ва анинг  
жилваси муқобаласида кўзин гуҳарбор қилмоғни хавас қилибдур ва иккиси нодир воқеъ  
бўлубтурким:

Зор ўлармен ул пари йўкким хабардор айласам,  
Жилва қилгач, оллида кўзни гуҳарбор айласам.

«Н у н» х а р ф и:

Мавлоно Яқинийға **10** жавоб айтилибдур. Ва яқиндурким, Мавлоно тирик бўлса эрди, жони бирла инсоф бергай эрдиким, андин яхшироқ воқеъ бўлубтур:

Эй висолинг хаста кўнглум марҳами, ороми жон,  
Ўлмадим ҳижрон элидин мен қатик жонлиғ ямон.

Ва бу баҳр ва қофияда яна бир шеърдурким, иккаласи бир-биридин хуброқ тушубтурким:

Эй сенинг кошу кўзунг бир фитнаи охир замон,  
Лабларингдур хаста кўнглумга ҳаёти жовидон.

Юз даврида қирон таърифида ва бу матлаъ ўткан икки матлаъ қофиясида воқеъ бўлубтур, тажнис риоят қилилибдурким, бу навъ ширин ва рангин ва хуш тартиб оз воқеъ бўлмиш бўлғай:

Ул қуёшким ой юзининг даврида қилмиш қирон,  
Барча маҳвашлар аросида эрур соҳибқирон.

Бу матлаъ фақирнинг бир матлаи муқобаласида тушубтурким, агар бурунроқ айтилмиш бўлса эрди, фақир ҳаргиз ўз матлаимни айтмағай эрдим Айтмиш бўлсам ҳам, битмағай эрдим:

Тиғ ила кўксимни қилдинг захм, эй сиймин бадан,  
Қони турмайдур деб ул захм узра куйдурдунг туган.

Ишқ суубатидин ҳолининг бир-бир шиддатни айтиб, ҳеч кишига бу ҳоллар бўлмасун, деб истидъо кўргузмақда бу матлаи ажаб хуб тушубтурким:

Ишқ аро ҳеч ким мекингдак зору шайдо бўлмасун,  
Бўлса ҳам, ваҳ, мен киби маҳжуру расво бўлмасун.

Маъшуқ иштиёқидин ҳаёл қилмиш бўлғайким, они кўргачфиғон жондин бурун чикқай ва жони худ рашкдин фиғондин бурун чикқани ғарибадо топибдур:

Сени кўргач дер эдим чикқай фиғон жондин бурун,  
Чикмасун деб рашкдин жон чикти афғондин бурун.

Бу матлаъ ҳамким, қофия тағйир топиб ҳамул радифда воқеъ бўлубтур, ғоят зеболиғда ва ниҳоят раънолиғда воқеъ бўлубтурким:

Васл аро ўлтур мени ҳижрон жафосидин бурун,  
Нетти гар қилсанг халос онинг балосидин бурун?

Ёр васлида ҳижрон балоси биймидин ўлум орзу қилмоқки, ҳижрон доғи била ногаҳ куймаки ва васл аро ўртагон доғи дармонсиз дебтур, яъни маҳзи дармон:

Васл аро ўлтур мени то доғи ҳижрон кўрмайин,  
Куйдур андоқ доғ илаким, ҳеч дармон кўрмайин.

Ўз котилиға зору ҳайронлиғин ва анинг бодаи ишқиднн кўз ва зулфидек маст ва паришонлиғин хуш дебдур ва дилкаш адо қилибдур:

Ваҳки, бир қотилға андоқ зору ҳайронмен букун  
Ким, кўзу зулфи киби масту паришонмен букун.

Маҳзун кўнгулнинг ёрсиз девона бўлмоғининг узри ва ул ҳажридин Вомиқ ва Мажиундек расволикқа афсона бўлмоғининг маъзирати:

Ёрсиз маҳзун кўнгул девона бўлмай найласун,  
Вомиқу Мажнун киби афсона бўлмай найласун? **11**

Ўртанган кўнгли дудидин олам қарорғони ва ўртанган бемехри қаҳри лутфойин ва лутфи итоболудин ўз-ўзи била такаллум қилибдур ва тараннум кўргузубтур:

Куйди бу маҳзун кўнгул олам қарорди дудидин,  
Қаҳри лутфойин била лутфи итоболудидин.

Ўз котили вайрона қабрини зиёрат қилғоли келганин иддио қилур ва ул вайронани иморат қилмоғни истидъо этар бобда:

Гар келиб вайрона қабримни зиёрат қилғасен,  
Раҳм этиб, эй қотилим; они иморат қилғасен.

Гулчехраси келса савсандек демактин лоллиғи ва келмаса ҳажридин боди сабодек

беҳоллиғи:

Келса ул гулчеҳра, савсандек демактин лолмен,  
Келмаса, боди сабодек ҳажридин беҳолмен.

Сабрсиз кўнглининг ишқ ва жунунин ва нотавон ҳолининг дарду шавқи бир-  
биридин фузунин девонавор дегони ва мажнункирдор адо қилғони:

Сабрсиз кўнглумга боқсам ортадур ишқу жунун,  
Нотавон жонимни кўрсам, дард ила шавқи фузун.

Манзурнинг хат ва зулфида бу уч матлаъдурким, бирбирига жавоб воқеъ  
бўлубтур. Қофия ва радифи ул ҳазратнинг бу фанда мужтаҳид таъбининг ихтироидур.  
Аввалғи матлаъ будурким:

Сабзаи хатнинг ичида ўйлаким жондур ниҳон,  
Ҳуққаи лаълинг аро ҳам дурри ғалтондур ниҳон,

Иккинчи матлаъ будурким:

Зулфи ичра бел, хат ичра лаъли хандондур ниҳон,  
Уйлаким, жондур ниҳон, ҳам риштаи жондур ниҳон.

Учинчи матлаъ будурким:

Зулфи ичра гул, гул ичра лаъли хандондур ниҳон,  
Тунда меҳру меҳр аро бир чашмаи жондур ниҳон.

Ишқ шиддати ажзидин кўзни аъмолиққа хитоб қилғони баса дардмандона  
тушубтурким:

Кўзларим кўр эт, қазо, бир шакли мавзун кўрмайин,  
Ўзни бир лайливаше ишқида Мажнун кўрмайин.

Бу матлаъ дағи ўз ҳоли шарҳидаким, анвоъи баляят бир ишқ жиҳатидин бир-  
бирининг устида бўлмиш бўлған. Бу матлаъ яхши воқеъ бўлубтурким:

Йўқ дамеким, телбалардек ул париға зор эман,  
Сабру хушумдин жудо, дарду балоға ёр эман.

Манзурнинг парчами ошуфталиғи шарҳида ва ўз кўнглининг анда барҳамлиғи адосида бу матлаъ кўнгулларни ошуфта ва барҳам қилғудек тушубтур:

Ул қуёшким, чарх аро ошуфта парчамдур букун,  
Хаста кўнглум зулфи тоби ичра дарҳамдур букун.

Филжавоби бағайр:

Ул қуёшнинг меҳри нечун бандаға камдур букун,  
Кўз ёшим тинмай оқардин ер юзи намдур букун.

Париваш ёри ишқидин ҳолининг паришонлиғиким, тил шарҳидин лол булғай,  
нихоят хублиқдан баён топибдур:

Бир париваш ишқида андоқ паришон ҳолмен  
Ким, анинг шарҳин қилурда асру гунгу лолмен.

Гардун бедодидип элни бода куткорур мазмунда соқийни мухотаб қилиб, май  
тутмоқ истидьосида бу байт муфаттиҳдур:

Сокиё, тутқил тўла гардун кнби соғарниким,  
Жонима дермен даме бедоди гардун кўрмайин.

«В е» ҳа р ф и:

Сабодин сарви равонининг келган хабарин сўрар ва андин жон, иси, келган  
муносабат била руҳи равонининг ҳадисин сўрар:

Эй сабо, бергил хабар сарви равоним келдиму?  
Жон иси сендин келур, оромижоним келдиму.

Бу шеърнинг кофиясидин сўнгра атф вовин<sup>12</sup> калиманинг асли ҳарфи ўрниға  
тутулуб ғариб ихтироъ қилибдур:

Эй жафо тиғи, келиб мажрух кўксумни ёру,  
Қўл яланг айлаб солиб ҳарён ичимни ахтару.

«Х е» х а р ф и:

Кўнгли ранж била куюб жонониға демағонин булбул куйса гули хандониға ғам  
бўлмаслиғин ташбиҳ қилиб, ишқ чаманида булбулдек гулбонг урғони:

Ранж ила куйди кўнгул демас ани жонониға,  
Қайда булбул куйса ғам бўлур гули хандониға.

Сарви парирух ёдиға келса, хур ва жаннат ёдидин чиқарни ёд қилиб, бу-тарона  
била ғамгин кўнглин шод қилурким:

Ҳар қачонким келса ул сарви парирух ёдима,  
Келмас ул дам жаннату хур хотири ношодима

Кўнглига хитоб қилурким, анинг дардин маҳи таннозиға еткургай ва жонининг  
ҳалоклигин сарви нозиға арз этгай:

Эй кўнгул, дардимни арз эт, ул маҳи таннозима,  
Хаста жонимнн ҳалокин айт сарви нозима.

Бу матлаъдин ёрнинг киноятomez узрхоҳлиғининг манъидурким, ширин лабин  
шакаррез қилиб, ул афсун тили била ошиқ ўтини тез қилмағай:

Узр учун ширин ҳадисингни шакаррез айлама,  
Бу фусун бирла ўтумни дам-бадам тез айлама.

Сарви озодининг боғ аро жилва қилғони учун ишқ аҳли оху фарёди  
куйдурурининг адоси сўзнок тушубтур:

Жилва қилди боғ аро ул сарви озодим яна,  
Куйдурур ишқ аҳлини бу оху фарёдим яна.

Малик ул-калом Мавлоно Лутфийнинг машҳур матлаи жавобида дебтур:

Эй қадинг тубию жаннат хадди гулгун устина.

Бу матлаъ воқеъ бўлубтурким:

Хаттининг тори тушубтур лаъли майгун устина,  
Уйлаким, жон риштаси бир қатраи хун устина.

Басират аҳли қошида зоҳирдурким, тафовут не чоғликдур. Не учунким, Мавлоно юзни жаннатқа нисбат қилубдур ва бу муносиб ташбихдур. Бовужуди бу икки мисраъ бир-бирига марбут эмас ва жавоби бовужуди ғаробати маъни иккаласи бир-бирига мувофиқ ва алфози бир-бирининг муқобаласида лойиқ воқеъ бўлубтур. Ва қофияга тағйир бериб ҳам ушбу радиф била яна уч ғазал дейилибтур. Бовужуди улким, Мавлоно жавоби матлаъда хат таърифидур, уч матлаънинг иккисида хат таърифидур ва бирида хол таърифидур. Мундин назм таврида ғояти қувват маълум бўлур.

Ул уч матлаъдин бири будурким:

Ул зумуррад хатки чиқмиш лаъли хандон устина,  
Сабзаи хаттинг ичида уйлаким жондур ниҳон,

Иккинчи матлаъ будурким:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,  
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.

Учинчи матлаъким хол таърифида воқеъ бўлубтурким:

Нуқтаи холинг ажаб йўқ лаъли хандон устина  
Ким, бўлур бир қатра доим оби ҳайвон устина.

Ишқ уйқуни кўздин учурғони жиҳатидин кечанинг саъб ҳоли шарҳида бу  
матлаънинг хублуғи гунашдин равшанроқдур:

Бир қуёш ҳажрида чектим ўтлуқ афғон бу кеча,  
Куймагим дудидин ўлди чарх гирён бу кеча.

Филжавоби бигайриҳи:

Онча чектим бир қуёш ҳажрида афғон бў кеча  
Ким, фиғонимдин уюмас жинну инсон бу кеча.

Меҳрораз ёри чехра очиб жон ўртарининг тазарруи ва ошкоро лутф кўргузуб  
кўнглини пинҳон ўртарининг тазаллуми:

Оразинг меҳрин очиб, жисмим аро жон ўртама,  
Ошкоро лутф этиб, кўнглумни пинҳон ўртама.

Филжавоби биғайриҳи:

Ўт солиб эл жонига сен мени пинҳон ўртама,  
Ўрта жонимни-ю, жоним, элни чандон ўртама.

Ишқ ошуби ва бедоди ҳикоятида ва ҳажр зулм ва тааддиси шикоятида бу матлаъ  
асру дардмандона ва бағоят ниёзмандона тушубтур:

Неча ул ой ҳажрида кўнглум бузулғай ғам била,  
Неча жисмим уйи емрулғай ғаму мотам била.

Бу қофия ва радиф ҳам ул ҳазратнинг хоссаи таъбидур ва ҳеч ерда эшитилмайдур  
ва бағоят ширин ва рангин тушубтур. Ҳажр шомии суубатида ўзини анжум ва афлок била  
машғул тутар кайфиятида бу ғазал боштин оёқ хуб ва пурошуб воқеъ бўлубтурким:

Ҳажр шомии ой чиқиб мен йиғлар эрдим дард ила,  
Сайрлар қилдим сени истаб маҳи шабгард ила.

Бу авқотда ҳукм бўлуб эрдиким, туркигўй шуаро татаббуъ қилғайлар. Баъзеки,  
айттилар — лат едилар, баъзе айта олмаслиғига муътариф бўлдилар. Ул жумладин бири  
фақир эрдимки, инсоф бердим ва матлаи будурким:

Ўтка солғил сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,  
Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса.

Ёрни ағёр била кўра олмаслиғидин кўз қони деб айна рашқдин бу матлаъ хуб адо  
топибдур:

Қани кўзким, сени кўргаймен даме ағёр ила.  
Ё тааммул қилғамен ағёр ила гуфтор ила.



Ишқ зулмидин торикқанда кўзга ҳам ёр ва ағёр сори боқардин манъқилур  
маънида бу матлаъ ҳам ошиқона, ҳам дардмандона тушубтурким:

Эй кўз, ўзга юз сори ўзунгни ҳайрон истама,  
Бир вафосиз ишқидин кўнглунгни ҳам қон истама.

Ул ҳазратнинг хосса ихтироотидин бу тўрт шеърдурким, «ўзгача» лафзин радиф  
килиб, қофиялари ҳар қайсининг ўзгача воқеъ бўлубтур. Ҳар қайсининг латофати  
бирбиридин ортуғроғ тушубтур ва алардин бири будурким:

Ғам ели айшим биносин қилди вайрон ўзгача.  
Ҳушу сабрим мулкани ер бирла яксон ўзгача.

Иккинчи матлаъ будурким:

Оҳким бўлдум яна ишқ ичра шайдо ўзгача,  
Ақлу ҳушумдин жудо халқ ичра расво ўзгача.

Учунчи матлаъ бу навъ воқеъ бўлубтурким:

Бўлғали лаъли уза хатти намудор ўзгача,  
Тутти оҳим барқидин кўк юзи зангор ўзгача.

Яна бир матлаъ бу навъ воқеъ бўлубтурким:

Ваҳки, ҳижрон тарҳин ул ой солди бунёд ўзгача,  
Нотавон кўнглумга бунёд этти бедод ўзгача.

Кўнглига сабрдин ўзга чора ишқида билиб сабр қила олмағондин бечоралиғ  
изҳори қилибдур ва бадеъадо топибдур ва ғариб муаддо бўлубтур:

Чораи ишқи недур, жуз сабру маҳзун кўнглума,  
Чун қила олмас, қилинг бир чора мажнун кўнглума.

Ғардун шикоятдаким, офиятин расволиғ била бадал қилмиш бўлғай, бу матлаъ  
нишотфарсо ва андуҳ афзо воқеъ бўлубтурким:

Эй кўнгул, гардун балият тошини ёғдурдило,  
Ҳар тараф сабрим уйин деворини синдурдило.

Бу радифда яна бир матлаъким, ғазал таврида марсияомез Хожа Ҳофиз  
Шерозийга воқеъ бўлгон йўсин била ул ҳазратка дағи воқеъ бўлубтур ва бағоят нодирдур:

Вой, юз минг войким, сарви равоним бордило  
Сабру ҳушум мулкидин ороми жоним бордило.

«Ё» ҳ а р фи:

Матлубин истаб, тополмаслиғидин ва ҳеч ҳамдам ани бу мусибатда зорлиғин  
сўрмаслиғидин ўз-ўзи била гиламандлиғ изҳор қилибдур:

Қайда истай, истасам, қайдин топай сен ёрни  
Ким, манга ҳамдам бўлуб сўрғай даме мен зорни.

Кўнгул ҳар неча ёр дарду ғамидин озор топар, аммо анинг моҳрухсорин кўргач,  
меҳри фузунроқ ва муҳаббати сарриштаси узунроқ бўлур мазмунда бу матлаъ беназир  
тушубтур:

Нечаким, тортар кўнгул дарду ғаму озорини,  
Меҳрим ортар ҳар неча кўрсам маҳи рухсорини.

Паривашининг қаро либосидин хайрат қилғониким, куёш қаронқу тунда  
кўрунмак ғарибдур ва васл кавкаби саъди ҳажр тийра шомида тулуъ қилмоқ ажиб:

Ҳайратим бор то қаро қилмиш либосин ул пари,  
Ким қаронқу тунда кўрмиш офтоби ховарий.

Кўзин сарви сийминбари келур муждасидин йиғламокдин тийибдур, жонин  
хуршиди анвари васли башоратидин куймакдин манъ қилибдур:

Йиғлама, эй кўзки, ул сарви сийминбар келгуси,  
Куймагил, эй жонки, ул хуршиди анвар келгуси.

Жонида ҳарф ғами ёзар таҳририга кўнгли ажз ва нотавонлиғидин унамаслиғига  
тадбир ва чора топмасдин бечоралиғ зоҳир қилур:

Жонға айтурмен, ёзай ҳарфи ғаминг таҳририни,  
Кўнглум ўлмас, ваҳки, билмасмен бу иш тадбирини.

Ўз сабз хатининг сабзай хати ҳажрида ўлса, қабри сабзаси хати ҳижрон ништари  
бутмак иддио қилибдур ва ғариб маъни воқеъ бўлубтур:

Сабзай хатинг саводи бирла ўлсам, эй пари,  
Сабзай қабрим не тонг, гар бўлса ҳижрон ништари.

Бу матлаънинг бурунги мисраида хат ва лаб таърифида ва иккинчи мисраида юз  
ва зулф хайрат изхори воқеъдур. Тўрталаси нодир тушубтур:

Мушкбў хаттинму дей, ё лаъли дурборинму дей,  
Юзи иймонинму дей, ё зулфи зунноринму дей?

Бу матлаъ ҳам манзурини хусн юзидин Ширин ва Лайлиға ва ўзин ишқ бобида  
Фарҳод ва Мажнунға таржих қилибдур. Бу навъ оз эшитилибдур:

Хусн ила сен комилу Ширину Лайли шуҳрати,  
Ишқ аро мен зор ўлуб, Фарҳоду Мажнун тухмати.

Ишқ ўти ҳирқати таърифидаким, ул ўртамаган нима қолмамиш бўлғай, бу матлаъ  
сўзнок тушубтурким:

Ишқинг ўти жисму жони нотавоним ўртади,  
Турфа ўт эрдикки, пайдову ниҳоним ўртади.

Ҳажр тунида васл орзусидин булжажаб ҳаёлин баён қилур ва фироқ шомида  
висол шавқидин саъб ҳолин адо кўргузур:

Кеча ҳажрингдин висолингға ҳаёлим бор эди,  
Ҳеч кимга айта олмонким, не ҳолим бор эди.

Бу қофия ва радифда бу фақирнинг ҳам шеъри бор ва машхурдур, аммо ул  
ҳазратнинг бу шеъриким, анинг жавоби тушубтур, ҳеч нисбати йўқдурким:

Қилмағай эрдим юзин кўрмак таманно кошки,  
Солмағай эрдим кўнгул мулкига ғавғо кошки.

Маҳзун кўнглини алдаб дилрабосининг келур хабарини дебтур ва орғадаб ишратфизои васли хабарин айтибдур, ажаб навъ ширин воқеъ бўлбтурким:

Ғам ема, маҳзун кўнгулким, дилрабойинг келгуси,  
Базми ишқинг тузгучи ишратфизойинг келгуси.

Ишқ тарийқида ўз камолин зоҳир қилурким, ишқ аҳли ягоналари андин сўзу гудоз таманно қилибдурлар, балки боштин-аёқлариғача ул ўтқа ёкибдурлар:

Ишқим ўтидин келиб Мажнун бир учқун истади,  
Ол дедим, сунғач илик, боштин оёғин ўртади.

Ғоят бедиллиғидин, ғам даштида итган нотавон кўнглин ёд қилур ва тарки жон айлаган бехонумон кўнгли ёди била ўз андуҳин зиёд қилур:

Ваҳки, ғам даштида итган нотавон кўнглум қани?  
Тарки жоним айлаган бехонумон кўнглум қани?

Ҳижрон балосидин жониға етиб, ажалға илтижо қилур ва эл можаросидин ториқиб, ўлумни орзулар, бу услубда сўз бас ғарибдур:

Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,  
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.

Баҳор фасли бўлуб айш гули очилғони ва ғам хазони елидин сабри хирмони соврулғони бобида дейилибдур:

Навбаҳор ўлди, очилмас, ваҳки, айшим гулшани  
Ғам хазони елидин соврулди сабрим хирмани.

Бу шеър қофиясида яна бир шеър ўттики, бу анга жавобдур ва иккаласи бир-биридин хуброқ тушубтур:

Бир париваш шавқи, ваҳким, жисму жоним ўртади,  
Айрилиб ҳар учқун андин хонумоним ўртади.

Золим ёрни зулм қилмоққа беихтиёрлиғи айтилибдур ва ўзининг

мазлумшиорлиғини хуброқ важҳ била адо қилибдур:

Ер зулм айлар учун беихтиёр ўлмиш нетай,  
Вах, анга жавру ситам қилмоқ шиор ўлмиш нетай.

Ёр фироқидин ёшу қон тўкмоқ кўзининг фани бўлғонни бу жиҳатдин ул баҳру  
қон инжу ва лаъл махзани бўлғонни ғариб суратда назм қилур:

Эй фироқингдин кўзумнинг ёшу қон тўкмақ фани  
Ким эрур ҳам лаълнинг қони, ҳам инжу махзани.

Ёр кўйида тушган сўзон кўнглинки, ёри поймол қилмиш бўлғай, ерга тушган ўтқа  
ташбих қилғониким, аёғ била ерга суртуб ўчурурлар, хосса маънидур:

Тушгали сўзон кўнгул кўюнг аро филҳол они,  
Ерга тушган ўт эдиким, айладинг помол они.

Ҳижрон соғаридин дам-бадам ўздин борурни ибо қилиб, васл жоми муяссар  
бўлса, лаболаб сипқорурни муддао қилибдурким:

Неча ҳижрон соғаридин дам-бадам ўздин борай,  
Васл жомин гар тутар бўлсанг лаболаб сипқорай.

Бовужуди ўз ишқи ўти ва ёр ҳусни ўти рикқати қалб ва тараххум жиҳатидинким,  
ишқ аҳли лозимасидур яна бир мазлуми зор ишқининг ўти била ҳам кўнмақ ва матлаъдин  
шеърнинг охириғача бу маънини ҳар байтда изҳор қилибдурким, назм элидин ҳеч кимга  
даст бермайдур:

Бас эмас эрди манга ҳам ўз ўтум, ҳам ёр ўти  
Ким, анга афзун дағи бўлмиш яна бир зор ўти.

Жон оғзига етганда жонон лабин таманно қилмоқки, жон топширғай ва жононға  
яшурун нақди пинҳон топширғай, бас латиф воқеъ бўлубтур:

Етти жон оғзимға еткур лабниким, жон топшурай,  
Бори ўлмасдин бурун бу нақди пинҳон топшурай.

Мажнунни ишқ тарийқида ўзига ўхшатмоқ ва девоналиғ расмин анга ўргатмақ

камоли ошиқликқа ва девоналикқа долдур ва ишқ ва жунун аҳлиға бу навъ бас булжааб холдур:

Ишқ аро Мажнунни дерменким, ўзумга ўхшатай,  
Ҳушини зойил қилиб, девоналиғни ўргатай.

Паривашининг туфулият жихатидин ёрлиғ билмасин ва анинг шавқидин шайдо кўнгли хушёрлиғ билмасин зоҳир қилиб, дард аҳли қошида ўз дарди дилин айтибдур:

Ул париваш тифл, ваҳким, ёрлиғ билмас нетай,  
Шавқидин шайдо кўнгул хушёрлиғ билмас нетай.

Ул олам аҳли султони ҳиммати қошида баски султонлиғи муҳаққир кўринур ва фақирни филҳақиқат салтанатқа таржих қилур, бу байтдаким, ҳақиқат маъниси мажоз суратида адо топибдур. Умид улким, ул ҳазратнинг тарийқида ҳам неча мажози бўлса ҳақиқатда мубаддал бўлғай ва мажоз аҳлиға эҳсон ва ҳақиқат аҳлиға мустаҳсан воқеъ бўлубтур:

Ким гадойинг бўлса оламдин кечиб, эй дилрабо,  
Фақр аҳли ичра ул султони оламдур букун.

Хилват<sup>13</sup>. Олам аҳлиға андоқки, мажлис бўлур, мажлис аҳли ҳасратидин табъға калол ва зеҳнға малол юзлангандин сўнгра ҳар тоифа ўз хурди ҳолиға кўра махсуслари била хилват ихтиёр қилурлар. Чун «Мажолис уннафоис»нинг етти мажлисни табъ аҳли ғавғоси ва назм хайли алолоси била ўтқарилди. Секкизинчи мажлис Султони Соҳибқирон мажлисидурки, ани андоқки, ҳақидур баён қилмоқ мумкин эрмас ва ул даъвоға ақлким, мунсиф ҳакамдур, рухсат бермас. Нечукким, бўлса шикаста ва баста ва баъзи паришон ва баъзи пайваста адо топти. Эмди хилватда дағи бир-икки нақл ул ҳазратнинг ғайри назм латойифидин ҳам битилса ва бир-икки сўз шарҳ этилса йироқ бўлмағай.

У л ж у м л а д и н. Мавлоно Лутфий (алайҳа раҳма)ки, ўз замонида Хуросон мулкида туркий ва форсийда малик ул калом эрди, бир кун баҳор айёмидаким булуг ошиқ кўзидек ашқбор ва ул ашқ қатаротидин ҳар бири: маъшуқ ваъдасидек бир мавҳум тор ошқор қилур эрди, бу фақирға йўлуқти ва дедиким, бу ёғин торлари махсус бўладур, Мир Хусрав (алайҳа раҳма) ҳиндуча ашъорида бир ажиб-ғариб маъни айтибдур ва ул будурким: маҳбуб баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай ва ёғин жихатидин ер балчик бўлмиш бўлғай ва анинг. аёқи балчиғдин тойиб йиқилур чоғида ғоят нозуклугидин ёғин риштасин мадади била тутуб кўпмиш бўлғай. Бу фақир бу маънини эшитгач, хушҳол бўлуб, Мир Хусравнинг бу дақиқ хаёлиға офаринлар ўқудум ва табъ аҳлидин ёғин тақриби била ҳарким қошида бу сўз нақл қилилди. Манга юзланган хушвақтлиғ анга ҳам юзланиб, Мир Хусравнинг таърифида беихтиёр бўлди. Бир кун ҳам мазкур бўлгон тақриб била Султони соҳибқирон Олий мажлисларида банда бу сўзни арз қилдимким, бир кун Мавлоно Лутфий Мир Хусравдин бу навъ ғариб маъни нақл қилди, деб. Хаёлимда бу-ким,

ул ҳазратнинг ҳам латиф таъблариға хуш келиб, таърифда муболиға қилғувсилардур. Банда кўп шааф била айтқон учун филжумла табассум қилиб, инбисот изҳори қилдилар. Аммо кўп илтифот воқеъ бўлмади. Сўнгги кун андоқ маълум бўлдимки, ул ҳазратнинг муборак таъблариға Мир Хусравнинг бу хаёлида эътирозе юзланган эрмиш бўлғай, яна хайрат даст бердиким, Мир Хусравнинг бу хаёлиға жамеъ таъб аҳли таъриф ва таҳсиндин ўзга ҳеч нима зоҳир қилмадилар, оё, ул ҳазрат не эътироз қилиб эркинлар. Олий мажлисда ер ўпуб, арз қилдимки, ул эътирозни гуҳарбор алфоздин эшитмак муроддур. Дедиларким, ул эътирозбудурким, ул ёғин қатраси юқоридин қуйи иниб келадур, муқаррардурким, риштасиға дағи ҳамул ҳолдур. Риштаиким, майли қуйи бўлғай, анинг мадади била йикиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдур. Ул ҳазрат бу эътирозни нақл қилғоч, фақир билдимким, мен ва ҳар киши ҳамким, бу маънини эшитиб, таҳсин қилибдурбиз — барча ғалат қилғон эрмишбиз. Қулоқ тутуб ўз нуқси таъбимға муътариф бўлдим. Андин сўнг ул ҳазрат дедиларки, бу байт андоқ бўлубтурки, эътироз маҳалли йўқтурким;

Заъфдин кулбамда кўпмоқ истасам айлар мадад,  
Анкабуге ришта осқон бўлса ҳар деворға.

Умид улким, мундоқ соф таъб кузгусига ҳаргиз даврон ҳаводисидин ғуборе  
ўлтурмағай ва мундоқ равшан зеҳн шамъин ҳаргиз навоиби сарсари ўчурмағай.

У л ж у м л а д и н будурки, Мавлоно Қабулий деган кичик ёшлик йигит Қундуз  
ва Ҳисор тарафидин келиб эрди, таъби туркий ва форсий назмға мулойим эрди. Олий  
мажлисқа мушарраф бўлуб, подшоҳона таҳсин ва эҳсонға ҳам сарафрозбўлуб эрди. Бир  
кун бир туркий ғазалки, матлаи будурким:

Наъл кестим дарди афзун бўлдию кам бўлмади,  
Доғ кўйдум сўзи кам бўлғай дебон, ҳам бўлмади

айтиб келиб эрдиким, юқори арз қилғай. Фақирға бердиким, теграсида эврулғаймен ва  
хотирға келганни анга айтқаймен. Чун ўқудум «ҳам бўлмади», қофиясини яхши  
айтмайдур эрди. Дердимким, яхши қофияси будур, мундин яхшироқ боғласанг бўлур  
эрди. Ул дедиким, мен хили ташвиш торттим, яхши боғлай олмадим. Албатта, бу қофияни  
сиз боғланг. Чун муболаға қилди, фақир ул қофияни боғладим, бу навъким:

Сарв мойил бўлдимки, ўпгай аёғинг туфроғин,  
Йўкса ҳар соат сабо таҳрикидин ҳам бўлмади.

Алқисса, Қабулий бу шеърни битиб наввобдин бирининг воситаси била Олий  
мажлисқа еткурубдур. Ул ҳазрат ўқуғондин сўнгра дебтурларки, иккинчи байти анинг  
назмининг ранги эмас, хаёлға андоқ келурким, фалон муйи анинг бу шеърида айтмиш  
бўлғай.

Фақирни тилаб бу бобда такаллум қилдиларки, — бу байтни оё улму айтиб эркин,

ё бировму анинг учун деб эркин? Фақир таажжуб қилдим, аммо лутфи йўқ эрдик, ул ғариб йигитким, бу шеърни ўткариб эрди, дегайменким, — бу байтни мен айтибмен. Чун иқрор қилмадим. Муболаға била сўрулди, ул ҳазратқа чун равшан бўлуб эрди, инкор қила олмадим. Дедимким, муборак хотирғаким, мавриди фузуи ғайбийдур, чун зоҳирдур не навъ тонғаймен. Бағоят мунбасит бўлуб, ҳукм бўлдиким, Қабулийни топиб келтурсунларким, бу бобда анинг била мутояба қилали. Филҳол ани топиб Олий мажлисда ҳозир қилдилар. Ҳазрат жулус ҳукми буюруб, илтифот зоҳир қилиб, шеърини таҳсин қилдилар. Фақир мутараддидким, таъриф бунёд бўлди, анга ажаб шармандалиғ бўлғусидур ва фақирға андин ортуғроқ. Ул бобда ҳеч сўз демадилар. Муддате ўлтурди ва сўз ўзга тарафлар тушти, то улки, мажлис ниҳоятқа етти ва эл тарқалдилар. Оз киши маҳрамлардин қолди. Наввобдин бири арз қилдиким, Қабулийни келтурдилар ва ул байт бобида анинг била мутояба қилмадилар, ҳамоноки унутулди. Ҳазрат буюрдиларким, унутулмади, аммо ул сўз зикрида анга уят бўлур эрди, тиламадукки, ғариб йигит мажлисда эл аросида уятлиғ бўлғай, ул сабабдин анинг шеъри ва ул байт бобида сўз дейилмади. Бу фақир ер ўпуб арз қилдимким, бу раҳм ёлғуз анга воқеъ бўлмадиким, манга дағи бўлди.

Субҳоноллоҳ! Офарин ул сонёғаким, бир соҳиб давлатқа мунча ҳусни хулқ ва камоли фазл ва баланд идрок ва табъ ва зеҳни пок каромат қилибдурки, бу афсоналарни ясаб, бировга боғласалар, эшитган киши инона олмағай, балки жаълийдур деб, айтқучининг такаллумиға қулоқ солмағай.

Бу Султони Соҳибқироннинг эрамойин суҳбатларида ва фирдавстазийин хилватларида бу навъ ғариб латойиф ва ажиб заройиф ҳар лаҳза мутаоқиб ва мутаवотир ва ҳар лаҳза мутазоид ва мутақосир зоҳир бўлур, то сипеҳр шабистонининг шамъи заррин лагани бадри мунир бўлғай ва афлок шаҳристонининг машъали анжумани меҳри оламгир ўлған, бу адолат авжининг тўлун ойиға камлик юзланмасун ва бу салтанат-буржининг хуршиди оламоройи камол даражасидик айланмасун!

Ул ҳумоюн табънинг бу навъ диққатсозлиғ ва нуктапардозлиғларини сипеҳр дабири йиллар битиса тамом этмас ва хиради хурдадон хуш тақрири қарилар айтса итмомиға етмас. Авло улким, ихтисор била тамом қилилғай ва дуо била ихтитом берилғай:

Ё раб, бу замона шаҳларининг шоҳи,  
Ким, кўнгли эрур сирри ниҳон огоҳи,  
Бергил анга авж моҳдин то моҳи,  
Балким неки бор эса анинг дилхоҳи.

Кўк арсаси базмгоҳи ўлсун, ё раб,  
Кун шамсаси чатри жоҳи ўлсун, ё раб,  
Кавкаб адади сипоҳи ўлсун, ё раб,  
Ҳар ишда Ҳаҳ паноҳи ўлсун, ё раб.



# ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАР

## МУҚАДДИМА

1. «Ва дуруди номаъдуд ул хулосаи маъдум ва мавжудғаким» мавжуд бўлган ва бўлмаган нарсаларнинг яратувчисига саноксиз мактов ва дуолар бўлғай, демакдир.

2. «Малики аллом» — Оллоҳ кўзда тутилади.

3. Қуръони каримнинг нозил бўлиши ҳақида сўз кетмоқда.

4. Жаброил — Исломдаги тўрт фариштадан бири. Худо билан пайғамбар ўртасида элчилик қилган фаришта. Муҳаммад пайғамбарга Қуръон шу фаришта орқали нозил бўлган.

5. «Хайр ул-аном алайҳиссалавоту вассалам» — арабча: одамларнинг яхшиси, унга салом ва дуолар бўлсин демакдир. Бу ибора Муҳаммад пайғамбар номига қўшиб ёки уни назарда тутиб айтилади.

6. Абдурахмон Жомий (1414 Жом, — 1492 Ҳирот) — форс-тожик адабиётининг кўркамли намояндаси, шоир, мутафаккир ва олимдир. Алишер Навоий 1476—1477 йилларда Жомийни ўзига пир қилиб олади ва унинг ҳаёти охиригача ораларидаги самимий дўстликка садоқатни сақлаган. «Жомий ва Навоий» мажмуасининг ношири машҳур матншунос олим Порсо Шамсиев шу мажмуа муқаддимасида ёзган эдилар: «Чин инсоний хислатлардан сабот, матонат, ғайрат, толмас меҳнаткашлик бу икки дўстнинг муштарак хусусиятлари бўлиб қолди. Бу муштарак хусусият булардаги буюк ижодий куч ва маҳоратнинг деярли бир мезонда борганлигида кўринади. Жомий бирор асар ёзса, биринчи галда Навоийга тақдим этар, керак миқдорда ислоҳ этишни, камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб беришни талаб этар эди. Навоий Жомийни ўзига мададкор, қийналганида мушкулларини ҳал қилувчи ва ишларга рағбатлантирувчи улуғ ҳомий ва мураббий деб билар эди». (П.Шамсиев. Улуғ дўстлик лавҳаларидан. Жомий ва Навоий (тўплам). Тошкент, «Фан», 1966.).

Бу икки улуғ сиймолар бир-бирларининг ташаббуслари билан асарлар ёзар, бир бирларига ўз асарларида мадҳиялар битар эдилар. Алишер Навоий Жомий ҳақида унинг вафотидан кейин махсус «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» (Ҳайратланганлар бешлиги) асарини ёзган.

7. «Мадда зилли ва иршодаху» — арабча: Оллоҳ унинг сояси ва тўғри йўлини узайтирсин, демакдир.

8. «Баҳористон» — Жомийнинг 1487 йилда Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» асари пайравлигида ёзган ахлоқий ва тарбиявий мазмундаги асари. Жомий ўз ўғли Зиёвуддин Юсуфга дарслик тарзида яратган. «Баҳористон» муқаддима ва 8 боб (равза)дан иборат: 1) орифлар саргузашти; 2) улуғлар ҳикматлари; 3) адолатли шоҳлар ҳақида; 4) саҳийлик тарғиби; 5) ишқий ҳикоятлар; 6) ҳазл-мутойибалар; 7) шеър ва шоирлар; 8) тамсиллар.

Навоий бу ерда «Баҳористон»нинг еттинчи бобини назарда тутди. Моҳиятча, бу боб тазкира бўлиб, унда Рудакийдан Навоийгача 37 нафар машҳур шоирлар ҳақида маълумот мавжуддир.

9. Султони Соҳибқирон — бахтиёр султон маъносини англатувчи бу лақаб улуг, жаҳонгир подшоҳларга берилган. Бу ерда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилади. Илми нужумда икки сайёра тўқнашган пайтда туғилган болани англатади. Унинг ғоят улуг мартабали бўлишига ишонишган.

10. Нигорхона — расмлар хонаси; Нигорхонаи чин — Чин расмлари хонаси. Бу ерда Навоий Жомий «Баҳористон» асарида шоирларга бағишланган бобни шундай безадики, унга Чин (Хитой) нигорхонасининг ҳам рашки келади, деб таърифлайди.

11. Амир Давлатшоҳ (тахминан 1436/38 — ваф. 1497, Самарқанд) тазкиранавис. Отаси Амир Бахтишоҳ Шохрух Мирзонинг лашкарбошиларидан бўлган. Давлатшоҳ «Улоин» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. 1471 йилга қадар Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлган. Ҳиротдан қайтгач, отаси мулкида деҳқончилик қилган ва адабий ижод билан шуғулланган.

12. «Тазкират уш-шуаро», Давлатшоҳнинг 1486 йилда ёзган асари. Унда Ироқ, Эрон ва Ўрта Осиёда X—XV асрларда яшаб нжод қилган 150 дан зиёд шоирлар ҳақида маълумотлар берилади. Бу асар Навоий тавсияси билан яратилган бўлиб, Навоийнинг ижоди ва арбоблик фаолияти ҳақида махсус боб бор.

13. «Султони Соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари» — Ҳусайн Бойқароннинг туғилган йили (1438 й.) назарда тутилади.

14. «Аmmo холо бу фано дор ул-ғуруридин бақо дор ус-суруриға интиқол қилибдурлар» — ҳозирда ўткинчи ғурур саройидин (яъни, бу дунёдан) абадий хурсандчилик саройига (яъни, у дунёга) кўчиб ўтишган (яъни, вафот этишган) демакдир.

15. «Холо бу фаррух замонда намояндадурлар» — ҳозир бу бахтиёр замонда ҳаётдирлар, демакдир.

16. «Мажолис ун-нафоис» — Нафис мажлислар демакдир.

## АВВАЛГИ МАЖЛИС

1. Амир Қосим Анвор — Шох Қосим Анвор Табрзий (1346, Табрёз—1433, Жом). Араб ва юнон, форс ва туркий тилларни яхши билган ҳамда шу тилларда шеърлар ёзган. Умрининг аксар қисмини Ҳиротда кечирган. Самарқандда ҳам яшаган.

Шоирнинг тўла куллиёти 1959 й. Техронда нашр қилинган, унда ғазаллар девони, «Анис ул-ошиқин» (Ошиқлар дўсти) номли маснавийси, «Таважжухнома» (Оллоҳга интиланлар ҳақида асар), «Воқиаи Ҳирот» (Ҳирот воқиалари), «Рисолаи вужуд» (Борлик ҳақида рисола), «Макотиб» (Мактублар), «Саволу жавоб» ва бошқа асарлари ўрин олган.

Қосим Анвор тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси сифатида машхур. У, айниқса, Жалолиддин Румийга эргашган. Шунингдек, Қосим Анвор асарларида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалар ҳам илгари сурилади. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам бу шоир ҳақида анча муфассал маълумот беради.

2. «Қуддиса сирриху» — арабча: сирри муқаддас бўлғай, деган маънони англатади ва вафот этганлар ҳақида айтиладиган дуо ҳисобланади.

3. Валоят аҳли — валий, авлиё одамлар.

4. Ҳақойиқ ва маориф — ишқи ҳақиқий ва маърифат мазмунида ёзувчилар.

5. Садриддин Ардабилий — XIV асрдаги машхур тасаввуф шайхларидан.

6. «Анис ул-ошиқин» — Ошиқларнинг дўсти демакдир. Қосим Анворнинг асари.

7. Таржеъ — қайтариш, такрорлашни англатади. Шеърда такрорланувчи банд бўлиб, бунда шоир вазни бир, қофияси бошқа бўлган бир неча банд шеърнинг ҳар банди сўнгида бир байтни такрорлаб келтиради. Такрорланган байт ҳар банд охиридаги байт билан боғланиб бориши шарт ҳисобланади.

8. Байтнинг таржимаси (бундан кейин «тарж.:» деб бериб борамиз): Оллоҳга шукрки, сенинг икки жаҳон мулкига сармоя бўлган ишқинг менинг юрагим ва жонимдадир.

9. Тарж.: Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчилар ва ёқавайронлармиз. Сенинг ғаминг турганда дунё ғамини чекишдан не фойда?!

Бу байтдаги «ринд» сўзининг таърифи «Ғиёс ул-луғат»да: «Ринд—шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, онгли сураатда инкор қилувчи одам», деб берилади. Тасаввуф истилоҳотида «ринд» барча бойлик, лавозим, зохирий илтифоту мулозиматлардан ўзини йироқ ташлаб, олам ва одамнинг энг юксалган поясида ўзини озод сезувчи хур фикрли инсонни англатади.

10. Жалолоддин Румий (1207—1273)—шоир ва мутафаккр. Исми Муҳаммад, лақаби Жалолоддин. Жалолоддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад Чингизхон юриши арафасида Балхдин Нишопурга кўчади ва шоир Шом, Ҳалаб ва Арзанжонда илоҳиёт, фикҳ, риёзиёт (математикага оид фанлар), тарих ва бошқа илмларни ўрганади. Даврнинг машҳур шайхларидан Бурҳониддин қошида 1232 йилдан суфийлик тариқати ва шариатдан таҳсил олади. Қунияд аса Шамс Табризий билан учрашади ва уни маънавий устоз деб танлайди. Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» номли асари уни дунёга машҳур қилади. Унда илоҳиёт, фалсафа, тасаввуфга оид масалалар ўз аксини топгандир. 6 мустақил дафтардан иборат бу асарда кўплаб ривоятлару ҳикоятлар, масалу латифалар ўрин олган.

11. Тарж.: Табризда бир Сайидзода бор эди.

12. Тарж.: Феъл, сифат, зот ва исмларинг билан ҳамма яширин ва ошкор нарсаларнинг асли ўзингсан.

13. Жорубкаш—масжид, мадраса, хонақо ва мазорни супурувчи хизматкор. Навоий бу ерда Жом вилоятидаги Харжурд деган жойдаги мазорда дафн этилганларга, жумладан Қосим Анворга ўз ҳурмати ва эътиқодини нзҳор этади.

14. Хамса ва салосина ва самона миа — арабча: 835 й.ни англатади. Милодий ҳисобда 1431—32 й. га тўғри келади.

15. Мир Қосим Анвор кўзда тутилат.

16. Имом Али Мусо ар-Ризо — Али Ибни Мусо, лақаби Али Ризо. Ислом ақидаларига кўра саккизинчи имом. У аввал Мадинада яшаган, 816 й. да Халиф Ал-Маъмун томонидан Хуросонга келтирилган ва 817 й. да Марвда 33 минг одам қатнашган йиғинда валиаҳд деб эълон қилинган. Имом Ризонинг номи Маъмун номидан кейин тангаларда зарб этила бошлаган. Маъмун ҳатто унга ўз қизи Хабибани беради. Али Ризо Эронда қадимги Тус шаҳри яқинидаги Нукон деган қишлоқда тўсатдан вафот этади. Маъмун уни ғоят катта дабдаба билан Санобод деган Хорун ар-Рашид мақбараси жойлашган боғда дафн қилади. Кейинчалик бу ерда Машҳад шаҳри пайдо бўлади. Ҳозир Машҳаддаги Имом Ризонинг ҳашаматли мақбараси мусулмонларнинг зиёратгоҳидир. Навоий вазирлик даврида Имом Ризо мақбарасининг жанубий қисмида гўзал бир айвон қурдирган ва ундаги устунларнинг бирига Ҳусайн Бойқаро номини ўйдирган. Бу ерда шоир Мир Маҳдумнинг отаси Маккадан Машҳадга Али Ризо мақбараси зиёратига келганли баён этилади.


17. «Ман хадима худима» — арабча: ким бировга хизмат қилса, унга ҳам кимдир хизмат қилади, демакдир.

18. Тарж.: Чалғучи тарона чал, соқий май тутгил, кимки, «май ҳаром» деган бўлса, унинг қони ҳалолдир.

19. Тарж.: Мени риндлик оламида расволикнинг нишонаси қилдинг, дилимни олиб, жонимни юз надоматга қўйдинг.


20. Муаммо — арабча: яширинган, беркитилган, демакдир. Муаммо Шарк шеъриятида кичик лирик жанр турларидан бири. Мисраъ, бир-икки байтда (баъзан жумла, ибора ёхуд бир сўз ҳам бўлиши мумкин) исм ёки бирор сўз яширинган бўлади. Муаммода эса унга мураккаб имо-ишоралар бўлади. Муаммони махсус қоидаларга асосан (унга рамз, имо, киноя, ўхшатиш, сўз ўйини, араб алифбосидаги ҳарфлар нуқталарини алмаштириш, сўзларнинг бошқа тиллардаги синонимларини топиш, тескари айлантриш ёки «абжад» ҳисоби (ҳарфларнинг рақам маънолари) ва ҳ. к. йўллар билан топиб олиш, ечиш керак бўлади. Муаммони тузиш ва уни ечиш қоидаларига бағишланган махсус рисоалар ҳам яратилган. Айниқса, XV асрда муаммо кенг тарқалган эди. Жомий ва Навоий ҳам муаммо ҳақида рисоалар ёзганлар.




Бу муаммода «Аҳмад Мирак» исми яширинган. Аслиятда шундай ёзилади.



Тарж.: Мен май истамайман, уни берма ва тутма. Саъдни ёр кўчаси бошига элтиб кўй.

Биринчи мисраънинг яна шундай мазмуни бор:  сўз

аввалидаги [ҳарф]  менда йўқ.


Агар  дан  олиб ташласак,  қолади. Унинг рақам маъноси


10, ҳарфларда  ёзилади. Бу икки ҳарфнинг рақам


йиғиндиси

$$(د = 4 \text{ ва } \Delta = 5) 9$$

бўлади. 9 рақами

яна  бирикувидан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, «май» сўзидан «ах» бўғимини чиқардик.  ни  
— «мад»ни ол, деган ишорага биноан «Ах»га «мад»ни қўшсак «Аҳмад»

 чиқади. дан «ми» олинади. Юқоридагидек иккинчи мисрадан «Саъдни қолдириб «ро»ни, яъни «р» ҳарфини қўй сўзининг аввалига, яъни, биринчи ҳарфи олдига олиб бориб қўйилади ва «Мирак» ҳосил бўлади. Натижада кўрсатилган муаммо ечими «Аҳмад Мирак» исми чиқади.

Кўринадик, муаммони ечиш араб алифбосига асосланади ва уни таржимасини бериш билан мақсад ҳосил бўлмайди. Шунинг учун муаммоларни араб алифбосида бердик ва таржима қилмадик.

21. Тарж.: Мен ёмонлик қилдим, узр айтиш гуноҳдан ёмонроқ.

Чунки бунда учга бузилган даъва бор: борлик, куч ва қувват. Кейинги мисраъ арабча бўлиб, куч билан қувват эса худодан бошқа ҳеч кимда йўқ.

22. «Мақсади ақсо» — энг сўнгги мақсад.

23. «Қасидаи бурда» — араб шоири Каъба Ибни Зухайр (VII аср) асари. Бурда дегани йўл-йўл матодан тикилган устки кийим — қабони англатади. Ривоятга кўра, Муҳаммад пайғамбар шол дардига мубтало бир бемор устига ўз бурдаси устки кийимини ташлаган экан, у даво топиб, тузалиб кетибди. Қасиданинг номида шу ривоятга ишора бор. Қасида уч қисмдан — анъанавий лирик муқаддима, дидактик қисм ва мадҳдан иборат. «Қасидаи бурда»га жуда кўплаб назиралар ёзилган, мухаммаслар боғланган, шарҳлар битилган. Мусулмонлар қасидага маълум даврларда илоҳий маъно ҳам бериб, унинг айрим парчаларини тумор тарзида ўзлари билан олиб юрганлар (қаранг: Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. М., «Наука», 1965).

24. Шохрух Мирзо (1377—1447) — темурийлар сулоласидан, ҳукмдор. Темурнинг ўғли. Улуғбекнинг отаси унинг подшоҳлиги даврида Самарқанд, Ҳирот ва Марвда бир қанча бино, истехком ҳамда иншоатлар қурилди, илм-фан, маданият ривож топди. Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг еттинчи мажлисида Шохрухга алоҳида мақола бағишлайди.

25. Тарж.: Эй бу оламда яширин ҳам, ошқора ҳам ўзингсан, ошиқ юрагининг дарди ҳам, асл давоси ҳам ўзингсан.

26. Тарж.: Мен туркман, ҳиндуни Жайполнинг ўлакраси деганман, Жунанинг дабдабасини бир дона арпага ҳам олмайман.

27. «Ажойиб уд-дунё» — Дунёнинг ажойиб (ишлари); «Жавоҳир ул-асрор» — Сирларнинг жавҳарлари.

28. Тарж.: Яна тун бўлди, кўзим йиғи майдонига сув урди: Кўз ёшининг сели уйқу сипоҳига хужум қилди.

29. Таърих — адабий жанр турларидан бўлиб, унда абжад ҳисоби усулларини татбиқ этиш билан бирор муҳим воқеа, улуғ кишилар вафоти, биноларнинг бунёд этилиши вақти ва ҳ. к. лар йилини ёзиб қолдирилади. Таърих яратувчиларни таърихгўйлар дейилади. Таърих шеър билан айтилса, ғоят муносиб саналади. Таърих моддаси бўлган

сўз, мисраъ, байтлар араб ҳарфида ёзилиб, абжад ҳисоби билан чиқарилишини эътиборга олиб, таърих моддаси бўлган сўзларни араб алифбосида

خسرو

келтирдик: сўзидаги ҳарфлар абжад бўйича йиғиндиси 866 й.

خروس

(1461—62 й.) сўздан ҳам шу сана чиқади.

30. Котибий — Шамсиддин Муҳаммад Ибн Абдулло (тав. номаълум, Туршез — 1435, Астробод) XV асрдаги машҳур шоир, хаттот ва мунши. Яхши хаттот бўлганлигидан Котибий тахаллусини олган. Шоирнинг Нишопурда таҳсил олгани, Ҳирот, Самарқанд, Мозандарон, Гилон, Ҳижоз, Табрез ва Исфаҳонларда бўлгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Умрининг охирида Астрободда кўним топган ва шу ерда дафн этилган.

Манбаларда Котибий қаламига 140 асар мансуб дсб қайд қилинади. Унинг «Қасидалар дсвони», «Ғазаллар девони», «Хамса» дostonлари машҳурдир.

31. «Зул-бахрайн» — Икки бахрли. «Зул-қофиятайн» — Икки қофияли.

32. Тарж.: Кўз ва дил туфайли тупроқ баданим ўт ва сув ичидадир. Кўз билан кўргил ва дил билан раҳм қилгил, ишим харобдир.

33. Тарж.: Эй тўғри юрувчи тақдир камонинг ўкдек; Сенинг ўқдонингга безакли осмон қоплон думидекдир.

34. Тарж.: Кўршапалак феруза ранг гунбаздан гунбаз ферузасига қараб кетди.

35. Тоун марази — вабо касали.

36. Тарж.: Вабо олови қаҳридан тупроғи мушкдан ҳам хушбўйроқ бўлган Астробод бирданига хароб бўлди. У ерда ёшу қаридан ҳеч ким қолмади, чунки «ўрмонга ўт тушса хўл ва қуруқ баробар ёнади».

37. Ашраф—Абу Али Ҳусайн ибни Ҳасан Мароғий. Дарвеш Ҳасан Хиёбоний (туғ, номаълум — ваф. 1460) номи билан танилган. 1436—1440 йиллар мобайнида «Хамса» анъанасини давом эттирган. «Минҳож ул-аброр» (Тақводорларнинг ёруғ йўли), «Риёз ул ошиқайн» (Икки ошиқнинг машаққатлари), «Ширнн ва Хусрав», «Ишқнома» ёки «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт авранг» (Етти тахт) ва «Зафарнома» номли «Хамса» таркибидаги дostonларни ёзган. Шоирнинг тўртта шеърлар девони ва «Сад панди Али» (Алининг юз панди) номли Ҳазрат Алн ҳикматларининг таржимаси бўлган манзумаси ҳам мавжуд. Афтидан бу охирги асари Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» номли асарига ўхшаш кўринади. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Ашраф ҳақида ёзади ва Ҳиротда бўлганини таъкидлайди. Шоир «Хамса» устида узоқ йиллар меҳнат қилгани ва ниҳоят уни тугаллашга ноил бўлгани хусусида Навоий Ашрафнинг куйидаги байтини келтиради:

Аз шарафи васли ту Ашраф шудем,  
Давлати мо буд мушарраф шудем.

(Тарж. Сенинг васлинг шарафи билан Ашраф (яъни, шарафли) бўлдик, бу биз учун давлат эди мушарраф бўлдик).

38. Тарж.: Билимда илғор бўлган шахс қошида гуноҳкорни ўлдиришдан гуноҳни кечиш афзалроқдир.

39. Тарж.: Ўқнинг чўпи бўлишни истайман, токи сен баъзи-баъзида ҳолимга кўз учи билан қарагайсан. Бу ерда шоир ўқ тортганда, кўз кири билан нишонга боқиши каби ҳолатни назарда тутмоқда.

40. Хожа Исматулло (туғ. номаълум—ваф. 1437, Бухоро)—асосан Бухорода яшаб ижод этгаи шоир. Халил Султон саройида бўлган. Феодаллар исёнидан сўнг шоир саргардонликка учрайди. Улуғбек ҳукмрон бўлгач, Исмат Бухорийни сарой хизматига таклиф этади. Лекин шоир узлатни, дарвешлар орасида бўлишни афзал кўриб таклифни қабул қилмайди. Шоирнинг саккиз минг байтдан иборат шеърлар девони, «Иброҳим Адҳам» номли маснавийси маълум. Унинг тасаввуфий таъсуротлар, суфиёна ҳиссиётлар билан йўғрилган шеърлари халқ орасида машҳур бўлган.

41. Халил Султон (1384—1411)—Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли. 1405—1409 йилларда Самарқандда ҳукмронлик қилган. Темурнинг Ҳиндистон юришида қатнашиб, ўзининг ҳарбий салоҳияти билан улуғ бобоси рағбатини қозонган Халил Султон 1402 й. да Туркистон ҳукмрони қилиб тайинланган эди. Лекин 1404 й. да Темурнинг рухсатисиз оддий табақа қизи гўзал Шодмулкка уйлангани учун унинг ғазабига учраган эди. Темур вафотидан 1 ой кейин 1405 й. 18 мартда тахтга ўтирган Халил Султон Мовароуннаҳрдан четларда тан олинади. Феодал низолари, ворислар орасидаги тўқнашувлар натижасида Халил Султон 1409 йил 30 мартда асир олинади ва Фарғона, Андижон, Ўтрорларда саргардонликдан бешиб, Шохрух билан шартнома тузади ва тахтдан воз кечади. Охири Райга жўнайди. Манбаларнинг таъкидлашича, Шодмулк ҳам унинг ортидан Райга келади. Халил Султон Райда вафот этади. Шунингдек, манбаларда Халил Султоннинг Шодмулкка бўлган муҳаббати ҳамда ўз душманлари, ҳатто хоинларга нисбатан ҳам олижаноб бўлгани таъриф қилинади.

Халил Султон саройида олиму фозиллар, санъаткор ва шоирлар ижод қилар, ўзи шеърят билан шуғулланар эди. Навоий ушбу асарнинг еттинчи мажлисида Халил Султонга алоҳида мақола бағишлайди ва соҳиби девон бўлганини қайд қилади. Хожа Исмат Бухорий Халил Султон девони таърифида қасида ҳам битган экан.

42. Тарж.: Юрак кабобдир ундан шўр [ғавғо] қўзғатганлар, чунки у юракка Халил (чин дўст, демакдир) туздонидан туз сепганлар.

43. Тарж.: Бу бепоён денгиз жаҳонларни ўз ичига олгандир. Илоҳий ақл ғаввоси ундан гавҳарни пайқай олмайди.

44. Тарж.: Эй дардинг ўқи ошиқлар юрагига нишона! Бутун халқ сен билан овораю ўртада сен ғойибсан.

45. Тарж.: Гоҳ бутхонада гўшанишинман, гоҳ масжидда истиқомат қиламан. Яъни сени уйма-уй қидириб юраман.

46. Тарж.: Дил шишадир, кўзларинг уни ҳар томонга олиб борадилар, улар мастдирлар, мабодо синдириб қўймагайлар.

47. Тарж.: Чанг ва даф садоларндан дилим васлингни истайди. Чунки ҳар бир тери остида худонинг бир дўсти бор.

48. Яхъё Себак (туғ. номаълум—ваф. 448—49 й.) — шоир, арузшунос олим ва хаттот. Аввал «Туффоҳий», сўнгра «Фаттоҳий», «Хуморий» ва «Асрорий» тахаллусларида ёзган. Нишопурда яшаган. «Мажолис ун-нафоис»нинг форсийга таржимони Фаҳрий Ҳиротий шоир назмий рисоалар, «Таъбири хоб» (Туш таъбири) номли асар ва «Хусну Дил» деган дoston ёзгани ҳақида маълумот беради.

49. Тарж.: Эй, лола даврида пиёлани майдан холи қилувчи умр ўтди. Бу ҳасрат доғига қачон даво қилурсан?!

50. Хожа Ҳофиз—Шамсиддин Муҳаммад (туғ. 1321—ваф. 1390, Шероз) буюк форс шоири. Етим қолгач, нонвойга шогирд тушган, Куръонни ёд билгани ва яхши тиловат қилгани учун «Ҳофиз» номи билан шуҳрат қозонган. Шеърятда уни тахаллус

қилиб олади. Ҳофиз ҳам ишқи мажозий, ҳам ишқи ҳақиқий ҳақида ёниб ёзган. Ҳофиз ғазалсаро шоирдир. Унинг девони вафотидан сўнг тузилган. Судий деган турк олими (ваф. 1591) Ҳофизнинг мукаммал девонини тузган. Кейинчалик шоир шеърларига кўплаб шарҳлар ёзилган. XVII аср охирларидан бошлаб, Ҳаммер, Пургштал. таржималари, Гётенинг «Ғарбий-Шарқий девони» орқали Ҳофиз Ғарбда шуҳрат қозонди. Эрон олимлари Абдурахим Халхолин, Муҳаммад Қазвиний, Қосим Ғаний, Саид Нафисий, Муҳаммад Муъин ва бошқалар Ҳофиз ижодини ҳар томонлама таҳлил этдилар, Ҳофиз ғазалларига жилд-жилд шарҳлар битдилар. Оврупо шарқшуносларидан Я.Рипка, А.Арберри, Х.Рёмер, Х.Риттер ва бошқалар, рус олимларидан Е.З.Бертельс, А.Н.Болдирев, И.С.Брагинскийлар ҳам ҳофизшуносликка етук ҳисса қўшдилар.

Навоий Ҳофиз ғазалиётини пухта билган ва ўзининг «Девони Фоний» деб номланган форсийдаги ғазалларидан 237 тасини Ҳофиз ғазалларига татаббуъ қилиб ёзган. Бу масала тожик олими акад. А.М.Мирзоев томонидан қисман тадқиқ этилган ва Навоийнинг Ҳофизнинг ғазалига жавобияларидан намуналар алоҳида рисола тарзида нашр қилинган. (Қаранг: А.Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз. Душанбе, «Ирфон», 1961).

51. Тарж.: Эй бангилар, наша баргининг арраси (япроқ қирралари) сизнинг ақл ва имонингиз кўчатининг томирини кесмоқ учун ўткирлашгандир.

52. «Бу фақир аруз фанида восита била Мавлононинг шогирдимен» — машҳур арузшунос Дарвеш Мансурдан Навоий аруз илмини ўрганган. У эса Яхъё Себакнинг шогирди бўлган. Навоий бу ерда «восита била Мавлононинг шогирдимен» дер экан, ана шуни назарда тутди.

53. 852 (1448-49 й.).

54. Хужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий — Абдуҳомид Муҳаммад ибни Муҳаммад Тусий (туғ. 1058, Тус—ваф. 1111, шу шаҳар), машҳур мутакаллим, фақиҳ ва суфий. Аввал Гўрган мадрасасида, кейин Нишопур яқинидаги «Низомия» мадрасаларида таҳсил кўради. Бир неча муддат Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилади. Сўнгра Шом, Фаластин ва Ҳижозда яшайди. Ғаззолий асарларида фалсафа, илоҳиёт, риёзиёт, мантиқ, табиёт ва ахлоққа оид масалалар юзасидан баҳс юритилади. Ғаззолийнинг тасаввуфга оид асарлари халқ орасида кенг маълум бўлган. Масалан, «Кимёи саодат», «Эҳъё ул-улум ад-дин» (тирилиш ва дин илми). Ғаззолий фалсафаси асосида худони ақл билан англаш мумкин эмас, уни руҳий илтижолар, сиғиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин, деган ақида ётади. Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида Муҳаммад Ғаззолийга алоҳида мақола бағишланган. Унда олимнинг кунияти (абу, ибн, умм, бинт каби сўзлар билан бошланадиган лақаби) Абу Ҳомид ва лақаби Зайниддин деб кўрсатилган. Мисрнинг Искандария шаҳрида, Нишопурда яшагани ҳам қайд қилинади. Ғаззолий Нишопурда хонақоҳ ва мадраса қурган. Навоий Ғаззолийнинг яна «Ёқут ут-таъвил» (Сўзнинг (бошқа маънодаги) ёқутлари), «Жавоҳир ул-Қуръон» ва «Мишкот ул-анвор» (Қандил нурлари) номли асарлар ёзганини таъкидлайди.

55. Анварий — Авҳадуддин Али Ибни Муҳаммад Ибни Исҳоқ (туғ. 1105, Абиварднинг Ховарон ноҳияси — ваф. 1187, Балх) машҳур форс шоири. Тус мадрасасида таҳсил кўрган. Илми нужум, хикмат, ҳандаса, фалсафа ва тиб илmlарини пухта эгаллаган. Табиатан шўх ва озод фикр шоир 20 ёшларида Султон Санжарга қасида бағишлаган ва ҳукмрон томонидан саройга таклиф этилган. Маълум муддат Марв ва Нишопурда истиқомат қилган, ниҳоят 1154 й.да Балхга келган. Анварийнинг ҳажвиялари ғоят ўткир бўлиб, замона адолатсизликлари, зулмкорликлари ва ҳукмрон табақаларнинг ахлоқий тубанликларига қарши қаратилган эди. Анварийнинг донишмандлигига, маърифатга



чорлашлари, ҳақиқатгўйлиги ва турмуш тарзига кўра ҳаким деб атаганлар.

Анварининг қасиданависликнинг пайғамбари деб таърифлаганлар. Шоирнинг қаламига 250 та қасида, 337 та ғазал, 472 та рубоий, 557 та қитъа мансуб бўлиб, шеърятининг умумий ҳажми 15000 байтни ташкил этади. Анварий девонидаги шеърларга Алавий Шодиободий (XVI аср) ва Абдулҳасан Фароҳоний (XVII аср)лар томонидан шарҳлар битилган. Тожик олими Р.Ҳодизода 1972 й. да шоир девонини изоҳлар билан нашр этган.

56. Тарж.: Ўз истагимни Рай мулки билан қиёс қилганимда...

57. Алауддавла Мирзо— Шоҳрухнинг набираси, Бойсунғур Мирзонинг (ваф. 1433) ўғли. 1447—1448 й. ларда Хуросоннинг бир қисмини—Хирот атрофларини бошқарган.

58. Бу қасида матлаъининг биринчи мисраъида абжад ҳисоби билан 849 (1445— 46 йил) берилган; иккинчи мисраъидан ҳам худди шу таърих чиқади.

59. Абу Саид — темурийлардан. Султон Муҳаммаднинг ўғли. 1451 58 й. Ларда Мовароуннаҳр ҳокими, 1458-69 йилларда эса темурийлар давлатининг олий ҳукмдори; У ўзидан олдинги шоҳ Абдулқосим Бобурга нисбатан анча қаттиққўл, зулмкор эди. Навоий ва унинг тоғалари Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар Ҳусайн Бойқаронинг Абу-Саидга қарши ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлари учун уларга ғоят совуқ муносабатда бўлган Абу Саид илм ва санъат аҳлини қадрламаган ҳукмрон бўлгани учун ҳам муносабатларни яхшилашдан кўра Навоийга Ҳиротни тарк этиш осон туюлган ва у Самарқандга кетган эди. Навоийнинг Абу Саиддан норозилик туйғулари унинг “Маснавийси” — Саййид Ҳасан Ардашерга шеърӣ мактубида ўз аксини топган. Бу асарда Навоий ўзининг Хиротдан Самарқандга кетишини беихтиёр қилинган сафар, деб эътироф этади. Бобурда эса «Билмон, не жарима била Султон Абу Саид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди», деган маълумот бор. Навоий Абу Саид 1469 йилда Эроннинг Ғарбий қисмларини ўзига бўйсундириш мақсадида юриш бошлаб, Озарбойжонда қатл этилгандан сўнг, Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач, янги ҳукмдорнинг таклифи билан пойтахтга қайтади.

60. Абдуллатиф Мирзо (туғ. 1422—23, ваф. 1450)—темурийлардан. Мирзо Улуғбекнинг учинчи ўғли, Ҳиротда бобоси Шоҳрух Мирзо тарбиясида вояга етган. 1440 й: дан бошлаб ҳарбий юришларда қатнашган Абдуллатиф Улуғбекка қарши фитналарда иштирок этиб, охири 1449 й. да қўшин тортади ва Самарқанд беклари кўтарган исён сабабли Улуғбек пойтахтга қайтади. Абдуллатиф Дамашқ кентини ишғол қилади ва отаси, укаси Абулазизни қатл эттириб Самарқандни эгаллайди. 1450 й. да Самарқанд шимолидаги Боғи майдон ёнида Улуғбек тарафдорлари томонидан ўлдириладн, Навоий асарнинг VII мажлисида Абдуллатиф ҳақида маълумот беради ва унинг табиатига хос бўлган васвасийлик ва шафқатсизликни кўрсатиб ўтади. Аммо «шеърни обдон айтур эрди», — деб ҳам таъкидлайди Навоий.

61. Тарж.: Йўқлик даштида у оғзини ўйлаб юрардим, у сабза мийиқ кўринади-ю йўлимнинг Хизри бўлди. Бу байтда шоир маҳбуба оғзининг ниҳоятда кичиклиги, мийиғидаги мўйчалар янги унган яшил сабзаларга ўхшашлиги ва у кўриниши билан қоронғуликдаги йўлида Хизр бўлиб туюлганини таърифлайди.

Хизр эса афсоналарга кўра, «оби хайвон» (тириклик суви)ни топган ва ундан ичиб, ҳамиша тирик юрадиган сирли кароматлар соҳиби. Бадиий адабиётда Хизр ғойибдан пайдо бўлиб, йўлдан адашганларга қўмак берувчи ҳам деб тасвирланади. Хизр яхшилик ва фаҳму идрок тимсоли ҳисобланади.

62. Тарж.: Гул, гул, дедим, май ичида рухсоринг ранги намоён бўлди, унинг

ғунчаси табассум қилдию у гул олдида бошқа гуллар ҳеч бўлиб қолди.

63. Улуғбек Мирзо — Муҳаммад Тарағай (туғ. 1394, Султония — ваф. 1449, Самарқанд) буюк илми нужум ва риёзиёт олими, давлат арбоби. Темурнинг набираси, Шохрухнинг ўғли. 17 ёшида Мовароуннаҳр ва унга ёндош ўлкаларнинг ҳокими бўлган. 1447 йил Шохрух вафотидан кейин темурийлар давлатининг олий ҳукмдори бўлди. 1449 йил Улуғбек унинг сиёсатидан норози кучлар ва шахзода Абдуллатиф фитнаси натижасида шахид қилинади. Улуғбек даврида илм-фан, савдо-сотик, ҳунармандчилик, меъморчилик кенг ривожланади. Унинг ўзи аниқ фанлар қатори мусиқа илми ва адабиёт билан шуғулланган, шеърлар ҳам ёзган.

Навоий бу асаридан ташқари дostonларида, жумладан “Фарход ва Ширин”да Улуғбек Мирзони фарах ҳамда ғурур билан тилга олади.

64. Тарж. Биз бахти қаро, ёмон кунга қолган ва юлдузи сўнган кишимиз; бутун умримизда бирор кеча ҳам мақсадимиз шамъи ёнмаган.

65. Тарж.: Менда шундай оғиз бўлишига қарамай, шеър айтайки, ундан сув чакиллаб турсин.

66. Тарж.: Эй гул гулюзлини кўришни менга манъ этувчи, дил ҳолатини билмайсан, мени кечиргил.

67. Тарж.: Аҳволим сирларидан биров огоҳ бўлишини истамайман, йўқса, сахар чоғида бир оҳ тортиб, бутун оламни куйдириб юбораман.

68. Жўги Мирзо — темурий шахзодалардан.

69. Тарж.: Юзинг меҳри (куёши)дан тонг сингари совуқ дамлар ураман; бирор кун кўйингга етишим учун дил кўп саргардон қилди.

70. Хожа Салмон Жалолиддин Хожа Салмон Ибни Хожа Алоуддин Муҳаммад (туғ. 1310, Сова — ваф. 1376, ўша шаҳар) Салмон Соважий номи билан машҳур, форс шоири. Замоннинг аксар илмлари, жумладан адабиёт, риёзиёт, шеършунослик, тилшуносликни мукамал эгаллаган. Шоир ўзининг «Қасидаи Маснуъ» номли ўта мураккаб, бир неча баҳр, турли-туман шеърий санъатлар қўлланилган мувашшаҳ (безатилган, зийнатланган, демакдир) тариқида ёзилган асари билан шуҳрат қозонган. Салмон Соважий “Куллиёт”и 16000 байтдан иборат. У ғазалларида Хожу Кирмони, Носир Бухорий, Ҳофиз Шерозий ва бошқа машҳур шоирлар анъанасини давом эттирган. Унинг “Жамшед ва Хуршед”, «Фироқнома» номли дostonлари ҳам бор.

71. Тарж.: Сенинг қоматинг туфайли оламда қиёмат кўтарилди; Агар қиёмат рост бўлса, сенинг қаддингнинг ўзи бир қиёматдир.

72. Тарж.: Сиз — туз кони, биз шўрбахтмиз; худо бизга буни бердию сенга уни.

73. Тарж.: Ўлган пашша(лар) ошим юзидаги қайла; тирик бит(лар) ноним устидаги кунжутлар эди.

74. Тарж.: Покиза хилқатли подшоҳ мадҳида Сиймий бир кунда икки минг байт айтди ва ёзди.

75. Тарж.: Нозик маънодан холи шеър бутун умр бўйи бир қоралик бўлиб қолади (ёки бир қоралама бўлиб қолади).

76. Бойсунғур Мирзо (туғ. 1397, Ҳирот — ваф. 1434, ўша шаҳар) Темурнинг набираси, Шохрухнинг ўғли. Аввал Мозандарон, Астробод ва Жўржон ҳокими, кейин отасининг вазири бўлган. Бойсунғур Мирзо ғоят маърифатдўст шахс бўлиб, Ҳиротда жуда бой китобхона ташкил қилиб, котибу мусаввирлар, наққошу саҳҳофларни, заркор усталарни йиғиб, ижодларига мадад берган. Бойсунғур Мирзонинг ташаббуси ва иштироки билан Ҳиротдаги китобат санъати аҳллари ва матншунос олимлар Фирдавсий

«Шоҳнома»сининг 40 та қўлёзма асосидаги мукамал матнини яратганлар ва уни гўзал настаълиқ хатида кўчириб, нафис миниатюралар, наққошлик лавҳалари билан беаганлар. Ҳозирги кунда бу мўътабар ва нодир қўлёзма Техронда, «Кохи Гулистон» музейи фондида Навоийнинг табаррук дастхати («Наводир ун-ниҳоя» матни) билан бир ерда сақланади.

77. Тарж.: Қуёш каби юзингдан агар парда кўтарсанг, муштарий (сотиб олувчи, харидор маъносини ҳам англатади) сайёраси жону дил билан харидоринг бўлади.

78. Тарж.: Эй соқий, майга шу қадар ғарқ бўлдимки, агар тупроғимдан бирор гул униб чиқса, ундан май томиб туради.

79. Тарж.: Само шипидаги олтинсувоқ қуёш ғишти Султон Али Мусо Ризо мақбарасининг фарши (мақбарасига ётқишиш) учундир.

80. Тарж.: Эвоҳ! Лаъл (қип-қизил) лабингнинг ширинлиги менинг абадий ҳаётимдир; Лабни тишлаб, менинг жонимдан, нима истайсан?!

81. Тарж.: Гўзаллар, худо учун мен билан бўлинг; Худони биламан (айнан: менда худо бор), кейин сизларни.

82. Бобо Савдой — «Мажолис ун-нафоис» таржимони Фахрий Ҳиротий бу шоирнинг вафот этган йилини 853 (1450—51) деб кўрсатади. Навоий ёзишича, шоир 80 дан ўтганда вафот этган бўлса, тахмин 773 (1372—1374) йилларда туғилган бўлади. Иккинчи таржимон Муҳаммад Қазвиний эса шоирнинг Бойсунғур Мирзо билан қилган ажониб ҳазл-мутойибаларини келтиради: Кунларнинг бирида томда икковлари суҳбатлашиб ўтирган эканлар, Мирзо сўрабди: Агар мени севсанг шу томдан ўзингни пастга ташла. Бобо Савдой дарҳол туриб, тезлик билан том четига қараб югурибди ва етгач тўхтабди ва дебди: Мен Сизни то шу ергача яхши кўраман ва бас. Бу сўзлардан Мирзо ғоят завқланиб кулибди ва дебди: Агар менда айб кўрсанг айт, танбех бер, токи мен уни тузатай. Шоир дебди: Сизда сусткашлиқдан бўлак айб йўқдир. Мирзо сўрабди: Қанақа сусткашлигим бор? Шоир жавоб қилибди: Бир оғиз сўз айтишда сусткашлик қиласиз. Агар менга бир минг олтин танга беришларини айтсангиз, мен бойиб қолардим. Мирзо кулиб, шоирга минг олтин танга бахшида қилган экан.

83. Тарж.: Холинг анбар, юзинг гул, мийиғинг райхондир; оғзинг ғунча, тишинг инжу, лабинг маржондир.

84. Амир Хусрав — Яминуддин Абдулҳасан Амир (туғ. 1253, Патёли — ваф. 1325, Дехли) шоир, адиб, мутафаккир, бастакор. Хусрав Дехлавий номи билан машҳур. Отаси Сайфуддин Маҳмуд лочин қабиласидан бўлиб, мўғул истилоси арафасида Шаҳрисабздан Ҳиндистонга қочган. Жуда ёшлиқдан шеър ёза бошлаган, аввалига «Султоний» тахаллусини олган Хусрав Дехлавий узоқ муддат Бангола ва Дехли султонлари хизматида бўлган. Шоир классик шеърининг барча жанр ва турларида ижод қилган. Урду ва араб тилларида ҳам шеър ёзган. У биринчи бўлиб шеърларини алоҳида номлар билан ҳаётининг турли фаслларига мослаб 5 та девонга ажратган. Низомий Ганжавийнинг «Панж Ганжи» (Беш ҳазина) жавобида 5 та дoston ёзиб, «Хамса» деб атаган ва бу билан хамсачилик анъанасига асос солган. Шоир шунингдек бошқа дostonлар, адабиёт илми, иншо санъати ва мусиқа назариясига оид ҳам асарлар яратган. Навоий Хусрав Дехлавийни ҳар бир дostonи аввалида ўзининг мўътабар салафи сифатида таърифлайди ва унинг шеърнатдаги санъаткорлигини юксак баҳолайди, шеърларида ҳам шоирга пайравлик қилади. «Насойим ул-муҳаббат»да ҳам Хусравга алоҳида мақола бағишлайди. Унда шоирнинг Шайх Низомиддин авлиё хизматида бўлганлиги, Шайх шоирга Муҳаммад Косалес (коса яловчи, гадой) деб ном берганини ёзади. Навоий бу ерда Мавлоно Зоҳидийнинг Хусравнинг машҳур қасидаларидан бири «Дарёи аброр» (такводорлар

дарёси)га татаббуъ (ўхшатма) қилганини ёзади.

85. Тарж.: Зухрага чанг ёки рубобни ким берди; ё раб, тош орасидаги лаълга порлоқликни ким берди? Зухра — Чўлпон юлдузи (Венера). У Шарқда эрта тонгда, Ғарбда кечкурун порлаб кўрннадиган ёрқин юлдуз. Қадим юнонларда Зухра муҳаббат маъбудаси ҳисобланган. Зухрани Ноҳид ҳам деб аталади. Зухра гўзаллик, муҳаббат ҳамда мусиқа аҳли хомийси саналади.

86. Шайх Камол — Камолуддин Масъуд (туғ. тахминан 1318—23, Хўжанд — ваф. 1401, Табрез) Камол Хўжандий номи билан машхур. Шоир асосий таҳсилни Хўжандда, кейин Самарқандда олган. Хоразм ва Шош (Тошканд)да ҳам истиқомат қилган. Камол Хўжандий ниҳоятда билимдон шахс бўлган: адабиёт, араб тили, фикх, ҳадис, калом, ҳикмат, тафсир ва тасаввуфни пухта билган. Ироқ ва Озарбайжои ҳокими Табрез атрофидан Волиёнқуҳ деган мавзёни тухфа қилгач, ўша ерда боғ барпо этган ва уни Беҳишт деб атаб, боғдорлик билан кун кечирган.

Навоий Камол Хўжандий ижодига катта ҳурмат билан қараган ва «Девоний Фоний» таркибидаги, ғазаллардан 4 тасини шу шоирга жавоб тарзида ёзган.

87. Тарж.: Қисмат куни (насиба тақсим этиладиган кун) зоҳиддан бошқа ҳар ким ўзига бахшида қилинган айшни олди; у эса не чоғлик машаққат чекмасин қуруқ қолди.

88. Тарж.: Тун каби қора зулфинг қуёшни (яъни гўзалнинг юзи) барига олган, тун қуёшга соя солганини ким кўрган?!

89. Тарж.: Ошиқлик кўчасида аҳди-паймони мустаҳкам бўлган бир аҳли дил (яъни, дилбар, дилдор) менга айтган эди: Сендан бошқани қидирган кишини талабгарликка ундама, сен шундай кишига талабгор бўлгилки, у ҳам сенга талабгор бўлсин.

90. Султон Бойқаро — темурийлардан. Султои Ҳусайн Бойқаронинг акаси. Инисига навкар эди. Бобурнинг ёзишича, «девон бошида ҳозир бўлмас эди, ғайри девонда бир тўшакта ўл турурлар эди. Иниси Балх вилоятини бериб эди. Неча йил Балхда ҳукумат қилди». (Бобирнома, Тошкент, ЎзФА нашр. 1960, 221-бет).

91. Тарж.: Сенинг ширин лабинг шакар идишига ўхшайди, тишинг инжуси гавҳар шодасига ўхшайди.

92. Тарж.: Жунун аҳллари сенинг тузоғингга илинган, шунинг учун Жунуний (ҳам) ўша халқа (ичида) асирдир. Бу ерда шоир ёр сочларининг узун ва жингалаклиги ва ошиқларнинг уларга дилбасталигини таърифлайди.

93. Тарж.: Эвоҳ! дард кўз қорасини хароб қилди; замона кўзим чашмасини сароб қилди.

94. Тарж.: Кўзимнинг қизарган жиягига оқ дори суртиш худди кабобга майда туз сепишга ўхшайди.

95. Тарж.: Осмон гунбазида айландинг, майдондан майдонга тўп каби сакрадинг, терга пишган пайтингда ёмғир ёғиб, ўртада чакмоқ чакнагандек бўлар эди.

96. Тарж.: То паймонам тўлмаган дамгача майхонадан чиқмасликка аҳд қилдим.

97. Бобур Мирзо — Абулқосим Бобур. Темурийлардан, 1447—1457 йилларда Хуросонда ҳукмронлик қилган. Шоҳрух вафотидан кейин авж олиб кетган темурий шаҳзодаларнинг ўзаро қурашларига бардош бера олмай шаҳарни ташлаб кетганлар Абулқосим тахтга ўтиргач, қайтиб кела бошлайдилар. Улар орасида Навоий оиласи ҳам бор эди, Шоирнинг отаси подшоҳ хизматига киради ва бир оз муддатдан сўнг Сабзавор ҳокими қилиб тайинланадн. Отаси вафотидан сўнг ёш Алишер ҳам подшоҳ саройига

хизматга киради. Бу вақтда Ҳусайн Бойқаро ҳам Абулқосим Бобур хизматида эди. 1957 йилда Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этган.

98. Тарж.: Ёдингда бўлсинки, сенинг кўчанг менинг манзилим эди; остонанг тупроғидан кўзим равшанлик топар эди.

99. Тарж. Ақл устоди учун ечилиши қийин бўлган нозик маъно, синаб кўрганимизда бир қултум май билан ҳал бўлар эди.

100. Тарж. Майнинг ҳаромлигини мадраса аҳлидан сўрай деб кимнинг эшигини коқсам, (у ердагилар) беҳуш ва аласт бўлиб ётган эди.

101. Меҳри — XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда яшаган шоира. Меҳрининг эри Хожа Абдулазиз Шохрух Мирзонинг сарой табиби бўлган, Меҳри софдил, равшанфикр, истеъдодли, ширинсухан ва ҳозиржавоб бўлгани учун малика Гавҳаршодбегимнинг яқин суҳбатдоши — надимаси экан. Тазкираларда қарийб бир овоздан Меҳрининг ниҳоятда гўзал бўлганлиги кайд қилинади. Шоиранинг бизгача етиб келган шеърлари у ёки бу ҳаётий воқеалар муносабати билан бадихона айтилгандир. Меҳри фитна-фужурлар боис бирмунча муддат Шохрух томонидан зиндонбанд қилинади. Лекин зиндонда туриб яратган исёнкорона шеърлари уни халос бўлишида муҳим роль ўйнайди. Навоий келтирган икки байт тазкираларда берилишича, Меҳри қаламига мансубдир. Шоира шеърларида, дадил айтилган фикрлар, аниқ ҳис-туйғулар, аламли армонлар гўзал бадиий образ ва воситаларда баён этилади.

102. «Валлоху аълам» арабча: Оллоҳ билувчидир.

103. Тарж.: Унинг жамолисиз кўз равшанлигининг менга нима кераги бор?! Кўзимга равшанлик ёр дийдоридан ҳосил бўлади.

104. Тарж.: Тўсатдан (унга) тўқнаш келган соатимдан дод! (Энди) қайтадан дилим жойига келиши учун бир қанча муддат керак бўлади.

105. Тарж.: Мени бир жафо билан ўлдириб, пушаймон бўлгандирсан, юрагим қонини тўкиб, хафа бўлгандирсан.

106. Тарж.: Ёўлнинг узоклиги ва Муғайлон тиканлари машаққатидан Каъбага келаётганингдан пушаймон бўлгандирсан.

107. Султон Масъуд Мирзо— теурийлардан. Абу Саид Мирзонинг набираси, Султон Маҳмуднинг тўнғич ўғли. Феодал урушлар оқибатида, Бобурнинг хабар беришича, Қундуз ҳукмрони Хусравшоҳ Масъуд Мирзо кўзларига мил тортиб кўр қилади. «Шоҳий» тахаллусида шеърлар ёзган.

108. Тарж.: Зайн билан бирга бўлсанг сени ножинслар-ла юришдан манъ қилади. (Сен) Шундай бегонасанки, ўз ғамингни чекмайсан.

109. Ҳазрати Мавлавий Махдуми Нуран — Абдурахмон Жомий кўзда тутилади.

110. Тарж.: Бу майни сансиз лабимга олиб борар эканман, буни шодхуррам бўлиш учун қилмаймай; Сенинг қора зулфинг кунимни қора қилди, ўз қора кунимни кечага айлантираман.

111. Саъдиддин Кошғарий (ваф. 1457, Ҳирот)—Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ида ёзишича, «Нақшбандия» хожаларн силсиласининг, ул замонда комил ва мукамал муршид ва халифаси эрди. Абдурахмон Жомийнинг қайнатаси бўлган.

112. Мир Шоҳий — Амир Окмалик Ибни Малик Жамолуддин Ферузкухий, тахаллуси Мир (амир) Шоҳий (туғ, 1385, Сабзавор — ваф. 1453, Астробод). Шоир хаттот, наққош, мусиқачи. Мир Шоҳийнинг аждодлари мўғул истилочиларига қарши деҳқонлар ва ҳунармандларнинг халқ ҳаракати сарбадорларнинг етакчилари бўлганлар. Бу ҳаракатга барҳам берилгач, Мир Шоҳий Бойсунғур Мирзо саройидаги хизматни тарк этиб

Сабзаворга қайтади ва деҳқончилик билан шуғулланади. Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар бу шоир шахсияти ва ижодига юксак баҳо берганлар. Навоийнинг эътирофи этишича, у Мир Шоҳийни кўрмаган. Лекин ораларида ёзишмалар бўлиб турган. Шоирнинг наъши Астрободдан Сабзаворга келтирилиб дафн этилган.

113. Тарж.: Раҳмсиз кўнгил туфайли хароб бўлдик, гоҳ-гоҳ бизни эслаб тургил; Кўчанг итларимиз, бир тош [отиб] охирда бизни шод этгил. 114. Тарж.: Сен жаҳон подшоҳисан, биз шахрингнинг ғарибимиз.

Сенинг учун ватандан кечган бехонумонлармиз.

115.: Тарж.: Эй Сабзавор, кўз ёшим ва оҳим билан остин-устин бўл! Чунки шоҳ шахри шоҳсиз (яъни, Шоҳийсиз) қолса, ҳеч нарсага ярамайди.

116. Тарж.: Соқий агар гул фаслида май бермаса, менинг қўлим соқий этагида ва гул оёғида бўлади.

117. Тарж.: Умр ўтдию мен майдан кеча олмайман, чунки бу хароба оламдан мен маст кетмоқчиман.

118. Тарж.: Ёрим ноз-карашмадан ўк, қошдан камон тортди, гўзал юзидан неки келса торта берди.

119. Тарж.: Юзинг (қаршисида) кумушдан сўз очиб бўлмайди, кўркувдан уни ўпиб бўлмайди.

## ИККИНЧИ МАЖЛИС

1. 896 (1490—91 й.)

2. Шарафиддин Али Яздий (туғилган йили номаълум, Язд яқинида, Тафт — ваф. 1454, ўша ер) — Шоҳруҳ Мирзо ва унинг ўғли форс ҳокими Иброҳим Султон саройида хизмат қилган. 1429 й. Шоҳруҳ уни саройга даъват этиб Улуғбек Мирзога мураббий қилиб тайинлаган. Олим «Зафарнома» асарини ана шу адабиёт, тарихнинг билимдони Иброҳим Султон номи билан боғлайди. Бу асар Темур шажараси, туркий қабилалар тарихи ва Чингизхоннинг тўрт улусини умумий тарзда баён этувчи биринчи қисм ва Темур тарихини ёритувта асосий қисмга бўлинади.

Шарафиддин Али Яздий «Шараф» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. «Зафарнома» 1969 йилда А.Ўринбоевнинг сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар билан тайёрлаган нашри, А.К.Арендс таҳрири ва кириш сўзи ила босилиб чиққан.

3. «Асмоуллоҳ» — (Оллоҳнинг исмлари) Шайх Муҳаммад Тободгоний қаламига мансуб Аллоҳнинг 99 муборак исми ва уларни зикр этишнинг фазилатлари ҳақидаги асар. Унга жуда кўп шарҳлар яратилган.

4. «Хулал» — «Хулали мутарраз» (гул тикилган ипакли мато).

Бу асар муаммони тузиш, уни ечиш йўлларида баҳс этувчи назарий асардир. Муаммога бағишланган биринчи шу тарздаги асар 1392 йилда ёзилган «Ихъё фил илми ҳалл ал-муаммо» (Муаммони ечиш илмининг жонлантирилиши) деб аталган ва Бадиъ Табризий деган тожир қаламига мансуб бўлган.

5. Тарж.: Эй суфий, майпараст риндларни инкор этма, чунки пиёлада дўст аксининг шуъласи бордир.

6. Тарж.: Жамолинг боғидан кўз ва жонга зебу-зийнат етишди.

Наргис гулига кўзинг билан ғурурланиш аниқ фарз бўлиб қолди.

7. Тарж.: Эй кўнгил, шод бўл, подшоҳлик осмонининг куюши Султон Ҳусайн бизга меҳрибонлик соясини солди. Бу арабча шеър мазмуни очилмади.

8. Маклуби муставий — шеърини санъат. Бирор жумла ёки бирор мисраъ шеърни ўнгдан ҳам, чапдан ҳам бир хил ўқиладиган қилиб тузилади. Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс.

10. مراد دارم

Мурод дором (муродим бор)

بر ايد يارب

ва — барояд ёраб (Илоҳо етилгуси) сўзлари ҳар икки тарафдан бир хил ўқилади.

11. Абу Ҳанифа (815—895) — адиб ва тарихчи, жуғрофия, илми нужум, риёзиёт ва табиат фанларининг пухта билимдони бўлган. «Китоб уш-шеър ва аш-шуаро» (Шеър ва шоирлар ҳақида китоб), «Китоб ул-фасоҳат» (Чиройли услуб ҳақида китоб) каби асарлари адабиёт илмида ноёб саналган.

12. Ибн Ҳожиб — Жамолиддин Абу Амр Усмон Ибн Умар ибн Ҳожиб (1175—1249) араб тили бўйича машҳур олим. Унинг наҳв— синтаксисга бағишланган «Ал-қофия» ва марфологияга оид «Ал-шофия» дарсликлари асрлар мобайнида мадрасаларда асосий қўлланма бўлган.

13. Сайид Шариф — Али ибн Муҳаммад ас-Сайид аш-Шариф ал-Журжоний (туғ. 1339, Астробод — ваф. 1413, Шероз) Шероз мадрасасида ва Самарқандда мударрислик қилган. Фалсафа, илми нужум ва фикҳга оид асарларга шарҳлар ёзган. Унинг атамалар луғати ва шеърини сирларига оид асарлари кенг тарқалган.

14. Тарж.: Сенинг сарв каби қаддинг менинг учун жондир, балки равондир. Эй сарв, мен томонга равон бўл, сенга жонимни фидо айлай.

15. Муҳаммад Табодгоний — машҳур шайхлардан. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида бу шайхнинг фазилатлари ҳақида ёзади ва асарларини санаб ўтади. («Мажолисда» берилганлардан ташқари «Асмоуллоҳ» (Оллоҳнинг исмлари), «Тазкират ул-ҳабиб» (Дўстнинг тазкираси) ва «Васоё» (Васиятлар), зикр бобида «Арбаъин» (Қирк) ва фақр ва сулук (худого яқинлашиш йўли) яна бир «Арбаъин»). Навоий ўзига Муҳаммад Табодгонийнинг алоҳида илтифоти бўлганлигини эътироф қилади. Шайх 891/1482—83 й.да Ҳиротдаги Чилгазий

قطب زمان رفت

маҳалласида вафот этган. жумласи билан унинг вафотига таърих туширилган экан. Абжад ҳисобида ундаги ҳарфлар йиғиндисидан 891 рақами келиб чиқади. Шайх 87 ёшда вафот этган экан, демак у 804 (1401—1402) й. да таваллуд топган.

16. Шайх Зайниддин (Абу Бакр) машҳур шайхлардан, илоҳиёт илмида донг таратган. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзишича, Машҳад зиёрати Тусдаги муқаддас мазорлар тавофига мушарраф бўлган, 791 (1388—89) йилда вафот этган.

17. Хожа Абдуллоҳ Ансорий — Абу Исмоил Абдуллоҳ ибни Абу Мансур

Муҳаммад (туғ. 1006, Ҳирот, Қуханджи — ваф. 1088 Ҳирот, Козургоҳ). Шоир, олим, тасаввуф назариётчиси, фақиҳ. «Пири Ҳирот» лақаби билан ҳам машҳур. Балх, Нишопур, Тус, Бистомда яшаган. «Илоҳийнома» (Муножот) ҳам деб аталади), «Ганжнома», «Сад майдон» (Юз майдон), «Насоеҳ» (Насихатлар), «Табакот ус-суфия» (Суфий табақалар) ва бошқа кўп асарлар Абдуллоҳ Ансорий қаламига мансубдир. Унга 3 та девонни ҳам нисбат берадилар. Лекин мутахассисларнинг тадқиқига кўра уларда турли сўз санъаткорларининг шеърлари жамланган.

18. «Манозил ус-сойирин» (Кезувчилар манзиллари) — Абдуллоҳ Ансорийнинг машҳур асарларидан бири. Бу номда муаллифнинг 2 асари маълум: бири араб, иккинчиси форс тилида. 1082 йилда ёзилган ва кейинчалик унга жуда кўп тасаввуф билимдонлари томонидан шарҳлар битилган.

Асарнинг бадиий қийматларидан бири шундаки, унда дидактик дostonлар яратиш учун замин ҳозирланган, насрдаги сажъ санъатининг юксак намуналари берилган. Бу асар 1898 йил Техронда тош босмада, 1953 йил Қоҳирада нашр этилган.

19. Тарж.: Сарвдек қоматингдан бошқа [нарса]га қарайдиганлар, ростини айтилса ҳаммалари паст назардирлар.

20. «Фусус» — Ибн ал-Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам» (Ҳикматлар тошлари) асари. Пайғамбарлик бурч-ухдалари ҳақида ғоят мураккаб имо-ишоралар ва мажозларга тўла араб тилида ёзилган.

21. Тарж.: Эй воҳ, сенинг юзингдан кўзларимга нур келади: жамолингдан ҳамиша ёмон кўз йироқ бўлсин!

22. Имом Фаҳр — Фаҳриддин Розий, машҳур суфийлардан. Қазвиний «Мажолис»га қўшган VIII мажлисда Фаҳриддин Рофеъий деган машҳур авлиё дунёга келганида Имом Фаҳр унинг оғзига ўз сўлагини томизган экан ва бунинг баракатидан Рофеъий комил олим бўлиб етишган, деб ёзади.

23. Тарж.: Ул ойнинг лаб ва тишлари нимага ўхшайди? Худди канд донана гуруч устида турганига (ўхшайди).

24. Тарж.: Шоҳга шоҳнинг ўзидан бошқа маҳрам йўк; шоҳ аҳволидан шоҳдан бошқа огоҳ йўк.

25. Тарж.: Ўлим балоси ва қиёмат қайғуси қоматимиз дарахтини чанбардек эгиб кўйди.

26. Тарж.: Халқ Муфлисий девона бўлибди, дейди. Ахир девоналикнинг ўзи муфлис (фақир)ликданку!

27. Тарж.: Ёрнинг ўқи дилларга етилишидан рашким келади.

Ўқинг бошқага тегдию менинг дилимга таъсир қилди.

28. Мавлоно Абдураззоқ — Камолиддин Абдураззоқ Ибни Жамолиддин Исҳоқ Самарқандий (1413—1482, Ҳирот). Тарихчи олим, сайёҳ, шеърят билан ҳам шуғулланган. Ўзи Ҳиротда туғилган эсада, отаси самарқандлик, бўлгани учун ва ўзи ҳам шу шаҳарда бир неча муддат яшагани сабабли «Абдураззоқ Самарқандий» номи билан кенг танилган. У тафсир, ҳадис, тил ва адабиёт илмларидан пухта хабардор бўлган. Шоҳрух, Абдулқосим Бобурлар хизматида бўлган. Абдулқосим Бобурнинг ҳарбий юришларида қатнашган. Абдураззоқ Самарқандийнинг Навоий тилга олган ва таъриф қилган тарихий асари. “Матлаъ ус-саъдаи ва мажмаъ ул-бахрайн” (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши)дир, Унда Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Озарбайжонда мавжуд бўлган сиёсий аҳволга, темурийлар давлати пойтахтлари Самарқанд, Ҳиротдаги маданий қурилишлар, Улуғбек Мирзонинг илмий ва



сиёсий фаолиятига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Бу асарнииг иккинчи жилдининг биринчи қисми шарқшунос олим А. Ўринбоев томонидан 1960 йил ўзбек тилига таржима қилинди ва муфассал сўз боши ҳамда изоҳлар билан нашр қилинди.

29. Тарж.: Менинг мерган гўзалим яна қошларини чимирди, бутун оламни ўлдирди-ю энди менга ўқ отмоқчи бўлади.

30. Тарж.: Эгнингдаги нозик кўйлакни шамолдан ҳилпиллаши, янги давлатга етишган кишининг кумуш устида титрашига ўхшайди.

31. Тарж.: Менинг сарвим найшакардек ёш ниҳол ширин ва хўшқоматдир, найнинг барг кийимлари устидан камар боғлаганидек бели боғлидир.

32. Тарж.: Гарчи ақл кўзида етти иқлим олтин хазина бўлиб [кўринсада], агар яхшироқ қарасанг, етти бошли аждаҳодир.

33. Тарж.: Жаҳон боғи олти тоқли, икки эшикли хонадир. Унинг тўрт томонидан «алҳазар!» (Ҳазар қил! Сақлан! Сақлан!) деган фиғон эшитилади.

34. Тарж.: Майхонанинг бурчаги қўйиладиган лаъллардан (яъни, қизил майдан) сафо хазинасига айланган. Ундаги чангнинг шакли ғамни дафъ қилувчи аждаҳо оғзига ўхшайди.

ذرويس

35. . . . сўзидан «абжод» ҳисобида 816/1461— 62 йил келиб чиқади.

36. Тарж.: Боғ сайрига, бинафшазорни айланишга чиқдим. Ҳар бир бинафшадан ёрим сочларининг иси келарди.

37. «Мажолис» таржимони Фаҳрий Ҳиротий Соғарий шеърятидан яна бир байтни келтиради:

То шунидамки тавон лаъли туро жон гуфтан,  
Оташе дар дилам уфтодқи, натвон гуфтан.

Тарж.: Сенинг лаъл (лабларингни) жон деб атаганларни эшитдим дегунча, дилимга [шундай] бир оташ тушадики айтиб бўлмайди.

Навоий Жомий ҳақидаги «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Жомийнинг Соғарий билан ҳазл-мутойиба қилиши ҳақида мароқли бир лавҳа келтиради. Бир куни Соғарий Жомий хузурида ўзининг бир шеърини дабдаба ва баланд овозда ўқийди. Навоий унинг ўқишини таъриф қилади. Жомий кулиб: «Бизга мундоқ бозий берур» (яъни: бизни шундай алдайди), — дейди ва қуйидаги қитъани айтади:

Соғарий мегуфт: дуздони маони бурлаанд  
Ҳар кужо дар шеъри ман як маъни хуш дидаид,  
Дидам аксар шеърхояшро яке маъни надошт,  
Рост гуфтастки, маънихошро дуздидаанд.

Тарж.: Соғарий айтар эди: Маъно ўғрилари ҳар қаерда менинг шеъримдаги яхши бир маъно кўрсалар [уларни] олиб кетганлар. Мен аксар шеърларида маъно йўқлигини

кўрдим. «Уларнинг маъноларини ўғирлаб кетганлар» деб рост айтган экан.

Шу лавҳада келтирилишича, Навоий унинг бир байтига Соғарий жавоб ёзганда Навоий унда нуқсонни кўрсатиб беради. Шоир, ҳечкиси йўқ, Жомий шундай эътироз билдирдилар, дейди.

38. Амир Суҳайлий — Низомиддин Аҳмад (1444—1502). Амир Шайхам номи билан машҳур шоир. Давлатшоҳ Самарқандий маълумотиغا кўра Шайх Озарий (қаранг: шу китоб 214-б. 11-изоҳ) шогирди бўлган ва устози тавсияси билан Суҳайлий (ёруғ юлдуз, демакдир) таҳаллусини олган. Суҳайлий ўзбек тилида ҳам ёзган. Давлатшоҳ шоирнинг туркий девони борлигини хабар қилади. Унинг Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» (Тақводорлар дарёси), Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» (Сирлар тўплами), Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» (Фикрлар тухфаси) асарларига жавоблари бор. Навоий бу шоир билан қалин дўст бўлган ва уни «Ёри-азиз» деб ардоқлаган. «Девоний Фоний»да унга татаббуълари ўрин олган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Суҳайлийнинг: Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро, Фурў бурд аждаҳои сайли ашкам рубъи маскунро.

Тарж.: Ғам тунида оҳим тўфони осмонни жойидан суриб ташлади. Кўз ёшлари селининг аждаҳоси ер юзининг [инсон яшайдиган қисмини] ютиб юборди. Бу шеър тимсолида Навоий шоир шеърлятидаги бадиий образларнинг ўзига хослиги ҳақида фикр билдиради ва шу шеърни шоир Жомий хузурида ўқиб берганида, у шундай деганини келтиради: «Мирзо, шеър айтасиз ё одам кўрқутасиз?». Ўша вақтларда буъндай гўзал зарофат, мутойибалар халқ орасида тез тарқалиб кетар эди. Суҳайлийнинг форсий девони Тожикистонда Шарқшунослик институтида, «Лайли ва Мажнун» достони эса Бодлеан ра Оксфорд китобхоналарида сақланади.

39. Тарж.: Вайсий ва Соғарий икковлари Ҳарам (Макка)га сафар қилмоқчи бўлдилар. Лекин у бири эшаги йўқлигидан ва буниси эшаклигидан у йўлдан қолдилар.

40. Тарж.: Менинг кўзим инжулари [ёшлари] билан баҳор булуту бирдай. Менинг нолаю зорим билан булбул навоси бирдай.

41. Ҳазрат Шайх — Абу Муҳаммад Илёс ибни Юсуф ибни Закий Муайид (туғ. 1141, Ганжа — ваф. 1209, ўша ерда) Низомий Ганжавий номи билан машҳур шоир. Биринчи марта беш дostonдан иборат «Панж Ганж» (Беш хазина) номи остида «Хамса» яратган; «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал) ва «Искандарнома». Охирги дoston «Шарафнома» ва «Иқболнома» номли икки қисмдан иборат.

Давлатшоҳ Самарқандий Низомийни соҳиби девон шоир деб таърифлайди ва унинг ҳажми 20 минг байтдан иборат деб ёзади. Эрон олимлари чоп этган шоир лирикасида 16 қасида, 192 ғазал, 5 китъа, 68 рубоий ва 17 фард жамланган.

Низомийдан кейин унинг дostonларига жавоб ёзиш анъанаси бошланган. Навоий ҳам туркийда «Хамса» яратади, ундаги ҳар бир дostonда Низомийни ўзининг буюк устоди сифатида тилга олади. «Насойим ул-муҳаббат»да Низомийни буюк шайхлар сирасида келтиради ва шоир дostonларидаги «Назмлар агарчи зохир юзидан афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ (ҳақиқатлар) кашфи ва маориф баёниға баҳонадур» деб таърифлайди. Бу ерда Навоий Фасих Румийнинг Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул-асрор»ига жавоб ёзгани ҳақида маълумот беради.

42. Тарж.: Сендан кимдир эшитган ҳар бир нафасни [сўзни] шаксиз ундан ўзга ҳам эшитади.

43. Тарж.: Ёр васли кўйида кўп югурдим, [аммо] ишнинг ҳақиқати билан таниш

бўлган ҳеч кимни кўрмадим.

44. Тарсеъ санъати — бадий санъатлардан. Шеърда биринчи мисраъ сўзлари билан иккинчи мисраъ сўзларининг бир-бирига оҳангдош, вазндош ва қофиядош бўлиб келишидир.

45. Тарж.: Ўзни зарра қадар [ҳам] мавжуд деб билмаслик, керак. Яхши-ёмон сўзни кўп айтмаслик керак. Мақбул бўлмайдиган [нарса] ижод эмас, нимаики қабул қилинар экан рад қилиб бўлмас.

46. Жомийнинг «Нафахот ул-унс» (Дўстликнинг ҳуш ислари) асари 1475—1476 йилда ёзилган. 609 нафар тасаввуф илми намояндалари ҳақида маълумот берилади. Мансур Халлож, Абусаид Абулхайр, Али Ҳамадоний, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозийлар шулар жумласидандир.

Навоий бу асарни туркийга “Насойим ул-муҳаббат” номи остида таржима қилган ва бунда анчайин эркин йўл тутган. Кўп янгиликлар киритган, жумладан туркий машойихлар ҳақида маълумотлар берган.

47. Шайх Фаридиддин Аттор Фаридиддин Абуҳамид Муҳаммад ибни Абубакр, Иброҳим Нишопурий (туғ. 1145, Нишолур— ваф. 1221, ўша ер) шоир, мутафаккир. Отаси табиб ва аттор бўлгани учун таҳаллуси Аттордир. Баъзи манбаларда шоир «Фарид» таҳаллуси билан шеърлар ёзгани қайд этилади. Аттор адабиёт, калом, ҳикмат, дин илмлари (тафсир, ҳадис фикҳ)ни, шунингдек, тиббиёт ва доришуносликни пухта билган. Тазкираларда Аттор асарлари адади 190 деб кўрсатилади. Шоирнинг «Мантиқ ут-тайр» (Қуш сўзи) асари машҳур бўлиб, Навоий уни болалигида севиб ўқиган, ҳатто ёдлаб олган. Умрининг охирларида, 1499 йилда унга жавобан «Лисон ут-тайр» (Қуш тили) асарини ёзган.

Бу ерда Навоий Ҳофиз Али Жомий Атторнинг бир қасидасига шарҳ ёзгани ҳақида маълумот беради. Манбалар Аттор қаламига 100 қасида мансуб деб хабар қилади.

«Насойим ул-муҳаббат»да Навоий Аттор «Тазкират ул-авлиё»нинг муаллифи эканидан сўз бошлайди. Ҳофиз Али Жомий шарҳ ёзган Аттор қасидаси 26 байтдан ортик эканини ва шарҳнинг баъзи мазмунини беради. Мақола сўнггида Навоий Атторнинг 104 ёшга етиб, 627 (1229-1230) й. да шаҳид бўлганини ва мазори Нишопурда эканини баён этади. Тожик дарсликларида эса бу сана 1220 -1221 й. деб кўрсатилади.

48. Тарж.: Сен юзингни беркитиб бозорга келдинг; халқни бу тилсимга гирифтор қилдинг.

49. Шайх Баҳовиддин Умар (ваф. 875 (1470—71), Ҳирот) — машҳур шайхлардан. Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» (Дўстларнинг хислатлари) асарида хабар қилишича, Шохрух Мирзо замонида мўътабар алломалардан Саъдуддин Қошғарий, Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Зайниддин Жомий ва бошқалар ҳамроҳлигида ҳаж сафарида бўлган. Ҳиротда Ийдгоҳ шимолида дафн этилган. Абулқосим Бобур мирзо унинг мазори устига олий мақбара қурдирган.

50. Хожа Абу Наср Порсо — олим, файласуф, Нақшбандия тариқатининг машҳур олими Муҳаммад Порсонинг ўғли.

51. «Мажолис» таржимони Муҳаммад Қазвиний Навоийнинг бу сўзларини таржима қилар экан, худди шундай таърихли қасидани Навоий вафотида унинг яқин дўстларидан Соҳиб Доро ёзганлигини илова қилади ва ҳар байтнинг биринчи мисрайдан «абжад» ҳисобида шоирнинг туғилган йили ва иккинчи мисрайдан вафоти санаси

чиқадиган қасидадан биринчи байтини келтиради.

52. «Бу ишлар башар савҳидин ташқари учун ани дерлар эрдиким, Аторудни истихрож қилибдур». Бу ерда Навоий шоирнинг таърихли қасидасининг юксак таърифни бериб, унинг иқтидорига қойил қолганини билдиради ва замондошларини шоир, ёзувчилар ҳомийси, Аторуд, (Меркурий) ақл, истеъдод кудратининг рамзи саналган сайёрасини гўё у кашфэтган, деган муболағали эътирофни келтиради.

53. Муҳаммад Қазвиний Саййид Камол 99 йил яшади, деб маълумот беради.

54. Тарж.: Эй (гўзал), жон кўзига равшанлик сенинг юзинг нуридандир. Сенинг кадинг сарвни ерга ўтказиб қўйган.

55. Тарж.: Саодат шуълали ул шамъдан жаҳонга янгидан равшанлик етишади, деб умид қиламиз. Бу байт Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишича, Абу Саид билан Ҳусайн Бойқаро ораларидаги муҳолифат пайтида ёзилган. Байт маъносини Абу Саидга етказганларида шоирни пинҳона (қатл этишни буюрган. Навоийнинг юқоридаги уни ҳалок қилишганида бир жойга кўмиш учун сўнгаларини ҳам топиша олмади мазмунидаги сўзларини Хондамир маълумоти билан боғлаб тушунмоқ мумкин бўлади.

56. Ҳазрат Шайх Абусаид Абулхайр оти Фазлуллоҳ, машхурдин арбоби, олим. Тафсир, ҳадис, фикҳ, тариқат илми, араб тили ва адабиётида комил билимга эга бўлган. Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё асарида келтирилишича, Абусаиднинг отаси Абулхайр аттор бўлган ва Султон Маҳмуд Ғазнавий яқинларидан саналар экан. У бир сарой бино қилиб, деворларига Султон, унинг лашкарлари расмини чиздирган экан. Ёш бола бўлган Абусаид ўз хонаси деворига «Аллоҳ» сўзини ёзиб чиққач, отасига кўрсатибди. Отаси «Буни нега ёздинг? дебди. Шунда бола: «Сен ўз Султонингнинг номини ёздинг, мен ўз Султонимнинг» деб жавоб берибди. Шу аснодан бошлаб, ота сарой деворидаги нақшларни ўчиртириб ташлаб, фарзандининг таълим-тарбияси билан машғул бўла бошлаган экан.

57. Тарж.: Сенинг ой юзингдан жон ойнаси ясаганлар ва у ойнага жонни телмуртириб қўйганлар.

58. Шоир Камол Хўжандий (қаранг: ушбу китоб, 225-б. 86-изоҳ) кўзда тутилади.

59. Тарж.: «Кўзингга айт, бизнинг юзимиз хаёлидан бошқа ҳеч бир суратни назарига келтирмасин», деди. Мен «кўзим устига» (яъни, жоним билан), дедим.

60. Тарж.: Биз сенинг савдойингда жону бошдан кечишни истаймиз. Ҳар дамда жон комини лаъл-лабларингдан шакарга тўлдирмоқчимиз.

61. Тарж.: Оташин лаълингдан гулнор юракка ўт тушган, эй маккор санам, сенинг кўнгил элтишдан бўлак ишинг йўқ.

62. Тарж.: Бутун еру кўкда бўлган ҳайқириқларнинг бошланишида «жоним худога» деган овоз чиқар эди.

63. Тарж.: Эй айриликда қолган, сен ўз дўстларингдан узоқдасан, биз бу шаҳарда шундай ҳолдамиз, сен эса бошқаларнинг шаҳрида [юрасан].

64. Тарж.: Ховар саҳроси бизнинг қўлимизни гулнинг этагидан тортиб олди. [Энди] киёмат саҳросида бизнинг қўлимиз саҳро этагида бўлади.

65. Тарж.: Тонг уфқдан оқ байроғини чиқаргинда, оҳим осмон чўққисига туг тикади. (Яна бир байти:) Худога шукрки, Ҳирот [шаҳри]нинг қозисиман, инсонлар аторидаман, эшак эмасман.

66. Тарж.: Агарчи шаҳр вақфларини бутунлай совурган эсада, худо хайрини берсинки, шу бинони қурди.

67. Кичик Мирзо —

Мирзо Муҳаммад Султон, темурийлардан. Шеърят билан ҳам машғул бўлган. Хусайн Бойқаронинг опаси Окобегимнинг ўғли. Тоғаси хизматида бўлган. Навоий Кичик Мирзога ушбу асарнинг еттинчи мажлисида алоҳида мақола бағишлайди.

Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» (Яхши хулқлар)ида хабар берилишича, Навоий ташаббуси билан унинг маблағига Марв шаҳрида «Хусравия» номли мадраса бино қилинганида унинг биринчи ғиштини Кичик Мирзо қўйган эди. Бино

خسرويه

битганда (подшоҳлик демақдир) сўзидан «абжад» ҳисоби билан бинонинг қурилиш таърихи, 881 (1476—1477) й. чиқарилган эди.

68. Мавлоно Жаъфар Ҳирот хаттотлик мактаби намояндаларидан настаълик хатида донг таратган.

69. Тарж.: Эй ҳар гўзалнинг чехрасини очувчи, сенинг номинг ҳар бир беморнинг шифосидир.

70. Тарж.: Соянг ҳар жойга тушса, ўша ердан гул ўниб чиқади, ёлғиз гул эмас, бошдан-оёқ гулу шакар унади.

71. Тарж.: Яна ҳайит келди, эй жоним, кел қурбонинг бўлай, сўйилган қўйнинг кўзидек ҳайронинг бўлай.

72. Тарж.: Сенсиз йиғи орасида ухлаб қолсам, тушимда ўзимни сув оқизиб кетаётган кўраман.

73. Тарж.: Сенга муштоқман ва узоқдаман, жон қийновчи ғамим шундандир. Ортиқ муштоқ кишилар узоқроқда бўладилар, ох[лар] тортишим шундандир.

74. Тарж.: Агар бошимга минглаб бало келадиган бўлса, шунга сазоворман. Халқнинг энг ёмониману [лекин] ўзимни яхши деб биламан.

75 «Ихлосия» мадрасаси —Ҳиротда Навоий ўзи қурдирган мадраса. Бу зеб-зийнатли бино Ҳиротнинг Инжил дарёчаси сохилида қад кўтарган ва Навоий «бу мадрасағаким, хулуси (самимий) ихлосдин ясалди «Ихлосия» от қўюлди», деб ёзган эди.

76. Тарж. Бу гавҳарларни кўм-кўк дарёда етиштирганлар, кўргилки бу машғаллардан ёлқинли қуёш пайдо қилганлар.

77. Тарж.: Ёрнинг лабли (лаби)дан бир бўса олдим. [Бундан] ҳаёт топдим, жон олдим.

78. Тарж.: Санавбар (дарахти) сенинг қадинг хизматкорлигидан ажралгандан бери сочи тўзиган девона бўлиб қолди.

79 Тарж.: Ишим яхши бўлмай, ёмон бўлганига хафа эмасман, бўлса бўлар, бўлмаса бўлмас, охири нима бўлар экан?

80. «Бард» сўзи «совуқ» маъносини англатадн. Афтидан бу шоир табиатан совуқ, кўпол сўз бўлган бўлса керак.

81. Тарж.: Шоҳ Абулқосим даврида Султон Али Мусо Ризо [шаҳид бўлган] Машҳад жаннатдан ҳам ёқимли булди.

82. Тарж.: Сенинг мушк ҳидли кокилинг ҳар бир дил учун ўзгача бир банддир. Сочингнинг ҳар бир толаси жон риштасига ўзгача бир пайванддир.

83. Тарж.: Итинг олдига ҳар дамда алоҳида парчалар ташлаб турмоқ учун кўнгили

кушининг патини юлиб, кўксини қовурдим.

84. Тарж.: Пештоки дилбарнинг қошига ўхшаш бу жой мамлакат подшоҳининг тупроқдан юксалтирган биносидир.

85. Тарж.: Юлдузлар билан безалгаи бу фалакнинг эски варақлари юлдузлар сингари кўшинга эга бўлган кўп шоҳларнинг кўҳна тарихидир.

86. Ҳазрати шайх ул-исломий Аҳмади Жомий Абу Наср ибни Абул Ҳасан (туғ. 1049, Жом ваф. 1141, ўша шаҳар) олим, мутасаввиф шоир. Аҳмади Жомий номи билан машҳур. Лақаби Зиндапил (тирик фил) ёки Жандапил бўлиб, бу ном билан ҳам кенг таниқли бўлган.

Аҳмад Жомий Шайх ул-ислом мартабасига кўтарилган, унинг «Анис ултолибин» (Толиблар дўсти), «Кунуз ул-ҳикмат» (Ҳикмат хазиналари), «Биҳор ул-ҳақиқат» (Ҳақиқат дарёлари), «Сирож ус-соирин» (Сайр қилувчилар чароғи), «Мифтоҳ ун-нажот» (Нажот калиди) ва бошқа асарлари маълум. Аҳмад Жомийнинг ошиқона ва орифона ғазаллари девони ҳам бор бўлиб, халқ орасида аичайин тарқалган. «Сабзпарию Зардпарий» номли қиссани ва XVII аср шоири Жомий Гармийнинг «Варқа ва Гулшоҳ» асарини хато тарзда Аҳмад Жомийга нисбат берилади. Афтидаи бу асарлар таркибида шоир шеърлари кўплаб учраса керак. Навоий «Лисон ут-тайр»да ғоят инсондўстлик ва олийҳимматлик ғояси билан йўғрилган бир ҳикоятни келтиради.

87. Тарж.: Шодлик, завқ ва хушчақчақлик мавсуми етишди. Агар гадо ҳақ ўз дилидаги муродига етишса не ажаб!

88. «Алайҳа раҳма» — арабча. Унга [Аллоҳнинг раҳмати] бўлғай демакдир.

89. Тарж.: Маржон (сув ҳайвони) панжасининг ва ўрдак оёғининг қизиллиги дарёларда сув ўрнига қон оққанидан бўлмай, нимадан эди?!

90. Тарж.: Кўчанг атрофида юз зорланишлар билан айланаман, узокдан баҳона қилиб, яна айланаман.

91. Ғазлфурушлуқ дўкони—йигирилган ип дўкони демакдир. Е.Э.Бертельс «Ғазалфуруш» деб ўқиб, ёзган эди: «на базарах Герата существовали книжные лавки, где знатоки литературы могли найти любое новое произведение... Существовали особые торговцы газелями (Ғазалфуруш), которым можно было заказать копию лирического стихотворения...» (қаранг: Бертельс Е.Э. Навои и Джами, 1965. с. 28-29).

92. Тарж.: Агар сенга маъқул бўлсам, «Қабулий»ман, йўқ эса: икки дунёда мендек номақбул топилмас.

93. Тарж.: Эй хитойлик қора кўз, жон куши сенга улфатдир, бўлак қора кўзларга нисбатан дилбарим оху (кийик) кабидир.

94. Тарж.: Ўжар дилбарим билан бир лаҳза бирга бўлармиканман деб, хаёт [йўлини] кесишда юз жойдан ҳийла кўзғатаман.

95. Тарж.: Кечаси ўтириб шу қадар беҳисоб шароб берки, ҳисоб куни (яъни, қиёмат куни)гача ўрнимдан тура олмай қолай.

96. Тарж.: Сен ҳаргиз бизнинг ғамгин дилимизни шод қилмадинг Бошқаларни ўлдирдингу мени ёдга олмадинг.

97. Тарж.: Эй Аёзий, пашшахонангнинг ранги пашша ўтирган рангда; Тўнинг ҳам, кўйлагинг ҳам, этигинг ҳам покиза эмас.

98. Тарж.: Гарчи менинг дилим ҳар доим ёр висолини изласа-да, ёр менга қаршилиқ қилиб, ағёр дилини қидиради.

99. Тарж.: Мен бебахт ошиқману, мастман, нима қилса бўлади?

Кўнгилни бағишлаганман, жоним кўлим кафтида, нима қилса бўлади?

100. Тарж.: Мен шундайменки, май ва қадаҳдан бошқа фахрланадиган нарсам йўқ. Гул юзли соқий, косаларни тўлдириб-тўлдириб узатавер.

101. «Табҳ ишида мадад қилмаким, шерик бўлурсен» мазмуни: таом пиширишда мадад қилма, шерик бўлишинг мумкин. Бу ерда гўзал ва мутойибади лутф ишлатилган.

102. Тарж.: Ул бодом кўзлининг хандон пистадек лаблари хаёлида чашм деб аталган кўзларим қон чашмаси булоғига [айланди].

103. Тарж.: Ўғри уй асбобларини туйнукдан тортиб кетганидек, ул гўзалнинг холи кўнглим борлигини кўз равшанлиғидан тортиб олади.

104. Тарж.: Ул оғиздан ҳеч ким қилча ҳам нишона кўрсата олмайди. Бу ғамдан шундай танг бўлдимки, [буни] ҳеч кимга кўрсатмасин.

105. Паҳлавон Муҳаммад (ваф. 1493, Ҳирот) — XV аср Ҳирот маданий марказининг йирик намояндаларидан. У риёзот математика, илми нужум, кимё, фалсафа, адабиёт, санъат ва кураш турларидан гуштигирликда ном чиқарган. Яхши бастакор ва хонанда бўлган. «Гуштигир» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Навоийнинг 40 йиллар мобаннидаги яқин дўсти, ота ўрнидаги мураббийси ҳам эди. Навоий бу яқин кишиси ва маслакдошига махсус «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли асар ёзиб, унинг шахсияти ва истеъдоди қирраларини очиб беради. Ушбу тазкиранинг IV мажлисини Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган мақола билан бошлайди.

106. Тарж.: Хўжанддан келган бир киши қози булмақ мақсадида шаҳарда айланар эди, бироқ садр унинг қози бўлишига рози эмас эди. (Охири) бир эшакни садрга пора бериб, қози бўлди. Агар эшак бўлмаса, қози бўлмасди. Кейинги жумлада сўз ўйини ишлатилган, уни икки маънода тушуниш мумкин.

107. Тарж.: Муҳаббат қоидасида ёрдан гина қилиш йўқдир, булмаса ул вафосиздан кўпгина қилган бўлур эдим.

108. «Сияр ун-набий» — Пайғамбарнинг хислатлари.

109. Тарж.: Фалак ўз отига [миниби] чопганда, қар бир ойга бир нағал ташлаб кетди.

110. Тарж.: У мени гоҳ чўп билан, гоҳ мушт билан уради, ўйнай-ўйнай мени ўлдирмоқчи бўлади.

111. Тарж.: Мен умр бўйи ҳавас орқасида юракка пайравлик қилдим, умр ўтди, билмайманки, нимага эришдим.

112. Тарж.: Эй зоҳид, бизнинг қибламиз дилдорнинг қоши, [сенинг қиблангдан] афзалдир, Сен масжид билан бўлавер, сенинг юзинг деворга бўлгани маъқул.

113. Мавлоно Риёзий — Имомиддин Риёзий Самарқандий (ваф. 1479, Самарқанд). Шоир хаттотлик, мусиқа, илми нужумдан хабардор ва Қуръони мажидни етти қироат билан ўқийдиган ҳофиз бўлган. Баъзи тазкираларнинг маълумотига кўра, ёшлигида вафот қилган. Риёзий девонида ғазал, қитъа, рубоий ва фардлар мавжуд бўлиб, девон нусхалари Лондон, Бангола, Душанбе китобхоналарида сақланади.

114. Тарж.: Ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу бир юлдуздир,  
Хусн юзасидан куёшга ёндашиб туради.

115. Тарж.: Хусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу шундай бир юлдуздурки, ой билан ёндашиб туради.

116. Тарж.: Кишилар янги ойга тикилиб турганларида у ғойиб бўлганидек, қора отинг жавлон урган пайтида нағалигина кўзга чалинади.

117. Тарж.: Агар кўчанг шу сув ва ҳавоси билан менинг манзилим бўлса, на Хизр суви, на ўлик тирилтира оладиган (Исо) нафаси керак бўлади.

118. «Миръот ус-сафо» — Софлик ойинаси.

119. Тарж.: Суфий мақсад инжусини қидириб бориб (яъни ёш тўкавериб), «мажмаъ ул-бахрайн» (яъни, икки дарёнинг тўпланиш жойи) бўлади; Чунки ҳар бир йиғлаётган кўз чашмасидан бир дарё ҳосил қилган.

120. Тарж.: Эй ноз қилишга ўрганган, биз сенга ёлборузчилармиз. Сени замона ажойиб кўнгил олувчи қилиб яратган (экан).

121. Мавлоно Лутфий (туғ. 1366, Ҳирот—ваф. 1465) — шоир, тасаввуф билимдони. Навоий сўзи билан айтганда, форсий ва туркийда ўхшаши йўқ сўз санъаткори. Лутфий девони ғазал, туюқ, қитъа, рубоий, қасида ва фардлардан таркиб топган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Лутфийга алоҳида мақола бағишлайди. Унда, жумладан, ёзади: «Агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўлди, аммо дарвешлик тариқини доғи илқидан бермади. Бу фақир борасига кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди». Лутфийнинг Шоҳрух Мирзо, Бойсунғур Мирзо ва Абдурахмон Жомийларга гўзал қасидалари бор. Лутфий «Гул ва Наврўз» номли дoston ҳам ёзган. Лекин бу асарни Лутфий каламига мансуб эмаслиги ҳақида адабиётшунослигимизда мунозаралар олиб борилди. Лекин масала ҳамон ҳал бўлгани йўқ.

122. Тарж. Тунга ўхшаш зулфингдан куёш [юзинг] сояпарвардир; Тун каби зулфингда ой ўрнига куёш чикқандир.

123. Тарж.: Агар ошиқлар дилининг иши чин кофирга тушса, шу сингари бемехр, бадфеълга тушгандан кўра яхшидир.

124. Мавлоно Яқиний — (XV аср) шоир. Яқинийнинг насрда ёзилган «Ўқ ва Ёй мунозараси» ўзбек адабиётида шу жанрнинг етук намунаси саналади. Биринчи бўлиб бу мунозарани Э.Рустамов “Узбекская поэзия в первой половине XV в” номли асарида атрофли таҳлил этиб берган.

125. Тарж.: Бир нафас бўлса ҳам куёшга дам урмаган тонг сенсан, мевасидан ҳеч ким ея олмайдвган дарахт сенсан.

126. Мавлоно Атоий — (XV аср) шоир. Адабиётшунослигимизда бу шоир шеърляти ҳам бир томонлама, фақат дунёвий муҳаббат куйчиси (Лутфий каби) сифатида талқин қилиниб келар эди. 1991 йил С. Рафиддинов нашр қилдирган Атоийнинг тўла девони сўз бошисида шоирнинг тасаввуфий шеърлари таҳлилига ҳам уринишни кўрамиз:

127. Мавлоно Саккокий — (XIV аср охири —XV аср биринчи ярми) шоир. Мирзо Улуғбек даврида камолга эришган ва шеърлари билан шуҳрат қозонган. Саккокий Хожа Муҳаммад Порсога, Халил Султон (қаранг: 219-бет, 41 изох)га атаб биттадан ва Улуғбек Мирзога атаб 5 та қасида ёзган. Улуғбек Мирзонинг Амири кабири Арслон Хожа Тархонга ҳам 4 та қасидаси бор.

128. Тарж.: Бу диёрда бизнинг кўнгил овловчимиз ёлғиз ўзингсан ва бас; сендан бир қиё боқишингни ўтинамиз ва бас.

129. Хожа Юсуф Ҳамадоний — куняти Абу Яъқуб (ваф. 535/1140 -41, Марв) олим ва машҳур шайхлардан. Боғдод, Исфохон ва Самарқандда ҳадисларни эшитган, замоннинг таниқли алломалари суҳбатида бўлган. Ҳиротда ҳам яшаган. Охири аввал истиқомат қилган шаҳри Марвга қайтган ва ўша ерда оламдан ўтган. Асҳоби (яқин дўстлари) орасида Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Гиждувонийлар бўлганлиги ҳақида манбаларда маълумот учрайди.

130. Тарж.: Сен жаннат дарахти каби сарву шамшод қоматсан. Мен қоматингни қандай таъриф қилай?! Қиёматсан!

131. Тарж.: У ҳар доим сенга даъво қилади. [Лекин] у даъвони бемаъни қилади.



Сенинг меванг Самарқанд олмаси каби ширину, уники Балх олхўрисидек аччикдир.

132. Тарж.: Умр ўтди, ғафлатдан шундаин мастманки, не чоғлик тавба қилмайин, уни яна синдирдим.

133. Тарж.: Сенинг бемор кўзларинг мени ҳар дам тоқатсиз (заиф) қилиб кўяди. Эй жонон, сенинг жон бағишловчи лаъл-лабинг жонимга қасд қилади.

134. Мирзо Али Идигу Темур — «Мажолис» таржимонлари Идигу номини

ايكو . اويك

Фахрий— Қазвинийда— тарзида берадилар. Афтидан Мирзо Али Гилон ҳукмрони бўлган.

135. Тарж.: Азоб билан ўлдирилган шахидларнинг қабрига қарагилки, (қабрларн устига] дил оташи ва сенинг ўқингдан туғ тикилгандир.

136. Мирзобек (ваф. 1490—91, Самарқанд) — шоир. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»да ёзишича, Мирзобек вафотининг

مخبر

таърихи сўзидан абжад ҳисобида 896 (1490-91) й. берилади: Навоий «Мирзобек фарзанд масобасида (даражасида, ўрнида) эрди», деб ёзади.

137. Аҳмад Ҳожибек (ваф. 1495—96, Бухоро) — Шоир, арбоб, тахаллуси «Вафойй». 10 йил Ҳиротда, 1496 йилгача Самарқандда ҳокимлик қилган. Бобурнинг хабар қилишича, Аҳмад Ҳожибек Бойсунғур Мирзо сиёсатидан норози тархонийлар фитнаси оқибатида Бухорога Султон Али Мирзо устига лашкар тортиб енгилганида асир олинади ва ваҳшиёна қатл этилади. Навоий Самарқандда таҳсил олаётган 1465-1469 йилларда Аҳмад Ҳожибек унга мураббийлик қилган ва оддий жиҳатдан мадад бериб турган. Аҳмад Ҳожибек тадбиркор ва адолатли бўлган. Бу ҳақда Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»да мароқли бир воқеани келтиради. Унда асирлардан бири Навоий аралашуви ва Аҳмад Ҳожибек хайрихоҳлиги туфайли мудхиш жазодан қутилиб қолгани ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу тазкиранинг VI мажлиси Аҳмад Ҳожибекка бағишланган мақола билан бошланади.

138. Салламуллоҳ — арабча: Аллоҳ саломат қилсун, демакдир.

139. Саййид Ҳасан Ардашер (ваф. 1488—89, Ҳирот) — шоир, тасаввуф арбобларидан. Навоий Саййид Ҳасан билан биринчи марта 1455—56 йилларда учрашган ва у билан ҳаётининг охирига қадар дўст бўлиб қолган. Навоийга ота ўрнида бўлган бу оқил ва билимдон аллома вафоти уни қаттиқ ғамга чулғаган ва дўсти, маслакдош мураббийсига атаб махсус «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» номли асар ёзган. Унда Саййид Ҳасаннинг билимлари кўлами — араб тили, фикҳ, шеършунослик, муаммо илми, илми нужум, мусиқа назариясини мукамал билиши, инсон сифатида ғоят хоксор, камтар, юмшоқ кўнгилли ва сабр-тўзимли бўлгани баён этилади. Навоий Саййид Ҳасан вафотига марсия (ҳар банди 8 байтли 7 банддан, яъни 112 мисрадан иборат) ёзган. Марсияда кўркамли олим, фозил ва шоирдан, ажойиб инсондан жудолик туйғулари, дил армонлари, самимий ва тиниқ инсоний кечинмалар қаламга олинади. Саййид Ҳасан Навоий ҳаётида, унинг ижодий камолотида муҳим ўрин тутган. Шаир ўзининг биринчи йирик «Ҳасби хол» деб юритиладиган асари — шеъринг мактубини Самарқанддан Саййид Ҳасанга юборган, бу хол юқоридаги фикримизга маънодор далилдир.

140. «Сулук ихтиёр қилиб, арбаинлар чиқариб, кўп мақосиди маънавий ҳосил

қилди» — қирқ кун чилла ўтириб, тоат-ибодатлар билан кўп маънавий мақсадларга эришди, деган маънони англатади.

141. Тарж.: Дилором билан тонг пайтида тўла қадахларни сипқоришдан, ғунча сингари ҳар иккимиз тор бир қўйлак ичида чирмашиб кучушмоғимиздан ёқимлироқ нима бор?!

## УЧИНЧИ МАЖЛИС

1. Мадда зиллаху—арабча: Оллоҳ соясини (яъни, умрини) узун қилсин!, демакдир.

2. Хожа Муҳаммад Таёбодий — Жомийнинг махсус хизматкори.

3.

Тарж.: Йўловчи, билгилки, қаҳр пайтида қийинчиликларни кўтариш осон [кўринади ], туянинг оғзида қуруқ янтоқ хурмодек тотли [туюлади].

4. «Мушорун-илаҳ ва мўътамадун-алайҳ» арабча: ишорат, яъни зикр қилиб ўтилган ва ўзига эътимод (яъни, ишончли)ли бўлган, демакдир.

5.«Ийдия» — арабча: байрамона, ҳайитлик маъносини англатади.

6. Тарж.: Шукр, эй кўнгил, яна юз безак ва гўзаллик билан байрам гўзалининг гардани янги ой оғушига кирди.

7. Тарж.: Кўнгли синик, холи паришон ошиқни ўлдирма. Қаноти синган қушга жафо тошини нега отасан?

8. Тарж.: Ҳамиша коматинг туфайли нолаю зор чекаман. [Бу] бало дарахти девоналик мевасини бермаса эди, деб қўрқаман.

9. Тарж.: Ҳолдан толганлигидан иягининг айланаси бултурги олмага ўхшаб қолган эди.

10. Мавлоно Сайфий (ваф. 1503, Бухоро)—шоир, адабиётшунос. Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган. 1487 й. Бухорога қайтган. Сайфийнинг 2 та девони: «Рисолаи аруз», «Рисолаи мусиқий» асарлари бор. Биринчи рисоласи шеър ва шоирлик, аруз қонун-қоидалари, баҳри ва доиралари анчайин содда ва равон тил ҳамда услубда яратилган. Шеърлар девонида анъанавий ғазалчилик йўлида ёзилган шеърларн мазмун жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эгадир. Уларда, Навоий таъкидлаганидек, касб-хунар эгалари мадҳ этилади. Маълумки, кейинчалик бу хил асарлар «шахрошуб» (шаҳр аҳлини хаяжонлантирувчи) шеърият деб атала бошланган.

11. Тарж.: Эй кўнгил, жононим нозик белини таъриф қилдинг, бу билан жонимнинг нозик жонини тилга олиб, яхши кетдинг.

12. Тарж.: Пардозчи гўзалим, кўп кишилар билан чиқишадию, мен хастанинг ҳолига асло парва қилмагин.

13. Мавлоно Осафий — Хожа Шамсиддин Ҳиравий (туғ. 1449, Ҳирот — ваф. 1517)—шоир. Ҳирот адабий мухитининг йирик намояндаларидан. Соҳиби девон шоир. Унинг мукамал девонини 1968 йилда Ҳоди Арфаъ Кирмоний катта сўз боши билан Техронда нашр эттирган. Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»да Навоий билан Осафий ораларида ўтган илиқ ҳазил билан йўғрилган бир суҳбатни келтиради. Навоий ўзининг «Соқийнома»сида Осафийни яқин дўстлари ва ҳаммаслаклари қаторида ҳамда заковатлп шоир сифатида тилга

олади. Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» (Воқеий бадиалар) асарида ҳам Жомийнинг бир ғазалига жавоб ёзиш тавсия қилинганда, Осафий ва Ҳилолий масъулият сезиб, жавоб ёзмаганликларини ҳикоя қилади. «Мажолис» таржимони Фахрий Ҳиротий Навоий адабий анжуманларида Осафийнинг қуйидаги:

Бадин жони балокаш кас накардаст, ончи ман кардам,  
Дар ин чашми сияҳрӯ кас надидаст, ончи ман дидам.

(Тарж.: Бу балокаш жонга ҳеч ким менчалик жафо қилмаган. Бу қаро кўз билан мен кўрганни ҳеч ким кўрмаган) матлаини ёддан ўқиб юрганлиги ҳақида хабар қилади. Фахрий яна Осафийнинг Навоий вафотига ёзган марсиясидан бир байт ва туширган қуйидаги таъриhini келтиради:

Он Мири баландкадр, олий рутбат,  
Чун кард аз ин жаҳон ба жаннат рихлат,  
Аз соли вафоту жойи у пурсидам,  
Доданд жавоби манки, жаннат, жаннат!

(Тарж.: Юксак қадрли [ва] олий мартабали ул (А) Мир бу жаҳондан жаннатга равон бўлганида, мен вафот йили билан унинг жойини сўрадим. Менга «Жаннат, жаннат» — деб

جنت جنت

жавоб беришди. сўзларидан

«абжад» ҳисобида Навоийнинг вафоти йили 906 (1500—1501 й.) чиқади.

14. Тарж.: Мухтасиб (шариатга хилоф ишларни текширувчи) майхонадан ўтарда май қуйқасини тўқиб ташламади. Бошимизга бир бало келиб эди-ю, лекин яхшилик билан ўтди.

15. Мавлоно Биноий — Камолиддин Али ибни Муҳаммад Сабз (туғ. 1453, Ҳирот — ваф. 1512, Насаф (ҳозирги Қарши) шоир, тарихчи, мусиқачи. Отаси Муҳаммад Сабз банно — бинокор, бўлгани учун шундай тахаллус танлаган. Шеър ёза бошлаганида «Холий» тахаллусини қўллаган. Жомий ва Навоий адабий мактабида вояга етишган. 1487 йил Табрэзга Султон Яъқуб саройига кетган. 1491 йил Ҳиротга қайтган. Сўнгра Самарқандда 1500 йилдан бошлаб Шайбонийхон саройида хизматда бўлган. 1510 йиллардан Насафда истиқомат қила бошлайди. Биноий 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Шайбонийга қарши юришида Қаршидаги қатли олда шаҳид бўлади. Биноийнинг 3 та девони, «Бехрузу Баҳром» номли достони, «Мажмаъ ул-ғаройиб» (Ажойиб тўплам) номли қасидаси, «Шайбонийнома» ва «Футухоти хоний» (Хон ғалабалари) деган тарихий асарлари, «Нух ранг» (Тўққиз ранг) ва «Савт ун-нақш» (Нақш савтлари) номи остида мусиқага оид ишлари маълум. Биноийнинг тарихи асарлари Муҳаммад Шайбонийхон хонадони, шахсияти ва ҳукмронлиги, юришлари воқеаларини камраб олади.

Навоий билан Биноий орасида қандайдир зиддият, тўқнашувлар бўлгани ҳақида Бобур маълумот беради ва баъзи латифага ўхшаш воқеа, гапларни келтиради. Ҳар қалай,

Навоийнинг Биноий ҳақидаги мақолада унга ҳаққоний баҳо бергани, истеъдодини мадҳ этгани, «Соқийнома»да ёдга олгани улар муносабатида кескин адоват бўлмаганлигидан далолат беради. Биноий ижоди ҳақида катга тадқиқот яратган олим акад. А.Мирзоев бу масалани изчил текширган ҳамда Биноийнинг Навоий ҳақидаги таърифларини келтириб ижобий далиллаб берган.

16. Тарж.: Кимки ёримнинг кўзларини сурма билан қорайтирган бўлса, худди сурмадек менинг рўзгоримни (ҳаётимни) қора қилди.

17. Мавлоно Муҳаммад Бадахший— қаранг: ушбу китоб, IVмажлис. Хондамир ва Восифий унинг Навоийга 30 йил хизмат қилган яқин кишиларидан бўлганлигини эътироф этадилар.

18. Тарж.: Кимки сарв [қоматлигим]нинг салласини бежаб қўйса, чамандан суман гули териб нима қилади?!

19. Хожа Мажиддин Муҳаммад (ваф. 1494, Тобук)— Шохрух Мирзонинг девонбошиси Хожа Пир Аҳмад Хонийнинг ўғли. Ҳусайн Бойқаро салтанатида парвоначи (вазир муовини, фармон ижро этувчи) ва вазир бўлган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, саройдаги маълум фитнес-фужурлар Мажиддинга бориб қадалади. Бобур ёзишича, Ҳусайн Бойқарога бирмунча маблағ зарур бўлиб, хазиначилардан сўраганда, улар “йўқдир” дейдилар. Мажиддин ёлғиз қолдиришларини ўтиниб, шоҳ наздига шарт қўяди: «менинг илигимни (қўлимни) қавий (кучли) қилиб, сўзуми тажовуз қилмасалар (қайтармаса, чекламасалар) оз фурсатда андоқ қилайки, вилоят маъмур ва раият шокир (шукр қилган) ва хизона (хазина) мағфур (мўл) ва сипоҳи вофир (фаровон) бўлғай». Шундан сўнг шоҳ бутун Хуросон учун муҳим ишларни бажаришни Мажиддин ихтиёрига топширади. Оз фурсатда кўп яхши ишларни бажариб, «вилоятни маъмур ва ободон қилди», деб ёзади Бобур. Лекин сарой «аёнлари ва беклари билан зиддона маош» (зиддиятли муомала) қилгани учун Мажиддин пойтахтдан узоқлаштирилади, тафтиш пайтида беҳад бойликлар йиғгани ошкор бўлади.

Рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс ёзишича, Навоийнинг Астробод ҳокими қилиб тайинланишини, айниқса 1488 й. пойтахтдан нохуш хабарлар эшитган Навоий Ҳиротга келганида Ҳусайн Бойқаро дарҳол қайтишини лозим кўрганини Мажиддиннинг ножойиз фаолияти билан боғлайди.

Бу ерда Навоий Мажиддиннинг эҳтиёжмандларга бўлган терс муносабатига урғу бермоқдаки, шоир унинг саройдаги фаолияти даврини «Мажиддин бузуғлиғлари» деб атаган эди.

20. Тарж.: Хожа Мажиддин ишимизни йўққа чиқарди. Ушал кун қоғозимизни ўқимамай чирмади қўйди.

21. Тарж.: Йўлингга қалам сингари бошим билан тўхталмай юриб келаман. Эй ой, мен учун хатдан сеҳргарлик йўлини туздинг.

22. Мавлоно Ҳасаншоҳ — Ҳиротнинг машҳур шоирларидан. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да бу шоирнинг нозик истеъдоди, ширин суҳанлиги, ҳар қандай мажлисга файз кирита олган суҳбатдош бўлганини таъриф қилиб, ёшлик даврида Бойсунғур Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммад мулозими эканида улар орасида ўтган бир ҳазл-мутойибали нақл келтиради. Деярли худди шу нақлни биз юқорида Бобо Савдой номи билан боғли ҳолда келтирган эдик (қаранг: ушбу китоб, 224-бет, 82-изоҳ). Лекин бу нақлда Муҳаммад Султон Ҳасаншоҳ шоирга 5000 динор иноят қилади. Ҳасаншоҳ билан Навоий орасида бўлиб ўтган ҳазл хангомани Восифий келтиради: “Ҳасаншоҳ рўзғордан қийналиб, ўғлига Навоийга бориб, отам ўлди, дегин. Пул берса егулик нарсалар харид қилиб кел,— дейди.

Навоий ўғлига 30 хоний пул беради ва ачиниб тасалли айтади. Эртаси Ҳасаншоҳ

Навоий ҳузурига кириб келади. Навоий уни кўриб роса кулади ва дейди: Эй Мулло, сиз ўлиб эдингизку, бу нимаси? Ҳасаншоҳ жавоб қилади: Агар кеча пул бермаганингизда ўлган бўлардим”.

Хондамир маълумотига кўра, Ҳасаншоҳ вафотига Амир Султон Иброҳим Амний деган шоир қитъа таърих туширган

عَدَامَهُ بِنِ مِثَالِ أَهَانِي

экан.

иборасидан абжа

д ҳисоби билан 907 (1502—1503) йил келиб чиқади.

23. Тарж.: Лабинг тўғрисида бир сўз айтмоқ истайман. Ул оғиз ҳақида биргина сўз айтмоқ истайман.

24. Мутаҳҳари Удий — Ҳирот маданий муҳити намояндаларидан.

Афтидан табиатида тамаъгирлик, хирс каби хислатлар бўлса керакки, Ҳасаншоҳ шоир билан алоқадор бадихона қитъа айтилишига сабаб бўлган воқеани Хондамир . «Ҳабиб ус-сияр»да келтиради.

25. Тарж.: Мутаҳҳар — оти бор ўзи йўқ нарсадир. Нажосатни мутаҳҳар (тозаловчи) деб бўладими? Эшаги эшакка чопадию у пул топади. Демак уни эшак алдовчи деса бўлади.

26. Тарж.: Бир кўлингда қиличу бир кўлда қалам. Қиличбозликни кўйиб, каламзанлик (ёзувчилик) қилгил.

27. Тарж.: Кўзга айтдимки, беадаблик билан қарама; у дедик, беадаблик нима қилсин, айна муштоқликдан, бу.

28. Фирдавсий Тусий — Абулқосим Мансур ибни Ҳасан Тусий (туғ. 934, Тус шаҳри яқинидаги Табароннинг Божи қишлоғи — ваф. 1021) форс адабиётининг машҳур шоири. Замона билимларини пухта эгаллагани сабабли уни “Ҳаким” деган фахрли унвон билан аташган. Ёшлиқдан қиссаю ривоятлар, асотир ва ўтмиш тарихи билан қизиққан, Фирдавсий Абу Мансур, Абулмуайяд Балхий, Масъуд Марвзий ва Дақиқий каби шоирларнинг «Шоҳнома»ларини кунт билан мутолаа қилган. 975-976 йилларда ўзи «Шоҳнома» ёзишга киришади ва 994 йилда уни тугаллайди. Асарни қайта таҳрир қилиш ишлари 1010—1014 йилларда яқунланади. Фирдавсийшуносликда бу иккинчи таҳрирни шоир ҳукмрон Маҳмуд Ғазнавийга мўлжаллаб, у ҳақда ўрни-ўрнида мадҳу санолар киритган, лекин шоҳ асардаги истилочиларга, зулмкорларга оид ақидаларга рағбат, араблар ва уларнинг динига бўлган зид қарашлардан келиб чиқиб унга нописанд муносабатда бўлган. Бунга жавобан Фирдавсий 100 байт Маҳмуд Ғазнавийга ҳажвия ёзиб асарга киритган, деб талқин қилганлар. 1990 йил охирида Эронда «Шоҳнома»нинг 1000 йиллиги ғоят тантанали тарзда нишонланди ва шу муносабат билан ўтказилган Жаҳон Коингрессида қилинган маърузаларда «Шоҳнома»даги Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги мисралар ва алоҳида ҳажвия Фирдавсий каламига мансуб эмаслига масаласи жиддий кўйилди. Ушбу сатрлар муаллифи ана шу конгрессда иштирок этди ва юбилей муносабати билан ташкил этилган барча тадбирларда қатнашишга, кўрғазмалар билан танишишга, қўлёзмалар сақланаётган фондларда бўлишга муяссар бўлди. «Кохи Гулистон» музейи фондида сақланаётган «Шоҳнома»нинг 40 та Мовароуннаҳр ва Хуросон нухалари асосида Бойсунғур Мирзо ташаббуси билан тайёрланган ва унинг муфассал сўз бошиси мавжуд ҳамда нафис 22 миниатюра ва наққошлик санъатининг ҳайратомуз намуналари

билан безатилган, ниҳоятда гўзал хат билан 1429 йилда кўчирилган нодир ва ноёб кўлёмасини ўз кўзи билан кўриш бахтига мушарраф бўлганини билдиради. Бу кўлёмза жаҳонга «Шоҳномаи Бонсунғурий» номи билан машҳур бўлиб, халқимиз маданияти тарихининг заррин саҳифаси саналадн. Айтиш керакки, Бойсунғур Мирзо муқаддимаси «Шоҳнома»нинг илк тадқиқоти сифатида эътироф этилади. «Шоҳнома»нинг энг қадимги кўлёмза нусхаси Италиянинг Флоренция шаҳрида сақланар экан. Юбилейга ана шу нусханинг фотофаксимилеси ва 7 жилдли 4 китобдан иборат француз олими Жюль Муль тайёрлаган матн асосидаги нашри чоп этилган эди. Ўзбекистонда «Шоҳнома»нинг уч жилдлн таржимаси босилган. Таржимонлар Ш.Шомухамедов, Назармат, Ҳамид Ғулом ва Жуманиёз Жабборовлардир. «Шоҳнома» ва ўзбек адабиёти проблемаси юзасидан адабиётшунос Ҳ.Ҳамидов қатор тадқиқотларни амалга оширган.

29. Тарж.: Ўшанда кўп кўтосларнинг мода ва нарларини занжир билан бир-бирига [шундай] боғладиларки, хандақ олдида филларга қарши тўсиқ [пайдо] бўлди. Нега филдан кўрқишлик керак, у ҳам сигир ва эшак каби тўрт оёқли [хайвон]дир.

30. «Ҳафт пайкар»—Етти гўзал. Низомий Ганжавний достони.

31. Тарж.: Пайғамбарликка сен лойиқсан, [чунки] кўлингда, номанг бор. Муҳри эса таъзим [юзасидан] орқасидадир.

32. Тарж.: Ул нотекис кенг даштда бамисоли типратиконга ўхшаш қирилмаган бошлар ётар эди.

33. Мавлоно Дарвеш Машҳадий — Фахрий Ҳиротий ўзидан илова қилиб: бу шоирнинг ёмон тиллиги, жоҳиллиги Навоий айтганидан юз чандон кўпдир. Лекин одамлар унинг Аллоҳдан ўзининг ит феъли, нафсдан фориг қилишликни илтижо қилиб ёзган дарвешона бир байти учун афв этадилар, деб ёзади ва форсийда ёзилган бир байтини келтиради.

34. Тарж.: Унинг қошидан байрам оёи асарини кўрди. Ул ойдан дарак бўлмаганига йил [ҳам] бўлди.

35. Тарж.: Гулнинг юзи (ҳақида) яна бир овоза юксалмагунча, бўстонда булбулдан ҳам садо чиқмайди.

36. Тарж.: Яна ул фасл келдики, базмнинг шамъи лоладек порлайди. Раъно гули лаъл каби қип-қизил майни олтин қадахда кўтаради.

37. Тарж.: Кеча муҳтасиб ҳол сўраб дерди: Май арзон бўлди, пули ҳалоллар қайдасиз?

38. Тарж.: Эвоҳ, эй дўстлар, ул ширин лаъл ҳавас юзасидан бизни ўлдирди. Пашшадан бўлак ҳеч ким бошимизга келмади.

39. Тарж.: Рақиб билан сўзлашиб турганингни кўрдиму бу мени ўлдирди. Сўзлашдан тўхтадингу меннинг жоним тинчланди.

40. Тарж.: Ажаб эмаски, агар бугун кечқурун парвона шамънинг умр дарахти ҳазон бўла бошлаганини кўриб жонини тарк этса.

41. Тарж.: Қандай яхши вақтки, гўзалим кўлида ғзаб қиличи билан келса-ю ҳамма рақиблар қочиб кетсаларда, мен у билан ёлғиз қолсам.

42. Тарж.: Ғам тунида дилимдан чиққан дуд ул [гўзалнинг] кокили ёди билан буралиб ва жингалак бўлиб кўтарилади.

43. «Охий» — Фахрий Ҳиротий «Оятий» деб беради.

43. Тарж.: Ойдин гўзал бўлган чехрасининг саҳифаси ёди билан Қуръондан фол очсам, «Юсуф сураси» чиқди. Бу ерда қаламга олинган Қуръони каримдаги 111 оятдан иборат «Юсуф сураси»да гўзаллик тимсоли Юсуф пайғамбар қиссаси баён этилади. Шу

асосда бадий адабиётда Куръонда номи зикр этилмаган аёл ривоятлар заминиди Зулайхо деб аталиб, дoston ва қиссалар яратилган. Ўзбек адабиётида «Юсуф ва Зулайхо» дostonини XIV аср охири XV аср аввалида яшаб ижод этган Дурбек деган шоир ёзган. Лекин афғонистонлик олим Ёқуб Воҳидий бу дoston муаллифининг номи Ҳомид Балхий деган масалани кўтарди.

45. Тарж.: Ул қуёшнинг сувратига шунчалик хайронманки, агар менга тиг урсалар ҳам кўзимни юмай туравераман.

46. Тарж.: Май ичиш пайтида соқий май қадаҳининг оғзини ёпгани каби ул [гўзалга] нима бўлдики, қопқоқ билан менинг кўзим қорасини беркитиб қўяди.

47. Тарж.: Эй, майнинг тобланишидан сенинг рухсоринг гули ранг-баранг бўлади, жамолнинг боғининг сабзаси озгина-ю гули кўпдир.

48. Тарж. Лутф-марҳаматингни арзон қилиб, гоҳо ғарибларни йўқлаб турсанг ёмон бўлмас эди. Чунки марҳамат кўрғазини гўзалларнинг гўзал одатидир.

49. Тарж.: Қошинг билан баҳслашишда янги ой тезлик қилар ва чимирилар эди. Қуёш юзининг кўрғач, ўзини юмалоқ ва ясси қилиб олди.

50. Тарж.: Агар ғам бурчагида ул кумуш тандан узокликда ўлиб қолгудек бўлсам, ўлган кунимнинг ўзидаёқ ишқ ишига халал етади.

51. Тарж.: Ғам саҳросида девонавор ўзим-ўзимга чанг соламан. Гоҳ тошни чангаллайман, гоҳ тош чангалимдан тушиб кетади.

52. Тарж.: Менинг кўзимга тоғ билан дашт фазоси тор бўлиб қолди. Чунки менда Фарҳод ғами ва Мажнун ишқининг балоси бор.

53. Тарж.: Ғамингда тўккан қонли кўз ёшларимдан менга теккани — унинг ҳар бир қатраси дилимнинг тугунларини ечгани бўлди.

54. Тарж.: Ул жафо ахтарувчи [ёрим] менга [ҳамиша] озор берганидан озгина қилган ғамхўрлиги ҳам кўпдек туюлади.

55. Тарж.: Эй дил, ҳамиша тақво аҳли билан улфат бўлавериш ярамайди. Май куйқасини ялаганлар билан ҳам бир неча кун бирга бўлиш керак.

56. Тарж.: Зулфинг домига тушдиму девоналикда шуҳрат қозондим.

57. Тарж.: Кўз ёш гавҳарларини ёр йўлига сочдим. Ошиқ бўлганим учун шодман, хўб иш қилдим!

58. Тарж.: Унинг ёшлик чоғини кўрдим ва дин аҳлига кўрсатдим. Жонларга бало бўлсин, буни сизларга топширдим.

59. Тарж.: Муҳтасиб агар ринд бўлса майхона эшигини ўзи очиб беради. Риндлар учун майни ер остидан бўлса ҳам пайдо қилади.

60. Мавлоно Ҳилолий — Бадриддин (ваф. 1529, Ҳирот). Астрободда дунёга келган, Ўйили маълум эмас. Ҳилолий қаламига 1 девон ва «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифот ул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» номли 3 дoston мансуб. Девони 2700 байтдан таркиб топган бўлиб, уни шоирнинг ўзи 1521 йилда тузган. Фаҳрий Ҳиротий таржимасига илова қилиб ёзади: «Ҳазрат Амир (яъни, Навоий) дуоси қабул бўлиб, шоир шеърятда ҳамма маҳорат услубларини пайдо қилди ва ўз замонининг ноидирга айланди» ҳамда Ҳилолийнинг уччала дostonидан 5 байтни мисол тариқасида келтиради.

Муҳаммад Қазвиний ҳам ўзидан: «Мир Алишер таклифи билан илмларни эгаллаш ва охирига етказишга машғул бўлган» деб қўшиб кетади. Ҳилолий тимсолида Навоийнинг адабиётга кириб келаётган умидли ёш кучларга алоҳида эътибор билан қараганини кўриш мумкин. Ҳилолий илк дафъа Навоийга ўз шеърини ўқиб берганда ундаги бадий иқтидорни сезиб, таҳаллусини сўрайди, «Ҳилолий» — деб жавоб беради. Шунда Навоий

«Ҳилолий» эмас, Бадрий, Бадрий!» (яъни, сен «янги ой» эмас, «тўлин ой» экансан маъносида), деб шоирни мақтайди. Яна бошқа ҳикоятга кўра, кунларнинг бирида Навоий шоирларга устози Жомийнинг машҳур ғазалига жавобия ғазал ёзишни буюради ва энг яхшилари учун мукофот белгилайди. Шунда Ҳилолий ва Осафий деган шоирлар жавоб ғазал ёзмайдилар. Навоий бунинг сабабини сўраганда, — жавоб ёзишда ўша асардан орттириб ёки ҳеч бўлмаса унинг савиясида ёзиш лозим, биз эса ўзимизда етарли куч сезмадик, — дебдилар. Шеършуносликда жуда қувватли экансизлар деб, мукофатни Навоий ана шу иккала шоирга берган экан.

61. Тарж.: Бугун ул хушрафтор ва хушқомат нени шунчалик оёқдан қолдирдики, эртага, балки қиёмат эртасига ҳам ўрнимдан тура олмасман.

62. Тарж.: Эй оқил, девонага уйни нима кераги бор. Чунки мен девона уйга борадиган йўлни билмайман.

63. Тарж.: Ёрнинг мийиғи ва лаби сабз ва қизил тусда жилва берганда, хаста кўнглимдан сабзранг ва қизил ўт кўтарилди.

64. Тарж.: Худо сенинг хаёлинг билан мени ҳамиша шод қилсин. Агар хаёлингдан айрулгудек бўлсам худо сақласин!

65. Тарж.: Бир Лайли юзли қоним устига барини елдириб етиб келади. Бу вақтда Мажнун дилимнинг аҳволи қандай бўлишлигини била олмайман.

66. Тарж.: Кўзларим ой юзли ёрга [боқишдан] жудо бўлгандан бери дилим қондан жудо бўлди, кўзлар қон тўкишдан тўхтади.

67. Кўфтгарлик — пўлат аслаҳа, анжомларни тилла суви билан қоplash санъати. Муҳаммад Қазвиний таржима изоҳида кўфтгарликни куфтапазлик (таом тури) деб берган.

68. Тарж.: Шундан хурсандманки, отган ўқи ношод кўнглимга жо бўлди, энди ўз ўқини қидирганида мени ҳам ёдига олади.

69. Мавлоно Соҳиб — Фасихиддин Соҳиб Доро номи билан машҳур қасиданавис шоир. Навоийнинг яқин суҳбатдош дўстларидан. Навоий вафотидан сўнг Хусайн Бойқаро китобхонасига китобдор қилиб тайинланган. Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да Соҳибнинг асли Астрободдан, деб ёзади ва шахмат-шатранж бобида хоҳ кабир, хоҳ сағирни ҳозирона ва ғойибона тарзда юксак маҳорат билан ўйнар эди, деб таъкидлайди. Шунингдек, Соҳиб Навоий вафотига марсия таърих ёзганини хабар қилади. Муҳаммад Қазвиний эса Соҳибнинг иншо фанида моҳир бўлганини қайд этади ва Навоий билан Соҳиб ораларида бир сафар асносида, бўлиб ўтган ҳазл-мутойибани келтиради ҳамда абжад ҳисобида ҳар байтнинг биринчи мисраидан Навоийнинг туғилган йили иккинчисидан вафоти йили таърихи чиқадиган қасида марсиясини беради. Бу қасида ҳар банди 8 байтли 5 банддан иборат бўлиб, шундай бошланади:

بید او بی رحمی بدینسان کردہ  
ملک جهانرا باز ویران کرده



(Тарж.: Эй фалак, шу янглиғ бедодлиғ ва берахмлиқ қилдинг.

Вей ажал, жаҳон мулкини вайрон қилдинг).

Биринчи байтдан 844 (1441), иккинчисидан 906 (1501) келиб чиқади.

Восифий Соҳиб Доро ота томонидан менга қариндош эди, деб ёзади.

Муҳаммад Шайбонийхон Нахшабдан чиқиб, Ҳиротни босиб олиши муносабати билан ҳам Соҳиб Доро қасидатаърих ёзган экан. Восифий Соҳиб Доро номидан «Бадоеъ ул-вақоеъ»дан бир туркум ҳикоятлар келтиради.: Уларнинг аксарияти Навоий ва замондошлари ҳақидадир. (Қаранг: Болдырев А.Н. Навои в рассказах современников. Сб. Алишер Навои. М. — Л., 1946).

70. Тарж.: Эй дўстлар, тоқайгача менга ёр кўчасига боришлиқни манъ қиласиз, боришни тарқ қилмайман, мендан кечиб қўяқолинг.

71. Тарж.: Сийнамда ситамкорнинг ўқидан яра бор. Жоним дилдан, овора дилим эса жондан батанг келди.

72. Тарж.: Шундай бир кимсани истайманки, жон чиқар пайтда менга ўз либосини кийгизса, ўладиган кунимда тобутимга ҳам ёпса.

73. Тарж.: Менинг қаро бахтим ҳабибим билан учрашишга монъелиқ қилди, қандай бадбахтманки, қаро бахтим ҳам менинг рақибимга айланди.

74. Тарж.: Дилим бенаво бўлди, шунинг учун у ғамгиндир, бенавонинг ҳам ҳамеша шундай бўлади.

75. Тарж.: Ул оғизни бақбақа устидан қидирдим, у ой қулиб деди: бу ердан тилақ ҳосил бўлмас.

76. Тарж.: Эй ой [юзлигим], бу кеча ўз нуринг билан бу кошонани равшан қил, бўлмаса, бу уйга ўт қўйиб юбораман.

77. Мавлоно Мажнун — Камолиддин Маҳмуд Рафиқий деган хаттот ва шоирнинг ўғли. Уни «Мажнун чапнавис» деб ҳам атаганлар. Чунки у чапдан ўнгга қараб ёзиш усули «бозгуна» хатининг моҳир устаси бўлган (Қаранг: Кази-Ахмад. Трактат о каллиграфах и художниках (Введение, перевод и комментарии Б. Н.Заходера). М.—Л., 1947). «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихи» китобининг муаллифи, олим ва хаттот А.Муродов маълумотига кўра Мажнун «Рисолаи қавоиди хутут» (Хатлар қондаларига оид рисола) номли асар ёзган. Мажнун ҳарф шаклларини нуқта ўлчови системаси асосига қурган экан. Хондамир эса Мажнуннинг яхши қасидалар ёзганини билдиради.

78. Тарж.: Ваъз эшитишга бориб, зор-зор йиғлайман. Бу баҳона билан ёр хажрида йиғлайман.

79. Тарж.: Агар Лайли ва Мажнун ҳақида юзлаб ривоят бор бўлса, булар бизнинг ишқимиз воқеаларининг ҳикоясидир.

80. Тарж.: Шароб қадаҳида риндларнинг боши хубоб бўлди. Кўп бошлар [эса] қадаҳ бошида шаробга айланди.

81. Тарж.: Эй турк гўзалим, ҳар гал сен зийнатхонага кирганингда, уни Хитой сувратхонасига айлантириб юборасан.

82. Тарж.: Кошки эди, доим ойна унинг қаршисида турса, унинг назари бошқа ағёр томонига тушмас эди.

83. Тарж.: Нозли гўзалимга дилим аҳволидан сўзлаб нима қиламан, ахир севгим излари сариғ юзимдан кўриниб турибдику!

84. Тарж.: Ғам водийсида сапамлар ишқида шунча оҳ урдим. Энди мен ғам-дийда шодлиқ билан кам нафас олаяпман.

85. Тарж.: Ҳар дам у майгун лаблардан узоклашсам, иккала қон сочувчи

кўзларимдан коса-коса қон тўкаман.

86. Тарж.: Гарчи Мажнуннинг дили ишқ ғамидан тўла қон бўлган эса ҳам, лекин менинг бу ҳолим қайси Мажнунда бўлган?!

87. Тарж.: Ул қотил дилим хонасига ўз доғи билан шундай мухр босдики, унинг меҳри ўлганимдан кейин ҳам дилимда қолсин.

88. Тарж.: Эй дардлиларнинг қотили, сенинг тиғингдан дардмандлар дили ғунчадек қон бўлиб кетган.

89. Тарж.: Ул қуёш юзлининг тор оғзими яхшилаб кўргим келади, унинг юзига кўзим тушиши билан кўзларим хиралашиб, кўра олмай қолади.

90. Тарж.: Мен сочлари тўзиқ ақлдан бегонаман, ул паричехра ишқида дсвонаман.

91. Тарж.: Ҳар бир хафа кишининг ноласи [унга] жафонинг кўплигидандир. Мен эса менга ҳам жабр қилганидан нола қиламан.

92. Тарж.: Эй паричехра, агар сен кўзларим саройига келсанг, дилим кўзларим пардасидан сенга поёндоз тўшайди.

93. Тарж.: Бугун кечани ёритувчи ул шамъ, менинг меҳмоним бўлди. Кошки эди, бу кеча қиёматгача тонг отмаса.

94. Тарж.: Унинг орзусида заррадек доим паришонман. Юзининг офтобисиз тинчлигим ҳам йўқ.

95. Тарж.: Эй хушқомат сарв, эй жафо қилувчи шўхим, ғамларинг ўқидан бу мажруҳ таним чакалакзорга айланди.

96. Тарж.: Дилим кафтидаги доғлар ёримнинг кўлидан келган. Гарчи улар куйдирсада жонимнинг оромидир.

97. Тарж.: Ҳеч вақт ёр менинг зор-зор йиғлаганимдан афғон чекмади. Чунки мен унинг афғонига йиғламаган эдим.

98. Тарж.: Агар дилдоримга бир оғиз сўз айтиш имкониятини топсам, афғор дилимнинг аҳволини арз қилардим.

99. Тарж.: Кимки қаршисида сенинг жамолинг китобини кўраркан, у қандай қилиб мутолаадан кўз уза олади.

100. Тарж.: Гарчи ҳаётим дуруст ўтмасада, ишқ билан шодман, бўлак қисматим йўқ. Турмушнинг яхшилиги ва ёмонлиги билан ишим йўқ.

101. Тарж.: Ҳижрон водийсида дард билан ғамдан бошқа нарса йўқдир. Ундан [ёрнинг] хаёли билан олам [ташвишларидан] осойиш топаман.

102. Тарж.: Эй соқий, биз адабсизликлар қилсак ажабланма. Биз маст кишилармиз, бизларда адаб бўлмайди.

103. Тарж.: Мен унинг итлари галаси ичидан жой топдим. Остонаси ғуборидан кўзимни равшан қилдим.

104. Тарж.: Назар аҳли мазоридан агар лола униб чиқса; у лола дил доғи ва жигар қонидан [иборат] бўлади.

105. Тарж.: Кўзларим сенинг юзинг ҳавасида бўлгани учун менга орқа ўгириб, сенга қараб туради.

106. Тарж.: Юзини ой деб атадим. Бу сўзим бутун шаҳарга тарқаб кетди. Тишлари ҳақида сўзлаган эдим, оғзим дурларга тўлди.

107. Тарж.: Ёрим мени нозу карашма занжирида тутди. Яна ишқида девоналигим мени хароб қилади.

108. Мавлоно Зийракий — Ҳиротда анчайин танилган бу шоирнинг Навоий «Мажолис»да келтирган ғазалига Турк султони Салимшоҳ Миср сафари чоғида (924/1518

й.) Муҳаммад Қазвинийга жавоб ёзишни таклиф этади. Қазвиний унинг матласини келтиради. Восифий Навоий билан боғлиқ ҳикоятларда Зийракийнинг турли анжуманларда иштирок этганини қайд қилади.

109. Тарж.: Ишқ йўлида жафо тошлари йўл озиғимдир; тоғу даштларда лола — жигар гўшамдир.

110. Тарж.: Унинг юзидаги холдан беҳол бўлдим; уни яратганга офаринки, бу унинг паргори нуқтаси бўлди.

111. Тарж.: Эй фалак, суякларимни тош билан юмшат; мабодо кўнгил олувчимнинг тиғини ўтмас қилиб қўймасин.

112. Бадиуззамон Мирзо (туғ. 1457, Марв — ваф. 1517, Истанбул) — шахзода, шоир. Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, онаси Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бика Султон бегим. Бадиуззамон 1495—1505 йилларда Сийистон ва Балх ҳокими бўлган. 1497 йилда Астробод ҳокимлигини таллашиш натижасида Ҳусайн Бойқаро билан оралари кескин бузилади. Хадича бегим ва вазир Низомулмулк фитнаси оқибатида ўғли Мўмин Мирзо қатл қилинган, Бадиуззамон саркашлиги янада ортади. Шайбонийхон 1506 йил Ҳиротни босиб олганда Бадиуззамон Эронга Исмоил Сафавий ҳузурига қочади.

Муҳаммад Қазвиний маълумотига кўра, Турк Султон Салимхон Табризни эгаллаганида Бадиуззамонни иззат-ҳурмат билан Истанбулга олиб кетади. Тахтдан умидини узмаган Бадиуззамон Султон Салим хизматида бўлади ва 1517 йилда тоун (вабо) касали билан дунёдан ўтади. Навоий бу шахзода сиймосида давлатни идора этиш сиёсатини пухта билган, кенг илмлардан хабардор валиаҳдни кўришни истаган ва бу йўлда тинмай ҳаракат қилган. Унга «Хамса» дostonларида панду насихатларга тўла алоҳида боблар ажратган, тез-тез мактублар йўллаб турган, жумладан усули идора хусусидаги, Мўмин Мирзо қатли муносабати билан ва б. Навоий ёзган мактублари «Муншаот» таркибида мавжуд. Фахрий Ҳиротий Бадиуззамоннинг Мўмин Мирзо қатлига ёзган қуйидаги байтини келтиради:

Вазиди, эй сабо, барҳам зади гулҳои раёноро,  
Шикасти з-он миён шохи гули наврастаи моро.

(Тарж.: Эй сабо, сен эдинг ва раёно гулларини совурдинг. Шу орада менинг энди гуллай бошлаган ёш шохимни синдирдинг). Навоий «Мажолис»нинг еттинчи мажлисида Бадиуззамон ҳақида мақола беради.

А.Муродов Ҳабибнинг «Хат ва хаттотон» (Истанбул, 1887) асарига таяниб, Бадиуззамон Мирзонинг турли хатларни пухта билганлиги ва айниқса, настаълиқ хатида ғоят гўзал ёзганлигини баён қилади. Бадиуззамоннинг Абулфайз номига ёзилган бир «ийдлик» (ҳайитлик) китъасининг расми мавжуд экан.

113. Тарж.: Зор кўнгилнинг ёниши ҳеч қачон кўз ёши билан камаймайди. Мендаги бу ўт фақат тупроқдан таскин топади.

114. Тарж.: Ёлғизлар замона бандларидан озоддирлар; улар не бировнинг тузоғига тушган ва на овчилардир.

115. Тарж.: Ғамингсиз нафас ола олмайман; ғамсиз нафас чиқара олмайман.

116. Тарж.: Қўл дилда, оёқ лойда қолган; оламда бош кўтариб юра олмайман.

117. Тарж.: Дилга доим жафо етказиб турасан. Бошқаларга қилган жафоларинг

менга яна бошқа балодир.

118. Тарж.: Мен дилсиз [бечора] ҳатто сояни ҳам унинг ёнида бўлишини истайман. Эй ҳажр кечаси, кел ва уни ер юзидан йўкот.

119. Тарж.: Кечаси ул кўнгил ёритувчининг ити ёнида кетар эканман, шодлигимдан тонггача кўзимга уйқу келмади.

120. Тарж.: Агар менинг этагимни малак-фаришта тириклик (Хизр) суви билан ювган бўлса эдн, ҳозирда жононим этагидан кўлингни узоқ тутган бўлардинг.

121. Тарж.: Жоду кўзинг туфайли дил юз пора бўлди; мен[энди] бир дил билан эмас, юз дил билан юзингнинг ошиғи бўлдим.

122. Тарж.: Юзингсиз мотаму ғамим бор. Мотам [бўлганда ҳам] оҳ қандай мотамим бор!

123. Тарж.: Ишқинг савдосидан бошим оқ остидадир. Чунки бизнинг сирримиз бошланишини кўрмадим.

124. «...аблуқ йўсунлуқ йигитдур»-яъни икки юзламачи (лаганбардор) табиатли йигитдур.

125. Тарж.: Ёр менинг ҳолимдан, ағёр эса афғонимдан йиғлайди. Менга ва менинг аҳволимга дўст ҳам, душман ҳам йиғлайди.

126. Тарж.: Ҳажрингда ғам олови бошимга уриб кетганида, кўзларим гирдобидан шамъ каби ёшлар тўкаман.

127. Тарж.: Унинг ой юзи ойинасига гард ўтирмаслиги учун жамолига бўлган меҳр қаршисида оҳимнинг йўли бекилди.

128. Тарж.: Эй соқий, мен мастману соф май тутасан; агар бадмастлик қилсам, яхшиси, кечиргайсан.

129. Тарж.: Васлингга бир дам етишиш абадий ҳаётдан яхшироқдир; васлингни эслаш билан шод эдим, бу замон шодроқдурман.

130. Тарж.: Кишилар ишқинг йўлида, бемалол кетаверадилар, ошиқ мену, бошқалар бекорга овора бўладилар.

131. Бу шоир ҳақида Муҳаммад Қазвиний қўйидагиларни илова қилади. Арабистонда мусиқа соҳасида кенг шуҳрат қозонади. Унинг икки ғуломи бўлиб, улар биргаликда бир-бирларига овозларини созлаб, ҳамовозликда Шайхийнинг асарларини куйлаганлар. Бириси Сиёҳча номли ҳинду бўлиб, Румга кетади. У 968 (1560—61) й. да Румда яшайди ва ул диёрнинг мусиқа соҳасидаги машҳур санъаткорларидандир. Иккинчиси румлик бўлиб, Ҳиндистонга кетади.

132. Тарж.: Ёнаётган кўксимдаги бу нарса доғ эмас, бу ишқ муҳридрики, сенинг севгинг учун жонимга босилгандир.

133. Тарж.: Баҳор фасли, гул мавсумида [кўнгил] ёзиш керак. Эй соқий, май келтир, айтишнинг нима ҳожати бор!

134. Тарж.: Сенинг камандингга ҳар қандай бахтсиз илннавермайди. Бу бало [доми] ёлғиз бизнинг бўйнимизга тушган.

135. Тарж.: Кеча оқшом мейинг нолаларим малоикалар уйқусини қочирди; ойнинг [атрофидаги] ёруғлик гардишини менинг кўз ёшларим тўфонидан сув олиб кетди.

136. Бу шоир ҳақида Фаҳрий Ҳиротий шундай илова қилади: Наргисий Навоий ёзганидек, Марвдан эмас, балки Амир (яъни Навоий) хизматига Марвда етишган. Ҳозир (яъни, «Мажолис» таржима қилинган. 1520 йилларда) Абҳарнинг шайхзодаларидан бўлиб, шу ўлка одамлари унинг аждодларини ғоят ҳурмат қиладилар. Агар авваллар

бевошларга кўшилиб, шариф вақтини беҳуда сарф қилган бўлса ҳам, ҳозир кўпроқ вақтини рўза ва намоз билан ўтказмоқда.

137. Тарж.: Сенинг ишқинг дарди кимники девона қилган бўлса, Мажнун каби вайрона бурчагидан жой эгаллади.

138. “Гўёки бировнинг мамлуки экандур. Хожаси ани ё ул Хожасини озод қилибтур” кимнингдир асири бўлган бу шоирнинг озод қилиниши ҳақида Навоий хожаси уни озод қилибдими экан ёки озодлик олиб, Хожасини ўзидан халос қилибдимн деган маънода истехзо билан ёзади.

139. Тарж.: Эй Зухра манглайли, сени кўра олмай умрим ўтмоқда, эсизгина, азиз вақтларим шундай ўтиб бормоқда.

140. Тарж.: Эй хандон ғунча, юрагимни сиқиқда тутганинг учун жон [бу] юракдан тўйди-ю юрак жонимни олди.

141. Тарж.: Эй зоҳид, тўнингни келтириб майга гаров қўй; зоҳидлик асбобини ва тоат-ибодат уйини хароб қил.

142. Тарж.: Мен оворага итларинг олдига бориб, бечора дилим аҳволини айтишга йўл йўқ.

143. Тарж.: Шароб қадахидан менга жон равшанлиги келади. Ул тиниқ майнинг мавжи мен учун жон ойнасидир.

144. Тарж.: Эй сарви ноз, бизнинг дилимиздан жой олмайсан, жой оласанку, лекин бизнинг дилимиздан эмас.

145. Тарж.: Эй ғам тунни, ул шамъдан узоқда менинг жамолимни куйдирдинг; йиллар висол кунинг ваъда қилиб, мени ёндирдинг.

146. Мавлоно Зебой — шоирлар ҳақида маълумот берувчи тазкираларда Зебойнинг аёл шоира эканлиги таъкидланади ва Жомий уни мадҳ этгани баён этилади.

147. Тарж.: Сенинг қоматинг юра бошласа, сарвни ҳам ўз бандаси қилади, ҳам озод қилиб юборади.

148. Тарж.: Ул лола юзли мени ўзининг кули деб атайди, охирда юзимнинг қоралиги ўз таъсирини кўрсатади. Навоий шоирнинг қора рангли қуллардан эканлигини ва бу матлаи ўз ҳолига муносиб тушганлигини баён қилади,

149. «Қаллоший» — шуҳратсиз, ялқов, дайди маъносини англатади. Навоий шоирнинг «атвори тахаллусиға муносиб» дер экан, унинг табиатида қусурлар борлигига ишора қилади.

150. Тарж.: Сени олам гўзалларининг подшоҳи қилиб яратгандан одамларнинг ёмон кўзидан асрашини тилайман.

151. Мавлоно Гадоий — ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, соҳиби девон шоир. «Мажолис» ёзилган вақтда 90 ёшдаги шоир тахминан 806 (1403—1404) йилда дунёга келган. Унинг ягона девони Париж Миллий кутубхонасида сақланади. Гадоийнинг Шохрухнинг набираси Халил Султонга бағишланган бир қасидаси бор. Уни Э.Рустамов Темур набираси Халил Султонга хато нисбат берган эди. Биринчи марта Гадоий ҳақида шу сатрлар муаллифи 1962 йилда мақола эълон қилган. 1965 йилда шоир шеърларидан кичик мажмуа чиқарган эди. 1973 йилда Э.Аҳмадхўжаев Гадоий девонини Париж нусхаси асосида сўз боши билан нашр қилди.

152. Тарж.: Сенда анбар [ҳидидан ҳам хушбўй] соч пайдо бўлганидан бери бизнинг кўнглимиз ватанли бўлиб қолди.

153. Тарж.: Эшигингда арзга келган мискинлар нолаю зор қилиб турар экан, сени гўзаллик подшоҳи деб ким айтади?

154. Тарж.: Эй дил, унинг ғами билан бўлиб сени савдога қўйдим, ўзим ҳақимда ўйламайману, сенинг ташвишингни чека оламанми?
155. Тарж.: Менинг сарвим дилимдан ҳзм, кўзимдан ҳам жой олган; у гул каби покиза, сабо каби ёқимлидир.
156. Тарж.: Сенинг юзинг беқарор дилларнинг қибласидир, оёғинг излари хоксорлар меҳробидир.
157. Тарж.: Бу кеча унинг лаъл лаблари ошиқ қонига ташна кўринади. Эй соқий, [унга] май берма, мастликдан уни уйқу элитмасин деб қўрқаман.
158. Тарж.: Сен [отган] ўқ дилим гулзорининг дарахти бўлди; у дил юкидан бўлак мева қилмайди.
159. Тарж.: Унинг шакар лабларидан гарчи менга дашном етсада, аччик сўзларида ҳам ширинлик туяман.
160. Тарж.: Мен ой юзингдан йироқда ҳар кеча саҳаргача йиғлаб чиқаман. Май идиши каби қонга тўла дилим, [кўз ёши билан] нам кўзим қаршисида йиғлайди.
161. Тарж.: Юзга сўздан ҳийла билан бирига қулоқ осасан, уни ҳам айтмасимданоқ эсингдан чиқарасан.
162. Тарж.: Ҳажрингда дил дам-бадам нолаю оҳ чекади. Ғаминг дилга қасд қилиб эди, энди жонга қасд қилмоқда.
163. Тарж.: Қозургоҳ далаларининг ҳавоси ва Султонийнинг суви, агар билсанг, жаннат шабадаси ва Ҳизр умрини бахш этади.
164. Тарж.: Унинг юзларисиз кипригим учидаги ҳар қатра қон хижрон кечасининг ёниб турган машъали бўлиб қолди.
165. Тарж.: Саҳар чоғида ул ой юзига ниқоб тортиганида, халқ орасида куёш тутилди, дея фйгон кўтарилади.
166. Тарж.: Мийиғидаги сабзалардан сўз очсам, Хўтан мушкидан гапирасан; [шундай қилиб] қачон бу билан зулфи ҳақида сўзлашасан?
167. Тарж.: Майхонага бораман, унинг бир бурчагидан ўзимга жой танлайман, май косасини топаману, ўша ерда сипқараман.
168. Тарж.: Ёримдан айрилиб, балога гирифтор бўлдим, не бало бўлдики, ёримдан жудо бўлдим.
169. Тарж.: Гулзорга тўкилган гул барги эмас, булбул юраги ярасига пахтадан қилинган қонли кафандир.
170. Тарж.: Бу яшил гунбазда кўринганларни юлдуз деб ўйлама, юзинг томошасига махлиё бўлган ҳурларнинг кўзларидир.
171. Тарж.: Қонга бўялган лола пардасини холи куриб, юрагим пардасидан чиқиб кетибди, деб ўйлабман.
172. Тарж.: Ёримнинг ҳажридан кунларим қаро бўлди. Менинг кунларим ва рўзгорим ҳеч кимнинг бошига тушмасин.
173. Тарж.: Яна мийиғидаги сабзалар гулзори янги сўлим майсалар пайдо қилди. Жаҳон боғининг иши яна бошқа ранг пайдо қилди.
174. Тарж.: Одамлар олдида кўзим ёр юзига тушмасин дейман, лекин у яқин келса, юзига беихтиёр назарим тушиб қолади.
175. Тарж.: Ул пари кийган либос гул баргидандир. Кийимнинг ҳар тарафидаги боғичлар эмас, унинг пар ва қаноатларидир.
176. Тарж.: Қаддим камондек эгилди; умр олтмишга етди, ёшлик ёйдан ўкдек тилиб кетди.

177. Тарж.: Заифлик дил хасталигидан эмас, сенинг ҳажрингдандир. Дил ноласидан таънинг ранжимагай, деб кўрқаман.
178. Тарж.: Тунда биз ошиқларнинг тўшаги қора тупроқдир, холос. Устимизга ёпган чойшабимиз [эса] осмондир, холос.
179. Тарж.: Эй шамъ, бу кеча ул ойнинг юзига даъво қилишдан кеч, мажлисимизни қоронғу қилдинг, энди тилингни қисқа қил.
180. Фахрий Ҳиротий бу шоирнинг номини Хожа Мир Маст эканлигини ва аввал «Фигоний», кейин эса «Зиё» тахаллуси билан ижод қилгани ва таърих туширишда моҳир бўлганини ёзади ҳамда шоирнинг бир таърихи, қасидасидан бир матлаъ ва ғазалидан бир матлаъ келтиради.
181. Тарж.: Кимки Чин суратига ўхшаган юзингга кўз очиб қараса, шундан сўнг сени томоша қилишдан кўзини узмайди.
182. Тарж.: Жононнинг меҳрsizлигига бундан ортиқ бардош қила олмайман. Эй худо, ул номехрибонни менга меҳрибон қилгил.
183. Тарж.: Қонли кўз ёшини рақибдан яшириш учун Мажнуннинг юзи доим деворга ўгрилган эди.
184. Тарж.: Воизимиз ҳар доим май ичишни манъ қилади: ўзи шу майдан бир сипҳорса-ю май уни вайсашдан бир дам тўхтатса, қандай яхши бўлар эди!
185. Тарж.: Бошимда хумнинг тагидаги лойга етишиш ҳаваси бор эди, бадбахтликни қараки, ўшанга ҳам қўлим етолмади.
186. Тарж.: Ул ҳаёт чашмасидирки, одамлар ундан жон топадилар. Аммо у чашмадан менинг оғзимда ҳайрат сувидан бошқа нарса йўқдир.
187. Тарж.: Ёрдан жудоликда иштиёқдан бўлак дардим қолмади. Эй ажал, кела қол, айриликқа тоқатим қолмади.
188. Тарж.: Кўзимдан ёшлар сел каби тўлиб оқмоқда. Икки кўз ул сел устидаги хубоб (қабарчиқ кўпик)дек келмоқда.
189. Тарж.: Ул [ёр] учун ўзимни ўлдирсам, унинг қаҳри келади. Вах, бу қандай қаҳрдирки, у қаҳр туфайли ўзимни ўлдираман.
190. Тарж.: Най оҳанглар замзамаси билан дам урса ҳам, менинг нолам олдида овоз чиқара олмайди.
191. Тарж.: Эй кўнгил, менга унинг сарв каби қомати кўринмаса, жонимга ҳар лаҳзада ҳажр ўқи қадалаверади.
192. Тарж.: Байрам келди, ўзимнинг ойдек гўзалим бўлмагани учун менга шодлик йўқ, барча халқ шод, мендек ғамгин йўқ.
193. «Бу ҳазратким...»— Абдурахмон Жомий назарда тугилади. Рубоийдаги «бу ҳазрат» Султон Хусайн Бойқарони, «ул ҳазрат» эса Жомийни англатади. «...ул ҳазрат ҳақ сари қилди рихлат» мисрайдан Жомийнинг вафот этгани англашилади. Ана шу учинчи мажлис аввалида эса Жомийга ҳали ҳаёт шоир сифатида таъриф берилади. Гап шундаки, Навоий «Мажолис ун-нафоис»ки тўлдириб, унинг ҳар мажлиси алоҳида хотималар ёзган ва асарнинг иккинчи таърифини яратган. Бу уҳдани шоир 1498 йилда амалга оширган. Бинобарин, бу вақтда Жомий ҳаётдан кўз юмган эди. Юқорида Жомийнинг 1492 йилда вафот этгани тилга олинган эди.

## ТҮРТИНЧИ МАЖЛИС

1. «азҳару мин аш-шамс»—

арабча: қуёшдан порлоқ, демақдир. Паҳлавон Муҳаммаднинг камолоти таърифида айтилган.

2. Тарж.: Қаъба ва калисода сенинг иршодинг биланмиз, ибодатхона ва майхонада сенинг ёдинг биланмиз. Саҳарда зикринг, шомда эса сенинг дуоларинг биланмиз. Яъни, Неъмат-ободинг етимларимиз. Паҳлавоннинг жавобия рубойиси:

Тарж.: Эй Амир, сен пиримизсан, биз сенинг иршодинг биланмиз. Доим дуоғўйингиз ва сенинг ёдинг биланмиз. Бу шаҳр сенга ёқимли-ю, биз сен билан хушвақтмиз. Биз ўлганмиз, Астрободинг [йўлида] хароб бўлганлармиз.

Аввалги рубойини Навоий Астрободдан Паҳлавон Муҳаммадга мактубда ёзпб юборади ва жавоб хатида кейинги рубойини олади. Навоий бу ҳақда «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида ҳам ёзган.

3. Тарж.: Унга айтдимки, сенинг ишқинг оламида ишим ғамдин иборат бўлди. У кулги аралаш мийиғида: «ғам эмас, оламнинг ишидир», деди.

4. Тирзиқ — бир-бирига муносабатсиз равишда бириккан сўзлар. Келишмаган сўзлардан шеър битиш бўлса керак.


5. Кунгур — девордан чиқиб турган ходани, девор устидаги данданаларни англатади, шунигдек, «беҳаё», «гадой» ҳамда «ноғорачи» маъносида ҳам келади. Навоий Мир Сарбараҳна ёшлигида «кунгур» лақабли Оқил деган йигит билан бирга бўлиб, покликдан қайтиб, унинг йигитлари таъсирига берилган эди, деб ёзади. Мир Сарбараҳна ижодидан келтирилган рубоий мазмунига кўра «кунгур» сўзи биринчи маънода олинган бўлса керак.


6. Тарж.: Қуёш билан ойга топинувчилар сенинг кўзингдан бир назар орзу қиладилар. Рубоийнинг кейинги байти беҳаё мазмунда бўлгани учун таржимаси берилмади.

7. Имтило марази — мечкай, юхо — еб тўймаслик касали. Бундай беморнинг беҳад семириб кетиш ҳоллари ҳам учрайди.

8. «Жавохир ул-асмо» — Исмлар жавохирлари.

9. Тарж.: Таърихи шундай эди: «Алишер муҳр босди». Навоий таърихнинг тўла матнини келтирмай (камтарлик билан таъриф унчалик тўғри эмас дея), унинг моддасини

беради.  абжад ҳисобида, 876 (1471—

72 й.)  иборасидан эса 10 йил тафовути

билан 886 (1481—82 й.) келиб чиқади.

10. Тарж.: Санамнинг дастидан покликнинг этаги йиртилди. Хотир лавҳи-сахнидан хаёлингдан бошқа нимаики бўлса, ўчиб кетди.

11. Мавлоно Масъуд — Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишича. Масъуд Ширвоний илми калом, мантиқ, фалсафада замона алломаларидан бўлган. У «Ғиёсия» - номли мадрасада ҳам мударрислик қилган. Навоий ҳам унинг баъзи дарсларини эшитган. Фаҳрий Ҳиротий «Мулло шудан осон аст, одамий шудан душвор» (Мулло бўлиш осон,



одам бўлиш қийин) маталини унга нисбат беради. Хондамир Масъуднинг «Ҳошияи шарҳи хикмат ул-аъин» деган асари борлигини хабар қилади.

12.: Тарж.: Мастлар кўксини тиниқ майнинг ўткирлиги билан куйдир, менинг куйишимга шаробдан бошқа ҳеч нарса даво бўла олмайди.


13. Тарж.: Мурувватли ва гуноҳ ишларни ёпиб кетувчи подшоҳ даврида Ҳофиз соқий бўлдию, муфтий майхўр бўлди.

14. Тарж.: Кўзимни сенинг юзинг ойинаси қилмоқчи эмасман, киприклардан зулфингнинг анбар таратувчи тарағи қилмоқчимасман.

15. Тарж.: Унинг боши атрофида жон бўлиб қолган кокилингни хаёлингга келтирмаки, паришон қилади.

16. Мир Атоуллоҳ Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Хусайний Нишопурий (тахм. XV аср 40 йиллар, Нишопур — 1513, Машҳад) адабиётшунос олим. «Ато», «Атой» ва «Атоуллоҳ» тахаллусларида ижод қилган. «Ихлосия» ва «Султония» мадрасаларининг мударриси бўлган. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да ёзишича, Навоий Мир Атоуллоҳга «Ихлосия» мадрасаси яқинидан «майдони кенг, иморати кўп, ҳавоси гўзал ва суви ширин» ҳовли тортиқ қилган. Олимнинг «Бадоеъ ус-саноеъ» (Бадиий санъатлар) ва «Рисолаи қофия» номли адабиёт назарияси, аруз ва қофия илмига оид асарлари бор, «Бадоеъ ус-саноеъ» Алибек Рустамов томонидан 1981 йил ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

17. Маклуби муставий — араб алифбосида ёзилган, ўнгдан ҳам, чапдан ҳам бир хил ўқиладиган сўз, ибора ёки шеър санъатини англатади. Масалан:



байтининг охирги сўзи чапдан ўқилса, биринчи байтнинг аввалидан ўқилишини беради.

18. «...сойим уд-дахр эрди» йил бўйи рўза тутадиган эди, маъносини англатади.

19. «Шаҳр зариф ва шўхлари «Вали, шалоин» ҳам дерлар» — Шаҳр ҳазилкашлари ва шўхлари «Шилқим (хира)лар авлиёси (бошлиғи)» ҳам дердилар. Навоий тушунтиришича, Мир Муртоз ким билан нима масалада баҳс бошласа енгмагунча, мулзам қилмагунча тинчимас экан, яъни одамни хит қилиб ташлар экан. Шунинг учун юқоридаги лақаб билан атаганлар кўринади.

20. Тарж.: Кўнгил олувчининг хаёлидан бошқа нарса кўнгилга келмагунча, йўли устида кўз қорачиғлари назоратчи бўладилар.

21. Мавлоно Хусайн Воиз (туғ. йили номаълум, Сабзавор яқинидаги Байҳақ деган жой — вафоти 1505, Ҳирот), тахаллуси «Кошифий» шоир, адиб, воиз. Нишопур ва Машҳадда ҳам яшаган. Жомий ва Навоийга жуда яқин бўлган. Унинг ваъз, иншо, нуҷум, ахлоқ, тарих, тасаввуф, риёзиёт ва фикҳ фанларига оид 37 асари бор, жумладан «Анварии Суҳайлий» номли машҳур асари «Калила ва Димна»нинг таржимасидир,

Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида, ўзининг Абдурахмон Жомий вафотига

ёзган марсиясини катта маъракада Хусайн Воиз Кошифийга ўқитган. Бундан Қошифий шеърларни ҳам гўзал ўқигани ва овози ҳам яхши бўлгани кўринади.

22. «Жавоҳир ут-тафсир» — Тафсир жавоҳирлари.

23. Тарж.: Мехроб ва минбарда шундай яхши кўринадигани воизлар хилват жойга борганларида бошқа ишлар қиладилар.

24. Тарж.: Эй сабзак мийиғли [гўзал], тоза қора мушкни ёсуман гулига сепма, [зулф каби] тобланган сунбулни настаран гулига урмагил.

25. Ҳазрат Амир ул-мўминин Али — ибн Абу Толиб (661 йилда ўлдирилган) исломда «Хулафо ар-рошидин» (тўғри йўлдан борган халифалар), халқ орасида «чорёрлар» деб аталган тўрт халифанинг тўртинчиси. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам амакиваччаси, ҳам куёви (қизи Фотиманинг эри). Исломдаги икки асосий оқимдан бири «Шиа» (арабча, гуруҳ демакдир, бу ерда Али тарафдорларини англатади) оқимини ташкил қилган. Алини, шунингдек, ажойиб саркарда ва қаҳрамон шахс сифатида ҳам кўп китобларда таъриф қиладилар.

26. Тарж.: «Бизнинг Муъинимиз кўп қобилиятли эди, лекин бу ёғоч, зинапоялар уни зоеъ қилди». Бу ерда ваъз ўқиладиган минбар зиналари кўзда тутилади,

27. Тарж.: Баҳор фасли келдими экан, олам қўкаламлашиб, шодликка тўлди, гўзалнинг висоли етишдимикин, кўнгил васлга ҳамдам бўлди.

28. Бу арабча шеър матнини англаб олмадик.

29. Мирхонд — Муҳаммад ибни Ховандшоҳ ибни Маҳмуд (туғ. 1433, Балх — ваф. 1498, Ҳирот) тарихчи. Отаси Бурҳониддин Ховандшоҳ асли бухоролик бўлган. Мирхонд Навоий таклифи билан «Равзат ус-сафо» (Сафоли жаннат) номли темурийларга бағишланган тарихий асар ёзган. 7 жилддан иборат бу асарнинг 6 жилди Мирхонд қаламига мансуб, 7-жилдини набираси Хондамир ёзган.

30. Тарж.: Кимки оби ҳаётдан қўл ювса, замона Хизри ўшадир, Кимки нафс зулматидан, четга чиқса Искандар ўшадир.

31. Хондамир — Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад (1475-1534), тарихчи, машҳур тарихчи Мирхонднинг набираси (қизининг ўғли). Ёшлигидан то Навоий вафотигача унинг хизматида бўлган, китобхонасини бошқарган. Хондамир Навоийнинг биринчи биографи ҳисобланади. У «Мақорим ул-ахлоқ» асарида шоир шахсияти, фаолияти, ижодиётидан муайян маълумотлар келтириб, унинг шархи ҳолини яратиб беради. Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» (3 жилдли), «Хулосат ул-ахбор», «Дастур ул-вузаро» (Вазирлик учун дастур), «Номаи номий» (Атоқли номалар) каби асарлари маълум. Хусайн Бойқаро вафотидан кейин Хондамир Шимолий Афғонистонинг Башт деган қишлоғида яшаб ижод қилади. 1528 йил Ҳиндистонга Заҳриддин Муҳаммад Бобур хузурига жўнайди. Бобурдан сўнг Ҳумоюн хизматида қолади. Бу пайтларда Хондамир «Ҳумоюннома» деган асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор (қаранг: Д. Юсупова. Хондамир ижоди. Шарқшунослик—1 тўплами. Тошкент, «Фан», 1990). 1534 йилда вафот этган Хондамир Дехлидаги машҳур Низомиддин Авлиё ва Хусрав Дехлавий дафн этилган қабристонга қўйилган.

32. Мавлоно Ҳамидиддин — Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишича, унинг отаси Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгоний вафотидан кейин Ҳиротда (Хиёбонда) дафн қилинган жойнинг жанубида Навоий хонақоҳ солдирган, Ҳамилиддин шу хонақоҳда тоат-ибодат билан машғул бўлган ва 927-1520-21 й. вафот этган.

33. Тарж.: Гоҳо хаста дилларни ёд қилмоқ керак, бирор кўнгилни худо учун шод қилмоқ керак.


34. «Манозил ус-сойирин» — Сайр қилувчилар манзиллари. Хожа Абдулло Ансорий асари.

35. Б арабча шеър мазмуни очилмади.

36. Тарж.: Жаҳонга керак бу боғдан қандай қилиб ташқарига қадам қўйай, чунки унинг ичкараси жаннат боғи, ташқариси Эрам боғидир.

37. Мир Ихтиёридин — бу шоир номини «Мажолис»нинг ҳар икки таржимони «Сайид Ихтиёр» тарзида берадилар.

38. Тарж.: Бу ҳавзнинг тозалигидан сўзламоқчи бўлганимда, оғзимни юз марта оби ҳаёт билан юваман. Ҳар чандки, Хизр чашмаси бўлса ҳам таъриhini «Кавсар соқийси»дан ахтараман. Шеърнинг таърих



моддаси ибораси бўлиб, абжад бўйича 897 (1486—87) чиқади. «Пои Ҳисор» деб аталган ҳавз ана шу йилда битилган экан.

39. Тарж.: Қоматинг хаёли унқусиз кўзларда сув ўртасида ҳар томонга сузган балиқдек айланади.

40. Тарж.: Эй бас энди! Гўзал юзлар менинг тавбамдай, кўп эски тавбаларни бир қарашдаёқ йўққа чикардилар.

41. Мир Ҳусайн Муаммой — «Ҳабиб ус-сияр»да шоирнинг узоқ йиллар «Ихлосия» мадрасасида яшагани, турли билимлар ўргангани, муаммода донг таратгани ҳамда 904/1498—99 й. да вафот этгани ва шу мадраса гунбази остида дафн қилингани баён этилади.

42. Тарж.: Ҳилол шаклидаги қошларинг намли кўзлардан нари кетмади. Тўғри, балиқ ҳам дарёдан қуруқликка чикмайди.

43. Фахрий — «Мажолис»нинг биринчи таҳририда бу шоир йўқ, у кейин иккинчи таҳрирда (1498 йил) киритилган. Форсий таржималар ҳам асос эътибори билан аввалги таҳрир матнидан қилинган. Фикримча, бу «Мажолис»нинг биринчи таржимони Фахрий Ҳиротий бўлиши керак. Фахрийнинг тўла исми Султон Муҳаммад ибн Амир Муҳаммад (туғ. йили номаълум, Ҳирот — ваф. 1562—63, Ҳиндистои) шоир ва адабиётшунос. Асарларидан «Латоифнома» номи остидаги «Мажолнс ун-нафоис» таржимаси. 189 нафар янги шоирлар ҳақидаги маълумотни илова қилган. «Тухфат ул-хабиб» (Дўстлар тухфаси), «Жавохир ул-ажойиб», «Равзат ус-салотин» (Султонлар жаннати) каби турли мавзудаги асарлари ва «Саной ул-ҳасан» (Гўзал санъатлар) номли бадиият масалаларига бағишланган рисоласи, «Радойиф ул-ашъор» деган ҳар-хил шоирлар шеърятидан радифлар бўйича тузилган мажмуаси маълум. Шунингдек, Фахрий қаламига «Ҳафт кишвар» (Етти мамлакат) номли афсона, асотирлар ва ахлоқий масалалардан баҳс этувчи асар ҳамда тахминан 5 минг байтдан иборат шеърлар девони ҳам мансуб, деган маълумотлар бор.

44. Эй сарви нозанин, ҳеч вақт сенга дил меҳрибон бўлмаган деб айтдинг. Сендан [менинг] бундай гумоним бўлмаган.

45. Сайид Жаъфар Муҳаммад Қазвиний ёзишича, бу шоирнинг девони ўша даврларда машҳур бўлган экан.

46. Тарж.: Гўзалим зулм занжирига қўл солиб, Хизр оби ҳаётини ташна одам ёдидан кўтарди.

47. Мир Сайид Ҳусайн Абивардий — Камолидин Ҳусайн, шоир Навоий

хизматида бўлган. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да унинг Ироқда Яъқуб Мирзо саройида бир неча йиллар бўлганини ёзади ва қуйидаги мароқли лавҳани келтирадн. Навоий бу шоирни Султон Яъқуб Мирзо ҳузурига Жомийнинг куллиёти ва бир неча бошқа асарлар билан жўнатади. Шоир етиб борганида Султон ундан йўлда зерикмай келдингизми?, деб сўрайди. У, Жомий ҳазратларининг китобларини мутолаа қилиб келдик, дея жавоб қилади. Кейин маълум бўладики, китобдор Жомий куллиёти ўрнига бошқа асар бериб юборган ва шоир уни очиб ҳам кўрмаган экан. Бу воқиядан Навоий воқиф бўлгач, Камолиддин Ҳусайндан жуда ранжиган, кейинчалик унга ҳеч қачон илтифот кўрсатмаган. Сўнгра у Балхда Бадиуззамон Мирзо хизматида бўлиб, юқори лавозимларга кўтарилган. Шайбонийхон даврида эса элчилик қилган.

48. Тарж.: Юзинг куёшига дунё қулдир. Юсуфга Яъқуб деб от қўйибдилар. Навоий бу байт ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан паст савияда ёзилгани ҳақида фикр билдиради. Муҳаммад Қазвиний эса, агар Навоий «Юсуфга Яъқуб деб от қўйдилар» тарзида эмас, «Юсуф номини Яъқуб қилдинг» дея ўқиганда эди, ҳар жиҳатдан шеър яхши чиққани маълум бўлар эди, деб ўз фикрини илова қилади.

49. Тарж.: Бирор дам дунё дастидан қутула олмадим. Эй соқий, кел, бир нафас майпарастман.

50. Тарж.: Биз доим мастдирмиз; майхонадан нима гинаю, қадахларнинг тўла ва камлигидан нима гина!

51. «рушд осори зоҳирдур» етуклик белгиларин кўриниб турибди, демакдир.

52. Тарж.: Жаҳонда сенинг ғамингда юрган мендек бошқа бир киши нўқ. Юраги куйган, ёлворучан одам йўқ. Ғам ва дардимни очиб ташлашни истайман, бироқ нима қилайки, ҳеч ҳамдард йўқ.

53. Мавлоно Сафий — Фахриддин Али Сафий (туғ. 1463, Сабзавор— ваф. 1533, Ҳирот) шоир ва адабиётшунос. Унинг асарларидан «Рашаҳоти айн ул-ҳаст» — нақшбандия силсиласи ҳақида, «Маҳмуд ва Аёз» — Низомий «Лайли ва Мажнун»ига жавобия тарзида ёзилган, отаси Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Асрорн Қосимий» рисоласининг қисқача баёни, «Латойиф ут-тавойиф» (турли табақаларнинг латифалари) маълумдир. Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф»дан танлаб олинган баъзи ривоятлар К.Қаҳҳорова ва С.Иномхўжаевлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

54. Тарж.: Лаълдек кизил лаб ва хуш ис билан келибсан; ажойиб безак билан ундан чиқибсан.

55. Тарж.: Масиҳ агар унинг оғзидан бир оғиз сўз эшитса, уялганидан ортиқ дам уришга ҳам мажоли қолмайди.

56. Мавлоно Абдулвосеъ — шоир, иншо фанида моҳир Навоийнинг яқин суҳбатдошларидан. Хуросоннинг Нури деган вилоятида дунёга келган. Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ»да Абдулвосеъ Навоий шарафига Ҳирот яқинидаги Барза деган жойда берган зиёфатда қатнашгани ва унга нисбатан қилинган ҳазлга ғоят зукколик билан жавоб берганини ҳикоя қилади. Навоий шоирга берган алоҳида мақоласида ҳам унинг ана шу хислатини таъкидлаб ўтади.

57. Хожа Дехдор — Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Дехдор Жомий ва Навоийларга яқин, суҳбатдошлардан. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да Хожа Дехдор ҳақида алоҳида лавҳа келтиради: Ҳусайн Бойқаро ва Навоий Жомийга таом ва егулик нарсалардан насиба илинганида Хожа Дехдор орқали юборар эканлар. У эса олиб борган нарсаларидан ўзи

мириқиб еб келар, пул-мулдан ҳам олиб қолар экан. Шулар ҳақида Жомий рубоий, қитъалар битар экан. Навоий асарида ана шундай шеърлардан 4-тасини келтиради. Бу ерда Навоий Хожа Дехдорнииг яна бир хусусиятини моҳир тақлидчи эканлигини ҳам қайд қилади.

Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да ёзишнча, бир куни Хожа Дехдор Жомийни тушида кўрибди, улар «Қуръон ўқи», дебдилар. Хусайн Бойқаро тахтни эгаллаган (1469 й.)дан сўнг, 7—8 йил олдин кўрган тушини Хожа Дехдор Навоийга сўзлаб беради. Навоийнинг тавсияси ва ҳаракати билан Хожа Дехдор Қуръонни ёдлаб, яхши ўқийдиган ҳофиз бўлиб етишибди. Жомий вафотидан бир неча соат олдин Навоий топшириғи билан Астрободга юборилган Хожа Дехдор Ҳиротга жадал қайтиб келади. Иттифоқо Жомий бошида Қуръон тиловат қиладиган ҳофиз йўқ экан, дарҳол Қуръон ўқий бошлайди, хатм қилиши асносида Жомийнинг жони узилади. Навоий сўзини Жомий каромати 30 йилдан зиёд вақт ўтгач натижа берди, деб якунлайди.

58. Тарж.: Мушк сенинг мийиғинг хатлари билан тенглашиш лoфини уради қандай бебошлик! Бизнинг таъна қилувчи қора юрагимиз янглишган.

59. Тарж.: Эй кўзинг қароқчиси камонига ўқни қатор терган! Янги ой қошинг камонидан бир чеккага яширинди.

60. Тарж.: Сочинг тугунларини тишим билан ечишни истайман, бироқ бу савдодан девона бўлиб, занжир чайнайман.

61. Тарж.: Эй бевафо, бизга висолинг қачон насиб бўларкин; ғаминг жунунидан менда ҳушёрлик қайда!

62. Бу муаммони Муҳаммад Қазвиний

تاکشم بار کسان او تقسیم  
دل مجروح کرده ازد دو نیه

шаклида келтиради.

63. Садр—арабчада кўкрак, кўкс демақдир.

کنز زنگ

64. . . . тесқари ўқилса . . . бўлади. Яъни «занг» кўнғироқ маъносини аңлатса, «канз» хазина демақдир.

65. «ҳисси шомма» — ҳид билиш ҳисси, «мажмумот» — ҳидли, муаттар нарсалар: Бу ерда Мавлоно Нурнинг соддалигини кўрсатувчи бир воқеа тафсилоти келтирилган.

66. Тарж.: Кўйлагинг нилуфар рангли, мен унга ҳайрон қоламан, чунки ҳар куни унинг ёқасидан қуёш чиқиб келади.

67. Султон Али Машҳадий — Низомиддин (тахм. 1432, Машҳад —1520, шу шаҳар), машҳур хаттот, насхтаълиқ хатининг моҳир устаси. Манбалар уни жуда чиройли бўлган, деб қайд қилади. «Қиблаи ул-куттоб» (Котиблар қибласи), «Зубдат ул-куттоб»

(Котиблар сараси), «Султон ул-хаттотон» (Хаттотлар султони), «Котиб ус-султоний» (Салтанат котиби) деган лақаб-унвонларга сазовор бўлган. Устози Азҳар хаттот тавсияси билан Ҳиротга юборилган. Шайбонийхон келгандан сўнг Машҳадга қайтган ва шу шаҳарда дафн этилган. Султон Али Машҳадий қаламига хаттотлик илмига оид «Сирот ут-сутур» (Сатрлар йўли), «Сирот ул-хат» (Хат йўли), «Мидод ул-хутут» (Хатлар сиёҳи) каби шеърӣ асарлар мансубдир. Кунларнинг бирида Ҳусайн Бойқаро унга «Мен учун бир қабр тоши ёз» деганида, Султон Али: «Шоҳимнинг бу фармонлари жуда узок муддатга қаратилади» — дейди. Шоҳ кулиб: «Биз ҳам жуда яқин вақтда ўлмоқ хаёлида эмасмиз. Сиз ҳам кўп тезкорлик қилманг» деб жавоб қилган экан. Султон Али Навоӣ асарларини кўчирган. Жумладан, шоирнинг Илк девони ва «Наводир ун-нихоя» номли иккинчи расмӣ девони (1488), “Хазойин ул-маоний”дан интихоб-танланма (1492—93)лардир.

68. Тарж.: Кўз ёшларим қонли юрагимдан намуна бўлгани каби баҳор чоғида гул ул гулранг юздан намунадир.

69. Тарж.: Ишқинг ор-номус ва обрўни ўтга солди катта-кичик барча халқнинг бор-йўғини елга совурди.

70. Тарж.: Эрта баҳорда агар гул сабзалар орасидан униб чиқса, сенинг майин хатларинг янги гул барглар (орасидан) унади.

71. «Муту қабла ан тамуту» — арабча, ўлишингиздан илгари ўлинг, демакдир.

72. Тарж.: Эй кумуш иякли [гўзал), мендан ўзгага юзингни кўрсатма, чунки кучли рашқимдан жоним танамдан чиқиб кетади. [Барча] халқ кўзининг мардуми — қорачиғи бўлишни истанман, токи сенинг юзингни мендан бўлак ҳеч ким кўрмагай.

73. «Ал-ухдату алар-ровий» — арабча. Сўзнинг тўғри-нотўғрилиги айтган кишининг бўйнига, демакдир.

74. Тарж.: Менинг кўзимга нур ул сипоҳнинг йўли гардидан келди, худога шукурки, кўзимнинг нури йўл тўзонидан келди.

75. Тарж.: Эй сабо, ул (гўзал) жамоли боғини тамошо қилдингми? Гулнинг ғунчасини очилтиргандек — сени изтиробда кўраяпман.

76. Бедилӣ — шоирлар ҳақида маълумот берувчи тазкираларда, жумладан Могаи Раҳмонӣ хонимнинг «Парданишинони сухангўй» (Парда остидаги сўз санъаткорлари) номли асарида Бедилӣ Ҳиротда анчайин маълум шоира бўлганлиги қайд қилинади.

77. Тарж.: Ул сарвнинг гўзал юришини кўрмоқ учун боғга бораману нарғис гулидан икки кўз қарз оламан.

78. Тарж.: Мен бечора кўчанг бошида ҳарчанд тентираб юрсамда, кўнгил охи ва кўз ёшидан бошқа ҳеч нарса кўрмадим.

79. Бобо Али Хушмардон — Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишича, покиза рўзгор ва ширинсухан дарвеш бўлган. Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда қишлаган йили унинг хизматиға етишиб, шоҳнинг, илтифот ва иноятиға муяссар бўлган.

80. «даржий битиб эрди»—дарж — бирор мақсад ва масала юзасидан рисола, нома каби асар ёзмоқни англатади. Хожа Маҳмуд яхши хаттот бўлгани туфайли олти асл қалам ва уларда ёзиладиган ҳусни хат ҳақида шундай китоб тузган кўринади.

# АВОЛ ШИШ ҚЛМ

81. Бу таърих моддаси ибораси бўлиб, абжод қоида­сига биноан 897 (1491—92) чиқади.

82. Устод Қулмуҳаммад — уд асбобини яхши чалгани учун Устоз Қулмуҳаммад Удий номи билан донг таратган. Самарқандда ҳам узоқ муддат яшаган, таҳсил олган ва ижод қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. «Ушшоқ», «Наво», «Хусайний» каби мақом йўлларида пешрав, қавл, кор, амал ва нақшлар яратган. «Пешрави Удий», «Савти Нурий», «Амали Удий», «Савти Удий» номли таснифлари Хуросон ва Мовароуннаҳрда машхур бўлган. Бу санъаткор Хирот маданий марказининг ҳам йирик ар­бобларидан бўлган. Восифийнинг ёзи­шича, Маждиддин Муҳаммад Навоий шарафига зиёфат уюштирганда Устод Қулмуҳаммад ҳам қатнашган. Навоий «Хам­сат ул-мутаҳаййирин»да Устод Қулмуҳаммадни кичиклигида мусиқий билимларни пухта эгаллаши учун Бу — Алишоҳ деган давр алломасига тавсия қилганлигини қайд этади.

83. Тарж.: Ул паризод юзининг меҳри орқали жунун одат бўлди. Шу жиҳатдан мен девона халқнинг тилида дoston бўлдим.

84. Тарж.: Бу шундай мақом-жойки, бунда гардга буланган чехра яхши; дардмандлигу мухтожлигу кўп дардли дил яхши.

85. Тарж.: Бир мусофирки, сафарда бирга бўлмайди, мен бе­хабарман, ундan менга хабар келмайди.

86. Тарж.: Эй шайх мени тавба қилдириб, ўзингни изтиробга солма. Худо розилиги учун менга азоб берма.

87. «алайҳит-таҳияти вас-сано»—арабча: унга оллоҳнинг дуо ва мақтови бўлсин.

86. Тарж.: Бирор айш ва фаровонлик шунга баробар келадимики, эрта билан уйқудан бош кўтарсаму, сенинг юзингни кўрсам.

88. «барот наменависад» — форсча: пул олиш ҳужжатини ёзмапти, демакдир.

90. «Рангининг хумрати бор учун мутойиблари ани «сурх қалб» дерлар — рангида қизиллик бор учун ҳазлкашлари уни “қизил қалб” дердилар.

91. Тарж.: Дилнинг қонхўри [бўлган] сенинг лаъл лабингдан қайта жон топдим, бундан кейин кўчанг бошида бизни ва кўнглимиз зорини кўр!

92. Тарж.: Кекса бошимдан тоза ниҳол ўсиб чиқди. Ул ниҳолнинг меваси ғам, ғусса ва жигар қони бўлди.

93. Тарж.: Кўнгил овловчи сарв [қоматинг] шавқидан нолагар бир кумриманки, [эгма] қошинг тузоғидан бўйнимда сиртмоғим бор.

94. Тарж.: Ғам ўти тезланса, сабру тоқатим қолмайди; бу ўт алангасида бир нафас ўтирсам, юз марта ўрнимдан тураман.

95. Хожа Хусайн Кирангий — Хожа Камолиддин Хусайн бен Жалололиддин Қанбар Кирангий шоир, давлат ар­боби. Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да Хожа Хусайн садр эканида уни неларнидир ўзлаштиришда ва алдашда айблаб, шохга ёмон кўрсатадилар. Шундан сўнг у истеъфога чиқади ва қолган умрини фароғатда ўтказади. Хондамир ҳам Навоий каби Хожа Хусайннинг пок ва диёнатли одам бўлганини эътироф этади. Хожа Хусайн Хиротнинг Жомеъ масжидининг қибла тарафида дафн қилинган экан.

96. Тарж.: Сенинг ёдингдан бошқа ҳеч бир оҳ юракдан чиқмайди. Сенинг хаёлингдан бошқа ҳеч бир су­рат кўзга кўринмайди.

97. Тарж.: Анча вақт бўлдики, ул пари пайкар кўзга кўринмаяпти, дилимда

жонлашиб олдида, энди кўзга кўринмаяпти.

98. Тарж.: Зор дилим номехрибон [гўзал]нинг зулфидан жой олди; агар [ишқ] савдосидан паришонҳол бўлса, у ҳам ўринлидир.

99. Тарж.: Кечалари ул жингалак соч толалари шунчалик чирмашадики, бу хол бало занжири гирифторларига кам етишади.

100. Тарж.: Эй сабо, менинг отли [гўзалим] йўли гардидан келтир; бу ёш тўкувчи кўзим учун тўтиедир.

101. Тарж.: Бир муддат дўстлардан жудо бўлган эдим, машаққат ва дардга мубтало бўлган эдим. Агар ёр мен билан ошнолик қилмаса, қариндош ва ошнолардан бегона бўлардим.

102. Тарж.: Агарчи жаннатда ёқимли шабода ва кавсар суви бўлсада майфуруш уйиниг об-ҳавоси бошқачадир.

103. Ҳожа Абдуллоҳ Садр — Ҳожа Шихобиддин (ваф. 1516, Ҳирот) шоир, олим, мунши, мусикашунос, бастакор ва созанда. «Баёний» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Ҳусайн Бонқаро салтанатида муҳрдор, вазир ва парвоначи (қабулгоҳ масъули) лавозимларида ишлаган. «Хусрав ва Ширин» достони ва «Мунис ул-аҳбоб» (Дўстлар муниси) номли рубоийлар мажмуаси, «Тарассул» номли ҳукмронларнинг фармонлар, фатҳнома, давлат мактублари, шахсларнинг хатлари (масалан, Ҳожа Аҳрор, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро) жамланган тўплами маълум ва машҳур бўлган.

104. Ҳожа Муҳаммад Марворид — Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Марворид — Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишча (ваф. 409/ 1498—99, Ҳирот), асли кирмонлик, давлат ва дин арбоби. Мирзо Жаҳоншоҳ Туркман салтанати замонида Ҳиротга келган. Абу Саид даврида вазирликда муҳрдор бўлган. Самарқандда ҳам бироз яшаган. Кейинчалик Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий мазорини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бошқарган. Абдуллоҳ Марвориднинг отаси.

105. Тарж.: Кўнгил ул дилнавознинг оғзи ва гўзал кокилини топиб, тириклик сувини ичди-ю, узун умрга эришди.

106. Тарж.: Эй ҳамдам, ул [дилбар] билан сўзлашувинг шукронасига менинг холимдан ҳам оз-моз айтиб берсанг нима қилади?

## БЕШИНЧИ МАЖЛИС

1. Амир Давлатшоҳ — қаранг: ушбу китоб, 213-бет, 11-изоҳ.

2. «Мажма уш-шуаро»—Шоирлар йиғини. 892. (1486—87) йида яратилган тазкира. Муҳаммад Рамазоний томонидан Э.Браун муқаддимаси ва ўзининг сўз бошиси билан Техронда нашр этилган.

3. Тарж.: Қандай яхши! Юзинг куёшидан жаҳон кўзи равшан, ул равшанлик кўз орқали кўнгил уйини равшан қилди.

4. Мир Ҳусайн Али Жалойир — шоир, арбоб. Заҳириддин Бобур ёзишча, отаси Али Жалойир Абулқосим Бобур бекларидан бўлган. Ўзи эса Ҳусайн Бойқаро саройида кушбеги бўлган. Қасидани яхши ёзар экан. 917 (1511—1512) йилларда Бобур Самарқандни олганида 5—6 йил унинг қошида бўлиб, яхши қасидалар бағишлаган. Навоийнинг иниси Дарвеш Алининг хотини Офоқ бегим ана шу Ҳусайн Али Жалойирнинг қизи бўлиб, шеърият соҳасида зукко қобилияти бор экан. Лекин Бобур



Ҳусайн Али анчайин бевош, қимор ўйнаш ишқибози бўлганлигини қайд қилиб ўтган.

5. Тарж.: Худога шукрки, одил шоҳнинг меҳрибончилиги билан яна бир йўла гулим тикандан, тикан оёғимдан, оёқ эса лойдан чиқди.

6. Тарж.: Гўзалнинг бўстон сайрида гулдан оёғи озор топади. Киприклари тикани бор учун мен қандай қилиб уни кўзим билан қидирай.

7. Мир Ҳайдар—Навоийнинг жияни, шоир. Халқ орасида «Ҳайдар телба» номи билан машҳур. Навоий Астробод ҳокими эканлигида Ҳайдарни баъзи расмий топшириқлар билан Ҳиротга юборади. Норасмий бир зиёфатда Навоийга суиқасд қилингани, унга ошпаз захар қўшилган таом бермоқчи бўлганини хабар қилади. Ҳусайн Бойқаро бундан воқиф бўлгач, Навоийга мактуб йўллайди. Навоий эса Ҳайдарнинг айтганларини бутунлай рад этади. Шоир мактубларидан бирида шоҳ наздида Ҳайдар гуноҳидан ўтганлиги учун миннатдорлик изҳор қилади. Лекин 1498 йилда Ҳайдар Сабухий қатл этилади. Бу Навоий учун катта мусибат бўлади, чунки Ҳайдарни шоир ўзи тарбиялаган бўлиб, уни фарзанди ўрнида кўрар эди.

8. Тарж.: Лаъл лабинг майми ёки тоза асалми? Ўзинг айтгил, бу иккидан қай бири? Юзингдаги терми ёки гулобми? Ўзинг айтгил, бу иккидан қай бири?

9. Алоуддавла — Шоҳрух Мирзонинг набираси, Бойсунғур Мирзонинг ўғли. Ҳирот атрофларидаги ерларни идора қилган.

10. “Абдолнома” — авлиёлар ҳақидаги китоб.

11. Тарж.: Бемор кўзларидан дилимда юз хил алам бор эди, ўз кўзи билан кўрмагунча, бу аламга ишонмади.

12. Султон Ҳусайн — Навоийнинг акаси Баҳлулбекнинг ўғли.

13. Тарж.: Жонондан айрилиш менга беҳад мушкул кўринади. Эй мусулмонлар, ширин жон билан хайрлашиш қийиндир.

14. Муҳаммад Солиҳ (туғ. 1455, Хоразм — ваф. 1535, Бухоро) — шоир, тарихчи, давлат арбоби. Хоразм ҳокими Нур Саидбек оиласида туғилган. Бобоси Амир Шоҳ Малик — темурийлар, жумладан Улуғбек Мирзо хизматида бўлган. Муҳаммад Солиҳ дастлаб Хоразмда, сўнгра Ҳиротда тахсил олган. Ҳусайн Бойқаро саройида, кенинчалик Шайбонийхон хизматида бўлган. 1500 йилларда Бухоро доруғаси ҳокими қилиб тайинланган. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» номли тарихий дoston яратган. Унинг ягона қўлёзма нусхаси Венада сақланади. Бобур Муҳаммад Солиҳ ҳақида «Шарир (ярамас) ва золим табъ ва бераҳм киши эрди», деб ёзади.

15. Тарж.: Кокил ёрқин ойдек юзини ёпиб турар экан, паришон эмасман. Охири тонг бўлганидан кейин тун қоронғилигидан нима ғам?

16. Тарж.: Эй носих, ақлу дониш кўйида бизга раҳнамо бўлма. Ихтиёримиз ўзимизда эмас, жунун қай томонга йўлласса, ўша томонга кетаверамиз.

17. Тарж.: Жононимнинг қиссаси келиб чиқармикан [дея] мажлисда ҳамиша гўзаллар тўғрисида сўз юритаман.

18. Алайкабек — Ҳусайн Бойқаро бекларидан.

19. Тарж.: Дилим дардининг давосини қаердан қидирай, қаерга борай, нима қилай, дилим аҳволини кимга айтай?

20. Мир Валибек — Ҳусайн Бойқаро бекларидан. Бобур у ҳақда «Султон Ҳусайн Мирзо тахт олғондан сўнг хили, умр топмади, бот-ўқ ўлди. Мусулмон ва намозгузор ва турк ва содиқ киши эрди», деб ёзади.

21. Тарж.: Дилбарим фирокида масжидга бориб, сажда қилиш баҳонасида бошимни ерга ураман.

22. Тарж.: Ҳеч ким мени ғамсиз кўрмаган, мендек ғамдидани ғамнинг ўзи ҳам кўрмаган.
23. Тарж.: Қамон қошли гўзалим, мен дилхастани ўлдирдинг; менга қарата бир ўк узгин, токи мен қайта тирилайин.
24. Тарж.: Агар оҳим елидан куёш билан ойнинг чароғи ўчмаган бўлса, нима учун ғаминг тунида бутун олам кўзимга қоп-қоронғу кўринди?
25. Тарж.: Ул кеча чехранг шамъини ял-ял ёндирганинда менга раҳм қилмай, худди парвонадек куйдирдинг.
26. Тарж.: Лабинг ва тишинг хаёлидан кўзларим жикқа ёшдир; бу худди тошлари ёқут ва дур бўлган анҳорга ўхшайди.
27. Абдуқаҳҳор — Навоий бу шоирнинг муаммо фанига қобилияти бор, деб таърифлайди. Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да икки жойда Мавлоно Шарафиддин Абдуқаҳҳор деган шоир Абулқосим Бобур ҳамда қози Қутбиддин Муҳаммадлар вафотига туширган икки таъриhini келтиради.
28. Тарж.: Ёқамнинг зиҳини унинг итига бўйинбоғ қил, токи ҳар дамда этагимга қадар йиртилиб тушмасин.

## ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

1. Аҳмад Ҳожибек — қаранг ушбу китоб, 242-бет, 137-изоҳ.
2. Тарж.: Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг; юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг.
3. Хожа Хурд авлиёлик рутбасига эришган Бобо Худойдод

مجزوب سالك

деганнинг вафотига таъриhini туширга н. Абжад ҳисобига кўра 862 (1457—58) й. келиб чиқади.

4. «Вақфия»—Навоийнинг насрий асари. 886 (1481—1482) йилларда ёзилган. Моҳиятан икки қисмдан иборат: биринчн қисмда Навоийнинг Хусайн Бойқаро саройига махсус фармон (маншур) билан таклиф этилгани, саройдаги нуфузи, давлат арбоби сифатидаги кўп қиррали фаолияти ҳақида, ўз ихтиёридаги даромаддан бир оддий киши рўзғори учун зарурини олиб қолиб, қолганини навкарлар, черик, мадраса, масжид, хонақоҳларга ва уларнинг аҳлларига ҳамда ҳар хил бинолар, турли иншоатлар қуриш учун сарф қилгани тўғрисида фикр юритилади; иккинчисида эса Навоийнинг хайрия ишлари ва вақф қилдирган мулк, ерлари, вақфия жойлардаги идора усуллари, хизмат учун белгиланган лавозимлар, маош, тартиб-қоидалар, маросимлар, бинолар таъмири баён этилади. Асар халқпарварлик руҳи билан йўғрилган. Навоий шахсиятидаги нурли чизгиларни намоён қилади.

من وفق على شير

5. таърих моддасидан абжад ҳисобида «Вақфия» ёзилган 886 (1481-1482 й.) чиқади.
6. Тарж.: Шайтонсифат дев Абулбараканинг жоии еттинчи дўзах бўлсин!
7. Тарж.: Ул жувонмарг Пири Сесадсола устини буғайди, агар шу одам пир

бўлиб қолгудек бўлса, мен ҳеч бир пирга мурид бўлмайман.

8. Амир Маҳмуд Барлос — Бобурнинг ёзишича, Маҳмуд Барлос Абусаид Мирзонинг учинчи ўғли Султон Маҳмуд Мирзонинг бекларидан бўлган. Ҳарбий салоҳияти бор бўлиб, шеърят билан шуғулланган. Девон тартиб қилган шоир.

9. Тарж.: Менинг юзим сувдан ҳам тиниқ дема. Менинг назаримда у офтобдан ҳам равшанроқдир.

10. Дарвеш Шухудий — «Мажолис»нинг ҳар иккала таржимони бу шоир номини Мавлоно Фоний деб берадилар.

11. Тарж.: Муҳаббат аҳли танидаги бу доғлар, дард тоғига қўйилган ҳасрат ёмғирларидир.

12. Тарж.: Оғзингни очгил, ширин лабингдан ширин кулгингни кўрсатиб шакарнинг қийматини, қанднинг нархини туширгил.

13. Тарж.: Нозик тили билан такаллум бошласа, унинг тили гунча оғзидан кўринган гул баргига ўхшайди. Бу байтнинг иккинчи мисраси муаммо

بىر غنچه دهانش  
بۇلىب  
بىر غنچه دهانش

дейди Фахрий Ҳиротий “Мирам” — исми чиқади.

14. Таблбоз, баҳл — овчилик ашъёлари — довун ва қўлқоп.

15. Тарж.: Агар остимда эгарланган от бўлганда эди, жаҳон мулклари қўл остимда бўларди.

16. Тарж.: Дил ул қўш зулфнинг бандига тушишини истамайман; нега энди мен туфайли бошқа бир дардманд балога учрасин?!

17. Тарж.: Ташналик кунида оқар сувни ҳавас қилмаймиз; тиғинг даммини тамоғимизда кўрсак, шунинг ўзи бизга кифоядир.

18. Тарж.: Ул қош ўқининг захм етказишига кўнгилнинг гумони йўқ, шу сабабдан иккинчи захм етқариши учун оғзида ҳасрат сувини сақлайди.

19. Тарж.: Юзингга ошиқликда кўзларим шу даражага етганки, рашкдан бир-бирини кўра олмайдилар.

20. Розалик санъати — бўёқчилик, тош йўниш, тош териш хунарини англатади. Баъзи луғатларда сувоқчи маъноси ҳам берилган.

21. Тарж.: Эй шамъ, агар кечаси мен билан ҳамнафас бўлсанг, равшан бўл, дейишдан бўлак яхшироқ дуо борми?!

22. Дарвеш Дехакий — «Мажолис» таржимони Муҳаммад Қазвиний ўзидан илова қилиб, ёзади: — Дарвеш Дехакий ҳамшахарим эди. Мен у билан кўп суҳбатлашганман. У ғоят камсукум одам эди, танпарастлик унга бегона эди. У тўқувчилик ҳам қилар эди.

У карбос (дағал ипли газлама, бўз) деган матони яхши тўқир, харидор топилса, арзон-гаров бериб юборарди. Шоҳлар дастурхонига кўз тикмас, таомини емас эди. Султон Яъқубхон Дарвеш Дехакийни хузурига чорлаганда у бир байтни ўқибди. Унинг биринчи мисраи маъноси шундай экан, «Агар унинг ўқи олдимга йўналса, орқамга қалқон тутаман». Буни эшитган шоҳ таажжуб қилиб, ўқдан сақланиш учун орқага қалқон тутиши нимаси? — деганда, шоир: «Сабр қилинг иккинчи мисрабин эшитинг дебди: «Токи унинг

ўқи — новакининг чиқиб кетиш йўли бекилсин». Шоҳ шунда лол қолиб, шоирга: «Нимаки тилагинг бўлса айтгил, бош устига бажараман» —дебди. Шоир «Дўстга дўстдан яхши нарса йўқ» — деб жавоб берибди. Шоҳ яна фикрини қайтарганда, шоир: «Боғларимдан олинаётган хирождан озод қилсангиз», — дебди. Шоҳ бажарибди. Муҳаммад Қазвиний Дарвеш Деҳакийнинг яна 8 байтини келтиради.

23. Тарж.: Девордаги сувратга ўхшаб жонсиз бўлиб қолганман; Орқамни деворга қилиб, юзимни сенга ўгириб, ҳайронликда қолганман.

24. Тарж.: Тикан юлкалаб юрувчи Лайлининг туясидан бошқа, Мажнуннинг йўловчилигидан кимнинг ташвиши бор.

25. Қози Исо — Муҳаммад Қазвиний Навоий сўзларига илова қилиб, «Қози Исо Султон Яъқубхонни ҳамиша адолатга ундар эди. Адолат билан кўпчиликнинг қалбида ҳурмат иморатини курган эди», деб ёзади ва Султон Яъқубнинг ҳамширасини (сутдош синглисини) яхши кўриб қолгани, Султон уларнинг қовушиши йўлида урингани, лекин туркларга хос жоҳиллиги устун келиб, бу ишдан қайтганини ҳам баён этади. Шоир шеърятидан яна 6 байт келтиради.

26. Тарж.: Ҳар ким гулшан ва гулзор гашти билан машғул, биз ва ғунчадек дилимиз ўз гирифторлиғимиз билан оворамиз.

27. Шайх Нажм — Муҳаммад Қазвиний Навоий билан бу шахс орасида мактублар орқали муносабатлар боғланиб турганини қайд қилади ва шоир шеърятидан яна 8 байт келтиради.

28. Тарж.: Бир қонхўр кўз шўхлик билан юрагим қонини ичади, ул фитна кўзғатувчи жон офати ва ситамкор экан.

29. Хожа Афзал — Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» (Вазирлар дастури) асарида бу шоир ва давлат арбобининг номи Хожа Афзалиддин Муҳаммад Кирмоний тарзида, «Кирмон шоирлари тазкираси» номли китобда (тузувчи Эрон олими Ҳусайн Бехзодий) эса Хожа Афзалиддин Маҳмуд бен Хожа Зиёвиддин Муҳаммад деб берилади. Фазлу камолотда, давлат девони ишларини тартибга солишда беназир бўлган Хожа Афзал 878 (1473) йилда вазирлик лавозимини эгаллайди. 1487 йилда Ҳусайн Бойқаро Марвда қишлаб қолган пайтида Маждиддин Муҳаммад Хожа Афзал пайига тушади. У эса Астрободга Навоий ҳузурига паноҳ истаб келади. Навоий маслаҳати билан Хожа Афзал Ироқ ва Озарбайжонга Султон Яъқуббек қошига жўнайди. 893 (1488) йилда Хожа Афзал ҳаж сафарига боради. 903 (1497—98) йилда эса Ҳиротга қайтади ва Навоий қўллаб-қувватлаши билан яна вазир, кейинчалик девон боши қилиб тайинланади. Хондамир ёзишча, Хожа Афзал мансабдорлик вақтида мадраса ва хонақоҳ қурдирган экан. У 906 (1501) йил ражаб (февраль) ойида вафот этган. Ҳирот Гозургоҳида Хожа Абдуллоҳ Ансорий ёнига дафн қилинган.

30. Тарж.: Ҳар бир аланга дунё экинзорида уруғ боғлагунча кўнгил ўти жон хирмонини елга совуради.

31. Тарж.: Ҳеч вақт кўнглим қора хол хаёлисиз яшамади; бу девона дил ҳеч қачон бир қора холдан холи бўлмади.

32. Тарж.: Эй жаҳонни барпо қилган, йўқлик [дунёсида] вужуд учун жавоб берувчи [ҳам] ўзингсан.

33. Мавлоно Шаҳидий — «Мажолис» таржимони Муҳаммад Қазвиний илова қилиб, Ироқдан Хуросонга келганида Шаҳидий Абдурахмон Жомий суҳбатига мушарраф бўлганини ва ўзи билан кўп суҳбатларда бўлганини ёзади. Шаҳидий 1 йилча Қазвинда яшаган ва Гилон Султони Мирзо Али бу шахрга келганда шоирга анча тилло пул инъом

қилган экан. У эса тиллоларни уйнинг бурчагига тўкиб қўйган ва ёронларидан кимда зарурат бўлса, олиб сарф қилаверган экан. Шоирда мол-дунё хирси бўлмагани сабабли уни девона дер эканлар. Шахидий бир неча муддат Яъқуббек мусохиби бўлган, кейин Ҳиндустонга кетган. Ҳозир, дейди Муҳаммад Қазвиний Гужаротдадир.

Бу шоирдан сўнг таржимон Гулҳаний деган Шахидийнинг жияни (хоҳарзодаси) ҳақида маълумот ва 5 та байтини келтиради. Ниҳоятда абдол-девона ва урушқоқ бўлган бу одамга Навоий салбий муносабатда бўлган, ҳатто Ҳиротдан чиқариб юборишга ҳам ҳаракат қилган экан.

34. Тарж.: Эй ишқ, кел, бизнинг қийналиб кетган дилимизга ўт қўй. Ўз нурунг билан бизнинг ўчиқ чироғимизни ёрит.

35. Тарж.: Эй жонон, мен фироқинг дастидан бир ўлик[дек]мен. Эзиб ташлаган анорга ўхшаб танамда қон қолмаган. Муҳаммад Қазвиний бу матладан сўнг шоирнинг яна учта байтини келтиради.

36. Мавлоно Холидий — «Мажолис» таржимони Фаҳрий Ҳиротий бу шоир «Фақир одам эрди ва қаландар сувратида кезиб юрарди», деб қўшади ва яна бир байтини келтиради.

37. Тарж.: Мени ўлдирган чоғингда чанг [босган] танамдан чўчима, агар ханжарингга гард юкса менинг гарданимгадир.

38. Мавлоно Ёрий — Фаҳрий Ҳиротийнинг қўшимча маълумотига кўра, Навоий бу шоирга кўп шафқатлар кўрсатган экан. Лекин у подшоҳ ва амирларнинг муҳрларига тақлид қилиб, муҳрлар ясаб, ярамас хаёллар билан нишон, фармонлар ёзишдек ғайриқонуний ишларга қўл урган экан.

39. Тарж.: Кўз ёшлардан дил ноёб дуррларга тўлди, келгил, Қорун хазинаси сен учун нисордир.

40. Тарж.: Эй жонон, ҳаммага озор бериш ва адоват қилиш пайида бўлма, чунки бу хароб [бўлган] олам шуларнинг ҳеч бирига арзимади.

41. Мавлоно Аҳлий — Муҳаммад Аҳлий Шерозий (туғ.1455 ваф. 1435—36, Шероз) шоир. “Шамъ ва парвона”, “Сехрийи ҳалал” номли дostonлар яратган. Ёш ҳинд аёлининг эри вафотидан кейин ўзини гулханга ташлагани ҳикоя қилинган ҳар иккала дoston ҳам шеърий санъатларни ишлатиш жиҳатидан ғоят мураккабдир. Салмон Соважийнинг «Қасидаи маснуъ»си йўлида Навоийга, Яъқуббекка, унинг укаси Юсуфбекка ҳамда Исмоил Сафавийга бағишлаган қасидалари ҳам ниҳоятда мураккаб услубда битилган. Е.Э.Бертельс Аҳлий Шерозийнинг ҳам чапдан ўнгга, ҳам юқоридан пастга қараб ўқиш мумкин бўлган бир рубойисини келтиради. Мана шундай мазмундан кўра санъатлар истифодасига ўта беришлик ўша давр адабий жараёнига хос бўлган.

42. Тарж.: Мен ва Мажнун икки асирмиз, ғам ва шодлигимиз бизники. Ҳар кимки, бу одатни билмаса, бизнинг водийдан эмас.

43. Тарж.: Саодатинг ортғай, давлатинг зиёда бўлғай. Бу давлат ва саодат билан минг йиллар яшагайсен.

44. Мавлоно Муъин — бу шоирдан сўнг Муҳаммад Қазвиний яна 40 нафар Султон Яъқуб давридаги адабий муҳитга алоқадор шоирларни киритади.

45. Тарж.:—Шайхлик кийимлари майга гаров бўлди, шодмиз, чунки охирда майхона кўчаси бошида тўн ечдик.

46. Тарж.: Лабига тил олиб бориб, жонимга аланга урди; яширин ўтимдан шуъла зоҳир қилди.

47. «Дор уш-шифо» (Шифо саройи) Ҳиротда Навоий қурдиргаи

муолажа маркази, тиббиёт мадрасаси ҳам дейдилар.

48. Тарж.: Кўкрагимга ханжар ургилу тандин бошни улоқтир, бу қоронғу уйнинг (яъни, сийнанинг) эшигини ва туйнугини ҳам оч.

49. Тарж.: Ул ойнинг ўқларидан пора-пора бўлмагунча, жаҳон боғида лола ва гунчадек кўнглим очилмади.

## ЕТТИНЧИ МАЖЛИС

1. Темур Кўрагон—Амир Темур, Темурланг (туғ. 1336, Шахрисабз —ваф. 1405, Ўтрор) йирик арбоб, саркарда. Отаси Тарағой барлос қабиласи зодагонларидан. Темур темурийлар сулоласига асос солган ва 1370—1507 йиллар мобайнида барпо бўлган темурийларнинг марказлашган давлати Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқари Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Ҳиндустоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган эди.

Навоий Темур шахсияти, фаолиятига юксак баҳо берган. Бу мажлисни шоир Темур номи билан очат экан, сўзни жойи келганда назм ва насрдан бирор нарса ўқиб, адабиёт соҳасидан бохабар эканлигини намойиш эта билганлигидан бошлайди.

2. Мироншоҳ — Жалолиддин Амираншоҳ (1368—1408). Амир Темурнинг учинчи ўғли. Эрон, Эрон Озарбойжони ва Ироқ ҳукмдори. Озарбойжон ҳукмдори Қора Юсуф билан тўқнашувда ҳалок бўлган. Унинг наъши Табриз яқинига дафн қилинган жойдан Шахрисабзга келтирилган ва кейин Гўри Амирга кўчирилган.

3. Тарж.: Қаландар кўркувдан Куръонга чанг солди.

4. Шоҳрух Мирзо — қаранг: ушбу китоб, 218-бет, 24-изоҳ.

5. Тарж.: Сен ернинг ишини яхши бажариб, [энди] осмон [ишига] киришдинг.

6. Ҳалил Султон — қаранг: ушбу китоб, 220-бет, 41-изоҳ.

7. Улуғбек Мирзо — қаранг: ушбу китоб, 224-бет, 63-изоҳ.

8. Тарж.: Гўзаллик мулки қанчалик қўл остингда бўлсада, шўхлик қилмагилки, ёмонларнинг кўзи сени кузатмоқдалар.

9. Бойсунғур Мирзо — қаранг: ушбу китоб, 247-бет, 28-изоҳ.

10. Тарж.: Ул икки гўзал юзни кўрмаганимга икки ой бўлди, бироқ меҳри жонимиздадир.

11. Тарж.: Бойсунғур унинг юзига кул бўлди. Гўзал юз(ли)ларнинг кули — подшоҳдир.

12. «Ламаёт» —арабча: шуълалар демақдир (бирлиги ламъа —ёлкин, шуъла, равшанлик), Фахриддин Ироқий (ваф. 688 й.) асари.

13. «Гулшани роз»—Сир гулшани, демақдир. Маҳмуд Шабустарийнинг назмда ёзилган тасаввуфга оид асари. (ваф. 1320—216.).

14. Тарж.: Май билан қадахни бирлаштирганинг учун, аниқ билгилкн, қўли баланд риндсан. Қадах — шариатдир, май— ҳақиқатдир. Қадахни синдирганингдан аёнки, бадмастдирсан.

15. Абдуллатиф Мирзо — қаранг: ушбу китоб, 223-бет, 60-изоҳ.

16. Тарж.: Кўз бир қараш билан дил ва жонга юз бало келтирди. Бунинг шукрини нечук қилай? Ёраб, ул кўз дард кўрмагай!

17. Жаҳоншоҳ Мирзо Табриз подшоҳи Жаҳоншоҳ Бороний қорақўйлик бўлса керак. Бобур маълумотларига кўра, Жаҳоншоҳнинг ўғли Муҳаммад Мирзо Султон

Маҳмуд (Абусаид Мирзонинг учинчи ўғли, Султон Аҳмад Мирзо билан туғишган) Мирзонинг қизи Пошабегимни олган эди, демак Жаҳоншоҳ Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзолар қуда бўлганлар.

18. Тарж.: Тоатда беҳад тиришқоқлик ва ишларда миннатсиз дўстнинг лутфи туфайли дил ҳақиқий мурод ҳосил қилди.

19. Яъқуб Мирзо — Ироқ ва Озарбайжон ҳукмрони: Навоий билан яқин дўстона муносабатда бўлган. Жомий ҳам бу ҳукмдорга дарин хусни рағбат билаи қараган ва “Саломон ва Абсол” достонини унга бағишлаган. Яъқуб Султон бошчилик қилган адабий-маданий муҳитда кўплаб шоир ва ёзувчилар фаолиятда бўлганлар. Биргина «Мажолис унафоис»нинг форсий таржимасида Фахрий Ҳиротий шу муҳитга мансуб 40 та шоир ҳақида маълумот беради. Навоий эътирофича, Яъқуб Мирзо яхшигина шоир, шеърят билимдони ва уни кадрловчи шахс бўлган.

20. Тарж.: Оламки, унда саботни кам кўраман. Ҳар бир хурсандчилигида минг ғам кўраман, чунки у худди кўхна работга ўхшайди, унинг ҳар тарафидан йўқлик биёбонига бир йўл кўраман.

21. Султон Аҳмад Мирзо (туғ. 855/1451—ваф. 899/1493—94) —Абусаид Мирзонинг тўнғич ўғли. Унинг хотини Меҳр Нигорхоним Бобур Мирзонинг онаси Қутлук Нигорхонимнинг эгачиси эди. Бобур ёзади: «Султон Аҳмад Мирзо камсухан ва фақир ва одми киши эрди. Ҳар сўз-ун ва иш-куч бекларсиз қарор топмас эрди... баланд бўйлуқ, қунқор (қўнғир) соқоллик, қнзил юзлуқ... ханафий мазҳаблик, покиза эътиқод киши эрди, беш вақт намозини бетарк ўтар эрди... Ҳазрати Хожа Убайдулло (Хожа Аҳрор)га иродати бор эди».

22. Тарж.: Агар ой (юзлигим) бундан кейин (ҳам) пинҳон қоладиган бўлса, бедилларнинг омон қолиши ажабланарлидир.

23. Тарж.: На гўзалки, хусннинг жилоси жаҳонга ёйилди унинг бу жилваси туфайли бизнинг жонимиз шайдо бўлди.

24. Кичик Мирзо — қаранг: шу китоб, 286-бет, 67-изоҳ.

25. Тарж.: Ўзимни умр бўйи яхшилик билан мақтардим, ўзимни тақводорлик йўлига солардим; Ишқ келгач, на тақводорлик қолди ва на яхшилик. Худога шукрки, ўзимни синадим;

26. «...бу рубоий ҳазрат Маҳдумий Нуран била Таворуд воқеъ бўлубтур». Таворуд — адабиётда мисраъ ё байтни бир-биридан хабарсиз икки шоир томонидан яратилиб қолиш ҳодисасини англатади. Кичик Мирзонинг бу рубоийси Жомий шеъри билан таворуд воқеъ бўлганини Навоий кўрсатиб ўтади.

27. Султон Бадиуззамон Мирзо — қаранг: шу китоб, 253-бет, 112 изоҳ.

28. Тарж.: Эй ой [юзли гўзалим], гул юзингсиз юрагим лоладек қон боғлади. Жигар ҳам ҳажринг ғамидин пора-пора бўлди,

29..Шоҳ Ғариб Мирзо—Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Бобур ёзади: «...букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» таҳаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди». Ҳусайн Бойқаро Ҳиротдан бирор ёққа отланса, ҳукмронликни Шоҳ Ғариб Мирзога қолдирар экан. Навоий «Фарҳод ва Ширин» охирида Шоҳ Ғариб Мирзога алоҳида боб ажратади. Унда шахзоданинг яхши фазилатларини, илм-фан, маърифатга ташналигини таърифлайди ва мамлакат ҳамда халқ тақдирига алоқадор шахс сифатида диний билимларни (фикҳ, ҳадис ва тафсири), ҳикматни, айниқса, тарихни ўрганишни насиҳат қилади.

Фахрий Ҳиротий ёзишича, хиротлик бир шоир «Ғарибий» тахаллусини олганда Ҳусайн Бойқаро ўглининг хотири учун унинг тахаллусини «Мажлисий»га ўзгартирган экан.

Навоий Шох Ғариб Мирзо вафотига ҳар банди 6 байтдан иборат 5 бандли (60 мисраъ) таркиббанд марсия ёзган. Унда марҳумнинг камтар ва ширинсўз инсон, адолатли ва лутф марҳаматли шахзода, заковатли шоир бўлгани қайд этилади. Бу марсия биринчи марта 1971 йилда (Адабий мерос, 2) Ҳ.Сулаймонов томонидан нашр этилди.

30. Тарж.: Дўстлар, гоҳо мозорим томон келиб туринг; Менга фотиха ўқиш ўрнига ёримнинг дуои жонини қилинг.

31. Фаридун Ҳусайн Мирзо — Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Бу шахзода ҳақида Бобур ёзади: «Ёйни яхши тортиб, ўқни яхшн отар эди. Камон гуруҳасин дерларким, қирк ботмон экандур. Ўзи хили мардона эди, вале ферузжанг эмас эди. Ҳар ердаким, урушти, мағлуб бўлди». Фаридун Ҳусайн Мирзо Шайбонийхонга қарши жанглардан бирида ҳалок бўлган.

32. Тарж.: Гарчи сенинг кўзингда мени жафо эзиб юборган эса-да азбарои худо вафо йўлидан бир қилча четга чиққаним йўқ.

33. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо — Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Фаридун Ҳусайн Мирзо билан бир туғишган. Оналари ўзбеклардан Минглибий оғача эди. Бобурга қарши фитналарда, жангларда қатнашган. Лекин Бобур қўлига тушганда, қонидан кечиб, озод қилиб юборади. Кейин у Шайбонийхондан паноҳ топиб, Бобур ҳақида ғийбатлар қилиб юрганини Бобур таассуф билан ёзади. Оз фурсат ўтмай Шайбонийхон Муҳаммад Ҳусайн Мирзони қатл қилдиради.

34. Тарж.: Ов кетидан юриб, чангга ботдинг; ҳароратли дил кетига тушиб, терга фарқ бўлдинг.

35. Бойсунғур Мирзо (1477—1499)—Абусаид Мирзонинг ўғли Султон Маҳмуднинг иккинчи ўғли, онаси Пошабегим. Отаси даврида Бухорода ҳукмрон бўлган ва Самарқанд тахтида ўтирган. Оға-инилари билан чиқиша олмай Ҳусравшоҳ ҳузурига келган ва тез орада қатл этилган.

36. Тарж.: Кошки эди санамлар ишкида бирор ким девона бўлса Оламни тарк этиб, вайронада бўлса бирор киши.

37. Султон Масъуд Мирзо — Абусаид Мирзонинг набираси, Султон Маҳмуд Мирзонинг тўнғич ўғли, онаси Хонзодабегим. Отаси даврида Ҳисорда ҳукмронлик қилган. Феодал юришлари ўзаро низолар оқибатида Ҳусравшоҳ Султон Масъуд Мирзонинг кўзларига мил тортиб, кўр қилган, бу воқеадан сўнг Ҳусайн Бойқаро унга кизи Бегим Султонни берган эди. Султон Масъуд Мирзони Шайбонийхон қатл эттирган.

38. Султон Али Мирзо — Султон Маҳмуд Мирзонинг кичик ўғли, онаси Зухрабегим. Оғаси Бойсунғур Мирзодан кейин 1499 йил ўрталарида Самарқанд тахтига ўтирган. Шайбонийхон 1500 йилда Самарқандни эгаллагач, Султон Али Мирзони унинг буйруғига биноан қатл этганлар.

39. Жамшид — Эроннинг афсонавий шоҳи. У қурол-аслаҳа, ипак ва ранглар ихтироъ қилган, улкан ва ҳашамдор бинолар қурдирган экан. Навоий «Тарихи мулки Ажам»да ёзишича, Жамшид пичоқ ва қалқон ясаган, ҳаммом қурдирган. Ниҳоятда улўф «Чиҳил минор» деб аталган бино солиб, кун ва тун тенг келган кунда ўша бинода тахтда ўтириб, барчага адолат қилгани учун шу куннинг отини Наврўз қўйган эканлар. Бу ерда Жамшид деганда Навоий Ҳусайн Бойқарони ва бошқа темурий шоҳ, шахзодаларни назарда тутмоқда.



40. Фаридун— қадимги Эрон шоҳларидан. Баъзи манбаларда у Жамшиднинг набираси, баъзиларида эса унинг биродари Тахмурас авлодидан деб қайд қилинади. Фаридун золим ва одамхўр, Жамшиднинг қотили Заҳҳокка қарши темирчи Кова (Коваи охангар) исёнига қўшилиб, уни маҳв этади.

Навоий «Тарихи мулки Ажам»да Фаридунни «яхши ахлоқли олим ва одил подшоҳ эрди» деб таърифлайди. Бу ерда ҳам Фаридун фазилатлари шу мажлисда номлари зикр этилган темурий ҳукмрон ва шахзодаларда бўлган ва уларнинг баъзиларига фалак Жамшид ва Фаридун каби тақдирнинг ажал жомини ичирди, дейди Навоий.

## САККИЗИНЧИ МАЖЛИС

1. Рустам — Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги қаҳрамон, Эрон фольклоридаги машҳур образ. Ўрта ва яқин Шарқ халқларида ҳам шухрат қозонган. Рустам халқпарвар, Ватанни севувчи, мардлик ва шижоатда бемисл паҳлавондир. Унинг номи кейинчалик қаҳрамонлик рамзига айланиб кетган.

Рустамнинг дунёга келиши ва унга исм қўйилиши ҳақида Фирдавсий шундай ҳикоя қилади: Золнинг хотини Рудоба ҳомилани ғоят оғир кўтаради. Ой-куни яқинлашганда дард бошланиши билан ҳушидан кетади. Саросимага тушгаи Зол афсонавий қуш Симурғ ёрдами билан жарроҳ топиб келади. Жарроҳ онанинг ёнини кесиб, болани олади. Ҳушига келган Рудоба ёнида ғоят бўлалик болани кўриб, хурсан ҳолда «Рустам!» дейди. Форсийда бу сўз азобу дарддак халос бўлдим, деган маънони англатади. Онанинг оғзидан чиққан ана шу биринчи сўзни ўғилга исм қилиб қўядилар.

Навоий бу ерда Ҳусайн Бойқаронинг мурувватлиги ва баҳодирлигини Рустамга қиёс қилади.

2. Ҳотам — Абусафона Ҳотам ибни Абдуллоҳ ибни Саъди Тойи. Тахминан VI аср охирлари VII аср аввалларида яшаган араб шоири. Халқ орасида Хотамтой номи билан машҳур. Унинг бизгача етиб келган бир қанча шеърларини тўплаб, араб адиби ва хаттот Ризқуллоҳ Ҳассун 1872 йилда Лондонда нашр этдирган. Ҳотам ҳақида Шарқда жуда кўп афсоналар ва ривоятлар, қисса ва достонлар мавжуд. Хотам номи Саховат рамзига айланиб кетган. Бу ерда Навоий Ҳусайн Бойқарони ҳам шоирликда, ҳам саховатда Ҳотамга ўхшатади.

3. «Насабнома» — Ҳусайн Бойқаронинг шажараси, таржимаи холи ҳақидаги асар. Навоий асар муаллифининг номини келтирмайди.

4. Исо — пайғамбарлардан бири. Лақаби Масих. Диний афсоналарда Исо ўз нафаси билан ўлганларни тирилтириш, уларга жон бағишлаш қобилиятига эга бўлган, дейилади. Бу ерда шоир ёр лаби қаршисида оби ҳаёт хижолатда эканлиги, нафаси Исо нафасидек жон бағишловчи демоқчи бўлади.

5. Масихо — қаранг: Исо, юқоридаги изох.

6. Шеърин санъатда «таржеҳ» бир нарсани ёхуд бирор образни бошқа нарса ё образдан баланд қўйиб таърифлашни англатади. Бу байтда шоир ўз севгилисиз кўзларини нарғис гулидан, оғзини гунчадан афзал деб таърифлайди.

7. Нуъмон — араблардаги Тоиф шаҳри яқинидаги дарёнинг номи. Афтидан, шу ерларда унган лоланинг ранги ва ундаги доғ таърифга лойиқ бўлса керак.

8. «Тажоҳил ул-ориф» шеърин санъат бўлиб, луғавий маъноси билиб

билмасликка олишликни англатади. Шеърятда шоир изтиробли, хаяжонли лаҳзаларда ўзи ўзига савол бериб, жавобда фикрларини янада теранлаштиради, адони таъсирлироқ қилади. Бу байтда шоир ёрнинг табассумини гунчанинг очилиши эмас, лоладаги доғ эмас уни менинг кўнглим қонатди дер экан, ана шу санъатнинг бир кўринишини намоён этади.

9. Бу байтда Ҳусайн Бойқаро шеър санъатидаги «талмех» (луғ. маъноси: яшин чакнаши, кўз қирини бир нарсага дафъатан қаратиш демакдир)ни ишлатган. Бу санъатда тарихий шахслар, воқиа, қисса, афсоналарга ва улардаги персонажларга ишора қилмоқни англатади. Байтдаги Фарҳод ва Мажнунлар ана шундай қаҳрамонлардандир.

10. Яқиний — қаранг: ушбу китоб, 240-бет, 124-изоҳ.

11. Бу байтда ҳам «талмех» санъати ишлатилган. Вомиқ — «Вомиқ ва Азро» номида 20 дан зиёд дostonлар мавжуд. Асли юнонга бориб тақалувчи бу туркум дostonлардан илк намуналар VI асрларда учрайди XI асрда форс шоири Унсурий «Вомиқ ва Азро» номли дoston яратган. (Вомиқнинг маъноси дўстлашувчи, дўсти борни англатади, Азро эса бокира маъшуқа деганидир). Кейинчалик кўп шоирлар шу номда дoston яратганлар. Бу дostonларнинг мазмунида фарқлар оз бўлиб, фақат бирида Вомиқ Яман шоҳининг ўғли, Азро Ҳижоз ҳокимининг қизи, бошқасида эса турли мамлакатлар ҳукмронларининг фарзандлари сифатида қаламга олинади.

12. «Бу шеърнинг қофиясидан сўнгра «атв вовин» калиманинг асл ҳарфи ўрнига тутулиб, ғариб ихтироъ қилибдур» — «атв вови» «ва» боғловчисини англатади. Байтда шоир «эй жафо тиғи, кел ва мажруҳ кўксумни ёр» дейиш ўрнига «ва»ни ёр сўзидаги асосий ҳарфларга туташ ёзган. Навоий буни ажойиб ихтироъ деб баҳолайди. Навоийнинг «Фавоийд ул-кибар» девонида худди шундай санъат ишлатилган ғазал бор бўлиб, матлаи шундай:

Эй сабо, оввора кўнглум истаю ҳар ён бору,  
Водию тоғу биёбонларни бир-бир ахтару.

13. «Мажолис» сўнгидаги бу «Ҳилват» деб берилмиш икки лавҳа: Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўтадиган адабий анжуманлар (Навоий «Олий мажлис» дейди) ҳақида, уларда янги шеърлар, бадиият масалалари муҳокама қилиниши ҳақида тасаввур яратиб беради. Биринчи лавҳада Навоий Хусрав Дехлавийнинг ҳиндча шеърларидаги бир маъно ёмғир риштасининг нозик ёрга мадад бўлганлиги ҳақидаги Лутфийдан эшитган ҳикоят ва унга эътироз билдирган Ҳусайн Бойқаромана бу байт эса эътироз уйғотмайди, деб бир байтни келтиради. Бу байт Ҳусайн Бойқаро девонидан топилмади. Унинг Навоий илк девонидаги бир ғазал таркибида мавжудлигига бизнинг эътиборимизни проф. Ҳ.Неъматов тортди. Фақат «Мажолис»да «деворға» сўзи девонда «деворда» тарзида ёзилган.

Иккинчи лавҳада эса ҳисорлик ёш шоир Қабулий ғазали билан боғлиқ бўлиб, шоир шеърда чикмай қолган бир байтни Навоий ёзиб бергани ва Ҳусайн Бойқаро бу холни дарҳол пайқагани ҳақида сўз боради. Бу лавҳа Ҳусайн Бойқаро Навоий шеърини услубини нақадар пухта билганлиги, шунингдек, ёш истеъдодларга марҳаматли бўлганлигидан далолат беради.

# МАҲБУБ УЛ—ҚУЛУБ

## БИСМИЛЛОҲИР—РАҲМОНИР—РАҲИМ

Ҳамд ангаким, зотиға ҳамд ончаким, сазовордур, айтса бўлмас ва сано ангаким, эҳсонига сано ончаким, ери бордур битса бўлмас. Зоти жамиъ камолат сифоти била мавсуф, сифотидин мажмуъи камолот кашф аҳлиға макшуф. Танзиҳи тил шарҳ қилурдин мубарро, тақдиси эл васф этардин муарро. Азамати боғида сипехри даввор бир нилуфардин кам ва қудрати оллида нужуми собита ва сайёра ул нилуфар юзида бир неча қатраи шабнам. Нилуфар юзига шабнам сочқучи ҳам ул ва шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистони Эрам очғучи ҳам ул. Бениёзлиғи жанбида чархи нигун бир гадоё, ниёзманд ва чорасозлиғи оллида даҳри буқаламун бир бечораи ажзпайванд. Вужуди мулоҳазасида офариниш вужуди номавжуд, зоти мутолаасида аввалин ва охири буди нобуд. Хони эҳсони теграсида олий шон шоҳлар ризққа сойил ва илми бепоёни тааққулида олий макон огоҳлар жаҳлга қойил. Қаҳҳорлиғи сарсари учурурға собит ва сайёр, настараннинг сочилғон яфроғлари жабборлиғи қуюни совурурға даҳри ғаддор. Байт ул—ҳазаннинг тўкулғон туфроғлари йўқни бор қилмоқ ва борни йўқ қилмоқ анинг қудратиға осон, бору йўқ ва йўқу бор анинг эҳсонидин умидвор ва қаҳридин ҳаросон. Бир овуч туфроғни малакут хайлида хилофат тахтиға ўлтурмоқ анга ярашур ва йиллар малоикаи муқаррабинға пешволик қилғоннинг бўйниға лаънат тавки ул солур.

### Қитъа:

Қодиреким, қудратидин мунча юз амри ғариб,  
Бўлса ҳар соатда мавжуд андин эрмастур ажаб,  
Ўн секиз минг оламу одам яратиб, айламак  
Бир кишини офариниш дафтаридин мунтахаб.

Ул қила олур анга келди мусаллам бу умур,  
Гар ўзи эрди мусаббаб, лек бу бўлди сабаб.

Ва дуруди номаъдуд ул маҳбуби оқибат Маҳмудғаким<sup>1</sup>, ҳақ таоло анга қурб ва манзилат бердиким, олам ва одам вужудидин мақсуд анинг вужуди эрди. Хужаста тийнати руҳи покдин тоҳир ва фархунда хилқати аносир таркибидин пок эркани зоҳир. Аносирининг<sup>2</sup> ели Масих<sup>3</sup> анфоси ва туфроғи Яъқуб<sup>4</sup> кўзининг тўтиёси ва суйи Ҳизр<sup>5</sup> чашмасининг зулоли ва ўти калим дарахтининг нори иштиёли. Бу аносирни руҳи пок деса ери бор ва руҳиға руҳи фидок демак сазовор. Тойири сидранишин Буроқи<sup>6</sup> барқгоми ва сойири. Рух ул—аминнинг<sup>7</sup> улви хироми. Афлок шабистони юзи баҳоридин гулшан ва малоики уюни раҳши ғуборидин равшан. Каломи шаънида «Маянтиқу инал хавй»<sup>8</sup> ва нутқи баёнида «ин ҳува илло ваҳюн юҳо»<sup>9</sup>. Асрори илоҳиға зоти амин ва иноят номутоноҳидин оти «раҳмат ул—оламин»<sup>10</sup>.  
Маснавий:

Ики гисуси ики лайлат ул—қадр,  
Бу янглиғ ики лайл ичра юзи бадр,  
Лайлу бадр ўлуб шамъи шабистон,  
Узоридин хўй анда кавкабистон.  
Бу кавкаблардин айлаб тенгри мавжуд,  
Нубувват маъшариға дурри мақсуд.

Нубувват спехрида куёш эркони маълум,  
Мусохиблар шаънида асхоби каниужум<sup>11</sup>.

(Саловати Оллоҳи алайҳи ва ало олиҳи ва асхобиҳи ало явмиддини)<sup>12</sup>.

Аммо баъд: фуқаронинг гадои ва ғароиб мастураларининг чеҳракушони ал— фақир ул—ҳақир Алишер ал—мулаққаб бин—Навоий (ғаффара зунубиҳи ва саттара айюбиҳи)<sup>13</sup> мундоқ арз қилур ва адосин ўзига фарз билурким, бу хоксори паришон рўзгор шабоб авонининг бидоятининг кухулат замонининг ниҳоятигача даврон воқеотининг ва сипехри гардон ҳодисотининг ва даҳри фитнангиз буқаламунлуғидин ва замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати мадид ва аҳди баид ҳар навъ шиқ ва суратда ақдом урдум ва ҳар тавр сулук ва қисватда югурдум ва ўзумни яхши—ямон хизмат ва суҳбатига еткурдим. Гоҳ мазаллат ва ано вайронида шеван кўргуздум ва гоҳ иззат ғино бўстонида анжуман туздум.

### **М а с н а в н и й:**

Гоҳ топдим фалакдин нотавонлиғ,  
Гоҳе кўрдим замондин комронлиғ,  
Басе иссиғ, совуғ кўрдўм замонда,  
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Ифлос ва нотавонлиғ ҳангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илм мадорисида сафи ниолда ер туттум, гоҳ уламо мажлисида илм нуридин кўнгулни ёруттум. Гоҳ атқиё масожидида алар қадами етган ерга юз кўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини сўйдум. Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳли ибрикиға сув куймоқ била аржуманд бўлдум ва гоҳ фано дайри хайли сабукашлиғидин сарбаланд бўлдум. Ва гоҳ лаимлар олида хорлиғ ва гоҳ арзоллар олида безътиборлиғ кўрдум. Ва гоҳ ишқ кўйида бебоклик ва одамийкуш паричеҳраларға ҳалоклик даст берди. Ва гоҳ жунун маҳалласида арзол бўйнуғиға силлий урдилар ва атфол бошимға тош ёғдурдилар ва гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатка туштум ва ғариб халойиққа қўшулдум ва қовуштум. Ва жибол куллеси оромгоҳим бўлди ва гоҳ сахро этоги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум. Гоҳ бу шиддатлардин азми ватан қилдим. Ва гоҳ азизлар хизматининг ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топтим.

### **Р у б о и й:**

Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,  
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди,

Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,  
Алқисса: басе буқаламунлуқ қилди.

Аммо шуғл ва комронлиқ чоғида ва кўнгул мулки халқ ҳужуми булғоғида ва гоҳ аморат маснадида ўлтурдум ва ҳукм ва ҳукумат маҳкамасида додхоҳ сўрдум ва гоҳ подшоҳ наёбатида тараққуб туздум ва наззорагар элга ўзумни комрон кўргуздум. Ва гоҳ макрумат айвонини макон қилдим ва акобир ва ашрофни таъзим юзидин меҳмон қилдим. Ва гоҳ нишот боғида базм тарҳи солдим ва соқий ва мутриб базму симоидин баҳра олдим. Ва гоҳ салотни мухолофатларида ароға кирдим ва мунозаатларин мувофақатға қарор бердим. Гоҳ ҳарб маъракасиға ўзумни солдим, ва жаҳл ва нодонлик туҳматин бўйнуғиға олдим. Ва гоҳ хайрот аҳлиға ўзумни қоттим ва ҳар навъ хайр букъалари тузаттим, андоқки, саъийдин работлар бўлди ва андин мусофирларға нишотлар бўлди.

## **Б а й т:**

Димоғима тушубон кўп тасаввуру пиндор,  
Ўзумни жоҳу улуғлукқа айладим изхор.

Бў муқаддимотдин мақсад буқим, ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши—ёмоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен. Хайр ва шаръдин нўш ва ниш кўксумга этибдур ва лаим ва карим заҳм ва марҳамин кўнглум дарк этибдур. Ва замон аҳлидин баёзи асҳоб ва даврон хайлидин баъзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва шаррдин асарсиздур.

## **Қ и т ь а:**

Не билгай ул кишиким, шахду майни тотмайдур  
Ки, васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиғ.  
Билур залил мусофирки, пўя айларда,  
Қуму тўзонг юмшоғ, тоғу хорадур қатиғ.

Бу навъ асҳоб ва аҳбобға интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин вуқуфлари ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлганки, муносиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб вожиб билгайлар ва бори эл била махфий розларин сўзлашгайлар ва шаётин ва инс макру фирибдин бозий емагайлар. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай.

Чун бу мақолатнинг қулубға маҳбублуғи маълум бўлди, анга «Маҳбуб ул—қулуб» от кўюлди. Ва бу битилган фавоиднинг кайфияти чун билилди, ани уч қисм қилинди.

Аввалғи қисм: соир ун—носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти **14**.

Иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти **15**.

Учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол сурати **16**.

Умид улким, ўқуғувчилар диққат ва эътибор кўзи била назар солғайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идроклариға кўра баҳра олғайлар, битгучига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футуҳи била севундургайлар.

Аввалғи қисм

## **ХАЛОЙИҚ АХВОЛ ВА АФЪОЛ ВА АҚВОЛИНИНГ КАЙФИЯТИ**

**Ул қирқ фаслдур**

**Б и р и н ч и ф а с л**

### **ОДИЛ САЛОТИН ЗИКРИДА**

Одилу оқил подшоҳ ибодуллоҳға зиллуллоҳ. Хилофат мулки анинг фармонида «инни жоилун фил арз халифа» **1**нинг шаънида. Буқим одил подшоҳ таърифдин бийикрок эрур «валадат физ—замон ас—султон ул—одил **2**» андин хабар берур. Улки анинг зоти била мубоҳидур хожаи кавнайн **3** дебдурким, «адли соат хабара мин ибодат ул—сақлин» **4**.

Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиби амният ва

рафоҳият. Қуёш била абри баҳордек қора туфроғдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ ва мадоросидин осуда, залама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидин фарсуда. Ҳиросатидин кўю кўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин. Рифъатидин ҳар мактабда атфол ғавғоси ва мухофазатидин зуафо ҳаммомида аларнинг алолоси, хайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синук ва ситамкорлар алами йикук. Жиддидин масожид жамоат аҳлидин мамлу ва мадорис баҳс ва жадал хайлидин ғулув. Қисоси тиғидин ўғри илги эл молидин кўтоҳ, интиқоми биймидин қотиъ тариқ холи адам биёбонида табоҳ. Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ. Шомдин то саҳар хонақоҳлар эшиги очуқ ва хилватлар ибодат нуридин ёруқ. Шаҳрда қўйлар посбони ул, ёзида қўйлар шубони ул. Райиятға саро ва боғ андин маъмур ва сипоҳиға ком ва фароғ андин мавфур.

Андин кечалар атрок зуафоси иши ўрғуштак ва атфол варзиши оқ сўнғак.

Ажужлар чарх уни мадди била анинг дуосиға нағмасоз ва канизаклар момук сабамоқ уни била анинг олқишиға нағмапардоз. Фуқаро иши анга ҳам дуо ва ҳам нозиш, анинг даъби фуқароға ҳам сахо ва ҳам навозиш.

Очлар ғизоси базл ва атоси хонидин, яланғочлар либоси хизонаи лутф ва эҳсонидин. Мулк боғин маъмур қилурға абри сероб ва мулк аҳли кўзин ёрутурға меҳри жаҳонтоб. Ўзга мулкнинг раоё ва халқи анинг орзусида ва яна кишвар мазлумлари анинг адли дуоси гуфтиғўсида. Яхши отиға уламо иши расоил тартиби ва яхши сифотиға шуаро варзиши қасойид таркиби, муғаннийлар иштиғоли саноси учун суруд тузмак ва мусаннифлар мақоли дуоси оҳангида нағма кўргузмак. Халқ ризосидин ҳақ ризосиға толиб ва додхоҳ сўрарда сўруғ куни ваҳми кўнглиға қолиб.

### **М а с н а в и й:**

Улус подшоҳию дарвешваш,  
Анга шоҳлиқдин келиб фақр хаш,

Жаҳондорларға сипеҳр интибоҳ,  
Валий аҳли фақр олида хоқи роҳ,

Жаҳон мулки олинда хошокча,  
Вале бир кўнгул мулки афлокча.

Бори бенаволар навосози ул,  
Ҳамул навъким, Шоҳ Абулғози 5 ул,

Келиб айна инсонун инсони айн,  
Жаҳон вориси Шоҳ Султон Ҳусайн

Ки, то бўлса гардунға давворлиқ,  
Анга боқий ўлсун жаҳондорлиқ.

Халойиққа бу шаҳдин ўлсун нишот,  
Даме бўлмасун холи андин бисот.

### **И к к и н ч и ф а с л**

### **ИСЛОМПАНОҲ БЕКЛАР ЗИКРИДА**

Мундоқ шоҳга мусулмон бек набий хизматида тўрт ёрдин биридек.

Номуродларнинг паноҳи ва подшоҳнинг давлатхоҳи. Шоҳға дунёда чин сўз дегувчи ва анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон ва яхшилар душворлиғи осон. Эл моли тамаъи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд. Муроди раоё амнияти ва максуди бароё жамъияти. Ул мусулмонларға ризоҷўй ва мусулмонлар анга дуоғўй. Ўзининг зоти тузук ва саъйи шоҳ эшигида тузуклук.

Шоҳ эшиги мундоқ бекдин холи бўлмасун ва давлатнинг андин ўзга интиқоли бўлмасун.

## У ч и н ч и ф а с л

### НОМУНОСИБ НОИБЛАР ЗИКРИДА

Ёлғончи худнамо ноиб нисбати мусалламаи каззоб миллати, нубувват тухматин ўзига солгон ва Жаброил<sup>6</sup> ваҳйдин дегони бори ёлғон. Мунга ҳам шоҳ хусусияти изҳори ғайри воқеъ ёлғон бори. Ёлғон ҳукм еткурурига боис тамаъи шум ва ўтрук парвона еткурурига сабаб ҳирси мазлум. Нима олурда ёлғон анга чин ўрниға ва мусулмонларға нуқсон анга дин ўрниға, ёлғон борида анга чин демаки маҳол ва ришват олурда ўзга сўз деб, аммо кўнглида ўзга хаёл. Мундоқ ноибки, бир бўлмаған феълию кавли, шоҳ эшигининг гум бўлғони авли.

## Т ў р т и ч и ф а с л

### ЗОЛИМ ВА ЖОҲИЛ ВА ФОСИҚ ПОДШОҲЛАР ЗИКРИДА

Одил подшоҳ кўзгу ва бу анинг учасидур. Ул ёрук, субҳ, бу анинг қоронғу кечасидур. Зулм анинг кўнглиға марғуб ва фисқ анинг хотириға маҳбуб. Мулк бузуғлигининг замириға жамъият ва улус паришонлигининг хотириға амният. Ободлар анинг зулмининг вайрона, кабутар тоқчалари бойқушға ошиёна. Бода сели чун базмида тўғён қилиб, ул сел мулк маъмураларин вайрон қилиб. Сувчи хонасиға фарш масжид равоқи тўқулгонидин ва кўплари бошиға хишт меҳроб тоқи емрулгонидин. Агар қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша. Агар шурбға машъуф — кўй ва кўча мусулмонларға махуф. Агар фосиқ бўлса ва бад, афъол — эл ирзи ва аёлиға андин бийму накол. Ва ситезарўй бўлса ва худрой мушфиқ Навоий жониға вой!

Ўз ношойисти ўз олида хўб ва эл маъқули анга мардуд ва маъюб. Кўп хизмат оз саҳв била олида нобуд ва кўп ҳақ ва рост оз хато била илайида номавжуд. Хато ройи ўнг келмаса, дахлсизларға ширкат, балки нақиз тутқонларға зиёда тухмат. Носавоб хаёли туз чикмаса, ширкати йўқларға итоб ва балки хабари йўқларға арода азоб. Ҳаёт суйин оғу деса, мусаллам тутмоғон гунаҳқор ва куёш нурун қоронғу деса, таҳсин қилмоғон тийра рўзгор.

Ўз жонибининг қатранинг дарёча хурмати ва зарранинг байзача қиймати. Эл тарафининг моли олам бир қора пулдин кам ва фидо қилгон жони азиз, онча йўқким, бир пашиз. Қора қузғунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир. Ёрук кунни тийра тун деса, суҳо кўрунадур демаган мудбир.

Чин дер элга — жон хатари, хайрға далолат қилғувчиға ўлум зарари. Ҳақ анинг қошида ботил, хирадманд анинг ақидасида жоҳил.

Элдин кўнглида кийнаси — махфий хазинасининг дафинаси. Қатл учун жон бермак шиори, эл молу жониға қасд — шикори.

Бу ёмон подшоҳки, бўлғай вазири ҳам ёмон, андоқки, Фиръавн наёбатида Ҳомон<sup>7</sup>.

## Б а й т:

Уйлаким шоҳ морға бўлғай мумид ҳам жаъфарий,  
Ё вабойи халққа тоун ҳам ўлғай бир сари.

Тенгри мундоқ балоларни адам чоҳидин вужуд тахтгоҳиға келтурмасун ва йўқлук  
зиндонидин борлиғ шахристониға еткурмасун.

## **Б е ш и и ч и ф а с л**

### **ВУЗАРО ЗИКРИДА**

Вазир визрдин муштақдур ва бу феъл анинг зотиға аҳақ ва аляқдур. Бу ишни писандида қилғон Осаф<sup>8</sup> эрмишким, нигини нақши «қад раҳималлоҳу ман ин— сафа»<sup>9</sup> эрмиш. Ҳамоноки, Осаф борди, инсофин олиб борди ва инсоф гавҳарин бу ноинсофлар орасидин чиқорди. Киши агарчи ўзин елдек ҳар ён солғай, Осафни бу хокдонда қайда топа олғай. Даҳр элида бировки Осаф ниҳоддур, билгайким, Сулаймон тахти барбоддур.

Бу золимлар — мулкни барбод бергувчилардур ва мулк аҳли йиғиштурғонларин битиргувчилардур. Авло улким, булар зикрида киши хома сурмаган ва бу хомадек қора юзлуклар отин қалам тилига келтурмағай. Заҳр бериб бемор ўлтургувчи табиб, буларнинг холиға мушобехдур ва қариб.

Бу икки хайлдин ҳар бири бир афъи, шоҳға вожибдур буларнииг дафъи. Булар, жумласи чиёнлар, халойиққа еткурур зиёнлар. Килклари нўғи ақраб ниши, раият жониға ул ниш ташвиши. Неча бу ниш мазлумларға санчилғай, умид улки, бошлари ажал тоши била янчилғай.

### **М а с н а в и й:**

Булардин гар аъло гар адно дурур  
Ким, андин халойиққа изо дурур.  
Шаҳ ўлтурмас авлодур ул элни бот  
Ки, дебдур набий «иктилсо алмуъзият»<sup>10</sup>

## **О л т и и ч и ф а с л**

### **НОҚОБИЛ САДРЛАР ЗИКРИДА**

Бедиёнат судур бидъати саййиадур било-зарур. Бу нокас агар омийдур фиску фужур анинг комидур. Мажлисида нағманавозлиқ илм ва такво азосиға — навҳасозлиқ. Уламо келтурган гулоб шишаларики холи қолиб, бода солурға ани мулозимлари олиб. Бу келтурган набот газак учун ушалиб, вазифа важҳлари ўзга асбоб учун сайғолиб Бадкирдор анда ғалаба ва пойкор анда талаба. Навқарларига ош хонақоҳ ротибасидин ва чухралариға маош шайх ва мударрис вазифасидин. Базмиға май келтургали мухтасиб рози ва майға бодаполо риши қози, кишварки, анда маноҳий мундоқ беҳисоб бўлғай, ислом ва шариятға не иззат ва не ҳисоб бўлғай.

Садр керак уламоға дастёр бўлса ва машойихқа коргузор ва хизматкор ва содотға мумид ва фуқаро хизматида мужид. Зулм риштасин узгувчи ва авқоф бузуғин тузгувчи ва зироат касратида саъй кўргувчи.

### **Маснавий:**

Йўқ улким фосику хаммору зукка  
Ки, бузғай гарчи бўлғай хожа дукка.



Рикоби нақши кимсонлиғ саросар  
Тўнида ортиқ ондин зебу зевар.

### **Қитъа:**

Кераки бошиға қўйса алоқалик дастор,  
Яна ридо ҳам анинг эғнида маволийдек.

Йўқ улки, маркаби бўйниға боғлаб осса қўтос,  
Осилғай ўзининг ўз бўғзидин сақолидек.

### **Е т т и н ч и ф а с л**

#### **ФОСИҚ ВА БАДМАОШ, БАҲОДИРЛИҚ ЛОФИН УРҒОНЛАР ЗИКРИДА**

Шоҳ эшигида ёрмоқни зоеъ қилғувчи жамоатким, алардин не тенгриға тоатдур  
ва не шаҳға итоат.

Тариқлари — худнамолик ва расмлари — худоролик. Ишлари — мастлиғ,  
варзишлари — худпарастлиғ. Чин демаклари лоф, маънили сўзлари газоф. Журъакашлик  
— динлари ва кофирвашлик — ойинлари. Кўнгуллари тўбичоқ секретурдин ором топмоқ  
ва сўзлари бош яланг юзга чопмоқ Базмда даъволари Хотамлик<sup>11</sup>, размда талошлари  
Рустамлик<sup>12</sup>. Ўтағаларидин насри тойирға рам, найзаларидин симоки ромих юзи дархам.  
Таврларидин ошуфтароқ аларға дастор ва дастор алоқасидин учаларида озор.

Мулк душмани дафъи шуҳратлари, шоҳға мулк асрар миннатлари. Бу даъво  
бошиға етгунча нечасини май ўлтуруб, нечасини ўзга фикс дўзахга еткуруб. Юздин  
бирики маъракаға етиб, йўртоқ чопиш билан ўзин зоеъ этиб. Мубориз афганликлари ўз  
ҳолиға, сафшиканликлари ўз ясолиға. Бу навъ баҳодир ҳеч маъракада бўлмасун ва ҳеч саф  
бузарда анинг қони тўкулмасин. Шоҳға сипоҳ-дарвишлар дуосидур — фуқаро ҳиммати ва  
тенгри ризосидур. Шоҳким, анга ҳақ инояти сипоҳ бўлғай, ливосининг зийнати наср мин  
Оллоҳ бўлғай. Шоҳға то давлат бор — душман эрур хор ва хоксор. Давлатга еткурғувчи  
тенгри, ҳам олғувчи, ҳам берғувчи тенгри. Ул берса, киши ола олмас, ул еткурса, киши  
йироқ сола олмас. Шоҳки, ҳақ амрин бажо келтурғай, бу давлат кўп хавфларға ражо  
еткурғай.

### **Қитъа:**

Шаҳеки, сидки анинг тенгри бирла туз бўлғай,  
Не ғам адувси анинг бир йўқ эрса юз бўлғай.  
Кишига тенгри берур фатҳ йўқки, хайлу сипоҳ,  
Пас эътимод анга айламас не сўз бўлғай.

### **Б а й т:**

Черик бўлса ва бўлмаса бахтиёр,  
Сипаҳға адув хайлиннинг ҳукми бор.

### **С е к к и з и н ч и ф а с л**

#### **ЯСОВУЛ ГУРУҲИ ЗИКРИДА**

Ясовул, бир мазлум иши кейинча борғай ва ул мазлумни золимдин қутқорғай. Агар музд тиламаги мақдурдин ортуқроқдур, ул золимга улуғроқ ўртоқдур. Агар саъйиға яраша олур хаёли бўлғай, ота мероси ва она сугидек ҳалоли бўлғай. Ва агар тамаъи ҳаққ ус—саъйидин камдур, эрлик ва мурувват анга мусалламдур. Ва агар саъй қилғай ва олмағай, муздким анга ҳақдур, ани деса бўлғайким, валийи мутлақдур.

Кўп эранлар бу ишни шиор этибдурлар ва бу сулук била мақосидға этибдурлар.

### **М а с н а в и й:**

Авлиёуллоҳки, ҳар суратда бор,  
Баъзи этмиш бу равишни ихтиёр,  
Чун эрурлар қуббалар ичра ниҳон,  
Ҳақдин ўзга кимсага эрмас аён.

### **Т ў қ қ у з и и ч и ф а с л**

#### **ЯСОҒЛИҚ ВА ҚОРА ЧЕРИК ЗИКРИДА**

Ясоғлиқ деган қора черик, яъжуж ва маъжуж хайлиға шерик. Эмгақдин аларға ором йўқ, ясоқ тортардин бир нафас ком йўқ. Ишлари талай олғонни таламоқ, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ.

Инсонлиқ била алар орасида мубоянат, мусулмонлиқ била алар ўртасида мунозаат. Фаҳму идрокдин алар зоти орий, ақлу инсофсиз биззот бори. Қаёнғаким юзландилар, аларға ёнмоқ йўқ, кеча ва кундуз тағофул уйқусидин уйғонмоқ йўқ. Исиф ва совуқ танларига тафовут қилмай, очлиғ ва яланғочлиқ зарарини жисмлари билмай. Одамийсизлиқда махлуқотдин мумтоз, ҳайвонлиқлари кўпу мардумлиқлари оз.

### **Р у б о и й:**

Ул қавмдин аъжуба халойиқ бўлмас  
Ким, меъдалари ҳаром ердин тўлмас.  
Ўлгунча бало чекиб эрурлар мавжуд,  
Чин бўлди бу даъвоки, ясоғлиқ ўлмас.

Турфа буқим, чун ҳақнинг ҳар навъ элга инояти пинҳони бор, булар орасида ҳам яшурун эранларнинг имкони бор. Ўрду бозори ўзин ясоғлиққа қотғувчи, ўнғай ҳам улуш олмай оғир сотғувчи. Черик улушидин ҳар бор алар шаталхор, андоқким мулк аҳлидин амалдор.

### **Б а й т:**

Сипоҳий молин ул хайли табоҳи,  
Туну кун муфт олиб хоҳи нахоҳи.

Мумкин йўқким, одамизод аларға сазо бергай, магар тенгри аларға бало бирла жазо бергай.

### **Ў н у н ч и ф а с л**

#### **ШОҲ УЛУСИ ЎЗИГА МУШОБИҲ БЎЛУР ЗИКРИДА**

Шоҳға ҳар кимки, мулозим ва тобиъ бўлғай, иши ва таври шоҳ ишиға мушобих

вокеъ бўлғай. Агар шоҳға адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар зулмпеша — элида ҳам зулмидин андиша. Агар ул исломойин, халқ шиори ҳам ислом била дин. Агар ул куфрхисол — элга доғи куфр тарийқи афъол. Хукамо шоҳни дебдурлар: дарёйи заххор ва қавму хайлин дарё теграсидағи анҳор. Дарё суйиға не кайфият ва не хосият, анҳорға ҳам ул кайфият ва хосият. Ул аччиғ — бу аччиғ; ул чучук — бу чучук; ул тийра — бу тийра; ул сузук — бу сузук.

### **М а с н а в и й:**

Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,  
Биликлик аларнинг суйин ҳам билур,  
Чу бирдур сув дарё била нахр аро,  
Эмас таъмида ҳожати можаро.

### **Ў н б и р и н ч и ф а с л**

#### **ШАЙХ УЛ—ИСЛОМ ЗИКРИДА**

Шайх ул—ислом мусулмонлар пешвосидин иборатдур ва ислом муқтадосида ишоратдур. Мундоқ киши олиме керак исломпаноҳ ва орифе керак муқарраби даргоҳ, хирадманди шариатшиор ва фақрға хурсанд ва тариқатосор. Яхши—ямон шафқати файзи ом ва улуг-кичикка иршоди нафъи молокалом. Коми бўлғай шаръ қонуниға росих ва барча мубтадеълар бидъатиға носих. Ангаким, бу навъ бўлғай ойини ислом шайх ул—ислом деса бўлур вассалом.

### **Б а й т:**

Мундин ўлди муқарраби борий,  
Шайх ул—ислом пири Ансорий.

### **Ў н и к к и н ч и ф а с л**

#### **ҚУЗОТ ЗИКРИДА**

Қози ислом биносиға аркондур ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур.

Улуми диниядин кўнгли мулки маъмур керак ва яқиний фаросатдин хотири жамъияти бефутур. Майли шахсий замири кишваридин мутаворий ва мудохана таррори мулояматидин соф кўнгли орий. Маҳкамаси махзани улуму шаръия ва ҳукм қилурида ошною бегона анга алас—савия<sup>13</sup>. Илму тақвосидин кўнгулларда шукуҳ ва диққат, фаросатидин бедиёнатлар кўнглида андух. Кўнгли Каломуллоҳ аҳкомидин қавий ва ҳукмида муқтадо аҳодиси мустафавий.

Шаръий ҳийлалар гириҳидин кўнгли очуқ, фуқаҳо тазвирлари тийралигидин замири ёруқ. Ришвахўр муфтилар — қошида манкуб ва ҳийлакор вакиллар — олида маъюб.

Омий қозики май ичкай — ўлтургулукдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдур.

Қозийи ришвахўр—ислом ҳисориға раҳнагар. Улки ришват бериб қазо ола олғай, ришват олиб ҳам шаръни буза олғай. Қозий керакким, жодаи шаръдин кадам чиқармағай ва сироти мустақимдин ташқари бормағай. Мустақим хат ҳар қаёнким, майл қилди эгри бўлди. Соз торидекким, эътидолдин тажовуз қилди, тузуки бузулди. Улки ҳукми эл моли ва жониға жорий бўлғай, керакким, даъби муқмир шиори бўлғай. Аёғиким,

сироти мустақимдин тойилди ва ял чоҳи тубин мақом қилди. Бу ишни ўзи қилурмен деган бебоку козиб, козиби бебокка пайғамбар шаръи ҳокимлиғига не муносиб.

### **Қитъа:**

Мухбири содиқ шаҳеким қилди дину шаръни,  
Бори адён носехи андоқки, мумкин эрди туз.  
Козиб ул йўлни нечук тузгайки, бир каззоб ҳам,  
Қилди кўп даъво, вали кўйди жаҳаннам сори юз.

### **Ў н у ч у н ч и ф а с л**

#### **МУФТИЙИ ФАҚИҲЛАР ЗИКРИДА**

Муфтийи фақиҳе керак мутадаийин ва олиме керак мўъмин, ислом илмида моҳир ва диёнат нури жабинида зоҳир. Майлдин кўнгли бекусур ва ҳийладин замири бефутур. Қалами ривоётда содиқ, рақами мужтаҳид сўзи била мувофиқ; йўқки фосиқе бўлғай майхор ва жоҳиле бўлғай бадқирдор ва ғаддор. Бир дирам учун юз ҳакни ноҳақ этгувчи ва оз карам учун кўп «ло»ни «наам»<sup>14</sup> битгувчи. Бир сабат узум учун бир боғни куйдурмақдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун хирмонни совурмоқдин алами йўқ. Муфтиеки, ҳийла била фатво тузар қалами нўғи била шариат юзин бузар. Музд учун сийм олибки, молиға қотар динини дунёға сотар. Мундоқ муфти одабийкуш табибдур, бирига ислом қатли, бирига мусулмонлар қатли насибдур.

### **Рубоий:**

Муфтиким, ишига музд олиб қилса рақам,  
Музд ортуқ эса, майл керак қилғай кам,  
Фатвода чу бўлди музд учун «ло» ву «наам».  
Қилмоқ керак ул қаламзаи илгини қалам.

### **Ў н т ў р т и н ч и ф а с л**

#### **МУДАРРИСЛАР ЗИКРИДА**

Мударриснинг керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртақиб бўлмаса ва худномолиғ учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса. Жаҳлдин дастори улув ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳат учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса. Диний улум билса ва яқиний масоил таълим қилса. Бебокликлардин ҳаросон ва нопокликлардин гурезон бўлса, йўқки ўзин олим билгай неча мажхулға анвои фискни мубоҳ, балки ҳалол қилгай, қилмас ишларни қилмоқ андин маълум бўлғай ва қилур ишлар тарки андин қоида ва русум бўлғай. Бу мударрис эмасдурким, мубтадеъдур ва мундоқ киши суҳбати ислом мумтанеъдур.

Олим керакким, мутаққий бўлса ва огоҳ ва айтурға қола Аллоҳ, қола Расуллоҳ.

### **Қитъа:**

Ҳар не айтур бўлса Худову Расулдин  
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.  
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур бўлса,  
Худо сўзи йўқ эса, Мустафо сўзи.

## Ўн бешинчи фасл

### АТИББО ЗИКРИДА

Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар холига шафқат ва марҳамат керак. Ва нафси тибга таъби мулойим ва ҳукамо қавлига пайрав ва мулозим. Сўзида рифқу дилжўйлук ва ўзида озарму хушхўйлук.

Ҳозик табибки шафқати бўлғай — Инсои Рухуллоҳга <sup>15</sup> нисбати бўлғай. Исо иши чиққон жонни танга кивурмак дуо била, мунунг тандин чиқадурғон жонга монёв бўлмақ даво била.

Мундоқ табибнинг юзи мариз кўнглига маҳбубдур ва сўзи бемор жониға марғубдур. Дами алилларға даво ва қадами хасталарға шифо. Хизри нажот анинг тальати ва оби ҳаёт анинг шарбати.

Агар фанида моҳир бўлса, аммо бадхўй ва бепарво ва дуруштгўй, маризга, агарчи, бир жонибдин илож еткурур, аммо неча жонибдин тағйири миждоз еткурур ва лекин омий табибким, эрур шогирди жаллод, ул тиғ била, бу заҳр била қилғувчи бедод. Ул мундин яхшироқдур. Беиштибоҳким, анинг қатили гунаҳкордур ва мунунг — бегунаҳки, ҳеч гунаҳкор, анга залил бўлмасун ва ҳеч бегунаҳ мунга алил бўлмасун.

### Б а й т:

Ҳозик табиби хушгўй тан ранжиға шифодур,  
Омийю тунду бадхўй эл жониға балодур.

## Ўн олтинчи фасл

### НАЗМ ГУЛИСТОНИНИНГ ХУШНАҒМА ҚУШЛАРИ ЗИКРИДА

Ул неча табақадур: аввалғи жамоат—нукуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний ҳазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм термак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси муъжиз низомда тилаган топар, чун маал — қасд <sup>16</sup> эмас, эл ҳурмати жихатидин ани шеър демас.

Аммо бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтар ва сархайли валоят баҳрининг гавҳари ва каромат авжи мунир ахтари Амир ул—мўмин Али <sup>17</sup> (рази аллоҳу анху ва каримуллоҳу ва ваҷху) <sup>18</sup> дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нуқат номаъдуд.

Бу мазҳари ажойибқа гуруҳеким тобеъдур, баъзини арз қилолики, кимлар воқеъдур; форсий иборатда ул жумладин, нозими жавоҳири асрор Шайх Фаридуддин Аттордур <sup>19</sup>. Яна қойили «Маснавийи маънавий», ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолуддин, яъни Мавлавий Румийдурки <sup>20</sup>, мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлосидин ўзга йўқтур.

Яна ҳам авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ борким, буларға татаббуъ қилибдурлар ва булар каломи адосин ва ҳақойиқи маъносин мустаҳсан билибдурлар. Бу хайлдур ҳақиқат тариқининг суҳанвари, балки кимиёгари ва кибрити аҳмари.

Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға маждоз тариқин аҳсул қилибдурлар ва каломлари бу услубда марбут этибдурлар. Андоқки, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслихуддин Саъдий Шерозий <sup>21</sup> ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Дехлавий <sup>22</sup>, ва тасаввуф ва диққат мушкilotннинг гириҳқушойи Шайх" Захируддин Саной <sup>23</sup> ва фариди аҳли яқин. Шайх Авҳадуддин <sup>24</sup> ва маоний адосиға Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ул—Ҳофиз <sup>25</sup>.

Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар. Андоқким, Камол Исфаҳоний<sup>26</sup> ва Хоқоний Шервоний<sup>27</sup> ва Хожуйи Кирмоний<sup>28</sup> ва Мавлоно Жалолуддин<sup>29</sup> ва Хожа Камол<sup>30</sup> ва Анварий<sup>31</sup> ва Захир<sup>32</sup>, ва Абдулвосий<sup>33</sup> ва Асир<sup>34</sup> ва Салмон Соважий<sup>35</sup> ва Носир Бухорий<sup>36</sup> ва Котибий Нишопурий<sup>37</sup> ва Шохий Сабзаворий<sup>38</sup>.

Яна ҳақиқат ва мажоз тарийқида комил ва илми икаласи тарийқида вофий ва шомил, назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайхулислом Мавлоно нур ул миллати ва—а—дин Абдурахмон ал—Жомий (наввараллоҳу марқадаҳу ва қуддиса сирраҳу)<sup>39</sup> дурким, аввалғи табақа равиши ва каломиди ҳам шарифмақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар.

Яна адно табақаси жамоатедурларким, назм фақат била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалақдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур.

Агар бири бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ. Турфароқ буқим, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ (наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин сайёти аъмолино)<sup>40</sup>.

### **Рубоий:**

Аълоларидур нединки дерсен аъло,  
Аднолари ҳам барча данидин адно.  
Авсатлариқим, ҳеч нимага ярамас,  
Билким, нафас урмамоқ алардин авло.

### **Ў н е т т и н ч и ф а с л**

### **КОТИБЛАР ЗИКРИДА**

Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз маҳзанининг ҳазонадори. Хозин хунари амонат бўлур ва тасарруфи хиёнат бўлур.

Аминки, хиёнатга мансуб бўлғай ва ўз хунарида маъюб бўлғай, андоқнинг илги қатъи хўб бўлғай. Яхши хат ва нуқтадин сафҳага жамол, андоқки, яхши юз сафҳасига хатту ҳол. Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлағувчига осойиш етқарур. Роқимки, рақами ростдур, ростлар кўнглига қабулияти бехост. Мухаррирки, таҳрири туз писандидадур, агар бир байт битир, агар юз. Агар хат сурати нохушдур маъни хайли андин мушаввашдур.

Хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлғай илги фалаж иллотиға жўб бўлғай. Улки, бежо нуқта била «ҳабиб»ни «ҳабис» қилғай ва «муҳаббат»ни «меҳнат» — анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат. Ямон хатга ғалати беҳисоб, қаррийи масҳара соқолиға хизоб. Ул хатни қирқиб мабразға ташлағоли яхши ва иясини молики дўзах жаҳаннамға бошлағоли.

Маҳбубдин мактубким, ҳам хати хўб бўлғай ва ҳам мазмуни хўбжонға улдур марғуб ва кўнгулга улдур матлуб. Хати ямон ҳам бўлса ямон эмас, муҳиб маҳбуб хатини ямон демас.

Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи

қаро бўлсун.

### **Б а й т:**

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,  
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

### **Ў н с а к к и з и н ч и ф а с л**

#### **ДАБИРИСТОН АҲЛИ ЗИКРИДА**

Мактабдор бегуноҳ маъсумларга жафокор. Атфол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртакиб. Зоти бемадуро, димоғи пўлод ва кўнгли хоро. Ғазабдин қошида чин, гунаҳсизлар била ойини хашу кин. Кўпрагида таъб ғилзати ва тамаъ иллоти падидор ва ақл қиллатиға гирифторм. Аммо тавсани атфол таъбини жафо била ром қилғувчи, ноҳамвор сиғор тавриға сиёсат била андом бергувчи. Агарчи хўйлари дурушлукда намоёнду, аммо атфол ноҳамворлиғи ислоҳиға ирик суҳонду.

Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас, ҳар қаттиғ кишини бир тифл муҳофазати ожиз этар, ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, анга не этар. Онча борким, ул қавминг идроку фаҳми оз тушар, андоқ кишига юз мунча машаққат не бушар. Ҳар тақдир била атфолға ҳаққи кўпду, агар подшоҳликқа етса ва анга қуллук қилса хўбду. Шогирд агар шайх улислом, агар қозидур, агар устод андин розидур — тенгри розидур.

### **Б а й т:**

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

### **Ў н т ў к қ у з у н ч и ф а с л**

#### **ИМОМЛАР ЗИКРИДА**

Имомат қилғувчи ўз қироатининг шефтасидур ва ўз намозининг фирефтасидур. Кишилиқдин хаёлида тасавурлар ва яхшилиқдин замирида такаббурлар. Ўз намозин мақбул тахайюл қилғон жамоат намози қабулиятини ҳам такаффул қилғон. Бийик қироати маҳзи раънолиқ ва аноният жамоатдин илгари чиқмағай айни расволиқ ва нафсоният хаёли халққа пешволиқ ва тасавури элга муқтадолиқ. Намозға имомат комил имом ишиду, ва ўзни мундоқ тасаввуф қилғон жоҳил ва нотаом кишиду. Имомат муносибду, пирдин мурид хайлиға тафҳим учун ё муаллимдин суруки тифли норасидаға таълим учун ё олимдин жуҳҳолға шафқат учун, ё комилдн танобеъ ва иёлға тарбият учун. Одоб ибодат. талқиниға камоҳи ва таълими шариат ойиниға нокоҳи нокомдин муносибду, заруратдин тажвиз қилса бўлу. Аммо вазифа ва улуфа емак ва ўзин муқтадо ва имом демак одамий иши эмас. Ва андоқ кишини одамийлар киши демас.

### **Қитъа:**

Валоят аҳлига **41** жамъи маломатиға бок  
Ки, халқ кўзидин айлар намозини яширун.

Бу турфароқким, намозида муъжиби нодон,  
Тугар имомат учун хайл қибласида ўрун.

## **Й и г и р м а н ч и ф а с л**

### **МУҚРИЙЛАР ЗИКРИДА**

Муаззинеки, ҳақ ибодатиға нидо қилғай, жон анга фидо, агар яхши савт била адо қилғай. Агар поклик ва ниёз бу ишга мулҳақдур, ому хос кўнглига макбули мутлақдур. Бу нидо ёмонларни фисқ кунжидин масжид сори бошқарур андоқки, фусунгар йилонни тарона била тешукдин чиқарур. Агар муқрий лаванддур, бад овозу кулғундидур, лахни носоз, бадани вузуъ қайдидин нопок ва хуш вақт риоятидин бебок. Руҳи тоат завқидин беҳабар ва уни савт ул—ҳамирдин анкар. Манъ ва наҳй туфроғин оғзиға урмоқ авло, балки тоқ ё минордин учурмоқ авло.

#### **Рубоий:**

Муқрийки, эрур покрў ва зоҳидваш,  
Алхони хуш ва ҳусни адоси дилкаш.  
Жон анга фидоки, руҳ этар андин ғаш,  
Агар бўлса мунунг акси нафас урмаса хаш.

## **Й и г и р м а б и р и н ч и ф а с л**

### **ҲУФФОЗ ЗИКРИДА**

Ҳофизғаки, яхши маҳзаж ва адо била тиловат бўлғай, мустамеъларнинг руҳига андин осойиш ва жониға ҳаловат бўлғай. Агар ҳусни савт буларға ёрдур эшиткувчи соҳибҳол бўлса, иши душвордур. Агар бад лаҳжа бўлса ва бад адо сурма анинг ғизоси қилсин худо. Агар фосиқдур, бад маош сурма ҳам ҳайфдур, бўғзиға муносибдур тош. Агар бовужуди бу ҳоллар била кўп ўқуғай умид улким, оғзи садаф оғзидек ва тили савсан тилидек қуруғай.

#### **Б а й т:**

Ёрабки, ҳеч базмда ул нағма қилмағай,  
Оғзи ғизодин ўзга нимага очилмағай.

## **Й и г и р м а и к к и н ч и ф а с л**

### **МУТРИБ ВА МУҒАННИЙЛАР ЗИКРИДА**

Мутриби тарабафзо, муғаннийи ғамзудо — икаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо.

Улки кўргузгай мулойим таронау нағам, агар эшитгувчининг ҳаёти нақди анга фидо бўлса не ғам. Кўнгул қуввати—хушнавоздин, руҳ қути — хушовоздин. Хушхон муғаннийдин дард аҳлининг ўти тездур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рустоҳездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нағмаси захлиқ юракка ковгарроқ тегар. Оташин юзлук муғаннийки, хилқидин мулойим суруд чиқорғай, ҳол аҳлининг куйган бағридин дуд чиқорғай. Мулойим мутрибки, табъ ва фаҳм анга ёр бўлғай, хусусанки, ҳам айтғай ва чолғай, кўнгул мулкига не қўзғолонларки солғай.

Сўлук аҳлиға бир махуф ер бу манзилдурким, анда ҳам камол, ҳам нуқсон ҳосилдур. Солик бу ерда бир муҳлик оҳ била ҳам мақсудға етубдур ва бир наъраъи жонкоҳ била йиллар қозғонғони ҳам илгидин кетибдур.



Шиблий<sup>42</sup> ва Нурий<sup>43</sup> (куддисса сиррихумо)<sup>44</sup> самоъда кеттилар, бу йўл сулуки била мақсуд сарманзилиға еттилар. Басо аҳлуллоҳки, арғанун унидин дайрға кирди ва дин ва ислом нақдин муғбачаларға бой берди.

Майхонада кимки майдин ибo қилғай, най уни бир дилкаш наво била ани расво қилғай. Агар киши май хавосин бошидин чикорур, ғижжак мадди ноласи била анга ёлборур. Ва танбур пардадағи фитнадин ҳалок этар ва офият пардасин чок этар ва чанг зорлиғ била бўғзин тортар ва уд лисони нағмасининг тарғиби чангидин ҳам ортар. Андаким рубоб бошин ерга қўноб ниёз кўргузғай ва қўбуз қулоқ тутуб айшға тарғиб оҳангни тузғай. Чун қонун ва чағона ноласи қулоққа тушғай ва маҳваши соқий юкунуб, май аёққа тушғай, ул вақт зуҳду тақвоға не эътибор ва хушу хирадға не ихтиёр. Агарчи ишқ фақр аҳлини расво қилурда булардин фароғдур ва лекин ул ўтни ёрутурға най дамидин елу майдин ёғдур. Араб теvasи «худий»<sup>45</sup> лаҳни била бодия қатъида тез бўлур, булут бухтиси раъд садосидин соиқаангиз. Инсонға маҳзи ғалат хаёлдур ва одамийға бу офатдин қутулмоқлик маҳолдур.

Аmmo бу тоифанинг сойири ҳам агарчи тарабойин ва меҳнатзададурлар ва лекин филҳақиқат, лаимсийрат ва гаодурлар. Айтқувчи ва чолғувчи зорлиғ ва ийнамак била олғувчи. То буюрғувчида сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматгор. То суҳбатда неъмат кўп, аларга барча амру наҳйинг жўб. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди. Неъмат деган нимаки тамом йўқ бўлди, аларнинг кўнгли сендин тамом тўқ бўлди. Агар йиллар баҳра олибдурлар эҳсонингдин, ошнолиғ бермай ўтарлар ёнингдин. Оз олсалар носипос, кўп олсалар ҳақшунос. Аксари фосиқ ва бадхўй ва қолғони кажтабъу дуруштгўй. Ҳаракотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари ҳашв ва маҳалсиз нозларидек. Вафо алар табъидин маслуб, вафо аҳли олида мардуд ва манқуб. Муғанний вафосиз, кунгир ҳаёсиз. Агар йиллар риоят қилибсен ва ҳамхонадур, бир қатлаки бермадинг — бегонадур.

Эр суратида шохидедур танноз ва мулойим кисватида муфсидедур хона барандоз. Хавосқа дилфиребедур савт <sup>46</sup> ва нағам <sup>47</sup> била, авомға роҳзанедур таблу алам била.

### **Н а з м:**

Кишига бўлмасун бу фитна дучор  
Ки, унидин нажоти тайри учор.  
Ёнса кўнмоққа табл урар ҳар дам,  
Ким ўшул қушқа кўпрак ўлғай рам.

### **Й и г и р м а у ч у н ч и ф а с л**

#### **ҚИССАСОЗ ВА ҚИССАХОНЛАР ЗИКРИДА**

Қиссасоз — бекор ва қиссахон — ҳарзағуфтор; ҳар ким маъжуннок ё банги, кўнглида анинг маъракаси оҳанги. Бийик ун била овуч қоқмоғи ҳар дам, хирад ва озарм кушлари топмоқ учун рам. Ҳаракотидин зоҳир телбалар атвори ва калимотидин боҳир усруклар шиори. Тева кумалоғин сотарда қанд дегувчи, маъракасидағи муътақидлари ани сотқун олиб егувчи.

### **Б а й т:**

Кишиким бўлмағай маъжуну қандининг Харидори,  
Онинг ҳангомаси бирла тузалмас ҳеч бозори.

## Йигирма тўртунчи фасл

### НАСИҲАТ АҲЛИ ВА ВОИЗЛАР ЗИКРИДА

Воиз керакки, «қолаллоҳ»<sup>48</sup> сўз айтса ва «қола расулуллоҳ»<sup>49</sup> муҳолафатидин кайтса, худо ва расул йўлига қадам урса. Ўзи киргондин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юругмагон йўлга элни бошқармоқ мусофирни йўлдин чиқормоқдур ва биёбонга кетурмак ва бодияда итурмақдур. Усрукки, элга буюрғай хушёрлиқ — уйқувчидекдурки, элга буюрғай бедорлиқ Уйқусида сўз деган жевлигон бўлур ва дегондек қилмоқ не дегон бўлур.

Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур. Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар.

Воиз улдурки, мажлисига холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай. Воизким, бўлғай олим ва мутаққий — анинг насиҳатидин чиққан шакий. Улки, буюруб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай. Назоирхон била сургувчи мақол — дастиёр била йирлағувчи қаввол.

#### Қитъа:

Воизки, дастёрсиз ўлмас суҳангузор,  
Анга ёроду<sup>50</sup> мунга аёлғувчи<sup>51</sup> ҳукми бор.  
Тенгри сўзин аёлғувчи бўлмай дей олмағай,  
Бир соз бўлса ҳам керак ул қилғай ихтиёр.

## Йигирма бешинчи фасл

### АҲЛИ НУЖУМ ЗИКРИДА

Мунажжимки, савобит ва сайёр назоратидин ҳукм сураб, раммолдекдурки, нуқталари ҳисоби била лоф урар. Зижи<sup>52</sup> — ҳеч ва тафҳим ва тавқими—ғалат тақсим; ва устурлоби вожиб—ул—ижтиноб<sup>53</sup> ва рифъат ул—қамари<sup>54</sup> бефойда ва бесамар. Гофиледур бу асбоб била ҳангома тутғон ва ҳақ таоло қазо ва тақдири сўзин унутқон. Ўз илгида бир анор бўлса билмаски, неча парда ва неча хонаси бор ва ҳар парда ва ҳар хонасида неча донаси бор ва ул дона аччиғмудур ё зумухтаваш ё чучукмудур ва ё майхуш; борлар ани кесиб ебдур ва хосият ва кайфиятини билиб, элга ҳам шарҳ била дебдур.

Фалаки мудаввар ва нужум ва буржидин афсона дер ва аларнинг саъд ва наҳси ҳукмин суруб тарона дер. Бовужуде улки, ўн сўзидин иттифоқе бири ҳам рост келмас, мунунг қабоҳатин ё билмас ва ё билиб кўзига илмас. «Кизб ал—мунажжимун»<sup>55</sup> мазмуни била анинг сўзи ёлғондур ва ўз ростлиғ кишваридин йироқ қолғондур ва басират кўзига ғафлат пардасин солғондур.

#### Б а й т:

Эмас афлоку анжум ҳоли бенафъу зарар, лекин  
Ани тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин.

## Йигирма олтинчи фасл

### ТИЖОРАТ АҲЛИ ЗИКРИДА

Тужжори саёҳатшиор ақолим ва булдон ҳолидин хабардор, ажойибдин

афсонагузор ва ғаройибдин нодирагуфтор.

Жибол тоши ва дашт қумиға ноқа сурган, бихор амвожи талотумдин нафъ ва зарар кўрган. Ҳалол рўзи касбига масофатлар қатъ этган, жамияти зоҳир тилабу ботин паришонлиғлари анга етган.

Бири юз бўлурдин бошида минг савдо, бўзи катон бўлурдин кўнглида неча таманно. Мундоқ кишининг мақсуди тамом асиғ бўлмаса ва бу асиғ хусули учун ранжи қаттиғ бўлмаса, савдо учун тенгизга кема сурмаса, дур учун наҳанг комиға қадам урмаса, мол ва дирамни азаматиға сабаб қилмаса, хадам ва ҳашамни ҳашматиға жиҳат билмаса, нафис ажносни 56 аяб чопон киймаса, лазиз ағзияни исиркаб қуруғ нон емаса, ранжи маош суҳулати бўлмаса ва суди кўнгул фароғати учун бўлса, сафардин азизлар суҳбатиға етмак муроди бўлса ва риоятидин номуродлари иши кушоди бўлса шаръий закот бўйнида қолмаса, фуқаро ҳақин ўз бўйниға олмаса, йўқки, молин азиз асраб, ўзини хор этган ва ўз молин тамғодин ўғурлаб ўзига мазаллат етгай, ё вориссипор учун йиғингай, ё ҳодиса кўзғар учун қовғонгай. Мундоқ киши хожа эмас, муздурур ва ўз разиллиғидин ҳамиша ранжурдур.

**Б а й т:**

Мундоқ кишида йўқ хирад ва хушдин нишон,  
Билгил гадо агарчи эрур Хожаи Жаҳон.

**Й и г и р м а е т т и н ч и ф а с л**

### **ШАҲАРДА ОЛИБ СОТҚУВЧИЛАР ЗИКРИДА**

Шаҳр савдогари ғадркиш ўзига суд ва мусулмонларға қаҳтандиш. Элға зиён анинг суди, ўнғой олиб оғир сотмоқ анинг мақсуди. Олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуғ юз сўз деб. Шолни тўрқа ўрниға ўткара олур бўлса, таъсир йўқ, бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса, тақсир йўқ. Дўконида барча матоъ мавжуд, ғайри инсоф. Ноинсофлиғидин барча жинс ҳосил ғайри тақсирға эътироф. Тожири мусофир ул кадбонуға ҳамзону, балки ани черикчи деса бўлур, муни кадбону. Анга суд — олғувчиға нуқсони мол, икки жонибдин ёлғон онт ичғувчи даллол.

**Б а й т:**

Бу хайл одам эмаслар, яхши боқсанг,  
Эрур судинг алардин гар йироксаи.

**Й и г и р м а с а к к и з и н ч и ф а с л**

### **БОЗОР КОСИБЛАРИ ЗИКРИДА**

Бозорда савдогар косиб—тенгриға хоин ва ваъдаға козиб. Бирға арзирин юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ бир зарра уёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлик ва ваъдаға вафо аларға бадкирдорлиқ. Охират икки савдосидин эърозлари ва амал мезони адолатиға эътирозлари. Ўғул атоға бозий бермак пешалари, дағалликларин киром ул котибиндин 57 ёшурмоқ андешалари.

**Б а й т:**

Булардин кимки дер ўзни валийдур,  
Агар қилсанг яқин, бир доғулийдур.

## **Й и г и р м а т ў к к у з и н ч и ф а с л**

### **СОЙИР ХУНАРВАР ВА САНЪАТПАРДОЗ ЗИКРИДА**

Хунарвар ва санъатпардоз ёлғонлари кўпдин—кўпу чинлари оздин—оз.  
Ишларида дағаллик макдур ва ҳаддин нари, ваъдаларида хилоф хаёл ва гумондин ташқари. Чин сўзким, эрга улуғ хунардур, алар қошида айби тамом, ялғонким, халойиққа улуғ айбдур, алар олида хунари молокалом.

#### **Маснавий:**

Тонгдин оқшомға ишда санъатсоз,  
Хунар атворида фусунпардоз,  
Айлабон бу тарийқни варзиш  
Ки, бировга югуртгайлар иш,  
Гар муаддий, ғаний йўқ эрса фақир,  
Анга бози берурда йўқ тақсир.

## **Ў т т у з и н ч и ф а с л**

### **ШАҲНА ВА ЗИНДОНИЙЛАР ВА АСАСЛАР ЗИКРИДА**

Доруға ва шаҳна ва асас ўғри ва хунийға мумид ва фарёдрас. Зиндон аҳли — дўзах аҳли. Асаслар малоикаи азоб, шаҳна молики дўзахдек ҳукмрон ва олижаноб. Гуноҳ аҳли тавқу занжирға гирифтор, бу занжиру тавқлари салосил ва ағлолдин намудор. Киссабур била муқаммир асасларидин бозор ва қиморхонаға мустаъжир. Зиндон чоҳидин ўғрилар кўнгли тийралиги маълум, журм аҳлиға анда паришон кўнгулда ҳавотирдек хужум. Гунаҳкорға анда умиддин бийм кўпрак ва бадқирдорға анда иноддин таслим кўпрак. Ҳар қатлаким, бировни тортиб чиқорғайлар, анда қолғонлар ўзларидин борғайлар. Қайтиб келганларнинг нақллари муваҳҳиш ва хабар келтурганларнинг можаролари мушаввиш.

Бири дебки: Дорға чекарда яхши турди ва бири дебки: Бўйнин чопарда яхши ўлтурди. Бири мактулнинг йигитигидин таҳассурда, бири ятимнинг рубоий ўқуғонидин таҳайюлда. Бу навъ саъб ҳол беҳаддур ва мундоқ ғариб аҳвол беададдур.

Амал ҳирси чоғи асас мужримнинг тутулмоғиға соний, амадо ўз матлубини ҳосил қилғонидин сўнгра қутулмоғиға доий. Дунёда бу манзил қиёматқирдор ва маҳшарда дўзахдин намудор. Банду занжирлиқ гунаҳкорлар шаҳар зиндониди, андоқки, ишқ муқайядлари байтул—эхзонида. Тенгри барчани бу ерга келтурур афъолдин йироқ тутсун ва манзилға тушурур аҳволдин кирок.

#### **Б а й т:**

Бир манзил эрур анда баса ранжу укубат.  
Тушган кишига анда ўкуш дарду суубат.  
Вале ул ҳарам ичра бўлғонға хос,  
Умид улки ҳам тенгри бергай халос.

## Ўттуз биринчи фасл

### ДЕХҚОНЛИК ЗИКРИДА

Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, ўйи Солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, дехқон аларни суради андоқки Одам<sup>58</sup>. Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот.

Дехқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлик. Ўроқчиға андин рўзи, бошоқчиниғ ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўк, кадхудо тўклуғи ҳам андинўк. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмақчи танури андин қизик, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, ғурабо кути андин кофий. Зоҳидга андин хузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои.

Дехқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур. Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ кути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин.

Гуногун фавоқиҳ билаким боғда тазйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойин.

Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибo қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то доноси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ дехқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуклар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

### Қ и т ь а:

Кимки дехқонлиғ айлади пеша,  
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.  
Буйла кимса улувви рифъатдин.  
Одам ўлмаса, одамий худ бор.

## Ў т т у з и к к и н ч и ф а с л

### ЯТИМ ВА ЛАИМЛАР ЗИКРИДА

Авбош била арзол мусулмонлардек аларга не маош ва не хисол. Инсоният таъбларидин орий, ҳайвоният балки сабуият аларнинг шиори. Ятимки пичоқ урмоқ анинг иши бўлғай, ўзи телба ит, пичоқ анинг тиши бўлғай. Соғлиғида қутуз ит ва усруклиғида қочиб андин юз ит. Панжалари ниши ажал қуллоби, нечуким дашт сибои, ўлтурур кун учун иймон дуосидек ўрганиб рубойи. Яхши—ямон сўкунж еткуриб, акрабдек нечаки етса ниш уруб. Не ақл аларда не дин, не ҳаё аларда ва не тамкин. Ишлари ноътимодлиғ ва нопоклик, варзишлари бемурувватлиғ ва бебоклик. Шаҳрнинг соир арзоли ҳашарат ул—арз, халойиқга алардин эҳтироз вожиб, балки фарз.

### Б а й т:

Халойик ийзо аларға сифот,  
Набий дедиким: «Уқтул ул—музиёт»<sup>59</sup>.

## Ў т т у з у ч у н ч и ф а с л

### ҒАРИБ ВА БЕНАЗОЛАР ЗИКРИДА

Жут ва лўлининг кўпраги музҳик ҳаракоти ва туз усули. Муаллақ урмоқларида хоксорлиғ ошкор, сарнигун турмоғларида безътиборлиғ падидор. Анониятлари юзига тезак солиб чаманвар ва инсониятлиғлари доираси манмунлариға чанбар. Кишилиқдин секримоқлар била қочиб, яхшилиқдин масхаралиғлар била маломат эшигин юзларига очиб. Букун топқонни еб, тонгла ғамин емай, тилаб нима бермагандин шикоят сўзин демай. Ватан ва масканлари хорлиғ вайронаси, манзил ва маъманлари хоксорлиғ қошонаси. Тонг отқоч эр ва хотуни касб учун тарқашиб, ўғул ва қизлари кўй ва кўчада бутрашиб. Ҳар қайси ҳар неким ҳосил қилиб, оқшом барча бир ерга йиғилиб, топқонларин тугатмагунча уйку майли қилмай; тонгла не егумиздур демак сўзин билмай. Тонгла ишлари ўтган бурунги кун иши, бу ҳам бир ишдур агар қила олса киши. Бу разолат кишилиқ такаббуридин хўброқ ва бу залолат яхшилиқ тасаввуридин марғуброқ.

#### Б а й т:

Киши агар киши ўлса, ўзин киши демагай,  
Қилурда ҳеч ишин ҳам киши иши демагай.

## Ў т т у з т ў р т и н ч и ф а с л

### МУБРИМ ГАДОЛАР ЗИКРИДА

Тиланчи ва гадо кўпраги беғайрат ва баҳаё. Кундуз кезмаклари ибром била элдин нима олмоқ учун, кеча келиб ўғурларға эл жиҳотиға кўз солмоқ учун. Не неъмат олиб мунъимдин шокир, не инъом топиб мукрим узриға тиллари зокир. Емак била жуъ ахлидек меъдалариға тўлмоқ йўқ, тиламак била мустаскийдек сувдин сероб бўлмоқ йўқ. Қаду ва качкули мамлу бангилар хотиридек мутанаввиъ хаёлотидин. Харитаси тўла риёий суфийлар замиридек муталаввин хавотир ҳолотидин. Ҳар дирамки тугуб, ғассолдин ўзга киши очмоқ маҳол, ҳар сиймким кўмуб, туфроғдин ўзга биров ани емакка йўқ эҳтимол.

Кўзлари ҳирсининг «сод»и<sup>60</sup> ва тамаънинг «айн»и<sup>61</sup> ва бу ҳирс ва тамаъдин жону кўнгулларида маҳрумлуқ шайни. Булар орасида ўзига қаландар от кўйғон малъун, одамийлиқдин мағбун ва дев ва шайтон олида матъун. Инсоният ва мусулмонлиқдин йироқ, тўнгуз ва айиғ одамийлиқда алардин яхшироқ. Шакл тағйири била одамийлиқдин карона, пўстун эвур киймаклари ҳайвонлиғ ва сабуиятдин нишона. Улуғ—кичикдин ҳар турлуқда гадойи муваҳҳиш, фосид хавотиридек софий кўнгулга мушаввиш.

#### Н а з м:

Бермак бўлмас аларға инсон ҳукми,  
Ё одаму мўъмину мусулмон ҳукми.  
Фосид ахлотиғаки вожибдур дафъ.  
Бўлғайму киши берай деса жон ҳукми.

## Ў т т у з б е ш и н ч и ф а с л

### ҚЎШЧИ ВА САЙЁД ЗИКРИДА

Кўшчи сайёдларга муктадо ва ҳукмрон ва бу жамоат анга райият ва маъмури фармонким, илгида куш кеча—кундуз ранж ва машаққатга туш. Кеча уйқуси харом, эмгакдин йўк анга ором. Нафис ҳаззи учун бир гуноҳсиз аёғига солиб банд ва узун тунлар анинг азоби била хурсанд. Амал риштасин тамаъ игнасига чекиб, ул безабоннинг кўрар кўзни ҳам тикиб. Максуди ани сайёд қилмоқ ва ўзга жонлиғлар қасдиға жаллод қилмоқ. Кундуз дашту водийға чопиб, бир неча забун ғофил топиб, юз макру ҳийла била қушин аларға солиб ва ул солғони ул мазлумни олиб. Олдурғондин сўнгра ул сайд боши устида тутиб ўрун, қони тўлғон забунни бисмил қилмасдин бурун, не дейки қанотин сузуриб, кўлтигинму ёрадур ва ўзи ул қотил шогирдин шааф била тўйғорадур. Неча мундоқнингким, қонин тўкти ва кўлтуғин ёриб, қанотин сўкти. Фитрокига боғлаб уйига ёнди, ўзи ва қуши қилғонларға қувонди. Шум нафс ҳаззиға бир—икки аёғлариға иртиқоб қилғай ва олида широлғасин кабоб қилғай. Баъзиники, тонгла бегига элтиб тортқай, анинг илтифотидин кўнглига жулду тамаъи ортғай.

Куш таърифиди дегани барча лоф, ўз таҳсинида сўзлагани бори газоф. Мунча мазмун амриға боис нафс коми, хоҳ эмгаги, хоҳ томошаси, хоҳ кабоби, хоҳ бек инъоми.

### **Маснавий:**

Булар боиси барча нафсоният  
Ки, анда дохил инсоният.  
Кўнолға олиб қайда кўнса дирам,  
От арпаси ҳам, қушиға тўъма ҳам.

### **Ў т т у з о л т и н ч и ф а с л**

### **ТАРБИЯТ ТОПИБ, ХАРОМНАМАКЛИҚ ҚИЛҒОН НАВКАРЛАР ЗИКРИДА**

Навкарки, вали неъматидин риоят кўргай ва бек ва махдумидин тарбият ва иноят кўргай. Эрлик ва инсоният улдурким, муқобаласида куллуқ ва ҳидматкорлик, балки якжиҳатлик ва жонсипорлик қилғай ва тилагайким, анга жон фидо этгай то шафқати ҳуқуқин адо этгай. Ҳамият ул эмаски, махдум яна бировга кўпрак мултафит бўлғонидин шикоят изҳор қилғай ва гиламандлиғ гуфту гузори, то иш анга етгайким, неъмат куфрони ороға тушгай ва ҳақ ношинослик туғени можароға сурушгай ва бу одамийсизлик қочмоққа мунжар бўлғай, адув эшигига борурға муқаррар бўлғай. Ўзин бировга кул деб сотқон додактур, балки додакдин юз қатла камракдур. Батахсиски, муфрит тарбият кўрмиш бўлғай ва муқобалада беандом лофлар урмиш бўлғай. Абрки, бир ердин яна бир ерга қочқай, номардлик туфроғин йигитлик бошиға сочқай. Чун мундоқ киши эрлик сонидин норидур ва йигитлик доирасидин ташқаридур. Ҳокимеки, киёсати бор, анинг қошида мундоқ кишига қачон эранлар сиёсати бор. Эранлардин мардона гуноҳ вужудка келса, бўйниға юклангандин сўнг бўйин урарлар, кизил юзлук қилур учун бўйниға тиг сурулар. Аммо анинг сўрхрўлуғиға гулгуна сазовордур ва юз оқлиғиға муносиб сапида бордурким, қари муҳаннас мабхут ва анинг холазодаси кафтори фартут ширкат била машшоталиқ тузгайлар ва бу келин зебу зийнатида сеҳрлар кўргузгайлар ва қошин олиб, вусмага шойиста қилгайлар. Сақолин қирқиб, икки кулоқ тузиға зулфлар ошуфтаҳол қўйгайлар. Аммо икки узори тарафидин чап ва рост икки хол қўйгайлар. Орияти дасторин бошиға бурунжок қилгайларки, аруси мастурадур ва гардизи номастурдур қашидалиғ ёғлик фарфиға лачак солгайларки, жавони махдур ва халла нозуклиги номақдурдур. Бу навъ ораста қилғондин сўнгра чанбаршоҳ йўрға ўйга тесқари миндургайлар ва шаҳрнинг кўй ва маҳаллотиға кездургайлар ва наззорагар эл таъну ташниё билаким, «чор донг сипоҳари говмиш тохтан аст»,<sup>62</sup> —деб фарёд қилгайлар. Ва агар юз қаролиғидин уёт ва қаро тиллик бўлурдин ҳижоб бўлмаса анга муносиб ҳарифлар мастур ва анга мувофик



ошиқлар мазкур бўлғай эрди ва айшу нишот базми қурилғай эрди. Аммо андоқ сиёхрўйнинг тавзиҳи ул навъ қаро юзлукнинг тафзиҳи ҳар нечаким олам аҳлига мултамас бўлғусидир.

### **Б а й т:**

Бу навъ масхаралиқ элга бас дурур ҳайрат  
Ки, ўлғай эшитибон кимга бор эса ғайрат.

### **Ў т т у з е т т и н ч и ф а с л**

#### **КАДХУДОЛИҒ СИФАТИ ВА ХОТУНЛАР ЗИКРИДА**

Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдурур ҳамзону. Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин.

Жамоли бўлса марғуб ва салоҳи бўлса жонға матлуб. Оқила бўлса, рўзгорға андин салоҳ ва интизом ва маош асбобиға андин тартиб ва саранжом.

Бу навъ жуфт кишига қовушса, балки мундоқ комгорлиқ иликка тушса, ниҳоний ғаму меҳнатда ҳамроз ва ҳамдамнинг бўлғай ва махфий ва пинҳон дарду машаққатға дамсоз ва мархаминг бўлғай. Рўзгордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило келса, жалисинг ул. Кўнглунг ғамидин ул ғамнок ва баданинг заъф малолатидин ул ҳалок.

Агар ҳусну жамоли ўрта чоғлиғдур ва мувофақати риштаси муҳолифатқа боғлукдур, хавфу ражо била тирилмақдур ва ҳикмат ва мадор била маошини билмақдур. Кадхудонинг баъзи мушкили бўлса осондур. Аммо кўпроқ холида кўнгул ҳаросондур. Бу навъ не ҳам нофаржомлиқ ва нокомлиқ била таҳаммул қилғай ва ҳар нечук бўлса ўтқарилғай. Аммо, наузубиллох, носоз жуфт элга муҳлик мараздур ошкор ва нуҳуфт. Салита бўлса, кўнгул андин шиканжа. Ямон тиллик бўлса, абушқа кўнгли андин яролиғ.

Улки аввал мазкур бўлди ва юқорироқ мастур бўлди рўзгор аносидин юз йилда бир туғмас ва юз мингдин бир йулиқмас. Йўлуққан кишига тожи торак бўлсун ва бу саодат анга муборак бўлсун.

Алар макри таърифида кўп улумда доно ва кўп диққатлиғ ҳукумо китоблар тасниф этибдурлар ва мужаллидлар битибдурлар ва муболағалар била бастлар қилибдурлар. Ва ҳануз ўзларини ожиз ва муқассир билибдурлар. Бу бир неча паришон каломот бирла не навъ таърифларин айтса бўлғай ва тавсифларининг юздин бирига етса бўлғай. Аммо хос ул—хослари буларға акси мутлақ ҳақгўй ва ҳақшунос ва тилларида ҳақ ва кўнгулларида дағи ҳақ. Уламои исломға алардин фойидаи умид, авлиёи аъзам алар анфосидин мустафид, анбиё мурсилинни аларга модих билғил, малоика муқаррибин аларға эгачи—сингил. Иффат торидин бошларида муқнаъ ва исмат ҳулласидин юзларида бурқаъ, бу бурқаъни ул юзидин ҳақ йироқ қилмасун ва футур елидин бу парда ул ваҳхдин очилмасун.

### **Ў т т у з с а к к и з и н ч и ф а с л**

#### **РИЁИЙ ШАЙХЛАР ЗИКРИДА**

Шайхи риёий — раънолиқ жилванамойи. Миседур, олтун била рўкаш, таши хушнамо ва ичи нохуш. Сурати дарвешваш ва маъниси саросар ғаш. Оросталиғи барча қайд ва каромати тамом шайд. Амомаси риёсат юки, бошида бир фосид хаёл ҳар туки. Эғнидағи мураққаъ рангомезлиқ била мулламаъ. Ридоси уюбининг пардадори ва риё чархи игирган ҳар тори. Мисвоки тамаъ тишин элтурга суҳон; шонадонида ришханд олати ниҳон. Муҳрабозлиқ тасбиҳин эвумак ва узунроқ намоздин ғарази эл кўрмак. Кулоҳи



давлат ул давлатмандға дастор ва узунрок алоқаси тулку куйрукидин намудор. Маҳалсиз сайҳаси бағоят совук, андоқки, вақтсиз ун тортқон товук. Ғафлатдин авродида алоло, нечунким мастлар базмида «дирно талоло»<sup>63</sup>. Барча калимоти ҳийлатангез ва мажмуъ ҳаракоти ғаразомез. Воқеаси бари ясалғон. Уйғоқлиғида дегани барча ёлғон. Симои усулдин ташқари, важду саъқаси таъриф оҳангидин нари. Суратида мунча печ дар печ, маъниси худ бошдин—аёқ ҳеч. Бу ҳабис зотға мунча оройиш, эранлар ҳолидин анда намоёиш.

Ҳайхот—хайхот, уят, юз минг уят. Турфа буқим, бу мазҳарға муридлар ҳам бор, хизматида барча шефтау қарор. Ул бу дўқонни юрутиб тадбир била ва маъракани куруб тазвир билақим, шаётинға маҳалла ҳайратдур ва деви лаинға мужиби ибрат ва нафратдур.

### Н а з м:

Факр исми бирла мунча зарқу шайду бу риё,  
Салтанатдекдурки, қилғай подшоҳи бўрё.  
Бу агар дарвеш ўзин қилса гумон, ул подшо,  
Йўқ ажаб, чун иккисида йўқ турур ақлу ҳаё,

### Ў т т у з т ў қ қ и з и н ч и ф а с л

#### ХАРОВАТ АҲЛИ ЗИКРИДА

Ринди<sup>64</sup> харобатийки, май ичмақ била ўтар авқоти, ҳубобдек бода ҳавоси бошида, суроҳидек бош қўяр ери соғар қошида. Дайрда<sup>65</sup> ҳар қаёнки базме куруб, сабукашлиқ василаси била ўзин еткуруб. Номус дасторин бошидин олиб, бир, журъа учун майфуруш оёғиға солиб. Майхона тараддудидин бехонумонлиғи, паймона тааллуқидин бесару сомонлиғи. Ҳар муғбача илгидинки, жоме тортиб, Жамшеддин<sup>66</sup> истиғно ва шавкати ортиб. Муғбачалар юзи олида бутпараст, дайр пири аёғида боши туфрокка паст.

Ёқаси майхора шўхлар илгидин чок, кўнгли ҳам алар ишқи тиғидин захмнок. Дайрда май гадолиғиға ашғоли, илгида майхонанинг синук сафоли. Расволиқ кўйида аёғи яланг, боши ҳам ва бадмастлар дастбурдидин манглайи захмлик, қоши ҳам. Вужуд шахсин қилур учун помол, мажолисда ери сафи ниол. Бошиға амома меҳнатин ортмай, бўйнида ридо миннатин тортмай. Нафси гарчи туфрокка ҳамдаст, ҳиммати олида фалак паст. Замон навоийбидин кўнгли ғамсиз, фалак ҳавосидин хотири аламсиз. Бужуд ва адамдин бўлмаё ҳаросон, бору йўқ ҳиммати олида яқсон. Суроҳидек талх йиғламоқдин нишоти, майдек аёқға тушмақдин инбисоти.

Муғ дайридек бир дам соғолмай, даҳр хайру шарриға кўз солмай, Замон яхши—ямони била иши йўқ, деса бўлғайки, оламда мундоқ киши йўқ. Даҳр аҳли зулмидин мундоқ маош муҳик, ҳақ авф ва раҳматиға мустаҳик. Вужуд майкадаси туфроғида фоний, умиди ҳақ карамидин бақойи жовидоний. Ринд ва гадоғаким етиб бу иқбол ва давлат, шоҳларға анинг ҳолидин орзу ва ҳасрат.

### Рубоий:

Риндеки, фано жомини тортар пайваст,  
Дунё била охиратқа эрмас побаст.  
Ҳақ раҳмати умиди била тун—кун маст,  
Кўп ортуқроқки, зоҳиди зарқпараст.

Умид улки, бори номуродларға ҳақ бу фано давлатин қариб қилғай ва тавба

саодати била бақойи жовид насиб этгай.

## Қирқинчи фасл

### ДАРВЕШЛАР ЗИКРИДА

Дарвеш<sup>67</sup> улдурким, бўлғай ризоандеш, агар ичида бўлса юз ниш тоши бўлғай мархамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким, сидку фано тариқин тузгай, ўзин нечукки, бор андоқ кўргузгай. Аноният ғилзатиға қотик риёзатлар биласафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳидалар била чиқиб, фақр тариқиға кирмиш бўлғай ва фано дор уламони жамоат хонасиға етмиш бўлғай. Ҳиммати назариға мосиволлоҳи номавжуд, балки вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд. Ичи тоши била мувофик, балки ортиғроқ, ботини зоҳири била мусовий, балки ёруғроқ. Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса андин муроде бўлса маломаткашлиқ. Ботини софи зоҳир тийралиги кони мунофий. Дарвеш тўни йиртуқ андоқ турурким, ганжи макони бузук. Саро аҳли жаҳонда андоқдурурким, Фаридун<sup>68</sup> ганжи вайронда. Маъни аҳли ҳақиқати махфий ва сурат аҳлининг ҳақиқий даъви ва даъвийи ҳақиқатда бемаъни. Эранлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосан тузубтурлар. Қазодин не келса ўзларин ризоға ёсобтурлар ва олам аҳлининг қотиғ ранж ва ирик маломатиға чидабтурлар. Емак— ичмақдин кечибтурлар. Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва қон ичибтурлар. Ризову таслим зовияси мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға киш душман ва дўстиға инкандеш. Бу сифат ва ойин била бўлғон эрур дарвеш.

### Рубоий:

Ё рабки, фано қушин ромим айла,  
Ромим демайинки, сайди домим айла.  
Ҳам фақр тариқида хиромим айла,  
Ҳам зовияи фано мақомим айла.

## Иккинчи қисм

### ҲАМИДА АФЪОЛ ВА ЗАМИМА ХИСОЛ ХОСИЯТИДА

#### Аввалги боб

### ТАВБА ЗИКРИДА

Тавбаи<sup>1</sup> ҳақиқий мазмуми афъол қабоҳатиға мўталлеъ бўлмоқдур ва тавфиқи рафиқ бўлуб, ул афъолдин ижтиноб қилмоқдур. Тавба мужрим банданинг вақти кўзгусин исён зангидан оритур ва ниёз мусқили била ёритур. Шақоват тариқининг ниҳоятидур, хидоят жодасининг бидоятидур, аноният ғафлатидин сесканмақдур ва башарият уйқусидин уйғотмақдур ва нашойист аҳволин англамоқдур ва нобойист афъолин тонгламоқ ва ярамас махфийларға қошиф бўлмоқдур ва керакмас даъвийларига вокиф бўлмоқ ва аъмол қабойихидин шармандалиғдур ва афъол фазойихидин сарафкандалиғ ва оғаҳлиғдур, башарият инодиға вокифлиғдур, нафси амора фасодиға ва кўнгулга наформонлиғидин мутағаййир бўлмоқдур ва руҳға нафаржомлиғидин мутанаффир бўлмоқдур. Ва ҳақдин нажот вақти етмақдур ва бандаи нафс мутобаатин тарк этмақдур. Бу гавҳари шабчироғ ҳар тийра рўзгор лойиқи эмас ва бу шамъ тавфиқни ҳодийи иноят ҳар кимга бермас. То қайси ориғ тийнатлиғ йўлдин озмиш бўлғай ва қаю пок хилқатлиғ жодадин чиқиб, қилур ишин ёзмиш бўлғайким, анга ғариб, ҳолат ходис бўлмиш бўлғай ва

ул ҳолатқа шум нафс боис бўлмиш бўлғай ва ҳодийи тавфиқ етгай ва ани ул ҳолатин огаҳ этгай. Чун огаҳ бўлди ҳаётидин торикқай ва уёт дуди димоғидин чиққай ва эътизол била қиладурғонидин ибo қилғай ва истиғфор била қиладурғон журмидин истеъфо қилғай ва ноҳамвор афъолиға андом бергай ва бировнинг бeрoҳлиғидин чиқиб, ҳақиқат йўлиға киргай. Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалғи гомидур ва мақсад водийсининг аввалғи манзилиға ҳомийдур. Бу саодат кишиға ўзлугидин етмак «маъшо золика фазулуллох юътиҳа ман яшаъ»<sup>2</sup>. Ҳар соҳиб давлатка бу огаҳлиғ бир васила била етибдур ва ҳар саодатманд бу иқболни бир восита била касб этибдур.

### **Р у б о и й:**

Ҳақдин ангаким, етти иноят вақти,  
Кўнглиға ёмон феъли сироят вақти.  
Исёниға фош ўлур ниҳоят вақти.  
Бу бўлди ҳидоятка бидоят вақти.

Ҳикоят: Мазҳари сунъи ҳаққи таборака Шайх Абдуллох Муборак<sup>3</sup> (қуддиса оллоҳи сирруҳу)нинг тавбасининг бидояти ва туз йўлға кирарнинг ҳидояти бу эрмишким, ҳол авойилида бир париваш ишқиға гирифтор эрди ва халқ аросида мажнуншиор кўнгли бир шўх ҳусниға мубтало ва хуш ва хирад. кўнгли мулкидин жало. Бир қиш кечаси маъшуқи девори тубида васли умиди била побаст ва юзи ҳаёлидин андоқ беҳуд ва маст эрдиким, бовужуди улким булут ҳаводин замҳарирбор ва тун мушки ул замҳарирдин кофуркирдор эрди ва дай сарсаридин қор кўнгли мулкиға ишқ сипоҳи чопқуйидин нишона кўргузур эрди ва бурудат шиддатидин ашжор яфроғлари совуғ этган, лол тиллар ҳолидин афсона айтур эрди. Ул ишқ ўти ҳароратидин бу ҳолдин хабарсиз ва ёланг аъзоси қор ва замҳарир бурудати шиддатидин асарсиз тутуб эрди. Анга тегруким, тонгқуши нола тузди ва сахар муиззини наъма кўргузди. Ул эшитгач, соғиндиким, хуфтон намозининг нидосидур ва ашо саловатининг адоси ибтидоси. Чун тонг ёвушти қуёшдек ичига изтироб ва ошуб тушти. Ва субҳи содиқ нуридин кўнглиға ёруғлиқ етти ва мулҳами ҳидоят ани огоҳ этти. Ўзига дедиким эй Муборакнинг номуборак ўғли ва эй тенгрининг қочқон ва беадаб қули! Хуфтон намози кироатида агар имом узунроқ сура ўқуса маломат тутар ва юз фосид ҳаёл кўнглунга ўтар, қишнинг бир узун тунини андоқ шум нафсинг ҳавосиға машъуф ва мазмум табиатинг коми ҳаёлиға мағлуб ўтқарурсенким, хуфтондин вукуфунг ва сахар етгандин шууринг бўлмас. Бу ҳолатда анинг ичига қўзғолон тушти ва уётдин руҳи бадандин муфорақат қилғали ёвушти. Инояти илоҳий қўлдади ва тавба ҳидоятиға йўлададиким, андоқ риёзат ва сулукка росих бўлдиким, оз вақтда Макка ва Мадинада шайх ул—машойих бўлди. Умид улким, ҳақ субҳонаҳу таола барча йўлдин озгонларни огоҳлиқ била баҳраманд қилғай.

### **Қитъа:**

Тавбаеким, анинг саодатидин,  
Бир қул ўғли бу поя касб этгай  
Ким, анга шоҳлар қул ўлғайлар  
Мунга ўзлук била нечук етгай.

### **И к к и н ч и б о б**

#### **ЗУҲД ЗИКРИДА**

Зухд<sup>4</sup> дунё орзуларидин кечмакдур ва нафс аларнинг мавто захрин ичмакдур.

Ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмакдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмакдур. Ва шарият жодасида мардона турмоқдур. Ва бошни риёи саждаға индурмамакдур, балки андоқ тоатни хаёлға кечурмамакдур. Кўзни асрамоқдур барча номахрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ сўздин. Қулоқ карлигидур моло, яъни масъмуётдин илик тортмоғлиғдур барча номашруётдин. Аёғ ланглигидур халойиқ тараддудин ва нутқ гунглигидур сўзда эл ташдидин. Оғизга савм муҳридур нединки, нафс таманноси бўлғай ва нафсга яъс кофуридур ҳар шайъдинки табиат тақозоси бўлғай. Таом қил—латидур ончаким, муяссар ва анинг жибиллати риоятидур ончаким, мақдур. Хилватта улфатдур алалдавом, узлатга мудоваматдур молакалом. Ва лайл қиёмиға мувозабатдур ва зикр давомиға мудоваматдур. Ҳар солиқкаким, бу мақом дориғай хилқати риёзат нури била нафсоният лавсидин ориғай. Кўнгли уйиға ошнолиғ шамъидин нур етгай ва ул нур партави анинг кўнглуни масрур этгай. Ибодат натоийжи ета бошлаған ва риёзат фавойиди бахраманд эта бошлағай. Ул соатан фисоатан ишида исигроқ бўлғай ва лаҳзатан филаҳзатан қилмишида қизикроқ бўлғай. Бу файз соғарларидин ичиб қонмағай ва бу завқ қадахларидин журъа тортардин ўсонмағай. Ёраб, анинг журъаи жомидин маҳрум ташналабларни камёб қилғил ва бу водийда оғзи қуруғонларни сероб этгил, ё карим, ё раҳим!

### **Б а й т:**

Бу талабда кимки бўлса анга рўзи этма хирмон,  
Бу таабда кимки бўлса анга қил васл ила дармон.

Ҳикоят: Қидваи аҳли яқин Мавлоно Шамсуддин Муидди Уча<sup>5</sup> (қуддиси сирруху) Жом вилоятида мазкур бўлган кентда бўлур эрди, Ўтуз йил эрдиким, жамъи зоҳир танаъуммотидин бебаҳра эрдиким, қойим ул—лайл<sup>6</sup>, уд—дахр<sup>7</sup> эрди. Бир масжидда мунзавий эрдиким, ғайри таждиди вузуъ учун мазкур муддатда андин чикмайдур эрди. Ва жинси башардин нима қабул қилмайдур эрди. Ва Ҳазрати Рисолат (саллаллоҳу алайҳа вассаллам) мутобаъатиғаким, Уҳуд ғазвасида<sup>8</sup> муборак тишлари шаҳид бўлиб эрди, ўтуз ики тишин ушотиб эрди ва бу ўтуз йилда ёни остида бир бўрё ва боши остида бир хишт била ўткариб эрди. Кичик Мирзо<sup>9</sup> (алайҳа раҳма)<sup>10</sup> ул вилоятдин ўтарда бу азизнинг, мазкур бўлган сифотин эшитиб, анинг зиёратиға етти. Мавлоно ҳамул масжидға кирганда эғнидаги хирқа ва бошидаги эски бўрк била эрди ва тааллуқи ранги итлоқи анга қилса бўлмас эрди. Мазкур Мирзонинг кўнглига рикқат келиб бир овуч дирам келтуруб илтимос қилибдурким, бу ниёзмандлиғин қабул қилгай. Мавлоно дебдурким, чун мен бу тариқ била одат қилибмен, ҳеч нимага эҳтиёжи йўқдур. Агар Сизнинг хотирингиз учун олсам ҳам манга таълим қилингим, не қилай ва қўяй. Сизнинг бир мулозимингизнинг бир жузвий василасиға ўлтурурмен, миннатдор бўлдум. Сиз карам қилиб, мени маъзур тутунг. Кичик Мирзо бу сўзга жавоб топай олмай, йиғлаб, кулоқ тутиб, ер ўпуб чиқибдур, Ўзи (раҳма иллоҳ) бу фақирға мундоқ тақрир қилди. Бир неча вақтдин сўнгра бу фақр ҳам Мавлоно хизматиға мушарраф бўлуб, сийратини ҳам бу тариқ била мувофиқ топтим, балки ортуқроқ ҳам. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло барча толиби ниёзмандларға бу тариқ орзумандларға ул гулистондин тухфае ва ул раёхиндин шаммае насиб қилсун.

### **Б а й т:**

Кимки кўнглидин анинг фақр орзуси кетмагай,  
Бу дурур уммедким, ҳақ они навмид этмагай.

## ТАВАККУЛ ЗИКРИДА

Таваккул<sup>11</sup> ҳақ йўлида восита асбобин рафъ қилмоқдур ва васила ҳижобин дафъ қилмоқ. Ва сабтларға миёнчиликдин узр қўлмоқдур ва сабаб ва узрсиз мусаббибқа банда бўлмоқдур. Такдир қути бозуси олдида сабаб риштаси чурукда ва қазо машъали партави қошида восита учқуни ўчук. Таваккул аҳликим, мақсуд водийсиға қадам кўюбдурлар йўл зоди ҳақ хони эҳсонидин билибдурлар. Таваккул дуруст элнинг емаги ҳақ хони инъомидур ва ичмаки анинг шарбатхонаси жомидин ва киймаги анинг хизонаи эҳсон икромидин. Бас булар мавжуд кўрунгандин ул неча хушҳол бўлғай ва нобуд экандин анга малол. Дарёдин ўтарға кемани сабаб десанг тобони нам бўлғай ўтгувчиларға не сўзунг бор ва биёбон қатъ этарга маркабни восита гумон қилсанг таййи арз била борғучилар олдида маркаб не эътибор. Андоқки, сенинг насибангни яна биров емас, анинг ҳам насибин сен емак мумкин эмас. Сенинг рўзинг сангадур, анинг қисми анга. Тиламасанг ҳам еткурур, емасанг ҳам едирур. Муни англағанлар қутулубтурлар рўзий учун меҳнат чекардин ва тинибдурлар фароғат учун дона экардин. Рўзий учун касбда ихтимом таваккул қусуридин бўлғай ва маишат учун саъйи молакалом яқин футуридин бўлғай. Тенгри раззоқлигин билган рўзи учун ғам емағай ва қассомлигин билган киши ризқ озу кўпида сўз демағай. Улки ваҳшу тайр ризқиға зоминдур, санга еткурмайгайму? Улки мўру малаҳқа рўзий берур, санга бермагайму? Саъй била азал қисматин ортурай деган ёғин риштасиға гирех урай дер. Важд била қалам ёзғон қазони қайтарай деган қуруқ ерда кема сурай дер. Бу ишлар кўнгли уйи яқин нуридин тийралар ишидур ва ботиний кўзи ҳақиқат куёшидин хиралар одат ва варзешидур. Таваккул аҳли барча асбоб воситасидин кўз юмубдурлар ва «филайту қулли ало иллоҳ»<sup>12</sup> дарёсиға чўмубдурлар ва рўзий еткурғучи ҳақни билибдурлар. Ани ейдурғучи ҳам ани ақида қилибдурлар. Ва шак ва тараддуди қотей тарикларидин эъроз этибдурлар. Ва воситасиз таваккул бодиясиға қадам уруб мақсуд каъбасиға етубдурлар.

### Б а й т:

Қимки қатъ этса таваккул қадами бирла тариқ,  
Ёғину сел анга музий эмас ва барқ—ҳарик.

Ҳикоят: Шайх Иброҳим Ситнаба<sup>13</sup> бир муриди била (қуддиса сирруҳумо) таваккул қадами била Каъба азимати қилдилар. Шайх жаноби муридға айттиким, сенда ҳеч маълум борму? Мурид Шайхға дедиким, йўқ, мен таваккул қадами била бу йўлға кўюбмен, амин ва маълумни не тилар! Яна бир неча қадам борғондин сўнгра Шайх муридға яна айттиким: — сен ўзунгни яхши эҳтиёт қил, маълумунг бўлса ташлағилким, менинг аёғим оғирлик қилур. Яна мурид дедиким: бир—икки наълайн широки борки, бодия қатъида наълайним широки узулса они тортарға олибмен. Шайх муридға дедиким: Ҳоло худ наълайнинг широки бутундур, узулмайдур. Деди: бале. Шайх деди: Бас, ортуқ широкни ташла. Мурид дебдурким, ташламай чорам йўқ эди, заруратдин ташладим ва гирех била борур эрдим, йўлда ногоҳ наълайним широки узулди, туруб илик урдумким, ани наълайн суруб ташлағаймен ва Шайхни ул амрда таън қилғаймен. Кўрдумким, наълайн ёнида бир широк тушуб ётур. Мен таажжуб юзидин ул широкни наълайнға торттим ва Шайхқа эриштим, ҳар қачонким, наълайн широкиға эҳтиёж воқеъ бўлса эрди, ҳамул дастур била муҳайё широк зоҳир бўлур эрди. Бу ишда менинг таваккулим дуруст бўлди.

Таваккул аҳли ҳақ йўлин бу навъ ёрутублар ва анинг ғайриға

тавассул хаёлин кўнгулдин чикорибдурлар.

### Қитъа:

Таваккул чин дуруст эрмас мухалдур,  
Анга наълайининг ортуғ широки.  
Дуруст ўлғач йиғилса ганжи Қорун  
Йўл ул дам рохравнинг ҳеч боки.

### Т ў р т и н ч и б о б

#### ҚАНОАТ ЗИКРИДА

Қаноат<sup>14</sup> ибодат қуввати ҳосил бўлгонча қувват била ўткармақдур ва андин ортуғ барча ниманинг ҳавасин хаёлдин, кўтармақдур. Ва бенаволиғ била нафсни озурда тутмоқдур ва маҳрумлиғ била қувойи шахвонийни пажмурда қилмоқдур.

Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамоқ била ўқсумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва хурмат самар келтурур.

Кўнгулга андин очуғлуқ фойдаси етар ва кўз андин ёруғлуқ натижаси касб этар.

Қонёъ дарвешнинг қуруқ нони, томеъ шохнинг хитойи хонидин хўброқдур. Ва фориғи фақрандишнинг ёвғон умочи олғувчи ғанийнинг наботий қулочидин марғуброқ. Шох улдурким, олмағай ва бергай. Гадо улдурким, сочмағай ва тергай.

Улким қаноат мўътод бўлди — шох ва гадо тараддудидин озод бўлди. Маош уйи гарчи бўлур тор, аммо ҳар кеча муболага қилсанг ери бор. Ҳисоредурким, анда кирсанг, нафс шарридин қутулурсен ва кўҳсоредурким, анда чиқсанг, душман ва дўстдин мустағний бўлурсен афтодалиғедурки, натижа сарафрозлиқ ва ниёзмандлиғедур; фойдаси бениёзлиғдур — тухми бари ғино ва шажаредур самари истиғно; маедур — аччиғ на нашъаси тарабангиз; йўледур — қаттиғ, аммо манзили фараҳомез.

Қаноатда нечаким, фароғбол, акси тамаъда разолат ва накол.

Хасис таъбға дўстедур лаимваш—гадошевалик ва разолат анинг таврига хуш. Мувофақатиға асар хорлиғ, муносабатиға баҳра сабукборлиғ. Ҳар таъбадаким, ул мавжуд бўлди, ул киши улус таъбига мардуд бўлди. Лаимлиқ ва разолатқа камол андин, одамийлик ва инсониятқа завол андин. Ўтедур номус уйин кўйдургувчи, еледур иззат хирманин совургувчи ва виқор шамъин ўчургувчи. Тамаъ инъомға андоқдурки, шаратаомға, ул бири дунлар ҳаракоти, бу бири баҳойим сифоти.

Қаноат жавҳаредурким, элни мундоқ икки балодин ўтқарур ва мундоқ икки ибтилодин қутқарур. Бу икки замима феълки, ёмондур, гўё икки нохуш тавъамондур, ул мундин ёмон ва бу андин ёмон, иккаласи ёмондин—ёмон. Бири лаим ва бири мудбир иккаласининг ҳақиқати бир. Мухбири содиқ<sup>15</sup> (саллоллоҳи алайҳа вас—саллам) мунга мундоқ дебтур: «Қонёъ не азизға томеъ, не залилға нисбат берибдур».

### Рубоий:

Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,  
Борча эл аро тавозеу иззати бор,  
Улким тамау хирс била улфати бор,  
Яхши—ямон ичра зиллату накбати бор.

Ҳикоят: Кошифи асрори илоҳий Шайх Шох Зиёратгоҳий<sup>16</sup> (қуддиса оллоҳ



сирриху) ибодат фароғати учун қаноат шиор қилди ва Зиёратгоҳ қасабасида маскан ихтиёр қилди. Ва улус назр ва ҳадиясин парво қилмади, ва салотин инъом ва суюрғолин кўзга илмади. Муҳаққар Мавруси муҳавватасиға ашжор тикти ва экин экти. Ўз муборак илики била экин суворурға бел урар эрди ва ашжор тарбияти теша ва арра сура эрди. Бу навъ қаноат била натижаси «азза ман қанаа»<sup>17</sup> хукми била ул ерга еттиким, Ҳирот дор ус-салтанасидин салотини маснаднишин ва уламои дин ва машойихи аҳли яқин уч шаръи йўлни ул бузургвор хизматиға борур эрдилар ва остони туфроғин ўпмак била тафоҳўр бошин фалақдин ўткарур эрдилар ва ул зироат нонидин ва ул фавоқиҳ жонидин ҳар не иликларига тутса кўзларига суртуб, кўюнларига солиб, табаррук учун шахрға аёл ва атфоллари учун келтурур эрдилар ва андин еганлар охират нажотиға ҳам умидвор бўлур эрдилар. Қаноат натижаси мундин комилроқ оз вуҳур қилиб эркин ва хурсандлиғ боғчасининг раёҳини мундин тароватлиғроқ кам очилиб эркин.

### Қитъа:

Жаҳон ичра кўп сунъ кўргузди сонъ,  
Эмасдур киши турфа андоқки, қонъ.

Кишидин талабсиз ғино ҳосил этмас,  
Яна жудға бўлмамоқ ҳеч монъ.

### Бешинчи боб

#### САБР ЗИКРИДА

Сабр ўзни чиқармоқдур ҳузуз нафсонидин ва танаъумот жисмонидин ва нафсни ҳабс қилмоқдур ибодат меҳнатида ва қадамни собит кўймоқдур риёзот суубатида. Ҳақ йўлида қотиғ ирикка тузмақдур ва яхши—ёмондин ҳар не эшитган ва кўрганга тахаммул кўргузмақдур. Аччиғдур, аммо судманд; қаттиғдур, аммо дофеи газанд. Қайси номурод илик этагига урдиким, мурод топмади? Ва қайси гирифторм кўнгул сабр бандиға кўйдиким, қушод топмади? Фараҳлар мифтоҳидур ва бандлар аттоҳидур.

Рафиқедур суҳбати мумил, аммо оқибати муродқа қарийилиқ ва ҳарифедур умиди узун аммо ниҳояти матлубқа ҳамнишинлиқ. Самандедур қоҳилхиром аммо манзилға еткурғувчи ва бухтиедур сақилгом, лекин маъманға тушурғувчи.

Носиҳи талх гуфтордек таъб андин озурда ва лекин зимнида мақсуд ҳосил, табиб батий—ул—илождек,<sup>18</sup> мариз андин пажмурда, аммо сўнғида сиҳхат восил.

Ишқ аҳли зикридин мутағаййир ва лекин ғояти васлға умидворлик, ҳажр эли ёдидин мутанаффир ва лекнн ниҳояти иттисолға комгорлик.

Қафасида жон булбулиға не ҳамушлуқ суд этиб, не наво ва илҳон, мажлисида руҳ тўтисиға не сукут нафъ еткуруб, не фарёд ва фиғон. Саҳросида фароғат ҳамону изтироб ҳамон, биёбонида даранг ҳамону шитоб ҳамон. Сўхтаи фироқ ўлмақдин анга ғам йўқ, андухтаи иштиёқ куймақдиин анга алам йўқ. Ҳажр шомидек тийра узун, аммо ғояти субҳи висол, ҳаж йўлидек қаттиғ ва йироқ, аммо ниҳояти Каъбаи иқбол.

Ҳар гирифтормаким, ул нобуд ҳаёти андин барий ва ҳар умидворғаким, ул номавжуд руҳи андин сипарий.

Ошиқларға маразедур ва беморларға захредур ҳалоҳил. Саҳиҳ анинг суубатедин бемор, ҳавос анинг уқубатидин нокор. Руҳ иши ани тортарда тааллул, кўнгул анинг қаттиғлиғидин бетоқату тахаммул. Йўли бодиясида зулумоти офат, Ҳизрдек ани қатъ қилғонға баҳра зулоли ҳаёт. Шиддати юкига ҳомиллардин бири Айюби<sup>19</sup> набий ва суубати ҳамлиға комиллардин бири Муҳаммади арабий.

## **Б а й т:**

Ажаб ранжеки андин саъб йўқ ранж,  
Вале чеккан кишининг баҳраси ганж.

Хикоят: Бир нотавон кўнглида бир гульузур хорхори бўлди ва ул тухмат била зиндон гирифтори бўлди. Ул иш иқрори учун анга қилмаган азоб қолмади, аммо ул махфий сиррин кўнгулдин тилга солмади. Оқибат бир кун асаслар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқордилар. Ва бош-аёғидин тортиб узоттилар ва бир кучоқ йиғоч анинг аъзосига ушоттилар. Андоқки, бошдан - аёғи жароҳат бўлди ва бари аъзосининг териси сўюлди. Таёқ аъзосин андоқ афгор қилдиким, қон ул маъракани лозазор қилди. Мазлум мутлақо дам уради ва иқрор такаллумин тилига сурмади. Чун таъзиб шиддатидин ҳордилар, ул мажмуъдин судраб чиқордилар. Навмидлиғдин кўябердилар ва инсоф оламида муҳик эрдилар. Чун жафопешалар йирок борди, жафокаш оғзидин бир ушолғон дирам чиқорди. Жаъмики ани кўрдилар. Ул иш кайфиятин сўрдилар, улча жавобидин мафҳум бўлди, бу ҳолат маъдум бўлдиким, сиёсат хангомасида манзури ҳозир эрмиш ва бир гўшадин анинг ҳолига нозир эрмиш. Анга етарда ул бедоду ситам тиши остида эрмиш ул дирам. Азоб эътидолдин ўтарда дирамға тишин беркитур эрмиш ва тиш захми била ул дирамни пора—пора ушотур эрмиш ва манзур нозир олида сабру таҳаммул қилур эрмиш ва анинг наззорагар эрканин билур. Манзур чун бу ҳолни билди, меҳр ва шафқат била бошиға келди, юмшоқ сўз била яралариға марҳам еткурди ва чучук тил била мажруҳ таниға жон кивурди. Хаёлиға кечмас давлатға сазовор бўлди ва гумониға ўтмас одатға комгор бўлди. Бу барча шиддатдаги сабру шикеболиғ натижаси эрди ва ул суубат ва шиддатда таҳаммулдин анга даст берди.

## **Б а й т:**

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

## **О л т и н ч и   б о б**

### **ТАВОЗУЪ ВА АДАБ ЗИКРИДА**

Тавозуъ халқни киши муҳаббатиға шефта қилур ва улусни фоил маваддатиға фирифта қилур. Дўстлуғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унс ва улфат базмида турлук гуллар сочар. Мутакаб бир душманға мулоямат сари йўл кўргузур ва муъжиб хасм хотираға инсоният завқин ўлтурғузур. Такрори ҳаёсиз муддаини уят сарҳаддиға бошқарур ва теъдоди инсофиз адувни ямонликдин ўткарур.

Агарчи борча элдин хўбдур ва бари халойиқдин марғуб, аммо сарафрозлардин хўброқдур ва бениёзлардин марғуброқ. Абнойи жинсдин бир—бирига мустаҳсан, акобирдин асоғирға аҳсан. Сахо қилмай элни шод қилур ва ато кўргузмай кишини ғамдин озод қилур. Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглиға солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад қолур.

Ушоғларни кўзга улуғ қилур атворидин халқ улуғлиқ билур. Халқ жонибидин беҳурматлиқ эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфофдин сахлар. Табиатға инсоният тарийқида андом берур ва мижозға одамийлиқ манзилида ором еткурур. Кичикларғаким, андин мунча бўлғай, улуғларға кўрким, неча мунча бўлғай.

Муҳаббатға зебу пироя адабдин етар ва муваддатға равнақ ва баҳо таркидин кетар. Адаб ва тавозуъ кўзгусига жило берур, икки жонибдин ёруғлук еткурур.



Тавозуъ ва адаб ахтлиға таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар. Халқ ихтилотиди ҳамида ахлоқ ибтидоси бу ҳисолдур ва бу русух топса муҳаббат ихтилоли маҳолдур. Икки жонибдин агар хулқи карим бўлғай, адаб ва тавозуъ муқобаласида иззат ва таъзим бўлғай. Хушо, бу навъ ахбоб орасида суҳбат ва бу тавр асҳоб орасида муваддат. Мундоқ аҳли муҳаббат ва вадод ва хайли муваддат ва иттиҳод. Агар зохирда дўстлуғ сафоси учундур дунёда комгорлиқдур. Ва агар маънода тенгри ризоси охиратда умиди растгорлиқдур. Ва агар тенгрилик учун бўлса, «Ат— таъзиму ли амриллоҳ»<sup>20</sup> саодати ҳосил ва агар холик дўстлиғи учун бўлса, «Аш— шафқату ало халқиллоҳи»<sup>21</sup> давлати восил.

Бу олий мартабаға шониста ва лойиқ муваффақедурки, зоти фақр давлатиға мулойим ва мувофиқ, йўқки, мутакаббири худписанд ва жоҳили нохирадманд.

### **Б а й т:**

Ақлу хикмат ишидур буйла маошу ойин,  
Қайта топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

**Х и к о я т:** Ахбор ровийлари ва осор ховийлари мундоқ ривоят қилибдурларким, бир ов ҳангомаси ғавғосида ва чопмоқ ва отмоқ орасида Хусрав Парвезнинг сарафрозлиқ тожидин гавҳари обдор ва дурри шахвор узулуб ерга тушти. Ва ов иштиғолидин анга ҳеч кишига хабар бўлмади. Овдин Мадойинға қайттилар. Чун ул ишни билдилар ва халойиқни муноди била чиқордилар ва ул гавҳари ноёбни тилай бордилар Чун ул зеби тож мулк хирожи эрди, топқонға кўл нима ва кироманд сила ваъда бўлди. Халқ ул биёбонда жусту жўйида ва сила орзуси гуфтигўйида.

Иттифоқо икки ҳамроҳ: бири ғофил ва бири огоҳ. Ғофил жаҳл юзидин худписанд, огоҳ тавозуъ ва адаб зеваридин аржуманд. Бирининг исми Мудбири жаҳонгард ва бирининг оти Муқбили жавонмард. Ул биёбондоғи йўлға озим ва шахр сари борурға жозим. Пўянамо ва даштпаймо эрдилар, чун дар талаб элга ёвуштилар. Ул халқни бошлаб чиққон кишига йўлуқуштилар. Мудбир такаббур била анга боқмай ўтти. Муқбил инсоният тарийқин илгари тутти. Ул солорға адаб ва тавозуъ била бош индурди, аёғи остида гавҳар худтушган эрмиш, кўруб олиб, ўпуб ул солорға тутта берди, ул худ мавъуд силанинг вакили эрди. Муқбилнинг илигин тутуб шаҳарға қайтти. Хусрав хушҳол ва мунбасит бўлди. Ва анинг узрин дегандин ортуқ эҳсон била кўлди. Мудбир такаббур натижасидин шаҳар гулханида маком тутуб, Муқбил адаб ва тавозуъ фойдасидин гавҳари мақсуд топиб, шоҳ гулшанида ором топти.

### **Б а й т:**

Мутакаббир кезибон шаҳарда хору мардуд,  
Мутавозиъни ғаний айлади дурри мақсуд.

### **Е т т и н ч и б о б**

#### **ЗИКР ШАРҲИДА**

Зикр кўнгул била ҳақ ёди иштиғолидур ва тил била дағи ҳамул такаллум мақоли. Ва баъзи тилга ул амрдин маъдуллуқ дебдурлар ва кўнгулға мудовамат ва машғуллуқ. Кўнгул била Ҳақ ёдидин холий бўлмоқдур ва анинг ғайри хайлидин холий бўлмоқдур. Ва ул машғуллуқ «ма халақа оллоҳ»<sup>22</sup> фаносидур ва «мо халқи оллоҳ»<sup>23</sup> холиқининг бақосидур. Нафй калимаси билаким, «ло илоҳа» бўлғай, мосиволлоҳни унутмоқдур ва исбот калимаси билаким, «Иллаллоҳ» бўлғай кўнгулни овутмоқдур ва машғул тутмоқдур.

Ва анинг ниҳоят мартабаси зокири мазкурда нобуд ва йўқ бўлмоқдур. Ва анда тилга когал йўқ ва тақриру баёнға мадхал йўқ. Не лисонға такаллумдин хабар ва не баёнға тараннумдин асар. Бу ҳарамға кулли маҳрам бўлмағлик нафйи хотирдур ва ифнойи мавжуд ва номавжуд. Ва ғойиб, ва ҳозир ўзни буду нобуд хаёлидин қочурмоқдур ва мақсуди аслий талабида ошно бўлса бўлмас. Ва буду нобуддин холий бўлмоғунча бу ҳаёт зулолидин тўлса бўлмас. Бу дарёға кирган гавҳари мақсуд тиласа дам асрамоқ керак ва бу ҳарамға йўл топқон маҳрамлик тиласа дам урмамоқ керак. Шоҳ розин асрамоқда тилин тиймағаннинг боши борибдур ва ғайрат ва сиёсат тиғи анинг ниҳодидин замор чиқорибдур. Бу май ичгандин кайфият изҳори кўнгли бетоблиғидиндур ва бу бода мастлиғининг шароблиғидиндур.

### **Рубоий:**

Майхона жамъики эрур бодапараст,  
Зоҳир май ичгандин ўлурлар бадмаст.  
Мингдин бир эмас бу ҳақиқат майидин,  
Ичган ани охсум ўлса тонг йўқ пайваст.

Ҳ и к о я т: Муқарраби Ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий<sup>24</sup> (куддиса сирруху) дедиким, ул такаллумғаким Мансур<sup>25</sup> дам урди, мен ҳам урдум. Ул ошқор этти ва мен ёшурдум. Менким ёшурдум, тождорлиғ манқариб бўлди. Ул ошқор этти, дорға ток бўлмоқлик насиб бўлди. Ул ҳануз хом эрди ва бу маънидин хуруш қилури беҳангом эрди. Эшитгувчи ибо этти ва анга етти ва улча етти. Мен ул сўзни анжуманда гуҳор этармен ва изҳорида исрор ва тақрор этармен ҳеч кас манга нима дей олмас ва демаским, сўзумнинг агарчи маъниси улдур, аммо суврати ул эмаским, суврат аҳли сувратга назар солурлар ва маъни аҳли маънидин баҳра олурлар.

Илохий, бу огоҳлар аёғи туфроғидин биз гумроҳлар тийра кўнглига очуғлик еткур ва қорорғон кўзларига ёруғлуғ еткур.

### **Б а й т:**

Ҳамул кўҳл ул жавохирни кўзумга тўтиё айла,  
Ул иксири саодатдин вужудим кимиё айла.

### **С е к к и з и н ч и б о б**

#### **ТАВАЖЖУҲ ЗИКРИДА**

Таважжух<sup>26</sup> Ҳақ субҳонаху таолаға юзлашмак ва ул ён эланмоқдур. Ва халқдин тааллуқ торин узуб анга уланмоқдур. Жамиъ орзудин чикмоқки, Ҳақнинг ғайриға айландурғай ва Мосиволлоҳ иштиғолиға чирмондурғай. Андоқким, дунё ва охират саодатин арза қилсалар ва сиддиқлар ва пайғамбарлар маротибин жилва берсалар, солиқ ул ён назар ўкин отмағай ва кўнглига аларнинг радду қабулин мутлақо йўлатмағай. Агар таважжухда юзига ўқлар келса, кўз юммоқни унутқай, агар бир кўзини ул ўқлар зоеъ, яна бирин илгари тутқай. Агар ул наззорада тош ёғса бошин ёшурмағай ва ани муҳофазат қалқониға қочурмағай. Агар оллида шери жаён юзланса, анга мўрча келмағай ёмон ва агар пили дамон учраса, ул ҳамон бўлғай ва пашша ҳамон. Сели балодин таважжухга нам етмағай ва сарсари офат бир тори мўйин хам этмағай. Чархи ғаддор фитналиқ нужуми била анга бир зарафшон варақи мовий ва барқи ҳаводис анга ел учурғон бир сариқ гул яфроғи била мусовий. Меҳри мунир оллида заррадин ҳақир ва хоксор, баҳри заххор назарида бир қатрадин бемикдор, яъни ул таважжухига монё мумкин бўлмағай ва ул

назораси шуъласи дарёлар суйи била сокин бўлмағай. Ва бу мақом солиқнинг сидқига долдур ва ихлосиға гувоҳи холдур. Ва ошиқлиғида якдиллиғиға далили беиштибоҳ ва якрўй, якжиҳатлиғиға гувоҳ ва шавқи ғоятсиз эрканиға гувоҳи содиқ ва муҳаббати ниҳоятсиз эрканиға далили мувофиқ.

### **Маснавий:**

Таважжуҳ бирла ҳинду саъй этар чоғ,  
Тушурур кўк ёғочдин тоза яфроғ.  
Кашаф айлаб таважжуҳ байзасиға,  
Борар кўз бирла босмай косасиға.

Ҳикоят: Бир гулханийи меҳнаткаш кўнглиға бир шаҳзодаи хуршедваш ишқи харорати тушти ва ҳарорат тобидин қони қурушти ва руҳи муворақат қилурға ёвушти. Хирад матои илгидин борди ва жунун шайдоликқа бош чиқорди. Атфол қувуб тош урарлар эрди. Кўчадин кўчаға сурарлар эрди. Анинг оғзида шаҳзода оти мазкур ва кўнгли анинг зикри била масрур. Чун атфол тошидин тўяр эрди, қочиб гулханға юз кўяр эрди. Чун гулханийи мажнунни шаҳзода ишқи машхур этти, бу сўз шаҳзода кўлоғиға ҳам етти. Андоқки, пок ишқ бил—хосият маъшуқ кўнглиға жозиб бўлди. Шаҳзодаи париваш девонасин кўрарға роғиб бўлди. Сайр асносида маркабни ул гулхан сори сурди, чун девонаи номуродни кўрди, наззора ва таважжуҳи андоқ беҳудлукқа улаштиким, гулхан ўти бошин аёғиға туташти. Ул наззорадин беҳабар эл етиб ўтин ўчиргунча андин не хабар қолди ва не асар. Шаҳзодаи қотил девонаси ҳолидин йиғлаб ғусса ютти, турфа кўркам, ўзи ўлтириб, ўзи азо тутти.

### **Б а й т:**

Мажозий ишқда мундоқ таважжуҳ айла хаёл,  
Агар ўлса ишқи ҳақиқийда кўр не бўлғай ҳол.

### **Т ў қ қ и з и н ч и б о б**

#### **РИЗО ЗИКРИДА**

Ризо<sup>27</sup> ўз дилхоҳ ва ризосидин кечмақдур ва Ҳаққи субҳонаҳу ризоси жомин ло журъа ичмақдур. Ўз кўнгли тилаганлар мавто адосин фарқ билмак ва маҳбуби ҳақиқий ризоси била тирилмак. Бу мақолдур. Солиқнинг аъзам мақомоти ва арфаъ даражоти нечунким, солиқ бидоятда масканат ва ҳақорат мақомида ҳақирнинг ризоси ва матлуби ҳам ҳақир бўлур. Чун ўз ризосин билкулл фано ўтиға отти ва ҳақ субҳонаҳу таоло ризоси била ўзин тузатти. Мосиволлоҳ лавси орийдин қутилди ва «алмутахаллиқу биахлоқилло— хи»<sup>28</sup> сифати била Мутаассиф бўлди. Ажаб мақоледурким, агар бу корхонада хитойи нақшин кўрсун ва агар исломий парчани наққош нақшбандхонаи сунъидин мутасаввир билғай ва ҳар бирини ўз ерида беназар тасаввур қилғай. Равзаи хулдидин кўп шод ва дўзах дудидин кўп тийра ниҳод бўлғай. Калимуллоҳ мадҳида муболаға кўргузмағай. Халилуллоҳи<sup>29</sup> огоҳ била Намруди<sup>30</sup> мардуд аросида муҳолафат эшикин руст кўргай. Ва мувофақат риштасин дуруст. Офариниш боғидин агар бошиға гул ёғилсун, ва агар аёғиға тикан санчилсун, чун боғбон чаманоро ризо ва ихтиёри биладур не ул биринин бошин ёшурғай ва не ул биринин аёғин йиғиштурғай. Ва дўст ризосиға жон фидо қилғай ва агар яна жон тириклигин анинг ризоси учун тилағай ва ўлумда анинг ризосин топса, жон истағай ризосин. Ҳақ ризоси билмиш бўлғай ва муродин анинг хостида маҳв қилмиш бўлғай ва ўзлугидин хабар қолмамиш бўлғай ва ўзига ўз ризосидин асар. Ҳақдин агар

ғаффорлиғ зухур этар—анинг марғуби ва агар қоҳхорлиғ зухур этар ҳам анинг маҳбуби. Ниш етса захмиға мархам ва гар мархам етса бағри захмиға ҳам муғтанам.

### **Б а й т:**

Рози ўлса гар ёмон, гар яхши бўлса жилвагар,  
Сунъи килкидин мусаввардур чу ҳар янглиғ савар.

**Ҳ и к о я т:** Валоят дарёсининг гавҳари ва ҳидоят сипеҳрининг ахтари асадуллоҳ ул—ғолиб, Амир ул—мўъминин Али ибни Абу Толиб (разиоллоҳу анху ва карамоллоҳу важху) ризо мақоми таърифида ва солиқнинг розилиққа мутаассир бўлғони тавсифида варақ юзига маорифнигор хома урубтур ва бу навъ дақиқ нукта сурубдурким, ризо мақомиға камол ўз ризоси ҳақ ризосиға мувофиқ қилғонға ҳол будурким, сўл кўзунг хонаси Хайбар эшигига макон бўлсун ва ул пошина очилур—ёпилурда ул маконда кўрунсун. Эшитқувчи айни ризодин ўз шонин унутмағай ва ғояти таъзимдин ўнг кўзин ул хизмат учун илгари тутмағай. Агар мундоқ қилса, улча анга қазодур, анинг муқобаласида ҳам фузуллуқ, ҳам адам ризодур. Ризо мақомиға ўзин нобуд ва фармонбардорлиғда ўзлукин номавжуд қилғонға бу вужуд қайдин келдиким, сўл кўзни хор, ўнг кўзни азиз билғай. Ва бу хору бу азиз аросида тамиз ҳам қилғай, анга ризо шарти улдурким, амриға тоат қилғай ва маъмур бўлғон изҳори тоат. Ва бу ширин мева валоят боғи шажарасидин бўлғай ва бу лазиз фоқиҳа ҳидоят шажарасининг самараси бўлғай.

### **Б а й т:**

Валоят ичра бўлғай мевалар кўп таъму ҳолатлиғ,  
Вале қайси валоят бўлғай мунча лаззатлиғ.

### **Ў н у н ч и б о б**

#### **ИШҚ ЗИКРИДА**

Ишқ <sup>31</sup> ахтаредур дурахшанда, башарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожининг зеб ва баҳоси андин. Мехредур толеъ, маҳзун хотирлар хористони андин гулшан ва бадредур ломеъ, тийра кунгуллар шабистони андин равшан. Бахредур васеъ, ҳар игрими юз ақлу ҳуш кемасин чўмурғон ва тоғедур рафеъ ҳар тиғи минг зуҳд ва такво бошини учурғон. Шуълаедур сўзанда, хошоки кўп жону кўнгул бўлғон ва барқедур фурўзанда, кўп жону кўнгул ашиъасида кул бўлғон. Аждаҳоедур хунхор, оламни дами била тортмоқ анга ком, пошшоҳедур қаҳҳор, коми ҳар олам аҳлиға қатли ом. Ва ҳар неча зулм қилғон анга қонмоқ йўқ. Соиқаедур, ақлудин хирманин куйдургучи ва сарсаредур аларнинг кулин кўкка совургучи.

Иноди олинда тенг ҳам подшоҳ, ҳам гадо. Бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо. Ошиқ кўнглиға маъшуқ ҳавосин солғувчи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳаётин олғувчи ҳам ул. Ва ошиқ мундоқ балонинг гирифтори ва мундоқ офатнинг беихтиёри, мундоқ тўфоннинг ғариқи ва бу навъ соиқанинги ҳариқи, мундоқ ғаддорнинг забуни ва мундоқ паризоднинг мафтунни ва мундоқ девкирдорнинг мажнуни. Ва мунунгдек ошубнинг шефтаси ва бу янглиғ қотилнинг фирефтаси, бу тавр хунрезнинг ҳалоки ва бу турлук балоангезнинг дардноки.

Ишқ кўхистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳоддур ва саҳройи жунун забунларидин бири Мажнундур. Ва шабистон савдоси девоналаридин бири парвона ва гулистон ҳавоси ношикебларидин бири андалиби девона. Ва оташгоҳ ҳарорати гармравларидин бири Хусрави номий ва майкада дардмандлиги номийларидин бири

Жомий (наввараллоху марқадаху нуран ваффақаналлоху!)

## Б а й т:

Ки то бўлғай булар бир—бирлари бирла қарийн бўлсун,  
Самандарлар киби ишқ ўти ичра ҳамнишин бўлсун.

Бу таъриф қилғон ишқ ва бу баён этган аҳли ишқ маъшук вужуди бирла қойимдурлар ва бу адо топқон ҳолотға мансублуклари дойим. Ва ул маъшук ҳуснидин иборатдурким «Инналлоху жамилун юҳибб ул жамол<sup>32</sup>» андин хабар берурким, ишқ бу эътибору жалоли била ва бу ихтиёру истиқлоли била ҳусн саропардаи кибриё ва боргоҳи истиғноси теграсида бир бандаи човуш ва бир камина ҳалқа бағўшдурким, ҳар қачон ҳусн султони маҳбублуғ ниқобларидин ва мастурлуғ ҳижобларидин чиқмоқ асбобин тузса ва зуҳур тажаллиси била жилва гар кўргузса, ул нур ошиқи маҳжур кўзи равзани шишалари равзан кўзи шишаларидек ҳайрон қилиб ишқи бебок айёри ул равзан йўлидин ўзин кўнгул маъмурасиға ташлар ва ул маъмурада хароблиқ оғоз қилиб, хирад ва ҳуш хайлиға кўзғалон сола ташлар. Ул маълум эмаским, ҳусн султонининг бу золим човуши бедодидин ул мулк аҳлининг мазлумлари нетгай ва ҳоллари анинг ташаддуди суубатидин не ерга етгай. Бовужуди бу ҳол ул кишварнинг асирлари ва ул мулкнинг қатлу торож кўрган аҳли фазаъ ва нафирлари ул жилва майидин масти беҳуд ва ул жамол тамошасидин волаву ҳайрон бўлиб, анинг ҳавосиға машъуф ва анинг тамошасиға мағлуб бўлурлар.

Эндиким, ул кишварни тасхир қилди ва ул мулк аҳлин яғмода асир этти яна ул султон жилвагоҳ фазойи эраминдин хилватгоҳ ҳафоси ҳарамига майл этиб, ҳамул нур ва зулмат пардалариға юзланса ва жамол куёшин ҳамул шабандуз ниқоб саҳоблариға ёшурса ва бу турктоз топиб, мусаххар бўлғон мулк аҳлиға ва бу қатлу торож кўруб, бузулғон кишвар элиға ул тамошо хирманидин ва ул назора имтидоди аршидин рустохезе тўшланғай ва қиёмате юзлангайким, жузъи акбару авлиёси ва ошуб ва фазаъи маҳшарда шавқоси аларнинг ниҳодидин фалаки ғаддорға майл этгай ва бу сипехри давворға етгай. Бу ҳолатедурким, мунунг шиддати тақриридин тошқоридурким, муни кўрмаган киши билмас ва мунга етмаган бовар қилмаским, ҳижрону фиروق мундин иборатдур ва ишқа маротибдур ва ул уч қисм била мунқасим бўлур.

Аввалғи қисм. Авом ишқидурким, авом ун—нос орасида бу машҳур ва шоеъдурким, дерлар: «Фалон фалонға ошиқ бўлубтур». Ва бу навъ киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубох. Ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижоблиққа сабаб.

Иккинчи қисм. Хавосс ишқидурким, хавосс ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ. Ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари мутақаддиминдин андоқким, назм бешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави Амир Хусрав Дехлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфоз ва маонийлиқ ашъори ишқ аҳлининг орасида ғавғо ва важдуҳол анжумани фазосида алоло солибдур.

Яна сўзи поку, кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи фахрулмиллату вад—дин Шайх Ироқийдурким<sup>33</sup>, ишқ сифотиға муттасифдур ва ламаоти пок маоний ва тарокибиға мунсифдур. Ва мутааххиридин икки оламини бир дов била ўйнағон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози шамсул—миллати вад—дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур. Дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва

мулк ва малакутда сойирлар шайх ул—исломи ҳазрати муршидий ва махдумий нур ул—миллат вад—дин Абдурахмон Жомийдур (наввараллоҳи марқаду— ху) ким, агарчи алар васфи назмға нисбат берурдин юқорироқдур, аммо ҳар синф назмда беназир эрдилар ва нечаки таърифлари шеърда маҳоратдин ташқаридур ва лекин ҳар услуб шеърда жаҳонгирдурлар. Ва назимларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламға урубтурлар, шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгул оламин кўйдурубдурлар.

Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дуркашлар ва иршоди сулукидин фониёвашларким, дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангиздур. Борининг ғарази гуфторлари иштиғолидин ва ано ёлинидин ажзу ниёзлик ҳолати ва дарду бало чоқинидин сўзу гудозға мубоҳоти ўзин бу ишққа мансуб қилмоқдур, балки кўрунур бу ишқ оламида ошиқликнинг саъб ҳоли ва маъшукнинг муфрит жамоли ҳар ерда ҳар бирининг ажаб ҳолоти ва ғариб хаёлототи ва ғоятсиз бул ажаблар ва ниҳоятсиз рангу таабларга юзланибдур ва анинг изҳори лозим келибдур. Ул жумладин, маъшук ҳусну жамолининг бениҳоятлиғи ва нозу истиғносининг беҳадду ғоятлиғи. Ва андоқ аҳволким, мунга мувофиқ бўлғай, андин сўнг ошиқ дарду шавқининг фаровонлиғи ва ажзу ниёз ва сўзу гудозининг бепоёнлиғи. Ва ҳар умурким, унга муносибдур, яна иккаласининг бир бирига имтизожи ва таркибидин ва ихтисоси ва тарбиятидин вукуъ топқон ҳолот адосида ва юз кўргузган мушқилот имлосидаким, ҳар бирида агар китоблар тасниф қилилса ва мужалладлар таркиб этилса, ҳануз улча анинг адосининг ҳаққидур таҳрирға кетурмак, тақрир қаламин сурмак мутағайир кўрунур, балки мутаазирдур. Ва қоинот бозорининг ғавғоси ва унсуриёт чорсусининг алолоси бу такаллум ва тараннум биладур ва мунсиз инсон каломи танедур жонсиз ва башар алфоз ва ибороти чаманедур гулу райҳонсиз.

Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсона, дур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур.

### **Б а й т:**

Сўзки маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,  
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай.

Ҳ и коя т: Мажнун ишқи ўти ҳижрон гудозиға улашти, заиф баданиға ул ҳароратдин иситма шуъласи туташти. Ҳар муолажаким қилдилар суд этмади, мараз ортти ва иситмаси кетмади. Чун бемор иши назъ холиға етти, биров ул ҳолдин Лайлиға хабар этти. Паривашни ул хабар ношод қилди, девонасин сўрарға нома савод қилди, қосидким ул номани Мажнунға еткуруб берди, руҳдин танида рамақ йўқ эрди. Мехрибонларким, номани мутолаа қилдилар беморға истимоидин асар билдилар. Ҳар кимки ани такрор этар эрди, ул нафасдин бемор таниға руҳ етар эрди. Ул дамким, иши ҳирз ва дуодин ўтди, маъшук номаси ҳирз ва дуо ерин тутти.

Мариз заъфдин сиҳхат топкунча такрор қилди чун сиҳхат топти, бўйниға тумор қилди. Ишқ сўзидин марази сиҳхат топти ва ул сўз такроридин—бадани қувват.

### **Б а й т:**

Ошиққа гарчи заъфу маразликдурур мижоз,  
Маъшук зикри ул маразиға эрур илож.

Учунчи қисм. Сиддиқлар<sup>34</sup> ишқидурким, алар ҳақнинг тажаллиёти жамолиға мазохир воситасидин айру вола ва мағлубдурлар. Ва ул мушоҳада беҳудлиғида алардин шуур, алардин маслуб. Шухудлари истиғроққа етган за ул истиғроқдин истихлоқ мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели сипехр гулшани авроқин учурса, аларға андин хабар йўқ ва



анжум гулбаргларин ҳар сори совурса аларға андин асар йўқ. Ҳавосслари ноқор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавқлари номикдор ишқ ҳужуми ғалаботидин. Анбийёи мурсалин етгандии назарларин мақсуддин олмай ва малоика муқаррибин ўтгандин назарларин ул сари солмай. Ҳоллари матлуб мушоҳадаи жамоли ва иштиғоллари ҳам анинг мулоҳазаи саноеъ ва камоли висол майи зўридин кўнгуллари беҳуд ва маст, мутаоқиб тажаллиёт сатватидин аъзоларида шикаст. Васл бодасидин ўзга руҳларига ком йўқ ва ҳақ мушоҳадасидин ўзга кўнгуллариға ором йўқ. Булардур ишқда васлдин ком топқон ва «инда маликин муқтадирин» мақомида ором топқон. Ва бу тоифани восиллар дебдурлар, ишқдин васл мақсуди ҳосиллар.

Ҳикоят: Ҳаж шарафин ҳосил қилган машойих ва авлиёи алайҳум аттаҳият вад дуо Арофатда муножот қилиб, ҳар қайси бир мурод истар эрди ва ўзлари учун бир тилак тилар эрди. Ва кўпнинг дуоси бу эрдиким: — Илоҳи, бизга тавфиқинг бирла ҳамроҳлиғ бер ва ўз ҳақиқатингдин огоҳлиғ. Ва кутб ус—соликин ва султон ул орифин ирфон тариқида авлиёдин мумтоз Шайх Абу Саид Ҳарроз<sup>35</sup> (қуддиса сирруҳул-азиз) оғзида сукут муҳри зоҳир ва жамоли тажаллиётқа мустағриқ ва мутаҳайир туруб эрди, кўзин осмонға уруб эрди. Биров дедиким: — Ё Шайх, бу маҳалда мақбулдур ва бори машойих дуоға машғул. Сен нечук дам урмассен ва дуо раҳшин ижобат майдониға сурмассен. Шайх (қуддиса сирриҳу) дедиким: — Ҳар не бу халойиқ дуо била тилайдурлар, борини манга берибдур, балки ортуғроқ кўнглум уйида берибдур. Андин не истай ва дуо қилиб не тилай? Аларки, огоҳлиғ тилайдурлар, манга матлуб. Бир замон ғафлатдур ва ҳолима эврулгали бир нафас муҳлатдурким, анинг вужуди тажаллийси садамотидин бетобу тавонмен ва ул оғир юк остида ҳасдек нотавонменким, анинг жамоли ҳайратидин ўзумдин хабарим йўқтур ва ўзлугумдин асарим йўқтур. Ишқнинг ғояти бу ергачадур ва ошиққа васлинг ниҳояти бу сўзни дергачадур. Бу ошиқларким, олинда қабул аҳлидурлар ва тариқати машойих истилоҳотида вусул аҳлидурлар, буларни тангриға ошиқ деса бўлур, маҳбуб ҳам ва ҳақға толиб от қўйса бўлур, матлуб ҳам.

### **Рубоий:**

Бу ерга етурса бандасин лутфи илоҳ,  
Таҳқиқ билур ҳар кишиким бор огоҳ.  
Ким, топмас анинг оллида мавжуд саво (х)  
Ул қолди—ю тенгри қолди Оллоҳ, Оллоҳ!

### **Учинчи қисм**

#### **МУТАФАРРИҚА ФАВОЙИД ВА АМСОЛ СУРАТИ**

Жоҳ истиғносиға давр тенгри таолонинг мулку малакутининг тааммулидур ва кибр ибтилосиға илож ҳам анинг кибриёу жабарутининг тааққули бўла олур.

Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор; бесаодат жоҳил бўлса, олим сўзидин анга ор. Ва филҳақиқат, жоҳилликдин бесаодатликроқ не нима бор?! Улки ўзин бегангай зиҳи ғабоват ва улки ўз сўзин бегангай, зиҳи шақоват! Олам аҳли ўзлари қошида маҳбубдурлар ва сўзлари ўз илайларида марғуб. Ва башар жинси бу сифатға мажхулдурлар ва нафслари беихтиёр бу даъвоға машғул.

### **Танбеҳ (1).**

Андинки нафс комидур ва нафсоният мақомидур. Ҳеч ким ўз кўнглиға ғам тиламас ва ўз нафсиға алам истамас. Аммо ўзганинг шариф зотиға беҳад мазаллат кўрса, онча тавофут қилмаски, ўзига жузвий шиддат ва яна бир азиз нафсиға беадад меҳнат англаса, онча мутаассир бўлмаски, ўзига оз кулфат. Ва барчаға ўзгадин ўзи азирроқ ва

Ўзгалар сўзидин ўз сўзи лазизроқ. Олам яхшилигин киши ўзидин дариғ тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас.

### Танбех (2).

Эранлар ясанмоғиким, намойиш учундур, хотинлар безанмагидекдурки, оройиш учундур. Агарчи бу маъно иккиласига кабиҳдур, аммо эранларга кўпрак мужиби тафзиҳдур. Барча ўз намойиш ва оройишига алил ва бу ўз қошларида маҳбублукқа равшан далил.

Шоирки, ҳарзаси кулмакка лойик, ўз хаёлида Саъдий ва Хусравга фойик. Котибки калоғпойи зоғи мулаввас аёғидин манкуброк, ўз олида Жаъфар<sup>1</sup> ва Азхар<sup>2</sup> хатидин маҳбуброк. Мусаввирки, муваҳҳишдур суратининг ямони, ўз тасвирида Абдулхайдур<sup>3</sup> ва Моний<sup>4</sup>. Музаҳҳибки, хитойиси хатодур ва фарангиси қалам аҳлининг нанги, Аторидга<sup>5</sup> таън урмоқдур сўзининг ранги. Ҳар пешаварғаким, хунари таърифидида муболаға воқеъдур, ул таъриф, филҳақиқат, ўз нафсига рожеъдур. Жадал аҳлининг мадрасасида қийлу қоли ҳам худписандликқа тортар маоли, бу анинг сўзин рад қилур ва ул мунунг сўзин, ҳар қайси беганур ўз сўзин ва ўзин.

### Т а н б е х (3).

Худписанд — нохирадманд. Худоро — шоҳиди раъно. Мустағний — мағбун, мутакаббир — мальун. Шахватпараст — нафсга зардаст. Худпараст — бутпараст. Бу балолардин нафсин фано кутқарур ва бу маҳлақлардин нажот сари бошқарур.

### Т а н б е х (4).

Фано ахлига кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд. Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур холи. Кўп деган кўп янгилиур ва кўп еган кўп йиқилур.

Қолаб амрозининг моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демак. Кўп демак сўзга мағрурлук ва кўп емак нафсга маъмурлук. Одамийга бу сифатлар завоид, барчаси худпарастликқа оид.

### Т а н б е х (5).

Худпарастлиқки, эрур моддаи идбор, мунда дағи тавофут ва матиб бор. Худпарастки, не қилғони ўзига хўбдур, бу нописанд феълга тафовут кўпдур. Агарчи анга кўп ақсом лозим бўлур, аммо бу ерда ихтисор учун қисмга мунқасим бўлур.

Аввалғи қисм улдириким, ўзининг ақволи ва афъоли ва ашколи ҳар неким бор, ўзига хўб кўрунғай, агарчи элга мардуд бўлғай, анга маҳбуб ва марғуб кўрунғай, андоқки, мазкур бўлди ва авроққа мастур. Иккинчи қисм улдурики, жамни ҳолоти нохуш хаёлоти ўзига писандида ва рабоянда, мустаҳсан ва хуш оянда кўрунғай. Ва ул кабойихни яхши деб ўқунғай. Қариҳ зот ўзин Юсуфи Канъоний<sup>6</sup> дегай. Ва «анкар—ал—асвот»<sup>7</sup> унинг Юсуфи Андигоний<sup>8</sup> алҳони. Номавзун абётин Салмонинг<sup>9</sup> «маснуъ» қасидасидин яхшироқ билғай ва бемаъни ҳазаёнин Жоруллоҳ<sup>10</sup> битган «Кашшоф»<sup>11</sup> гумон қилғай.

Ҳақнинг ҳеч амрига бўюн қўймағай ва шаётиннинг барча буйруғин бажо келтурурдин тўймағай. Ўз олида доно ва чечан ва ҳар номақбул қиладурғони анга маъқул ва мустаҳсан. Майға ҳарис, бадмаст ва музмин, мажлисига гирифтор бўлғоннинг кутулмоғи номумкин.

Номуборак базмига улки гирифтор бўлғай, номатбуъ ҳаракотидин умридин безор бўлғай. Мажлисида ўкта ҳукмлар сураар чоғи, барча ижрони аҳком бир, бу доғи, гирифтор мажлисидин кўпарга сурук қалтабони монёъ ва агар ани ғофил қилиб эшигига



етса, дарбони монёъ. Мубталоға балое тушгайки, ўлумни кўзига, тўтиё қилғай, ўлтуруб сени бу балодин кутқорай деганга жонин фидо қилғай, гар кутулса, Рум, балки Фарангача турмағай, яна мажлис агар бихишт бўлса, ул ён қадам урмағай.

Бу худписанди бадкирдор ва бу лаванди мурдор бу палид мажлисидаким, зиндон андин яхшироқ ва бу нажис маҳаллидаким, мустароҳ андин ариғроқдур, агар илайидин кекирса ва кейнидин ўзга ел секирса, ўз қошида маҳбублуғи ул мартабада ва ўз афъолининг хўблуғи ўз олида ул масободаким, тамаъи буқим, базмидағи ҳозирлар ва бу аҳвол ва афъолиға воқиф ва нозирлар бу воқеъ бўлғон ҳаракотнинг ҳам унин дилписанд дегайлар, ҳам ройихасин судманд. Бу қабойихни киши анга айта олмағай ва айта олгоннинг сўзига қулоқ солмағай ва эшитса ҳам, мусаллам тутмағай ва номулойим ишини ўз «шариф зотиға» ёвутмағай. Носихға изо ва қасд этгай ва бу насиҳатдин анга кўп мазаллат етқай. Бу навъ кишики, анга мундоқ бўлғай кирдор, ҳало бу даврда мавжуд ва ҳозир бор.

Бу таврда яна азизлар ҳам жилва қилурларким, замон аҳли тааммул қилсалар борин билурлар. Агар баъзи мазкур бўлғон азизлардин кичик бўлса, баъзиси улуктур ва агар баъзи ишлари андиғ ўксук бўлса баъзиси ортуқдурким, кўпига бу фақири мазлум номақдур риоятлар еткурубдур ва муқобалада номаҳсур зулм ва тааддиларин кўрубдур ва кўрмасга солиб кечурубдурким, тенгри аларни инсоф ҳарамига хос қилғай ё бу мазлумни ва сойир мазлумларни алар зулмидин халос.

Бу мазкур бўлғон афъол ва бу мастур хисол барча киши қошида ўз маҳбублиғидиндур ва нафси шайтон амриға маъмур ва мағлублиғидиндурким, мажмуи замойим афъол мунга дохилдур ва барининг дафъи шикасталиғ ва фанодин ҳосил.

### Қитъа:

Кишики топса фано кўраси ўтиға гузор,  
Агарчи зотида юз навъ қалби ғашлиқ бор,  
Вужуди олтуни ул қалбу ғашдин айрилибон,  
Не жавҳарий ани кўрса топар тамом иёр.

Учинчи қисм. Бу навъ ишда муфрит безътидолликдур, ул ҳам уч навъдур. Аввалги нав — бу мазкур бўлғон атворда муфрити безътидоллик тузмақдур ва ул ғоятқача ифрот кўргузмақдурки, бошиға салтанат хавоси бунёд бўлғай ва ул бош бу ҳаво била барбод бўлғай. Ва бу навъ кўп беҳирад нодонлар ўзларин шарифу азиз тасаввур қилган уйла қиллатбонлар азизу шариф умр таркин қилдилар ва мазаллат ва ҳорлиқ била сиёсат дориға осилдилар ва тож хаёли била бошларин тарк эттилар адам мулки тахтгоҳиға кеттилар.

Иккинчи навъ — бу жамоатдин мутаҳаввиirroқ ва бу гуруҳдин худписандроқ ва мутақаббирроқ. Ул хайледурким, нубувват даъвиси майдониға маркаб сурдилар ва бу фосид хаёл қалъаси буржига алам урдилар ва шувбадаларига эъжоз туҳмати боғладилар ва бемаъни харзаларини ваҳий кисватида жилва бердилар. Ва ҳар хоин козибки, бу даъви қила киришти анбиё арвоҳидин анга жазо ва расволиқлар етишти. Ва дўзахқа етмасдин бурун баъзини куйдурдилар ва баъзини сўйдурдилар ва кулини кўкка совурдилар ва аларнинг фитнаси ўтин ўчирдилар.

Учинчи навъ — булардин дағи ғафлаткирдорроқ ва лаънатқа сазоворроқ ҳам ўтубтурларким, ғариб даъви йўлин тутубтурлар. Андоқким, Фиръавни беавн ва Намруди мардуд. Яна ҳам булардек беадаб ва беҳаёларким, қилиб саҳву хатолар оғизларига тош ва туфроғким, мазкур бўла олмас ишга даъви ва лофлар урдилар ва даъвилари устида газофлар сурдилар. Охир худованди бемислу монандким, анга йўқтур шабиҳ ва шурик ва волид ва фарзанд, яктоедур беҳамто, беиштибоҳу икроҳ (вахдаҳу ло шарика лаҳу ло илоҳа иллоллоҳ) <sup>12</sup> ғайрати илоҳий ва ғазаби номутаноҳий била аларға ҳам не расволиғлар

насиб этти ва дарак ул—асфалға кетиб, ишлари не ерга етти.

### **Б а й т:**

Заррадин минг қатла камракким, қуёшлиқ урса лоф,  
Кимки бўлса зарра ақли билурким дер газоф.

### **Танбех (6)**

Субҳоналлоҳ, не васиъ даргоҳ ва не рафиъ боргоҳдурким, анда пил хартуми пашша хартумиға забундур. Не ажаб, агар ақл саркаши мабхут ва илме сарнигундур анингким, юз килола пили бор эрди, ярим пашшаи муҳлик нишиға забун ва зор эрди. Бу даъвиға ул равшан далилидур асҳоби филвоқиаси била тайран абобилдур.

### **Т а н б е х (7).**

Ҳар неким, бақоси пайваста эмас, парастиишға шойиста эмас. Ҳар неким, бир ўзидекка муҳтождур, алмавҳият ва кишваридин ихрождур. Тенгридурким, кишига ўхшамас ва киши анга ўхшамас. Улки, бу навъ эмас, тенгриликка ярамас. Улдурким, не киши анга ўхшар, не ул кишига. Ҳар ойинаким, ҳеч кишининг ҳеч иши ўхшамас анинг ҳеч ишига. Не анга замону макон эҳтимоли, не замону макон андин холи. Не хало анинг еридур, не мало. Аммо хало ва ҳам мало андин тўло. Кибриё ва жабарут асоси холиқи Жаббордур. Бу сифатқа ул сазо ва бу сифат анга сазовордур. (Жалла жалолаҳу умма наволлаҳу ва ло илоҳа ғайруҳу)<sup>13</sup>.

### **Т а н б е х (8).**

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши. Мутакаббир тенгри дўстлари олида матъун ва тенгри қошида мардуд ва малъун. Худписанд, иши бари элга нописанд. Биликиға мағрур, билур элга маъюб ва тенгриға мақхур. Бутпарастлик яхшироқким, худпарастлик.

### **Т а н б е х (9).**

Яна бир амри азим эҳсондурким, анинг баёнида кўп сўз аёндур. Ал-инсонунубайд ал-эҳсон анга дол ва ҳалли жазо ал-эҳсон илал ал эҳсон<sup>14</sup> анга гувоҳи ҳол. Жамиъ мазоҳиб ва милал аҳли қошида собитдурким, яхшилиқ жазоси йўқтур — бажуз яхшилиқ ва нубуввати лисон мўъжаз баёниға дағи бу ишорат ўтубдурким, аҳсин кама аҳсана аллоҳу илайка<sup>15</sup> ул Ҳазрат мундоқ амр этибдурки, яхшилиқ еткур андоқким, тенгридин санга яхшилиқ этибдур. Бу амр сифатиға мавсуф бўлмоқ қадур, мундин азимроқ амр не навъ бўла олур ва анбиё ва ҳукамо ва авлиё ва уқало ва уламо дағи мунга мутаффикдурлар ва ҳеч киши муҳолифат қилмайдурлар ва мундин эҳсон тарик билмайдурлар.

Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжужи дафъиға садд бил. Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлик конининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур. Жамъи писандида сифот ва мустаҳсан ҳолат эҳсонға тобеъдур ва анинг зимнида мудариж ва воқеъдур; ул барча яхшилиқларға жомеъ ва бари яхшилиқлар, филҳақиқат, анга рожеъ.

### **Қитъа:**

Ажаб сифат эрур эҳсонки ҳар шариф сифат  
Ки, келса жинси башардин анга эрур дохил.

Жавоҳир англа сифот они жавҳарий қафаси  
Ки, бордур анда қаю бирни истасанг ҳосил.

## **Танбех (10).**

Аммо бу замон ва давронда ё даврони замон инқилоби қусуридин ё даврон ва замон аҳли хирад ва инсоният футуридин, холо бу варақ эврулубтур ва бу қазия бар акс бўлубтур, яхшилик жазоси хушунатдин ўзга ва мулоямат подоши такаббур ва руунатдин ўзга нақш тутмас ва сурат боғламас. Ҳар кимгаким, бир хизмат қилдинг ўн шиддатга мухайё турмоқ керак ва ҳар кишига юз мулоямат кўргуздунг минг ғилзат ва қудуратга сало урмоқ керак.

Аниким, бир дуо қилдинг, кўп қарғиш била қутулмоқ йўқтур. Бировгаким, бир мадҳ деддинг, ўн зам била халос бўлмоқ йўқтур. Бир соғар май бергандин қадах—қадах хуноб ютмоқ керак ва бир қадах нўш ичиргандин аёқ—аёқ захрга ўзни омода тутмоқ керак. Ҳар навъ хидматкорлик қилиб, муқобалада юз жафо ҳам кўрсанг яна хидмат кўз тутарлар. Ва агар вафодорлик қилиб, ўтруда ранжу ано ҳам чексанг, яна убудият тамаъ килурлар.

Ҳар вафога юз жафо тортмасанг, гунаҳкорсен ва ҳар меҳру муҳаббатга минг дарду меҳнат қабул қилмасанг, табаҳ рўзгорсен. Аларга жон фидо қилсанг, шукронаи жонга миннат қўймоқ тиларлар, агар бу шукронани адо қилсанг, такрорға шуруъ қилмоқ истарлар. Юз муддаолари ҳосил бўлуб, бири қолса, бошдин аёқ муқассирсен. Минг орзулари бутуб, киши бир узр ароға солса аёқдин бош мудбирсен. Ямонлик қилгонларнга минг ниёз кўргузсанг сенинг ишингдин ямонроқ ҳеч кишининг иши йўқ. Жонингни дўстлуғларида бермасанг, душмани жонинг эрурлар, хотирлари учун ноҳақ қонга рози бўлмасанг, қонингга тонуғлуқ берурлар. Доим тилаганларидек қилгонга бир қатла таъхир бўлса, шикоят ва ташниълари шоеъ ва мудом истаганларидек қилгонингга бир навбат тақсир бўлса, умрунгда қилгонларинг бари зоёъ. Паёпай олмоқ аларга хунар, юз дин бирига эваз хаёлидин кўнгулларига зарар.

Эмгаклариға кўп чидасанг, отинг беидрок, таклифларидин оз ёд этсанг, зотингга тухмат ва имсок. Борлар молингни фидолари қилсанг бир қатла саҳвдин унутсанг, лақабинг бемуруват. Жафоларн муқобаласида узрхоҳликқа жон бермасанг, хитобинг беаҳамият. Бошлариға гул сочсанг, алардин юзунгга тикан санчилур, агар ул гул сочмоғни бас қилсанг, бағрингга чўкур тикилур. Мутаоқиб ниёзларға мутавотир ноз пешалари ва паёпай ситамлариға дамодам лутфу карам кўз тутмоқ андишалари. Бечора ул мазлумким, бу зулмкешларға гирифтор ва бу ситамандешларға фармонбардор бўлғай, булар жафосин бу жафокаш жонидин сўр ва ситамлари жароҳатлари мажруҳ бағри захмидин кўр.

## **Қитъа:**

Жафоларким, менинг жонимға етмиш даҳр халқидин,  
Бири куффордин келмас асир ўлгон мусулмонға.  
Не бедодиким, истарлар қилиб сўнгра ўкуш тухмат,  
Дағи юкларлар охир бу жафокаш зору хайронға.  
Бу бедод ахлидин гар жон бериб махлас эрур мумкин,  
Қилиб жони фидо, биллаҳки, миннат қўйғамен жонға.

## **Танбех(11)**

Саховат ва ҳиммат бобида

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон не эътибор.

Баҳил беҳиштқа кирмас агар саййиди Қураший бўлсун ва сахий тамуғи бормас,

агарчи бандаи ҳабаший бўлсун. Сахий булутдур — иши хирмон, балки махзан бермак. Бахил мўрдур — даъби хўша балки дона термак. Ҳиммат аҳлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ. Ҳимматсиз киши эр сониде эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас. Олий ҳиммат шоҳбозедур баланд парвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи тоз. Шунқор маскани шоҳнинг билаги, юрутачи макоми ўлуксанинг сассиғ бадани ва сўнгаги.

Арслон иши сайд уруб сибоъни тўйғормоқ ва сичқон варзиши дирам ўғурлаб, тугунни ахтармоқ. Соҳиби ҳикмат муфлислиқ била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас. Чинор илги холилиғидин бийиклигига не нуқсон ва туфроққа ниҳон ганжлари била не улви шон. Ҳиммат аҳлиға агарчи бийик кавкабдур, аммо саховатға неча мартабадур, Исроф сахо эмас ва итлофни маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот учун бермак худнамолиқ ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлиқ. Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саҳодин йироқ бил; ибрам била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де.

### **Танбех (12).**

Хунарларни топмоқ — едурмакдур ва айбларни ёнмоқ — кийдурмакдур. Маҳаллида берган эски чортора тўн—саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб— шақоват. Десаанги, таоминг зоеъ бўлмағай — едур ва тиласанги, либосинг эскирмағай — кийдур. Сахо тарийқин мазкур бўлғон сўзла англа, аммо карам ойини ва футувват русуми ўзга англа.

### **Т а н б е х (13).**

Карам ва футувват тариқида

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдур ва ани ул суубатдин ўткармакдур. Бировнинг меҳнати хори ҳамлин қабул қилмоқ ва ул тикан нўгидин гулдек очилмоқ ва ул қилғоннинг тилга келтурмамоқ ва оғизға олмамоқ ва ул кишига миннат қўймамоқ ва анинг юзига солмамоқ. Карам сифоти акрам ул—акрамин ишидур, соҳиб карам киши ҳақнинг бу навъ сифатиға мутобеъ кишидур.

Бу даврда карам сабзаси таррафуруш дўконидин ўзга ерда топилмас ва меҳр гули сипеҳри тезкўш гулшанидин ўзга ерда очилмас. Карам башар табъида ноёб ва нобуддур, бу сабабдин карам аҳли нопаддо ва номавжуддур.

### **Т а н б е х (14).**

Карам «коф»ин гўиё кимё ибтидосидин олибдурлар ва «ро» син симурғ аросидин ва «мим»ин хўблар оғзидин тутубтурлар. Бу жавҳарни олам аҳлидин тиламак қуёшни заррадин тиламакдур ва фалакни суҳодин истамак.

### **Т а н б е х (15).**

Мурувват бобида

Маъдумлукда мурувват карамнинг уруғ — қаёшидур, балки тавъамон кариндошидур. Иккаласи чун эл бевафолиғидин огаҳ бўлубтур, булардин қочиб адам мулки сафарига ҳамроҳ бўлубтур. Соҳиби карам ул нафис матоидин айрилурни салоҳ билмайдур ва соҳиби мурувват дағи ул шариф халқидин айрилмайдурким, иккаласи қайда бўлсалар тенгри паноҳида бўлсунлар, иззат ва шараф оромгоҳида.

## **Т а н б е х (16)**

Вафо бобида

Вафо ул сифатдурким, карам ва мурувват халқни онсиз кўруб итибдурлар ва ани тиламакка адам мулки сори кетибдурлар.

Жаҳон гулшани вафо гулидин зийнатсиздур ва башарият гули вафо ройихасидин накҳатсиз. Вафо шамъедурким, даҳр тийра хокдонин ёрутмайдур ва замон бевафолари кўнгли била улфат тутмайдур. Наргиседурки, даврон чаманига кўз солмайдур ва кўнгуллариғунчасида хикду ҳасаддин ўзга қолмайдур. Маҳбубедур — пок хилқат, жуз пок кўнгулга унсу улфати йўқ. Матлубедур — покиза тийнат, жуз покиза фитратга майлу рағбати йўқ. Ва ул бўлғон пок кўнгулда қатъо қудурат ва кулфат йўқ. Дурредур самин инсоният тожига зевар, оламда инсоният нобуд ва гавҳаредур оташин — одамийлик бошига афсар, олам аҳлида одамийлик номавжуд. Вафога ҳаё била пайвасталиқ, андоқки, ҳаёга вафо била вобасталиқ.

## **Т а н б е х (17).**

Вафо зайлида ва ҳаё зикрида

Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд. Ҳар неча ул иковга нур била сафодур, бу икавга иттисол била пайванд. Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ андин умид кўзин ёрутса бўлмас. Маҳбубки, бевафодур — андин жовид висоли тамаъ кутса бўлмас...

Комиллар — аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

Вафо ва ҳаё олам тийра маконидин ўтубдурлар ва ломакон оламида макон тутубтурлар. Ва ўзларин бир—бирлари била овутубтурлар ва қолғон вафосиз беҳаёлар аларни унутубтурлар.

Ҳар кимгаким, бир вафо кўргуздум, юз бевафолиғ кўрмагунча қутулмадим. Ва ҳар ким билаким бир меҳру муҳаббат ойини туздум, минг жавру мазаллат тортмагунча халос бўлмадим.

## **Б а й т:**

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафоси кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд! То олам биносидур бу ўтга ҳеч киши менча ўртанмайдур, то бевафолиғ ибтидосидур бу ёлинга ҳеч ким мендек чурканмайдур. Замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар, ҳар қайсига ракам урай десам, Аюб сабри анга вафо этмас ва қалам сурай десам, Нух16 умрида тамомга етмас. Ҳақ ё аларга раҳм ва инсоф сари тавассул бергай ва бу маҳрум жафокашга сабр ва таҳаммул.

## **Б а й т:**

Ё марҳамат ул хайли ситамкорга бергил,  
Ё сабру таҳаммул мени бечорага бергил.

### **Т а н б е х (18).**

Ҳилм зикрида

Ҳилм инсон вужудининг фавоқиҳлиғ боғидур, одабийлиғ оламининг жавохирлиғ тоғи. Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилиқ кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошиға нисбат қилса бўлур. Ахлоқ шахснинг оғир баҳолиғ либосидур ва ул либос жинсининг сангин дебоси. Муҳолиф нафслар сарсари учурмоқдин асрағувчи ва мунофиқ, булҳаваслар ҳарзаси тундбоди совурмоқдин сақлағувчи. Ҳалойиқдин кишиға мужиби таъзим ва эъзоз ва акобирдин асоғирға боиси илтифот ва имтиёз. Неча улуғ киши тамасхур ва тийбат қилса, анинг қошида бешуқуҳ ва виқор. Нечаким, мусин киши ҳазл ва хиффат кўргузса, анинг қошида бешавқат ва безътибор. Аммо даврон боғининг хас ва хошақойинлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кўзига ҳилм аҳли оғирлиққа мансуб ва гарон жонлиқ била маънобдурлар. Қуюндек туфроғни ҳавоға совурурлар ва сабуксорлиқ била бошларин кўкка еткурурлар. Тоғ пайкорин аёғ остиға олмоқ ойинлари ва дашт ажзосин ҳавоға совурмоқ тамкинлари.

Елдек ҳар эшиқдин кирарга орлари йўқ, ўтдек оташдонлиғидин ўзга шиорлари йўқ. Ел агарчи лола тожин учурғай, аммо қиё камариға нета олғай. Ўт агарчи тоғ этагин куйдурган, аммо қуёш аҳгарига нечук ета олғай?

Ҳақгўй қушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғочнинг бемалол янғшамоғи малолат келтирур ва мусҳаф авроқин хирад пири тиловат қилурда лаим тифлнинг елпуғуч била варақни совурмоғи кудурат еткурур.

Аммо ел агар кўкка етсун сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсунки, соҳибвиқордур, ҳилмшиор. Анинг зимнида, ўтқа ёққудек ҳасу хошок, мунунг жавфида шоҳ тожиға тикилгудек лаъли оташнок.

### **Б а й т:**

Оғирлиқ вазнидиндур селдин ғамсиз Ҳирий тоғи,  
Енгиллик фартидин барбод эрур қомғоқ яфроғи.

### **Танбех (19).**

Тенгри дўстларининг ҳикояти ва алар ахлоқининг ривояти афсонасидурким, уюғон кўнглумни уйғотур ва таронаедурким, хиралиғидин қотган кўзни йиғлатур, Яхшиларға эришмақ — итни поклар чергасига қотти ва ёмонларға қоришмоқ — анбиё авлодин жаҳаннамға узатти.

### **Танбех (20).**

Ангаким, яқин кўзи кўрдур, тенгри дўстларини кўра олмас. Ва ангаким тавфик оёғи лангдур, тенгри йўлиға югура олмас. Агар киши подшоҳ ясоғлиғидур, ишининг илгари борури иноятға боғлиғдур.

### **Танбех (21).**

Агар ҳақдин иноят бўлса, қулла қули, шоҳлар шоҳи, агар ул қўлламаса, олам шайх уш—шуюхи олам номаи сиёҳий. Лукмонки<sup>17</sup>, бир қул эрди, ҳикмат ва нубувват била фарқин кўкка еткурди. Жолутқа анингдек минг қул эрди, ғазаб ва сиёсат тиғи била бошин ерга тушурди.

### **Танбех (22).**

Мазлумға бахшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсан. Зердастларға нафъ еткур, агар тиласангки, забардастлардин зарар кўрмагайсен. Хирадманд муҳолафатдин қочар ва мувофақатға мулоямат эшигин очар. Занбур ғавғосидин ниш мутасаввардур ва асал савдосидин нўш муяссар.

**Танбех (23).**

Саодатманд ул йигитдурки, шахват майли қилмас, бесаодат қариннинг илгидин худ ҳеч иш келмас.

**Танбех (24).**

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдурким, қаттиқ кўнгулни юмшатур ва қуруғ кўзни йиғлатур. Ва сўз аҳлининг дами бир елдурки, аноният хошогин совурур ва ғазаб туфроғин супурур. Ошиқ иши ажзу ниёз ва ишқ далили сўзу гудоз. Парвонага куймак ва ўртанмак ойин, булбулға нолау зор ва фарёди беихтиёрдин қайда таскин? Кеча ишнар курт забона ишин қилмас ва қўпалак парвона ишин билмас.

**Б а й т:**

Киши ўзин ясағон бирла бўлурму ошиқ,  
Субҳи козиб ёрумас, уйлаки субҳи содик.

**Танбех (25).**

Ҳар неким, бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур. Улки андин ўзга бориға маърази заволдур. Ул бири бол «лам язал ва ло—язол»<sup>18</sup>дур, анинг ишқин берк тут. Ул боқийдин ўзга бори фонийларин унут.

**Б а й т:**

Анинг ишқин берк тутмоқ керак,  
Яна бору йўқни унутмоқ керак.

**Танбех (26).**

Мажозий ишққа бир маҳбуб бўлғай, анинг ишқида беҳуд ва мағлуб бўлғай. Ҳақиқий ишқ беқарори ва анинг тажаллиёти садамининг беихтиёри, қалақ ва изтиробда анга яраша керак бўлғай. Ва галабот ҳам анга ўхшаши керак бўлғай.

**Б а й т:**

Саҳонинг ошиқи чун нола этгай,  
Қуёшнинг ҳолиға кўрким, не етгай.

**Танбех (27)**

Дўст висолин тилар бўлсанг, ошиқ бўл ва агар ўзлугунг била бўла олмасанг, ошиқлари теграсиға ўгрул. Ул ўт шуъласи агар санга хавасдур, бир шарар сенинг сори юзланса басдур.

**Н а з м:**

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар,  
Тушса гардун пардасиға ўртар андоқким ҳарир.  
Сенки, жисминг парда торидин дағи бўлғай наҳиф,  
Тушса ул янглиғ чоқин тузгайму ул тори ҳақир.

**Т а н б е х (28).**

Эранлар хизматиға улки умрин сарф этар, агарчи умри кетар, аммо жовид умриға етар. Ўзунгни бу зумрадин йироқ тутма, бошинг борса бу муддаони унутма. Умр фонийдур бевафо, ул боқий ҳаёт мужиби бақо.

### **Н а з м:**

Эранлар хизматидин чекмагил бош,  
Агар бошингга гардундин ёғар тош  
Ки, гар ул тош била бошинг ушалғай,  
Саодат хаттидур, гар захми қолғай.

### **Танбех (29).**

Валинеъматқа айб раво кўргувчи пирига муртад муриддур ва атосиға ҳаромзода ўғил, Муридға пир ва ўғулға ато ва ходимға махдум ҳаққи андоқдурким, бандаларға кодири кайюм ҳаққи.

### **Маснавий:**

Кимки ато амриға қўймас бўюн,  
Пир ила махдум ишин дер ўюн.  
Балки, чекар тенгри йўлидин аёқ,  
Тенгри била оқ бўлар, пирла оқ.

### **Танбех (30).**

Ҳаркимки, биров била ёрдур ёки ёрлиғ даъвийси бордур, керакким, ўзига раво тутмоғонни ёриға раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса. Бас машаққатким, андин руҳға алам етар, киши ани ўз жисму жониға тажвиз этар. Аммо ани ёриға тахайюл қила олмас, агар тахайюл қилса, ваҳшатидин ҳаёти қолмас.

### **Қитъа:**

Ёр улдурки, ҳар нечаким ўзига  
Истамас, ёриға ҳам истамагай.  
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай.  
Ани мунда шарик айламагай.

### **Танбех (31).**

Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат, мунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳи, мунга ҳам табоҳи. Пас улким, кўнгул мулкининг соҳиб жоҳи бўлғай шоҳлар шоҳи бўлғай. Бадан салоҳ ва фасоди, кўнгул салоҳ ва фасодиға тобеъ ва мулк обод ва хароблиғи шоҳ адл ва зулмиға рожеъ. Подшоҳ — мулк баданининг жонидур ва кўнгул — бадан мулкининг султони.

### **Б а й т:**

Мулк учун солим керактур хусрави кишварпаноҳ,  
Тан учун ул узвким, бўлди бадан мулкида шоҳ.

### **Танбех (32).**

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур. Аммо ҳар бири ўз маҳаллида хўбдур. Бас анга дўстдин душманни фарқ этарга кўп мулоҳаза керак ва фаросат ва ёрни ағёрдин ойирурға кўп тажриба керак ва қиёсат. Нечукким, андин бориға бийм ва



умид бор, заруратдурким, кўргузгай ўзин бандавор. Яқин бўлгунча ҳарқайснинг ҳақиқат холи номуносиб умрнинг бор эҳтимоли.

**Б а й т:**

Ногаҳон гар бетааммул сурса бир ҳукми аниф  
Ким, заиф андин қавий ёхуд қавий бўлғай заиф.

**Танбех (33).**

Ўкта ҳукми бировни қилса нобуд, ул замон пушаймон бўлмоқ не суд? Ё  
маҳалсиз бировни қилса олий шон, билгандин сўнг паст этса ўз шаънигадур зиён.

**Б а й т:**

Тааммул мунда вожибдур бағоят  
Ки, бўлмағай бу навъ иш бериоят.

**Танбех(34).**

Подшоҳ душманга андоқ ғазаб сурмак керакки, дўст ҳам андин эмин бўлмағай  
ва мухолифга андоқ сиёсат кўргузмак керакки, мувофиқ ҳам андиқ мутмайи қолмағай.

**Б а й т:**

Керакмас мухолифга онча инод  
Ки, қилғай мувофиқни безътимод.

**Танбех (35).**

Фосиқ олим донишваредур ўз нафсига золим, ғанийи бахил нодонедур, ўз  
зиёнига надим. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб  
бордилар. Бир улким, илм ўрганурга ранж торттию амал қилмади, бир улким, мол йиғарга  
эмгак чектию сарф қилурин билмади.

**Қ и тъ а:**

Олимеким, илми эрди беамал,  
Ё ғанийким, молиға бухл эрди ёр.  
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,  
Элга бўлди ишларидин эътибор.

**Т а н б е х (36).**

Ямонларга лутфу карам, яхшиларга мужиби зарар на алам. Мушукка риоят —  
кабутарга офатдур. Шағол жонибин тутмоқ — товук тухмин қурутмоқдур.

**Б а й т:**

Бўрини кўзи била қилган семиз,  
Кийик жамъу хайлигадур раҳмсиз.

**Танбех (37).**

Илм ўрганмак дин тавқияти учундур, йўқки дини жамъияти  
учун. Хайрсиз ғаний — ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим — доббаки анга юклагайлар

китоб.

**Б а й т:**

Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,  
Йўқ нафъ анга ғайри музд бирикки дирам.

**Танбех (38).**

Бахилнинг молин асардин меҳнати қаттиғ ва ҳасуднинг феъли уётидин айши аччиғким, ул ўз аносидин залилдур ва бу ўз қилиғидин алил.

**Байт:**

Анга молининг ҳифзи ранжу ано,  
Мунга феълинг зишти дарду бало.

**Танбех (39).**

Киши молидин неким бахра олди анингдекдур, ҳар неким асради ўзганинг.  
Заҳмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била душманлар учун асрама.

**Б а й т:**

Мол улдурким, эл андин топса баҳр,  
Душман андин топса тенгдур нўшу захр.

**Т а н б е х (40).**

Уқало салотин лутфиға эътимод қилмайдурлар ва ҳукамо мажонин қавлиға эътимод, жойиз билмайдурларким ул бири соҳиби ихтиёрдур ва бу бири беихтиёр.  
Хирадмандға иккаласидин эҳтироз қилмоқ сазовор.

**Б а й т:**

Ул чу соҳиб ихтиёр ўлди—ю бу беихтиёр,  
Иккисида жазму ҳикматнинг хилофи ошкор.

**Т а н б е х (41).**

Ҳар душвор ишки, мол сарф этмак била муяссардур — қилмасанг жонға хатардур, сарфин ғанимат бил ва саломат сори азимат қил.

**Қитъа:**

Дирам била бўла олса зарарни қайтармоқ,  
Хатодурур киши ул ишида айламак таътил.  
Анинг паноҳиға кир, тенгрини паноҳ айлаб,  
Валек айла бу хайр иш қилурда кўп таъжил.

**Танбех(42).**

Ҳар иш кифоятидаким, саранжомида ташаддуд бўлғай ва таъбға тараддуд, ул жонибни тутким, эмгаги озроқ юз бергай ва озори камрак хотирға кирғай.  
Дунёга тааллуқ ишини сахл тут ва дин ишида суд тасавури била кўнгулни овут.  
Нодон пандида ғалат муқаррардур ва душман насихатида фириб мутасаввардур.

Андин бози ема ва мундин ўзунгга бози берма.

**Б а й т:**

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,  
Не бозий емак хушу не бозий бермак.

**Танбех (43).**

Нафсдин санга зулм етса, надомат эшикин оч ва тенгри паноҳига қоч. Ва тавба  
этокига илик ур. Ул тавба устида мардона тур.

**Қ и т ь а:**

Нафси кофирдин неким етгай санга,  
Тавба айлаб, тавбада мардона бўл.  
Йўл икидур, журм бирдур, тавба бир,  
Ул йўқ ар боғланди, очуғдур бу йўл.

**Танбех (44)**

Агар баднафсдин зулм етса, шуқр вожиб била ва тенгри ҳамдин адо қилким, сен  
эмассен лозим, гар биз ул эмасдур мазлум ва ожиз. Мазлумлуқ ибтилосида бўлгон  
яхшироқким, золимлик балосида.

**Б а й т:**

Киши минг зулм агар чекса керак бўлмаса қонё,  
Лек бир зулмга минг навъ керак англаса монё.

**Танбех (45).**

Замон аҳлидин ўзин соҳибдил тутқон, ёлғон айтур ва бедил тутқоннинг ҳам сўзи  
ёлғонлик сори қайтур. Невчунким, улки соҳибдил, бу даъво зуҳри андин мушкул. Ва агар  
ул киши замон аҳлининг бедиллиғига юраксизлик маҳмил, бу кўнгул сен хаёл қилгон  
кўнгул эмас. Соҳибдил юракни кўнгул демас.

**Б а й т:**

Ҳам ани дажжол топиб, ҳам наби.  
Исо ила тенг бўлурму маркаби.

**Т а н б е х (46).**

Лаҳми порай санубари агар кўнгулдур, санубардек соҳибдил топилмас ва агар  
бу қон боғлағон ғунча пайкари кўнгулдур, баҳорда гулбундек пурдил киши тахайюл  
қилилмас. Аммо буларни кўнгул демак сазовор эмас ва кўнгул сўзу дарди буларда  
падидор эмас. Кўнгул маърифат боғидин ва ваҳдат раёҳинининг эсан насимидур ва  
руҳоният гулнстонидин ошнолик гуллариининг шамимидур. Ҳусн малохатин идрок  
қилғувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлиниға ёқилғувчи ҳам кўнгул. Хўблар ҳусни тузиға  
кабоблиғ қилғувчи ҳам ул ва жамол латофати ганжиға хароблиғ қилғувчи ҳам ул.

Ишқ мулки ободлиғи анинг ашки селобидин ва шавқ шабистони ёруғлиғи  
тобидинким, аҳли диллар кўнгли бу ишқ шуъласи нуридин ва ул шуъла нури суруридин  
айрулмасунлар ва риёи зуҳд хайлиға қотилмасунлар.

### **Б а й т:**

Мени бедилга, ёраб бу кўнгулни тутқил арзони,  
Они мендин айирма, дағи менсиз тутмағил они.

### **Т а н б е х (47).**

Ул кўнгулгаким, қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиғ тил захролуд нешдек бўлғай. Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки, тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур. Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тўшукдин чиқорур.

### **Б а й т:**

Ҳусну жамолсиз киши ширин калом этса  
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

### **Танбех (48).**

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз! Ҳарзагўйким, кўй такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча хургай. Ямон тиллик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошиға ҳам офат еткурур. Нодоннинг мувахҳиш ҳарзаға бўғзин қирмоғи — эшакнинг жиҳатсиз қичқирмоғи. Хўшгўйким, сўзни рифқ ва мусово била айтғай, кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, анинг сўзидин қайтғай. Сўздадур ҳар яхшилиқни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масихоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди.

Макрухеки, ҳарзаси тавил ва овози қарихдур, ўзи савти била қурбақаға шабиҳдур. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манбаъ ҳам тил, аҳли шақоватлар наҳс қавқабиға матлаъ ҳам тил. Тилига иқтидорлиғ — ҳақими хирадманд; сўзига ихтиёрсиз — лаими нажанд. Тилки фасих ва дилпазир бўлғай — хўброқ бўлғай, агар кўнгул била бир бўлғай.

Тил ва кўнгул хўброқ аъзодурлар инсонда; савсан ва ғунча марғуброқ раёҳиндурлар бўстонда. Одаме тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур. Айн ул—қузот тил шарафидин Масих гуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил сурътидин дорға сазовор.

### **Б а й т:**

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,  
Вуслат башорати яна жисмиға жон берур.

### **Т а н б е х (49).**

Тилдин азубат дилписанддур ва лийнат судманд. Чучук тилки, аччиғликқа эврулди, зарари ом бўлди, қандники, мускир бода қилдилар, ҳаром бўлди. Чучук сўз соф кўнгулларға қўшдур, барча атфол таъбиға мулойим ҳалвофурушдур.

### **Б а й т:**

Хуш сўзга ким ўлса масту беҳуш,  
Шарбат аро захрни қилур нўш.

### **Танбех (50).**

Харкимки, сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон. Ёлғонни чиндек айтқувчи суханвар — кумушни олтун рўкаш қилувчи заргар. Ёлғон афсоналарда уйқу келтургувчи, ёлғончи уйқуда такаллум сургувчи. Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур. Сўзнинг аснофи бағоят чўқдур, ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур.

Улки ёлғон била сарфи авқот этгай, анга бу ямон келмагай яна мубоҳот этгай. Агар мустамиьинни ғофил топқай, ёлғонин чинга ўтқарса мақсудин ҳосил топқай. Зиҳи тенгриға ямон банда, не тенгриднн, не халқдин шарманда. Мундоқ наҳсининг чун эрур юзи ямонлиқ сари, бу нуҳусатшиор қутлук уйдин ташқари.

### **Б а й т:**

Ул кишини қутлук эвдин ташқари сурмак керак,  
Қутлук эв дунё дурур, яьинкн ўлтурмак керак.

### **Т а н б е х (51).**

Бировким, ёлғон сўзни бировга боғлағай, ўз қаро бўлғон юзин ёқлағай, кабира гуноҳдур. Оз сўз ҳамки ўтрукдур захри муҳликдур — агарчи миқдори ўксукдур.

### **Б а й т:**

Заҳрининг оз эса миқдори доғи муҳликдур,  
Игнаниннг нўги заиф эрса доғи кўр қилур.

### **Т а н б е х (52).**

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга етқургай, элнинг ўтган гуноҳини ўз бўйниға индургай. Наммомлиқ чин сўзга мамнуьдур. Агар зуҳур этгай — хаёл қилки, ёлғон сўзга не етгай. Сўз тергувчининг агар улуғи, агар кичиги — балки эрурлар тамуғ ўтининг тутруғи.

### **Б а й т:**

Ким сўзни териб айтгувчи оғзиға бергай,  
Молик ани дўзах ўтининг дудиға тергай.

### **Танбех (53).**

Улки, жуз қувват даъвиси изҳор қилмас, гўёки, ҳақнинг қавий ул—матин эрканин билмас. Одамеки, қувват хаёлин кўнглига кечирур—туфроғедурким, ел урғоч учурур. Дунё дор ул—ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа ғафлат боисдур. Олам умрдек бевафодур ва анинг давлатиға эътимод қилмоқ хато.

### **Т а н б е х (54).**

Умрнинг букун тонглалиғи мафҳум эмас, балки бу кун ахшомғача не бўлури маълум эмас. Башар хайли дори бақоға аҳли азиматдур ва тириклик бир неча кун ғаниматдур. Бу дори фанони беш кун ғанимат бил ва дори бақонинг узун йўли яроғин қил. Ул йўл яроғи солиҳ амалдур, андин сўнгра эътимод ҳақ лутфиға иззу жулл. Амалеки, тенгри қабулиға шойистадур ҳам тенгри тавфиқига вобастадур. Амалға ҳам эътимод қилурдин кеч, анинг фазлу карами бўлмаса илму амал хеч.

### **Т а н б е х (55).**

Қуш то таманной хомға тушмас сайёд илгида домға тушмас ва анга то ажал қафаси эшиги очилмас, сайёд дому донасиға майл қилмас.

### **Т а н б е х (56).**

Салотин даргоҳидин йирок ва ҳавоқин базмгоҳидин қирок, балки теграсига ёвумагон яхшироқ. Булардин қочғилким, «алфирору миммо лоюток»<sup>19</sup>. Бировким, ҳар не кўнгли тиласа қила олғай, анга ўз ихтиёри била яқин борғон — ўзини ўзи балоға солғон. Ройи тутса айблар олида ҳунар ва ҳар шойиста ҳунар қошида айбдин батар. Мундоқ маҳдум хизматин ихтиёр қилғон мардаки ҳар. Киши манфаат учун шер асармен дегайму ва хосият топар умидға захр егайму? Салотин хизматиға журъат кўргузмак, ўз риштаи ҳаётин узмоқдур ва оғуни ичарга сурмак ва аларға тақарруб тиламак ўз қатлиға бало тифин бийламақдур. Кулмаклариди чоқин ҳукми бор, ёруғлуғи безътибор ва куйдурмаги вужуддин қўймас осор.

### **Қитъа:**

Чоқин ёруғлиғи мадди самодин арзғача,  
Замони тули ики лафз ўқурғача етмас.  
Вале не ергаки тушти қатиғ ва гар юмшоқ,  
Бериб ани сувға то етмагай қарор этмас.

### **Т а н б е х (57).**

Хукамоким, салотин ҳоли кайфиятин билибдурлар, аларни ўтқа ташбиҳ қилибдурлар. Ўт нафъ еткурур йироктин, андин мунтафеъ бўлмоқ авло қироктин. Оташгоҳ ўти қирокдин нафъ еткурур, ичига тушганни филҳол куйдурур. Анга ёвумоқ номуносибдур ва андоқ балодин ҳазар вожиб.

### **Байт:**

Ўтдин исинурғача овуч оч,  
Куйдургудек англасанг кейин қоч!

### **Т а н б е х (58).**

Подшоҳлар зикрида

Баъзи карим подшоҳлар зикрида ахлоқ ва бурдбор подшоҳи олий миқдори комкор дарёи мадҳиға ботибдурлар ва ани кўпрукка ўхшатибдурлар. Бу маъни билаким, кўпрук махлуқотнинг хасис ва шариф юкин кўтарур. Аларни сув заҳматидин ва болчиг машаққат ва ғилзатидин ўтқарур. Ва баъзиким, таважжух андешаға қилибдурлар, анинг нисбатин бешаға қилибдурлар. Бу муносабат билаким, барча анвоъи ҳайвон ва инсон ва баҳойим ва сибоъ, балки номаҳсур вуҳуш ва таюрға паноҳ ва оромгоҳ берур, емак ва ичмакларидин етқарур. Ва баъзиким, нафъин ом ва инъомин фош дебдурлар, бу хосиятларда они қуёш дебдурлар, яъни шаҳр ва биёбонни равшан этар ва вайрон ва ободқа андин ёруғлуғ етар. Ва баъзиким, рафиъ ва нофеъ ва фалаки жаноб дебдурлар. Бу муносабатлар била они саҳоб дебдурлар, яъни қаро туфроққа дуррлар сочар ва нишлик тикондин гуллар очар. Ва баъзи турк ҳукамоси ва бу қавм оқилу доноси ўз таврлари бирлаки, калом сурубтурлар они бўз кийизга ўхшата масал урубтурлар, яъни сувдин ва туфроғдин юзига не келса таҳаммул қилур, яъни ўзига сингирур. Агар ниш урсалар ва чўқур санчсалар сувурғондин сўнг юзига асар етқурмас, яъни ўзига келтурмас. Ва агар икки муҳолиф жамоат ҳар қайси бир тараф тортса, ҳар сори ул жамоат муносабати майл қилур, илик тортсалар яна ўз ҳолиға кўра йиғилур. Яна ҳамки, васфи ажносин бир—бири устига терибдурлар муносиб нималарға нисбат берибдурлар. Аммо сўз ихтисори жиҳатидин татвил ваҳмидин нукта узотилмади ва сўз кўпрак айтилмадиким, бу мазкур

бўлгонча юз одил салотин сифатида бор ва барчада зикр қилгонча минг бирнинг подшоҳимиз зотида тааммул қилгон топарки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мазкур бўлгон салотинга то туфроғ ҳазизида қарор бергай. Анга сипехри салтанат авжида мадор насиб қилгай то синуклар иши андин бутгай ва йиқилганларга андин дастгирлик етгай. Омин, ё рабил—оламин.

**Б а й т:**

То қамардур, отиға наъл ўлсун,  
Қуёшдур, бошиға лаъл ўлсун!

**Т а н б е ҳ (59).**

Ёлгончи — унутқувчи ва тааммул ва эҳтиёт йўлидин канора тутқувчи. Ҳар кимки, сўзи чин бўлмагай, ростлар кўнглида ул сўз қабулойин бўлмагай. Ёлгончи сўзин бир икки қатла ўтқаргай, ўзга нетгай? Ёлғони зоҳир бўлгондин сўнгра анга расволиғ етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай. Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.

**Б а й т:**

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур .  
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

**Танбех (60).**

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар. Кўп дегувчи — мумил, мукаррар дегувчи — лояъқил. Айбжўй — маъюб, айбгўй — манқуб. Туз кўргувчи — пок назар, хунар кўргувчи — рост басар. Улким, димоғида ҳабт — сўзида йўқ рабт. Димоғи саҳиҳ — гуфтори фасиҳ. Сўзи ҳисобсиз — ўзи ихтисобсиз. сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик. Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлик зевари басдур ёлгончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилға иборат содалиғидин йўқ таассуф. Гулга йиртуқ либосдин не зиён, дурға бадшакл садафдин не нуқсон. Ёлгон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирадманд.

**Б а й т:**

Сўз ичраки ёлгон эрур нописанд,  
Чу назм эттилар қилди доно писанд.

**Танбех (61).**

Нодон — эшак. Балки эшакдин ҳам камрак. Эшакка ҳар не юкласанг кўтарур ва қаён сурсанг ул ён борур, ақл ва тамиз даъвийси йўқ. Бермасанг очдур, берсанг тўқ. Забунедур боркаш, хоркаш, балки анборкаш. Нодон бу сифатлардин мубарро, зоти билик ҳулясидин муарро. Иши ғурур ва такаббур, хаёлида юз фосид тасаввур. Бари муҳмали ўзига хўб, барча макруҳ феъли ўз қошида марғуб, кўнглида элга юз озор хаёли ва жаҳлидин улусға минг зарар эҳтимоли. Эшак унидин кулокқа озордур, андин ўзга не айби бордур. Тегирмондин уюнгга ун келтурур, ани пишурурга ёзидин ўтун келтурур. Машаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутағаййир, эшак қошида ямон ва яхши деган бир.

**Б а й т:**

Бирида мунча хунар, ул бирида мунча уюб,  
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб.

#### **Танбех (62).**

Шариат — жодаедур туз, анда хоҳ кеча юру, хоҳ кундуз. Сиротедур, бағоят мустақим, анда озикмоқдин не ваҳм ва не бийм. Ҳар кимки, ул йўлга одим бўлғай, ики жаҳон саодати анга мулозим бўлғай. Андин чиққан итти, туз боргон мақсадға етти. Ҳар солиқким, мақсадға етибдур, бу йўлдин чиқмай кетибдур. Озиқиб чиққан, айтибдур, бу сирот истиқомати анга даст берди «Фастақим кама умирта»<sup>20</sup>. Маъмури ул эрди, қилдин инчка, қиличдин итик йўлдур. Ҳар ким бу йўлни мардона қатъ қилса, эр улдур! Ангаким, сироти муст тақимдин абур бўлмас, насиби жаннатда кавсар ва ҳур бўлмас.

#### **Б а й т:**

Жодае шаръ билақимки, ўзин туз қилди,  
Давлати сармад анга ҳар соридин юз қилди.

#### **Танбех (63).**

Фосиқи бенадомат — шум, қиладурғони саодат аҳлиға мазлум. Зухду фисқ элга тақдири Яздондиндур, аммо иккаласини бирдек кўрмак нодондиндур. Тақвойига шукр керак ва исёниға узр. Ва надомат будур тавфиқ аҳлиға аломат. Ҳар фисқким, пушаймонлиқ ўтин ёрутқай, ул ўт тардоманлиқ олудалиғин қурутқай. Журм эътирофиға узр — тавфиқ нишонаси ва зухд ғуруридин такаббур — шайтон фасонаси. Бу зухд шайхи худписанд иши, ул узр ринди ниёзманд иши. Бу бири умиди жовидға сармоя ва ул бири маиси муаббадға пироя.

#### **Маснавий:**

Ҳар зухдки, уjb анга эрур зам,  
Кўнглум ҳарамига қилма маҳрам.  
Ҳар фисқи, узр анга эрур ёр,  
Ул ён мени мойил айла зинҳор.

#### **Танбех (64).**

Ямон қилиғлиқ бадхўй ва бот аччиғлиқ туршрўй бир балоға гирифтордур ва бир ибтилоға мубталоқим, ҳар ён борса андин қутулмас ва ҳар сори қочса халос бўлмас. Голиб душманедур — доим ўзи анга мағлуб, қоҳир адуведур — ҳамиша вужуди анга манкуб.

#### **Т а н б е х (65).**

Кулагач юзлук хуш ахлоқким, нифоқ кудуратидин бўлғай йироқ, гулшани биҳишт эрур жилвагоҳ ва мақоми ва фирдавси аьлодур таҳаррук ва ороми. Очук юзидин халойиққа нишот ва чучук сўзидин улусға инбисот. Мардумлуқ била кўнгулларга маҳбуб ва инсоният била жонларға матлуб. Осуда андин ёру ағёрки, мундоқ киши бўлсун умридин бархурдор.

#### **Маснавий:**

Юзидин кўнгулларга айшу тараб,  
Сўзидин баданларға дафъи тааб.

Очуғ чехраси тоза гулдин нишон,  
Ҳадисиға булбул бўлуб жонфишон.



### **Т а н б е х (66).**

Душман ғуруридин ғам ема ва маддох хушомадин чин демаким, анинг ғарази ўз максудиға комдур ва мунунг максуди сендин муҳаққар инъом. Агар иккаласига илтифот қилмасанг ва қабулин лозим билмасанг, ул ўз қасди ижросидин муаттал ва тадбири муҳмал бўлур ва мунунг мадҳи ҳажвға мубаддал бўлур.

### **М а с н а в и й:**

Бирисига ғараз ўз муддаоси,  
Бириси қасди инъом илтимоси,

Чун сендин топмадилар ҳеч парво,  
Бири хасму биридур ҳажворо.

### **Танбех (67).**

Муваҳҳиш хабарни чиндур деб дўстға еткурма ва бировнинг айби воқеъ бўлса юзига урма. Қўйғилки, ул чин хабарни душман еткурсун ва таҳаммул қилки, ул айб можаросин адувси сурсун.

### **Н а з м:**

Не сўздинки, етган бировга ғубор,  
Не лозимки, сен қилғасен ошкор.  
Қўяберки, қилсун аён душмани.  
Ки, бордур адоват адувнинг фани.

### **Танбех (68).**

Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулук ҳам эмас. Бировки кўзи аҳвалдур, чун хилқати холиқдиндур — анга не мадҳалдур. Бу сўзни анинг юзига қилмоқ изҳор бартақдирки, чиндур, аммо не лутфи борки, ҳақ сунъиға эътироздур ва ноҳақ бировга хижолат ва ўзунгга нодонлиқ изҳоридур ва бир кўнгулга маломат. Бу навъ ваҳшатангиз чиндин бўл йироқки, мулояматомиз ёлғон андин яхшироқ.

### **Б а й т:**

Ёлғон ўлса мулояматомиз,  
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

### **Танбех (69).**

Башар жинсиға ўз хатоси дилпазирдур ва мардуд фарзанди ногузир. Ямон шеърдекким, табъ зодасидур, иккаласи башар табъи натижасидур ва моддаси. Агар манкуб бўлсун ё марғуб, ўзига кўрунғусидур маҳбуб. Оқил бу тарийқин шиор қилмас ва яхши—ямонни ҳақ ортуқ ва ўксук билмас.

### **Маснавий:**

Ямон—яхшини тенгридин англағил,  
Ямонни ямон, яхшини яхши бил.  
Ямонни агар яхши қилсанг гумон  
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

**Танбех (70).**

Қаноат — истиғно сармоясидур ва шараф ва иззат пироясидур. Муфлиси қонъ — ғаний ва шоҳу гадодин мустағний. Тамаъ мазаллатға далил ва ғанийи томеъ— хору залил. Тамаъ била улким ола олуру ва олмас, бу адами тамаъ ҳеч саховатдин қолмас. Бу навъ сахо аҳли қаримдур ва тамаъ хайли лаим.

**Б а й т:**

Хорлиғлар боши тамаъ билгил,  
Доимо «азза ман қанаъ» 21 билгил.

**Танбех (71).**

Борлиғки, лутфу карами ом бўлғай, йўхсулликда анга барча элдин ком бўлғай, ком бўлса, боре хижолат бўлмағай ва эл сарзанишидин малолат боре бўлмағай.

**Б а й т:**

Чу дафъи хижолат эруру комча,  
Надомат нўққи элдин инъомча.

**Танбех (72).**

Бот муяссар бўлғон кечга тортмас ва ўкмак била баҳоси ортмас. Сафол чўчак хар дошдин минг чиқар, қиймати бир дирамдин ортуқ эмас ва кунда юз синса киши ҳайф демас ва таассуф емас. Чиний аёғ қиймати ясарда суубатиға кўрадур, асрамоқда эҳтимом қийматиға кўрадур. Қуймати оз — ҳурмати оз.

**Б а й т:**

Қаю матоъким оз воқеъ ўлса қиймат анга,  
Эруру мувофиқ анинг қийматича ҳурмат анга.

**Т а н б е х (73).**

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошукқон кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошукмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улўғ ёшлиғ киши ишидур.

**Б а й т:**

Ҳар кимсаки айламас ошукмоғни ҳаёл,  
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

**Т а н б е х (74).**

Разли данийким, ҳазл қилиғи бўлғай, кулдурмак учун тобоннинг қичиғи бўлғай. Фасақа хайлида муқаллидеки, ғарази эл кулгусидур, гўё фоҳишаи қаҳбанинг кўрганни кўргузган кўзгусидур. Ракик ҳазл иштиғоликим бўлғай бировнинг мужиби инфиоли ёмонларға шиордур ва яхшиларға, андин ордур.

Мутоябаки, боиси инбисот бўлғай, хуштурки, мужиби фараҳ ва нишот бўлғай. Адосида ракик гуфтор йўқ, бировга андин хижолат ва озор йўқ. Ул зарофат ва ибҳатдур, андинки ўтти сафоҳат.

**Б а й т:**

Тийбат хуш эрур бўлса дақойикдин анга зеб,  
Чун бўлди сафоҳат нетар ул сўзни киши деб.

#### **Т а н б е х (75).**

Май ичмак наҳй эрур тенгри қавли, ҳар ҳол била анинг тарки авли. Ошкор ва кўп ичмаги носоз, шарти махфий ичмакдур ва оз. Оз ичмаги ҳикматқа дол махфий ичмаги хуш аҳлиға хисол. Яхши ичмаги хилқати солим элга ҳол, мутлақ ичмаги офиятқа маол.

Улки «умм ул—хабоис»<sup>22</sup> бўлғай, анга шефта бўлмоққа ҳам умми хабоиси боис бўлғай. Ямонроқ ичгучи анга мағлуброқ, ҳар неча ямонлиғи зоҳир бўлса анинг қошида махбуброқ. Бадмастқа дамодам ичмоғидин не баҳрким, одамийлиғ қатлиға ичар қадах—қадах захр. Ҳар оқшом усруклардин хориж тарона, телба итлар улушқондин нишона. Мастлар орасида бир хушёр — хушёрлар орасида бир маст ҳукми бор. Манҳидур улки ошкор тоат этгай, ошкор маъсиятға кўрким не етгай.

#### **Б а й т:**

Кимгаким ҳақ рўзи айлабдур тарийқи офият,  
Ошкоро айламас не тоату не маъсият.

#### **Т а н б е х (76).**

Кўп дегувчи, кўп егувчи — томуғ тўрига ошуқуб кетгувчи. Демакка машъуф ва емакка мағлуб — ҳикмат шарафидин мардуд ва маслуб. Ҳасуд бемор, балки муҳлик маразға гирифтор. Фосиқ ва хаммор — зиёнзада ва зиёнкор. Ғийбат дегувчи — нажосат егувчи. Афюнию банги — одамийлар нанги. Томеъ умри зоеъ ва малолати шоеъ. Эр киши кўп ясанса бева бўлғай, бу сифат зуафоға шева бўлғай.

#### **Б а й т:**

Эр кишига зебу зийнат — ҳикмату донишдурур,  
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.

#### **Танбех (77).**

Қариким, қилғай раънолиқ — тифледурур ноболиғ. Кичик ёшларға улуғлар ҳаракоти анга далилдурким, не акли бўлғай, не уёти. Қариким, сақолин вусма била бўяғай, йигитдекдурким, ани гулоб била ювған. Муфлис бурч олсаки базл қилғай, сақол ораста қилурким, ҳазл қилғай. Агар бурчиға суд ортар, ўз бўйнин боғлаб зиндонға тортар. Эр кишиким, кўп ясанғай, хирад аҳли анинг ақлидин ўсанғай.

#### **Р у б о и й:**

Ийд оқшоми тифл илгида чапу рост ҳино,  
Ё шоҳиди шўх эгнига хаззу дебо.  
Шоистадурур қари бажуз далку асо,  
Кўргузса сақолиға куларлар уқало.

#### **Т а н б е х (78).**

Ғанийға чапон киймак андоқдурким, муфлисға атласу катон киймак.  
Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлик чапони била махбуб.  
Зухал бийик мақом била меҳри ховарий бўлмас, дев бихишт ҳулласин кийган била пари бўлмас.

Кампир ҳарам нозанини бўлурму, кафтор ғазолаи Чин бўлурму? Қари қаҳба гулгунау вусма била юзу қошлиғ —бузуқ мафсақадур, шингарф ва зангор била

наққошлиғ. Хожаким, биби борида додакка айланғай, бибининг иффат этаги кулға булғонғай.

**Б а й т:**

Кишиға бұлмаса ўз шаънига шойиста сифот,  
Қилмасун айб ўзидекдин доғи андоқ харакот.

**Т а н б е х (79).**

Нодонға сўз демак айғоғдур ва кўп демаги йўртоғдур. Оз демаги носих ва демамаги — муслих. Элнинг махфий айбин пайдо қилмоқ — ўзин безътимод ва ўзидекни расво қилмоқдур. Йўкким, ўзидекни расво қилмоқ ва ўзининг ҳам бу навъ айбин ошкоро қилмоқдур.

**Б а й т:**

Эл айбини айтурға бировким, узатур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

**Танбех (80).**

Илм ўқуб амал қилмағон, ерни шиёр қилиб тухум солмоғонға ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмағонға.

**Б а й т:**

Илм ўқуб қилмағон амал мақбул,  
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

**Танбех (81).**

Усрук сўзига ҳикмат мухוליфи жавоб хирадманд иши эмас ва телба рамзиға ақл муқтазосидин ўзга хушманд нукта демас.

**М а с н а в и й:**

Кишига неча келса мушкул хол,  
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.  
Кесак отқонға чекар юмруқ,  
Тўни йиртуқ дурур, сақоли юлук.

**Танбех (82).**

Мушфиқ носих сўзин эшитмагоннинг сазоси таассуфи мукаддардур ва ўзига носазо демак.

**Б а й т:**

Хирадманд пандини кўрган ачиғ,  
Сўнгида пушаймонлиғи не асиғ.

**Танбех (83).**

Хунарманд қошида беҳунар илик тебратмаса, айб тухматин анга тақар. Итолгуга туғдорининг кучи етмаса, сонгғи била ани булғор.

**Б а й т:**

Басо ожизки хасм остиға ётмиш,  
Оғиз суйин анинг юзига отмиш.

**Танбех (84).**

Сайёдниг балиққа шаст солмоғи нафс муддаоси учундур ва балиқнинг ҳам кармоққа гирифтор бўлмоғи жуъ балоси учун.

**Б а й т:**

Бўлди сайёдғау сайдға нафс орзуси қайд,  
Йўкса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

**Танбех (85).**

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сихҳатқа боис. Оғизға келганни демак нодон иши ва оллиға келганни емак ҳайвон иши.

**Б а й т:**

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,  
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

**Танбех (86).**

Голиб душман забунинг бўлса шод бўлма ва иши андишасидин озод бўлмаким, сиёсатида таҳаммул вожибдур ва риоятида тааммул.

**Б а й т:**

Душман ражоу хавфи десангким, фан ўлмағай,  
Андоқ тирилки, кимса санга душман ўлмағай.

**Танбех (87).**

Олимки, жоҳилни муқобалаға келтуруб, илзом қилмоғи ҳавас бўлғай, анинг ўзига ушбу ихонат—ўқ бас бўлғай. Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай.

**Б а й т:**

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,  
Хирад англарки, қаю бири бирини синдурғай.

**Танбех (88).**

Гавҳар балчиққа тушган била қиймати ушалмас ва ўз баҳосидин қолмас. Эшак мунчоғин тожға тиккан била фируза ерин тутмас ва ҳеч ким анинг кам баҳолиғини унутмас.

**Қ и т ь а:**

Зевар била шакли хўб бўлмас,  
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ.

Ҳарнеча қоронғу бўлса ҳужра,  
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

**Танбех (89).**

Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият — ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма.

**Қитъа:**

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар  
Тушса нажосат ичра юғай кимса ани пок.  
Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

**Танбех (90).**

Ҳазлға шуруъдин беҳурматлиғ ортар ва ҳазлнинг ниҳояти жидолға тортар. Кўп лаҳв ҳаё пардасин чок этар ва адаб ва ҳурмат аҳлин бебок. Қила олғонча таъзим ва адаб биносин йикма ва ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чикма.

**Р у б о и й:**

Иймонға эрур нишон ҳаё бирла адаб,  
Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб.  
Ҳаёву муаддаб ангаким, бўлса лақаб,  
Мақсудиға кеч етса ажаб, англа ажаб.

**Танбех (91).**

Фосиқ бари миллатда нодондур ва покравлар орасида нодонроқ. Фисқ бари тарийқда ёмондур ва порсолиқ илбосида ёмонроқ. Не элга ёрсен — ўзунгни ул навъ туз, нечукки борсен — ўзунгни андоқ кўргуз.

**М а с н а в и й:**

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,  
Яна айла таъзиму ҳурматни фош.  
Не эл ери бўлсанг, алар ранги бўл,  
Нечук бор эсанг, тутқил ул сори йўл.

**Танбех (92).**

Саҳву хато башарият лозимидур. Хато ва саҳвин англаб мутанаббих бўлғон, саодатманд одамийдур. Хатосин зойил қилур, улки эътироф сари қайтғай, ва музоаф қилур, улки далил ижро қилиб ҳарза айтқай. Муболағаси неча кўпрак — саҳви пандороқ ва мукобараси неча ортуқроқ — ўзи элга расвороқ.

**Маснавий:**

Хатоға тадорук недур беҳилоф,  
Аён қилмоқ ўз саҳвиға эътироф,  
Вагар қилса саҳвиға ижро далил  
Ки, яхшидур айлар ики онча бил.

**Танбех (93).**

Ҳар ғанийки тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмағай. Эҳсон тирикликда яхши отдур, ўлгандин сўнг дўзах азобидин нажот.

**Қитъа:**

Кишида барча ахлоқи ҳамида,  
Чу жамъ ўлди кўярлар отин эҳсон.  
Бири андин саходур, бир мурувват,  
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

**Танбех (94).**

Бахилнинг андоқки, бугун топқони захира бўлғай, тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра бўлғай. Зухду тақво барча вақтда дилписанддур, йигитликда дилписандроқ. Тавба ва истиғно ҳама вақтда судманддур, қариликда судмандроқ.

Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ. Яхшилиқ ва ёмонлиқни ким қилдиким, жазо кўрмади. Салоҳ ва фасод тухмин ким эктиким, ўрмади.

**Б а й т:**

Яхшилиқ тухмин сочғилким, будур деҳқонға сўз  
Ҳарнеким, эқтинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

**Танбех (95).**

Иззат аҳлики мазаллатқа тушти санъат илги йўқтуру ва савол тили. Анга тараҳхум қилмоқни ғанимат бил ва илгингдин келганча эҳсон қил. Йигит гадоким, бел ура олура ва ўтун ташимоғни билур, анга нима берган тенгри молин зоеъ қилур.

**Танбех (96).**

Зарбафт қисватлиғ дунёгузин нажосат устидаги илтироғучи чибин. Муттақии поқрав масжидда мўътақиф бўлғон чоғи мусҳаф авроқи орасида гул яфроғи.

**Маснавий:**

Бири байт ул-ҳаром ичра фаришта,  
Бири дайр ичра шайтон барча ишта.  
Не ҳожат шарҳ қилмоқлик тафовут  
Ки, байтуллох диндур фарқи собут.

**Т а н б е х (97).**

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз—оз ўрганиб доно бўлур, қатра—қатра йиғилиб дарё бўлур. Ўрганурдан қочғон лаванд ва юзига ҳиял ва баҳона эшигин очғон тананд. Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд.

**Б а й т:**

Илмди орий улуснинг жоҳили худкомаси,  
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

**Танбех (98).**

Гадозодаи хирадманд — акобир ҳамрози, ғанийзодаи лаванд — арзол дамсози.  
Ул илму дониш юзидин салотинни қилиб ҳожатманд, бу жаҳл ва инод фартидин халойик  
қошида нописанд.

**Қ и т ь а:**

Басо ягонаи муфлиски мулк султони  
Улум масъаласида эрур анга муҳтож.  
Басо жаҳолату бебоклик фанида ғаний  
Ки, подшоҳ они ўз мулкидин қилур ихрож.

**Танбех (99).**

Тинч кўнгул била ёвгон умоч яхшироқким, такаллуф ва машаққат била қандий  
кулоч. Эски чапон била фориг туфроғда ўлтурмоқ яхшироқким, зарбафт хафтон кийиб  
бирова олида турмоқ.

**Қ и т ь а:**

Гадолиғ бўреси узра мискин  
Ки, хотир фориг ўлғай ҳар таабдин.  
Кўп ортуқким бўлуб ўзунга маъмур,  
Хазу дебода ер тутсанг тарабдин.

**Танбех (100).**

Ҳар кишиким, бир қавмининг сулук ва оҳангин тузар, тадриж била ҳамул  
қавмининг рангин тутар. Ҳар кимгаким, пайравлиғ этар, ул мутобаат хосиятидин ул етган  
ерга етар. Агар сўз санга кўрунса маҳол, асҳоби қаҳф била итларидин ҳисоб ол.

**Қитъа:**

Набий ўғли томуғни қилди маскан,  
Томуғ аҳли гуруҳин чун эришти.  
Ва лекин жаннат аҳли пайрави ит  
Етишти қайдаким ул эл етишти.

**Танбех (101).**

Одамин шариф ул—қавнайнду<sup>23</sup> ва ит нажис ул—айн<sup>24</sup> аммо ҳақношунос ва  
бевафо одам ҳақшунос ва вафолиғ итдин кам. Вафолиғ қўтуз ит яхшироқким, ва росиз хуш  
барно йигит.

**Қ и т ь а:**

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,  
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.  
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,  
Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

**Танбех (102)**

Нафспарвардин ҳунар келмас — емакдин ўзга ва нафспарастдин нафъ етмас —  
демакдин ўзга. Ул бири бари ҳаром таомдин ва бу бири барча таърифи каломдин.



### **Маснавий:**

Ул бири луқмау навола сўзин  
Айтиб ончаким холи айлаб ўзин.  
Бу ўз авсофиға муарриф ўла,  
Айлабон базми анжуманни тўла.

### **Танбех (103).**

Тенгри эл айбиға нозир ва сотирдур. Бовужудким, жазосиға қодирдур. Ва тенгри душмани ани кўрмас ва билмас. Аммо тухмат била фош қилурда тақсир қилмас.

### **Маснавий:**

Тенгри ишин қилмоқ эрур фарзи айн  
Ким, кўрубон айламоқ шўру шайн.  
Кўрмойин улким, иши бўхтон эрур,  
Билки бу хислат била шайтон эрур.

### **Танбех (104).**

Хирадмандға эл хатосидин панд етар ва савоб йўқлиға азм этар, андин бурунким, анинг хатосидин панд олғайлар ва айбин анинг юзиға солғайлар.

### **Қ и т ь а:**

Оқил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,  
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин,  
Қўймас анинг хатосиға эл айлаб эътироз  
Айтурға юзи ўтрисида сахвининг сўзин.

### **Танбех (105).**

Шабоб айёми зикрида

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг нахори. Бу биридин айшу нишот гулларининг очуғлуғи ва ул биридин завқу инбисот уйларининг ёруғлуғи.

Инсоннинг зебу раънолиғи андин ва башарнинг тобу тавонолиғи андин. Ҳавос ва қувоға андин қувват, жаворих ва аъзоға андин сиҳҳат. Кўнгулга ишқ ошуби андин ходис ва шўхлар сари ошуфта бўлмоққа ул боис. Йигитларга ҳусну ноз туғёни анинг мағрурлиғидин, қариларға ашқу ниёз тўфони анинг маҳжурлиғидин. Кўз уйи машъали андин равшан ва юз боғи анжумани андин гулшан. Нозанинлар ҳусни истиғносиға сабаб ул ва ишқойинларға ишқ балосидин мужиби ранжу тааб ул. Забардастлар бошида мулк ҳавоси шўри андин ва зеридастлар аёғида ҳам мулкдин жало бўлиб қочмоқ рўзи андин. Чобуклар анинг натижасидин майдонда тақовар чопиб, балки ул тақовар ҳам анинг нашъасидин майдонда югурурга қувват топиб, маъсиятдин нафсға йигитликда ком топмоқ ҳам ибодатдин руҳға йигитликда бийик мақом топмоқ. Харобат аҳлиға риндлик ва мастлик йигитликда дилпазир ва муножот аҳлиға порсолиғ ва худпарастлиғ йигитликда беназир.

### **Рубой:**

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз.  
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўрқутунгуз.

Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,  
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

### **Танбех (106).**

Шайхухат зикрида

Шабоб майининг махмурлуғи қарилик ва йигитлик сиххатининг ранжурлиғи қарилик. Шайхухат айёми нишот аҳлин ношод қилурким, одаме қаддин ҳам қилиб, умр била хайрбод қилур. Ҳавас ва орзулар шохи кўнгулда синар, балки борча тараддуд ва ҳаракатлардин кўнгул тинар. Сарбаландлиғи хаёли боштин чиқор. Надомат ва ҳасрат ашки сели қасри деворин йиқар.

Номуродлиғлар зиндони будур ва ноумидлиғлар байт ул—эҳзони ҳам будур.

Қад эгилмаги туфроққа майл этмакка дол, шохидлардин танаффус бу маъниға гувоҳи ҳол. Илиқ титрамоғи умр бодаси хуморидин. Ҳофиза ўрниға нисён ер тутуб, ўрганмоқни, балки унутмоғни ҳам унутиб. Баданға сиххатдин асар қолмас ва кунгулға хушу хираддин хабар қолмас.

Йигитларга таҳайюр анинг мабхутлуғидин, ўғлонларға тамасхур анинг фартутлуғидин. Ҳар сари мўйидин бир мараз пайдо, қарилик ва минг иллат анинг зотидин хувайдо.

Аёл ва атфол ториқиб муҳофазатидин. Навкар ва чокар озиқиб анинг мулояматидин. Турлук — турлук иллат бадани уйида ўкулуб, ажаб—ажаб мараз қасратидин ҳаётдин тўнгулуб.

Маъмурлар нофармонлиғидин рўзгори қатиг ва маҳкумлар бесомонлиғидин тириклиги ачиғ.

Оғзи сўлакайи сўз мазасин оқизиб, мараз қасратидин мушфиқлар оғзиға сув томизиб. Эрники, бир—бирига қовушмай ўз ҳолиға кулуб, боши кўксига тушуб, оғзи ҳуққасидин доналари тўкулуб. Сиххат уммиди хаёли кўнглидин йироқ, тирикликким, ўлмак юз қатла андин яхшироқ.

### **Рубоий:**

Чун кетти йигитлику узолди қарилик,  
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исик.  
Оғзиға ҳаёт шарбати бўлди ачиғ,  
Ўлмоғ хушроқки, умр бу навъ қаттиқ.

### **Рубоий:**

Афсуски, умри навжавонлиғ кетти,  
Танға қариликда нотавонлиғ етти,  
Гар юз йил улки комронлиғ этти.  
Чун топмади маргдин амонлиғ, нетти?

### **Танбех (107).**

Пешаи соликка ер зарур эркониға одамизод вужуд мулкидин хонапардоздур. Ва адам кишварига сафарсоздур. Сафар махсус санга ва манга эмас ё хусусият қилгонни киши шоҳу гадоға демас. Ҳар ким адам ниҳонхонасидин вужуд анжуманиға қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур, яна қайтиб асли ватанға азм этмак керак ва қайдин келибдур яна ул ён кетмак керак. Беш кун бу дори фано тириклигига масрур ва давлатиға мағрур бўлмоқ керакдур. Ўлумдин гузир йўктур ва ҳеч кишига ул муҳликда дастгир йўк. Пас, анинг япроғида бўлмоқ заруратдур ва борур асбобин тузатмак чорасиз суратдур. Ул сафар асбоби солиҳ аъмолдур ва ҳамида ҳисол. Ва

анинг зикри иккинчи қисмда тафсил ва тартиб била рақамга келди ва машруҳ битилди. Аммо мусофирга йўл суубатининг суҳунати учун ва водий йироқлигининг дафъи шиддати учун ёмон уқбаларким, олдига келур ва азим мухотараларки, воқеъ бўлур, раҳномалиғи учун ва мушкулкушойлиғи учун бир нимаким, ногузирдур комил раҳнасои пирдурким, анинг иршоди бўлмаин бу йўлга азм қилмоқни акобири авлиё (қуддиса аллоҳу таоло арвоҳаҳум)25 жойиз тутмайдур, балки солик атвори ва сулукига ёвутмайдурлар. Ҳар ойинаким, мусофир кўрмаган йўлга қадам урса ва етмаган водийга югурса, йўл йитурмак эҳтимоли бор ва йўлдин озмоқ имкони бор. Ул уқубатдин ва анда юзланган хатаротдин мусофирни ходий ўткарур ва комил муршиднинг иршоди мақсадқа еткурур. Ва яна аҳлуллоҳки, ҳақ йўлига қадам қўюбтурлар ва талаб маркабин шавқ водийсиға сурубтурлар, комил пир иршодидин айру азм қилмайдур ва бу йўлда ходийсиз мақсад манзилиға етмайдурлар. Агар аҳёнан юздин бир солик зоҳир юзидин муршид пири нобуд экандур, аммо маъни йўлидин мавжуд экандур ё ғойиб муршид таквияти бирла ё мутаваффойи комил руҳонияти тарбияти била азм этибдурлар ва матлубиға етибдурлар. Мақсудким, бу йўлда нафс душмандур ва шаётини раҳзан ва ҳар қайси азим махофат ва улуғ офатдур, то ходий бошқармағай ва муршид муҳликдин ўткармағай. Бу йўл катъи мутаассирдур ва мақсадға етмак мутааззир. Ва ўзлуки била бу водийга етган ва манозилин катъ этган аноният гирифторидур ва нафсға тобеъ ва шайтоннинг масхара ва маҳзалидур ва ранжи зоеъ Бу мақсудға бир восита бўлмай етмак мумкин эмас ва муршид раҳнамой бўлмай, бир унинг етганин киши демас. Муридни мақсудға еткурғувчи ҳақдур воситаи пир ва солиқни матлубқа қўшулдурғучи ҳам ҳақдур ва василаи ҳам пир.

Тамсил: Манқулдурким, қутб ус—солиқин ва султон ул орифин, ҳақиқат аҳли имоми, Шайх Боязид Бистомий26 (қуддиса сирриху) бир жонибға бўлуб эрди озим ва бир муриди анга мулозим. Бир улуғ сув илайларига келди. Ва Шайх «Оллоҳ!» деб ул сувға қадам урди ва муридға «Боязид», деб қадам урмоқ буюрди. Шайх ва мурид «Оллоҳ» ва «Боязид» деб борурлар эрди. Ва сабо ва насимдек сувдин ўзларин ўткарурлар эрди. Ногоҳ мурид хаёлиға келдиким, Шайх Оллоҳ зикри била борадур ва мени йўлда бошқарадур, мен ҳам восита шамъин ўчирай ва ваҳдат баҳрида Оллоҳ зикри била қадам урай. Бу муддао била улки қадам қўйди, ботти. Шайх дастгирликка қўлин узотти, илкин тутуб чекти, баҳр соҳилиға отти ва муҳлика ғарқобидин судради эмин манзилиға ва деди: Эй фарзанд, сен ул Боязидға ет, андин сўнгра тенгриға етмак ҳавас эт. Анга бу навъ сиёсат сурди ва иршод шартин бажо келтурди бу йўл ходийси ҳар кимгаким, пирдур мундоқ ҳалоки ғарқи обларидин дастгирдур. Мақсудки, пир иршодидин айру бу йўлга қадам урмамоқ керак, балки дам.

### **Р у б о и й:**

Кимни бу йўл қатъиға солди тақдир,  
Пир амрини қилмаса, керактур тағйир,  
Онсиз қадам урса, англа макру тазвир,  
Мальун деса беҳракки, десалар бе пир.

### **Танбех (108).**

Сафар манофии зикрида

Арзи сокин қайда ва сипехри даввор қайда ва туроби мутамаккин қайда ва кавкаби сайёр қайда?!

Ул бири сукундин хоксорлар пойандози бўлди ва бу бири таҳарруқдин сарафрозлар сарафрози.

Ранж ва машаққат мояи тавозуъ ва адабдур ва сафар ранж ва машаққатға сабаб.

Сафар кўраи гудоз ва сўздур ва ул гудоз ва сўз эрнинг вужуди олтуниға иёрандуздур.

Сафар маҳжурларни матлубиға еткурғувчи ва маҳрумларни мурод уйиға кивурғувчи ва хомларни пиширғувчи ва таомларни сингурғувчи. Олам ғаройибидин баҳра еткурғувчи ва офариниш ажойибига иттилоъ берғувчи.

Бузурғворлар мазорати файзига мушарраф ва мукаррам бўлмоқ сафардин ва файзосор эранлар хизматиға муаззиз ва муҳтарам бўлмоқ сафардин. Соликнинг атвориға андом берғувчи сафар, кўнгулнинг ҳар сари ҳаво қилуриға ором берғувчи сафар. Мусофирни манозиллардин бохабар қилғувчи ул, ул марохилға раҳбар қилғучи ул. Иссиқ—совуқдин жонға интибоҳ берғувчи ул, аччиғ—чучукдин кўнгулни огоҳ қилғувчи ул. Сафар водийсида мусофир аёғиға дарду бало тиканлари кўп сончилур, лекин ҳар тикандин мақсуд гули очилур. Йўл эмгаги шиддатидин бадани кўп товшалур ва вужуди роҳравлар аёғиға тўшалур ва аъзоси ул аёғ остида ушалур, аммо кўнгли бузуғлуғлари ясалур, ва руҳи кўзгуси сафо олур.

Ҳар кишварнинг оройишини ва ҳар манзилнинг осойишини сафар аҳлидин сўр ва мусофирдин кўр. Сафар қилмагон ором фароғатин қайда билсун ва ғурбат чекмаган ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум қилсун. Дарёки сокинур, суйидин ютса бўлурму ва рўдким мутаҳаррикдур, зулоли таркин тутса бўлурму? Таҳаррук аҳлиға ҳаётдин асардур ва жамодот хайли тириклик нишонасидин бехабар. Бу сайр агарчи зоҳир сайридин ҳикоятдур, аммо ҳақиқат йўли сайру сулукидин қиноятдур. Ул махсус эмас сукун ва ҳаракатға, муқайяд эмас батий сурьатға ва ани дебдурларки, анжуманда хилват ва ватанда сайр ва ҳаракат.

#### **Қитъа:**

Бу жамоатдурки, манзилгоҳдин олмай қадам,  
Кўз ҳам очмай ул тарафким, олами кавну фасод.

Баҳрдин заврақни тортарлар тутуб соҳил сарги  
Ким, ани ғарқ этгали еткурмиш бўлғай тунду бод.

#### **Р у б о и й:**

Ёрабки, бу қавмким эрур хизрқадам,  
Ўлган кўнгул эҳёси учун исодам.  
Ўлган ва итганларга қилиб лутфу карам,  
Еткургандек еткур менинг бошима ҳам.

#### **Танбех (109).**

Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзин айтурда бевахму бок бўлғай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдурки, мусулмонлар анинг тил ва илгидин эмин бўлғайлар ва кўзи кўнглидин мутмаин.

#### **Танбех (110).**

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ кўз тутмас, яхши ёмонларға ҳам яхшилигин унутмас. Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлиқ ҳам боре қилма. Яхшиликдан ёмонлиғни яхшироқ билмасанг, яхшиларға қўшул, яхшилиқ теграсиға эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.

#### **Танбех (111).**

Фисқ шумлуғидин ўзингни яхшилардин ҳуратма ва ёмонлар орасиға котма. Ул шум агарчи ақлға макруҳдур, аммо нафсға маҳбубдур; агарчи ҳақ йўлида мағмумдур,

аммо шайтон йўлида марғубдур.

### **Танбех (112).**

Бир неча журъани баданға дохил қилиб, бир неча қатрани андин хориж этма. Ул журъа қудуратидин сафодин айрилиб, ул қатра хуружидин бало дарёсиға ботмаким, ул журъа селоби балодур, дину иймонинг йикар, ул қатра гирдоби ранжу анадурким, анинг била ҳаётинг нақди чиқар. Бадан дуржидин дурларниким сочтинг, холи бўлдуңг ва жисм шишасига ул журъалар йўлин очтинг — нафсу ҳаво поймоли бўлдуңг. Ул журъа моддаи фасоддур, танингға ёвутма ва ул қатра нақди ҳаётдур — таркин тутмаким, мунинг қабулидин шайтон мақбули ва мақсудисен ва анинг раддидин раҳмон мардудисен. Ани ичмак — жигар қонин ичмақдур ва мундин кечмак — бир жигар гўшадин кечмақдур, ул бирин ютмоқдин заҳр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин қурутма.

### **Танбех (113).**

Дардлиғ кўнгул — шуълалиғ чароғ, ёшлиғ кўз сувлуқ булоғ.

Тева кушин юклаб кўчса бўлмас ва чодир қанотин очиб учса бўлмас. Ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ. Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била. Сихҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема. Яхши либос — танға оройиш, яхши қўлдош — жонға осойиш. Томеъдин карам тилама, гадодин дирам тилама. Бахилдин амонат ажаб, каримдин хиёнат ажаб. Чоқин сиймин ўкса бўлмас, ёши риштасин тугса бўлмас. Телба қулоғига панд — қуюн асғиға банд.

### **Танбех (114).**

Бебок — ҳамдамликқа ярамас, нопок — маҳрамликқа ярамас. Эрнинг қилиғи — сутнинг илиғи. Ясанчоқ — мардона бўлмас, кўпалак — парвона бўлмас. Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин гунгранма.

### **Танбех (115).**

Моллиқ нодоннинг демаги, олтунлуқ чибиннинг емаги маълум. Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама. Кулар юз билан ато, сахо устига сахо. Ариғсиз иш сафо бўлмас, ип ганчиси асо бўлмас. Анингким шоҳларға хизмати хўбрақ, кўркунчи кўпрақ. Ишқсиз кесак, дардсиз эшак. Қонеъ тиланмас фарзона, қаноат туганмас хизона. Элға кўшулғон оройиш топти, элдин узулғон осойиш топти. Ҳар югурган ёвушмас, ҳар айрулғон қовушмас. Жухуд ўз динидин маҳжур, хасуд ўз феълидин ранжур. Хасм неча ҳақир бўлса, кўнгул кўзғатур ва хас неча ушоқ бўлса, кўз булғатур. Душман сўзи тўзими элдин, сув хатлари — елдин. Ушоқлар иши нима бўлмас, писта қобуғи кема бўлмас. Душман мақолоти — банг ҳаёлоти.

### **Танбех (116).**

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон ҳамон. Ямон била яхши орасида кўп фарқдур икки кеманинг учин тутқон фарқдур. Ҳар қавм ойини била зухур қилсанг алардинсен алар ямон бўлса, сен — ямон ва алар яхши бўлса, сен яхшилардинсен. Пас ўзни яхшилар орасида яшурғон ва алар этагига илик урғон яхшироқдур ва хавфу биймдин қироқдур. Итга эранлар суҳбатидин эранлар ҳукми бор, нажас тузлоққа тушса, туз ҳукмин тутар. Басо қобилки, яхшилардин айрилди, ямонлар суҳбати ани зоеъ қилди.

Саидзодаиким, лўлиларға ўткангай, маймунбозлик ва дудуктарошлиқдин ўзга не ўргангай. Шоҳ қасри кабутариким, саҳройиларға кўшулғай, кеча кўнар ери чоҳ тубидин ўзга не ер бўлғай. Ёмондин яхшилиқ кўз тутмоқ фосид ҳаёлдур, итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур. Зоти душман ва муҳолифни дўст дема, ўзунгга бози берма ва бози ема.

Табиий душман вақте дўст бўлғайким, сув ўтни ўчурмагай ва ел туфроғни совурмагай.

Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий мухолифат: бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадур ул чоғдин ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ ғолиб бўлса, ўтни ўчирур.

Одам била шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунга дўст тутма. Отангни бихиштдек маъманидин жало қилди ва йиллар хокдон ғарибистонида залил ва мубтало қилди. Ва отанг авлодидин баъзи анга интиком туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чун тақво риёзати била зеридаст қилдилар — шайтонни залиллик била ерга паст қилдилар.

Сизнинг бу адоватингиз ҳаргиз адам бўлмас. Бу душманлик орангиздан ҳаргиз кам бўлмас. Бу ғолиб душмандин бир дам ғофил қолма, ўчуролмас исён ўтин ўз хирманинга солма.

### **Танбех (117).**

Нодон дўстни ҳам дўст сониға кивурма, хирадшамъин анинг ҳарза афсонаси елидан ўчурма. Басо тифлким, айни муҳаббатдин ато сақоли тукин тортиб узубтур ва сажжодаси мехробида беадаблиғ кўргузубтур ва намозин бузубтур. Ва баср мастким, ниёз юзидин аёғ ўпкали эгилибдур ва беихтиёр қайддин покдоманлар этагин мулаввас қилибдур. Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони кўпрак бор ва мунга алар била ихтилот қилмамоғ керак.

### **Танбех (118).**

Башар жинсидин вафо кўз тутма ва хирад нахлин фосид хаёл самуми била курутма. Бир вафо қилсанг, ўн жафо тортарға муҳайё бўл, мунча била қутулсанг, жонға миннат тутуб узрларин қўл.

Юқорироқ вафосиз аҳли замон достони ўтубтур ва хирад замон аҳли ерларини унутиб, вафо ойинидин маъзур тутубтур.

### **Танбех (119).**

Хўб — руҳафзо, зишт — умр фарсо, хушхулқ нозанин — ҳури бихштойин. Ёмон мижозлик зишт — деви дўзах сиришт. Муханнас не ҳашвки демагай, макиён не нажосатки емагай. Эрдин сўз ҳунар, энчидин бўз ҳунар.

Жумрий ўкунуб бийик бўлмас, ўчку югуриб кийик бўлмас. Кўнглида халалликқа кулгу ҳаром, шоҳ оллида душманликқа уйқу ҳаром.

Тенгри борчани ўз йўлида раҳзандин асрасун ва шоҳ оллида душмандин асрасун.

### **Б а й т:**

Ўз йўлида тенгри тутсун элни душмандин йироқ,  
Шаҳ қошида кимки шайтонвашдурур андин кироқ.

### **Танбех (120).**

Умрни ғанимат бил, сихҳат ва амниятқа шукр қил. Фано тарийқин туз, факр била мубоҳот кўргуз. Мазҳабингни ихфолиғ била элдин яхши асра ва ёрмоғингни яхши ва ёмондин махфий асра. Афтодалиғ била хўй тут ва шикасталиғ била кўнгулни овут.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма. Оз деган — оз енгилур, оз еган — оз йиқилур. Очлиғ ҳикмат сармоясидур ва тўқлуғ ғафлат пироясидур. Тўқлуғ хирсин кўнгулдин йўқ қил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўқ қил. Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос зеболиғин тиласанг бир ялангни буткар. Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингни кийдурганингни авлодур.

### **Б а й т:**

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,  
Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур.

### **Танбех (121).**

Хар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу матоъ олам аҳлида оздур. Башар жинсин розингга маҳрам билма, балки малакни ҳам ўзунгга маҳрам қилма. Ўзунг асрардин агар санга малолдур, яна биров ани асрамоқ маҳолдур. Ўз махзанингни очсанг ва махфий дурларингни сочсанг, терган киши сепамай неткай ва асра деб, муболаға қилгонинг не ерга етгай? Ўзунг ўз сиррингни асрай олмагонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб ҳам қилурсен.

Бу сир асрамоғингдин лавҳашаллоҳ ва эътироз қилмоғингдин боракаллоҳ!  
Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбиға кўз солма.

### **Б а й т:**

Бийнандадур ўлса киши ўз айбиға ҳозир,  
Кўз очма бўлурға, яналар айбиға нозир.

### **Танбех (122).**

Чин сўзни ёлғонға чулғама, чин айта олур тилни ёлғонға булғама. Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлғон сўз дегувчини беъътибор қилур, нечукким, ул гавҳарни хазафдек хор қилур. Улки чин сўзни ёлғонға қотар, дурри саминни нажосатға отар.

### **Б а й т:**

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,  
Ташлағон они нажосатға ажаб бадбахт эрур.

### **Танбех (123).**

Тенгри дўстлари сидку сафо маъданидур. Ёлғончини дебдурларки, тенгри душманидур.

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил. Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама. Сўз борким, эшитувчи таниға жон кижорур ва сўз борким, айтғувчи бошин елга берур. Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтғон сўзла бут. Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма. Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сипамоқ бошқа офатдур. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт. Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.

### **Маснавий:**

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.  
Киши чин сўз деса зебо дурур,  
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

### **Танбех (124).**

Уйғоқлиғда не олинга келса, қазодин кўр, уйқуда ҳар не тушунга кирса, яхши йўқ. Элниң сўзига ҳар не ёмонлиқ маҳал топма, ғолиб адув мағлубинг бўлса, шаръ тарафин зоҳир қилиб, хайр жонибин ёпма. Қавий душман забунинг бўлса мурувват қил, карам ва авф кўргузгил.

Золим ва бедард суҳбатида нукта сурма, наммом на номард мулояматида дам урма. Доно иликдин борғондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу била қайтмас.

Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур ва ҳол муғтанамдур. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур».

### **Б а й т:**

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,  
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

### **Х о т и м а д а:**

#### **Танбех (125).**

Сувдин асрағулукдур туфроқ ва балчиғ уйин. Ва ўтдин асрағулукдур яғоч ва камиш уйин. Ва елдин асрағулукдур бўз уйин. Ва туфроғдин асрағулукдур кўз уйин. Жамиъи мосиваллоҳдин асрағулукдур кўнгул уйин.

### **Б а й т:**

Нечукким, тўрт уйга тўрт зидди нуксони шойеъдур,  
Бешинчи ун дағи ағёрдин ул навъ зоеъдур.

Олам асбобининг туганмаслигида бу танбехдурлар: Масалан, бировким кирпичдин бир—бирига фарш тўшар бўлса, чун маъхуд будурким, хиштни дарз бар дарз солмас, қироғларин бир—биридин ўткариб, аввалғиға ёндоштура солғон икки хиштнинг тарафларида икки улуғ фаржа пайдо бўлурким, яна икки хишт тилар. Они солмоқ лозимдур. Бу қиёс била минг ё икки минг хишт фарш соли(н)са бу навъ фаржалар бағоят кўп ҳосил бўлур. Ҳар қайсининг ислоҳиға яна хишт солғон сайн ул фаржалар ул хишларга кўра кўп зоҳир бўлур. Агарчи ул фаржа зоҳир бўлғон такмили учун яна хишт соли(н)са, арзи оллоҳ воссат юзни, балки кураи арз даврасин тамом хишт солмоқ лозим бўла келур. Бовужуди улким, бу маҳол хаёлни киши тааққул қилса туганмоғининг имкони йўқтур. Қиши туганмагини фараз қилса, ул фаржалар бирла минг, балки юз минг билониҳоят ортар. Аларинг ислоҳини маҳол фараз бирла ҳам тааққул қилса бўлмас. Мунинг иложи ва тадоруки хиштни зовия қилмоқ била ва андин ҳам ушоғроқ ушатмоқ била муяссар бўлурким, муддао қилғонча ерга чун фарш тўшалди, пайдо бўлғон фаржаларға кўра хишларни ушотиб солғайлар ё ул душворлиғ осонлиғ била илайдин кўпқай.

#### **Танбех (126).**

Келдук мушаббахаким, олам асбобидур, киши тиласаким, кўнгул тилагандек ва башарият томеаси тақоза қилғондек асбобини тузатгай нима кўп керак ул кераклик нималардин бир нечаси муяссар бўлса, яна анинг итмоми ва такмилиға юз онча, балки кўпрак керак бўлур ҳам анинг анжомин тааққул қилса ул ҳам мужиби завоидлар бўлур. Андоқким, анинг саранжомининг тасавури маҳолотқа юз кўяр. Масалан, баъзи салотиндекким, неча иқлимни олдилар ўзга ақолим хаёли бошлариға тушти, мунинг дағи иложи ва тадоруки бир неча муддаодин кечмак ва бир неча орзудники башар табъининг лозимасидур, ўтмак била ҳосил бўлур. Эмди сўзнинг аслиға шуруъ қилоли: Бу олам асбоби муддао ва орзусин андоқким, бирор нима хотирдин салб қилғон била кўп ташвиш



за таклифдин махлас вокеъ бўлур, агар билкулл тамоми муддао ва орзудин киши илих тортса, дунёнинг барча офат ва балиятидинким, иштиғоли ҳақ йўлининг монёидур, озод ва фориғ бўлмоқ муяссардурким, бу давлат кўп мувофиқ бандаларга даст берибдур ва арода бор экандурлар ва ҳоло ҳам бор эканлар. Ва аларким, ародин чиқибдурлар, зикрлари машойих ва уламо кутубида мазкурдир.

Эмди келдук мушаббаҳаким, фарш тўшмамакдур, ул дағи андоқ хишти ушотқон била, зовия қилғон била кўп мушкуллиги осонлиққа юз қўяр. Агар бу фарш хаёлин тамом кўнгулдин чиқарулса, киши ул маҳол тасаввурдин ҳам тинар ва халос ҳам бўлур ё ўйга агар фарш бўлмаса танаъумоти ва талаззузотидин не ўксугай. Ва авлиё (қуддиса аллоху асрорихум) ахлоқ ва сифоти таърифида, балки анбиё (саловотиллоҳи алайхум) аҳком ва шароеъи зикрида ўй фарши сўзи ўтубму экин андоқким, ўй фаршига ҳеч иш вобаста эмас ва ул ҳеч ишга муҳтожи алайх эмас. Фил—ҳақиқат олами асбоби дағи беш кунлик умрдаким, ниҳояти ўлмакдур ва барча конлар ютуб ҳосил қилғон асбобин юз ҳасрат ва армон ила қўюб кетмак.

Ҳар кишиким, ҳақдин қабул саодатиға мушарраф бўлубтур, ани рад қилибдур ва бори аҳли қабулнинг мардуди билибдур чун ани тамоми хотирдин маҳв этибдур, асли мақсудиға этибдур. Ва ул мушаббаҳ ва мушаббаҳунбиҳ аросида бу тафовут ҳам борким, ул фаршқа шуруъ ва таркидин фоилиға суд ва зиёники, айтса бўлғай, йўктур. Ва дунё асбоби иштиғолидаким, ҳақ йўли сулукидин монёидур бир нафс юз оламча зиён ва ҳар дам минг фалаки аъзамча нуқсон кутишдин равшанроқдур.

**Х и к о я т:** Хорун ар—Рашид<sup>27</sup> Шайх Баҳлул<sup>28</sup> суҳбатин ҳавас қилди ва ул матлуб ҳусулин мултмас қилди. Баҳлулғаким, бу хабар етти, Хорун суҳбатин мушарраф этти. Халифаким, Баҳлул аёғин ёланг кўрди, кафш киймаганнинг кайфиятин сўрди. Мажзубким, йиллар кафшсиз сайр этиб эрди, кафш деган нима ёдидин кетиб эрди. Билгачким, кафш дунёда мавжуд бор, табассум била дедиким: «Киши ани тиласа қайдин топар?» Хорун дедиким: «Бозорда кўптур. Олур ани ҳар кишиким, ҳар қайси аёғига хўбдур». Баҳлул сўрдиким: «Ҳар ким ани олмоқ майли қилур, аммо баҳоси қайдин топилур?». Хорун айттиким: «Баҳосин биз саранжом қилали ва сенинг учун сотқун олали». Баҳлул дедиким: «Ани кийган гоҳи аёғидин чиқарса, ким асарар ва кеча уюса, ким сахлар?» Хорун дедиким: «Қул бераликим, асрасун ва сен қайда чиқарсанг, сахласун». Баҳлул дедиким: «Ул ҳам ёланг аёғ бўлса нетай? Қафш олай деса баҳоси қайдин етгай? Хорун дедиким: «Ани ҳам биз берали, ул санга кийдургандек биз анга кийдурали». Баҳлул дедиким: «Ул оч қолса, не егай ва ёланг қолса дардин кимга дегай?» Хорун дедиким: «Киймагин хазонадин етқурай ва емагин боварчидин буюрай». Баҳлул дедиким: «Мен аёғ ёланг ўрганибмен ва кафш ва ўтукдин ўсонибмен. Кафш кийсам, шояд дастор ҳам чирмаққайсен ва мени боштин аёғ балоға қолгонларға котқойсен. Ва ўзунг ҳам бу икки таклифга қолғайсен. Бу савдодин кечсанг санга бу меҳнатдин қутулмоқдур, манга ҳам бу боштин аёғ балодин халос бўлмоқдур».

Пири роҳ ва солики огоҳ мундоқ дуррдек такаллумким сурди, бу гавҳарларни анинг қулоғиға урди. Шоҳни ул можародин ўтқарди ва ўз аёғин кафшдин тортти, бошин дастордин қутқарди.

## **Б а й т:**

Фориғ этти бесару фоний ул гуфтордин,  
Ҳам аёғин кафшдин, бошини дастордин.

## **Танбех (127).**

Кафшсизликдин малул бўлмағил, аёғсизларға боқиб шукр қил. Дастор йиртуғлуғидин ғам ема, боши ёруғларға боқиб тенгри ҳамдидин ўзга дема. Танпўшунг дуруст бўлмаса тандурустлуғунгға шоқир бўл, ичинг қувватиға ғизо топмасанг, ич

оғриғин йўқ шукриға зокир бўл. Кисангда агар дирам йўқ, кўнглунгда кисабур ғами ҳам йўқ. Ифлос машаққатин буржлулуғунг йўқидин унут, ҳар ҳолда шукр ва қаноат тариқин берк тут. Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассен. Агар қулунг йўқтур, киши қули худ эмассен. Қамар курсиға илқинг етмаса, қўғлама, ўтмак ҳам мағнамдур. Зарбафт баҳоли либоси бўлмаса, фароғат бўрёси қачон андин камдур. Агар шунқордек бошингда зардўзлук тумоғадин тож эмасдур, шукр қилқим, кўзунг ёруқ дунёни кўрарга муҳтож эмастур. Агар шунқор эгасидек белингда баҳлийи зарнигор йўқ ҳам, шукрдурқим, илқинг баҳли панжасидек нокор йўқ ва андин санга озор йўқ.

Ҳар шиддатеқим, билурсен андин қатикроқ ҳол бордур ва ҳар суубатеки, гумон қилурсен андин саъброқ кўб кишига гирифтордур. Ҳар машаққатқим, сенда йўқтур, сенингдекда бор. Ул санга неъматедур шукр айтурға сазовор. Ҳар неъматқим, санга берибтур ва сенингдекка бермайдур. Ҳамду сано айтурға кироманд ҳақдин бу беҳисоб иноятларни бил ва мунга кўра бандалиқ фикрини қил. Ҳар неча ибодат қилсанг, кўнглунгни тақсир қилғонға мойил тут ва ҳар неча тоат қилсанг, тилингни узр айтурға қойил тут. Сен ва қилғанинг маъдуми маҳз, вужуд ҳақ вужуди, ҳар не анинг ғайри нобуди мутлақ ва буд анинг буди.

Илоҳи, бу ажзоқим, яхши—ёмон сифоти анда мазкурдур, мақбулу мардуд ҳолоти мастур, битгувчиси агарчи ёмонлардиндур ва яхшилардин эмас, аммо сендин яхшилиқ тамаъиға ўзин ёмонлардин демас.

Илоҳи, ани яхшилар орасидин ҳавр этма ва ёмонлар хайлиға қотма. Тилига келган била кўнглин содиқ тут ва қаламиға ёзилғон била замирини мувофиқ тут. Ўзингдин ўзга сўзин кўнглидин чиқар. Ул ён тутқим, санга етишгай ва ул йўлга юрутқим, санга қоришгай. Тилига ўзунгдин ўзгани ёвутма ва кўнглини ўзунгдин ўзгага овутма. Кўнглини тасаллийи висолинг била овут ва кўзини тажаллийи жамолинг била ёрут. Бу замири фарзандин кўзларга маҳбуб эт ва бу бағри пайвандин кўнгулларга марғуб эт.

### **Р у б о и й:**

Бу номаки, хомасиға қилдинг мактуб,  
Қил аҳли қулуб олида «Маҳбуби қулуб» .  
Эл айб топардин қилма маъюб.  
Ҳар ким ўқуса насиба этгил матлуб.

### **Т а р и х:**

Бу номағаким, лисоним ўлди қойил,  
Қилқим тили ҳар навъ эл ишига ноқил.  
Тарихи чу «хуш»<sup>29</sup> лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳарқим ўқуса, илоҳи, ўлғай хушдил.

# МУНШАОТ

## Муқаддима

Ҳамди мавфуру ул сониъгаким илми муншийси сунъ қалами била каломи мажид иншосин офариниш авроқиға рақам қилди, то офариниш аҳли анинг аҳкоми била амал қилғайлар ва яхшини ёмондину қилурни қилмасдин билғайлар<sup>1</sup>.

Ул ҳокимким омдурур эҳсони,  
Шаҳлар бошиға нофиз анинг фармони,  
Фармониға иншо сувари қуръони,  
Иншосига эъжоз келиб арзони.

жалла алоуху ва аммат наъмоуху<sup>2</sup>.

Ва дуруди номахсур ул рофиъгаким, шаръи муфтиси килки амри била шариати хамид имлоси замон саҳойифиға ёзилди, то замон эли анинг амр ва наҳйиси била иштиғол кўргузиб хато пайдосидин савоби тариқиға росих бўлғайлар<sup>3</sup>.

Ул шоҳки моян фасоҳат келди,  
Ҳар нукта анга маҳзи балоғат келди,  
Ҳақдин иши оламға рисолат келди,  
Шони бу рисолатда адолат келди.

Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи<sup>4</sup>.

Аммо баъд: ажиллаи асҳоб оллида аидоқ маъруз бўлур ва аиззаи аҳбоб хизматида андоқ арзға еткурулурким, атрок иншосида ва бу аҳли идрок баёну адосидаким, бировдин бировга руқъа ёзғай, ё ул киши ул руқъаға жавоб битигай, дағи руқъа келтурган қосидни қайтарган — алфози латофатдин муарро ва тарокиби балоғатдин мубарро эрди ва адоси рангин фиқаротдин намойишсиз ва мазмуни рангин абётдин оройишсиз ва муқобалада форсий алфознинг иншолари дилписанд ва макотибу имлолари аржуманд эрди, хаёлға андоқ келдиким, турк алфозининг дағи руқъалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларини ҳам ўшул минвал билан сабт этилгай. Оз фурсатда бу руқъалар жамъ бўлиб ва номалар йиғилиб эрдиким, бу авроқ зимнида сабт бўлди.

### Рубоия:

Ҳар кимки ани ўқурни бунёд этгай,  
Роқимни агар дуо била ёд этгай,  
Тенгри они ҳар банддин озод этгай,  
Ҳар ғамдин анинг хотирини шод этгай.

### 1

Тоғ—тоғ ниёз рафъидин сўнгра қоф-қоф ихлос юзидин маъруз улким, бу фаслдаким, наврўз насимининг мушкбезлиғи лола димоғин савдойи ва баҳор салқинининг атрангезлиғи булут мизожин ҳавойи қилибтурур, лоладек савдойилиғдин тоғ ҳавоси қилиб, булутдек ҳавойилиғдин қаё савдоси бошқа тушти. Чун ул бийик пояға сарафрозлик ва ул олий мақомда анжуманпардозлик даст берди, манзиле кўрулди, саҳо аҳли

химматидин рафеъроқ ва бисоте топилди, зако хайдининг хаёлидин бадеъроқ.

### **М а с н а в и я:**

Кўк сабзаси кўкка еткуруб бош,  
Ул кўкта бўлуб нужум ушоқ тош,

Авжики битиб фалак симоғин,  
Қоплондин олиб камар тувоғин,

Ҳам субҳ шамомаси сумансо,  
Ҳам шом насими сунбулосо.

Сарбаландлиғи сабза тилидин «Ва иза—с—самоу кайфа руфиъат»<sup>5</sup> аъдосига жорий ва побаржолиғи садо тақриридин «ва изал жиболу кайфа нусибат»<sup>6</sup> баёнига зокир. Мунунгдек дилкушо масканда баҳорий булут қатороти лола жомига тушгани қарроба саҳобидин бода селин лолагун жомга қуймоққа боис кўрунди ва бу янглиғ руҳафзо маъманда барқ ламъасидин тийра тошлар санг—кабоб пишурғали чакмоқ чакқали муқтазий бўлди. Ва лекин ул баҳори ҳаёт суҳбатидин айру лола аҳбоб жониға доғ ўртағали шуълае ва ҳар қатра асҳоб ҳаёти шамъини ўчурғали. Дажлае эрди — густохлик юзидин фалонни қуллуққа йиборилди, агар кўхнавард ашҳабни қулла азиматиға сурулса ва анинг хоро шикоф тувоғидин секриган ўт била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин ёрутулса, тоғдин куёш чикқондек бўлғай ва баҳордин гул очилғондек кўрунғай.

### **Р у б о и й:**

То фасли баҳор зеби олам бўлғай,  
Ул зеб ила боғ сабзу хуррам бўлғай.  
Лутфунг ҳар бир элга дамодам бўлғай,  
Гаҳ—гаҳ бизим жонибимиз ҳам бўлғай.

## **2**

Чун меҳр ўтидин самандар ўлди саратон,  
Оташкададек тутошти гулзори жаҳон,  
Эрмас бу исиг гунашда чикмоқ имкон,  
Хуштур кишига бўлса совуғ соя макон.

Чун сипеҳр заргарининг анбури учидан бир қулича олгун секриб сувға тушти, яъни чарх корхонасида жавзонинг икки пайқари аросидин куёш курси саратон обгириға таҳвил қилди; сипеҳри куравий заргар кўрасидек меҳр ўтидин ул навъ қизидиким, яқиндурки, фалак тосидин савобит доналари тосдағи қалъий қатаротидек эриб, тома киришғай ва тадвир бўталаридин сайрот сийми сув бўлуб, сиймобдек оқиб, арз кониға етишғай. Биҳор суйидин жаҳон жисми терга ғариқ ва бухор ўтидин хаёл пайқари ерда харик.

### **Маснавий:**

Дарёға солиб исиг ҳаво тоб,  
Тўлғонмоғи ўз—ўзига гирдоб,

Тоғдин кишиким тилаб нишоне,  
Бир тўда қизик кул англаб они,

Хуршед ҳароратидин анжум  
Ер сояси остида бўлуб гум.

Тинмай югуриб қуюн такидин,  
Қум узра аёғи куймакидин.

Кўк табъиға чун ҳарорат ошиб,  
Жисмиға шафақдин ўт тутошиб.

Ҳар насими дилфурўз ҳаво ҳароратидан бир самуми жонсўз ва ҳар зулоли  
хурўшон ҳарорат шиддатидин бир мараки жўшон.

### **Н а з м:**

Дегайсен юқорроқ чиқиб замҳарир.  
Қуйироқ тушубтур сипехри асир.

Анинг бирла хуршед ўлуб муттафик,  
Ҳавони ҳам айлаб турур муҳтарик.

Уйдин бош чиқормоғлиғ ҳаво оташрезлиғидин мутаассир ва эшикдин аёқ  
ташқари қўймоғлиғ ер оташангезлиғидин мутааззир, хусусанким, бу заифнинг мизожи  
неча кун май ўти иштиолиға муштаил учун ҳоло ул иштиол асари табиатда муштаил  
бўлубтур.

### **Б а й т:**

Оҳ мин—ал—ҳамри ва ҳолотиҳи,  
Ахрақа қалби би ҳароротиҳи<sup>7</sup>.

### **Шеър:**

Гаҳ суруклук андоқки ақшомғи ҳол,  
Кўрунуб сабуҳий чоғида маҳол,

Гаҳ ул навъ махмуру пажмурдалиқ,  
Гаҳ майдин неким, жондин озурдалиқ.

Бода ўти жисмимға тутошиб, ул ўт дуди, балки шуъласи бошимдин ошқон учун  
«Ал—узру инда кироминноси мақбулун»<sup>8</sup> мазмунин шафеъ қилиб, бу ниёз рукъасин  
густоҳлиғ қилинди. Асҳоб мизожи истиқомат сафҳасида «алиф»дек муқим ва аҳбаб  
табиати эътидол гулшанида сарвдек мустақим бўлсун, омин, ё раббал оламин.

### **3**

### **М а с н а в и й:**

Чун хазон барги ҳусн этар оғоз,  
Эвурур юзни зоҳир айлаб ноз.

## **Р у б о и я:**

Чун бўлди хазон баргига ҳусн изҳори,  
Нозин этар оғоз тушуб ҳар сори,  
Лекин эвурур юзини зоҳир айлаб,  
Сафрат ангаким зулми фалаки зангори.

Сипехри дуншиор жуз талаввун ва рангомезлиқ ва рўзгори буқаламундисор  
ғайри дуранглик ва хийлангизлик эрмас учун, ложарам ул биридин гоҳи бисот бўстони  
ранго—ранг гуллар била музаяндурур ва бу биридин гоҳи бўстон бисоти гуногун  
яфроғлар била мулавван ва лекин чун баҳор субҳининг ҳар гули қуёш гулидек гулбун  
сипехридин тулуъ этса, оқибат хазон офтоб зардиға мунтақилдур ва йигитликнинг ҳар  
чечаги ахтар чечакларидек сипехр гулбунидин очилса охир субҳ асфар хазонига мунтаҳи.

## **М а с н а в и я:**

Не баҳорида шод бўл чандон,  
Айлабон ўзни гул киби хандон,

Не хазонида барг айшини соч,  
Юз уза заъфарон дўконин оч.

Аммо чун маржеъ сўнгги қисм ва миод сўнроғи шик бўлди. Ҳар ойинаким,  
пояда ани воло ва рутбада ани аъло деса бўлғай, бас сабаб бу бўла олғайким ва боис муни  
деса бўлғайким, чун фалак тожири таманно манзили мазраидин қуёш юсуфин биғ мизони  
каффасига киюрди ва анинг саодат кундузи кофурий жисми кечанинг баҳоға келтурган  
савдойи мушки билан вазнда тенг чиқти. Чаманнинг рухсори Юсуф<sup>9</sup> ишқида Зулайхо  
узоридек коҳий ва хазон ели ҳам анинг дамодам совуғ оҳи киби номутаноҳий бўлди. Қаро  
йиғочнинг сариғ баргларин ел учурғони тутундин учқунлар айрилғоннинг мисолин ва  
қизил толнинг коҳий яфроғларин баъзи жисмида қолғай, шингарф хутути узра заъфарон  
афшоний қилғондин нишона кўргузди. Муртафеъ шохлар шамъ шуъласидек барглар  
шакли шарҳига бўстон музаккирлари «валақад зуййина с—самау д—дунё бима—  
собих»<sup>10</sup> каримаси билан мутакаллим ва ул шуълаосо барглар акси шишаи ҳалабийда  
ойнаи Чиний каби зулол ичра тушгандин чаман қушлари «ка мишкотин фи—з—  
зужожа»<sup>11</sup> савтиға мутаранним.

## **Маснавия:**

Чу қилди қахрабогун меҳри гардун,  
Йиғочлар барги рангин қахрабогун.

Шажар яфроғи бўлди қахрабодек,  
Демаким қахрабо, меҳри самодек,

Сабо қилғоч сув узра зарфишонлик,  
Сунинг тиғини айлаб зар нишонлик.

Учуб барг ўтидин ҳарён шарора,  
Нечукким, зарварақдин пора—пора.

Сариғ яфроғ узаким ўлтуруб зоғ,

Бўлуб андоқки сориг лолада доғ.

Қилиб зарҳал хазон наққоши тартиб,  
Қилурға боғ авроқини тазҳиб,

Бу шуғли ичра айлаб сахв таркин,  
Зар андар зар қилиб барг узра баргин.

Мундоқ фаслки, ҳеч фасл нишотға мундин лойикроқ эмас ва мундоқ вақтки, ҳеч вақт айшқа мундин мувофиқроқ киши нишон бермас. Ҳар ойинаким, ул хуршеди авжи камол олтун жом ичра асфар май била сархуш ва анинг кайфияти ҳароратидин олам аҳлиға зарфишонлиғи хазоносо, балки хуршедвашдурким, айши мустадоми мудом бўлсун. Ва лекин агар гоҳи умиди бўстони хазондин баргрезга қолғанлар ва ҳаёти гулистони хирмон баргрезидин хазонға учрагонларни журъа била ёд қилса, камоли қуёшидин зарраи кам бўлмағай ва қатра била шод этса, жамоли машъалидин шарорае ўқсулмағай.

**Б а й т:**

Гулунг ранги асфар нишон бўлмасун,  
Баҳорингға ҳаргиз хазон бўлмасун.

**4**

Дуоеким, шито қалбида шито қалбидин дилсўзро ва ниёзким, қиш айинда қиш айиндин дилфурузроқ бўлғай.

**Байт:**

Анинг ҳар ахгари ёкути аҳмар,  
Мунинг ҳар зарраси рахшанда ахтар.

Адосидин сўнгра арз улким, ҳеч вақти мувофақатлик аҳбоб бир—бири висолидин баҳра олурға ва ҳеч замони мусодақатлиқ асҳоб бода базми тарҳин солурға андин яхшироқ йўқтурким, марғуб ёронлар машҳуд бўлғайлар ва ағёр юзига ҳужра эшиклари масдуд.

**Б а й т:**

Тузалғай ёр ила базми висоли,  
Вале ағёрдин ул базм холи.

Ва бу иқбол ҳеч қачон андоқ муяссар бўлмас ва бу мақсуд ҳаргиз андоқ дилпазир кўрунмаским, қиш бўлғай. Хусусанким, бурудат шиддатидин ҳавос идрокдин нокор ва кеча бўлғай. Батахсис, булут мушқфом ҳавоға қорнинг суда сиймидин кофурбор ва дай шоҳи шабихунидин ўт зардуштининг хайли манқал қўрғонида ҳисорий ва баҳман чериги чопқунидин шарора маздакининг сипоҳи тош бирла темур қалъасида мутаворий; фалак гунбазида анжум анжумани тун қаро кийши ичра ниҳон ва рўзгор олачуғида қуёш турки саҳобнинг хокистарий синжобида пинҳон, сипеҳр хиргоҳидек оқ уйда анжуман аҳли мужтамеъ, нечунким, сипеҳр хиргоҳида сурайё соқийларға гоҳи муоширлар май тақозоси учун бу байт билан мутакаллимким.

**Б а й т:**

Соқие, дай шиддатидан ақлу ҳис бетоб эрур,  
Чораси жоми булурун ичра лаъли ноб эрур.

Ва аёқчиларға гоҳи муғаннийлар бода илтимоси учун бу назм била мутараннимким.

### **Б а й т:**

Қасд этар эл жониға ҳардам совуғлуқ бирла дай,  
Соқиё, синмас ҳаво захри, кетур таръёку май.

Нор аҳгарларининг ламаоти нечукким лаъли коний ва анор доналарининг боғлонғони нечукким ёкути руммоний.

### **М а с н а в и й:**

Хушо, базм аро ўту май бўлса дай,  
Май андоқки ўту ўт андоқки май.

Анинг манқали шийра тазъин келиб,  
Мунинг шийраси манқал ойин келиб.

Юзинда мунинг май бати лаъли ноб,  
Анинг устида бўрдагон бат кабоб.

Мунинг ламъаси кўзни равшан қилиб,  
Анинг шуъласи уйни гулшан қилиб.

Вале, базм юз бошлиқ оқ уй аро,  
Оқ уй тоши тун мушки бирла қаро.

Ҳамул мушк уза абр кофурбез,  
Жаҳон узра якдаст кофуррез.

Алқисса, тафриқа имкони ончаким мақдури бор нобуд ва жамъият мақдури ончаким имкони бор мавжуд ва ҳол улким:

Ҳар неким тақдир бўлса сарбасар топмиш вужуд,  
Бовужуди мунча юз минг сен агар йўқсен не суд.

Меҳр ваъдаси ҳамоно меҳри гиёҳдек итти, ёҳуд тун яримида меҳрдек ер тубига кетти. Ул лаъли оташин ҳижронида не лаългун аҳгарда ҳарорату не оташнок майда кайфият ва ул меҳросо жабин ҳирмонида не шамъ шуъласи ёруқ ва не кўз шамъи айни йиғидин очуқ, ҳар соя ҳаракатидин бағирда тоб ва ҳар аёқ унидин кўнгулда изтироб. Чун муҳлик интизордин жон оғизға етти ва шикеболиғ ихтиёри иликдин беихтиёрона кетти, бу паришон алфоз марқум бўлди ва ошуфта калимот таҳрирға келди. Агар шабранг сарсар хиромға рокиб бўлуб, рўзгори шабранг ва оҳи сарсар монандлар суҳбатиға роғиб бўлулса, тун яримида куёш тулуъ қилғондек ва қиш ўртасида гул очилғондек бўлғай.

### **Р у б о и я:**

То қишда совуғ табъға матлуб ўлғай,  
То айш совуғ вақтда марғуб ўлғай,



То бу бори тийра тунда махбуб ўлғай,  
Мажмуи сенинг ҳолинга мансуб ўлғай.

## 5

Ул саодат буржининг қуёши бир ой камонхонада варзиш қилғондин сўнгра ўчку  
ови азиматиға тоғ сори юзлангандек фалак турки, яъни хуршед қавс чиллахона гўшасидин  
жадй куллеси авжиға тахвил қилиб, ул бирида бурунғи кеча эриша олмай, фироқ  
зиндониди махбус қолғанларға қиёмат кунининг тунича кўрунгандек, бу бирида дағи  
аввалғи оқшом хўблар шоми зулфи ялдосидек узун кўрунуб, анда ушшоқ охи дуди оламни  
тийра қилиб, ҳамул ел бурудатидин ашки ёмғурлари жола боғланғондек мунда ҳам  
мушқфом булут саводидин олам зулматкирдор ва сарсар шиддатидин ул мушқ кофурбор  
бўлубтур. Бу бурудатни оташкада ўти дафъ қилмас, магар майкада бодаси ва бу зулматни  
қуёш ламъаси ёрута олмас, магар ул юз жилваси. Арз улким, аввалғиси димоғларни  
қизитибдур, агар иккинчиси ҳам кўзларни ёрутса, ғоят лутф бўлғусидур.

Гар май ўтидин қолмади базм ичра совуғлук,  
Келсанг кетирур тийралиғин дағи ёруғлук.

## 6

Талаб дарёсидин мақсуд гавҳарин биров иликлай олғайким, муроди  
сафинасининг дебочасин ул сонии жавоҳир ҳамди била мурассаъ қилғайким, ҳар  
ноумидлиғ барри аро анинг ҳаёйи эҳсони юз кўргузса баҳри нажот етгай ва мурод  
тенгизидин матлуб кемасини биров соҳилға еткурғайким, мақсуд жунгининг фихристин  
ул қодири завоҳир шукри била муламмаъ этгайким, ҳар дард соғарида анинг бодаи  
шавқининг дурди томса дарёйи ҳаёт қилғай.

### **М а с н а в и й:**

Анга ҳамдким, чархи дарё навол  
Топар андин анжум лаоли мисол.

Бу дарёда кишти янги ой ўлуб,  
Ки заврақ киби баҳр паймой ўлуб,

Бу завраққа гулмех, этиб кавкабин,  
Қилиб бодбон субҳ чодиршабин,

Тенгрининг ҳамди чунки топти насақ,  
Наът дарёсиға сурай заврақ.

Улки чун баҳр қурбати тошти,  
Чарх тўкуз тенгизидин ошти.

Дуррат ут—тож ўлуб сифоти анинг,  
Баҳр ул—аброр наъти зоти анинг.

Эски наълайндек вале нимаси,  
Нуҳ тўфони дафъиға кемаси.

Кўнгул баҳридин махфий дурларни олий мажлисқа бу навъ нисор қилилурким,

бу сафарким бу нотавони бечора ва бу бехонумони овора илайига тушубтур, биёбони суубатин, бал вусъатинким, хаёл тойири йиллар қанот уруб, анинг поёниға етмак хаёлдурур ва тоғининг шиддатин, бал рифъатинким назар пайки қарнлар қадам солиб, анинг авжиға етмак маҳол, бурунқи рукъада шарҳ қилилиб эрди.

Ҳарнеки варақда эрди марқум,  
Бўлмиш бўлғай ўқурда маълум.

Ул дашт ва тоғни ҳидоят дастёрлиғи ва иноят поймардлиғи била дасту пой уруб катъ қилғоч, дарёе илайга келдиким — умқи таманно лужжаси била тенг ва сатҳи таҳайюл баҳридин кенгким, андин чора убур эрди ва кемага кирмак зарур. Рухсиз бадан гўрда ором тутқондек ва нурсиз мардум кўзда мақом қилғондек, ул мардуми йўқ кўзлар масаллик тийра уйларга кирилди ва бу мунхасиф ҳилоллар сайрининг суръати била бир ойға дегинча ул мартабада эрдиким, ҳарбир кун минг йилчилик йўл бор эмиш дейилса, мингдин бирини дейилмамиш бўлғай ва ул фалакваш баҳрнинг вусъатининг юзи ул ғоятқача эрдиким, сипеҳр лужжасиға ташбих қилилса, дарёсидин қатрае айтилмамиш бўлғай. Баҳрий жонвардин ажойиб сувар ғоятсиз ва дарёий сурадин ғаройиб пайкар ниҳоятсиз.

### **М а с н а в и й:**

Аён сув ичра ҳар ён юз ғаройиб,  
Бўлуб минг зоҳир ул юз бўлса ғойиб.

Неча кўз тушса кўк сув чарх монанд,  
Тоғиб атрофи кўк зайлиға пайванд,

Хиромон ҳар тараф юз турфа моҳим,  
Хирад моҳиятин билмай камоҳи,

Анингдек саҳмноку уйла ҳойил,  
Ки айлаб кўргучи ҳушини зойил,

Равон юз тоғу бирга бўлмай ором,  
Вале тоғеки, бўлғай моҳи андом,

Негаким орқаси тоғ авжи янглиғ,  
Танида нақш дарё мавжи янглиғ,

Кашафлар ҳар бирининг саҳми беҳад,  
Ясаб сув узра жисми бирла гунбад,

Бўлуб меъмори қудрат анда боний,  
Сувдин қилмай хароб андоқ бинони,

Балиғ сайд айлабон ҳарён наҳанги,  
Нечукким, ранг сайд этгай паланги,

Тани бир пуштаким бўлса хоро,  
Темурдин тишу чангал ошкоро.

Кўрунуб жонвар баҳр ичра беҳад,

Нечукким дашт ичинда ҳар нечук дад,

Тамаввуж баҳр узаким тутмай ором,  
Алар устига субҳ илги ёниб дом.

Ва гоҳи сарсар таҳрикидин дарё талотуми била «Ва изал бихару фужжират»<sup>12</sup> саводиға роқим ва гоҳи кўлак ташвиридин амвож таоқибии сув хуруши уни била «ва изал бихару сужжират»<sup>13</sup> адосиға мутақаллим. Ҳар нафас юз офатдин кўнгул сув бўлуб, жондин илик ювуб ва ҳар замон минг хатардин жон оғизға етиб, ўлумға кўнгул куюлуб, кўзга туфроқ қароғи сурмаи сипоҳонийча кўрунуб, вале ул кўрунмай кўнгулга тош қиймати ёқути руммонийча топилиб, вале ул топилмай, бу тавр балиёт аро ҳалокка мушриф эканда ва бу навъ маҳолик аро ўлдум деганда дарёдин обхўриш узулди ва бу фироқда ҳабиб висоли насиб бўлди, юз ерга кўюб ва кўз туфроққа суртуб, шукр бажо кетурулди ва шавқ юзидин боштин қадам қилиб, каъбаи мақсад азмиға қадам урулди. Умид улким, андоққи висол водиси тай бўлди, ҳижрон баводиси ҳам қатъ бўлғай ва лекин таваққуъ аҳбоби жонийдин улким, дуо ели била гоҳи бу ниҳоятсиз даштдинким, наъл бараҳна қадам урубмен, балиёт хасу хорин супургайлар ва илтимос асҳоби жовидонийдин улким, гоҳи ниёз ашки била бу шории йўқ биёбондинким, қиловузсиз кирибмен, офот гарду ғубориға сув урғайлар.

### Рубоия:

Ёнсам яна ғурбатни ҳавас қилмағамен,  
Ҳижрон ўтиға танимни хас қилмағамен,  
Жуз жомии висол мултамас қилмағамен,  
Ҳақ ҳазратида шукрни бас қилмағамен.

7 <sup>14</sup>

Фано бешаси саҳатида висол шажарасидин самара топғонлар бошиға фалакнинг муҳолиф ҳаракатидин ҳар жафо арраси келса зикриёқирдор тиллари жуз холиқи бечун ҳамдига зоқир бўлмоғусидурур ва вафо шажараси соясида мурод самарасидин натижа кўргонлар оёғига чархнинг мутаоқиб зурубидин ҳар ситам тешаси тегса мансурвор нутқларини ғайри сонё кун фаякун шукрига такаллум қилмоғусидур.

Наҳлеки ризо соҳилидур беша анга  
Руст англа фано туфроғига реша анга,  
Ҳар лаҳза оёққа тегса юз теша анга,  
Бошдин чу кечибдурур не андеша анга.

Ким айтса фано бешасида буди анинг,  
Ҳар шохқа илурмоқ эмас суди анинг,  
Истарки етушгай улча мақсуди анинг,  
Маъдум керак ҳар неки мавжуди анинг

Ва алҳақ бу шева бир сарвдек озодаваш дабидурурким, сипехри тездав жафоси хароратидин, истима иштиоли чинордек жисмиға ўт солса жуз ҳақ ризоси нақдин истарга овучин очмоғой ва бу тариқа бир санобардек нолакаш расмидурурким, чархи сабукрав ҳаракати бурудатидин сапедордек аъзосиға раъша еткурса сабот туфроғидин қадам олмағай ва сабр ҳавосидин бош чекмағой. Биҳамдиллаҳ вал миннатика<sup>15</sup> то сипехри даввор ҳаводиси саргардонлиғидин рўзгори ноқойдор навоийби бесомонлиғидин Мозондарон чанғалига қадам қўюлубтурким, ашжори касратидин сабоға ҳарими тавфидин маҳрумлуқ ишдур ва шохсори рифъатидин самоға ҳар лаҳза юз минг сарзаниш. Яфроғи

ғулуси ҳижоблиғидин туфроғиға ҳаргиз меҳри зарфишон анворидин бир дирам тушмаган ва муртафиъ шажари беҳисоблиғидин сахатиға мутлақ саҳоби гуҳарафшон жавоҳиридин бир жола етушмаган. Арш соқиға чирмашиб чиққан ишқпечондин бир дона суҳо ва сидрах шоҳиға тўлғониб бош чеккан токидин бир хўша. Сурайё ғоятсиз ашжориғаким ер била кўкка иттисол берур «аслуҳо собитун ва фаръуҳо фис само»<sup>16</sup> содиқ ва ниҳоятсиз туюриғаким, ердин учқонда фалак юзин ёпар «диҳи тамуру мур ас—саҳоб»<sup>17</sup> мутобик.

Не беша эмиш бўстону боғи,  
Анинг не учи пайдо не кироғи,

Ёғочи устида кўк сабзалар фош,  
Вале кўк сабзасидин ўткариб бош.

Кухан ашжор ҳар ён боқса юз минг,  
Ўтуб боши фалакдин ҳар бирининг,

Этиб ҳайкаллари пайдо маҳобат,  
Қилиб пайкарлари зоҳир ғаробат.

Паёпай девлоғ анинг жаболи,  
Саросар девбод анинг шамоли,

Бўлуб ҳар барг бир миръоти васвос,  
Тута олмай хирад ўз ҳушини пос.

Қилиб ҳар руди суйининг садоси,  
Аён юз ғулу шайтон можароси.

Шағолининг уни афғон андух,  
Чекиб кирган кишининг сўғига дух.

Ҳар эски ёғочини кўнғорурға фалак пили субх хартуми била ажз зоҳир қилиб ва агар кўнғорса болорин тоширға сипеҳр арабаси ул юк остиға ёнчилиб, зашроти маҳбатидин рўзгори буқаламун арқами бир пайса таноб ва сабоъи салобатидин чархи дун асадиға паргиздин ясаған шерча ҳисоб. Вухуши хайлининг оёғи кўпидин ер аъзосида юз минг жароҳат ва туюри жўшининг фиғон ва нафиридин фалак димоғи пардасида юз туман қароҳат. Кундузи офтоб ўтидин куйган хирман шакли анда меҳри раҳшон ва кеча талбис шуъласидин ёруған кирми шабистон шамъи анда анжуми дурахшон. Ёғочининг самари бордил ва самарининг таъми захри қотил. Бовужуди бу ғариб ҳолат ва турфа мақолот чун анда бўлмоғлиқ рўзгорим носиясида қазо қаламидин таҳрир топмиш ва носиям сафҳасида қадар хомасидин шашпазир бўлмиш ҳар тикандин бир гулча осойиш етар ва ҳар тошдин бир дурча оройиш фаҳм бўлур. Муҳлик ҳавоси Масиҳо дами ва қотил суйи Хизр чашмасининг нами. Ва дўзахваш фазосида сели балодек рудхона «жаннотин тажри таҳтиҳал анҳору»<sup>18</sup>дин нишона, бадтаъм мевалари била номақбул ашжори «ва фавокиҳатун ва нахлун ва руммон»дин<sup>19</sup> намудор.

Ўзлигин ошиқ агар дўст ҳавосиға берур,  
Ёрдин ҳар не келур руҳиға осойиш эрур.

Ва агар ватан ҳажри айёмиға муктазий бўлуб, бу фиروق бешасидин висол даштиға юз кўюлса ва бу фурқат чангалидин қурбат саҳросиға қадам урулса ҳам чун қазо ҳодийси инонкаш бўлғусидур, барқвор секирмакдин ўзга, абрқирдор елмакдин ўзга чора

бўлмоғусидурур ва давоси топилмағусидурким, ҳақ субҳонаху ва таоло барча йироғлик муғайлонлари аро саргардонларни яқинлик Каъбаси тавофиға мушарраф қилғай, омин!

## 8

Ҳамду сано ул сониъағаким олам бўстонида салтанат гулбунининг сарсабзлигин адл жўйборидин қилди, то бу сувдин сероб бўлуб, ул гулбинда сабот ва давом гуллари очилди. Ва давлат биносиға завол еткурур офат ёғинларин зулм саҳобида ниҳон этти, то ул ёғин селларидин бу бино асосиға бузуғлуқ етти. Ҳакимеки, ҳар ҳокимни ҳукумат тахтида пойдор истади, кўнглига ўз ҳукмлари инқиёдин марғуб кўргузди ва ҳар фармонравонинг асоси давлатин бемадор тилади хотири чаманидин саййид ал—мурсалин шаръининг мутобаати гулларин узди. Одилеки, ҳар некаҳдлиғ шажарасиға мурод самарасин берди, то ул шажарни эккан киши бу самарни терди. Сабуреки, мақсуд гавҳарин тааммул дарё иға солди, то ҳар ким ул дарёға ғавс қилди, бир гуҳарни олди.

Таоллаҳу зиҳи ҳар покдин пок,  
Ки, не шах, не гадодин бор анга бок,  
Гадони шоҳ этардин йўк ҳаросон,  
Анга шоҳни гадо қилмоқ ҳам осон.

Ва ҳува йўҳйиллази лаямуту абада ва шаъниҳи тақаддаса ва таала 20.

Ҳақ субҳонаху ва таоло ул дониш ҳадиқасанинг нурун ҳаводис ҳазони ели хатаридин ва ул бийниш ҳадиқаси нурун навоийб чашми захми зараридин ўз паноҳида асрасун. Муборак хотирға борча они ўткарсунки, чун вужудқа келтургай, дунёси ва уқбосиға суд етсун ва ариғ кўнглини барча ул сори тутсунки, ул ишдин мусулмонлар рози ва тенгри таоло хушнуд бўлсун, омин, ё раббил оламин.

## 9 21

Бу учурда чархи нилун қазосидин ва сипеҳри дун иқтизосидин андак ғуборе ва жузвий изтирореки, ул ҳазратнинг рўзафзун давлати ва ҳумоюн зотиға мутававвашиҳ бўлди қиёматеки, ул сабабдин бу нотавон ҳолиға ва рустохезеки, ул жиҳатдин бу паришон аҳволиға юзланди: шаммае андин қайси хома таҳрирға кела олғай, заррае андин қайси тил тақрир қила олғай. Аммо ҳақ таоло сиҳҳат била ул офотдин ва саломат била ул балиётдин халос қилғон хабари таҳқиқ бўлғоч, ул машаққат ва меҳнатларға талофи ва тадорук бўлди.

Бу воқеъ бўлғон ишларда агарчи давлатхоҳ мушфиқ кулларға маҳал ул бор эрдиким, бирор таъномез ва киноятангиз сўз ғоят жонлари куйгандин ва кўнгуллари таҳаммул қилмоғондин арз қилғайлар. Аммо муқаррардурким, бу вақоеъдин ул ҳазратнинг муборак хотириға ончаки керак танбиҳ ва эътибор ва тажрибаи рўзгор ҳосил бўлмиш бўлғай, ҳоло илтимос улким, чун инсон нисёндин холи эрмас ва башарият муқтазоситағофул ва тақсирдин ўзга натижа бермас — ўз атворингиз теграсиға яхши эврулғайсиз, тенгри таоло ҳазратида борча ўтган ишлардин ўзингизни муқассир билғайсиз, қила олғонча тенгри таоло буйруғи била, саййидал—мурсалин шаръининг муҳолифи ишларидин куллий ижтиноб қилиб, мувофиқ умурни жид била иртикоб қилғайсиз. Давлату мулк қалин сипоҳ ҳимоятидин йўкки, тенгри таоло иноятидин ва мусташор тадбирдин йўкки, кирдигор тақдирдин эркани билиб, ўзунгизни тенгри таолонинг фазлу—карами ҳимоятиға қочурғайсиз. Ва «Ман кона лиллаҳи кона—л—лоху лаху» 22 мазмунича маҳбуби ҳақиқий била мусоҳабат лофин урғайсиз, ҳар неки ўтти азал қисматидин эрканин билиб, ортукси ғусса тутмағайсиз. Аммо ҳар неки келур, азал қисматиға ҳавола қилиб, ўзунгизни амр бўлғон ишдин маъзур тутмағайсиз.

Салотинға сиздан кўпрак шикаст тушганда тенгри таоло паноҳиға сиғиниб, куллий нажотлариға мулоҳаза қилиб кўнгул солмағайсиз. Салтанат умурида иш ҳайратға

мунжар бўлуб, борча тааммул рахналарин боғлиғ кўруб, таваккул шохроҳиға кирарни тақсир қилиб, боқиб қолмағайсиз.

## 10

Ҳар сахар то куёш чобуксувори Хўтан сипоҳининг муҳофазати учун субҳ жўйборидин хандақ қилиб, зулмат черигин шоҳининг гулчехралар сунбул зулфидек паришон хайлин торумор қилиб, фалак ҳисорин фатҳ қилғай, ул сахархандлик, куёшройлик, чобуксуворлар шоҳи учун тенгри таоло ўз жўйбори ҳифзидин хандақ қилиб, муҳолиф черигининг зулмин мунҳазим этсун ва ҳазмда эҳтиёт хандақи жўйборидин сабо хайлидек ўткариб, хоксор адувнинг туфроғин кўкка совуруб, кишвару мулк ҳисорининг фатҳин насиб қилсун.

### **Маснавий:**

Ўн икки буржлуқ гардун ҳисори,  
Ҳаводис тошидин то бўлса ори,

Сипоҳинг кўк сипоҳи узра ҳоким,  
Дисори Шодмондин кам десун ким,

Мусаллам зотинга кишварситонлиғ,  
Ҳисори давлат узра шодмонлиғ.

Арзадошт улким, бу ҳақирни баъзи маслаҳатлар учунким, ул ҳазратнинг маслаҳати дағи анинг зимнидадур, агарчи билҳақиқа икаласи бир маслаҳат ўқдур, Хуросон вилоятига юборилди. Умидим тенгри таоло карамидин улдурким, ул ҳазратнинг ҳумоюн замири кўзгусида дойим беҳбуд чехраси жилванамой бўлғай ва муборак хотири ўтрусида борча мақсуд шоҳиди чехракушой. Аммо илтимос ҳам қилинурким, гоҳи ул паришон абётғаким, густоҳлик юзидин тобуққа топшурулубдур қойил ҳақоратиға боқмай, мулоҳаза қилғайлар.

### **Маснавий:**

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,  
Кўрки, бордур анинг калиди темур,

Ганжи мақсуд кимга бўлса умид,  
Ул насихатлар эрур анға калид,

Қуфл очарда гадову соҳиб тож  
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Яна улким, талаб бўстонида мақсуд гуллари кечрак очилғондин кўнгул ғунчасин хорхори маломат била реш қилмоқ муносиб эмас. Нединким, то тақдир чаманидин иноят насими эсиб, меҳнат хазонин ишрат баҳориға мубаддал қилмағунча мақсуд гули очилмоғининг имкони йўқдур. Мундоқ бўлғондин сўнг таъжил суд қилмас ва малолатдин ғайри маломат иш очилмас.

### **Маснавий:**

Агар юз қатла булбул чексун афғон.

Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон,

Агар оламни тутсун шоми дайжур,  
Тонг отмай кун чиқормоқ кимга мақдур?

Бу бобда ул ҳазратнинг муборак таъблариға куллий эътимод бор, аммо бу сўзлар мазкур бўлмоғининг нуқсони йўқ. Бу заифнинг хаёлида улдурким, ўз дуо ва ниёзим ами-ободин ул ҳазрат теграсига ҳисор қилибмен. Аммо зулм тоши ул ҳисор томиға рахна қилмоқдин ва номашруъ умур нақби била бораси йиқилмоқдин тенгри таоло иноятиға сиғиниб, ўзингиз уҳда бўлғайсиз.

Илтимос улким, қачон юқори элчи юборилса, маъхуд тарийки била бирор иноят руқъаси юборилса муқаррардурким, ёронлар ани бу хоксорға еткурур саъйин қилурлар. Эшиқда андин келур элчилар иши бор эса ҳар навъ ишким, бу фақир анга муртакиб эрдим арз қилиб, ёри азиз фалонға муқаррар бўлди.

### **М а с н а в и й:**

Дуо бирла оғоз қилдим калом,  
Керакким, дуо бирла қилсам тамом,

Ало токи ҳар шаҳки ком истагай,  
Жаҳон мулки тахтин мақом истагай,

Машаққат эса ибтидоси анинг,  
Мурод ўлғуси интиҳоси анинг.

Муродинг биносига етмай халал,  
Машаққатларинг айш бирла бадал,

Не комеки кўнгулунга ўлса ҳавас,  
Фалак берсун ул коминга дастрас,

### **11**

Не қилса қазо килки азалда таҳрир,  
Мумкин йўқ анга абадқа тегру тағйир,  
Ақл айласа ҳар амрда юз минг тадбир,  
Суди йўқ агар мувофиқ эрмас тақдир.

Сунъ машшотаси мақосид гулчехраларининг жамолин ғайб пардасига андоқ ёшурмайдурким, ақл хурдабини кўзи андин баҳра топа олғай ва қадар ғаввоси матолиб бихорлари гуҳарларин хафо дуржида андоқ беркитмайдурким, хирад жавҳаршиноси басорати андин нишона айта билгай. Ҳар ойинаким анбиёйи мурсал аввал орзу саволни қилгонда «Ва мо тадри нафсун мозо таксибу ғадан»<sup>23</sup> жавоби била ноумид бўлурлар ва авлиёи акмал «ғурфатуллоҳи бифасҳ ал—ғароим»<sup>24</sup> нуктаси била такаллум қилурлар.

Анга ҳамдким илми лорайб эрур,  
Ҳамул илм ила олимул—ғайб эрур.

Жалла субҳонаҳу ва азим уш—шонаҳу. Бас, бу тақдир била ҳеч кишига ҳеч ишда вуқуф эшиги очилмайдур, то ихтиёрга не етгай ва шуур йўли топилмайдур то иқтидорға не етишгай. Қазо амри юки оғирлиғидин фалак қади нигундур ва қадар

панжаси зўридин фалак мартабалари зори—забун.

Андаки фалак туроб бўлғай,  
Туфроққа не ҳисоб бўлғай.

Ғараз бу калимотдин ва мақсад бу муқаддимотдин улким, бу фақири хоксор ва бу хокиваши беътиборким, бу давлатлиғ эшик остонасиға туфроғдек тушуб эрдим, хаёлимда бу эрдиким, магар ажал сарсари туфроғимни бўсоғадин совурғай ва ўлум сайли хошокимни бу эшикдин сурғай ва лекин хаёл ботил экандур ва муддао отил.

Бу учурда юқоридин бу фақир хизматиға рақаме тортилди ва убудиятиға қаламе сурулдиким, жавоби тасдиқдин ва хитоби сидқдин ўзга биллилмади «ва их—жуму яфъаллуллоҳу маяшаъ мо юриду». **25** Ҳосил: шаввол ойининг йигирми олтисида душанба куни ижозат бўлуб, Марвдин Астрободға азимат иттифоқи тушди. Эмди агарчи сизга ҳеч ишда насихатға эҳтиёж билмасмиз ва лекин бир—икки сўз айтурдин ҳам чорамиз йўқдур. Оламда ҳаргиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур ва аҳбоблиқ одами аъдосиз топилмайдур. Ва тавфиқ нишони улдуким, андоқ маош қилғайким, дўстлар тили душманлар қошида қисқа бўлмағай ва аҳбоб боши аъдо илайида қуйи тушмағай ва бу иш мунҳасирдур икки ишга: бири ҳақ таоло амриға итоат қилмоқ ва ул бири наҳйидин ижтиноб қилмоқ. Ва лекин чун башариятнинг зулмати ҳижоблари мақсуд нури юйига монъедур, жамеъ авомунноси уҳдасидин чиқмоқ мушкулдур.

Аммо бировниким, тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоқим қилди — анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва ҳеч наҳйдин ижтиноб чоғир таркича бўлмас чунки «инналлоҳа йаъмуру бил адл ва—л—эҳсон» **26** ва ҳазрат рисолат саллаллоҳу алайҳи вассалом буюрубтурким, «адлун саатун хайрун мин ибодатис—сақалайн» **27**. Ва чоғирни «уммул—хабоис» **28** дебдурлар. Жамъи ёмонлиғ андин мутаваллид бўлурким, борча яхшилиқ ва ёмонлиқ бу икки нима зимнида мундариждур. Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур куллий ва агар муяссар бўлмаса, улча мақдурдур, бу икки ишда кўшиш қилғайсиз. Дағи агарчи бу фақир ҳеч ҳисобда эрмасман, аммо эшикда эрконим била йирик эрконимга бир ҳукм бермангиз ва улча имкон бор Мирзонинг ҳукми ижросида саъй қилиб, ул давлат маслаҳатининг дақойиқидин ҳеч дақиқани ҳеч вақтда номаръи қўймангиз. Ва ҳазарот ва маходим била, балки Сойир наввоб ва худдом била хизматкорлиғ тарийқин маслук тутунгуз.

Сўз мухтасар, бир рубойи била ихтисор қилилур.

Ҳақ амрию наҳйини кетур яхши бажо,  
Ўткарма қадам шаръи набийдин қатъо.  
Шаҳ хизматини тузлук ила айлағил адо,  
То икки жаҳонда бўлғасен комраво.

## 12

Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,  
Нотавон жисмимға тушган шуъла жоним ўртади.

Кўпдин—кўп дуо ва саломдин сўнгра арз улким, бу фақир Хуросонда эрконимда ҳам сиздин айру эрдим, эмдиким, Астрободдамен фиروق ҳайсиятидин иккаласи бирдур, невчунким:

Бировки ёрдин айру эзур: асирий фиروق,  
Арода хоҳ яқин тут йўлини, хоҳ йирик.

Аммо мунда келгали баданға фиروق ўтининг тоби ва кўнгулга иштиёқ



суубатининг изтироби кўпрак бўладур. Жихат бу бўлаолғайким, анда эрканди висол давлати маржувул ҳусулроқ ва мулоқот саодати мумкин ул-вусулроқ эрди эркан. Аммо бу ҳисоб хиради дурбин ваззони била ва ақли дурандиш мизони била рост эрмас.

### **Маснавий:**

Яна бир ҳисоби дағи бордур,  
Ки ақлу хирад анда нокордур.

Эрур сирридин ақли кулл беҳабар,  
Ким отини дерлар қазоу қадар.

Не иш бўлса беҳадду имкон баса,  
Эрур ул ҳисоб ичра осон баса.

Умид улким, ҳақ субҳонаҳу ва таоло кўнгулға кирмаган восита била ва хотирға кечмаган васила била мулоқот ҳузури ва мувосалат сурури насиб қилғай.

Юборган руқбада битиб эрдингизким, анда борғали киши юбормадингиз деб, анинг жихати ул бўлдиким, юборган кишимиз ҳануз келмайдур эрди ва битилган руқбаға жавоб келтурмайдур эрди.

Яна илтимос улким, мизожингиз риоятин яхши қилингизким, сиҳҳат неъматига бадал бўлмас ва ишингиз эҳтиётин яхшироқ қилингизким, нохуш иш воқеъ бўлса, пушаймонлиғдин суд йўқтур. Ҳеч вақт кўнгулни тенгри таоло ёдидин ғофил ва муслмонлар додидин отил қилманг. Дўстлар фикридину душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматидин ўзга натижа бермас. Подшоҳ давлати маслаҳатин борча ишда муқаддам тутмоқ вожибдур. Тенгри амрини андин ҳам ақдам кўрмак фарз.

Сизга бу сўзларни айтмак эҳтиёж эрмас, аммо айтмакдиди нуқсонини ҳам йўқ жихатидин мунча сўзга мусаддеъ бўлулди.

Улким фироқ мулкида қилмиш мени ғариб,  
Ҳам ул висол давлатини айлағай насиб.

### **13**

Ул нишонким, келди шахдин танда жон бўлди, манга,  
Ўлмиш эрдиким, тирикликдин нишон бўлди манга.

Қуллуқ арзадошт улким, сафар ойининг ғуррасида шанба сабоҳи Нишопурдин бир манзил Сабзавор сари Абдушужоъ Ансорий мазори бошида юқоридин келган пиёдарав муборак нишонниким, бу банданинг мужиби сарафрозлиғи эрди—еткурди.

### **Б а й т:**

Ўпуб ер, бармоғим қош узра қўйдум,  
Ани худ ўптуму бош узра қўйдум.

### **Б а й т:**

Жонда қўйдум чирмағон мактубини ҳижрон аро,  
Билмон ул мактуб эрур ёхуд «алиф» дур жон аро.

Мундағи ҳолатни нишон келган куннинг бурунқи куни арздошт қилиб, Мавлоно Ғиёсиддин Жалолийдин<sup>29</sup> юборилиб эрди, етган бўлса, арзға еткурмиш бўлғай, деб қуллуқ арзадошти якшанба куни битилди.

### **Б а й т:**

Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир этгамен,  
Бўлмаса тақдир ани кўрмак не тадбир этгамен.

### **14**

### **Р у б о и я:**

Номангки, манга муждаи жоний эрди,  
Ҳижрон ғамидин хатти амоний эрди,  
Зулматқа саводи гар нишоний эрди,  
Мазмун анга оби зиндагоний эрди.

Қуллуқ дуодин сўнгра арздошт улким, шанба сабоҳи сафар ойининг бошида иноятномаеким, бу хоксорға мужиби тафохур эрди — етишти. Иноят юзидин шафқатангиз сўзларким, битилиб эрди — ўқулди. Не ҳад била, балки не тил била анинг жавобин битиса бўлғай.

### **М а с н а в и й:**

Неча солса куёш туфроғ уза нур,  
Демак узрини туфроғдин не макдур,

Қуёшдек чархдин ўтсун камолинг,  
Фалакдин бўлмасун, ё раб, заволинг.

### **15**

### **Рубоия:**

То олам уза фалакка даврон бўлғай,  
Афлок уза то нужум рахшон бўлғай,  
Анжумға саботу сайр имкон бўлғай,  
Бу барча санга мутеи фармон бўлғай.

Мухлисона дуодин сўнгра қуллуқ арзадошт улким, аввали жулусдаким, ул хуршеди авжи салтанат олам аҳли кўзин ўз партави била баҳраманд қилди ва ул жамшед сарир хилофат тахти салтанат авжин ўз пойбўси била сарбаланд этти, бу фақири ҳақирға бир нишони олий шон юборилиб эрди ва бу бандаи афкандани бир мисоли вожибул — имтисол била туфроғдин кўтарилиб эрди. Мазмуни буким: «Паришон абъётингни жамъ қилиб, Мавлоно Султонали Машҳадийға<sup>30</sup> ёздуруб, ҳазратимизға юборгил».

Ул китобат шукрига нотиқа тили «Алҳамду лиллаҳил—лазий анзала аъла абдиҳил - китаба»<sup>31</sup> адосиға мутакаллим ва анинг мазмуни жавобида «Ал абду ва мофаадиҳи кана лилмавлоҳу»<sup>32</sup> савтиға мутараннум бўлди. Ва лекин чун ул хизматгорлиғ сурати кечроқ зоҳир бўлди ва ул фармонбардорлиғ зуҳури ботроқ сурат боғламади — анинг сабабин адо қилғали ва боисин арзға еткурғали ёри азиз Мавлоно Мир Ҳусайн

Бовардийниким, **33** юзи ул даргоҳ туфроғидин қуёшқа етиб эрди ва боши ул баргоҳ саждасидин фалакдин ўтуб эрди — илтимос қилилдиким, иқболосо қуллуққа мутаважжих бўлғай ва бу муқассир қул тақсири узрин қўлғай. Умид улким, узрихоҳ мақбул кўрунғай ва узр маъқул тушғай.

### **Р у б о и я:**

То қолғуси боқий бу жаҳони фоний,  
То бўлғуси инсонға ҳаёт имкони,  
Тенгри тутсун санга мусаллам они,  
Лекин қилибон бу хайлнинг султони.

То ҳар йил боши қуёш заррин ғазоласи ҳамал ўтлоғида лолазор узра жилва қилур — ул салтанат сипехрининг қуёшиға шараф баҳори лолазори узра ғазолалар била анжуман тузулсун. Ва то ҳар гул чоғи сабо машшотаси раёҳин нав—аруслари қулоғиға жола гавҳарлари била зийнат берур — ул хилофат бўстониинг сарви навхези чаман хулалида кўргузулсун.

Қуллуқ арздошт улким, иноятномада битилиб эрдиким: «муддатедурким, арзадошт битимайсен». Бу паришон ҳолнинг ошуфта хаёлидин не содир бўлаолғайким, ул олий мажлис мулозимлари эшитурга лойиқ бўлғай ва ошуфта хаёлнинг қаламий мақолидин не рақам сурат боғлағайким, ул шариф маҳфилнинг мукоринларининг фархунда ройлариға мувофиқ келгай.

Биззарурат ғойибона, дуо била иктифо қилилибтур: Ҳаёт боғи тоза ва ул боғи мурад раёҳини беандоза бўлсун.

### **Р у б о и я:**

То дашт баҳор фасли рангин бўлғай,  
Гулзор нигорхонаи Чин бўлғай,  
Дашт узра санга салтанат ойин бўлғай  
Гулзор ичра тахтинга таскин бўлғай.

## **17**

### **Рубоия:**

Эй боди сабо, айласанг ул сори гузор,  
Жон бирла кўкгулни топшурай — олғач бор,

Кўнглумни итига тўъма қилғил зинҳор,  
Жонимни дағи аёғиға айла нисор

То фалаки мудаввар қалқониға хуршеди анвар мухрасидин қубба бўлғай ва қавси кузаҳ сафинасиға саҳоби сипехр пайкар сафинасидин бодбон қурулғай. Ул муламмаъ қалқон ҳумоюн чатрингға яшил мушаммаъ бўлсун ва бу мулавван туслуқ ёйдек хилолий жоминг нужум жавоҳиридин мурассаъ.

Арз улким, мундағи ҳолот шоҳиди жамолиға хайр машшотаси илгидин оройиш ва умур зебоси узориға амният кўзгуси рухсорида намойишдур, ва лекин:

Боғни нетсун киши сарви хиромон бўлмаса,  
Кўк равоқи тийрадур, хуршеди рахшон бўлмаса.

## Рубоия:

Васлинг бўлубон жонға муяссар, ё раб,  
Чехранг қилибон кўзни мунаввар, ё раб,  
Нутқунг сочсун базм аро гавҳар, ё раб,  
Ё рабки, ижобат айлагил ҳар ё раб.

## 18

## Рубоия:

Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардунни совурмоғлиғ эрур дилхоҳим,  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,  
Невчун қаро қилмасун фалакни оҳим.

Жигарсўз ҳодисаким, истимои кўзга мужиби хунборлиқ ва ғамандўз воқиаким, иттилои жонға боиси афгорлиғ эрди — етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андух оқизиб, жон ғусса фиғонидин найсон булутидек ўкурмак оғоз қилди.

Ўртанур эл фурқатингдин нола бунёд айласам,  
Кўзгалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Аmmo «Кулли нафсун зойиқат ул—мавти»<sup>34</sup> шарбатидин ҳеч мутанаффас маоф ва «кулли ман ал-айҳа фана»<sup>35</sup> хилъатидин ҳеч кимарса халос эрмас. Сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир топилмас.

## Рубоия:

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,  
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсун,  
Шахзодаға гар равза муяссар бўлди,  
Султонға жаҳон мулки мусаххар бўлсун. Омин.

## 19

Булбулеким, гул хори хижрони ғунчадек кўнглин фиғор қилмиш бўлғай — дастонсаройлиғ била не тараннум кўргузай ва тўтиёким, кўзгу доғи ҳирмони замири кўзгусида ғубор солмиш бўлғай — ширин каломлиғ била не такаллум тузгай!

Аmmo «ал—маъмуру маъзурун»<sup>36</sup> ҳукми била ўтлук оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб, кўнгул оташангизлиги била кўз ашкрезлиги шарҳида бир неча паришон байт мураттаб қилилди. Умид улким, мутолааси кўнгулга мужиби айшу ҳузур ва мушоҳадаси кўзга боисн сафо ва нур бўлғай.

## 20

Ҳидоят нуридинким, мурод шамъи демак мақсуд анинг ламъасидиндир хилватингиз мунаввар бўлиб, партави андин бу тийра рўзгорнинг залолатангиз авқотиға

тушсун ва иноят кўзгусидинким, мақсуд қуёши демак мурод анинг ашиъасидиндур,  
шабистонингиз музайян бўлуб ламъае андин бу хоксорнинг зулматомез миръотиға юз  
кўргузсун.

### **Рубоия:**

Мақсуд жамоли жилвагустар бўлсун,  
Нури била офоқ мунаввар бўлсун,  
Мундоқ кишвар сизга мусаххар бўлсун,  
Сиздан назаре бизга муяссар бўлсун.

Маъмул андоқким, кўнглунгуз ҳарамида фатҳ оламидин матлуб шамъи ёқилса,  
бу тийра рўзгор парвонадек ул маъман гирдига эврулгай ва матлуб ўшондоққи, жонингиз  
эрамида файз шабнамидин нишот гули очилса, бу зори, беқарор булбул киби ул гулшан  
теграсига чеврулгай, то ул шамъ нуридин кўзи мунаввар бўлиб, бу гул атридин димоғи  
муаттар бўлгай.

### **М а с н а в и я:**

Этар хорани меҳр лаъли музоб,  
Қилур қатрани баҳр дурри хушоб,

Бу иккидин ўксук мени зори дун,  
Ва лекин сен ул иккидин ҳам фузун,

Қуёш хорани жавҳар этган киби,  
Тенгиз қатрани гавҳар этган киби,

Ишим ҳимматинг бирла топсун низом,  
Паём ушбу эрди манга, вассалом.

**21**

### **Рубоия:**

Бир мўр Сулаймонға<sup>37</sup> бўлай деб ҳамроз,  
Кўп саъй ила йўл қатъини қилди оғоз,  
Чун тахти Сулаймонға етишти қадами,  
Ер ўптию қайтти қилиб арзи ниёз.

Қуллуқ арздошт улким, Каъба тавофидинким, мурод ул қиблаи иқбол рутбалиғ  
остондур ва қибла сафаридинким, мақсуд ул каъбаи омол суддалиғ осмондур —  
хокбўслуғиға эҳром боғланиб, яқин етишилди, аммо.

### **Р у б о и я:**

Ҳар неча юзунг хаёлин этсам тасвир,  
Наққоши қазо бориға берди тағйир,  
Мен васл умидиға кўп эттим тадбир,  
Тадбир не суд, гар эмастур тақдир.

Арзадоштнинг шарҳи мужиби малолдур ва ҳолнинг баёни боиси калол. Ружуъ  
руқъа ҳомилининг адосиға ва ҳавола нома ноқилининг дуосиға қилилди, вассалом.

22

То фироқ мубталосининг талх—талх шўробаси ҳижрон ўтининг лаҳза—лаҳза  
забона тортариға таскин бергай ва иштиёқ гирифторининг нафас-нафас шуълаи шавқи  
кўнгул вайронасиға замон—замон ўт солгай.

**Р у б о и я:**

Мизожинга аллме етмасун фироқ била,  
Замиринг ўлмасун озурда иштиёқ била,  
Кўзумга тенгри етурсун икки тобонингни,  
Ҳал айлабон қаро қилмоқ икки қироқ била.

23

**Р у б о и я:**

Васлингни тилаб, эй шаҳи фархунда  
Кўнглум қуши эгнидин чиқиб эрди қанот,  
Кўп ҳукм етиштиким, ёниб келсун бот,  
Чун бўлди зарурат, айладим азми Ҳирот.

То фалак жафоси иштиёқ шажарасининг самараси ҳижрон меваси қилгай ва то  
сипехр зулмидин ҳижрон аҳлиға шавқ ва ҳирс гулбунидин ҳирмон гуллари очилгай, фалак  
ул ҳазратнинг ҳукми чавғониға гўйдек фармонбардор ва сипехр анинг шодурвони азамат  
ва жалоли даврида тугма кирдор бўлсун.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу банданинг заъфининг қуввати ва  
хўрўшининг ҳароши ул мартабаға етиб эрдиким, атиббо ташхисида ва ҳукамо  
муолажасида бесомон бўлуб эрдилар. «Тасофиру тасихҳу»<sup>38</sup> амр ва муждаси била ҳазрати  
Имом развасиға дегинча рухсат била келилди, хаёлда остонбўслуғ орзуси бағоят ва  
кўнгулда сариғ юзни олтун бўсағаға суртмак муддаоси бениҳоят эрди. Андоқким, анинг  
кайфиятидин фалонеким, таъбининг диққат ва латофати жонбахшлиқда Масихосо эрур ва  
назмининг салосат равонлиғи Хизр зулоли хосияти берур — соҳиб вукуфдур. Чун банда  
ҳукм йўсуни била маҳкумвор ёндим, мушорун илайҳниким, аладдавом бу фақирни ўз  
сухбати била масрур тутар эрди — ўз ивазим (агарчи ул беиваз тушубтур) йибордим. Ул  
доғи бир—икки қатта келсун деб, анинг отиға олий нншон келган жиҳатдин бу маъкиға  
толиб эрди. Фақир илтимоси била анинг муддаоси мувофиқ тушган учун куллуқ эҳромин  
боғлаб, мутаважжих бўлди. Умид улким, ўзи мақбул ва арз қилур сўзи писандида ва  
маъкул кўрунгай. Неча китобким, ҳукм бўлуб эрди, улча муяссар бўлур чоғлиғ эрди,  
андин юборилди. Қолғонни ҳам умид улким, бот муяссар бўлгондин сўнгра аларни ҳам  
еткурулгусидур.

Чарх давридин фузунроқ тули давронинг сенинг,  
Олам ахли сар-басар маҳкуми фармонинг сенинг.

24

**Р у б о и я:**

Токим, назаримда шахсуворим йўктур,

Ҳижронида жуз нолау зорим йўқтур,

Бир ерда куюн киби қарорим йўқтур,  
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Қуллук дуодин сўнгра арздошт улким, бу давлат хоҳ қул густоҳлиқ қилиб, Шайх Муҳаммад мирохурдин<sup>39</sup> юборилган арздоштнинг жавобин иноят қилибким, Султон Маҳмуд оғодин<sup>40</sup> юборилиб эрди, мазмунидин андоқ маълум бўлдиким, дойимиғи дастур била мустаҳсан тушубтур. Тенгри таоло умру давлатингиздин бархурдор қилғай, дунё ва охират муродот ва мақосидини насиб қилғай.

Умид улким ҳарнеким бу банда давлатхоҳлиқ юзидин битибмен — мақбул тушубтур, амал қилиб, натижа топмоқ рўзи бўлғай. Яна Муҳаммад Аминбек<sup>41</sup> била Хожа Фахриддин битикчи<sup>42</sup> бобида ҳам нишонларким, битилиб эрди — юқори арз қилиб, барчаға жавоблар борди; наввоб арз қилгондин сўнгра маълум бўлғай, деб қуллук арздошт битилди.

25

Қуллук дуодин сўнгра арздошт улким, ҳумоюн битикким, иноят қилиб, фалондин юбориб эрдингиз — етишти ва мазмуни маълум бўлди. Андоқ ишорат бўлуб эрдиким, ҳазрати хон бобида икки сўзни Мирзо тобуғида арз қилиб, жавобин олиб юборгил. Бир улким, не дастур била аларни киши юбориб сўрдурали. Яна бир улким алар тобуғида мактуб не навъ етмак муносиб бўлғай; буйрук йўсуни била арзға еткурулди.

Сўрук бобида андоқ ҳукм қилдиларким, инилари била сойир ҳазарот хонни не навъ дастур била сўрғонларининг нақлин келган киши элтсун, барчанинг оғаси ва аршади ул азиз фарзанддур. Ул нақлни кўруб анга яраша яроқ қилиб, сўрдура киши юборсун. Яна битик бобида андоқ буюрдиларким, агарчи ёшқа ул фарзанд андин улуғроқдур, аммо ул султонлиғ мартабасидин мунда келмайдур, хонлиғ маснадидин ҳодиса воқеъ бўлгон учун мунда тушубтур, бу муддатда бизга мундоқ азиз меҳмон келган эрмас, битикда хон тобуғида деб битиб, мактубни охириғача таъзим била битисун ва орқасида муҳр ё исмин битик ўртасида қироғи сори майл қила босиб ё битисун деб, ҳукм қилдилар. Тобуғда маълум бўлсун деб, қуллук дуо арз қилилди.

26

Қуллук дуодин сўнгра арздошт улким, иноят нишонп келди, иноят сўзлари маълум бўлди. Ҳар ойинаким, андоқ бўлғусидур, қуёшдин заррапарварлиқдин ўзга иш келмагусидур ва бу қуёшдин равшанроқтур. «Фирокнома»ким, юборилибтур — тасвир қилилсун деб, ани тасвир қилаолур киши устод Бехзоддур<sup>43</sup> ва бу яқинда Устоди мушорун илайҳни Мирзо тилаб олдилар: ўз қошларида боғда ҳужра ясаиб иш буюрадурлар. Яна андоқ кишики, ул китобатқа муносиб иш қила олғай — йўқ эрди. Ҳар нечук ул бобда ҳукм келса, анга кўра қилилғусидур деб, арзадошт битилди.

27

Қуллук арзадошт улким, бу қул мулозамат эҳромин боғлаб, мутаважжих бўлурда толеъ заъфидин ориза даст бердиким, ул таважжуҳ монии бўлди. Аммо Шайх химнингким<sup>44</sup>, бу банда била аларнинг орасида ҳеч жудолиғ йўқтурур — банда эвази мутаважжих бўлдилар, кайфият маълум бўлғусидур, Бандаи мухлиснинг давлатхоҳлик юзидин хотириға келган сўзни ҳам борғон ёронларға айтилибтур — арз қилсалар, умид улким, ул сўзга илтифот бўлғай деб, қуллук арзадошт битилди.

28

Зиҳи нозил мақоминг тахти шоҳи,  
Тушуб тожинг уза зилли илоҳий,  
Ҳам ўлсун пояи тахтинг фалаксо,  
Ҳам ўлсун тожи қадринг арш фарсо.

Қуллуқ дуодин сўнгра арздошт улким, Мир Саййид Абу Исҳоқ<sup>45</sup> келиб, иноятнома била сойир инъомотин еткурди. Банданавозлиғ нишонн била бошимни фалакдин ўткардингиз ва сарафрозлиғ маркаби била хоксор танимни туфроғдин кўтардингиз ва иноят либоси била зоҳир айбларимни мастур ва бу иноятлар сипоси била бузулгон ботиним уйи маъмур бўлди. Муниг муқобаласида дуодин ўзга илгимдин не келгай ва санодин ўзга тилимдин не очилгай.

То жаҳон бўлгай ҳимматингиз саманди чарх паймо ва то сипеҳр эврулгай жаҳон аҳлиға инъомингиз ташрифи зийнатафзо бўлсун. Омин, ё раббил оламин.

## 29

Қуллуқ арзадошт улким, иноятнома мазмунидин ҳумоюн зот ва фархунда мизожингизнинг саломатлиғи маълум бўлди. Умид улким, ҳақ таолонинг паноҳида бўлуб, муддао мувофиқи ва орзу мутобиқи давлат муяссар бўлгай. Бу қул бир неча кун зиёратгоҳда эрдиким, мирохур келгандурур. Ул жиҳатдин арзадоштни ўткарурда ҳозир эрмас эрдим. Ҳамл мулозамат тақсириға бўлмагай. Жаҳон мулки мусаххар ва икки жаҳон муроди муяссар бўлгай. Омин, ё раббил оламин.

## 30

Қуллуқ арзадошт улким, йиборган иноят нишонида Самарқанддин қочиб келган киши бобида сўзлар битилиб эрди. Арзадоштда дағи ул сўзлардин мазкур эрди, барчасин шарҳ била юқори арз қилилур. Чун қочиб келган киши ҳануз кўрунмайдур эрди, ул жиҳатдин ҳануз ул бобда ҳеч навъ ҳукм воқеъ бўлмади. Иншооллоҳ, ул кўрунгандин сўнгра ҳарне ҳукм бўлса, шарҳ била арзадошт қилилғусидур. Давлат бардавом ва сао—дат мустадом бўлсун.

## 31

Қуллуқ арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожлари сиҳҳат топиб, «тахти равон» била зилҳижжа ойининг йигирма бешиде душанба куни тошқори чиқтилар. Умид улким, Мирзомнинг шариф зотлари дағи ҳамиша сиҳҳатда бўлуб, давлатлари кундин-кунга ортқай.

Иноят қилиб дойимғи дастур била ваҳйосор рукъалар била сарафроз қилилса, бу фақирнинг мужиби саодати дорайни бўлғусидур. Паришон назмлардин бир жуз тобуқта юборилди. Чун муборак назарлари тушгай — ислоҳ била мушарраф бўлгай.

Давлат мудом ва салтанат молакалом бўлгай.

## 32



Куллуқ арзадошт улким, ахтачидин иноят қилиб йиборган оғзи мухрлуқ битикни ўқуб, жавоб олғунча, ахтачи ошуқуб кетган эрмиш. Ул битик бобида ҳар сўзким бўлса, бу банда мулозамат икболига мушарраф бўлғали куллуқ эҳромин боғлаб, мутаважжийхдурур. Умид улким, банда етгунча яйлоқларда бўлғайларким, мизожда жузъий ҳарорат бор. Астрободнинг шаҳрига банданнинг борури хожат бўлмағай. Чун остонбўслуқ иштиёқи ҳаддин ўтуб эрди — бу васила била хаёл қилидиким, ул олий мақсадқа етгай.

Давлат рўзафзун ва икбол ҳамидун бўлсун.

Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўрган бот,  
Бияйних анга кирпиклар ўлмиш икки қанот.

### 33

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожларида жузвий заъфким бор эрди — сиҳхатқа мубаддал бўлуб, парҳиз ушоттилар. Бу учурда ул вилоятдин дағи жузъиёт учун Мавлоно Худойбердини<sup>46</sup> куллуққа юборилди. Куллуқ изҳориға арзадошт битимоқ вожиб эрди. Машҳаддин бу банда ўз холин хожа Фалондинким, арзадошт қилиб эрдим, холо мулозимлар ҳиммат ва давлатидин бу банданинг марази ҳам сиҳхатқа юз кўюбтур, аммо бирор нима заъфбор. Умид улким, ул дағи, дафъ бўлғай деб куллуқ арзадошт битилди. Бу матлаъ воқиъ бўлуб эрди, умид улким, ислоҳқа мушарраф бўлғай:

Раҳшингки хиром ичра ўтар кабки даридин,  
Истармен анинг наълини товус паридин.

### 34

Куллуқ арзадошт улким, бу банда алассабоҳ эшикка ҳозир бўлганнинг жиҳати ул эрдиким, муборак дийдорингизни кўруб қолғаймен. Хабар бўлғунча саломатлиғ била азимат қилиб эрмишсиз. Отланиб, йўлда куллуққа мушарраф бўлур хаёл қилғоч, ҳукм келдиким: «Ғойиб бўлмасунким, сўз бор». Бу жиҳатдин маҳрум қолилди. Ҳамл тақсирға бўлмаса ғояти қарам бўлғай.

Буюрғон ғазаллардин тайёр бўлғонларни юборилди. Қолғонни дағи тугатиб, борур кишидин юборилгай.

Ҳукм бўлуб эрдиким: «Хаёлингга келган давлатхоҳона сўзунг бўлса айт».

Сўз будурким, ҳаво исиди улча имкони бор, чоғир ичарда риоят вожибдур. Ўзга сўзлар ҳам бўлса, арзадошт бўлғусидур.

### 35

Куллуқ арзадошт улким, Абдулкаримдин<sup>47</sup> йиборган нпоятномани бажинс Мирзонинг илгига бердук, ҳукм бўлдиким, сиз давлат била бориб, Мўғулбек<sup>48</sup> кўмак йўсунлуқ керак бўлса келганлар, аммо мундоқ сўз кечтиким: «Мўғул андағи ишларга бағоят кўп эҳтимомлар қилур эрди, Баднуззамон Мирзо онча эҳтимом қилғайму?» Арз қилдимким, андин кўпрак эҳтимом қилғусидурлар. Эмди иноят қилиб, ўзлукунгуз била машғуллуқ қилиб, иш-кучни киши — қаро умидига кўймасангиз яхшироқ бўлғай. Иноят қилиб, чун битирсизким, менинг иш—кучим санга ухдадур. Агар андағи ишларда беэҳтимомлиғ воқеа бўлса, Мирзо тобуғида бу қул уетлиғ бўлғусидур деб, куллуқ арзадошт битилди.

Баъзи тарбият қилғон қуллар бобидаким, битилиб эрдиким, тақсирлари

жиҳатидин хитоб ва мусодара воқеъ бўлубтур.

Куллардин тақсир ва салотиндин гоҳ афв ва гоҳ хитоб воқеъ бўла келгандур. Аммо подшоҳнинг ўз иш кучидин воқиф бўлуб, сиёсатидин кулларнинг ваҳмининг бир улук натижаси будурким, алардин жарима оз воқеъ бўлур. Дағи подшоҳқа ҳам муқобалада итоб қилмоқ лозим келмас. Бу маҳалда ҳар ҳол била бўлса навқар жонибини асрамоқ вожибдур. Аммо аларнинг аҳволидин ҳам воқиф бўлмоқ вожибдурким, беқоида воқеъ бўлмағай ва барча хушёрликқа вобастадур.

Май меҳўру хушёр мебош»**49**.

### 36

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Вақфада зиёрат жиҳатидин Имом равзасиға келилиб эрдиким, давлатингиз дуоסי қилғайким, Илдири**м50** келди. Яна бир дуо била ўзни соғиндурмоқ вожиб кўрунди.

Ҳар қаён юзлансангиз фатҳу зафар ёрингиз бўлсун ва жамии офот ва балиётдин ҳақ таоло ниғаҳдорингиз, омин.

Бу матлаъ воқеъ бўлуб эрдиким:

Ишқ даштин ҳеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун,  
Мен ғариб ул дашт аро кўрганни кофир кўрмасун.

Ислоҳға хоқимсиз.

### 37

Куллуқ арзадошт улким, иноятномадин сарафрозлиғ даст берди.

Не лутф эдики, мени нома бирла ёд эттинг,  
Не нома эрдиким, маҳзун кўнгулни шод эттинг.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун.

Кўксумда наъл бўлди хадангиз нишонаси,  
Кўнглум уйи эрур анинг омочхонаси.

Яқинда бу матлаъ воқеъ бўлубтур, густоҳлик қилилди.

Барча ҳолотдин фарзанди аржуманд Ҳайдар**51** соҳиб вуқуфдур, сўрулса арзадошт қилғусидур.

Давлат мустадом бўлсун.

### 38

Куллуқ арзадошт улким, мундағи ҳолот тенгри таоло инояти била Мирзо давлатидин кўнгул тилагондектур. Бу учурда Султон Маҳмуд Мирзо **52** қошидин Маҳмуд барлос**53** келиб, пешкаш ва сочиқ келтуруб, куллуқ хизматгорлиғларин изҳор қилди. Яна атроф ва жавонибдин келган хабарлар дағи барчаси давлатқа мувофиқ эрди. Густоҳлик юзидин бир неча сўз битиб, қоғаз бошин ёпуштуруб йиборилди. Анга дағи мулоҳаза қилилиб, назарға келтурулса, давлатқа мувофиқ бўлғусидур деб, куллуқ арзадошт битилди.

### 39

Сафардин келган эрмиш ул мусофир ою мен маҳрум,  
Сабо олдида арз эт, чунки ҳолим айладинг маълум.

Куллуқ арзадошт улким, сафардин саломатлиқ била қайтиб, масканга тушулган хабардин давлатхоҳ қуллар шодмон бўлдилар. Умид улки, ҳамиша давлат била соғ ва саломат бўлуб, олам аҳлига комрон бўлғайсиз. Доранда мутаважжих учун дуо била ўзни муборак хотирға бермак вожиб кўрунди деб, куллуқ дуо била арзадошт битилди.

**40**

Куллуқ арзадошт улким, бу бандаға бехжат ва сарафрозлиғ мужиби бўлгон руқъа етишти. Ўпуб они кўзу қошимға қўйдум. Не қошу қайси кўз, бошимға қўйдум. Иноят қилиб, мундағи ҳолатни руқъа ҳомилидин сўрулса, арза қилғусидур.

Давлат мухаллад ва саодат муаббад бўлсун. Омин ё раббил.оламин.

**41**

**Р у б о и я:**

Қасринг уза чарх тоқи манзар бўлсун,  
Базминг аро офтоб мижмар бўлсун,  
Жавлонинга арса етти кишвар бўлсун,  
Ҳар не тиласанг барча муяссар бўлсун.

Куллуқ арзадошт улким, Абдулкарим Мирак ҳукм бўлгон иш кучни сўзлашиб, кўнгул тилагандек жавоб олиб борди, маълум бўлғусидур. Умид улким, маҳжур қуллар муборак хотирингиздин чикмағайлар деб қуллуқ арзадошт битилди.

**42**

**Р у б о и я:**

Эй зухра келиб, мутриби базми тарабинг,  
Биржисдин ортибон ҳаёву адабинг,  
Олам элида хисраву хоқон лақабинг,  
Одамға дегинча хон бин хон насабинг.

**Р у б о и я:**

Не чарх бисоти ишрат афзойингча,  
Не меҳр жамоли олам оройингча,  
Не ой даври чатри фалак фарсойингча,  
Не кўк авжи хоки кафи пойингча.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу фақирнинг паришон ашъори ва ошуфта абъетидин ҳарнеким тартиб либосиға кириб эрди ва ҳар қайсиға тадвин ойини берилиб эрди - барча ҳумоюн кутубхонаға етиб эрди ва андағи кутуб силкига кирар шарафин касб этиб эрди.

Бу ўтган икки йилким, бу банда бошиға ҳаводиси рўзгордин юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлуқ ибтило юзланди. Оллимға ҳар шиддат келса, чун айтурға бир ёри ғамгусорим ва илайимга ҳар суубат етса, чун изҳор қилурға бир рафики соҳиб асрорим йўқ эрди, ул шиддату суубат мазмунидин бирор байт ё матлаъ ҳаёл қилур эрдим ва кўнглумни ул ғусса ва андуҳдин холи этар эрдим, бу оз вақтда кўп назм айтилгон эрмиш ва ҳар навъ шеър ва ғазал йиғилгон эрмиш. Буларни зоеъ қилмоқ бандаға номақдур эрди ва тартибиға ҳам ҳукм била маъмур.

Бу сабабдин бурунғи икки девон ашъори била сўнгра айтилгонларни била қўшуб, тартиб била тўрт айрилди, дағи тўрт от қилилди: туфулиятда воқеъ бўлгон ғариб

маъниларга — «Ғаройибус—сиғар» ва йигитликда зоҳир бўлгон нодир таркибларга «Наводируш—шабоб» ва умрнинг вадатида жилва қилгон бадиъвашларга — «Бадоеул—васат» ва умрнинг охирига яқин назмга кирган фойдаларга — «Фавоидул—кибар» от қўюлди. Дағи мажмуиғаким махлут битилибтурур, чун таъб хазойинидин ҳосил бўлгон маоний эрди — «Хазойинул—маоний» лақаб берилди, вожиб эрдиким, муборак назарга еткурулғай.

Ул сабабдин мафхарус—савоҳиб Мавлоно Соҳибни<sup>54</sup> қуллуққа йиборилди ва ул мусваддани олий мажлисқа еткурсун дейилди. Бу густохликқа афв умидидур ва ул густохликларга ислоҳ умиди, то тўрт табойин мухталиф инсон хилқатидаким, офаринишнинг хазойини маонисидур — мувофиқ бўлғайлар. Рубъи маскунда ҳукмунгуз равон бўлсун ва рубъи маскун аҳлиға адлингиздин амну амон. Омин, ё раббил оламин.

#### 43

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Илдирим мирохур<sup>55</sup> келиб, банданавозлиғ нишонни келтурди. Заиф жисмға андин қуввате ва мажруҳ кўнгулға андин сихҳате етишти.

Ўпуб кўзумга қўюб, жоним ичра ер бердим,  
Алиф кибики бўлбтур макони жон ичра.

Агарчи саъб мараз ниҳоятида ўлмак бийми бор, ранжур маризға жон умиди, балки ҳаёти жовидон навида етишти. Ул қаламғаким варақ ҳошиясида бадоеъ нукта суруб, замон нотавонин масрур қилибтур-етти иқлим якқалам бўлсун ва ул иликкаким, ул қаламни ул сафҳаға еткуруб турур, ҳақ субхонаҳу ва таоло рубъи маскун кишварин мусаллам тутсун. Бу зайф банда тобуққа боргон беклар хизматида андоқ деб юбордимким, неча кун Машҳадда туруб, ўз ҳолимға мулоҳаза қилғумдурур. Аҳволимда тафовут маълум қилсам, қуллуқ эҳроми боғлағумдур, ул муяссар бўлмади.

Уммид ила келдим, вале армон била бордим.

Эмди умидворлиғ Юсуф Алидин<sup>56</sup> юборган оғзи сирештлик арзадоштдадур. Тенгри таоло иноятидин ҳазратингизда осондур деб, арзадошт битилди.

#### Рубоия:

То давр дурур давр санга ёр ўлсун,  
То чарх дурур чарх мададгор ўлсун,  
Зотингға Хизр умридин осор ўлсун,  
Умрингға абад фурсати миқдор ўлсун.  
Омин, ё раббил оламин.

#### 44

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу фақир муддате бўлдимким, муборак дийдорингизға мушарраф бўлмоғон жиҳатдин иштиёқ бағоят ғолибдур. Бу қатла Машҳадға келгандин ғараз бу эрдиким, ўзумга онча қувват ченасамким, ўн—ўн беш—йигирми кунда қуллуққа етиб, пойбўслуқ давлатиға мушарраф бўлиб кела олғайман.

Қуллуқ азимати қилиб, андоқким, Шайх Алибек<sup>57</sup> била Хусайнкулибекка<sup>58</sup> шарҳ била айтиб эрдим, шоядки арз қилмиш бўлғайлар. Бу муддаоға далил буқим, бу муддатда заҳмат тортиб ясағон мураққаъни ҳар миқдор такаллуф қилиб тугатган китобларниким, булардин ўзга ҳеч нимага хотирбаеталик йўқ эрди — олиб келиб эрдимким, чун бандаға

заъф чирмашибтур муборак дийдорингизга мушарраф бўлуб, қазо ҳам етса, бу китоблар бори сизнинг назарингизда бўлғай. Чун ўзумда ул қувват топмадим, ул китобларни Юсуф Алидин куллуққа юбордим. Алар тақрийби била гоҳи бу бандангизни соғинурга ҳокимсиз деб, куллуққа арзадошт битилди, вассалом.

**45**

**Р у б о и я:**

Эй тожу сариру мулк зебанда санга,  
Маъмур келиб толеъи фарҳанда санга,  
Ҳам бўлсун улус шоҳлари банда санга  
Ҳам саркашлар барча сарафканда санга.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, манозил сайридин хуршед ўз манзилига, яъни асад буржиға юзланганини ва қулон овидин шер ўз бешасиға, яъни Журжон тахтгоҳи гардун иштибоҳиға қайтқонини эшитилди. Ҳумоюн зотқа саломати абадий ғоятсиз эркони кўргузмак вожиб ва рўз афзун давлатқа истиқомати сармадий ниҳоятсиз эркони сўрдурмоқ лозим эрди. Бу жихатдин:

Манга улким надиму соҳибдур,  
Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур,

ани куллуққа йибордимким, кўзум мардуми хокбўслиғин ул даргоҳ туфроғиға еткурғай ва кирпигим супурғуси ваколлатидин ул боргоҳ остониға кўз суртуб, хошогин супурғай. Умид улким, бу давлатқа мушарраф бўлуб, бандани ҳам бу арзадошт жавобиға мушарраф қилғай.

**М а с н а в и й:**

То доираи сипеҳр бўлғай,  
Токим анга нукта меҳр бўлғай,

Ҳам авжи сипеҳр тахтгоҳинг,  
Ҳам нуктаи меҳр хоки роҳинг.

**46**

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, доим соҳиб давлати азимуш—шон салотин замонида мамлакатларининг мутаайин элидин баъзи даврон ҳаводиси ва замон навойиби лагадқўбидин хоксорликқа қолиб, безътиборликқа тушар эрканди ул салотин ул шикастаи афтодаға дастгирлик юзидин илтифот ва шафқат кўртузур эрмишларким, аларнииг мадад ва ҳимматлари жихатидин ул бечора яна ўз ҳолиға келур эрмиш.

Бу замонда Хожа Ҳожи Махмуд Табризийға 59 ҳалул ҳол воқеъ бўлубтур. Агар ул салотин дастури била шафқат ва илтифот анинг ҳолиға шомил тутулса, умид улким, ул шафқат натижасидин анга дағи бурунғидек жамият ва рафоҳият насиб бўлғай, вассалом.

**47**

**Р у б о и я:**

Жон қасди кўп этти ёр ҳижрони манга,  
Ҳирмон ўкин урди улча имкони манга,

Гар бўлса мутеъ чарх даврони манга,  
Еткурса мени ул ойға ё они манга.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, заиф ва қувватсиз қулунгузнинг заъфи  
қувватқа ва марази сиҳҳатқа юз қўюб эрди. Иноят қилиб, сўрдура йиборилган нишонким,  
етти, айтса бўлгайким, баданда ҳарорат шуъласидин шараре ва кўнгулда изтироб  
шиддатидин асаре қолмади.

Битикингдинки саводини кўруб жон топтим,  
Зулмат ичра масало чашмай ҳайвон топтим.

Хаста қуллар ўчун ҳақ таоло ул ҳумоюн зотни хасталиғдин асрасун ва қадимий  
бандалар учун ул фархунда сифотни дилбасталиғдин ўз паноҳида тутсун.

Бу учурда Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Дехдор 60 тархон қуллуқ  
эхромини боғлаб, азимат қилди. Қайсари Рум илтифотин ва ул бобда топқон аҳком  
холотин арз қилғусидур.

### **Рубоия:**

Ё раб, бўлсун гарди раҳинг зевари Рум,  
Зотингға насиб тахт ила афсари Рум,  
Доҳили мулкунг ичинда юз кишвари Рум,  
Тобеъ сипаҳинг хайлида юз қайсари Рум.

**48**

### **Рубоия:**

Бер мужда кўнгулки, гулғузорим келадуру,  
Жон гулшанида тоза баҳорим келадуру,  
Бир кавкаба бирла шаҳсуворим келадуру  
Ким, юзини ой демакка орим келадуру.

### **Рубоия:**

Бу мужда билаки, тукқуси субҳи висол,  
Ҳижрон қаро оқшомиға юзланди завол,  
Эмди мену интизори меҳри иқбол,  
Кеч қолса бу меҳр то не бўлғай манга ҳол.

### **Рубоия:**

Қосид келди зоҳир этиб кўп таъжил,  
Бир нома қўлида васл комиға далил.  
Бу номадурур каломи мунзалға адил,  
Ё юкоридин ваҳй кетурди Жабраил 61.

Не нома эрдиким, аршосо даргоҳдин нозил бўлди анинг шонида «Алҳамду  
лиллаҳил—лазий анзала аъла абдиҳил китаби»дин ўзга нима хотирға келмас ва не сафҳа  
эрдиким, фалак фарсо боргоҳдин нузул қилдиким, анинг шонида «Алҳамду лиллаҳил-

лазий ахзаба ғина алхазон» дин ўзга калима тилга эвурулмас. Умид улким, зафарпайкар роятнинг ҳумоюнфол кўлкасидин фироқ даштида ҳижрон самумидин маҳрур бўлгон заифлар осудаҳол ва хужаста асар мавкибнинг жонпарвар хабаридин ҳажр зиндониди маҳбус ва маҳжуд бўлгон наҳифлар фориғбол бўлғайлар.

Қуллуқ арзадошт улким, иноят нишонида битилиб, эрдиким, Мирзо мулозаматлариға озим бўлулди ва ул азимат ижросиға жозим. Шак йўқтурким, бу хизмат дунё ва охират маслаҳатиға мувофиқ ва Мирзодек отоға сиздек ўғулдин муносиб ва лойиқдур. Иншоллоҳки, ҳар таважжухда кишваре фатҳ топқай ва ҳар ҳамлада аскаре мағлуб бўлғой ва ҳар онда жаҳоне мусаххар ва ҳар дамда оламе муяссар бўлғай. Улча битилиб эрдиким, Панждеҳ ва Марвчоқ навоҳисида келиб, мулозамат давлатиға мушарраф бўла олурсен. Бу арзадошт не ерда етса, ҳукм бўлсаким, ул ердин Панждеҳ ва Марвчоққа дегинча манзилларни битиб, не кун ул навоҳиға етарни қиёс қилиб, иноят нишони юборилсаким, бу банда ҳамул ҳисоб била чиқиб, иншооллоҳ, тараддудсиз битилган ерда мулозаматқа етсам. Бу умидворлиғ интизоридадур деб, қуллуқ арзадошт густохлик қилилди.

### **Р у б о и я:**

Ё раб, не тарафки азм қилғай ройинг,  
Мансур ўлғай рояти гардун сойинг,  
Мағлуб ўлубон адуви кинафзойинг,  
Масрур ўлғай хотири мулкоройинг.

**49**

### **Рубоия:**

Номанги кўнгул комига марғуб эрди,  
Топти кўнгул андин улча матлуб эрди,  
Йўк, номаки, дилпазиру маҳбуб эрди,  
Хаттида кўнгул муроди мактуб эрди.

Тойири давлат ва иқбол балки қосиди фархундапайи фаррухфол мукнат ва уббахат бўстонидин, балки салтанат ва азамат остонидин маҳжурлар рўзгориға ташрифи хузур еткурди ва маҳрумлар сарвактиға саодат ва иқболосо қадам урди, илгида ҳуққай лаболаб лаъли коний ва дурри уммоний, балки қўйнида номаи саросар зеби, алфоз ва гавҳари маоний, ул ҳуққа оғзини муҳри ихфо урғон, балки у нома бошин ғайр кўзи тушмасун деб, ёпуштурғон.

Бу банда чун ул жавоҳири обдор қийматин билдим ва ул махфий асрорға филжумла вукуф ҳосил қилдим. Махфий хитоб жавобин фош арзадошт қилмоқни ва ниҳон масала баёнини ошкор битмакни адабдин йироқ ва убудиятдин қироқ кўрдум. Ул жиҳатдин чун ўзум қуллуққа озим ва бандалиғ азиматиға жозим эрдим, муносиб андоқ кўрундиким, хотирға келган шикаста баста алфозни ўзум арзға еткургаймен ва бу паришон ва пароканда маънини ўзум наввоб қулоғиға урғаймен деб, қуллуқ арзадошт битилди.

То жаҳондур жаҳонға ҳомий бўл,  
Салтанат тахтида киромий бўл.

**50**

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким:

## Рубоия:

Номанги етишти юз минг эҳсон бирла,  
Кўнглумни фидоси айладим жон бирла,  
Лутф айла бу хонумони вайрон бирла,  
Қил ёд қадаҳ ичар замон хон бирла.

Давлат мустадом бўлсун, вассалом.

### 51

Агар қозийи ислом тенгри раҳматиға борди — подшоҳи исломни ҳақ таоло кўп йиллар диёри ислом ва аҳли ислом бошиға поянда ва мустадом тутқай. Ул мансабқа киши таъйин қилур учун кўп тааммул вожибдур, магарким бу тойифанинг аҳволидин соҳиб вуқуф ва ҳозир бўлғонда барчанинг салоҳ ва фасодин арзға еткурганидин сўнгра нечукким, подшоҳи ислом давлатиға ва аҳли исломнинг маслаҳатиға мувофиқроқ киши зоҳир бўлса таъйин қилилғай деб куллуқ арзадошт битилди.

### 52

Эй келиб журму гуноҳ аҳлиға лутфунг узрхоҳ,  
Узрхоҳ андоқ эса, нетонг киши қилмоқ гуноҳ?

Арзадошт улким, бу вақтда Ҳайдар кўкалтошнинг толеининг кавкаби нуҳусат тийралингидин чиқиб, саодат буржиға юзланган учун ва иқболининг ахтари ражъат вуболидин қутулуб, истиқомат авжидин тулуъ қилғон учун қилғон тақсирларидин шарманда ва кўргузган журмлари била сарафкандалиғ била саодат ахтаридек фалакфарсо даргоҳқа ва иқбол кавкабидек сипеҳросо боргоҳға юзланди. Хаёли буким, бошин эшикдаги қуллар оти аёғида ўйнағай ва муроди бу ким, жонин остонадаги итлар олида фидо қилғай. Умид улким, ниятиға кўра илтифот назаридин баҳраманд ва азиматиға кўра шафқат адаридин сарбаланд бўлғай. То абад карам мужримларға паноҳ ва шармандаларға узрхоҳ бўлсун.

### 53

#### Рубоия:

Не ҳолат эрурки ошиқи шефта ҳол,  
Кўйғон юрагига ҳажр юз доғи малол,  
Солиб бошиға соя хумойи иқбол,  
Еткурғай анга муждаи уммиди висол,

Оллоҳ, Оллоҳ! Фироқ шоми саводи не бало дилгир ва умрфарсо эрмиш!

Ваҳ ваҳ! Висол субҳи кушоди не ажаб дилпазир ва руҳафзо эрмишким, ҳақ субҳонаҳу ва таоло анинг гирифтторлариға нажот рақами сурғай. Ва мунинг шакар гуфторлиғиға ло илонихоя муждасин еткурғай.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бу банда куллуқдин маҳрум бўлғали дойим умидвор кўнглум хаёл водисида саргардон ва мудом умидим кўзи интизор йўлида ҳайрон эрдиким, дойимғи дастур била келур кишидин хабар ва бирор номадин асар зоҳир бўлғай. Бу жиҳатдин кўнгул хароб аҳвол ва кўз тийра ҳол эрди. То бу вақтқачақим, Арслонбек ахтачи 62 фатҳ нишонлари била мазкур бўлғон иноятномани еткурди. Кўнгулга андин осойиш ва кўзга кушойиш етишти. Алҳамдулилаҳким, ҳарне матлуб эди ҳосил ва ҳарне марғуб эди восил бўлди. Умид улким, эмди бори киши келса маъхуд иноятнома била мумтоз ва анинг мазмунида илтифотлар била сарафроз қилилғай.



То жаҳон ўлғай мутеъ санга,  
Тобеи табъи бадеъ ўлсин санга.

54

**Р у б о и я:**

То пайки сабо кетурди ёрим хабарин,  
Шарҳ айлади сарви гулъузорим хабарин.  
Билмас кўнгул эмди жони зорим хабарин  
Ким, пайк кетурди шахсуворим хабарин.

Фироқ шомиди висол субҳидин навмидлариға насими саҳар пайки муждасидин жонфизороқ хабаре мумкин эрмас ва иштиёқ мақомида жамол меҳридин кўзи тийра бўлгонларға васл куёши тулуидин ўзга нима ёруғлук бермас. Бихамдиллоҳ, бурунғи давлат муяссар бўлди. Иншооллоҳким, сўнғи саодатға ҳам мушарраф қилғай.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, шотир фадоний фалон ой нечасида фалон кун келиб, иноятномаким, бу бандани ёд қилиб эрдингиз — келтурди. Ҳадсиз нишот ва ғоятсиз инбисот юзланди. Эмди дағи келур кишидин бирор иноятнома била ўзга қуллардин мумтоз ва сойир бандалардин сарафроз қилурға ҳокимсиз. Давлати абадий бардавом ва саодати сармадий мустадом бўлсун, омин.

55

Ҳадиси қудсийдурким «ман қоналиллаҳи қоналлаҳу лаҳу», яъни ҳар киши тенгрига бўлса, тенгри ул кишига бўлур. Ва тенгрига бўлгонликнинг маънисини мунини дебтурларким, тенгри таолонинг буйруғи била амал қилилғай ва наҳидин ижтинобда. Ва тенгри таоло бу кишига бўлмоқнинг маънисини мунини дебтурларким, қулнинг ҳар навъ муроду мақсуди бўлса, тенгри таоло ҳосил қилғай ва барча офат ва балодин сақлағай. Бас лозим келди: ҳар киши тиласақим, муроду мақсуди ҳосил бўлиб, офат ва балодин эмин бўлғай, тенгри таоло буйруғи била амал қилиб, наҳидин ижтиноб қилғай.

Ва оламда ҳеч киши йўқтурким, ҳар навъ муроди бўлмағай ва ўзин балодин эмин тиламағай. Аммо ҳар кишининг муроди кўпрак бўлса, ҳақ таоло амриға итоати кўпрак бўлса керак: батаҳсис салотин. Ҳар ойинақим, гадоеки матлуби бир дирам сийм бўлғай, подшоҳеқим, мақсуди бир иқлим бўлғай, агарчи иккаласининг тенгри таолоға эҳтиёжи бор, аммо чун матлубларда тафовути кўптур: заруратдурким, итоатда тафовут кўп бўлғусидур.

Ғараз бу муқаддимотдин буқим, чун салотин тенгри таолонинг баргузида ва азизроқ бандаларидурлар ва эҳтиёжлари ва муддаолари ўзга бандалардин кўпроқдур, муқаррардурким, ниёз ва хоксорлиқлари ҳам ва амри ва итоати ҳам аларға кўпрак ва жамии итоатни ҳазрати рисолат ўз жоддаи шаръиға муқаррар қилибдур. Ҳар киши шаръ жоддасида росихроқ тенгри таоло била пайғамбар алайҳиссаломға мутеъроқ ва муроди ҳосилроқ ва балиётдин эминроқ.

56

Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи вассалам буюрубтурким, «ризо урробби фир— ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул—валиди»<sup>63</sup> яъни тенгри таоло ризосини ота ризосиға вобастадур ва тенгри таоло ғазоби ҳам ота ғазобиға вобастадур. Бас киши ота ризосини ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазобиға учраса, тенгри таоло ғазобиға учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. Ва машойих раҳимуллоҳ сўзи буқим, «валадука раббука», яъни отанг парвардигорингдур, бу жиҳатдинким, тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфулиятдин шабоб синниғача парвариш бергувчи ул. Ва Ҳаким Сулаймон алайҳуррахмата<sup>64</sup> валғуфрон рўзидурким, ота кодири қайюм, она

розиқи марсум ва Адиб Аҳмад <sup>65</sup> раҳматуллоҳ дебдурким,

## Р у б о и я:

Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса хато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин кутқарғай худо.

Иброҳим Халил <sup>66</sup> салавот ур—раҳмон алайҳининг атоси бовужуди улким,  
Озари буттарош <sup>67</sup> эрди, ул ҳазрат атосиға насихат қилурда нидо келдиким, таъзим ва мулоямат била насихат қил.

Ва Юсуф алайҳиссалом ҳазрати Яъқуб алайҳиссаломға сахв юзидин бир тарки адаб қилғон учун, бовужуди нубувват ваъда будурким, сойири анбиёдин етмиш йилдин сўнгра бихиштга киргай ва Ҳомким Нух алайҳиссаломнинг ўғлидир, ул ҳазратқа адаб тарки қилиб, ул ҳазрат дуоси била ганги қаро бўлуб, пайғамбарлиқ анинг наслидин мункатеъ бўлди.

Ғараз бу муқаддимотдин улким, бу банда дойим сизга давлатхоҳлиғ сўзин айтибмен ва сизни умру давлатдин бархурдор тилаб, дуо қилибмен ва ҳар номуносиб ишким, сиздин кўрубмен сизга айтибмен, балки китобларимда насихатномалар назм қилиб, арзингизға еткурубмен.

Бу учурда бир неча иш сизнинг тарафингиздин эшитилдиким, вожиб кўрунди сизга арз қилмоқким, борча Мирзонинг жонибининг риоятидин ғофил бўлғон чоғлиғ кўрунди.

Бири улким, вилоят молин машваратсиз олиб турурсиз ва бу маъҳуд эмас эрди. Ҳеч уч—тўрт кун эмаским, бир кишингиз келмас, агар имойи қилсангиз эрди» йўк дейилмагуси эрди.

Яна улким, битибсизким: «Астрободға киши юбормангким, бермагумдур». Бу мазмунни ҳам мулойимроқ битиолур эрдингиз ва «Ироқ вилоятларин улашибмен» деб битибсиз. Иншооллоҳ, Ироқ иликка киргай. Кирмасдин бурун, Мирзо била бир—икки қатла сўзлашмай, арз қилмай, бу иш қилилмиш бўлса, ўзга элдин ажаб бўлмаса, сиздан ажаб воқеъ бўлубдур.

Керак эрдиким, шаръ риояти учун, ўзингиз ҳам оз ё кўп соқол қирқмасангиз эрди, то анга не етгайким, элингизнинг ҳам соқолларин қирқтурмағайсиз. Мунда кўп сўз бор, деса бўлмас.

Яна улким, бир нишонингизни келтурдилар, туғросида Мирзо отини битмайдурсиз. Сиздек оқил, хуштабъ мусулмонваш йигитдин мундоқ нималар раво бўлғайму? Агар бу нишонни билиб битибсиз, не ҳисоб била бўлубтур, агар мунши ё ғайр сахв қилибдур, нечук ҳар нишонни ўзунгиз кўрмай бир ерга юборилгай?

Ота била ўғулдин ўғул била ота орасида фарқлар бор Бойсунғур мирзо <sup>68</sup> ўғлонларидин Бобир мирзодек <sup>69</sup> эрмас эрдингизким, кўп шафқат кўрмамиш бўлғайсиз. Улуғбек мирзо <sup>70</sup> фарзандларидин Абдуллатиф <sup>71</sup> мирзодек ё Жаҳоншоҳ <sup>72</sup> мирзо ўғулларидин Ҳасаналидек <sup>73</sup> тенгрилик ўртададур. Сизнинг кўпрак ишингиз орасида бу фақир эрдим, борчадин соҳиб вуқуфмен. Сиз дойим барча махдумзодаларнинг махдуми ва Мирзонинг севиклуги ва қурратул айни эркансиз. Ўзунгиз билурсизким, Мирзонинг мофиз замирин нисбат сизга бу фақирдин яхшироқ кимса билмас. Биллоҳилазимким ушбу битгандек маълум қилибмен.

Ҳолоким, Астрободни бериб, яхши навкарлар кўшуб сизни йибордилар ва бу хабарлар Ироқдин келурин ва яна кўмаклар хаёл қилиб эрдилар. Ҳам махдумзодалардин ва ҳам беклар, ичкилардин ва ҳам сойир халқ сиздин андоқ кўз тутар эрдиларким, агар

Ироқ вилояти фатҳ бўлса дағи хизматгорлиғ, бандалиғингизни улуғроқ қилғайсиз. Хануз ҳеч ерда ҳеч нима йўқ бу навъ суратларким, зоҳир бўладур — сиздин ҳайфдур.

Мирзога Темурбек<sup>74</sup> тўртунчи насабдур. Мирзо хутбада бекнинг отиға шариф руҳиға масжиди жомеъда ҳар одина куни дуо қилдурурлар. Бу ишда Мирзоға ҳам дуодин ўзга не келгай. Сиз нишонингиз тўғросидин Мирзонинг муборак отин чиқорурсиз. Керак Ироқдин Макка, балки Мағриб заминғача олсангиз бу воқеа бўлмаса эрди. Агар Мирзони заиф хаёл қилибсиз — тенгри таоло қавийдур. Фарзанд керак заифлиғида отасиға хизмат маҳаллин топтим деб, жонсипорлиқ қилса.

Биллох, Мирзонинг азиз боши ва сизнинг бошингизким, бу арзадошт битилган тарихдин йигирми кундин бурунроқдин ҳар сабоҳдин туш вақтиғача, пешиндин оқшомғача ўлтуруб, онча иш қилурларким, неча девон, неча нависанда, неча бахши, неча парвоначи жонлариға етиб, неча хийла била қутулурлар. Бу маънидин фарзанд Мавлоно Дарвеш Мухаммад<sup>75</sup> соҳиб вуқуфдур. Бу навъким, ўзлуги била борча ишининг нақир ва китмириға етишиладур. Агар ўтган авқот мунунгдек бўлса эрди, не ишларким бўлмағай эрди.

Соҳиб давлат салотин мушфиқ ва давдатхоҳ кулларининг беғараз сўзларига кирибдурлар. Ўзингиз билурсизким, Мирзо тобуғида бу кул не навъ сўзларга густохлик қилибмен. Сизнинг дағи қошингизда ҳамул дастур била воқеъ бўлубдур. Ёшингиз узун бўлсун. Андоқ кам воқеъ бўлубдурким, бу кулнинг сўзин рад қилмиш бўлғайсиз. Эмди дағи бу кулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги куймас. Бу бир неча сўз густохлик қилилди умид улким, қабул тушгай. Тушмаса бу банда айтур сўзни бўйнумдин адо қилмиш бўлғаймен.

Тенгри таоло тонукдурким, бу арзадошт Мирзо буйруғи била эрмас, балким вуқуфлари ҳам йўқдур. Хаёлингизға келмағай — буйруқ била битилибдур. Чун сизнинг тобуғингизда айтурча давлатхоҳлиғ сўзини айтурға маъмурмен. Ул жиҳатдин гўстохлик била арзадошт битилди.

## 57

Куллуқ арзадошт улким, бир неча сўз хотирға келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб намоз қилилса, агар эшикда масжид тайин қилиб, фарзни жамоат била қилилса - худ фабиҳо ва илло беш вақт намоз бори тарк бўлмаса, борча масжидда муяссар бўлмаса, баъзи бори бўлса.

Яна улким, алассабоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, дағи додхоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуқ қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андоқ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларға мужиби интибоҳ бўлса.

Яна улким, додхоҳ иши тугагондин сўнграким, шелон ҳам бартараф бўлур, ичкихона таъйин қилиб, анда ўлтуруб, аркони давлатни тилаб, мулк ва мол иши айтилса, ўзлук била барчаға етилса.

Яна улким, аркони давлатға ҳар ишким, буюрулур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечрак бутар ишни тонгла ё индин ё миодидин ўткармасалар, ҳар кун не миқдор бутганин келиб арз қилсалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миоддин ўткариб, арзға еткурмасалар аларға андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар.

Яна улким, умид улдурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий тавфиқ бергай. Агар бу учарда уйку иртикоб қилилса, албатта пешиндин бурун бўлмаса. Икки намоз орасида бунъёд қилилсаким, уюр чоғ маъхудий уйку вақти бўлса, тонг намози фав бўлмаса. Бори борча ҳол била ҳар неча ичмоқ ишида эҳтиётлик, балки таъхир вожиб биллилса.

<sup>76</sup> Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонаға кирилса, кутубхона аҳли била машғуллуқ қилилса. Навводин ҳарқайси муносиб кўрунса таворих ўкумоқ буйрулса, батахсис «Зафарнома», агар машойих сўзи ё баъзи даввовин дағи гуфту-шунуфт бўлса номуносиб эрмас.

Яна улким, судурға ҳукм қилилсаким, эшикда ободон имом била мукри таъйин қилсаларким, салоти хамсани қойим тутсалар; дағи мухтасиб таъйин қилилсаким, элни намозға тарғиб қилса.

Яна улким, ҳафтада икки кунким, эшикда акобир жамъ бўлурлар. Ҳофиз Муҳаммад Санойиға <sup>77</sup> яхши эҳтиром қилинса, балки буюрулсаким, яқинроқ ўлтуруб, шаръия умурни қатъ қилса, то муборак хотир ўл бобда дағи балоғат пайдо қилса.

Яна улким, Ироқ мамлакатайға фаҳмлиқ, хушлиқ кишилар юбориб, дойим хабар тутула турулса. Арз қилур йўсунлуқ хабарларни арзадошт қилиб, юқори юборила турулса, ул бобда не ҳукм бўлса, анга кўра қилилса.

Яна улким, шаҳр эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилилса андоқким, шаробхона, байтул-латаф, қиморхона - буларға ўхшар номашруъ умурни куллий манъ қилилса. Мухтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.

Яна улким, судурға ҳукм бўлсаким, шаҳр масождин эҳтиёт қилиб, имом, муаззиндин маҳалла аҳлин суруб, балким хат олиб, намозға тарғиб қилсалар, агар фисқу фасод аҳли бўлуб, алар амри маъруф қила олмасалар арз қилсалар.

Дағи ҳар масжиднинг имомиға таъйин қилсаларким, маҳалла аҳлининг уғул ва ушоғиға мактаб тутуб ўқутсалар.

Яна улким, бу дастур билаким, шаҳрда таъйин қилинур бўлукот улуғларни Хожа Фахриддин янглиғ борча бу дастур била муқаррар қилилсаким, бўлуклар кент-бакент бу навъ амал қилсалар.

Яна улким, судурға ҳукм бўлсаким, вилоят авқофидин хабардор бўлсалар, бузулғонин тuzатсалар, мутағаллиба илгида бўлса чикориб, ҳосилин масрифига еткурсалар. Бу ишларким, судурға буюрулур Хожа Фалонға дағи ҳукм бўлсаким, алар ишидин хабардор бўлуб, аларға мададгорлиғда тақсир қилмаса.

Яна улким, Ҳофиз Муҳаммад Санойи ғаниматдур, шаръ бобида анинг қавлиға қувват берилсаким, шаръға мужиби тарвиж бўлса. Бас масжиди жомъега бормоқ тарк бўлмаса. Мунда кўрулган дастур била масжиди жомеъда масоили шаръия мазкур бўлса.

Яна улким, девон бекларига ҳукм қилилсаким, бир кун девонда ўлтуруб, мусулмонлар ишин яасалар. Бу кунғи ишни тонглаға қўймасалар.

Дағи йибориб девонлар ҳам раоё ишин ўзлари қила олурчани қилиб, қила олмасни арз қилиб, ҳукм олсалар.

Яна улким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаким, мол девонида муҳр босар беклар дастури била ясоғлиғ ишга машғуллуқ қилсаларким, анда дағи иш фавт бўлмаса.

Яна улким, шаҳр доруғасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вуқуф бўлсаларким, жузвин ишдин куллий имдод тиламасалар. Ҳар мужримдин жаримасиға кўра журмона олсалар.

Яна улким, бир муносиб киши таъйин қилилсаким, Мирзом давлат била девонда ўлтурғонда ҳар ишким, воқеъ бўлур қаламий қилиб, рўзномада сабт қилилса, дағи тарихин битсаким, қачон ул ишни эҳтиёжи билмак бўлса, мазмуни ва тарихи маълум бўлса.

Яна улким, бекларга ва девонларға баса парвоначи ва муҳрдор ва муншиға ҳукм бўлсаким, мусулмонларнинг нишонин ортуқ тамаъ бирла кечга қўймасалар. Шаръий ва қавлий нишонни бир чорсу муҳри била

ҳукм бўлғон кун—ўқ бутқариб берсалар. Куллийрак нишонларни дағи қилаолғонча ҳукмдин қўрқуб, ботроқ бутқарсалар.

Яна улким, мажлис қуруб чоғир ичарға кўп хирс кўрсатилмаса, агар аҳёнан биззарур воқеъ бўлса, наввобға муқаррар қилилсаким, ҳукм бўлмағон киши мутлақо муртақиб бўлмаса, ё мажлисда тартибе маръи бўлса.

Яна улким, юқоридин ҳар навъ ҳукм етса агар куллий ва агар жузвий — вақтида ҳукм йўсуни била ишга файса берилмай, ҳеч ишга шуруъ қилилмаса, агар қилғулуқ иштур, ҳукм йўсуни била қилилса, агар муяссар бўлмас бўлса ҳам жавобин бот арзадошт қилиб юборилса.

Яна улким, хар турлук арзадоштим, юқори битилса, «наسخ ва таълиқ» хати била андоқ хоно битилсаким, ўқурда ўқур кишига ташвиш етмаса, «туркча» хат била худ асло битилмасаки, бу бобда қавле дағи бордур. Ҳар сўзким, арзадошт қилинур улча имкони бор машруҳ битилса, хар ишнинг тарихин не ой, не кунда экандур андоқ битилсаким, мақсудда ҳеч иштибоҳ қолмаса.

Яна улким, атроф ва жавонибдағи элнинг арзадошти келса, бот узатур элни кўп мавкуф қилинмаса. Ҳар қайсиға ўз хурд холиға кўра илтифот қилиб, батаҳсис Мир

Зайнулобиддин 78 жонибиким, риояти бағоят вожибдур, мундағи илтифот дастури била алар жонибин дойим риоят қилилса.

Яна улким, ул вилоятларнинг бир куллий ишн даҳоналарнинг забтидур. Бу маҳалдаким, кўнгул тиламасдек амре воқиъ эмас, даҳоналарда андоқ мазбут кишилар кўюб, андоқ мустаҳкам ва мазбут қилсаким, наузу биллоҳким, агар амре ходис бўлсаки, мужиби тараддуди хотир бўлса, даҳоналар тарафидин хотир бикуллий жамъ бўлса. Яна улким, иш-кучга андоқ машғуллуқ қилиб, ғавриға етилсаким, аркони давлатдин ҳарқайсиға иш буюрулса миоддин ўтқара олмасалар, тағофил била ичкуга машғул бўлуб, эшикка келиб, арз қилмоқдин эҳтироз қилсалар.

Яна улким, отланмоқ, тушмоқ, ов кушға машғуллуқ кўп бўлмаса, ул бобда эътиқол риоят қилилса, то ул ишдин иш-куч фавт бўлурға боис бўлмаса.

Яна улким, Мирзо навкарлариким, анда куллуққа машғулдурлар, Мирзо навкарлиги хайсиятидин иноят ва ҳурмат алар бобида кам бўлмаса, лекин беқоидалиге биридин зоҳир бўлса, бозхост ва сиёсатда маъзур тутулмаса.

Яна улким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаким, ётиш элин мазбут таъйин қилиб, ётиш тавочиси ҳар кун аларнинг ётишиға келган—келмаганин яхши тергаса, то ётиш иши фавт бўлмаса.

Яна улким, девонийларға ҳукм бўлсаким, атрофдин келган бозургонларнинг жонибин риоят қилсалар. Ул вилоятда «тамғо» лафзи мазкур бўлмаса. Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била закотчилар алардин мустаҳлас қилсалар. Закотчилар ишидин тавочи моҳ-бамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вуқуф топиб арзға еткурсалар. Жузвий жарима қилғонни куллий сиёсат қилилса бок йўқдур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуи кўпрак бўлса.

Яна улким, мундин ортуқ жузъиёти арз қилилса шояд мутолааси мужиби калоли хотир бўлғай. Аммо саъй қилилсаким, жамъи умурда тенгри таоло ёдидин ғофил бўлулмаса. Мирзони дағи кўрулса, то бу икки иш мужиби саодати дину дунё бўлса.

Илтимос улким, бу арзадоштни Мавлоно Дарвеш Муҳаммадга топшурулса, ҳар икки—уч кунда бир қатла тилаб мулоҳаза қилилса, дағи ҳукм бўлса, агар муборак хотирдин пўшида бўлиб, тиламак унутилса, ул ўзи тиламай дағи ҳар икки—уч кунда келтуруб, тобуғда арз қилса, дағи ҳар хусусдин ҳарқайси ишким, арз қилғон йўсунлуқ сурат боғласа, ани шарҳ била иноят қилиб, битиб йиборилсаким, Мирзо арзиға еткурулса.

## 59

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятномангиз бу бандаға мужиби сарафрозлиғ бўлди. Ҳамиша банданавоз бўлғайсиз.

### Шеър:

Етишти рукъанг овора қилди кўнглумни,  
Не рукъа эрдийи, юз пора қилди кўнглумни.

Давлатингиз мустадом бўлсун.

## 58

Ул қатор теваким, ҳижрон кунда ашким қатралари қаторидин намуна бўлғай ва ул оқ уйким, фироқ айёмида сиришким селоблари ҳубобидин нишона бўлаолғай - етти. Ул бири раҳмат малойикидин ашраф ва бу бири саодат сипехридин арфаъ кўрунди.

То фалак бухтилари тузгай қатор,  
То тўлун ой оқ уй этгай ошкор,

Сарбонингға ул ўлсун боркаш,  
Бу бири фирошингга хиргохваш.

## 60

Кўнглума келмас хазони боғ аро норанж хуш  
Ким, хазони ҳажр бўлди юзим норанжваш,

Хазоний боғ аро ул ой тану чехрамни кўрган чоғ,  
Дегайким, бир курук шох узра қолмиш бир сориг яфроғ.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, бандавозлик қилиб йиборган нома етишти, дурри обдордек маонийси фироқ ўтиға сув урди ва лаъли шахвордек алфози кўнгул жароҳатиға жавҳари рух еткурди.

Нома эрмас эрдиким таъвизи жон эрди манга,  
Ҳажр тиғи қатлидин хатти амон эрди манга.

Ўзунгиз дағи унутмай гоҳи Мирзо тобуғида соғиндурсангиз.

Аввалғи: Улук танимға жон бермакдур,  
Иккинчи: Ҳаёти жовидон бермакдур.

Икки дунё саодати муяссар бўлғай.

## 61

### Рубоия:

То ҳажр асиру дилфигор этти мени,  
Дашт узра куюндек ошкор этти мени,  
Девона мисол беқарор этти мени,  
Саргашталик ичра хоксор этти мени.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятномаеким, саводи зулматидин ҳижрон тиғи қотиллариға зулоли зиндагоний текургай ва сафҳаси баёзидин фироқ туни шоҳидларига субҳи ҳаёти жовидоний кетургайки, бу заррани мазмунидин куёшга еткуруб эрдингиз, фалакдин ўткариб эрдингиз - етишти. Заиф танға боиси қувват ва наҳиф жонға мужиби сикҳат бўлди.

Бу навъ бирла мени гоҳ—гоҳ ёд айланг,  
Шикаста хотиру ғамгин кўнгулни шод айланг.

Мундағи мулозимлар била раоё хушвақтдурлар. Умид улким, кундин-кунга яхшироқ бўлғайлар.

Абадий давлат мустадом ва сармадий саодат бардавом бўлсун.

## 62

Исмат ҳарамида жилвагоҳинг бўлсун,  
Иффат чамани ҳарами жоҳинг бўлсун.  
Иқбол сипехри хоки роҳинг бўлсун,  
Тенгри бори ҳолатда паноҳинг бўлсун.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, мулозамат муфорақатининг шиддати шарҳи қалам таҳририга келмас ва убудият муҳожаратининг суубати баёни рақам тақририга сиғмас.

Бировки васл насими тарабфизодур анга,  
Чу қадрин англамади ҳажр ўти сазодур анга.

Умид улким, иноят чаманидин васл насими эсиб, фироқ туфроғининг хас-хошогин учургай ва ҳидоят булутидин қурбат ёғини ёғиб, ҳижрон ўтининг ахтар ва шуъласин ўчургай.

Бу фақир бу вилоятга келганда воқеъ бўлгон ишлар кайфиятин юқори арзадошт қилиб, Фалонни йуборилди. Ул бобда иноятни кам қилмай, дорандани ботрод узотурга мулозимлар ҳокимдурлар.

### **Б а й т:**

То Зухалдур қошингда қул бўлсун.  
Ё куёшдур бошингда эврулсун.

## 63

Хазони ҳажр аро қолдим йироқ баҳоримдин,  
Юрурмен итдек улуб айру шаҳриёримдин,  
Истарам Лукмон киби касб айласам паррандалик,  
То етиб ул остонга зоҳир этсам бандалик.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Лукмон келди, иноятларким, сойир қулларга воқеъ бўлуб эрди-еткурди. Борчаларнинг боши кўкка етиб, Мирзонинг давлатларининг дуосин бажо келтурдилар. Мундағи сойир ҳолотни арзадошт қилиб йиборгон учун муқаррар битилмади.

Ём отлари била ёмхоналар иши бузукдур, ул бобда қуллар тобуғида сўз арз қилилибдур. Арзадошт қилсалар умид улдурки, мустаҳсан тушгай, деб қуллуқ арзадошт битилди.

## 64

Эғнимни мушарраф айлади хилъатингиз,  
Жисмимни муаззаз айлади қисватингиз,  
Қўнглумни хуш этти руқъаи шафқатингиз  
Ким, кундин-кунга ортсун давлатингиз.

Ташрифотким, иноят бўлуб эрди ҳижрон дўзаҳида азоб тортадургон урён жисмимга висол биҳиштидин биҳишт хуллаларидек ёпилди ва ийд шоми ятим атфол мунгга қолгондек яланг пайкарга иноят махзанидин каромат деболари келди.



Арз улким, мулозамат муфорақати чун варақға мужиби туташмоқ ва қаламға андуҳ шуъласи бошдин ошмоқ эрди — ложарам ул бобда шуруъ муносиб кўрулмади. Икки дунё давлати муяссар бўлсун, омин.

## 65

Фироқ ароки, етар кўкка шуълаи оҳим,  
Бу ўтға, оҳ, агар раҳм қилмаса моҳим.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишони била бу қулунгизни ёд қилиб эрдингиз — мужиби сарафрозлик бўлди. Тенгри таоло давлатингизни орттурсун ва ёшингиз узун бўлсун.

Ғамим еткурди мингдин бирга руқъанг,  
Ки бергай тенгри бир ёшинға минг ёш.

Битиб эрдингизким, Мирзо тобуғида камина қулни ёд қилиб йиғлармен. Ёд қилурингизға розимен, йиғларингизға йўқ.

Дема ҳажрингдин манга одат бўлубдур йиғламоқ,  
Шод бўлғилким, манга қисмат бўлубдур йиғламоқ.

Давлат бардавом ва саодат мустадом бўлсун.

## 66

Руқъаеким, сафҳаси баёзи мажруҳ кўнгул жароҳатига кофурий марҳам еткургай ва номаки, саводи нуқтасидин оқорғон кўзга мардуми бийно кетургайким, бу ҳижрон дарди бечорасин ва фироқ дашти оворасин анинг била мукаррам қилиб эрдингиз - етти.

### **Р у б о и я:**

Мазмуни била кўнглум ўти кам бўлди,  
Алфози била замир хуррам бўлди.  
Ҳижрон сўзи гарчи мужиби ғам бўлди,  
Васл уммидида шодлиғ ҳам бўлди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул зоти малакий сифотни фалак ҳаводисидин масун ва ройи жаҳонорони ҳаводис кудуратидин маъмун тутсун, омин.

## 67

Ҳам тутулниш жон кўнгулдин ҳам кўнгул жондин манга,  
Мен аларға ҳасм, алар ҳам дард ҳижрондин манга.

Куллуқ дуодин сўнгра арздошт улким, иноятномаким, йибориб эрдингиз келди.

Йўқ—йўқки олиб қошимға қўйдум они,  
Кўзга суртуб бошимға қўйдум они.

Агар бу фироқ ўтиға зор бўлғонға ул савод зулматидин оби ҳаёт зулоли келмаса эрди, ул ўтға не нима таскин бергай эрди ва бу ҳижрон шомига гирифторлиғ бўлғонда ул субҳ баёзидин умид қуёши тулуъ қилмаса эрди, бу тийраликни не нима ёрута олғай эрди?



Ҳаётингиз зулоли абадғача завол касофатидин орий бўлсун, омин.

Қадим ҳам ўлди айру кошнингнинг хилолидин,  
Бағрим чу бошға тушғали қаддинг ниҳолидин.

**68**

Боғдин келди насиму, гул исин келтурмади,  
Не тиканларким, бу ғам кўнглум аро синдурмади.

Хуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, ахтачи келди, мулозимларининг  
муборак мизожларининг сиҳҳати хабари битилмайдур эрди, синуқ кўнгулга мужиби ғам  
ва бузуқ хотирға боиси алам бўлди. Умид улким, ҳақ таоло ул синуқ била бу бузуқдин ул  
ғам била бу аламини дафъ қилғай.

**Б а й т:**

Даҳр бўлғунча жохингиз бўлсун,  
Тенгри дойим паноҳингиз бўлсун.

**Б а й т:**

Етишти қосиду йўқ анда ёрнинг рақами,  
Бузуқ экинга булут келдию йўқ эрди нами.

**69**

Баски ҳижрон ҳар замон кўнглум аро юз ғам солур,  
Ногаҳон кўрса бировни шодмон хайрон қолур.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, гоҳ—гоҳ илтифот қилиб йиборилган  
иноятномаким, мутолааси фурқат дардиға дофеъ ва мушоҳадаси ҳижрон аламиға рофеъ  
эрди, бирор нима камрак бўлубдур.

**Б а й т:**

Толеъ агар будурки кўрармен мени ғариб,  
Андин эмасдурур буву юз мунча ҳам ажиб,

**ва лекин:**

Лутф агар қилсанг дамодам бандамен,  
Дамбадам қилсанг жафо ҳам бандамен.

Аммо неча дағи мундоқ бўлса табиат одат қилғон лутф ва иноятни кўз тутар  
эрмиш ва кўнгул ўрганган шафқати бениҳоятни соғинур эрмиш.  
Исмату давлат боргоҳи гардунсой ва иффату шавкат саропардаси сидрафарсой  
бўлсун.

**Б а й т:**

Кўзунгни тенгри дойим шаҳ жамоли бирла ёрутсун,  
Ямон кўздин сени, сендин ямон кўзни йироқ тутсун.

70

**Рубоия:**

Ҳам чарх бисоти арсаи боргаҳинг,  
Ҳам ой жирми наъли саманди сипаҳинг,  
Ҳам кун сипари қазо ўқидин панаҳинг,  
Йўк—йўк, бу чарху ою кун хоки раҳинг.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишониким, туғроси учун қуёш олтунини фалак садафида ҳал қилиб эрди ва меҳри учун муштари юзига ҳумоюн алқоб ёзилиб эрди — етишти. Чун ул олий мисолни бошимға қўйдум — мартабада бошим қуёшдин ўтти ва саодатда юзум Муштарий<sup>79</sup> юзига етти. Шоҳона хилъатлар мужиби ул бўлдиким, куллуқ қисватин бир—бири устига кийгаймен ва муқаррар фўта боиси ул бўлдиким, куллуққа белимни икки ерда боғлаймен, ва яхши от била олам аро яхши от чикоргаймен ва нафис рахт, била сипеҳр атласиға бош индургаймен. Бу иноятлар жозибаидурким, иноят риштаси била тортиб келтурадур ва бу шафқатлар кашишедурким, муҳаббат куллоби била чекиб югуртадурким, не олий даргоҳ мулозамати орзусидин қарор бордур ва не ул орзуни қилмоққа ихтиёр. То сипеҳр бўлғай, ул сипеҳросо даргоҳ фалак кадрлар саждагоҳи ва то меҳр бўлғай, ул фалакфарсо боргоҳ хуршедвашлар паноҳи бўлсун.

**Б а й т:**

Мутеи амру наҳйинг аҳли олам,  
Алар хайли аро мен нотавон ҳам.

71

**Рубоия:**

Гулшанға, насими субҳ, розим еткур,  
Не роз, ҳадиси жонгудозим еткур.  
Гул бошиға эврүлүб, ўпуб сарв аёғин,  
Кўпдин—кўп куллуку ниёзим еткур.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, фироқ зовиясида овораликнинг баёни мужиби кудурат ва боиси малолат бўлғай деб андин шаммае изҳор қилмоқ маслаҳат кўрулмади.

Яна арз улким, иноятларким, ҳар бири рашки ниғорхонаи Чин ва ғайрати биҳишти барин эрди, ҳар биринин қорорғон кўзга нур ва бузулғон кўнгулга сурур етишти. Ва улча салтанат дуржининг дурри поки ва хилофат буржининг кавкаби тобноки Султон Муҳаммад Мирзо<sup>80</sup> тула умруҳу ва хулида давлатуҳу бобида битилиб эрди, ул шодмонлиғ шарҳини қайси тил била қаламнинг таҳрир қилурға салоҳияти ва қайси рақамнинг баён қилурға қобилияти бўлғай. Ул дурри гаронмойани тенгри таоло Мирзо била Бегим<sup>81</sup> учун поянда тутсун, ва ул ахтари баланд сояни ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мирзом била хоним учун тобанда асрасун.

Давлати абадий ва саодати сармадий поянда ва мустадом бўлсун, омин.

Мирзом тобуғида куллуқ дуо ва ниёздин сўнгра арзадошт улким:

Даҳрға берсун мудом мақдамидин зебу зайн,  
Шоҳ Муҳаммад Бадиъ ибни Музаффар Ҳусайн.

### **Қитъа:**

Талаб баҳорида боғингки гулбуз этти аён,  
Бу гулбунунға дағи тоза гуллар очилсун.

Умид боғида тикдинг ниҳолу гул берди,  
Гулунгни ҳақ карами эмди борвар қилсун.

Бу салтанат авжининг ахтариким, шараф буржидин тулуъ этмиш — партавидин даҳр шабистони равшан бўлсун ва бу хилофат бўстонининг вардиким, саодат чаманидин жилва қилмиш — тароватидин олам вайронини гулшан этсун. Бу наҳли баландпоя волидайиға борвар ва жаддайиға соягустар ва бу дурри гаронмоядин обоға осойиш ва уммаҳотға оройиш.

### **Р у б о и я:**

Ҳам шоҳға дурри тожи торак бўлсун,  
Ҳам халқға зилли ҳақ таборак бўлсун.  
Андокки Хуросонда муборак бўлди,  
Машрикдин Мағрибға муборак бўлсун.

### **Б а й т:**

Тирик бўлсам гар ўзни базми васлинг ичра солғаймен,  
Фироқинг шиддатин дей олмасам худ, йиғлай олғаймен.

### **73**

Не руқъа эди мендин ўксутгали ғам,  
Ёр илгиға олиб қаламу сафҳани ҳам,  
Сафҳа лавҳида қаламий қилди рақам  
Ким, хаттиға офарин деди лавҳу қалам.

То шафақнинг рангин сафҳаси куёш муҳрасидин жило топқай - ул сафҳа сунъ котиблари килкидин шоҳ мадҳи шоҳ байтлари била зевар ва зийнат топсун ва то ул сафҳа наққошлари сунъидин собит ва сайёра била зарафшон бўлғай — шаҳаншоҳ васфи гавҳари шоҳворлари била зевар кўргузсун. Не икки байт эдиким, икки сарой ҳосилин фидо қилсам, ҳеч иш қилмаиш бўлғаймен ва не назм ва наср эрдиким, жон ва кўнгул жавҳарларин нисор этсам, қадрин билмаиш бўлғаймен, назмининг раъноларида юз ноз ва насрининг зеболарида минг роз.

### **Р у б о и я:**

Наср андаки, анжом ила оғоз эрди,  
Ҳар лафзи анинг мояи эъжоз эрди,

Ҳар турфа хат анда роз пардоз эрди,  
Йўқ айб агар десам хати роз эрди.

### Б а й т:

То жахондур умру давлат пойдор ўлсун санга,  
Салтанат тахти уза доим қарор ўлсун санга.

### 74

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишонида ҳазрат ҳақойиқ паноҳ наввароллоҳу марқадаҳу ва жаал ал-жанната масвоҳу нур ҳодиса вафотларин<sup>82</sup> сўруб эрдилар; ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул ҳазрат зоти малаксифотин аҳли олам учун кўп йиллар боқий ва поянда тутсун ва давлатларининг хуршедини жовид музий ва тобанда асрасун. Муборак хотирға равшандурким «Қулли ман алайҳа фана» каримаси манзуми била ҳар кимгаким бақо жомидин нашъа етишти фано хуморини тортардин гузири йўқтур ва «Қулли шаъйин ҳоликин илла важҳаҳу»<sup>83</sup> ояти мазмуни била боқийи мутлақ ва ҳаййи барҳақ вужудидин ўзга жамиъ ашъға захри ҳалок жомин ичардин чора йўқ ва бу фано мақоми бақо доруссаломии йўлида бир манзилдурки, «кун фид-дуња к-аннака ғарибун ав обири сабилин»<sup>84</sup> андин хабар берур. Ва аҳлуллоҳким бу йўлдин ва бу манзилдин огоҳдурлар ўзларига бу водий қатъини осон ва дори фанонинг бору—йўқини яқсон қилибтурлар. Алар бу маҳалли ҳаводисдин «фи мақъади сидқин инда малики муқтадир»<sup>85</sup>ға роғиброқдурлар. Аммо фақирларким аларнинг шариф зотлари барокотидин маҳкуф ва жонбахш такаллумлари оби ҳаётидин маҳрум қолурлар, ҳар ойинаким мужиби сўғи абадий ва боиси мотамаи сармадийдек бўлур. Аммо ул ҳазратдек сўрғувчи бўлса, кўнгул ғамидин не ғам ва хотир аламидин не алам.

То жоми бақоға маст бўлғай Жомий,<sup>86</sup>  
Кавсар майидин бўлғай анинг ошоми,  
Шаҳ жоми ичида бодаи гулфоми,  
Бўлсун тўлаву ҳамиша андин қоми.

### 75

Анинг тобуғидаким:

Эрур мажмуи султонларға султон  
Ки, эмди тенгри они айласун хон<sup>87</sup>,

бош уруб, тобуқ анинг жанобидаким:

Хилофат авжида андоқ қуёш эмас мумкин,  
Покликдин деб они Муҳаммади Маъсум,<sup>89</sup>

анинг остонидаким:

Хусрави пок гуҳар шаънида бўлди маркум,  
Покликдин деб они Муҳаммади Маъсум,<sup>89</sup>

анинг ҳазратидаким:

Эрур салтанат жисмига нури айн,  
Музаффар Хусайн ибн Султон Хусайн. 90

**Б а й т:**

Улки шах хизматида мендин ўзин шод этгай,  
Илтимосим буки, гоҳи мени ҳам ёд этгай.

Яъни Сафийбека 91 хизматларида ниёз бирла дуо мажлис аҳлининг жавоблари:

Шах қошида азизу соҳиб қадр,  
Нури айни замона Сайд Бадр, 92

Улки туғмас атодин андоқ ўғул,  
Якжихат банда шахқа Мири Мўғул,

Шоҳға жонин тилар этгай нисор,  
Шоҳ Хусайн улки эрур жонсипор,

Шоҳ давлатидин қадаҳқашу гуҳарпош  
Ким, дерлар ани Муҳаммад Кўкалтош. 93

Улки бўлғай карам қилиб маъбуд,  
Ўйлаким оти оқибат Маҳмуд. 94

Шоҳ базмида қадах тутқучи,  
Мир Дарвеш Муҳамад сувчи. 95

Улким эрур суруди зоти киби мулойим,  
Бошида йўқ сари мў қуллуқдин ўзга қойим.

Улки эгрида туздур оҳанги,  
Яъни Устадзодаи Чанги. 96

Яна шах қуллуғида бемуҳобо,  
Надиму ғамгусору банда бобо. 97

Яна ёрики софу беғашдур  
Ҳам вафокешу ҳам жафокашдур.

Анга йўқ борча фазлларда бадал,  
Фазл аҳлидин отидек Афзал. 98

Борининг хоксору хоки пойи,  
Ғариби бенаво, яъни Навоий.

Дуо айтиб қилур бу навъ эълوم,

Ки шах базмида майдин олсангиз ком,

Гар итган итларин ёд айласа шах,  
Мени ҳам айлагайсиз ёд гаҳ—гаҳ.

### **М а с н а в и я:**

Зиҳи руқъанг ҳаётимға васила,  
Кўнгул захмиға марҳамлик фатила,

Етиб чун ул фатила бирла марҳам,  
Бутуб қонлиғ кўнгул захмин жигар ҳам.

Мазкур бўлгон руқъаким, илтифотингизға мушъир эрди ва мастур бўлгон номаким, саломатлиғингизға, мухбир-махзун хотирға андин фориғболлик ва мағбун кўнгулга андин хушқоллик юзланди.

Марфуъ улким, битиб эрдингизким, сен муқаррар қилгон ишлар баъзи ёронларнинг номувофиқлиғидин сурат тутардек эмас. Олам аҳлининг муддаолариким, муҳолиф бўлғай бир мақсудка мувофиқ ясамоқ душвордур. Аммо таъби салим ва ақли мустақим шонидин будурким, қила олгонча ўз ҳолиға муҳофиз ва ўз афолиға мулоҳиз бўлғайким, анинг жонибидин амре вукуъ топмағай ва сурате юз кўргузмагайким, индаллоҳ маъхуз ва инданнос маълум бўлғай.

Сиз қила олгонча борчани Мирзо давлатиға муносиб ишларга сойи бўлунг. Қилсалар давлатлари бўлғай, қилмасалар сизнинг некандишлигингиз натижаси сизга етишгусидур.

### **Қитъа:**

Ҳамиша то аносир тўрт зиддайн,  
Қилур таркиби инсонни мувофиқ,

Қила кўр маҳзи инсониятингдин,  
Неким аз дод эрур они мувофиқ.

Тавфиқ рафиқ бўлсун, омин.

77

Меҳри оламтоб агар бўлса жамолинг кўзгуси,  
Кеча ҳам кундуз киби тутғай жаҳонни ёғдуси.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят қилиб йиборған сочиқким, кизилидин фироқим тийра кунига юз меҳри раҳшанда толеъ бўлди ва оқидин ҳижроним қаро тунига минг анжуми дарахшанда ломеъ ва ҳулла кирдор хилъатким, мажнунлуқ мотамидин чиқмоқ нишонаси ва ваҳй осор китобким, Махзунлуқ ғамидин қутулмоқ нишони эрди - етишти. Ул икки била висол сармоясидин ғани бўлдум ва бу икки била фироқ бесармоялиғидин мустағни. То меҳр фулуриси кўрунғач, анжум дирамлари итгай ва то субҳ ҳулласи ошкор бўлғач, кеча палосининг рақамлари кетгай.

### **Маснавия:**

Қамар бирла хуршиддин муттасил,.

Сочилсун бошинг узра оқу қизил.

Кириб даҳр ташрифиди эҳсонинга,  
Фалак бош қўюб хатти фармонинга.

**78**

**Рубоия:**

Эй тойири давлат, айласанг азми висол,  
Бу чок қўнгулни уз урубон чангол,  
Бўлсун бирисини айласанг тўъма ҳалол,  
Қолғон бирисини итлари оллиға сол.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улим, бу банданиким ул даргоҳ қуллуғининг ҳавоси ёру диёрдин нуфур ва ул боргоҳ хизматининг муддаоси сабру қарордин маҳжур қилиб, бу вилоятда маскан ва бу сарҳадда маъман туттум, шак йўқким, хулуси ақидам натижасидин эрди. Ҳам мавкиби ҳумоюндиким, гарди сурмасидин адолат ва нусрат қўзлари равшан ва асокири мансураким, тиглари сувидин фатҳу зафар биёбони гулшандур — бу тарафдағи вилоятда қишлоқ қилдилар.

**Маснавия:**

Қишингнинг қори сийми ноб бўлсун,  
Саҳоби қоқуму синжоб бўлсун.

Май ул сийм устида ёқути маҳлул,  
Тутуб ёқут хат соқийи мақбул.

Сен ўл соқию ул май бирла хушҳол,  
Очилғунча баҳори айшу иқбол.

Баҳор ўлди чу баҳти комрондин,  
Ани ҳақ айласун эмин хазондин.

Чун бу тавр давлат муяссар бўлди ва бу навъ саодат юз кўргўзди — қуёш оташи буржға таҳвил қилғондек ул салтанат сипеҳрининг меҳри жаҳонтоби қишлоққа кирган комронлиғнинг ва арслон марғзорға чиққондек ул хилофат бешасининг шери ғобби тоққа юзланган шодмонлиғнинг таҳниятин сўрғали ва буларнинг зимнида бу бандайи ҳоқсор ва чоқари умидвор ўзининг сойир қуллар жавориға келганин ва умум бандалар силкига кирганин арз қилғали муътамад анис ва муътаман жалис Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Дехдорни остонбўслукқа юборилди. Умидким, илтифот кўзига мақбул ва иноят назариға машмул тушгай.

**М а с н а в и я :**

То жаҳон бўлса даҳр шоҳи бўл,  
Даҳр элининг жаҳонпаноҳи бўл.

Васфинг ичра улус тили қосир,  
Зотингга тенгри ҳозир у нозир.

**79**

Бўлмас эрмиш жилвагар сарви хиромоним менинг  
Ким, аёғига фидо бу нотавон жоним менинг.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, нишон мазмунидин маълум бўлдиким,  
маъхуд мараз зоҳир бўлғондур. Бу хабарни ўқуғоч:

Анингдек беҳабар бўлдум ўзумдин  
Ки, зойил бўлди нур икки кўзумдин.

Кўп урдум дарду меҳнат тошига бош  
Ки, синди ҳар тарафдин бошу ҳам тош.

Ва лекин чун бу мудҳиш хабар зайлида сиҳҳат сўзи битилиб эрди ва ул заъф  
сўнғида шифо кайфияти ёзилиб эрди, ғамгин кўнгулга мужиби таскин ва алам ўтлариға  
боиси ором бўлди.

### **Рубоия:**

Гулдек баданинг бўлуб саломат, ё раб,  
Шамшодинга бўлсун истиқомат, ё раб.  
Бир умр ҳақ айласун каромат ё раб,  
Ким кирсун аросиға қиёмат, ё раб.

80

Не баҳор ўлғайки бир гул ҳажридин бадҳол мен,  
Ўйлаким, булбул хазон фаслида гунгу лол мен.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятномаким бу фақирға мужиби  
мубоҳат бўлуб эрди — етишти. Сафҳаси баёзидин фироқим шомиға  
субҳи иқбол юзланди ва ҳуруфи саводидин ҳижроним кунига шоми висол зоҳир бўлди.  
Аммо Мирзонинг муборак мизожлариға заъф юзланган жихатдин ва ул заъфқа сиҳҳат  
бўлғон ва кайфиятдин ҳеч нима изҳор қилилмайду эрди ва ул ҳайсиётдин шаммаи  
битилмайду эрди. Агарчи кўнгулга изтироб ва хотирға изтирор юзланди ва лекин чун бу  
иш маразнинг озлиғиға далолат қилур ва сиҳҳатнинг ботлиғидин хабар берур эрди, бу  
дағи мужиби нишот ва боиси инбисот бўлди.

Умр асоси муҳаллад ва давлат биноси муаббад бўлсун!

81

### **Рубоия:**

Ул даргоҳдин келди расули мақбул,  
Афлокдин андоқки наби қилди нузул.  
Фархундалиғиға боқсалар аҳли укул.  
Ҳам деса бўлур расулу ҳам оли расул.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, иноятномаким, сафҳаси рангинлиғидин  
жон гулшанида оташин гуллар очилғондин ва обдор лолалар сочилғондин намунае ва  
рақами ул гул ва лола аросида мушки ноб сепилган ва сунбули сероб экилганидин нишона  
кўргузур эрди — етишти. Гулнинг ҳар яфроғи бузулғон кўнглум равзасиға зевар берди ва  
лоласининг ҳар чароғи қарорғон кўзум уйин мунаввар қилди. Иноятларким, қилилиб эрди



— аларнинг муқобаласида не шукр дей олғаймен ва не узр бити олғаймен, то фалакнинг ложувардий атласи қуёш зарриштасидин муталло бўлғай, қулларингиз эгнига чорқаб тикулсун ва то меҳр ва анжумнинг оқ ва қизил дирамлари сипеҳр атбоқини музайян қилғай, бандаларингиз бошига сочиқ сочилсун.

Нома ёзғон чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,  
Оқ варақ гулранг бўлди токи сочти қон кўзум.

## 82

### Рубоия:

Эрмас андин нола била оҳ ғариб,  
Ғурбат истар гар улус огоҳ ғариб,  
Тушса киши бир мулк аро ногоҳ ғариб,  
Ким сўрғай ани шоҳи жаҳон — Шох Ғариб. 99

Қуллуқ арзадошт улким, ғарибнавозлиғиким, бу афтодаға мужиби сарафрозлиғ эрди, бандапарварлиги ким, бу шикастаға дилнавозлиғ берди, яъни:

Ул рукъаки, сочиб эди кофур уза анбар,  
Ҳар нуқтаси мушк эрдию ҳар нуқтаси гавҳар —

етишди. Нуқтаси мушкини кўзум мардуми устида қўйдум ва лафзлари гавҳарини жон риштасиға чектим, кўз уйи андин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зебу зевар топти. Ул шоҳлар ғарибин ҳақ таоло ўз паноҳида ва ул ғариблар шоҳин тенгри таоло мурод жилвагоҳида тутсун.

### Маснавия:

То жаҳондур санға мурод ўлсун,  
Ишинга дам—бадам кушод ўлсун.

Ҳам кушодинг мурод сори яқин,  
Ҳам муродинг кушод бирла қарийн.

## 83

То ҳар неча кўк бинафшазори кавокиб норанжлари била зийнат топар,  
ул ҳазратнинг сипеҳросо тахти кавкабмисол сабот ва давом гулмихлари бирла истиҳком топсун ва то сахар гулистони қуёш сариғ гули била зеб тутар, жаҳоноро маснади хуршидтимсол бақойи локалом гирд болишти била ороста ва мустадом бўлсун.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, то ул ҳумоюн мавкиб ғубори кўзлардин йироқ тушубтур, кўзлар фироқ зулматидин тийра бўлуб, ҳамул ғуборни тўтиёликқа топмайдурлар.

Дедимки, сурма қилай гарди раҳнавардингни,  
Фиғонки, топмади кўз тўтиёға гардингни.

Ва то ул рўзафзун давлатлиқ остон туфроғи юзлардин айрилибдур, юз сори қўймоқ учун юз уруб, ҳамул туфроғни кимиёликқа топса бўлмайдур.

Ғубори остонинг не ажойиб кимиё эрмиш  
Ки, рухсоримға онинг хажри олтун рангини бермиш

Чун бу фироқ шиддатидин тақрир ожиз ва бу иштиёқ суубатидин тахрир қосирдур — хома тили равонлиғидин не фойда ва тил хомаси гавҳарфишонлиғидин не натижа? Ложарам бечораларға дуо била қонё бұлмоғдин ўзга чора йўқтур ва дардмандларға хаёл била ўзин тутмоқдин ўзга давое йўқтур.

То фалаки даввор тўққуз хони анмум дирамлари била музайяндур, ул дирамлик хонлар мулк фатҳ қилғон жайшингда сочиқ бўлсун ва кавокиби сайёр дурусти секка хутутидин муарродурур ул сода сиймлар очқон кишвар зарробхонасида секкаи адлингға сўкулсун,

### **Рубоия:**

То тенгри эрур бокию олам фоний,  
Тенгри тутсун сенга мусаллам они,  
То бўлғай улусқа шоҳлиғ имкони,  
Сен шоҳқау шоҳ санга арзоний

**84**

### **Рубоия:**

Десамки, сўрай сени, не тил бирла сўрай?  
Ё улки кўрай сени, не кўз бирла кўрай?  
Итлар киби махласингни истаб югургай,  
Гоҳи қилибон дуо сенинг сори хурай.

Бовужуди бу ҳол сўрмоққа дағи рухсат ҳосил эрмас ва кўрмакка дағи ижозат бермас. Аммо тириклик ғаниматдур. Бу фақир илгимдин келганча саъй қилдимким, бу ерга етмагай, чун тақдир бу воқеаға борғондур — суд қилмади ва чун қазо бу ҳодисаға боис эркандур — натижа бермади. Эмди мултмас улким, тенгри таоло тақдириға ризо берилгай ва борча тақсирни ўз нафсидин кўрулгай. Дағи қилғон—қилмоғон ношойиста ишдин тенгри таоло ҳазратида тавба қилилғай ва бўлғон—бўлмоғон нобойистадин худойи таоло даргоҳида инобат воқеъ бўлган. Шак йўқтурким, асру бот мақсуд восил ва мурод ҳосил бўлғай, албатта.

Ўзунгизни таскин бериб, ғусса туғёнида тенгри ёди била иштиғол кўргузгайсизким, оз фурсатда азим ёруғлар етишгай, деб густоҳлик қилилди, вассалом,

Даврон базмида ким бир мурод жоми ичтиким, сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади ва сипеҳр анжуманида ким бир иззат маснадиға мутамаккин бўлдиким, оқибат юз мазаллат туфроғиға ўлтурмади; абнойи замонға ким бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағриға сончилмади; аҳиббони давронға ким бир муҳаббат эшиги очтиким, алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. Даҳр бозорининг накди рўйандуддур ва айём жашнининг шахди захролуд. Бу жиҳатдин кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидоят зилоли оритқонлар олам меҳрини зарраи кўнгулга олмайдурлар.

Аммо агарчи сипеҳр золининг макри бешумордур ва лекин хунари дағи бордурким, нечукким, иззу улосининг мадори йўқтур, банду боласининг ҳам эътибори йўқтур.

Андоқким, жоҳу жалолиға вафо бўлмас, меҳнат ва малолиға дағи бақо бўлмас. Басо бандким, анинг зимнида кўп кушодлар ва басо номуродлиғким, анинг сўнгида ўкуш муродлар бўлғай. Яъс қаро шомидин сўнгра субҳи уммид тулуъ этар ва баъс зулмоти зимнида ҳаёти жовид навиди этар.

Барча ҳолатда шукр вирди забон ва барча малолатда сабр ҳирзи жон бўлмок авлодурур. Ва бу тарийқни алардин яхшироқ ким бўлғай — билғай. Ва риоятин ҳам алардин ортуқким қилғай — қила олғай. Тенгри таолоға ибодат ва подшоға дуони мудовамат қилмок вожибдурур.

Умид улким, борча меҳнатлар давлатқа ва борча паришонлиғлар жамъиятқа бот мубаддал бўлғай. Омин, ё раббил оламин.

**85**

Куллуқ арзадошт улким, Абушаҳма Баҳодирға **100** фарзандғинаси воқиаси юзлангандин сўнгра шаҳрға келиб, юқори ўтти. Ул ҳодиса жиҳатидин ҳазинлиғи беғоят ва ғамгинлиғи бениҳоят эрди. Аммо чун подшоҳи исломнинг шафқат била чорасозлиғи борча ғамзадалар дардиға даводур ва марҳамат била банданавозлиғи борча мотамзадалар ранжиға шифодур, умид улдурким, анинг дағи бу жароҳатиға марҳаме етиб, андин кўнглиға коме етгай ва бу захмиға иложе етишиб, андин жониға ороме юзлангай.

Эй сенинг лутфунг ила шод бўлиб ғамзадалар,  
Жон топиб, нафҳаи хулқунг била мотамзадалар.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло подшоҳи марҳаматгустар ва султони бандапарварнинг сояи давлатин ва зилли шафқатин борча маҳзун бандалар ва мағбун сарафкандалар бошиға поянда ва мустадом тутсун.

**86**

**Р у б о и я:**

Эй тойири бахт, қилсанг ул ён парвоз,  
Ёр олиға мендин қилиб изҳори ниёз,  
Куллуғдин сўнг сўзни бу навъ эт оғоз,  
К-эй маҳзи сахо подшоҳи банданавоз.

**Рубои я:**

Бандангни фироқ сенсизин куйдурди,  
Юз қатл қиличи бошиға келтурди.  
Аъзосиға минг ҳажр тоши ёғдурди,  
Куйдирдию кўкка кулини совурди.

**Рубоия:**

Тиргузмак агар истасанг икромингдин,  
Бир журъа ҳавола айлагил жомингдин,  
Масрур эт маҳзунни инъомингдин,  
То баҳравар ўлсун карами омингдин.

Чун ул вилоятдағи бандаға тааллуқ маҳсулдин ҳарне ҳосил бўлуб келсаким, борча маошқа мадад берур, ё мубаррот буқбалари такмилиға имдод еткурур — фақир ул ҳазратнинг инъомиға ҳисоб қилибмен.

Бу учурдаким, Мавлоно Худойбердини бу иш учун куллуққа юборилиб эрди, дойим қиладурғон иноят ва саъйни бир қатла соғиндурмоқ вожиб эрди. Ул сабабдин бу журъат ва густоҳлиқ қилилди.

### **Рубоия:**

То чархдурур амринга чокар бўлсун,  
То даҳрдурур санга мусаххар бўлсун,  
Лутфунг ҳам улусқа файзгустар бўлсун,  
Зотинг ҳам ўзига бандапарвар бўлсун.

**87**

### **Рубоия:**

Етти манга давлат рақами тархондин  
Ким, келтуруб эрди бандаға султондин,  
Ҳам кўнглум умидвор бўлди жондин,  
Ҳам жонға висол ўлди тамаъ жонондин,

Бу иқбол нишониким, бандаға етишти — махмурға етган бодаи таҳуро  
мисолғаму ўхшатайин ё биёбондағи ташналаб маҳрурға йўлуққан жоми зулолғаму нисбат  
қилайин? Тилга мазкур бўлгон ва қаламға мастур қилилгон будурким, байт:

Илоҳи жоми васли дилфурўзи,  
Мени лабташнаға бот айла рўзи.

**88**

Дину давлат арбоби ва мулку миллат асҳоби ҳазратларида фақири ҳақирнинг  
арзашти улким бу фурсатда сулук бодиясининг раҳнаварди ва фақру фано зовиясининг  
соҳиб дарди, шавқ ва муҳаббат шевасининг комили, яъни руқъаи ниёз ва ихлос ҳомилики,  
муддате бу фақирлар баданиға Масиҳосо мақолоти била жон кинюрди ва руҳафзо мулоқоти  
била ҳаёти жовидон еткурди, ул саодатманд кишвар ва диёр ва ул равза монанд билод ва  
хисор сори мутаважжих бўлди.

Илтимос улким, ҳарён Хизровор қадам урса хужаста мақдамини боиси нишот ва  
сурур билгайлар ва ҳар қайда Довудосор дам урса, дамини мужиби инбисот ва ҳузур  
тасаввур қилгайлар.

Гарчи бизга бўлди рўзи ҳажридин дарду малол,  
Муғтанам тутсун висолин топса ҳар фархунда фол,

Ҳақ субҳонаху ва таоло дарвешдўст подшоҳлар сояи иқболин дарвешлар бошиға  
мустадом ва ғарибнавоз аҳли жоҳлар сармоёи жоҳу жалолин ғариблар сарвақтиға  
бардавом тутсун, омин.

**89**

### **Рубоия:**

Эй нафс ҳавосиға гирифтор ўлгон,  
Шайтон ишига ишинг намудор ўлгон,  
Ҳам зуҳд ила иззатқа сазовор ўлгон,  
Ҳам фиск ила олам элига хор ўлгон.

Эй саргаштаи худрой, ва эй бахти баргаштаи бесарупой, ул вақтдин бериким,  
мазаллат туфроғидин рўзғоринг чехрасин супурдум ва меҳнат дашти саргардонлиғидин  
паришон хилкатингни йиғиштурдум. Агарчи кичик эрдинг, аммо андоқ эрмаски,

хотирингдин махв бўлмиш бўлғай ва агарчи тифл эрдинг, андоқ эрмаски, замирингдин унутулмиш бўлғай!

Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф ва авқотимни сенинг муҳофазатингга масруф илдим ва фарзандлигинг рақамини хотиримга муҳаррар ва оталиғ меҳру шафқатин, ҳолингга муқаррар эттим. Ою йилда бир кун, балки кечалик, кундузликта бир соат ахволингдин ғофил бўлмадим ва риоятинг қоидасин эл кўргудек туздум, балки кўрганлар рашк юзидин ҳасад егудек кўргуздум. Зоҳирингни аҳли зоҳир фунуну фазойили била ораста ва ботинингни аҳли ботин Ҳақойику маорифи била пийроста бўлурға саъй қилдим, то рўзгоринг покиза ойину даъб ва шиоринг тавозеъ ва тамкин бўлуб, ахволу афъолинг тақво ва тоат била маъмур ва иштиғолу ҳисолинг одамийлиғ ва инсоният била машҳур бўлди ва подшоҳи исломнинг фирдавс ойин базмида илтифот ва эҳсонға абнони рўзгордин мумтоз ва мулоямат ва инъомға аҳли замондин сарафроз бўлдунг. Шохзодалар мажлисида аржуманду озодалар суҳбатида сарбаланд ва ўз фанининг аҳли мутеъ ва фармонбардор, балки ходиму шогирдқирдор ва бу фақирнинг фарзанди аржуманд кўрмогим ва риоятингни авлод монанд, балки акбод пайванд маръий тутмоғим шоҳ ва гадо оллида возиҳ ва яхши—ёмон қошинда лойиқ бўлди.

Аммо дўстларим насиҳат юзидин ишъор қилурлар эрдиким, ҳар муҳра тожға тикилган била фируза бўлмайду ва мийнойи шиша бўюнға оскон била зумуррад ўрнин тутмайду ва душманларим таън ва киноят била қулоғимға урарлар эрдиким, хайнинг нопок сувин саъй била оби—ҳайвон қилурман деган ва кеча ишнар қуртнинг тийра пайқарин жаҳд била хуршиди рахшон ясармен деб, ҳарза хаёл қилгон басоки хижолат бармоғин тишлагай ва пушаймонлиғ овучин бир—бирига қоққай ва бу фақирни ғофил дўст сўзи билан мутанаббих ва душман таъни била мутақоид бўлмай, сенинг тарбиятингга кундин-кунга устувороқ ва риоятингга лаҳзадин—лаҳза беқарорроқ эрдим, то ишинг ул ерга еттиким, Фи—соғурс ҳаким<sup>101</sup> замонидинким, адвор илмининг возии дур, Арасту<sup>102</sup> замониғачаким, муаллими аввал дебтурлар ва Абу Наср

Форобий<sup>103</sup> чоғиндинким, муаллими соний дебтурлар, Хожа Абдулкодир<sup>104</sup> асриғача маълум эмаским, бу фанда ҳеч подшоҳ замонида бу фан аҳлидин ҳеч кимга мунча тарбият ва нашъу намо воқеъ бўлмиш бўлғайким, сенга воқеъ бўлди. Аммо чун ишлар ўз ерида эмас экандур, боқиб турғунча оздинг. Рўзгоринг салоҳи фасодқа ёнди ва афъолинг покизалиги нопокликка айланди. Насиҳатни қулоққа солмадинг ва панд била маломатни кўнгулға олмадинг. Ҳолингдин хабардор қилгон сойи беҳабарроқ ва фисқу фуҷурингни манъ қилгон сойи батарроқ бўлдунг. Подшоҳи исломнинг мунча йилғи тарбиятин ва бу фақирнинг мунча вақтлиғ саъй ва эмгагини ва узун йиллар тортгон риёзатини нафси шум авоси ва феъли мазмум муқтазоси била зойиъ қилдинг ва дўстларнинг ҳам мулоямат била панду насиҳатин қулоғингга олмадинг ва душманларнинг ҳам шиддат ва шанъатин сариқ вакиноят била истимоъ қилмадинг ва улуғларнинг ҳам ваид ва таҳдидин эскармадинг ва ҳақ субҳонаҳу ва таоло қошида дағи тавбалар қилиб, аҳдлар боғлаб, онтлар очиб, борчани бузуб, тенгри таолодин қўрқмадинг.

Ҳоло не сўзишта, не аҳдингға, не қавлунгға, не онтингға эътимод қолибтур. Невчунки, ҳар қайсини борлар маълум қилилибтур ва синалибтур.

Мунча беқоидалиғларинг асносида борчанинг талофиси ва тадоруки учун от юборурсен ва мундин ғофилки, отингни тўрт дафтардин чиқорилибтур: бир—мулозимлар дафтарида фарзандлик лақабидин, балки ошнолик исмидин; иккинчи — «Мажолисун—нафоис»<sup>105</sup> дафтарида фазл ва табъ аҳли чаргасидин; учунчи — шаҳарнинг яхши—ёмон, улуғ—кичиги қошида эрлик ва инсоният ва мусулмонлиғ ва ҳамият дафтаридин; тўр—тунчи — подшоҳи ислом ҳазратидаким, муборак тилларига ёмон дуонг ўтубтур. Ҳаёт аҳли дафтаридин сен мунча турфалиғинг билаким, дину исломинг уйин бузубсен ва мундоқ шарифу азиз хотирларни ўзунгдин озурда қилмоқ била, айтса бўлурким, Каъбани йиқибсен, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен.

Ғафлат ва нодонлиғинг ул мартабадаким, буқъаи хайр ясамоққа ўзунгға бози

бериб, битиб йиборурсенким, сени яхши йигит хаёл қилғайлар ва одамий киши соғинғойлар. Бу таманнодин юз хайхот ва бу муддаодин юз минг уёт! Сенинг мунча қилгонларинг муқобаласида мен дағи сазо ва жазо еткура олур эрдим, аммо икки жиҳатдин еткурмадим. Бири буким, мунча панду насиҳат ва ташний ва маломат ва онт ва аймон била бировким, мутанаббих бўлмамиш бўлса, бир неча изо ва азоб била ҳам бўлмағусидур, балки ул изо ва азоб еткурурда бу фақирнинг заъфлиғ мизожиға тараддуд ва ташвиш кўпрак етгусидур ва санга худ тафовут қилмоғусидур. Яна бири буким, сен ҳар беқоидалиғким қилибсен анга кўра сазо ва жазо топибсенким, ул подшоҳи ислом ҳумоюн хотирининг ғубори ва мураббий ва вали неъматнинг ва сойир азизларнинг кўнгулларининг озоридурким, ҳар бири филҳақиқат юз ўлумдин ортуқтур, аммо бу маънидин сен ғофилсен.

### Рубоия:

Эй ғофилу ғафлатқа вужудинг мағлуб,  
Мажмуи ёмонлиғ назарингда марғуб,  
Бординг дағи келмадинг бу эрди матлуб.  
Ёлгонларинг ичра йўқ эди мундин хуб.

### 90

Мавлоно Қосимға<sup>106</sup> сўз улким, инсон жойизул — хатодур ва лекин надомат ашкиким, иборат тавба сувидин бўлғай, гуноҳ чиркин оритур. Ўзунгни бу навъ ориқ қилсанг, умид улдурким, ҳақ таоло кечургай, ибодатқа не етгай.

Дарвеш Алибек<sup>107</sup> хизмати била бизнинг хизматимиз орасида тафовут йўқтур ва лекин ўзунгни яхши яасангки, дебтурлар:

Жома чиркин макун агар карди,  
Пок покаш бишуй агар марди.

### 91 108

Куллуқ дуодин сўнгра арз улким, иноятномаким, бу бандани анинг била ёд қилилиб эрди, чун сихҳатингизға мушъир ва саломатлиғингизға мухбир эрди, ошуфта хотирға мужиби ком ва музтариб кўнгулға боиси ором бўлди. Тўрт ғазалким тўрт жавоҳири инсонидан хабар берур эрди, балки тўрт кутуби осмонидин асар еркурур эрди — етишти. Алфозидин хўблар чинидек саҳфаға оройиш ва маонийсидин аларнинг васлидек кўнгулға осойиш юзланди. Тарокиби латофатомиз ва латофати нишотангиз таърифин қила олмағандин дуо қилилди ва шарҳин айта олмағандин сано айтилди. Умид улким, то жаҳон бўлғай дуо ва санонгиз тилларга жорий бўлсун ва ул дуо ва сано ўқлари ижобат хадафига корий, омин, ё раббил оламин.

### 92

Зотингға жаҳон мулки мусаххар бўлсун,  
Амрингға улус ҳукми муяссар бўлсун,  
Зотинг қаён этса майл сурур бўлсун,  
Аъдо уза мансуру музаффар бўлсун.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, Мирзонинг муборак мизожлари айни саломат ва маҳзи истиқоматдадур. Алҳамдулиллаҳ валминна бу учурда ҳукм йўсуни била форсий паришон абёт ва пароканда ашъорни йиғиб, девон йўсунлуқ жилд қилиниб эрди,

Юсуф Алидин тобуғда юборилди. Умид улки, қабул давлатиға музайян ва писанд саодатиға мушарраф ва мустахсан бўлғай. Доимғи дастур била бирор иноятнома билан сарафроз қилурға мулозимлар ҳокимдурурлар.

То жаҳон бўлғай, жаҳон аҳлиға сен шоҳ ўлғосен,  
Шарт буким, қулларнинг ҳолидин огоҳ бўлғосен.

### 93

Ҳар бағир қоники, ҳажрингда кўзумга айланур,  
Кўз ани тўккач бағир янглиғ ҳамул дам боғланур.

Арзадошт ҳомили билмаслик ва ғафлат жиҳатидин мулозаматдан қолғон эрмиш. Эмдиким, ўз ҳолиға келубдур, билибдурким, не ҳато қилғон эрмиш. Ўз гуноҳиға мўътариф бўлиб, Мирзо карамиға эътимод қилиб, мутаважжих бўлди. Умиди улдурким, бурунғи дастур била қуллуғин қабул қилилғай ва сойир қуллар чаргасиға киргай.

Бу матлаъ воқеъ бўлуб эрди, ул маҳрум қолғонининг ислоҳиға борди. Бу маҳжур қул ҳам айтқонимға ислоҳ умид тутармен, иншоллоҳ иккаласи муяссар бўлғай, деб қуллук арзадошт битилди, вассалом.

### 94

То даҳр уза гунбази даввор ўлғай,  
Ул гунбаз уза собиту сайёр ўлғай,  
То собиту сайёрдин осор ўлғай,  
Тенгри бори ҳолингда ниғаҳдор ўлғай.

Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, замонайи дуннинг бедоду жафоси ва сипехри буқаламуннинг зулму ийзоси шоҳдин гадоғача ва фосикдин порсоғача етмаган киши мавжуд эмас ва замон аҳлидин мурувват ва вафо маъҳуд эмас.

Аммо ҳақ субҳонаҳу ва таоло одил ҳоким ва қодир мустақимдур, умид андоқдурким ҳеч мазлум то додиға етмағай ул адл эшигидин маҳрум кетмағай. Мундин ортуқ тилга ҳадди калом ва қаламға ёройи эълум йўқтурур, вассалом.

### 95

Олам элиға шафқат этиб аҳли ҳидо,  
Иршод юзидин эттилар буйла нидо  
Ким, ҳар кишиға неъмате берди худо  
Шукрини анинг вожиб эрур қилмоқ адо.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анча неъмат бандасиға каромат қилибтурким, анинг ҳисобини қилмоқдин нутқ лол ва қалам шикаста мақолдур. Ихтисор юзидин ва ижмол тариқидин бир нечани баён қилмоқ йироқ эмастур. Ул жумладин бири бандани йўқдин бор қилмоқдур ва ўз саноеъин анда намудор этмак. Яна жаҳолат зулматидин хирад анвориға тегурмак ва туфулият ғафлатидин шуур ва вукуф давлатин насиб этмак. Яна хавос ва идрок ва таъби салиму фарси мустақим бермак ва ислом шарафи била баҳраманд дин саодати била сарбаланд қилмоқ. Бу неъматлар шукри барчаға ўз хурди ҳолиға кўра вожиб ва лозимдур. Аммо ҳукмрони соҳибжоҳларға ва нофизи фармон подшоҳларға барчадин кўпрак, невчунким бовужуди бу мазкур бўлғон неъматлар ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни барча бандаларидин жоҳ ва жалол била мумтоз ва азамату иқбол била

сарафроз қилибтур.

Ва бу неъматларға шукр адоси бу эмиш: киши шукр лафзини тилга уюрғай, балки улдурким, амр ва наҳйини бажо кетурғай. Ва бу мазкур бўлгон неъматлардин куллийраки ислом шарафидурки, ҳақ субҳонаху ва таоло анда бандаға неча амр тақлиф қилибдур. Бири ўзининг ваҳдониятиға ва пайғамбарининг рисолатиға иқроп қилмоқдур. Яна бири кунда беш вақт номоздур. Яна бири йилларда бир ой рўза тутмоқдур. Яна бири мол нисоб ҳаддиға етса закоттур. Яна бири иститоат, ҳам тўртида ожиз бандасиға мусофаҳа қилибтурким, шаҳодат калимасидин агар банда юз яшаб умрида бир қатла мазкур қилмиш бўлса кофийдур. Ва рўзани сафарда ва заъф айёмида еб, эваз тутмоқни тажвиз қилибдур. Ва закотқа нисоб ҳаддини шарт қилибдур ва ҳажқа иститоат ва амни тарикни машрух этибдур.

Аммо номозда муболаға воқеъ бўлубтурким, узр ва баҳона била банда бўйнидин адо бўлмас то бажо кетурмас. Заъф ва хасталиқда, ифлос ва шикастлиқда, совуғ ва ёгинда, душмандин қочқонда ва дарё ва биёбонда саргардон бўлгонда ва ҳар саъб ҳолда адо қилмоғунча чора йўқтур. Заъфда ўлтуруб ва кўпрак заъфда ётиб ва назъ ҳолатида ишорат била муқаррар бўлубтур, сув бўлмоғонида таяммум била, аммо маоф бўлмайдур.

Бу давлатхоҳ кул бу қатлаким, куллуққа мушарраф бўлдум, андоқ маълум бўлдимки, ул ҳазрат ўзларин бу тақлифдин маоф тутубтурлар ва қавм ва хайллари ҳам доғи подшоҳлариға мубоабат қилиб ўзларин маоф тутубтурлар, жамоат ва тенгри таоло амрин бажо келтурмак кўзга кўрунмади. Агарчи тенгрининг бу навъ муболағалиқ амридин алар ўзларин маоф тутубтурлар, бу банда давлатхоҳлик сўзин айтурдин ўзумни маоф тута олмон. Тенгри учун ё тенгрининг буйруғини бажо келтурунг, ё бир оят, ё ҳадис, ё машойих нақли, ё ривоят, ё масала топилгон бўлсаким, бу амрни тарк қилмоқ керак, топилгон бўлса бу бандаға ирсол қилингизким, заъфим ғолибдур ва бу тақлиф бағоят куллий.

Яна улким, салотингға ваъда будурким, ҳақ субҳонаху ва таоло адлдин сўрғусидур. Бас, подшоҳға вожибдур барча халойикдин воқиф бўлмоғим, алардин бир фақирға зулм ўтмағайким, тенгри таоло подшоҳдин сўрғусидур ва бобда ҳадиси саҳиҳ бор. Банда куллуқ ёниб, Панждеҳқа келганда бир киши бу фақирға додхоҳлик қилдимки, Мирзо навкарлари усрук они ўқлаб эрдилар ва хотунин чопиб эрдилар. Фақир аларға таскин бериб жузий харжий бериб ўтгум. Чоғир ичмак авом орасида шоеъ бўлса, бу навъ иш ажаб эрмас.

Кулларининг муроди будурким, сизнинг ҳумоюн мақдамингиз ҳар қаён етса ва музаффар ливо сипоҳингиз ҳар қаёндин ўтса хайр дуосидин ўзга нима ҳосил бўлмағай.

Холо бу икки захм еган фақирлар Панждеҳ работининг ёнидадурлар, аммо бу ишни қилгон киши ким эркани маълум эмас. Қаро улусқа забт ва сиёсат вожибдур ва чоғирнинг манъи доғи лозим ва додхоҳларни тилаб, яхши сўриб, арзлариға етушмак фарз, вассалом.

## 96

Мирзо тилидин:

Фарзанди шаҳид марҳум Бобобек<sup>109</sup> фироқида

Эй, фалак ороми руҳу муниси жоним қани?

Субҳи айшим мехри—ю шамъи шабистоним қани?

Эй, чархи жафокор не ситамлар қилдинг,

Жонимни нишоан аламлар қилдинг,

Муҳлик нафасим ўтин аламлар қилдинг,

Узрунгни қўлай чу карамлар қилдинг.



Бу ғамфарсуда таным туфроғин совурурға ох ели бас эрди, бир сарвни йикқунча сарсари хожат эрмас эрди ва бу хунолуда кўзум чароғин тийра қилурға қаро бахтим саводи етар эрди, бир қуёшни қаро ерга кийурмак керакмас эрди., Жонимни олурунг етмасму эрдиким, кўзум қонин окузурунг бас эрмасму эрдиким, жонимға ажал тиғи сурурға бедод кўзгуздинг, Менга қилғон зулмни ҳеч подшоҳға, йўқким ҳеч гадоға раво кўрмадинг ва менга урғон бедод тиғин ҳеч комгорға, йўқким ҳеч бенавоға урмадинг. Бошимға келган турлук—турлук ғаму аламғаму ўкурай, жонимға юзланған бири—бириға ўхшамас мотамғаму кўксумга тош урай! Ўз андуҳларимни битсам қайси бирин номада мастур этай ва ўз меҳнатларимға йиғласам қай бирин навҳада мазкур этай. Танымдек дарду балохўри поймоли йўк эркандур, умид улким бўлмағай ҳам, ғаму кўнглумдек—ғаму ибтило андуҳининг ошуфтаҳоли мавжуд эмас эркандур, ё рабки вужуд тутмағай ҳам, магар ҳақ субҳонху ва таоло маҳзи лутфу инояти карамидин ғоятсиз дардима даво ва ниҳоятсиз маразу заъфима шифо каромат қилғай. Ва ҳидоят шамъин андоқ ёрутқайким, анинг партавидин тийра кўзум очилғай ва ўз жонбидин андоқ жазбу ошнолиғ етқурғайким ўзидин ўзга ҳеч нимани асари замиримда қолмағай ва ўз дарду шавқин кўнглумга андоқ муставли қилғайким, анинг ёдидин ўзга ҳеч нима кўнглум ҳаримида йўл топмоғай.

Толиб мени-ю ўзини матлуб этгай,  
Роғиб мени-ю ўзини марғуб этгай,  
Ошиқ мени—ю ўзини маъшук этгай,  
Ишқини ғолиб, кўнгулни марғуб этгай.

Омин, ё раббил оламин!

## 97

Банда тилидан:

Ё раб, ул давлат қуёшинг заволи бўлмасун,  
Нуридин кам бўлмоғининг эҳтимоли бўлмасун.

Қуллуқ арзадошт улким, жон асосиға бако йўқтур ва умр биносиға вафо йўқтур. Замона гулшанида қайси ғунча нишот била кулдиким, ҳодиса тундбодидин тўкулмади ва даҳр гулистонида қайси гул инбисот била очилдиким, воқеа сарсаридин сочилмади. Умр чаманининг гули хорсиз очилмайдур ва ҳаёт анжуманининг мули хуморсиз топилмайдур. Бако сарчашмасидин сероблиғ қайда мумкин, чун «кулли ман алайҳа фана» соғари илан бермас ва тириклик шарбатидин шодкомлиғ не мутасаввир, чун «кулли нафсун зойиқат ул—мавти» қадахидин гузар эрмас.

Ҳар шамъи тирозки, бир шабистонни мунаввар қилди, бир офат ели ани мукаддар қилди ва ҳар сарвинозким сарафрозлиғ ҳавоси тутти, бир ҳалокат самуми они тубидан қурутти. Аммо гул тўкулса, умид улким гулистони сероб поянда ва бардавом бўлғай ва агар шамъ ўчса маъмул улдуким, хуршеди оламтоб тобанда ва мустадом бўлғай, омин, ё раббил оламин!

## 98

Қуллуқ арзадошт улким

Сўлса бир гул гулшани иқбол бўлсун мустадом,  
Ботса бир кавкаб саодат чархи бўлсун бардавом.

Фарзанд марҳум Бобобекки,

Ҳақ таолодин ўлсун қабри пурнур,  
Равони жаннат ул—маъвода масрур,

Азоси бобида дурбор қаламдин гуҳарнигор рақамким, саҳфайи кофурий  
нажодни нуктайи мушкин савод била оройиш бериб эрди — етишти.

Сафҳа демаким, гулистон эрур равзаи фирдавси аълодек юз турлук гул ва  
насрин била ораста ва рукъа демай, бўстоне эрди гулшани жаҳон ародек юз туман  
мулавван раёҳин била пийроста. Алфози ул фарзанднинг зоҳиридек барча ҳамида алфоз  
била тузалгай, маонийси анинг ботинидек барча писандида ахлоқ била безалган.  
Рухпарварликда анинг жонафзо баёнидек масиҳмисол ва рухгустарликда анинг ҳаётосо  
алҳонидек довудтимсол. Умид улким, то анга фано хилватгоҳида бенишонлиғдур, сенга  
бақо жилвагоҳида комронлиғ бўлғай ва то анга одам кахтида фарсудалиғдур, сенга вужуд  
тахтида осудалиқ бўлғай.

Вужудинг халқ учун кўп йил саломат,  
Саломат бирла минг йил истиқомат.

Омин, ё раббил оламин, вассалом.

## 99

Ниёз рафъидин сўнгра эълум улким, бу учурда ул соридин келганларнинг  
каломлари фаҳвосидин ва паёмлари адосидин андоқ маълум бўлдиким, таъбингизда  
даврон ҳаводисидин жузий заъф ва озоре, мижозингизга замон навойибидин адно ғам ва  
изтироре воқеъ эркин бўлғай. Ташвише бўлмағай ва тарадуде юзланмағай, бори заифлар  
заъфини ҳақ субҳонаҳу ва таоло кут била ва маризлар маразини сиҳҳат била мубаддал  
қилғай. Киши юбориб, сўруб, кайфиятни билмак вожиб кўрунди, битиб юборурга  
мухторсиз деб, дуо ва салом битилди, вассалом.

## 100

Одамеод ўз аҳволиға мулоҳаза қилса андинким, адам доруломони  
хилватхонасидин вужуд шаҳристони меҳнатхонасиға келибтур ва бу шаҳристоннинг  
мақому манзилларидин нечани тай қилиб, ҳоло не ерга етибдур, борча ҳолда ўз қусури  
аъмолин ва футури аҳволин ва убудият адосида ғафлат ва бебоклиғин ва нафсу ҳаво  
мутобаатида журъат ва чолоклигин топар ва ҳақ субҳонаҳудин тили қосир ва баёни отил  
эрканин билур.

Хусусан, жамеъки аларни ҳақ субҳонаҳу ақл нури ва таъб ҳадиқи била ораста ва  
инсоф вуфури ва идрок касрати била пиироста қилибдур. Бас, бу муқаддимот муқаррар  
бўлгондин сўнгра агар зоҳир юзидин зиёне ва шикастлиғе ва маъни жонбидин нуқсон ва  
басталиғе етса шон улдур ва муносиб андоқ кўрунурким, киши зоҳир ҳолатиға эврулғай ва  
ботин воридотиға айланғай. Шариат била маъмур бўлгон умурда ва тариқат била маҳкум  
бўлгон аҳкомда ўзин мутақассир ва мужрим билиб, надомату ҳижолат ашкин юзига тўқуб,  
ажзу ниёз юзин мазаллат туфроғиға суртуб, кодири мутлақ ва ҳокими барҳақ ҳазратида  
тазарруъ ва тазаллум била ўзин унутгай ва хотиридаги башарият маҳол ҳаёлларин ва  
замиридаги аноният вабол ва наколларин истиғфор ашки селиға оқизгай ва бошидаги  
раёсат нахустларин ва кўнглидаги ҳукумат шуюматларин истиғфор оҳи елига учурғой ва  
димоғидаги маъно даъволарин ва назоҳат қабоҳатларин ажзу тазарруъ сарсариға совургай.  
Ва ўз камоли чехрасиға жуз нуқсон кўзи била боқмағай, балки ўз нобуд зотиға вужуд  
туҳматин тоқмағай. Шоядки, ҳақ субҳонаҳу маҳзи инояти ва ғояти марҳаматидин анга  
инобат саодати ва тавба тавфиқи каромат қилғай. Ва бу каромат тожиға истиқомат

гавҳари била зийнат бергай. Ва агар бу мулоҳаза қилурда андинким, башарият кўзи ўз аҳволи қусурин ва ҳисоли футурин кўрарға аъмодур ва бу эҳтиётларининг анинг қошида номаръи нафс эътирофидин ибо қилса ва мақру хийла била ҳабисни ҳабиб ва қабихни фатҳ либосида ва хушнини ҳусн кисватида жилва бериб, тиласаки кишини бу мақомдин ўтгаргай, анинг илзомиға ақл ҳақими этагига илик урғай ва ўз мададиға келтургай. Ва агар мунинг била мағлуб бўлмаса мутгафиқ аҳбоб ва мувофиқ асҳоб ва вафокеш ёрлару хайрандеш дўстдорлар, дилсўз мулозимлар ва меҳрандўз ходимлар, балки хурдабин душманлар хирадойин гадрфанлардин ҳар тадбиру таҳқиқ ва ҳар тазвиру тадқиқ ила англағай. Андин сўнг мазкур бўлғон иложига иштиғол кўргузуб ва ўз вақти рўзгорин, умид улдуким, тенгри иноятидин салоҳға келтурса бўлғай, ҳақ субҳонаҳу ва таоло борча фақр йўлидин йироқ ва фақр аҳлидин қироқ тушганларга ҳидоят била йўл кўргузгай ва иноят била йўл юришидин мақсуд сарманзилға еткургай, вассалом.

## 101

Эй ким, нафсингни ҳақ деди зиллаллоҳ,  
Яъни, ониким зулм куёши ногоҳ,  
Куйдурмак била айласа ҳолини табоҳ,  
Бергайсен анга сояи адлингда паноҳ.

Қуллуқ арзадошт улким, мазлумеким, бу давлатанжом замонда ва маҳрумеким, бу саодат фаржом давронда бир қари хушҳол ва фориғбол кечурубдур, бу вақтда фалак инодидин ва золимлар бедодидин анга ажаб ҳоллар ва ҳолиға ғариб ихтилоллар даст бериб юқори юзланди.

Умид улким, лутфи умимдинким, мажруҳлар жароҳатининг шифосидур ва хулқи каримдинким, ранжурлар дардининг давосидур, баданиға қут ва кўнглиға сиҳҳат ва рўзгорига жамъият ва аҳволиға рафоҳият юзлангай, омин, ё раббил оламин.

## 102

Ул шаҳ тобуғиндаким эрур маъдани жуд,  
Шаҳлар аро бўлмағай бир андоқ мавжуд,  
Ҳам волиди покидек ҳисоли маҳмуд,  
Ҳам ахтари толеъдек исми Масъуд.

Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, йиборган жузвки, авроқ қиёсидин секиз беҳиштдин намудор эрди ва маоний абкори ғавғосидин ҳур анжум анда ошкор. Ҳар обдор лафзи куйган кўнгуллар ўтиға таскин ва ҳар оташбор калимаси совуғон юраклар ҳароратиға барқойин. Мисралар салобатидин Масиҳ анфоси хосияти анда пайдо ва байтлар латофатидин ҳаёт суйи натижаси онда ҳувайдо — бу фақирға етишти. Ўқумоғдин рух тоза, такроридин кўнгулга файзи беандоза ҳосил бўлди.

Бу нотосоннинг паришон назмлариким, юборурга ишорат бўлуб эрди, онинг тартибиға машғул бўлулди. Ҳар ойна умид улким, олий мажлис худдоми мутолаасиға бот мушарраф бўлғай.

Афлокча тахти иқтидоринг бўлсун,  
Анжумча сипоҳи бешуморинг бўлсун,  
Ҳақ хифзу сиёнати ҳисоринг бўлсун,  
Яъни, бори ишта тенгри ёринг бўлсун.

Омин, ё раббил оламин.

Ниёз рафъидин сўнгра эълон улким, Хожа Аҳмад<sup>110</sup> келди ва юборган руқъангизни келтурди. Битиб эрдингизким, назмларингиздин муддатеки битиб юбормайсен, ҳоло ҳам бўлса битиб юборгилким:

Қадри зар заргар шиносад  
Қадри жавҳар жавҳарий.

Бу корхонада мусаллам тутарбизким, сиз жавҳарий бўла олурсиз. Аммо бизда ул жавҳар йўқтурурким, сизнинг назарингизда еткурур қобилияти бўлғай. Мисранинг яна бир рукнининг ҳам ушбу ҳукми бор. Яна фасли билохирда ҳазрат маҳдумзода таърифида муболаға қилиб эрдингиз, ул таъриф мукиби хушҳоллиқ ва умидворлиқ бўлуб эрдиким, мунинг асносида аларнинг бир муборак китобати келди. Илтифот қилиб сўзларким битибтурлар, бириси будурким, ҳар жафо қилсангиз иликингиздин келур. Мулоҳаза қилинг, бизнинг илкимиздин не жафо келур? Балки элдин бизга жафо етишса таҳаммул қилурмиз, ҳазрат маҳдумзодаға не нисбат била жафо қила олғаймен. Ва тенгри таборак ва таолоға назрим борким, ҳеч кишига интиқом мақомида бўлмағаймиз. Яна бу эшикда қайси мансабдурким, менинг анда даҳлим бўлғай, сизнинг иш-кучда, тақсир қилмиш бўлганмен. Мирзо мажлисида маҳол бўлғайким, тақриб била сўз воқеъ бўлса, хошоким анда худ бу муддатда тақсир воқеъ бўлмиш бўлғай. Ул доғи ҳам тўрт—беш кунда бир қатла борурда. Агар тақриб бўлса тақсир бўлмас ва маҳдумзоданинг ҳеч ишига минъаҳд эрмас эрдим. Бу тошининг, ҳам тақрибин агар сиз унутибсиз, мен унутмайдурменким, қайдин воқеъ бўлди. Бар тақдиреки, минъаҳд бўлғон бўлсам, доғи одамезод мараз айёмида фаройиз ва вожиботдин маофдурур то ўзга ишларга не етгай? Маҳдумзоданинг, то шаҳрда эрдилар, алар мулозаматида худхусусият йўқ эрди. Машҳад йўлида алар йўлуққонда жузвий мулозаматеки қилди, онча азим уш—шон аҳленинг кинояти била таарруз ва ташнеъларин эшитдиким, ул фузуллуқдин ҳам пушаймонлиқ даст берди. Икки йилға яқиндурким фақир мараз тортадурмен. Султон Бадиуззамон Мирзодин<sup>111</sup> Ҳайдар Муҳаммад Мирзоға дегунча сарҳадағи жамиъ махзумзодалар кишилар юбориб сўрдурдилар, руқъаларида анвои риоят хотир била дилжўйлиғлар қилиб. Бовужудким, маҳдумзода борча оғаларининг қоидасин таҳаллуф қилиб, бекдин руқъа битиб сўрдура олмадилар, бу фақирнинг андин ва ҳеч киши дин тамаъим йўқтур. Ҳеч бирда изҳори шикоят қилмадим. Алар ҳам сар ба сарга ҳам рози бўлмайин. Бу фақирни ўзларига жафо қилмоққа нисбат берибтурлар. Андоқким руқъани сизга юбордук, агар сиз била эркандурур мужмал битигунча ул жавобни муфассал била битисангиз керак эрдиким, инсон жоиз ул — хатодур шояд воқеъ бўлмиш бўлғай. Агар сизнинг вукуфингиз йўқ эркандур, сиз таърифлар билан фақирни ёд қилсангиз эрди, ҳаргиз фақирға мунча куфт етмаган эрди. Фақирни жафокашликка нисбат қилибтурлар. Агарчи сўз кўп эрди, маълул бўлмоғонсиз деб ушмунчаға ихтисор қилилди.

# ВАҚФИЯ

## БИСМИЛЛОҲИР—РАҲМОНИР—РАҲИМ

Улум ҳақойиқи, балки ҳақойиқ улумининг фасих каломлик ва саҳиҳ ҳадислик мударрислари кашшоф табъ, мутолеидин маоний таволеини баён лавомеъи била рубъи маскун маъмурасининг мураббаъ хужраларидағи мавзун адолиғ ва матбуъ алқолиғ талабасининг замирлари мушкулотиға ва хаёллари мисбоҳиға изоҳ қила олмоқликларининг боиси ул бўла олғайким, ҳидояторо авроқлари бидоятин ва дириятосо сабоқлари ниҳоятин ул олам кимёи ҳамди ва жавоҳир шукри била мулаххас ва мунаввар қилурларким, одамни «Салотуллоҳи алайҳи ва лақад каррамно бани одам»<sup>1</sup> икромии била мукаррам қилиб ва илми адам ул—асмоъ ташрифи бирла мушарраф этиб, малакут оламннинг мукарнас тоқлик ва муқаддас равоқлик мадрасасида каррубийлар<sup>2</sup> ифода ва истифодаси учун ижлос қилди. «Субхонака ло аъламин лино илло мо алламатина иннака анта—л—алим ул ҳақими»<sup>3</sup>.

### Назм:

Анга ҳамдким илмлари тайб эрур  
Ва шул илм ила олам ул—ғайб эрур.

Алимики, бир зарра илмида фош  
Бидоят спехрида юз минг куёш.

Ҳакимеки, бир қатраи хикмати  
Тузатти муҳиту фалак ҳайъати.

Ва бўстони фаслида кўйғач кўнгул  
Ўзин тифла мактаб кўриб ақли кулл.

Шабистони илмида жинну малак  
Ўчуб гунгу лол, уйлаким шабпарак.

На умме—ки, сургач шараф хомаси,  
Қилиб они кавнайи алломаси

Не олимки, илмиға мағрур этиб  
Қабул аҳлидин они маҳжур этиб.

Жаҳон мадрусин тўрт тоқ айлабон  
Анга кўкни тўққуз равоқ айлабон.

Тошида мўхандис Зухал пайкари  
Ичида мударрис бўлуб Муштарий.

Таоли—лиллоҳ уд қодири зулжалол  
Ки, ҳам лам язал келди ҳам ло язал.

Аён улча мавжуду маъдум анга  
Азал то абад илми маълум анга

«Жалли субҳанаҳу ва азуму шаънуҳу ва илайҳи ғайриҳу»<sup>4</sup> фунун дақойики, балки дақойиқ фунунининг мутаввил маоний аёнлиқ ва мухтасар баёнлиқ муҳаддислари ниҳоди зеҳн бадри машорикидин аҳодис масобиҳини ифода шамойили била сипеҳр мадрасасининг тоқи остидағи ва ҳар хонақоҳи суффаси устидағи «Утубул илма ва лав бачинни»<sup>5</sup> амри билан саъй қадамин талаб бодиясиға қўюб, умид ажзосин фақр жузвдонига солиб, тажарруд кутубин таҳаммул орасиға кўтариб ҳар кун бир манзил ва ҳар ой бир шаҳр мароҳилин қатъ қилган мубтадийлар, «Ал уламоу варасату ал—анбиё»<sup>6</sup>олий маротиби умиди била машаққат тунлари афтода тирсакларин фалокат бўресиға қўйиб, сабр қўлларин шикасталиқ энгагига сутун этиб, заъф димоғин савдо чироғи дуди била мушавваш этиб, жаҳл кўзин амал варақларига йитқан мунтаҳийлар тафҳим ва таълимиға муваффақ бўлур учун сабаб бу бўлғайким, балоғат жавоҳири била мурассаъ луғотларин ва фасоҳат завоҳири била мукалал нукотларин ул маҳбуб оқибат Маҳмуд<sup>7</sup> наъти била музайян ва мужалло қилурларким, улувви даражотдин «Уламоу умматий к-анбиё бани Исроила»<sup>8</sup> таронаси била тараннум тузди ва самувви рифъатдин «фазлу олими алап обиди к—афзалу ало аднокум»<sup>9</sup> фасонаси била такаллум кўргузди.

### Назм:

Лий маъа Оллоҳнинг сарфарози,  
Қоба қавсайн маҳрами рози<sup>10</sup>.

Тахти остида фарши у адно  
Тожи устида дурримо авҳо.

Сочи тобида лайлат ул—меърож  
Шоми меърожи чарх бошиға тож.

Ул шаҳи жин, инс хайли анинг  
Балки кавнайн ўлуб туфайли анинг.

Қайси тил бирла, ё баний уллоҳ,  
Сени таъриф этай мене гумроҳ

Мадҳи зотингда ҳақ дебон лавлок  
Лам якун золика—л—уллувви сивок

Ҳам магар ушбу тавр хийла била,  
Мадҳи зотингни дер васила била.

Айта ҳам олмасам сифотингни,  
Қилғамен зикр тилға отингни.

То нажотимға ул мадад бўлғай,  
Не мададким, улуғ писанд бўлғай.

Ёраб, ул ҳодийи сабул ҳаққи,  
Ёраб, ул хотами расул ҳаққи.

Ким сени зору бебизоатни  
Ўртаған журм ўтиға тоатни.

Этма маҳрум анинг итоатидин  
Қилма навмед анинг шафоатидин.

«Ва саллолоху алайхи ва ало олихит таййибийн ва асҳобух ут—тоҳирийн ва мин тобъихум ажмайн ило явмиддин»<sup>11</sup>.

Аммо ҳамду сано вазойифи ва наъту дуо шароитидин сўнгра жон мазраасин ва кўнгул ҳадиқасин улум талабиға вақф этган вокифлар ҳазратида ва бу мазраа ва ҳадиқа муҳсулин фунун касбида сарф этган сорифлар хизматида маъруз ва марфуъ улким, азали азалдаким, мавжудот раънолари адам шабистонидин вужуд гулистониға жилвасоз бўлмайду эрдилар ва маҳлуқот зеболари йўқлуқ хилватидин борлуқ саҳросида арбада оғоз қилмайду эрдилар.

### Назм:

Адам шомида йўқлуқ хилватида  
Анинг уйқу масти эрди Одам  
Ки, ойини ҳаёти кирмас эрди  
Тушига, бал анга йўқ эрди туш ҳам.

Куннинг хўтани ғаддор сипоҳи туннинг занги шиор черики шабихунидин фориғ ва шомнинг мушкбуй сипоҳ жардалари субҳнинг мўғилжабин чобуксувори турктозидин эмин, на фалак бинафшазориға кавокиб жолалари жилвасоз ва на кавокиб жололариға куёш ўти хароратидин гудоз, на булбулнинг ғунчадек қонлиғ кўнглида гул ишқи хорхоридин асар ва на парвонанинг ўтлуғ жонида шамъ шавқи шароридин хабар.

### Назм:

На кўк эдию на кўк ичра ёр, на ер узра мулк,  
На мулк ичида диёру на ул диёрда ёр.

«Коналлоху ва лам йакун маахушайъан»<sup>12</sup>. Чун Ҳақ субҳоно ва таолонинг хикмати болиға ва қудрат шайиъаси «Аннамо амараху изо ирода шайъан ан йақуллаху кун файакун»<sup>13</sup> ишорати била жамаъ маҳлуқотни ғайб шодирвони кейнидин шаҳодат майдони фазосиға сурди «кунту каназон махфийян фаажабту ан аърафа фа халафат ул ҳаққу» башорати бирла андоғ зоҳир бўлдим, бу мавжудот қобиляти қадига вужуд қисватин солмоқдин мақсуд инсон вужуди эрдиким, «ҳам—марту тийнату одама бийадий ба арбаина сабоҳан»<sup>14</sup> бу маъниға машъардур. «Инна аразно ал—амоната ало—с—самовати валарзи вал жабола фаабайна ан йахмалинаҳо»<sup>15</sup> даъвийға шоҳид, аммо нечукки ваҳҳоблиғи тақозоси бу навъ мавҳибат ва жамолият қилди.

Қаҳҳорлиғи доғи буларнинг акси муқтазо — қаҳр ва жалолият бўлди. Ҳар ойинаким, «Ҳаллақул инсона мин тафовутин»<sup>16</sup> амри лозим келди. Андоғки, Мусо салавотул—лаху алайҳи—р—раҳмон<sup>17</sup> илқидаги куёш ўтрисида фиръавн тийралиғи зухурға келди. Ҳазрати «Муҳаммад арабий салло—л—лоху алайҳи ва—с—саллам»<sup>18</sup> илми айнул ҳаётининг муқобиласида бу жаҳл зулмати жилва ва зухур қилди.

### Рубоий:

Дехкони азалки, тузди бу турфа чаман,  
Қилмади анинг барча наботини ҳасан.

Бир сари агар экти гулу сарву суман  
Ўзга сари тикти хасу хошоку тикан.

Аммо корхона васиъатидин матнуъ халойиқ ғоятсиз ва халқ касиратидин мухталиф фирқа ниҳоятсиз ва фирқ ихтилофидин шунъа мазоҳиб бисёр ва мазоҳиб шунъасидин кабиҳа афъол бешумор, мутасаввар учун ҳикмати илоҳий ва инояти номутаноҳий жаҳолат зулматиға тушган гумроҳлар илайиға ҳидоят шамъин тутуб, туз йўлга раҳнамолиғ қилмоқ учун залолат кудуратида қолғон номасиёҳлар олдиға иноят машъалин ёрутиб, сироти мустақим кўргузмақ учун баъзи масъуд фотиҳалик саодатпайвандлар ва Маҳмуд хотималиқ давлатмандларнинг фархунда фарқлариға нубувват тожин қўюб, шариф эгниларига ҳидоят хилъатин солиб, муборак белларига рисолат камарин боғлаб, бу халойиқ орасида сарафроз ва мўъжизапардоз қилдиким, «Ҳаққи жалли субҳона»<sup>19</sup> адо амрин «Жаннот тажарри мин тахтиҳо л-анҳори»<sup>20</sup> ваъдаси умиди била, навоҳисин «Ано жаално фи аънокуҳум аълолан»<sup>21</sup> вайди бийми била аларға ирсол қилғонлар. Ҳар ким таслим юзин қабул туфроғига қўюб, уларнинг амри наҳйиға иймон келтуруб, тоатлариға амал қилса, «Ан аллазина омину ва амал ус—солиҳоти фа лаҳум адри ғайри мамнунин»<sup>22</sup> ҳидоё ва ниамидин бархўрдор бўлғай ва ҳар ким шайтони васовис ва нафсоний ҳавоҳис ғалабасидин далил тиламакка залил ва бурҳон истамакка алил бўлса, улар кунсдин равшанроқ мўъжиза бобида яди байзо кўргўзгайлар ва ясихус сукут<sup>23</sup> эъжози зухурида ояте бўлғайлар.

### **Б а й т:**

Не оят, не каломки, аҳлу фазлу камол  
Эрур анинг киби бир ҳарфнинг адосида лол.

Андоғки, калимдаи «фаатоу би суратин мин мислиҳи»<sup>24</sup> андин хабар берур ва агар жаҳллари беморлиғи бу навъ шофиъ муолижалари бирла шифо топса ва савдолари муддаоси бу тавр кофий муомалалари била кифоят бўлса, биз-зарура уларнинг қиблаи иқбол ва каъбаи аммолдек рисолатлари даргоҳиға боққайлар ва илтижо илкин нажот халқасиға уруб, мақсуд эшигин қоққайлар. Умидки, «Ман қараи бобан ложжу ва лаж—жу»<sup>25</sup> ҳукми била юзлариға мақсуд эшиги очилғай ва бошлариға мурод гавҳари сочилғай ва ҳар ким хилқат нопоклиғидин ва тийнат иллатноклиғидин бовужуди бу навъ содиқи расул ва сидқи расойил ва мустақими сабил ва рости далоийл рисолат ганжи муҳаррамларининг рози ва нубувват сирри ҳамдамларининг эъжози аҳо саҳбосидин сархушроқ, истибкор ҳавосидин саркашроқ бўлуб, Расул ҳавориқин саҳарға тушурса ва анбиё мўъжизотин иродат бирла шаъбадаға индурса, «Аш шақиййу мин шақиййун фибатни уммийҳу»<sup>26</sup> далили бирла дунёда шақовати муҳаллад ва уқбода азоби муаббад бўлғай «фа улаика ун нори —хум фиҳо холидувна»<sup>27</sup>.

### **Назм:**

Худойки сунъ ошкор айлади  
Ки, йўқдин халойикни бор айлади.

Чу тийнатларин қилди тахмир ўзи  
Ёмон яхшиси доғи тақдир ўзи.

Бу бир гар савоб этти, ул бир табоҳ  
Арода буларға не эркин гуноҳ?



Ким ул бирни ўртар жалолияти.  
Бу бирни севаргай жамолияти.

Киши буйла ногоҳ савол этмайин,  
Саволин муважжаҳ хаёл этмайин.

Ки, сирри илоҳий не билмас киши  
Киши фаҳмидин тош эрур ҳақ иши.

Керак буйла сўзни хифо айламак  
Бу маъни била ихтифо айламак

Ки, тенгрига чун мавж уруб баҳри худ  
Жомеъи халойиқға берди вужуд.

Ғазаб ҳаминон қилди, раҳмат дағи.  
Яратти томуғ, доғи жаннат дағи.

Ғазаб раҳм учмоқ томуғ хилқати  
Қилурдин бу эрди икин ҳикмати.

Ки, қаҳр ила раҳмат ёйиб эл аро  
Тўло айлағай ики меҳмонсаро.

Навоий, сўзунгдин малул ўлди эл  
Узун сўзки қўй, ҳарф бошиға кел.

Ва айзан бо вужуди «Инна оллоҳу ало кулли шайъи муҳит»<sup>28</sup> ки ҳеч зарраи зарротдин ва ҳеч шайъи ашёдин эмаским, Ҳаққи субҳона бир лаҳза, балки бир турфат ул-айни уларнинг сирри алойинасидин воқиф бўлмағай. Иброҳим<sup>29</sup> савот ур-рахмони алайҳининг вужуди гулбуниға ёнар ўтни гулзор, балки гулнор қилди **30** ва Юнус<sup>31</sup> алайҳиссаломнинг зоти гавҳариға дарё қаърин, балки балиқ қурсоғин садаф этти. Намруд<sup>32</sup>нинг дилосо димоғидин жабборлик фосид моддаси дафъиға пашша нишин этитти ва Од қавмининг шамъи жаҳолатин учурғали, балки хирмани ҳаётин совурғали ел хайлин тебратти. Бу навъ адл ва интиком бўлатурғач бовужуди анбиё раҳнамолиғи яна оламнизоми ва халойиқ ороми учун олийжоҳ салотин ва анжумсипоҳ ҳавоқинни оламда қаҳрамон ва халойиқға ҳукмрон этти. «Атийъу оллоҳу ва атийъу-р-Расул ва улуввал-л амри минкум амрий»<sup>33</sup>, била улухият аа нубувват маротибидин сўнгра салтанат мартабасига тартиб берди. Ҳар қайси ўз замони пайғамбарининг дини ривожи ва ўз аҳли насибасининг шаръи тақвиятида сайъи тамом ва эҳтимом мо ло калом кўргузгай ар ва жиҳод камарин ижтиҳод белиға боғлаб, уд шаръ куфраси ва-ул ислом фижраси дафъиға кушеш қилғайлар ва адл суйи била мулк бўстониға нусрат бергайлар ва сиёсат қиличи била кишвар харимидин фитна ва ошуб шахсининг бўйнин юғай, то сойир риоё амну омон маҳодида мураффатул ҳол ва қофай бароё лутфу эхсон ва афтонида фориғулбол бўлғайлар.

### Н а з м:

Алминнату—ллоҳи таборак ва таоло<sup>34</sup>  
Ким биза етишти бу сифат мансаби воло.

Ким, тенгриликка ул холикни парастииш қилурбизким, ҳар замон эли ҳар нениким, тенгри дедилар мисли кунас ва ўт ва бут ва бўзов ва ғайри барча анинг махлукидурлар ва анбиёдин ул наби динидадурурмизким, барча анбиё шариатиға қалам тутмаған илки била Батлон<sup>35</sup> рақами чекти ва китоблариға насх хати тортти. Салотиндин ул султони султоннишон замонида, балки олий остонида қуллуқға машғулмизким,

### Н а з м:

Бари шоҳлар ичра зоти анинг,  
Шаҳаншоҳлар ичра сифоти анинг.

Малоик аро келди руҳ ул—амин  
Расул хайлида саййид ул—мурсалин.

Султониким, «Ассултону залла л—лоҳу фил арзаин»<sup>36</sup> жавоҳири билан манъ, илки ҳумоюнфол чатри ҳошиясин мурассаъ қилди; ҳоқониким, абвоб ул-мулук қиблат ул-ҳожот<sup>37</sup> қошисининг буйла қадр меъмори холи олий даргоҳи китобасин музайян этти; соҳибқиронеки, зафар пайкар ливосини «ана фатаҳно лака фатҳан мубаййанан»<sup>38</sup> гулистонидин эсанг насимдин ўзга нима мутаҳаррик қила олмас; кишваристонеки, фатҳ жавоҳир қиличини ва «йансурука оллоҳу насран азизан»<sup>39</sup> зўрхонасида варзеш тобкон қўлдин ўзга қўл чека билмас; тожи нахшабики, олийқадр тахтин ҳикмати нажжори «аслиҳо собитун ва фаръиҳо фи-с самоъин»<sup>40</sup> шажарасидин таркиб боғлади ва тахтгиреки, ҳумоюн фол тожин сунъ зардўзи ва аш-шамси ва саҳиҳо зар риштаси била тартиб берди: хилофатпаноҳике, «Инни жоилун фил арзи халифату»<sup>41</sup> ойинидурур, анинг шаънида нозил ва адолат шиорике, «адлун соатен йў возию амала сақлайна»<sup>42</sup> муждаидурур, анинг бобида хосил; сипехрқадреким, хутбаи минбарин «Инна оллоҳу йаъмуру бил адли вал эҳсон»<sup>43</sup> ривожи бирла муштарийнинг олти поялиғ минбарига еткурди; анжумсипоҳике, шиккаи ахтарин «ва аммо с-соила фало танхўра»<sup>44</sup> равнақи била савобитнинг тўккуз пардалиқ манзаридин ошурди.

### Н а з м:

Шаҳи шаҳриёрон жаҳон хусрави,  
Фалак рифъати Муштарий партави.

Мамоликда Жамшиди<sup>45</sup> фархундаи,  
Не Жамшид, хуршиди рахшандаи.

Фалак шамъи раъйи мунири анинг,  
Малойик чироғи замири анинг.

Сўзи маҳзани роз ганжинаси,  
Юзи жилваи зот ойинаси.

Жамолида шамс уз-зуҳо жилвагар,  
Ҳадисида руҳ ул-қудсдин асар.

Жабинида анвори шоҳаншаҳи  
Каломида аҳёи рухуллаҳи.

Бийик касриға тўққузунчи фалак  
Ул атласки, ёйғайлар эл фаршдак.

Уруб кунгури муҳрдек тоблар,  
Малак хайлиға турфа меҳроблар.

Фалак боғи жоҳида нилуфаре,  
Бўлуб анда ҳар жола бир ахтаре.

Чу олтин сочиб илки андоғки, барқ  
Ҳаёдин булутлар бўлуб терга ғарқ.

Фавокиҳ чекар тоси нилин қадах  
Куруҳа отар ёси қавси, қузах<sup>46</sup>.

Ҳилол эшики халқасиға нишон,  
Вале анда занжир ўлуб қаққашон.

Магар барқи ком ашҳабидур сипехр  
Анга ойна кўзгуси рахшанда меҳр.

Фалакдин итикрак хироми анинг,  
Қилиб барқни тийра коми анинг.

Эгармакда йўқ чархи даввордек  
Ки, бир нуқта даврида паркордек.

Югурмоқда чунким бўлуб пўясанж  
Назар пайки қолиб, тутуб они ранж.

Боришда не дей сунъидин саргузашт,  
Фалак тавсанидин чиқиб дашт дашт.

Ўзи деу девонаваш пайкари,  
Назарда пари чехра, балки пари.

Бу деу пари узра султон малак,  
Не султонки, алҳақ, Сулаймон<sup>47</sup> малак.

Чу у илкининг баҳри андоғ амиқ  
Ки, юз Ҳотами Тоий<sup>48</sup> анда ғариқ.

Ёруқ раъйининг меҳри андоқ мунир  
Ки, олдида хуршид бир курси фатир.

Фалакқадрларнинг ниёзи анга,  
Фалакдин лақаб шоҳи Ғозий анга.

Дема айни инсонкн, инсони айн  
Ҳам инсону ҳам айну Султон Ҳусайн.

Зиҳи тахти жоҳингга бир поя чарх,  
На пояким ул пояга соя чарх.

Ҳа, эй тожи қадрингга гавҳар қуёш,  
Не гавҳар садафдин муҳаққар қуёш.

Фалак баҳру сен дурри макнун анга,  
Жаҳон лафзидин турфа мазмун анга.

Ало то жаҳон хужра, кўк сакф эрур,  
Улус нақди умри анга вақф эрур.

Танинг хужраси жон қушиға паноҳ  
Тану жонинга воқиф ўлсун илоҳ.

Бу муқаддимотдин сўнгра ҳақойиқ аҳлиға равшан ва дақойиқ ҳайлиға мубарҳан эркинким, ҳаққи субҳона ва таоло бо вужуди улким олам низоми ва бани одам интизоми ва аммадқа дарбанд ва мувоинға ҳожатманд эрмас эрди. Ҳикмати илоҳийким, сирридин ҳеч муҳаққиқ жониға асар ва ҳеч мудаққиқ кўнглига хабар йўқтур, муқтази ул бўлдиким, олам аҳли ва бани одам ҳайлиға олин миқдор хулафо ҳукмрон ва хилофотшиор салотин нофизи фармон бўлғайлар. Буларға худ диёнатлиғ мадаккордин не чора ва кифоятлиғ вазирдин не гузир бўла олғай эрди. Ҳар ойинаким салтанат корхонасидағи маносибдин ҳар мучага лойиқ фаросатойин хушмандларни ва ҳар чаргага мувофиқ киёсат тазйин хирадпайвандларни салтанат умуриға мутааллиқ ишлар кифояти учун сойири носдин танлаб оммаи халойиқдин сечиби, аморот наврўзи била сарафроз ва вазорат зайлучаси узра муомалапардоз қилдилар ва бу амрнинг жузвий ва куллий ишига куллий ва жузвий кишини таъйин эттилар.

То бу фархунда замон ва хужаста давронким, бу жамшеди соҳибқирон салтанат тахтин олдилар ва бу хуршеди жавоҳирфишон олам аҳли бошиға сояи марҳаматин солди — юқорроқ мазкур ва бурунроқ мазкур бўлғондек куллий маносибнинг куллийетидин жузвий умрнинг жузъиётиға деганича мутааммин ва мутакаффил бўлурдек эл вожиб ва лозим бўлди. Чун замоннинг азимушшон содот ва фузалоси ва давроннинг каримулхулк қузот ва уламоси ва теурийнаждо шахзодалар ва «барлосий»<sup>49</sup> ниҳод озодалар ва «арлотий» исмлиқ садрнишинлар ва «тархоний» расмлик айшгузинлар ва «қиёт» насаблик мутааййинлар ва «қўнғирот» ҳасаблик мутамаккинлар ва «уйғурий» сифот бахшилар ва «уйғур» чарғалик яхшилар ва «чўли»лик биёбонида жонсипорли қилғон жондорлар ва бойрилиқ айёмида хизматкорлик қилғон жонсипорлар ва «жалойир» ғавғоси ва «қавчин» алоласи мавжуд эрди ва ҳар мавжудқа бир максуд ва подшоҳона иноят ва ҳар қайсиға бир муносиб мансаб билан сарбаланд ва хусравона тарбият, ҳар бирисини мувофиқ амал шуғлиға пайванд қилдилар.

### **М а с н а в и й:**

Бири сандалини мақом айлади  
Бийик маснад узра хиром айлади.

Бири турк айвонида ости муҳр,  
Бири сорт девонида бости муҳр.

Бири расми бўлди садорат маоб,  
Бири исми бўлди вазорат иёб.

Бири комёб ўлди муҳронадин,  
Бири комжўй ўлди парвонадин.

Бириси кўшун сори чекти рақам  
Бириси туман сори урди алам.

Бири топти доруғалиқ ишратин,  
Бири урди сарҳад сори навбатин.

Қиниқти бири ришвати шум ила,  
Бири иктифо қилди марсум ила.

Агар худ залил эрди, гар аржуманд,  
Бори бўлди ўзкомиға баҳраманд.

Агарчи бу хоксорниинг ота-бобоси ул хазратнинг обо ва аждоди  
хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари  
эрдилар — улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар.

Аммо бу ҳақир ҳеч навъ хизматқа ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч  
гурлук машаққатқа ўз қувватимни англамоғон сабабдин борча таманно эшигин юзумға  
мадрус ва жамъ муддаолар абвобин илайимга масдуд қилиб эрдим. Хаёлим буким, чун  
оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванамо  
ажузасининг вафосизлиғи ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиғи муайян—дур.

Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламни,  
Тажарруд кўпида кўйсам қадамни.

Фано кунжини мужгондин супурсам,  
Ҳамул мужгон сиришкидин сув урсам.

Қилиб маснад қаноат буръёсин,  
Кийиб дебо киби узлат палосин.

Не кўкка, не куёшқа инса бошим,  
Бузуқ уй бўлса — кўк, равзан—куёшим.

Агар нафс этса майли лолау боғ,  
Юзин «нун» нуқтасидин айласам доғ.

Агар кўз қилса мардум ашкини ол,  
Тилаб кофургун юз анбарин хол.

Сувосам они кўрмай деб балосин,  
Гажу оҳақ қилиб оқу қаросин.

Кулоққа бўлса гардон халқ учун фикр  
Эшиттурсам садойи халқаи зикр.

Оғиз шохи шакар истарни билсам,  
Ани мисвок ила хурсанд қилсам.

Димоғим заъфиға ашк этса ҳосил,

Юзум узра фано гардини каҳгил.

Тараб синжобидин тан истаса ком,  
Анга меҳнат қўлида берсам ором.

Аёққа айласам занжир монанд,  
Мусалло даврининг занжирасин банд.

Ҳавоға жисм туфроғин совурсам  
Кўнгул мулкида давлат тахтин урсам.

Гаҳи қилсам тавофи гулшани қудс  
Гаҳи бўлсам муқими равзаи унс.

Халойиқдек тилаб зохир ҳузурин,  
Жаҳоннинг чекмасам жоми ғурурин,

Тутуб ҳар шуғулдин дунёда гўша,  
Муҳайё айласам уқбоға тўша.

Ажал пайки қачонким етса филҳол  
Вадиатни-дегач-топшур. — Десам: — ол.

### **Р у б о и й:**

Сен жон варақида буйла айлаб таҳрир,  
Ул сафҳада бу нақшни айлаб тасвир.  
Тағйир этар эрмиш они килки тақдир,  
Тақдир ишига, рафиқлар не тадбир.

Ким, ногоҳ салтанат гулшанидин иноят насими эса киришти ва хилофот  
боргоҳидин ҳидоят қосиди етишти ва давлат маншурин илгимга берди ва ул маншур  
мазмуни бу эрди:

К—эй фазл жаҳонининг сипехри,  
Йўк, йўкки, ўшул сипехр меҳри.

Табъингға дами бўлур не ворид,  
Юз йил бити олматйин Аторид.

Сен гарчи гуҳар дўкони очтинг,  
Лекин бу гуҳарни элга сочтинг.

Фикринг чаманида кўп раёҳин,  
Лекин бўлуб анда халқ гулчин.

Назминг гулидинки даҳр тўлди,  
Дегилки санга не баҳра бўлди.

Лафзингдин улусқа важду холат,  
Етмай санга баҳра, жуз малолат.

Сен қон ютуб, эл бұлуб қадақаш,  
Элдин санга етмайин дами хуш,

Сен эл бошиға бұлуб гуҳарпош,  
Бир пок гуҳар демайки, шобош.

Эмдики, тараб замони егти,  
Даврондин алам нишони кетти.

Олди кўлумиз жаҳон диёрин,  
Очди кучумиз фалак ҳисорин.

Ой—кунни нақора қилди давлат,  
Чолди бизнинг отимизга навбат.

Оламни бизинг қуёш ёрутти,  
Ҳақ марказида қарор тутти.

Бу дамки, тарабқа қолмади сўз,  
Бахтингға очилди уйкудин кўз.

Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,  
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ.

Чун соқийи давр жоми ишрат  
Тутти, яна чекма заҳри меҳнат.

Тавқий етишгач айла лозим,  
Ким, жон била бўлғасен мулозим.

То лутф тенгизига тушуб мавж,  
Тутқай бори ишинг ул сифат авж.

Ким, ой уза қўйғасеи қадамни,  
Кун лавҳига чеккасен рақамни

Меҳр олтунидин қазо қилиб ҳал  
Ул сафҳани айлағай мужадвал.

Ҳар байтини меҳри гавҳарафшон,  
Анжум била айлағай зарафшон.

Неча бийик айласанг сўзунгни.  
Ондин бийик этгабиз ўзунгни.

Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,  
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.

Чун ҳукмни англадинг дам урма  
Балким дам урарға дағи турма.

Куллуққа кўнгулни чуст боғла,

Хизматқа белингни руст боғла.

Ҳар неча бу сўз демак керакмас,  
Чун ростдурур керак керакмас.

Туштум мане нотавон ароға  
Юз ранжу балоу ибтилоға.

Чун хост бу навъ эди қазо ҳам  
Мен хастаи зори бенаво ҳам.

Кулларға ўзумни ҳамдам эттим,  
Куллуққа белимни маҳкам эттим.

Агарчи дарёға қатра мадакорлиғидин суде ва яди байзоға зарра  
хаводорлиғидин мақсуде мумкин ва мутасаввар эрмас, аммо ул қадар хизматдаким,  
хастаға қувват эрди ва ул миқдор мулозаматдаким, бу шикастаға тенгри тоқат берди,  
жонсипорлик расмин унутмадим ва эҳмол ва тасоҳул раво тутмадим. Чун ниятим  
гулистонида зарқ ва риё хошоки ноёб эрди ва хизматим бўстони сидқ ва сафо саҳобидин  
сероб. Ҳар ойинаким, ҳар соат рўзгорим димоғи ўзга навъ насим файзидин муаттар ва ҳар  
лахза умидим чироғи ўзгача тарбият машъали нуридин мунаавар бўла бошлади то оз  
фурсатда ул хазратнинг ваҳйасарлик сўзи ва илҳом хосиятлик ваъдасидек сўзумга пок  
маоний гавҳари тож ва ўзумга пок гавҳарлик аҳли маоний муҳтож бўлди. Хизматимда  
озодалар иши бандалик изҳори ва  
илайимда сарафрозлар даъби сарафкандалик атвори.

### **Рубоий:**

Иқбол мутиу бахт ёвар бўлди,  
Хуршед раҳию сипеҳр чокар бўлди.  
Олам элидин кимга муқаррар бўлди  
Бу мартабаким, манга муяссар бўлди.

Бу иноятлар муқобиласида хизмате топай деб, дасту по урмоқ мушқил ва  
бедасту полардек боқиб турмоқ андин мушқилроқ.

### **Мисра:**

Мушқиледур ишқдин ҳар дам манга мушқил аро

Бу таҳайюрдин мутафаккир ва бу тафаккурда мутаҳаййир эрдимки, хирад пири  
бадҳоллиғим билди ва хушҳоллик юзидин оғоз қилдиким,

### **М а с н а в и й:**

Навой, не бало андуҳ эрур бу,  
Ўзунгни солмоғинг мундоқ бўлурму?

Ангаким ақлу ҳиммат ёр бўлғай,  
Бу навъ ишлар қачон душвор бўлғай?

Куёшдин тарбият гар топса хоро,



Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Булутдинким, бўлур сероб туфроқ,  
Мулаввай гул берур минойи яфроқ

Кишилиқдин нечук урғай киши дам,  
Бўлуб туфроқ бирла хородин кам.

Шаҳеким, ахтар ўлса дурри тожи,  
Дуо дурриға кўптур эҳтиёжи.

Расулеким, русулнинг сарваридур,  
Сипеҳри офариниш ахтаридур.

Агар сиддиқ бўлди ёри ғори,  
Ҳам ўлди анкабути пардори.

Кулеким, тийра бўлмиш гулхан андин,  
Эрур кўзгу жамоли равшан андин.

Неча изҳор ажзу нотовонлиқ,  
Гумон қилдинг бу ишни нуктадонлиқ.

Қўюб бекорлиқ фарзона бўлгил,  
Илик ур ишгаву мардона бўлгил.

Чун хирад булбули бу наволар тузди ва тавфиқ тўтиси бу нағмалар кўргузди — мен ҳақири нотавон дағи ақл гириҳкушойлиғи ва тавфиқ раҳнамойлиғи била ул ҳазратнинг қуллуғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзумга лозим туттум ва неча навъ ишким, халойиқ дуосиға боис ва ҳолиқ ризосиға сабаб бўла олғай, кошимда муқаррар қилдим. Ва тенгри иноятидин бу ишлар борча муяссар бўлди.

Аввал бу эрдиким, кўнгул кишваридин ул ҳазратнинг ғайрининг хаёлин азл этиб, балки ихрож қилиб, сидқ булутидин сафо ёғини била кишварини ғайр гардидин юб, султон хаёлин бу тахтгоҳда салтанат маснадиға ўлтуртуб, ҳумоюн оти ва рўзафзун алқобиға дуойи хайридин хутба ўқуб ва муҳаббат доғларидин секка музайян қилиб, бу иқлимни анинг султони хаёлиға мусаллам туттум.

### **Р у б о и й:**

Ҳар кимки биров ишқига бўлса дилбанд,  
Жон риштасидин қилса керактур пайванд.  
Гар ғайр хаёли тушса кўнгулга писанд.  
Қилмоқ керак ул кўнгулни юз минг парканд.

Яна ул эрдимким, ул ҳазратнииг давлатидин бовужуди улким, жамин танаъумоти жисмойи ва муродоти нафсонийғаки, дастрасим балки ҳавасим бор эрди, аммо анинг кишвари гулистонининг ҳарими атрофида ва мулки бўстонининг чамани акнофида кўрмас нимадин кўзумни нарғис кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қулоғидек қар ва тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрореким, гул хурдаси масаллик ғунчадек кўнгулдамда амонат топшурди — ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг

қилдим.

### **Рубоий:**

Шаҳ хизматиға бировки бўлғай мойил,  
Кўру кару лангу шал керактур ҳосил.  
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,  
Бу мушқил эрур, барчасидин бу мушқил.

Яна ул эрдиким, ул ҳазратнинг қуллуғин иртиқоб қилурда ҳеч навъ ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас эрди, балки хос тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хотири учун, дағи мусулмонлар, маслаҳати учун эрди. Бу жиҳатдин хирад ҳокими одил ҳукми била ростлик сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фано дориға осиб, инсоф дор ул-қасосида хирс қароқчиси бўйнин қаноат қиличи била уруб, вужуд шаҳрида муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу ниҳолин интиқоъ илиги била қўнғариб, амал мазраида тавакқуъ хирманин фақр ўти била куйдуруб, ул хирман қулларини фано елига совурдим.

### **Рубоий:**

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас:  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.  
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Яна ул эрдиким, агарчи ул ҳазратнинг равшан замири кўзгуси мазҳари тажаллиёти илоҳий ва хумоюн хотирининг қуёши матраҳи, таъйидоти номутаноҳийдур. Пок хаёлидин тақвиятиға содиқ ва соф зиҳни ва шаръи мубин тамшиётиға мувофиқдур. Ғояти риояти ва ниҳояти эҳтиёти бу ҳукмга муқтази бўлдиким, наузу биллоҳки, агар башарият тағофулидин шариф рўзгори ҳавосида зулм булутлари адл қуёши юзин ёпардек бўлса, бу қул зурваи арзға еркургай, то ул булутларни надомат охи сарсари била оламдин чиқорғай ва покиза авқоти шабистонида агар бидъат насими шариат шамъиға зарар еткурғудек бўлса, бу нотавон парвона бўлғай, то ул шамъни муҳофазат ҳуллаларидин фонусқа киюрғай. Бихамдиллаҳки, ул тавр амре ҳодис ва бу навъ ише воқеъ бўлмади, аммо бўлди эрса, дағи ҳукмдин тажовуз қилмадим ва ўзумни арода кўрмайин, ул ишни ароға солдим.

### **Рубоий:**

Тақририм агар яхши эди, йўкса табоҳ,  
Алфозим агар ямон эди, гар дилҳоҳ.  
Арз этмагини чу ҳукм айлаб эди шоҳ  
Шоҳ англамаса, бу хизматим нетгамен, оҳ!

Яна ул эрдиким, мамолик чун ҳаргиз зулм ели мазлум чароғиға мушаввиш бўлмоқдин ва тааддин ўти осойиш хирманиға зарар еткурмақдин холи бўлмайдур. Ҳар золимеким, жабборлиғ тоғида бедодий қоплонининг ҳар ҳолидин бир кўз тикаркем, мазлум фароғати кийигин қайда кўрган ва ҳар чанголидин неча ситам қуллоби муҳайё қилурким, ани нечук сайд қилғай ва ҳар тишидин бир неши захролуд итируркем, анинг жон элтмаги мумкин бўлғай, то ул номурод кийик аъзо ва аҳшосидин нафси аммора сабуиға ком ва сабуият иштиҳосиға ором бергай. Ва бу муқаддима золим била мазлум ҳолидин киноят ва бедодгар била додҳоҳ аҳволидин ҳикоятдурур.

Илигимдан келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интихол мархамин қўйдим. Ва илигимдин келмагани ул ҳазрат арзиға еткурдим. То зулм паланги терисидин кийик суръатлик бодполар ғошиясиға зийнат берди ва мазлум жони кийиги қўзига амният марғзорида қоплон доғлар ўрнига лола доғлари кўргузди.

### **Рубоий:**

Шаҳ адли уйини айлайин деб маъмур,  
Саъй айладим ул қадарким, эрди мақдур.  
Ҳар нечаки тенгридин етар шамъға нур,  
Парвона эрур жони куярдин маъзур.

Яна ул эрдиким, улус аро акобири изомдин сойир авомғача ва сипоҳи аро аморат маснадида базм тузггондин мазаллат капанагида ажз кўргузгонғача ва раоё аро тавонгарлик жўйбор ва даштини сипеҳр мазраасидек кўкортиб, тамавул маҳсулларин ҳосил қилгондин сипеҳрдек икки букилиб хўша термакта оқшомғача, рўзгори кафофиға парвиндек бир овуч дона тергонғача на ясоғлиқ аро бойлиқ марғзори ичра ҳар сурук қўйдин йилда ҳамалдек минг қўзиға қонё бўлмағондии йўксизлик широмларида қўй кутиб, йилда жадйдек, беш ўчку музд олгонни ғанимат билгонғача киши оз топилғайким, бу нотавон била иши тушмамиш бўлғай. Бу ишлар муқобаласида музд тилаб миннат қилмадим, балки муздпарварға миннат дағи туттилар қабул этмадим.

### **Рубоий:**

Элдин манга гарчи ғайри захмат йўқ эди,  
Айб эрмас, агар музд ила миннат йўқ эди.  
Эл бердилар, аммо манга рағбат йўқ эди,  
Шаҳ давлатидин буларға ҳожат йўқ эди.

Яна ул эрдиким, чун ул ҳазрат хукми жиҳатидин ва таклифи сабабидин маош мазраси ёбис қолмасун деб, бирор нима зироатқа иштиғол кўргуздим. Чун ул нигимда қила олғунча шариат жониби маръи ва инсоф тарафи малҳуз эрди, тенгри иноятидин кўп маҳсуллар ҳосил ва ғаниматлар восил бўла киришти. Бу жумладин ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссиқ—совуқ дафъи учун бир турма тўн дағи мунга муносиб емакка қонё бўлуб, қолгоннинг баъзисин ул ҳазратнинг мулозамати маслаҳати учун, келиш—боришға ва навкар ва мутааллақлар улүфасиға ва черик яроғиға сарф қилдим ва баъзини анинг саботи давлати учун дуо, давоми салтанати учун тоат қилур мустаҳиқларғаким, шомдин саҳарғача сипеҳрдек рукуъда ҳам бўлуб, анжум киби тасбиҳ эвурурлар ва тонгдин оқшомғача оламдек яхши—ёмоннинг номулоийимлигин кўруб, куёшдек бир курс била маош ўткарурлар — еткурдум. Ва баъзиниким, жамиъ маунот ва борча таклифотдин ортти, биқои хайр бино қилдим ва бу мазкур жамиъ хайрот ва мубарротнинг ҳасана ва савобини ул ҳазратнинг нисори ва туфайли қилдим ва анинг хужаста авқоти ва хумоюн рўзгориға кечтим ва бу даъво таънисиға қозиял-ҳожот ҳазрати ва қазо ва қадар маҳкамасида анбиёи мурсалин ва малойикаи муқаррабини тонуг туттум.

### **Рубоий:**

Мақсуд чу шоҳи динпапоҳ ўлди манга,  
Уқбо сори ҳар не зоди роҳ ўлди манга,  
Мажмуини қилдим онинг оллига нисор,  
Бу хужжат учун тенгри гувоҳ ўлди манга.

Ва ул биқои хайр жумласидин бири будурким, тарих секиз юз сексон бирдаким, ул ҳазрат кўшки Марғани ёнида бу фақирға саро ва ҳавли ясағали ер иноят қилди ва бу фақир анинг иморатиға машғул бўлдум. Ва алҳақ ул ередур, Ҳирот дор ус-салтанасининг равзаи эрам зийнатлик ва байт ул-харам манзалатлик балдаи фохирасининг шимол ҳаддидаким, Гозургоҳнинг ушоқ тоши лаъли кони ва гавҳари уммонийға танноз ва қаро туфроғи мушки азфар ва таблаи анбарға таънасос тоғе воқеъдур, анинг этагидаким, жанубий ҳадди бўлғай, бу тоғ била маъмураи мазкуранинг мобайнида воқеъдур. Ул ернинг ҳавоси руҳпарварликда жаннат ҳавосидин нишона айтур ва ели ҳаётбахшлиқда фирдавс насимидин намуна кўргўзур. Ва тоғ жонубидин жўйи Наврўзий ўтарким, садоси ғулғуласидин лабташналар қулоғиға муждаи оби ҳаёт таронаси етар ва шаҳр жонибидин Инжил суви оқарким, «айнан тусаммо Салсабил»<sup>50</sup> зулолидек табиат комиға ёқар. Мозий салотиндин ул ерда боғ ясарға аморат сийтни солғон амирзодалар, балки салтанат кўсин чолғон шахзодалар орзу ниҳолин тикиб, мақсуд меваси топилмағон ва таманно гулбунин экиб, қабул гули очилмағондур. Ҳосил бу фақир ул ерда ўтгуз жериб<sup>51</sup> ерни девор тортиб сарой иморат қилиб, боғчасиға ҳар турлуқ ашжор била сафо ва назрат ва ҳар чаманиға ҳар навъ раёҳин била зебу—зийнат бердим ва анинг таърифи мундин ўтмаским, ул ҳазратнинг мавкиби гардунсойи неча қатла ул манзилни ғайрати биҳиштибарин ва мақдами фалақфарсойи неча навбат ул маъманни рашки нигорхонаи Чин қилди. Ва умидим будурким, ҳамиша ул ер бу давлатка сазовор ва мудом бу хоксор ҳам бу иноятка бархўрдор бўлғаймен. Иншоллоҳ таоло.

Ва бу Марғани кўшки бу ҳавли муҳавватасининг ҳадди жануби билан ҳадди ғарбийсининг мобайнида воқеъ эрди ва ул иморате эрди — бурун чоғда тарҳ солғон ва қадимда ясалғон биноси тошдин эрди. Ҳамоноки, ул тошни меҳнат тоғидин ташиб эрдилар ва девори, хом кирпичдин эрди, ул кирпични андуҳ туфроғи ва ҳасрат сувидин қуюб эрдилар, тархи икки ошом эрди: қуйиғи ошоми тийраликдин фироқ шоми ва анда нуҳусат бумлари била зулмат хуффошларининг ороми, юқориғи ошоми бузуғлуғдин фироқ аҳли кўнгли эви дин нишони ва анда навмидлик чўғзлари билан мотамий либос кабутарлар ошени.

Йиқиб айвонини сайли залолат,  
Ёкиб деворидин гарди малолат

Қоронғу сахни андоқ шоми дайжур  
Ки, хуршед анда кирса топмағай нур.

Бўлуб мутаворилар ороми анда  
Фужуру фисқ аҳли коми анда.

Кўнгулга келди буқим, гар берур даст,  
Ани қилмоқ керак туфроқ уза паст.

Биное тарҳ қилмоққим ҳамиша,  
Эл этгай шаҳ дуосин анда пеша.

Чун бу муважжаҳ ҳаёт кўнгулда устувор бўлди ва бу мақбул андиша хотирда қарор тутти, ул бинойи дайрпайвандни ҳамвор қилиб, ўрнида мадраса бино қилилди ва ул асоси калисо монандни бузуб, ерида масжиде солилди.

Шаҳ давлатидин итти бу дайру калисо  
Ўрнида бўлди мадрасау масжиде бино.

Ва мадрасадин киргач масжид анинг ҳадди ғарбики, қибла сори бўлғай, воқе бўлди. Ва хушхон имом ва хушовоз муқри муқаррар бўлдим, салоти хамсани маҳалла аҳли билан қоим тутуб, ул ҳазрат дуосига машғул бўлғайлар. Ва мадрасанинг тўридаким, ҳадди шимолийдур, гунбазе ясалдиким, сураи Қуръоний ва оёти фурқоний адосида қироат гулшанининг Исавий нафас андалиби хуш илҳонлари ва тажвид равзасининг Довудий нағма фоҳтан ширин адолари ҳар кун ҳазрати рисолатпаноҳ мутаҳҳар руҳонияти учун бир си пора калом ўқуб, ул ҳазрат дуоси бирла хатм қилғайлар. Ва гунбазни «Дор ул— хуффоз» дейилди. Ва мадрасанинг шарқий ва ғарбий суффасида икки мударриским, бириси фикҳ усули ва фуруи ва бириси ҳадис фурува усули<sup>52</sup> айтқойлар ва ҳар дарс ҳалқасида ўн бир толиби илмким, муваззаф бўлғайлар — таъйин қилилди. Ва бу мадрасағаким, хулуси ихлосдин ясалди — «Ихлосия» от кўюлди. Ва бу «Ихлосия» мадрасаси жанубий ҳаддининг тошидинким, Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг жанубий ҳаддиким, қироғи бўлғон шорий омдурким, ул ҳазрат бино қилғон мадрасадинким, ҳар тоқи улви рифъатдин сипехри муқарнас равоқиға кунгира еткурубтур ва ҳар гунбазни сумузи манзилатди фалакнинг кўк гунбазидан бош ўткарибтур, ҳар мударриси қошида Муштариёким, олтинчи айвон донишмандидур — омий ва нодон ва ҳар толиби илми олинди Аторидким, иккинчи суффа мустаиддидур — тифли абжадхон, ходимлари суффрасида ой гирдаси ва қуёш курси икки фатир ва таббохлари тахтасида қаҳқашон шакли ун сепган бир зувла хамир.

### **Р у б о и й:**

Бу букъаки то биноси бунёд ўлди,  
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди.  
Дарвешу ғани неъматидин шод ўлди,  
Бу важҳдин оти Неъматобод ўлди.

Бу шории ом бу Неъматобод жонибидин келиб, кўпрак йўл Инжил ариғи ёқаси била Маҳди улё ва Билқиси узмо Гавҳаршод оғо «наввараллоҳи марақадҳа»<sup>53</sup> мадрасаси сориким, кошиси гиреҳқорлиғидин ақл меъмори ҳайрон ва шамсаси зарнигорлиғидин хирад муҳандиси саргардондур — борур.

Ва бу «Ихлосия» мадрасаси муқобаласидаким, мазкур бўлғон шориёнинг жанубий ҳадди бўлғай хонақоҳе бино қилилдиким, ул Ҳазратнинг давлати давоми ва салтанати саботи учун қуйроқ маршрут бўлғон дастур била ҳар кун фуқаро масокинға таом бергайлар ва ҳар йил эҳтиёж аҳлиға кийгулук еткуруғайлар. Ва бу хонақоҳ тўридаким, ҳам жанубий тарафи бўлғай — гунбазе бино қилилдиким, чун бу маҳалла ул Ҳазрат давлатидин маъмур ва эли дағи қалин ва масрур бўлубтурлар ва бу жамоат била масжиди жомеълар орасида жузвий масофате бор. Қишда баъзи совуқ ва балчиғ узри била ва ёзда баъзи гард ва иссиғ бахонаси била «Йа айюҳа-л-лазина оману иза нудийа ли-с-салавати мин йавми-л-жумъати фасъу ила зикри-л-лоҳи ва зару албайъ»<sup>54</sup> амридин ғофил ва анинг савобидин отил эрдилар, муқаррар қилдимким, ул хонақоҳ билагун базда жумъа намози қилғайлар, шояд ул жамоат ҳар навъ номасмуъ узр била ул давлатдин маҳрум ва бу саодатдин бебахра қолмағайлар, Дағи хатиб ва муқри ва имом ва улча бу амрда заруратдур — муайян бўлди.

Ва «Ихлосия» мадрасаси ўтрисида бу хонақоҳғаким, иморати ҳар навъ риё ва ғашдин холи эрди ва хотирға кўп тараддудин халос берди: «Халосия» от кўйдум «Ла халаса илла бил ихлоси»<sup>55</sup>.

Ҳирот дорус-салтанасида ва теграсида ҳарне мустағал ва дақокин ва боғ ва ер ва коризким, ул Ҳазрат обони давлатида бу фақирнинг мулки эрди ва аларнинг байъ ва ширисида шаръ қаюидин кўп маръий тутулуб эрди ва баҳоларидин бир дирам мавкуф

қолмайдура эди. Андоққим, бу маъниға айммай ислом, балки хавос ва авомдин кўпи воқифдурлар ва бу бобда тахсинлар қилиб, инсофлар берурлар ва муддатлар бу фақирнинг тасарруф қабзасида ва тамаллуқи илгида эрди — бу биқоъға вақфи саҳиҳи шаръий қилдимқим, бу икки букъанинг иморати ва саканасининг вазойифи била борча маунати андин ҳосил бўлиб, шарт қилғон дастур била сарф бўлғай.

Яна ул Ҳазратнинг фалак мартаба даргоҳида ва сипеҳр манзалаат боргоҳида арзадоштим будурқим, тириклик бўстонидинқим, адно нилуфарин сипеҳри ахзар била тенг тутса бўлмас ва ҳаёт гулистонидинқим жузвий сариғ гулин хуршеди ховарға ўхшатса бўлмас. Ғараз йигитлик чаманининг гулбуни хужастаси ва мақсуд шабоб гулбунининг тоза гулдастасидур. Биҳамдиллоҳ вал-миннақи, менинг бу ҳаётим гулбунининг гуллари ул Ҳазратнинг хизмати баҳорида очилди ва йигитлигим ашжорининг шукуфалари дағи ул Ҳазрат мулозамати ҳавосида сочилди ва ул гуллардин кўп мақсудлар навбоваси ҳаётим комин баҳраманд этти.

Эмдиқим, ҳаётим гулшанининг баҳор хазонға етишти ва гулшанда очилғон йигитлик гуллари тўқула киришти. Сабзаси табиат ҳавоси бурудатидин оқарди ва лоласи кухулат совуғ нафасларидин сарғарди, сунбули сероби марғулаларидин тоб кетти ва ниҳоли сарбаланди, ажал сарсаридин фано туфроғига йиқилурға етти. Ул Ҳазратнииг муаббад давлатидин ва рафеъ ҳимматидин кўнглумга кечмаган комларға комгор бўлубмен ва тушумга кирмаган мақосидға иқтидор топибмен. Икки орзу риштасидин ўзгақим, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади, икки мурод гунчасидин ўзгақим, тугуни жоним гулшанидин очилмади.

Аммо умидим улдурқим, бу икки умидим мевасидин дағи баруманд ва муродим будурқим, бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд бўлғаймен ва бу орзумандлиғ хорхорининг тикани кўнглумда синмағай ва бу мурод гавҳарининг ёғинин катрадек туфрокқа элтмағаймен.

Бириси будурқим, чун кишига абадий давлат ва сармади саодат ва ҳаёт чашмасининг навиди ва нажот манзилининг умиди исломнинг беш сутунлуқ зотулумодиға кирмагунча мумкин эрмас ва бу хамс-ул-муборак панжасига илик урмоғунча ҳеч иш натижа бермас. Аввал ул калимаи тавҳиддур. Шукрқим они алифдек жоним орасида нақш этибмен. Иккинчи салавати хамсадур. Биҳамдиллоҳқим, они найдек зеҳн аро сабт қилибмен. Учунчи рамазоннинг ўруз кунининг рўзасидур. Шукруллоҳқим, они ломдек қалбимда ёшурубмен. Тўртинчи закотдур. Жоним нақди ул тенгрига закотқим, кўнглумга насабқа еткунча мол захира қилмағаймен, солмади ва насабқа етган мол закотин айирғунча илқимда қолмади. Бешинчи Ҳаждурур ва ул бай узри муяссар бўлмайин ҳамоноқи, ислом шахси бир кишиға ўхшарқим, онда хос хамсадин тўрти бору бас. Муқаррардурқим, бешаласи — хосқим бўлмаса муважжаб нуқсонини бўлур ва бу мазкур бўлғон икки орзудин бири муборак сафардурқим<sup>56</sup>, исломим шахси беш ҳисдин бирининг ўксуклуги жиҳатидин ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим панжаси бир бармоқ йўқлиғидин маълул қолмағай.

Ул саодатойин қофилақим, ул бодия сориқим, шоҳроҳи жўйборида сароб ҳайъати чашмай ҳаёт зулоли ва ул зулол атрофида ҳар муғайлон бутаси гулшани нажот ниҳолидур, азимат қилса, агар қофиласолорлик чатри соясида ер топмасам, ер юзида соя киби жисм банди ўзлук қайдидин қутулиб, ул қофилани эришсам ва агар мирҳожлик маҳмили ҳарамида ҳукмрон бўла олмасам, жарасдек чок кўксумда изтироблик кўнглумдин фиғон тортиб, ул маҳмил туфайли мақсадқа етишсам.

Мениқим, бу савдо низор айлади,  
Ҳавас илгида беқарор айлади,

Не имқонқи, топқай қарору сукун,  
Бировқим, бу фикр этгай они забун.

Урармен кадам токи борғунча гом  
Ки, бўлғай муяссар менга ушбу ком.

Агар бўлса бу йўлда умрум талаф  
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.

Ва агар бўлсам ўз комима баҳраманд  
Зихи мулки жовиду бахти баланд.

Ва бу муқаддимотдин ғараз буким, ул сидраи сипехртимсол даврида суҳокирдор ва ул куббаи хуршедминвол даврида зарравор эврулурда фироқ занжирида иштиёқ силсиласида ҳалқа бўлғон қадимни туз этиб, ул мақсуд эшиги ҳалқасиға илгимни куллоб қилиб, ул Ҳазратнинг қиблаи иқбол ва қаъбаи омолодек даргоҳининг сабот ва давоми учун дуо қилгаймен.

Ва иккинчи муродим улким, ул ҳазратнинг ғоятсиз иноятлари ва ниҳоятсиз шафқатлари муқобаласида юқори мазкур ва садрда мастур бўлғон хизматлардин бу фақири шикаста ва бу ҳақири дилхастаға муносиброқ хизмат ул эрдиким, зубдаи авқотим ва хулосаи ҳаётимни ул Ҳазратнинг мадҳи зоти ва таърифи сифотида сарф қилсам эрди ва ул бобда ғарро қасидалар ва рангин ғазаллар ва матбуъ маснавийлар ва маснуъ иншолар, балки ҳар навъ назм ва насрдин китоблар тасниф қилсам эрди ва мужалладлар тартиб берсам эрди, то ул ҳазратнинг фархунда оти бу васила била кўп йиллар рўзгор саҳифасида мазкур ва ҳумоюн зоти бу восита била кўп қарилар рўзгор аҳли тилида мазкур бўлса эрди.

Аммо бу жиҳатдинким, ул Ҳазратнинг баски илтифоти саҳобидин эҳтимом ёмғури бу хоксор рўзгориға нозил ва эҳтимоми бўстонидин илтифот шамоли бу бенаво ҳолиға шомилдур — элнинг тараддуди ва улус ихтилоти, арзол тамаллуқи ва ашроф инбисоти ва хавос икромии ва авом ғавғоси, золим иброми ва мазлум алоласи, раоё ғулуси ва ясоғлиғ ёруғуси, тамаъ аҳлининг ноҳамвор мулоямати ва талаб хайлининг ноҳанжор мулозамати, жуҳҳол ситамидин шеvasи азо бўлғонларнинг сўгворлиғи ва аммол қаламидин рўзгори қаро бўлғонларнинг беқарорлиғи, бурчлуқ азобиға қолғонларнинг йўлум бошида турмоғлиғи ва фарзандин гарав қўйғонларнинг этагимга илик урмоғлиғи ва ифлосойин талабанинг арзадошти ва рукъаси ва фалокатшиор шуаронинг қасида ва китъаси, вилоятдин келган дармондалар ҳолиннинг тафтиши ва аларни ризолари била узатмоқнинг ташвиши, сарҳад беклари элчиси таклифининг захмати ва аларни дилхоҳлари била қайтармоқнинг меҳнати, ўзга мамлакатдин оз ва орзу ҳамиёнин тикиб, тамаъ хорлиғин ўзларига тутуб келган азизлар ибтилоси ва аларнинг мухталиф муддаоси била эъзоз қилиб, номақдур матлублари била ватанлариға юбормакнинг балоси, озодларнинг инжуликка кирмак тамаъидин ташниъи ва бандаларнинг озодликқа чиқар умидидин таваққун, туш кўруб кечган машойих эълومин келтурганлар муболағаси, йироқ ердин ўтган авлиё саломин етқурганлар музояқаси, тўкқуз хилол таклиф била бергонларнинг тамаъ тишин беркитғони, болчиғ тасбиҳ зўри била ўтқарганларнинг талаб риштасин узотқони, солим жисмин хасталикка солиб, шарбах важҳи тилагонлар зарқсозлиғи, тирик кишисин ўлукдек ётқузуб, кафан баҳоси олғонларнинг ҳийлапардозлиғи, вақфийлар бедодидин ғариб талабанинг рукъа тиламаги, амал аҳли фасодидин заиф раоёнинг сипориш истамаги ва мажлисда ҳамсуҳбатлиғимға тааний кўргузгонларнинг гаранжонлиғи ва сайрда ҳамзонулуғимға таҳаттук зоҳир этканларнинг сабук инонлиғи, Мадинадин келиббиз деб, иқомат юкин уюмда тушурганлар зиёфати, Маккага борурбиз деб, таваққуъ маркабин эшигимға сурганлар риояти, бу хайлнинг муддаосидин жузвий ўксук муяссар бўлса, норози бориб, гила қилғонларнинг ҳайрати ва муддаолари тамом ҳосил бўлғонларнинг бу риоятни вазифа қилиб яна келмакларининг фикрати, яна дағи машаққатлар борким, айтилса сўз риштаси узолғай ва мужиби карҳ ва малолат бўлғайким, бу нотавон бу ҳолат вуқуидин сунъ фаррошлари субҳнинг сиймин супургиси била гунбази ложувардий атрофи тун дудасидин қарорғонни супуриб, қазо наққошлари ул ложувард

юзин заркорлик қилиб қуёш жамшеди ул гунбазда зарнигор тахт уза базм тузган чоғдин шом кашмирининг сиёҳ жардаларининг анбарин зулфин насими шабгир парешон қилиб, анинг ройиҳасидин тун зангисининг савдойи димоғи мушавваш бўлиб, девоналардек фалак оташкадасининг кулин оламға совуриб, сунъ ҳакими ани қаҳқашон занжирига тортар маҳалға дегинча бу шикастанинг тийра рўзгорлиғим ва паришонлиғим кашмирий сохир кўзлукларнинг насими шабгир совурғон зулфидин афзунроқ ва изтироб ва бечоралиғим париваш тифллар шўхлиғидин занжири жунун асири бўлуб, гулхан ўтиға йиқилғон девонадин кўпракдурур — бир мажруҳменким, бовужудким, урьён жисмимға захролуд нешлик чибин хужуми бўлғой, қоварға илик дағи тебрата олмағаймен ва бир урьёнменким, бовужуди улким, мажруҳ танимға жунун арзолининг муҳлик тоши ёққай, қочорға кадам дағи кўтара олмағаймен. Агар булажоб ҳолимдин шаммаи изҳор қилсам, ул Ҳазратнинг нозук мизожиға мужиби ғам ва муборак хотириға боиси алам бўлғай.

Туганмас субҳи йўқ шоми ғамим шарҳин савод айлаб,  
Варақ афлок ўлуб, ул тун қаросин - ўқ мидод айлаб.

Киши бу навъ ғамноклик била не нишотомез алфозға рабт бергай ва бу паришонлик била не маоний гавҳари жамъ қилғай. Аммо умидим борким, ул Ҳазрат давлатидин онча фароғат даст бергайким, кечган ҳаётим бақиясин ва ўтган авқотим татиммасин бир ишга сарф қилғайменким, жаҳон интиҳосиғача ул Ҳазратнинг зикри хайри бодасидин улус хушҳол ва яна жаҳон ибтидосиғача анинг авсофи ҳамидаси оби ҳаётидин халойиқ коми молломол бўлғай.

Сўз мутававал ва мақсуд муаттал бўлди. Авло улким, ҳам дуо сори ружуъ ва Вақфиянинг такмилиға шуру қилилғай.

## **Р у б о и й:**

То сокин эрур даҳру фалак мустаъжил,  
Сурсун икисига ҳукм шоҳи одил.  
Андин манга бу мурод бўлсун ҳосил,  
Мендин анга бу бандалиғ ўлсун восил.

Омин, ё раббил оламин!

Муқаддимот туганди ва келди маҳдудот: вақф қилғон маҳдудларким, шаҳр ва тавобиндадур, мужмалан мазкур бўлур ва тафсили форси вақфиялардаким, мукаррар айтилибдур ва қузот сижиллоти била мусажжал ва сойир халойиқ подшоҳдин гадоға дегинча элнинг муҳр ва тонуғлиғи била мукаммал бўлубтур ва коффаи аном ҳузурида кофаға ҳукм топибтур, мазкур ва мабсут воқеъдур, эҳтиёт вақти андин кўруб маълум қилғайлар: бу мужмалдин улча маълум бўлур ижмол тарийқи биладур.

Ва ул маҳдудотдин аввал маҳдудедурким, шаҳрда Малик бозори ичинда шарқий ҳаддида машҳур тоқияфурушлар тимигадур ва иморати икки ошомдур ва бозор сори икки дарбанди бор ва ҳар дарбандида бир дарвоза бир айвон мавжуддир. Ва бу тим муттасили жанубий ҳаддида беш дўкон бир-бирига муттасил. Яна бир дўконким, Хуми обға машҳурдур, тимнинг шарқий ҳаддида ва бир намадфурушлук дўкони болохонаси била ҳам бозорнинг ғарбисиди ва бир пўстинфурушлик дўкони ҳам бор, бозорнинг ғарбисиди болохонаси била. Яна бир тимча ва тўрт дўкон бир-бирига муттасил. Ироқ дарвозаси тошида Аликабек ҳаммомиға ўтру. Яна бир тимча амаласи Малик дарвозаси тошида икки ошом иморат ва секиз дўкон тимчаға тутош. Яна бир тимча ва икки дўкон бир-бирига муттасил Мусаррихнинг Кухундузида. Яна икки дўкон амаласи



Боғи Зоғон кўчасида вокеъдур.

Ва маҳдудотким, шаҳр тавобиъидадур — Олинжон булукида Фаррошон мавзида йигирми беш жериб боғ, йигирми уч жериб бир—бирига муттасил, яна бир қатъа боғ била ер ўн секиз жерибким, андин икки ярим жериб узум боғи Осиёи Бодға машҳурдур ва бир қитъа ер тўртжериб ва бир нима Инжил булукидин Боғи Мурғонда тўрт жериб, Сиёвушондин Хожа Шиҳоб маҳалласида боғот ва юз жериб, Сабғур булукида Сабада Равон кентида икки қитъа узум боғи ҳам бир—бирига тутош ўн икки жериб, яна бир боғ тўрт жериб, Сифлий маҳалласида неча боғот олтмиш жериб тахминан, яна мазкур маҳаллада йигирми олти жериб узум боғи ва тўрт жериб ер ила бир қитъа ўн секкиз жериб ер дағи ўн икки жериб боғ, яна қитъа ўн тўккуз жериб, яна бир дафъа боғ била ер тутош ўн жериб, яна бир қитъа ток тўрт жериб яна боғот била ер рақбаси дафаот билаким, бир—бирига тутошдур, етмиш тўрт жерибким, андин ўттиз тўрт жериби узум токи ва ўзгаси ер бўлғай, яна бир қитъа ер ва ток тутош беш ярим жериб, яна бир боғ бир жериб ва донге яна бир боғ тўрт жериб, яна бир қитъа ер бир жерибу чаҳордонг, яна бир қитъа боғ секиз жериб, яна бир қитъа ер уч жериб, яна неча қитъа ер бир—бирига тутош ўн икки жериб, яна бир қитъа ер тўрт жериб, яна бир қитъа ер беш жериб, яна бир қитъа боғ икки ярим жериб, яна икки қитъа боғ ва ер тутош секиз жериб, яна бир қитъа боғ тўрт жериб, яна неча қитъа ер тутош ўн тўрт жериб, яна бир неча қитъа ер бир жерибу чаҳордонг яна бир қитъа ер йигирми тўрт жериб, яна бир қитъа ер бир ярим жериб.

Ва Бодғис вилоятида Тудаги коризи тамом ва камол била ва Гумбурак булукида Парагач коризи ва мукамал ва Ҳиротруд вилоятида Гул кенти жамиъ боғот ва дарахтон ва сарой боғча сойир арозиси била.

Бу жамиъ маҳдудотким, худуди Вақфияларда мукаррар мазкур бўлубтур дағи бу авроқта мужмал битилди, юқори мазкур бўлгон бикъоъга вақфи саҳиҳи шаръий қилилди.

Арбоби вазоиф — икки олими муттакий мударрис бўлғай: ҳар бирининг йиллик вазифаси минг икки юз олтун нақда, йигирми тўрт юк ошлиғким, сулси арпа, сулсони буғдой бўлғай. Ҳар ҳалқаи дарсда ўн бир толиби илмким бориси йигирми икки бўлғай, олти аъло; ҳар бирига ойлик нақда йигирми тўрт олтун, йилда буғдой беш юк; васат — секиз; ойлиғ ҳар бирига нақда ўн олти олтун, буғдой йиллик тўрт юк; адно — секиз: ойлиғ ҳар бирига нақда ўн икки олтун, ошлиғ йиллик уч юк.

Олти хушхон ҳофиздин мусаддирға йиллик нақда беш юз олтун, муносафа ошлиғ ўн бош юк; сойирдин ҳар бирига йиллик нақда юз сексон олтун, буғдой тўрт юк. Шайхқа йиллик нақда минг олтун, муносафа ошлиғ ўн юк. Воизға йиллик нақда беш юз олтун, буғдой ўн юк. Имомға, масжиди жомеъда хатиб бўлуб, мактаб дағи тутғай, йиллик нақда икки юз олтун, буғдой ўн юк. Муқриға йиллик нақда юз олтун, буғдой беш юк. Хонақоҳ таббохининг йиллиғи нақда икки юз сексон олтун, буғдой беш юк. Табақчиға йиллик нақда икки юз олтун, буғдой беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдин ҳар бирига икки юз олтундин олти юз олтун, буғдой беш юкдин ўн беш юк.

Мутавалликим, икки ободон навқар асрағай, вилоёт зироати насақи учун, йиллик нақда уч минг олтун, ошлиғ ўттуз юкким, бу маблағ ва миқдордин чаҳор донгини ўзи олғай, ду донгин ул икковга етқурғай. Мушрифқа йиллик нақда беш юз олтун, ошлик беш юк, соҳиб жаъмға йиллик нақда беш юз олтун, ошлиғ беш юк

Равотиб<sup>57</sup> — рўза ойида ҳар кеча ўн беш ботмон буғдой, беш ботмон полудаи душобдин ё мавизобдин ўттуз табақ, масолик — улча эҳтиёж бўлғай. Рўза ийдида ўтмақ юз ботмон, ҳалво эллик ботмон. Қурбон ийди аввал кун ўй бир сон, қўй беш сон қурбон қилиб, мадраса ва хонақоҳнинг фуқаро ва масокин ва сойир сук қониға улашғайлар. Иккинчи куни йигирми ботмон эт била йигирми ботмон буғдойни ҳалим қилиб, эллик ботмон ўтмақ била қисмат қилғайлар. Раби ул—аввал ойи—нинг ўн иккисидаким Расул хатмидур, беш қўй масолиҳи била ош пишуруб, эллик ботмон ўтмақ била йигирми ботмон ҳалво тортқайлар. Ражаб ойининг ўртаси — истифтоҳ куни йигирми ботмон ҳалво, эллик ботмон ўтмақ; шаъбон ойининг ўртасидаким, барот бўлғай, чалпак

Ўттуз ботмон, ҳалво йигирми ботмон, қишнинг тўрт ойидаким, қавс ва жади ва далв ва хут бўлғай, ҳар куни ўтмак юз ададким, йигирми ботмон уч тангалик эт билан муруттаб қилғайлар ва агар эт топилмаса жижиғлиғ ош пишуриб, фуқароға берғайлар. Яна секиз ой ҳар кун йигирми ботмон ўтмак фуқароға улашғайлар.

Шароит — аввал шарт андоқ қилилдиким, мутавалли ҳар йил юз пўстин, юз капанак, юз бўрқ, юз кафш, юз кўнглак, юз тунбон сотқун олғай, дағи ҳар қайсини муносиб мавсимда икки Мударрис иттифоқи била мустаҳиқларға ҳар қайсиға истиҳқоқиға кўра улашғай. Ва ҳар йил тўрт юз олтун хонақоҳ ва гумбаз дағи мадраса ва масжид ва Дор ул-хуффоз фарши учун кийиз била буръё ва ёруғлуғ учун харж қилғай ва ҳар неким, хонақоҳ ва матбахи учун дастурхон ва қозон ва аёқ ва табақ ва пиёла ва қошуқ ва ғайри золика керак бўлса тартиб қилиб берғай. Ва ходим ва фаррошлар ҳар кеча мадраса масжидидаги долонида, дағи «Дор ул—хуффоз»да, дағи хонақоҳнинг гунбазида ва дахлезларида шамъ ёндурғайлар.

Яна шарт улким, мадраса маволиси мадрасада байтутат қилғайларким, агар ўзга ерда сокин бўлуб, дарс чоғи ҳозир бўлмасалар, муқаррар қилғон вазифанинг нисфин олғайлар ва бу мадраса ва хонақоҳнинг мударрисдин ё талаба ва мутавалли ва шайх хуффоз ва сойир амаласидин номашруъ амре содир бўлса, икки қатлағача шаръан ҳар мувоҳазаға муставжиб бўлсалар, анга кўра таъзир ва ихтисоб қилсунлар. Уч қатла вужуд тутқондин сўнгра ихрож қилсунлар, дағи ўрниға яна киши насб қилсунлар.

Яна шарт улким, қор оритурда муқри ва ходимлар ва фаррошлар ва табақчилар борча бир—бирига мадад бўлуб, оритқайлар. Ва ариқ оритурдаким, болчиғ била қумни ариғ ёқасига йиғарлар — мутавалли муздур тутиб кўтарғай.

Мадраса ва хонақоҳ орасидаким, тош солибдурлар — қачон бузулурдек бўлса, йилдин—йилға мараммат қилсунким, мусулмонларға ўтар — борур душвор бўлмағай. Яна шарт улким, ҳар ўттуз йилда мутавалли «Вақфия»ни муқаррар янги битган ва асл била муқобила қилғондин сўнгра қузот сижиллот била муқобала қилғай то айём мурури била чурумағай. Яна шарт улким, ҳеч замонда садр гумашталари ва мутаваллиллар бу саркорда мадхал қилмағайлар. Модомики, шарти воқиф била мувофиқ амал қилғайлар — бу саркор амаласидин жамъ ва харж нухаси тиламағайлар ва ҳеч навъ нима алардин олмағайларким, аларға ҳалол ва мувоҳ эмас.

Чун бу фақир мазкур бўлғон маҳдудотни вақф эркониға иқроқ қилиб, бир киши тасарруфиғаким, ўз қибалимдин мутавалли қилиб эрдим — қўйдим. Қузоти изом мувоҳаза шаръи зимнида вақфият ҳукми қилиб, бу маҳдудотни ўз сижиллоти била мувашшаҳ ва ўз тавқиоти била муваззаҳ қилиб, бу биқоъға мухаллад ва муаббад вақф бўлғонини муқаррар ва муайян қилдилар.

### **Рубоий:**

Олам ишидин мени маълул эт, ё раб,  
Фақр эмгаги тортарға ҳамул эт, ё раб.  
Бу ишки, сенинг ризонг учун қилмишмен,  
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё раб.

### **Рубоий:**

Юз шукрки, буқъалар мукаммал бўлди,  
Вақфи бу ҳудудким, муфассал бўлди.  
Секкиз юз эдию сексон олти таърих 58.  
Вақфияси ул кунки, мусажжал бўлди.

### **Рубоий:**

«Вақфня»жи тортилди бaсе заҳмат анга,  
То бўлди шаройит хатидин зийнат анга.  
Машрут ила ким килса амал раҳмат анга,  
Улким, мунга тағйир берур, лаънат анга.

### **Рубоий:**

Бу қоидани кимки тузар, бор бўлсун,  
Тенгри бори ҳолатда анга ёр ўлсун.  
Ким бузса, бузуклукқа сазовор ўлсун.  
Ҳақ лаънату қаҳриға гирифтор ўлсун.  
**Омин, ё раббил оламин.**

## **ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАР**

### **«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ**

Асар Навоийнинг умри охирида — 1500 йилда ёзилган. Ўзбек насрининг ғоят гўзал намунасидир. Навоий бадий тафаккурининг, ҳулосаси, ҳаётий мушоҳадаларининг якунидир. Асарда муаллиф ўзигача бўлган форсий насрнинг энг илғор анъаналарини ривожлантирган, қатор масалаларни ўз даври ижтимоий—сиёсий воқеъликни, ҳоким мафкура билан боғлаб, янгича талқин қилган. Асардаги инсонни улуглаш, баркамол кўриш, унинг бош хатини, ҳажвий портретлар, қайдлар — фош қилувчи қудратини, рад этишлик мантиқи — исёнкорлик руҳини, ахлоқий — этик ҳикмат — дидактик йўналишини, баёндаги фикр теранлиги, тилнинг гўзаллиги, пухталиқ, мухтасарлик, услубий жиловлар, шеърӣ парчаларнинг келтирилиши — юксак бадииятини белгилайди.

Муқаддимада, Навоийнинг эътироф қилишича, бу асар замондошлари ва авлодларга ўрнатқ бўлиши, яхшилик ва ёмонликни англашда, гўзалликни ардоқлаш ва эзгуликларга интилиш, чиркин хислатлар ва ёвузликлардан асранишда дастур ул—амал бўлишлигини назарда тутлади.

Одоби тасниф анъанасига кўра асар Оллоҳ ҳамди билан бошланган. Унинг ёлғизлиги, азамати, ниёзмандлиги, қодирлиги ва ҳ. к. мадҳ этилади.

Муҳаммад пайғамбар (алайҳисаллом)нинг мадҳи наът қисмида берилади. Шундан сўнг Навоий ўзи ҳақида, ҳаёти, фаолияти қандай кечганлигини нималардан хурсанд, нималардан ранжиб яшагани қаламга олинади. Асарнинг ёзишдан кўзлаган мақсади ва унинг мундарижаси баён этилади. Навоий «умид улки, ўқиғувчилар диққат ва эътибор кўзи билан назар солғайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига кўра баҳра олғайлар, битувчига ҳам бир дуо била баҳра етқургайлар ва руҳини ул дуо била суюндурғанлар, — деб муқаддимани яқунлайди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг аввалги ноширлари давр сиёсати ва ундаги ҳукмрон мафкура тазйиқи билан матнни қисқартириб тайёрлаган эди. Бу нашр эътиборли қўлёзмалар асосида илк бор тўлиқ ҳолда нашр этилмоқда. Натижада Навоийнинг тасаввуфга муносабати, диний масалаларни талқин этишдаги позицияси ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлади.

Китоб охиридаги изоҳ ва шарҳлар шу тасаввурни тўлдириш ҳамда теранлаштиришга хизмат қилади.

### **Муқаддима**

1. Маҳмуд— Муҳаммад пайғамбар (а. с.)нинг лақаби.
2. Аносир — тўрт унсур (сув, ҳаво, тупроқ, олов).
3. Масиҳ— Исо пайғамбарнинг лақаби.

4. Яъқуб — Иброҳим пайғамбарнинг невараси. Унинг 12—ўғли бўлган. Отаси ўлимидан сўнг уни Оллоҳ пайғамбарликка ноил қилган. Оғалари Юсуфни кудукка ташлаб, бўри еб кетди, деб хабар берганларидаи кейин Яъқуб ўғли ҳасратидан Байт ул-аҳзон кулбасида йиғлай—йиғлай кўзлари кўр бўлиб қолади. Юсуфдан яхши хабарлар эшитгач, кўзи очилади. Яъқуб пайғамбарнинг лақаби «Исроил»дир. Ундан сўнг келганларни «Бани Исроил» дейдилар. Қуръони каримда Яъқуб ҳақида 15 га яқин оятлар бор (масалан, Бақара, Имрон, Нисо ва б.). Адабиётда талмиҳ санъатида кўп келади. Ошиқнинг ҳузн, изтироблари, айрилиқдан кўз ёшлари тўкиши ва ҳ. к.лар қаламга олинар экан, унинг ўзини ёки кўнглини Яъқубга ўхшатилади. Кўпинча Яъқуб Юсуф билан бирга тилга олинади.
5. Ҳизр — Оби ҳаёт ичиб, барҳаётликка эришган авлиёлардан. Адабиётда кишиларга йўлдошлик, мададкорлик қилиш билан машҳурлигига урғу берилади.
6. Буроқ — Муҳаммад пайғамбар (а. с.)нинг оти. «Меърож» кечаси пайғамбар уни миниб, кўкка кўтарилган.
7. Руҳ ул—амин — Жаброил (а. с.)нинг лақаби.
8. Тарж. ар.: ишқ ҳақида гапириладиган нарса.
9. Тарж. ар.: ваҳйдан бошқа нарса эмас.
10. Тарж. ар.: оламга [Аллоҳнинг] раҳмат бўлсин!
11. Тарж. ар.: юлдузлар каби.
12. Тарж. ар.: Қиёмат кунида унга, унинг оила аъзолари ва саҳобаларига оллоҳнинг салаотлари бўлсин.
13. Тарж. ар.: гуноҳларидан кечиб, айбларини бекитсин.
14. Соир ун—носнинг афъол ва аҳволи кайфияти — ҳар хил тоифа одамлар феъл—атвори ва аҳволи кайфияти демакдир.
15. Ҳамида афъол ва замима ҳисол ҳосияти — яхши феъллар ва ёмон ҳислатлар ҳосияти демакдир.
16. Мутафарриқа фавоид ва амсол сурати — хилма—хил фойдалар ва ҳикматли сўзларнинг кўриниши демакдир.

## **І қисм**

1. Тарж. ар.: мен ер юзида қилғувчи — халифа.
2. Тарж. ар.: Одил султон замонида туғилиш демакдир.
3. Хожайи кавнайн — а. ф. икки дунё эгаси демакдир. Муҳаммад пайғамбар (а. с.) кўзда тутилади.
4. Тарж. ар.: бир соатлик адолат, инсу жинс ибодатидан яхшироқ.
5. Шох Абулғозий — Ҳусайн Бойқаронинг лақаби. Шох Султон Ҳусайн Бойқаро (1438, Ҳирот —1506, ўша шаҳар) темурийлардан. Темурнинг ўғли Умаршайхга набира, Мансур бинни Бойқарога ўғил. Онаси Темурнинг набираси Ферузабегим. Бу тарафдан Мироншоҳ Мирзонинг ҳам набираси эди. Ҳусайн Бойқаро шеърят билан шуғулланган соҳибидевон шоирдир. У «Ҳусайний» таҳаллуси билан асосан дунёвий ишқ ва уннинг кайфиятлари ҳақида шеърлар битган. Ҳусайн Бойқаро 1485 й.да насрий бир Рисола ҳам ёзган. Унда ўзининг фаолиятини шахсий кечинмаларга бой, кўтаринки руҳда баён этар экан, мамлакатдаги маданий илмий, адабий ижод равнақида алоҳида тўхталади ва Жомий ҳамда Навоийларга юксак баҳо беради. Маълумки, Алишер Навоий ҳам ўз фаолиятида, ҳам ўзининг ҳар бир асарида Ҳусайн Бойқарога мустасно ўрин ажратади. Бу ерда Навоий Ҳусайн Бойқарони одил султонларнинг энг сараси сифатида тилга олади.
6. Жаброил — Худо билан пайғамбар ўртасидаги воситачи, ваҳй келтирувчи фариштанинг номи.
7. Ҳомон — Мусо пайғамбар замонидаги Миср Фиръавнининг вазири. Мусо душмани бўлган эронли бу вазир Фиръавнга болаларини ўлдиришни тавсия қилган. Ҳомон Фиръавн учун икки иш қилган: бири «тарихи Ҳомон» номи билан машҳур расадхона қурган; иккинчиси — катта бир саватга ўлимтик ейдиган, узоқ умр кўрадиган каргас қушларини

солиб, устига гўшт парчаси ташлаб қўйган. Фиръавн гўё уларга миниб, Мусо тангрисини махв этажагини билдирган.

8. Осаф — Шарқ адабиётларида энг яхши вазирга берилган унвон сифатида келади. Осаф бен Барҳаё Сулаймон пайғамбарнинг машхур вазири бўлган. У «илми симиё (ботиний илмлардан — Оллоҳнинг сўзлари, гўзал исмларнинг сирларини очиш)ни пухта билган. Бир ривоятда Осаф «Исми аъзам (Оллоҳнинг энг улуғ 1000 та исмидан 300 таси Тавротда, 300 таси Забурда, 300 таси Инжилда ёдга олинади. Қуръонда 100 дан 99 ёдланади. 1 исми эса халқдан яширин қолдирилади. Бу эса Сулаймон пайғамбар хотами—узугида нақшланган экан) қудрати билан Сабо маликаси Билқисни тахти билан бирга Сулаймон пайғамбар хузурига келтирган экан. Адабиётда Осаф «соҳиби тадбир», донишманд вазир тимсолига айланиб кетган. Умуман Осаф исми вазир маъносида қўлланилади. Кўпинча бу образ Сулаймон пайғамбар ва унинг хотами-узуги билан бирга келади. Бу ерда Навоий ҳам шу маъноларда қўллайди.

9. Тарж. ар.: Инсоф қилганга Оллоҳ раҳм қилади сўзлари Осаф узугига нақшланган.

10. Тарж. ар.: азоб келтирадиган (нарсалардан) қутулдинг.

11. Хотам — Ибн Абдуллоҳ бин Саъднинг лақаби Хотами тойи номи билан ҳам машхур. Той қабиласининг бошлиғи ва шоир бўлганлиги ҳақида ривоятлар бор. Хотам адабиётда саховат, сахийлик тимсолига айланб кетган.

12. Рустам — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги бош қаҳрамонлардан Золнинг ўғли. Фирдавсий Рустамнинг дунёга келиши ва унга исм қўйилишини шундай ҳикоя қилади; Золнинг хотини Рудоба ҳомилани оғир кўтаради. Ойи-куни келганда, дард бошланиши билан ҳушидан кетади. Саросимага тушган Зол афсонавий қуш — Симурғ воситасида жарроҳ топиб келади. Жарроҳ Рудобанинг ёнини кесиб, болани омон олади. Ҳушига келган она ёнида ётган фарзандини кўриб хурсанд бўлади ва оҳ тортиб «Рустам!» (яъни азобу дардлардан халос бўлдим маъносида), дейди. Онанинг оғзидан биринчи чиққан шу сўзни болага исм қилиб қўядилар. Шарқ адабиётида Рустам анъанавий образ — тимсолига айланиб кетади. У паҳлавонлик, мардлик рамзида тилга олинади.

13. Тарж. ар.: тенг, баробар демакдир.

14. «Ло» — а. «йўқ», «наам» — «ҳа» демакдир.

15. Рухуллоҳ — Исо пайғамбарга нисбатан қўлланиладиган таъбир. Отасиз туғилгани учун бу исм билан аташган. Бу ерда Исойи Рухуллоҳнинг ўз нафаси билан ўликни тирилтириш қудрати табибларнинг давосозлигига қиёс қилинмоқда.

16. Тарж. ар.: қасд билан, қасддан демакдир.

17. Али — Али бин Абу Толиб тўрт буюк халифаларнинг охиргиси (598 — 661), Муҳаммад пайғамбар (а. с.)нинг амакиваччаси ва куёви.

18. Тарж. ар.: Аллоҳ ундан рози бўлсин ва Аллоҳ уни буюк қилсин!

19. Фаридиддин Аттор — Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1148/51—1219/21) тасаввуф олими. Ижодиётда Ҳусайн ибн Мансур ал—Халлож (858 — 922), Боязид Бистомий (ваф. 875) таълимотининг давомчиси. У инсон иродаси билан боғлиқ ҳамда яхши ва ёмонликнинг замири инсоннинг ўзида, ўз табиатида мавжуд, деб ҳисоблаган. Атторнинг «Мантиқ ут—тайр»ига Навоий, ўз эътирофича таржима йўсини ила «Лисон ут—тайр»ни ёзган. Бу ерда Навоий Атторни сирлар жавоҳирларини яратган, шоир деб таърифламоқда.

20. Мавлоно Жалолиддин Румий — тасаввуфнинг буюк шоири (1207, Балх — 1273). Қуния шаҳрида мударрислик қилган. Унинг ижоди Фаридиддин Аттор таъсирида шаклланган. Манбаларда Аттор Жалолиддин билан Нишопурда учрашиб суҳбатлашгани ва «Асрорнома» асарини унга тухфа қилгани қайд этилади. «Девони Шамси Табризий» номи остида машхур бўлган лирик шеърлар мажмуасида Жалолиддиннинг 3000 байтдан зиёд шеърлари 270 байтдан иборат «Маснавийи маънавий» асари ўрин олган. Навоий бу ерда Румийни «ғаввоси баҳри яқин» (яъни ҳақиқат асрорини ўрганувчи, Оллоҳни таниганлар денгизининг ғаввоси) деб таъ—рифлайди.

21. Саъдий Шерозий — Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин (1203 — 08, Шероз — 1292, шу шаҳар) шоир, носир ва мутафаккир ёшлигида етим қолиб, кичкина бир баққолчилик дўконидан тушган ночор даромади билан оилага кўмаклашади. Мўғуллар истилосидан кейин саёҳатга чиқиб, 20 йил мобайнида Туркистон, Ҳиндистон, Шимолий Африка, Жанубий Арабистон, Кичик Осиё шаҳарларини кезиб, Боғдодга қайтади. Саъдий бошланғич таълимини ўз юртида олган эди. Эндиликда у Бағдоддан «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида араб тили ва адабиёти, ҳадис ва Қуръони карим, калом ва тасаввуфни ўрганади.

Унинг «Бўстон», айниқса «Гулистон» асарлари ўша вақтдаёқ ва кейинги даврларда ҳам жуда машҳур бўлган. 4 та ғазаллар девонида ҳам ғиноий шеърятининг энг гўзал намуналари жамланган. Саъдий ижодида ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий тараннуми чатишиб кетган. Унда дидактик йўналиш ҳам кучли. Бу ерда Навоий Саъдийни «Маъно аҳлининг гўзал сўзлар айтувчиси» деб таърифлайди.

22. Амир Хусрав Дехлавий — Яминиддин Абулҳасан Амир (1253, Патёл—1325, Дехли). Шоир ва мутафаккир. Унинг отаси Сайфуддин Маҳмуд мўғуллар истилоси олтидан Шаҳрисабздан Ҳиндистонга кўчиб кетади. Хусрав илк шеърларини «Султоний» тахаллусида ёза бошлайди. Унинг ғиноий—лирик шеърлар девони 5 та бўлиб (умумий ҳажми 32645 байт), уларни алоҳида номлаб чиққанди ва бу анъанага асос солади. Хусрав Низомий «Панж ганж»ига жавобан «Хамса» яратиб, хамсачилик анъанасини ҳам бошлаб берган шоирдир. Хусрав қатор насрий асарлар муаллифи ҳамдир. «Ҳазойин ул-футух» (Ғалабалар хазиналари) «Эъжози Хусравий (Хусрав мўъжизаси), «Маноқиби Ҳинд» (Ҳинд маноқиблари) шулар жумласидандир. Навоий Хусрав Дехлавийга катта муҳаббат ва юксак эҳтиром билан қараган ва уни ҳар бир достонида ҳамда бошқа насрий асарларида мадҳ этиб ўтган. Бу ерда уни ишқ аҳли орасидаги садоқатли ошиқ ва пок ақидалар юритувчиси, деб таърифлайди.

23. Заҳириддин Саной — Абдулмажид Маждуд ибни Одам (1079 — 80, Ғазна, 1140, шу шаҳар) бўлиши керак. Бу шоир исми ё лақаби Заҳириддин бўлгани маълум эмас. Заҳириддин Тоҳир ибни Муҳаммад Форёбий (1160, Форёб (Балхдаги—1202, Табриз) деган шоир ҳам бор. Лекин Навоий шоир тахаллусини Саной деб аниқ ёзади. Санойнинг катта шеърлар девони, айниқса «Ҳадиқат ул—ҳақиқат» (Ҳақиқатлар гулзори) номли достони ғоят машҳурдир. 12 минг байтдан иборат бу достонни адабиётда тасаввуф қомуси деб атайдилар. Бу ерда Навоий Санойни «тасаввуф мушкилотлари тугунини ечувчиси», деб ёдлайди.

24. Шайх Авҳадиддин — Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий (1105, Ховарон (Абиварддиги) —1187, Балх) шоир ва мутафаккир, Тусдаги мадрасада таълим олган. Замонасидаги турли илмларнинг — нужум, ҳандаса, ҳикмат, тиб, фалсафа билимдони. Султон Санжар даврида (1118 — 1157) сарой шоири бўлган. У шўх табиатли, озод фикр шахс бўлиб, шеърятда ҳажвга мойил эди. Авҳадиддин Анварийни «қасида пайғамбари деб аташган. Унинг қасида (250), ғазал (337), қитъа (557) ва рубоийлардан (472) таркиб топган Девони қарийб 15 минг байтдан иборат. Навоий бу шоирни «аҳли яқин (Аллоҳни таниганларнинг) яғонаси», деб таърифлайди.

25. Хожа Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад (1321, Шероз — 1389, ўша шаҳар) — Машҳур шоир тожир оиласида туғилиб, ёш етим қолади. У нонвойга шогирд тушиб, оила рўзғорига қарашади. Қуръони каримни ёд олган ҳофиз бўлган, тахаллуси шу фазилатидан олинган. Ҳофизни ўз давридаёқ «ринд» деб аташган эди. Бунинг боиси кўпроқ унинг шеърятда жаранглаган журъатли овози, хур ва дадил фикрларига кўра эди. Ҳофиз, асосан ғазалсаро шоир 1967 й. Техронда Халҳолий Ҳофиз вафотидан 35 йил ўтгач, тартиб қилинган девон матнини бошқа нашрлар билан қиёс қилиб босиб чиқаради. Унда 418 ғазал, 5 қасида, 41 рубоий, 3 та кичик маснавий — «Соқийнома», «Охуйи ваҳший» ва «Муғаннийнома» асарлари мавжуд. Ҳофиз талқинида ишқ — ҳаловат сабаби айни чоғда ишқ — азият моҳияти. Ҳофиз ғазалларида ирфоний ғоялар, тасаввуфга эътиқод устундир. Навоий лирик шеърятда Ҳофизни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этади. Бу ерда

- шоирни маъноларни очиб берувчи деб таърифлайди.
26. Камол Исфаконий — Камолуддин Исмоил Исфаконий (1170, Исфакон — 1237, ўша шаҳар). 10 минг байтдан зиёд шеърлар кирган девонга эга шоир. Девони ғазал, қасида, қитъа, рубоий ва таркиббандлардан таркиб топган. Шоир қасидалари фақат мадҳия руҳида бўлмай, уларда маҳорат билан замона носозликлари, илм -хунар аҳлининг ночорликлари, баъзи давлатмандларнинг жоҳиллиги юзасидан дадил фикрлар илгари сурилади. Шоирнинг ижтимоий қарашлари, айниқса унинг қитъаларида ўз аксини топгандир. Навоий бу шоирни шеърятда кўпроқ мажоз тариқида ёзган шоирлар сирасида тилга олади.
27. Хоқоний Шервоний — Афзалиддин Бадил ибни Али (1120, Шервон —1198, Табриз). Косиб оиласида дунёга келади. Амакиси кўлида табиб ва шоир бўлиб етишади, илм ўрганади. Бирмунча вақт шервоншоҳлар саройида хизмат қилади. Лекин бу муҳит ва ундаги макр—ҳасад, фитна—фужурларга дош бера олмай Ҳаж сафарига отланади. Қайтгач «Тухфат ул—Ироқайн» (Икки Ироқ тухфаси) маснавийсини ёзади. Саройни тарк этган шоирни Шоброн зиндонига ташлайдилар. У Рум (Византия) шахзодаси Андроник Комнонга қасида билан мурожаат қилиб, унинг кўмагида зиндондан халос бўлади. Зиндонда шоирнинг машҳур «Ҳибсиёт» манзумалари яратилади. Хоқоний девони 17 минг байтдан таркиб топган. Унда 220 қасида, 330 ғазал, 300 рубоий, 230 форсча қитъа ва 450 арабча шеърлар бор. Хоқоний шеърятининг кейинги давр шоирларига таъсири сезиларли бўлган. Навоий бу ерда Хоқонийни мажоз тариқида қалам тебратган шоирлар қаторида санаб ўтади.
28. Хожуи Кирмоний— Абулато Камолуддин Маҳмуд ибни Али (1290, Кирмон — 1354, Ироқ), шоир Хусрав Дехлавийдан кейин Низомий Ганжавий аъёнларини давом эттирган иккинчи шоирдир. У олти дoston ёзиб «Хамсаи Хожу»га бирлаштирган. Икки шеърини девони бор. «Гул ва Наврўз» ҳамда «Шавқийёт» номли маснавийлар ҳам яратган. Ҳофиз уни ўз устозларидан деб билган. Хожу Кирмоний Санойи, Шайх Аттор Жалолиддин Румий аъёнларини давом эттирган. Навоий бу ерда шоирни мажоз йўлида ижод қилган сўз санъаткорлари сирасида тилга олади.
29. Мавлоно Жалолиддин — Ибни Жаъфар Фароҳоний (ваф. 1336) соҳиби Девон шоир. Низомий Ганжавийнинг «Махзан ул—асрор»ига 3 минг байтли жавоб ёзган. Шеърятда фалсафий, диний ва ахлоқий ғояларни тараннум этган.
30. Хожа Камол — Камолуддин Амид XII асрда яшаб, ижод қилган шоир. Бухородан Хуросонга Султон Санжар саройига келган. Донишманд инсон, моҳир хаттот ва мусиқачи бўлган. Анварий таъсирида ёзган шеърлари анчагина. Камол девони замонамизгача етиб келмаган. Улардан баъзи намуналар тазкираларда берилган. Навоий бу шоирни мажоз йўлида шеър битган ижодкорлар сирасида келтиради.
31. Анварий — қаранг: Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад. Шу китоб, 7-6.
32. Заҳир — Заҳируддин Нишопурий XII асрда яшаган шоир ва тарихчи, ишқий ва ахлоқий мавзуларда пароканда шеърлари бор. Яна Заҳир Самарқандий деган (XII) насрнавис бўлган. Энг муҳим асари «Синдбаднома» бўлиб, адолатли шох тимсолини сержило бадий бўёқларда яратган. Навоий бу ерда мажоз тариқида қалам тебратган шоирларни санаб ўтаётгани учун сўз Заҳир Нишопурий устида кетаяпти чоғи.
33. Абдулвосеъ — Бадеуззамон Фаридуддин ибни Умар ибни Рабеъи Гуржистоний. Абдулвосеъ Жаболии номи остида таникли (ваф. 1160). Ҳиротда таҳсил кўрган, Ғазна ва Машҳадда фаолиятда бўлган. Девони қасида, ғазал ва рубоийлардан таркиб топган. Уларда баҳор ва наврўз, ишқу муҳаббат, дўстлик ва садоқат тараннум этилган. Айни чоғда, замонадан шикоят, халқ аҳволидаи огоҳликка даъват, шахсий дард—алам оҳанглари ҳам баралла сезилади. Навоий бу шоирни мажоз тариқида ёзганлар сирасига киритади.
34. Асир — Асируддин Абдуллоҳ Авмоний (ваф. 1236) араб ва форс тилларида

ижод қилган, айниқса Анварий шеърларига пайравлик қилган шоир. Содда, таъсирчан ва ширин шеърларидан тузилган Девони тахминан 5000 байтни ташкил қилади. Қарийб шу даврларда яна бир Асири Ахсикантий (Асириддин Абулфазл Муҳаммад Тоҳир) деган шоир (1108, Фарғона Ахсикати —1196 — 98, Озарбайжон Халхоли) яшаган. У Ҳирот ва Марвда таҳсил олиб, риёзат, тиб, кимё, нужум, ҳайъат, фалсафа, тилшуносликда шухрат қозонади. Маълум муддат Ироқи Ажамда истиқомат қилади. Девонида 120 қасида, 220 ғазал, 80 қитъа, 80 рубоий, 4 таркиббанд ва таржеъбанд, 24 фард мавжуд. Ғоялари — кажрафтор фалақдан шикоят, давлатмандларнинг ҳирсу ҳавасга ружуълари ва тамаъкорликларни қоралаб, сабру тоқат, илм-донишга даъват каби ирфоний фикрлардан иборат. Фикримизча, Навоий Асир деганда Асириддин Ахсикатийни эмас, Асируддин Абуллоҳни кўзда тутган. Зероки, бу шоир Навоий тилга олган мажоз тариқида ижод қилгай шоирлар жумласидандир.

35. Салмон Соважий — Жамолуддин Хожа Салмон ибни Хожа. Алоуддин Муҳаммад (1310, Ироқи Ажам Соваси — 1376, ўша ер) Шарқ шеъриятида воқеа саналган машҳур «Қасидаи маснуъ» ижодкори. Бу қасида жалоирийлар вазири (даври 1327—35) Хожа Ғиёсуддин Муҳаммадга бағишланган. Мувашшаҳ тариқида ёзилган бу қасидада бир неча бахрлардан моҳирона фойдаланилган. Адабиётда бадий жиҳатдан ғоят баркамол асарни «қасидаи Маснуъ»га ўхшатилади. Шеъриятда Саъдий Ҳофиз, Камолуддин Исмоил, Заҳири Форёбий, Анварий ва Манучеҳрларга пайравлик қилган. Ўзи асарларидан «Куллиёт» тузган. 16 минг байтни ўз ичига олган «Куллиёт»ида ғиноий шеърлари ва «Жамшед ва Хуршид» ҳамда «Фирокнома» маснавийлари ўрин олган. Навоий бу шоирни ҳам мажоз тариқида ижод қилганлар сирасида санаб ўтади.

36. Носири Бухорий — Шохдарвеш ҳамда Дарвеш Носир номларида ҳам таниқли (ваф. 1371—72) шоир. Таҳсил олиш мақсадида Хуросон, Озарбайжон ва Ироққа сафар қилган. Девонида 4000 байт шеърлар мавжуд. «Ҳидоятнома» номли маснавийси ҳам бор. Лирик шеъриятда Ҳофизга пайравлик қилган. Бу шоирни ҳам Навоий мажоз тариқида қалам тебратгаи ижодкорлар қаторида тилга олади.

37. Котибий Нишопурий — Шамсуддин Муҳаммад ибни Абдуллоҳ (ваф. 1435, Астробод). Нишопур мадрасасида таҳсил олган. Мавлоно Сиймийдан хаттотликни ўрганиб, хушхат котиб бўлиб етишгани учун Қотибий таҳаллусни олган. Ҳирот, Самарқанд, Астробод, Мозандарон, Гелон, Ҳижозга сафар қилган. Бир неча девонлари ва маснавийлари бор. Навоий Котибийни «Мажолис ун—нафоис»нинг I мажлисида келтиради ва «ўз замонининг беназири эрди. Ҳар навъ шеърғаки, майл кўргузди, анга маонийи ғариба кўп юзланди. Батахсис, қасоидда балки ихтироълар ҳам қилди ва кўп яхши келди». Навоий Котибий ғазаллари ва қасидаларига юксак баҳо беради, «яхши сўзи кўпдур» деб ёзади Котибийнинг Астрободда тоун (вабо) марази билан дунёдан ўтганлиги ва Нўх гўрон деган мазорда дафи этилганлиги «Мажолис»дан маълум. Бу ерда Навоий Котибийни ҳам мажоз йўлида ёзган шоирлардан деб қайд этади.

38. Шохий Сабзаворий — Амир Оқмалик ибни Малик Жамолуддин Ферузкўхий, таҳаллуси Амир Шохий (1385, Сабзавор — 1453, Астробод) шоир. Аждоди сарбадорлардан бўлгай, Шохий Бойсунғур мирзо надими сифатида сарой хизматини бажарган. Сарбадорлар мағлуб этилгач, ота юртига қайтиб, деҳқончилик билан машғул бўлган, Шохий 5—7 байтли ошиқона ғазалларни кўп битган. Уларни Жомий, Навоийлар юксак баҳолаган. «Мажолис ун—нафоис»да Навоий ёзади: «Фароғатдўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеърини чошни, салосат ва якдаст ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эрмас. Ғазали гарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур». Навоий уни кўрмаган, лекин мактуб ёзишиб турганлигини таъкидлайди. Навоий Шохий номи билан мажоз тариқида ёзган шоирларни яқунлайди.

39. Мавлоно Абдурахмон Жомий — Нуруддин Абдурахмон ибни Низомуддин Аҳмад ибни Шамсуддин Муҳаммад (1414, Жомнинг Харгарди —1492, Ҳирот) шоир ва мутафаккир Навоийнинг дўсти, тариқатдаги устоди. 3 та шеърлар девони, «Хамса» йўлидаги 7 дostonдан иборат «Ҳафт авранг (етти тахт), «Баҳористон» каби бадий ва



катор илмий асарлар жумладан, «Рисолан аруз», «Рисолан қофия», «Рисолаи мусикий», «Рисолаи муаммо» (3 та) ва б. шарҳлар ҳам ёзган. Навоий Жомийни гоят ҳурмат қилган, ҳар бир достонида алоҳида мадҳ қилган, бошқа асарларида ҳам юксак ҳурмат билан ёдга олади. Жомий вафотидан сўнг у ҳақда «Хамсат ул—мутаҳаййирин» (Ҳайратланганлар бешлиги) номли муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборат махсус асар ёзган. Унга ўзининг Жомий вафотига бағишлаб ёзган марсиясини илова қилган. Садруддин Айний бу асар «марсия адабиётнинг энг жон ўртовчи намунасидир. Бу таркиббандда Жомийнинг бутун илмий ва адабий қудрати мужассамлалган», — деб ёзган эди. Бу ерда Навоий Жомийни ҳақиқат ва мажоз тариқида

ижод қилган комил ва етакчи сўз санъаткори деб келтирди.

40. Тарж. ар.: Оллоҳ унинг ётган жойини нурга чўмдириб, қабрини муқаддас айласин.

Тарж. ар.: Оллоҳдин нафсларимизнинг ёвузликлари ва ишларимизнинг ёмонлигидан сақланишни сўраймиз.

41. Валоят аҳли — авлиёлар аҳли. Валий — дўст, тасарруф соҳиби ва амир маъноларига ҳам эга. Оллоҳнинг 99 исмидан биридир. Авлиёлар Оллоҳнинг амрларини умматларга тушунтирадилар. Ҳақ билан халқ орасида бир муомаладир. Пайғамбарнинг валояти нубувватидан устундир, деган тушунча бор. Валийлар Оллоҳ ҳукмига мутлақо риоят этишлари лозим.

42. Шиблий — Абубакр Шиблий комил авлиёлардан. «Насойим ул—муҳаббат»да Жомий 4—табақа авлиёларидан деб ёзади. Атторминг «Тазкират ул—авлиё»сида Шиблий манокибларидан турли ҳажмдаги 60 та нақл, суҳбатларни келтиради. Шиблий 334/945—46 й. Бағдодда вафот этган.

43. Нурий — Абулхусайн Нурий, исми Аҳмад бин Муҳаммад. 2 – та бақа авлиёлардан. Ибн ал—Бағавий номи остида танилган. Нурий 353/964 й. Нишопурда оламдан ўтган.

44. Тарж. ар.: Оллоҳ қабрини муқаддас айласун.

45. «Ҳудий» — туячилар ашуласи.

46. Савт — а. луғавий маъноси — камчи, қамчи урмоқ. Мусиқада овоз, товуш, куй, оҳанг, демакдур.

47. Наъам — наво, оҳанг, куй, тарона.

48. Тарж. ар.: Оллоҳ деди.

49. Тарж. ар.: Оллоҳнинг элчиси, яъни Пайғамбар деди.

50. ёрод — мусиқа асбоби.

51. аёлғучи — куйнинг чўзиқ нағмаларини ижро этувчи.

52. Зиж — юлдузнама; жадвал.

53. Тарж. ар.: қочиш, узоклашиш лозим бўлган.

54. Тарж. ар.: ойнинг юксаклиги.

55. Тарж. ар.: мунажжимлар, ёлғон гапирадилар.

56. ажнос — жинснинг кўплиги — тур, нав; мол, матони ҳам англатади.

57. Тарж. ар.: мусулмонларнинг икки елкасида ўтирган икки фаришта (ўнг елкадагиси савоб ишларини, чап елкадагиси гуноҳ ишларини ёзиб борар экан).

58. Одам — Оллоҳ яратган илк инсон. «Абулбашар» (Башарият отаси), куняси «Сафиуллоҳ» (Оллоҳнинг соф қули) лақаби билан ҳам таникли. Ҳалқда Одам Ота деб юритилади. Одамнинг яратилишида ер юзидаги ҳар жинс тупроқдан олинган эмиш. Оллоҳ одамга руҳ киритгач, унга малакларнинг сажда қилишини буюрибди. Улардан бири жаннатнинг ҳазинадори Азозил (Иблис, шайтон) оташдан яратилгани учун бўйсунмабди ва Оллоҳ уни жаннатдан қувибди. Одамнинг сўл қовурғаси суягидан Ҳавва яратилгач, улар бирга нурдан либослар кийиб, роҳатда яшарканлар фақат жаннат меваларидан емасликларни керак экан. Иблис уларни йўлдан урмоқ учун қанчалик ҳаракат қилмасин, жаннат дарвозабони Ризвон рози бўлмабди. Иблис ҳийла билан тўрт оёқли, гўзал ҳайвон бўлган илоннинг тишлари орасида жаннатга кириб олибди. Ниҳоят Иблис найранг билан Ҳавва ва Одамга жаннат меваларини едирибди. Шундан сўнг Оллоҳ

илонни оёқ ва тишларидан маҳрум этган экан. Оллоҳ Одам ва Ҳавванинг либосларини ечдириб, жаннатдан қувибди. Улар маҳрам ерларини анжир япроғи билан бекитиб, Иблис ва илон билан жаннатдан чиқарилибдилар. Одам Сарандиб, Ҳавва Арабистондаги Жиддага, Иблис Майсонга, илон эса Исфаҳон (ёки Нусайбин)га бориб тушибдилар. 200 йил тоат-ибодат, тавба-тазаррудан сўнг Жаброил Одам ва Ҳаввани Арофатда бир—бирига қовуштиради. Улар 20 жуфт (қиз ва ўғил — эгизак) фарзанд кўрадилар. Буларнинг энг машҳурлари Ҳобил ва Қобил ҳамда Шит пайғамбардир. Куръони каримда ҳадисларда ва адабиётда Одам ҳақида оят нақл ва қиссалар ғоят кўп. Навоий «Рисолаи тийрандохтан» асарида Одам атожаннатдан чиқарилгач, Оллоҳ унга деҳқончилик қилишни, буғдой экишни буюрганганини ёзади. Бу ерда ана шунга ишора бор.

59. Тарж. ар.: азият берувчиларни ўлдиришлар.

60. «Сод» — араб алифбосидаги ҳарфнинг номи. «Ҳирс» сўзининг охириги ҳарфи «сод» билан ёзилганига бу ерда ишора қилинади.

61. «айн» — араб алифбосидаги айириш белгисининг номи, «тамаъ» сўзида охириги ҳарф бўлиб келишига ишора.

62. Тарж. ар.: Оламнинг тўрт иқлимига сипоҳгарлик қилиш — мол хандашлиқдир. Бу ерда сипоҳийлик моҳиятига киноя бор.

63. Тарж. ар.: шовқин-сурон, тўполон, таралла-ялла.

64. Ринд — дунё ишларини хуш кўрган киши. «Ғиёс ул—луғат»дан «Ринд шарият қоидаларини, жоҳиллик юзасидан эмас, онгли суратда инкор қилувчи одам, дейилади. Адабиётда ринд жоҳу давлатни кўзга илмаган хур фикр, исёнкор руҳиятли, майпараст, бодадан ҳақиқат сармасти бўлиб ишқ саҳроси саргардонлари тимсашда келади. Ҳофиз

Риндон боданўшки, бо жам ҳамдаманд,  
Воқиф зи сирри олам ва аз ҳоли одаманд

(яъни, риндлар жом билан ҳамдам боданушдирлар, Улар олам сирларию одам ҳолидан воқифдирлар), деб ёзади.

65. Дайр — луғавий маъноси — ибодат гунбази: калисо, бутхона, мажозан: майхона. Тасаввуфда лисон оламини англатади.

66. Жамшид — Жам Қадимий Эроннинг пешдодийлар сулоласининг 4—ҳукмдори. Мифологияга кўра у Нух замонида 700 ёки 1000 й. яшаган. Инсонларга зарур бўлган кўп нарсаларни, жумладан, сипоҳийлик аслаҳалари найза, қилич, пичоқ, қалқон, ясаган. Ҳаммом бино қилган. Ипак либослар, ранглар ихтиро этган. Истаҳр деган шаҳарни кенгайтириб, унда улуғ бир бино қурдирган. Иморат битгач катта тантанали йиғин ўтказиб, ўзи жавоҳирлар қадалган тахт устида ўтирганда, қуёш чиқиб, унинг ҳашаматидан ҳамма ёқ порлаб кетади. Халқ бу куни Наврўз (янги кун) Жомни эса Жамшид (нур шоҳи) деб атай бошлади. Оқибат Жамшидда ғурур ва кибр пайдо бўлади. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида ёзади: ўз суврати била бутлар ясаб, ақолим (иқлимлар), ва кишвар (мамлакат)ларга йибориб, элга ўзининг парастиишнни (ўзига сиғинишни) буюради. Оллоҳнинг қаҳрига учради ва Заҳҳок Жамшидни арра билан иккига бўлиб, пора—пора қилди, тахтини эгаллади. Тасаввуфда Алавий, Мавлавий Бектошин тариқатларида Жом бир зикр номи бўлиб, зикрдан сўнг шароб ичилади. Жам мақоми, жам ул—жам деган комил мақом ҳам бор. Бу ерда Навоий Харобот риндлари ўз шавкатини Жамшидниқидан ортиқ биладилар деган фикрга урғу бермоқда.

67. Дарвеш — бир тариқатга боғли одам. Асл маъноси Оллоҳ йўлида хоксорлик ва фақирликни қабул қилган кимсани англатади. Адабиётда дарвеш фароғат гўшасида сокин, қаноат хазинаси соҳиби, мартабада султондан юксак, маънавият подшоҳи, ўз юртида мусофир, хирқапўш сайёр сифатида қаламга олинади.

68. Фаридун — Афридун ҳолида ҳам учрайди. Қадимги Эрон пешдодийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» асарида ёзишича, баъзи манбаларда Жамшид набираси, баъзиларида Тахмурас наслдан дейилади. Навоий Фаридунни «Яхши

ахлоқлик олим ва одил подшоҳ эрди» деб мақтайди. У Мусо пайғамбар ва Ҳорун унинг замонида яшаганлар, деб ёзади Навоий. Фаридун ўз яраларига одамзод мағзидан бошқа даво топмаган Заҳҳокни маҳв этган, Кова оҳангар (темирчи) сахтненини байроқ қилиш қоидасини ўрнатган эди. Фаридун ўзининг бой хазинаси билан ҳам машҳур бўлган экан. Бу ерда ана шу Фаридун ганжга ишора қилинади.

## II қисм

1. Тавба шароитда вожиб, тариқатда шарт, сулукда лозим бўлган тушунча. Тасаввуфда банданинг парвардигор сари сафари (унинг ҳаёти) бўлса, бу сафар манзиллари — мақомлари еттидир. Биринчи мақом тавбадир. Тасаввуф истилоҳотида тавба руҳнинг бедорлигидир, деб таъриф қилинади. Ҳатто тавбани инсон руҳининг биринчи исёни ҳисоблаганлар. Оллоҳ исмлари орасида Таввоб (тавба қабул қилувчи) бор. Қурони каримда тавба 87 бор эслатилади. Муҳаммад пайғамбар (а. с.) «ҳар куни 70 марта тавба қиламан», — деган экан.
2. Тарж. ар.: Бу Оллоҳнинг фазилатидур, уни хоҳлаган кишига беради.
3. Шайх Абдулло Муборак — Абу Абдурахмон Абдуллоҳ бин Муборак Марвазий (ваф. 171/787—88) Ироқнинг Ҳит шаҳари, Шаҳаншоҳи уламо, шариат ва тариқатнинг имоми, қалам ва қилич амири деб таърифланган буюк шайхлардан Аттор «Тазкират ул-авлиё»да унинг маноқибларидан 22 нақл келтиради. Жомий «Нафаҳот ул-унс»да, Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абдулло Муборак ҳақида алоҳида мақола берадилар. Навоий Аттор келтирган Абдуллоҳ Муборак маноқибларидан бири — тавбасининг бошланиши ҳақидаги нақл беради: У бир канизак ишқига гирифтор бўлади. Бир қиш кечаси тонгга қадар маъшуқа девори остида туради. Қор ва совуқда қолади. Саҳар намози азонини хуфтон деб ўйлайди. Ўзига келгач, дейди: —эй Муборакнинг номуборак ўғли, сенга уят эмасми? Агар Имом намозда узунроқ сура қироат қилса, толиқардинг. Энди нафсинг ҳавосига тонг отқунча мундоғ азоб тортарсен». Шундан сўнг Абдуллоҳ Муборак тавба қилиб, сулукка берилади. Худди шу нақл бу ерда ҳам келтирилади.
4. Зухд — дунё ва унинг лаззатлари орзуларидан кечиб, тоат—ибодат билан машғул бўлишликни англатади. Машойихлардан Жунайд: «Зухд шуки, мулкдан қўл, таъдан дил холи бўлғай». Зоҳид парҳезкор бўлиб, жисмоний халоват ва лаззатлардан сақланиб, дунё, молу жох, ёру ағёрнинг кўпу озига парво қилмайди. Муҳаммад пайғамбар: «Зоҳид шундай кимсаки, дунё яъни, ундаги хайриятларни еганда мўминданми ё кофирданми у кўрқмайди»,— деган экан.
5. Мавлоно Шамсиддин Муидди Уча — XV асрда Жомда яшаган, суфийлар бошлиғи.
6. Тарж. ар.: кечаси безор.
7. Тарж. ар.: йил бўйи рўзадор.
8. Уҳуд ғазваси — 624 й.да Абу Суфён бошчилигидаги 3 минг яхши қуролланган қўшин Муҳаммадга қарши қўшин тартади. Муҳаммад 700 қўшин билан уларга қарши чиқиб, Уҳуд деган жойда жанг қилади. Жангда Муҳаммад бошидан яраланади ва тош тегиб икки тиши синади. Алининг жасорати билан мадиналиклар ғалаба қозонадилар. Бу ерда Муҳаммаднинг муқаддас жангда йўқотган икки тиши хотири учун Шамсиддин Муидди ўзининг 32 тишини суғириб ташлагани ҳақида сўз кетади.
9. Кичик Мирзо — Ҳусайни Бойқаронинг эгачиси Оқобегимнинг ўғли. Бобурнинг ёзишча «Бурунлари тағойисига мулозамат қилур эди. Сўнгра сипоҳийликни (ҳукумат хизмати, амалдорлик) тарк қилиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларки, донишманд бўлуб экандур». Навоий «Мажолис ун—нафоис»да ёзади: «хўб таълик, тез идроклик, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалик йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси била вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хўб англур эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди. Бовужуди бу фазоил дарвешликларга мойил бўлиб, Макка зиёрати шарафига мушарраф бўлди». Бу ҳикоят кичик Мирзонинг ана шу дарвешликка мойиллигидан далолат беради.
10. Тарж. ар.: унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин.

11. Таваккул — Парвардигорга дилбасталик ва комил эътимод — ишончдир. Бу маърифатнинг камолига боғлиқ мақом бўлиб, валийларга насиб қилади.
12. Тарж. ар.: Оллоҳга таваккал қилсин.
13. Шайх Ибррҳим Ситнаба —  
Иброҳим Адҳам саҳобаларидан. Куняси Абу Исҳоқ. Асли Кирмондан бўлиб, Ҳирот да яшаган, шу боис уни Ҳиротий ҳам дейишган. Қабри Қазвинда.
14. Қаноат — қисматдан рози бўлиш, нафсдан воқифликдир. Озга қонълик қаноатдир.
15. Мухбири содиқ — садоқатли хабар етказувчи. Муҳаммад пайғамбар (а. с.)га нисбатан қўлланиладиган ибора.
16. Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий — XV асрдаги Хуросон машойихларидан бўлса керак.
17. Тарж. ар.: қаноат қилган азиз бўлади.
18. Тарж. ар.: тез даволанмайдиган демакдир.
19. Айюб — пайғамбар. Исҳоқ пайғамбарнинг набираси. Ривоятларга кўра Айюбнинг мол-дунёси, Роҳма исмли хотини, бир уй фарзандлари бор экан. У дунё лаззатларидан баҳраманд экан. Оллоҳ уни имтиҳондан ўтказмоқчи бўлади. Молу мулки қўлидан кетади. Айюб сабр қилади. Бир—бир болалари вафот этади, у сабр қилади. Касал бўлади, аъзой баданига яра тошади, ҳатто бу яралар қуртлаб кетиб, азоб беради, у сабр қилади. Роҳма унга меҳрибонлик билан хизмат қилади. Ннҳоят Оллоҳ Айюбга шифо бахш этади, Ҳавран элига пайғамбар қилиб жўнатади. Унга янгидан мол-дунё ва фарзандлар ато қилади. Адабиётда Айюб сабр қаноат тимсоли сифатида тилга олинади. «Айюб сабрини берсин» деган дуо халқлар орасида кенг тарқалган.
20. Тарж. ар.: таъзим [фақат] Аллоҳ амричадир.
21. Тарж. ар.: Шавқат Аллоҳнинг яратганигадур.
22. Тарж. ар.: Аллоҳнинг яратгани.
23. Тарж. ар.: Аллоҳ томонидан яратилган.
24. Хожа Абдулло Ансорий — Абу Исмои Абдуллоҳ бин Абий Мансур Муҳаммад ал—Ансорий — лақаби Шайх ул—ислом (396/1005—06 — 481/1088—89), Ориф, ёзувчи, шоир ва донишманд. Жомий «Нафаҳот ул—унс»да ёзишича, қалами остидан чиққан нарсалари ёдида нақшланиб қолар экан. 1000 байт араб шоирлари шерларини ёд билгн. Хожа Абдулло Ансорий Куръон тазкир ва тафсирида ўзини Хожа Имом Яхъё Амморниг шогирди ҳисобланган. У соф сунний бўлган 300 минг ҳадисни, минг—минг исноди (далиллар билан) ёддан билган. Асарлари Нақли табақоти суфия», «Қошиф ул—асрор», «Муножотнома», «Муҳаббатнома», «Зод ул—орифин», «Қанд ул—соликин, «Қаландарнома», «Ҳафт ҳисор», «Илоҳийнома» ва б. Навоий «Насойим ул—муҳаббат»идаги Ансорийга бағишланган мақола Жомий асаридаги мақоланинг қарийб айнан таржимасидир.
25. Мансур — Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож Байзавий Кунияти Абулғайс (857—922). Атор «Тазкират ул—авлиё»да унинг мақоласидан кўплаб нақллар, кароматлар, қатлининг тафсилотларини келтиради. Унинг «Аналҳақ»ини тушунган тарафдорлари ва рад этган муҳолифларини ном-баном санаб ўтади. Жумладан, Шиблий айтган экан: «мен ва Халлож бир машраб (феъл—атвор, тариқат, дин) данмиз. Лекин мени девоналикка нисбат бердилар, омон қолдим. Ҳусайнни эса унинг ақли ҳалок қилди». Мансур Халлождан «ишқ нима?» деб сўраганларида: «Ўлдирилган, соврулган кун — ишқдир», — деб жавоб берган экан. Атор Мансурнинг қай тарзда қатл этилишини ёзади: аввал тошбўрон қилинади, кейин қўлларини, сўнг оёқларини, чопиб, бурун, кулоқларини кесиб, кўзларини ўйиб, ташлайдилар. Ҳар бир аъзосидан жудо қилишаркан, Мансур жавоблар бериб турган, жумладан тилини қирқишдан аввал: «Бироз сабр қилинг сўзим бор, деб юзини осмонга қаратиб: Илоҳи, сенинг учун шу ранжни тортаётганларни (яъни, унга азоб бераётганларни) марҳаматингдан маҳрум қилма, уларни шу давлатдан бенасиб этма!» деб илтижо қилган экан. Атор таъкидлайдики, намозшом пайтида Халложнинг бошини танидан жудо қилар эканлар, у табассум билан боқарди ҳар андомидан «Анал — ҳақ»

эшитилар, окқан ҳар томчи қонидан «Оллоҳ» нақши зоҳир бўлар эди», — деб ёзади.

Жомийнинг «Нафахот ул—унс», Навоийнинг «Насоим ул— муҳаббат» асарларида Мансур Ҳаллож ҳақида мақола мавжуд. Охирида (ҳар икки мақола айнан) Мансур Ҳалложнинг устои Абу Амр бинни Усмон Маккий тавҳил (Худонинг ягоналигига ва улуғлигига эътиқод қилиш илми — С. Ғ.)да бир рисола ёзганлиги айтилади. Уни пинҳон тутар экан. Мансур уни яширинча олиб, ошқор қилади. Бу асар нозикликларини тушунмай, эл уни рад этади. Устод Ҳалложни «илоҳи, бировни анга гумонлаким, илик— аёгин кесгай ва кўзин ўйғай ва дорға тортқай, деб қарғанган экан.

Нимаики Мансур Ҳаллож бошига тушган бўлса, устои дуоси билан бўлди», дейилади.

26. Таважжух — зоҳиран, қалбан бутун борлигинг билан ҳаққа юз тутмоқликдир.

27. Ризо — тасаввуфда таваккулдан кейинги мақом бўлиб, солиқ ўз нафси ризосидан кутилиб, Худо ирода қилган, тақдир этган нарсаларга рози бўлади (Ризо қазонинг аччиқлигига нисбатан дилнинг шохлигидир).

28. Тарж. ар.: Оллоҳнинг ахлоқларини қабул қилгувчилар, демакдир.

29. Халилуллоҳ — Иброҳим пайғамбарнинг лақаби.

30. Намруд — Иброҳим пайғамбарни ўтга ташлаган подшоҳнинг исми.

31. Ишқ тасаввуфда тариқатнинг энг муҳим мақомларидан. Унга фақат комил инсон етишади. Бу мақомда ошиқда шундай ҳолат юз берадики, у ўзидан бегона, ноогоҳ, замону макондан озод, маҳбуб фироқида куяди, ёнади, унга етишишга интилади.

32. Тарж. ар.: Ҳақиқатда Оллоҳ гўзалдур ва гўзалликни севади, демакдир.

33. Шайх Ироқий — Шайх Фаҳриддин Иброҳим Ироқий (1213, Ҳамадон —1289, Дамашк).

Ёшлигида Қуръони мажидни ёд олган ва ғоят гўзал қироат билан ўқишни ўрганган. 17 ёшида тасаввуфга майл қилган. Дарвешларга қўшилиб, Ҳиндистонда Закарийёи Мултонийга шогирд бўлган ва унинг қизига уйланган. Макка ва Мадинага сафар қилиб, Бағдодда Шихобиддин Суҳравардий суҳбатида бўлган. Куния ҳокими Муъиниддин парвона Тавқон шаҳрида унга хонақоҳ қуриб берган. Шом ва Мисрда ҳам бўлган. Қасида ва ғазаллардан иборат девонида 4800 байт ва Санойининг «Ҳадиқа»си пайравида «Ушшоқнома» номли манзумаси бор. Асарлари ишқий ва ирфоний мазмунда. «Ламаот» номли насрий рисоласи ғоят машҳур бўлиб, унга Жомий шарҳ ёзган. Шайх Ироқийнинг қабри Дамашкнинг Солиҳия деган ерида Шайх Муҳйиддин ал—Арабий қабри оёғидадир. Унинг ёнида ўғли Қабириддин ҳам дафн қилинган.

35. Сиддиқ тасаввуфда сўзлари ва ишлари, билиму аҳволи, равишу ниятлари, табиати ва ахлоқи тўғри бўлган кишилардир. Сиддиқлар валоятнинг аъло ва нубувватнинг адно (қуйи) даражасида турадилар.

35. Тарж. ар.: қудратли подшоҳ ҳузурида, демакдир.

36. Шайх Абу Саид Ҳарроз — Аҳмад бин Исо Бағдодий (ваф. 277/890—891). Уни «Лисон ут—тасаввуф» (тасаввуф тили) деб улуғлаганлар. Асли Бағдоддан, Иккинчи табақа машойихларидан. Лақаби Ҳарроз (пайабзал ямоқчиси). Муҳаммад бин Мансур Тусийнинг шогирди: Зуннун Мисрий суҳбатида бўлган. Тасаввуфда 400 асари борлиги Аттормнинг «Газкират ул—авлиё»сида қайд этилган.

### Ш қиси

1. Жаъфар — Камолиддин Жаъфар бинни Али Табризий (ваф. 1456—58, Бухоро). Шохрух замонида камол топиб, Бойсунқур мирзо (1399 — 1434) даврида котиби ва мусаввирларнинг бошлиғи бўлган. Шу боис жаъфари Бойсунқурий деб имзо чеккан. «Сулс», «насх», «риқоъ», «райҳон», «тавқеъ» ва «шикаста» хатларининг мумтози бўлган. Фирдавсий «Шохнома»си Низомий «Хусрав ва Ширин»и, Ҳасан Дехлавий «Девони», Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофиз девонини кўчирган ва бу мўътабар қўлёзмалар Техрон, Париж, Истамбул, Лондон, Ленинград шаҳарларининг нуфузли китобхона ва музейларида сақланади.

2. Азҳар — Азҳар Табризий (1422, Табрез — 1502/03, Байтул-муқаддас). Жаъфар

Табризийнинг шогирди, хаттот Мирали ва Жаъфардан сўнг «Настаълик» хатининг учинчи устои ҳисобланади. «Сулс»ни олий даражага олиб чиққан сабабли —«усули шашгона» (ситта) устои ҳам саналади. Жалолиддин «Маснавий»си, ибни Яминнинг «Муқаттот» (қитъалар)и, Низомий ва Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»ларини китобат қилган. Бу нодир кўлёмалар Техрон, Истамбул, Лоҳур, Манчестр, Нью—Йорк шаҳарлари китобхонлари ва музейларида сақланади.

3. Абдулҳай (1360, Боғдод—1420, Самарқанд) — хаттот ва мусаввир. Султон Увайсий Жалоирий саройида, Боғдодда яшаган. 1393 й. Темур Ироқни истило қилганда Абдулҳайни Самарқандга олиб келиб, ўзининг тасвир устахонасига бошлиқ қилиб тайинлаган. Унинг «Бат» (ўрдак), «Жанг манзараси» ва «Гулистон» ҳикоятларига чизган расмлари давримизгача етиб келган. Умри охирида иртижоъчи доиралар таъсирида ўз санъатидан воз кечган ва кўп расмларини куйдириб ташлаган. «Насх», «сулс» ва «рикоъ» хатларини гўзал битган. Бу ерда моҳир хаттот сифатида номи келтирилади

4. Моний — Қадимий афсоналарга кўра Румда яшаган наққош. Нубувват даъво қилиб, наққошликни ўзининг мўъжизаси деб халойикни ишонтиришга интилган. «Аржанг» («Аржанг», «Арсанг» номида ҳам учрайди) номли асар ёзган дейилади. Бу асарнинг бир нусхаси Ғазнада мавжуд деган маълумотлар бор. Дейдиларки, Моний «Аржанг»ни бир ғорда сақлаган экан. Ғорнинг деворларига турли—туман гўзалларнинг расмларини ва манзараларини чизган экан. Бу ғорни «Нигористони Моний» деб аташар экан. Мумтоз адабиёт вакиллари (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Навоий ва б.) Монийни буюк рассомнинг тимсоли сифатида талқин қиладилар.

5. Аторид — Уторид — Меркурий сайёраси. Мифологияда бу юлдуз ёзувчиларнинг ҳомийси ҳисобланади. «Дабир» деб ҳам юритилади. Уторид ҳоким бўлган буржларда туғилганлар зеҳнли, хийлагар бўлар эмиш. Дўст юлдузлари — Қамар, душманлари Шамс ва Зухра эмиш.

6. Юсуф Канъоний — Яъқуб пайғамбарнинг ўғли, ҳаёти ва қиссаси Қуръони каримда «Юсуф» сурасида келтирилган, лақаби Синодир. Юсуф пайғамбарликка ноил бўлган. У гўзаллик ва эзгулик тимсоли сифатида Шарқ адабиётига кирган. У ҳақда кўп қисса ва дostonлар яратилган, жумладан, X асрда Абулмуайяд Балхий Бахтиёрий, Амъак Бухорий дostonларн яратилган. Фирдавсийга нисбат берилган Юсуф ҳақидаги қисса муаллифи Амоний деган шоир эканлиги маълум бўлди: XI асрда бу мавзуъда Масъуд Ҳиравий, Озори Тусий, Масъуд Кумий, Масъуд Дехлавий, XV — XIX асрларда шоирлар ўнлаб дostonлар яратдилар. Туркий забон адабиётларда Али (XII), Ҳамидуллоҳ Чалабий (XI) дostonлари ёзилди. Нозим Ҳикмат «Юсуф Канъоний» номли асар ёзди. Немис ёзувчиси Томас Мани 1926—33 йилларда бу мавзуъда қатор романлар ижод қилди. Ўзбек адабиётида «Юсуф ва Зулайхо» дostonини Дурбек ёзган, дейилади. Лекин Афғонистонлик олим Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний бу дoston муаллифининг номи Ҳомиди Балхий эканлиги ҳақида маълумот эълон қилди.

7. Анкар ал—асвот — а.: Энг ёқимсиз товуш, овозни англатади.

8. Юсуф Андигоний — «Бадиий» тахаллуси билан ёзган шоир. Навоий «Мажолис ун—нафоис»да таъкидлашича, таҳсил учун Самарқандга борганида, у Андижондан келган ва бирга бўлишган. Кейин Ҳиротда яшаган. Навоий унинг яхши шеърлари борлигини, арузни билишлигини, муаммо рисоласи борлигини таърифлайди. «Бирмунча такаббур ҳам бор эди», деб қайд қилиб ўтади. Лекин Юсуф Андигонийнинг овозга алоқадор жиҳати ҳақида тазкирада сўз келмайди. Бинобарин, бу ерда Навоий нимани кўзда тутаётганини аниқлаш мумкин. Балки шоир чиройли овоз билан шеър ўқиган, балки хушовоз хонанда бўлгандир.

9. Салмон — қаранг: шу китоб 25—б.; 35—изоҳ.

10. Жоруллоҳ — бу ном билан Маҳмуд Хоразмий — Абулқосим Маҳмуд бин Умар Замахшарий (467/1074 — 538/1143 — 44) Асли Хоразмнинг Замахшар шаҳридан адабиёт ва луғат илмида катта ишлар қилган олим, маълум муддат Каъба мужовири (Каъба ёнида яшаган) бўлгани учун Жоруллоҳ (оллоҳнинг қўшниси) лақаби билан машҳур бўлиб кетган. Бир оёғидан айрилган эканлиги ҳақида маълумотлар бор. «Кашшоф», «Асос ул—

балоға», «Муқадима дар луғат» каби асарлар ёзган.

11. Бу ерда Навоий Замахшарийнинг «Кашшоф» (кашф қилувчи, очувчи, тушунтирувчи, маънодор, пухта) асарини намуна сифатида келтирмакда.

12. Тарж. ар.: У ягонадур ва унинг шериги йўқдур. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

13. Жилла жалолаҳу умма ва умма навалаҳу ва ло илоҳа ҳайраҳу — а.: Буюклиги яна ҳам юксалиб, неъматлар умумий бўлсин. Ундан ўзга илоҳ йўқ.

15. Тарж. ар.: Оллоҳ санга қандай яхшилик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яхшилик қилгин.

16. Нух — пайғамбар. Ривоятларга кўра, одамларни имонга даъват қилиб мақсадига эриша олмай саросимага тушган Нухга «Кема яратгил», — деб ваҳй келади: кема тайёр бўлган тўфон аломатлари кўринади. Нух оиласи, бир қанча мўминлар ва ҳар тур ҳайвондан бир жуфтдан олиб кемага чиқади. Унинг ўғли Ём «мен тоққа чиқиб, қутилиб қоламан», — дейди. Кема даҳшатли далғалар орасида сузиб юради.

Ниҳоят, Оллоҳнинг кудрати билан бўрон тўхтади. Олам бошқа олам бўлади. Нухнинг уч ўғли Сом, Ҳом ва Ёфасдан инсонлар яраладилар. Нухни иккинчи Одам деб таърифлайдилар. Нух 1000 ёки 250 й. яшаган эмиш. Шунинг учун халқ орасида «Нух умри» деган тушунча кенг тарқалган.

Адабиётда Нух умри, тўфонларга бардош берган ошиқ, тўфон эса ошиқнинг, кўз ёши сифатида қаламга олинган. Бу ерда Навоий Нух умрича умрим бўлса ҳам давр аҳли бевафоликлари ва замон хайли беҳаёликларини ёзиб тугатишим маҳол, — демоқда.

17. Лукмон — Шарқ халқлари орасида Лукмони ҳаким номи билан машҳур асли ҳабаш бўлиб, Довуд пайғамбар замонида яшаган экан. У кимнингдир солиҳ кули бўлган, кейин озод қилинган, деган ривоятлар ҳам бор. Кўп билимларни айниқса, табобатни яхши билган Лукмон умри охирида ақлдан озган экан. Жомий «Нафаҳот ул-унс»да «Шайх Лукмон Сарахсий» деб мақола беради ва унинг дунёдан ўтган чоғида машҳур шайхлардан Абу Сайд Абул Хайр ва Абул Фазл Ҳасанлар тепасида бўлганларини ёзади.

Жомий Лукмоннинг «Илоҳи, подшоҳларнинг қуллари қариб қолганда, уни озод қиладилар. Сен азиз подшоҳсан, мен сенга бандиликда қаридим, озод қил», — деб илтижо қилганида, ғойибдан «Эй Лукмон» сени «Озод қилдим» деган нидо келган. Унинг озодлиги шунда эдики, ақли олинган эди», — деб ёзади. Бу ерда Навоий Лукмоннинг оддий бир кул бўлган ҳақ инояти билан ҳаким ва набийликка ноил қилинганига диққатни қаратади.

18. Тарж. ар.: яхшилик қанотлари йўқ бўлмайдиган ва йўқ бўлмайди.

19. Тарж. ар.: Тоқат қилиб бўлмас нарсдан қочиш.

20. Тарж. ар.: Сенга буйруқ қилингандек тўғри бўл.

21. Тарж. ар.: Қаноат қилган азиздур.

22. Тарж. ар.: Ярамастиклар онаси.

23. Тарж. ар.: Икки дунё (бу ва нариги дунё)да муқаддас — шариф инсондир.

24. Тарж. ар.: Ифлос бўлмоқ.

25. Тарж. ар.: Оллоҳ таоло уларнинг руҳларини муқаддас қилсин.

26. Шайх Боязид Бистомий — Тайфур бин Исо бин одам бин Сарушон (ваф. 280/873—74) улуғ машойихлардан, буюк авлиёлардан. Жомий биринчи табақага мансуб, деб ёзади. Жунайд Боязид ҳақида: «Бизнинг орамизда Боязид малоикалар орасида Жаброил кабидур», — деган экан.

Аттор «Газкират ул—авлиё»да Боязид Бистомий ҳақидаги макрлатларда 125 нақл, каромат ва ҳикматлар. Шайх Боязиднинг меърожи, «ҳамд», «Шайх Боязиднинг муножати» деб номланган алоҳида боблар беради. Навоий бу ерда пир иршодидан четга чиқиб солиқ учун хатарли, деган тушунчанинг исботи учун Боязид Бистомий ҳақидаги бир нақлга эътиборни тортади.

27. Ҳорун ар—Рашид (763 ёки 766, Боғдод — 809,

Тус) аббосийлар сулоласининг бешинчи

халифаси. Унинг даврида дехқончилик, ҳунармандчилик, тижорат, илм—

фан ва маданият равноқ топган. «Минг бир кеча»даги нақлу ривоятларда у адолатли ҳукмдор сифатида тилга олинади.

28. Шайх Баҳлул — Ҳорун ар—Рашид даврининг машойихларидан, замона алломаси Умар Куфийнинг ўғли бўлган. Ўзини девонавашликка солиб, жамият норасоликлари ва аъёну ашрофлар риёкорлигини фош этиб юрган. Лекин Шайх Баҳлулнинг жунуни бор, деб уни жазолашмас эканлар. Навоий Ҳорун ар—Рашид билан Баҳлул орасидаги бир суҳбатни шукр ва қаноат бобидаги ўз ўғитларига мисол тарзида келтиради.

29. «Хуш» сўзининг арабча ёзилишидаги ҳарфлар йиғиндисидан «абжад ҳисоби» билан 906/1500 — 1501 й. чиқади.

## **«МУНШАОТ»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ**

1. Одоби таснифга кўра бу ерда Оллоҳ ҳамди келади. Навоий асар моҳиятидан келиб чиқиб, Худони Қуръони мажидни иншо қилган — яратган мунши деб таърифламоқда.

2. Тарж. ар.: улуғлиги юксак ва неъматлари умумий.

3. Муҳаммад пайғамбар туфайли мазкур имло (яъни, шариат аҳкомлари) замон саҳифаларига ёзилгани баён этилади.

4. Тарж. ар.: Унга (яъни пайғамбарга), оиласига ва саҳобаларига мақтовлар бўлсин.

5. Тарж. ар.: Осмоннинг қандай кўтариб қўйилганлигига...

6. Тоғларнинг қандай тикланганлигига...

7. Тарж. ар.: Шароб ва унинг кайфидан юрагим ҳарорат билан куйди.

8. Тарж. ар.: Ҳурматли кишилар олдида узр мақбулдир.

9. Юсуф — Ёқуб пайғамбар ўғли, гўзаллиги билан машҳур бўлган. «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси Шарқда кенг тарқалган эди. Навоий бу ўринда ана шу қиссага ишора қилади.

10. Тарж. ар.: Дунё осмонини чироқлар билан безадик.

11. Тарж. ар.: Шиша ичидаги чироқ каби.

12. Тарж. ар. Денгизлар ўртасида очилганда.

13. Тарж. ар.: Денгизлар қўзғатилганда.

14. Мазкур мактуб ва ундан кейинги 8 рақамли мактублар «Муншаот»нинг илгариги нашрларига кирмаган.

15. Тарж. ар.: Оллоҳга ва унинг неъматларига ҳамд.

16. Тарж. ар.: Томири ерда ва шохлари осмонда.

17. Тарж. ар.: Улар ҳам булутлар юргандек юрарлар.

18. Тарж. ар.: Тагидан анҳорлар оқади.

19. Тарж. ар.: Мевалар, ҳурмолар, анор?

20. Тарж. ар.: У асло ўлмайди, доимо тирик, унинг шаъни муқаддас ва олийдир.

21. Навоий асарлари ўн беш жилдлиги таркибидаги «Муншаот»да мазкур мактуб кейинги мактуб билан қўшиб юборилган. Уларнинг икки алоҳида мактуб эканлигини адабиётшунос Ю. Турсунов аниқлаган. Биз ҳам «Муншаот» кўлёмалари билан танишиб, ҳамда мактублар мазмунидан келиб чиқиб, бу ўринда Ю. Турсунов ҳақ деган хулосага келдик.

22. Тарж. ар.: Ким тангрига бўлса, тангри ул кишига бўлур.

23. Тарж. ар.: Нафс эрта нима бўлишини билмайди.

24. Бу жумланинг маъносини англаб етмадик.

25. Оллоҳ хоҳлаган ва истаган нарсасини ҳукм қилади.

26. Тарж. ар.: Оллоҳ адл ва эҳсонга буюради.

27. Тарж. ар.: Бир соатлик адолат икки дунё (инсонлар ва жинлар дунёси) ибодатидан яхшироқдир.

28. Тарж. ар.: ярамасликлар онаси.

29. Мавлоно Ғиёсиддин Жалолий — Навоий мулозимларидан.



30. Султон Али Машҳадий — машҳур хаттот. Уни «Қиблат—ул—китоб», деб таърифлашган. Ҳусайн Бойқаро саройида хат—тотлик қилган.
31. Тарж. ар.: Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ўз бандасига китоб нозил қилди.
32. Тарж. ар.: Қул ва унга тегишли ҳамма нарса хожасиникидир.
33. Мавлоно Мир Ҳусайн Бовардий — Хуросоннинг таниқли фозилларидан. «Мажолис ун—нафоис»нинг тўртинчи мажлисида у ҳақда маълумот мавжуд.
34. Тарж. ар.: Ҳар бир нафс ўлим шарбатини тотувчидир.
35. Тарж. ар.: Ҳар бир киши бизга ўтувчидир (бизга қайтади).
36. Тарж. ар.: Иш буюрилган киши узрлидир.
37. Сулаймон ибн Довуд — Яхудийлар подшоҳи ва пайғамбар. Байт ул-муқаддасни таъмир қилган. Инсу жинс, қушлар тилини билган, оқил ва доно бўлган.
38. Тарж.: Сафар қилинг, саломат бўласиз.
39. Шайх Муҳаммад Мирохур — нуфузли мулозимлардан. У орқали Навоий шохга ёхуд юксак мавқеъли шахсга мактуб йўллаган.
- 40.. Султон Маҳмуд оғо — бу шахс юқорида Шайх Муҳаммад мирохурдан юборилган хатнинг жавобини олиб келган.
41. Муҳаммад Аминбек Ҳусайн Бойқарога хизмат қилган беклардан.
42. Хожа Фахриддин битикчи — Астрободнинг нуфузли ва эътиборли кишиларидан. У подшоҳ буйруғи билан Ҳиротга чақирилган эди. Бу ерда унинг бўйнига қандайдир айблар қўйилиб, қамокқа олинади. Сўнгра Муҳаммад Аминбек, Султон Аҳмадбек ва Дарвеш Муҳаммад сувчи деган бекларга Астрободга бориб Хожа Фахриддиннинг мол—мулкани мусодара қилиш, қариндош- уруғларини ҳам қамокқа олиш буюрилади. Улар Астрободга бориб, фармонни бажаришга киришадилар. Астробод ҳокими Мўғулбек аввал уларга подшоҳ фармонини бажаришда ёрдам беради. Кейин эса, битикчи қавми тарафига ўтиб, исён кўтаради, хожа Фахриддиннинг қариндош—уруғларини озод қилади. Муҳаммад Аминбек бошлиқ беклар Ҳиротга қайтиб, бўлган воқеаларни айтадилар. Подшоҳ Астрободга Бадиуззамонни юборади. Мўғулбек Ироққа қочади. Мактуб шу воқеалар муносабати билан ёзилган.
43. Устоз Беҳзод — машҳур мусаввир ва наққош. Навоий унга ҳомийлик қилган. Бу ўринда Беҳзод Салмон Соважийнинг «Фироқнома» асарига тасвир яратиш мумкинлиги ҳақида сўз кетмокда.
44. Шайхим — Амир Шайхим Сухайлий. Навоийнинг яқин дўсти, шоир ва давлат арбоби. Унинг номини Навоий ўз асарларида турли муносабатлар билан кўп тилга олади.
45. Мир Сайид Абу Исҳоқ — Навоийга шохдан мактуб ва совғалар келтирган шахс.
46. Мавлоно Ҳудойберди — Навоийнинг топшириғи билан шох ҳузурига борган шахс.
47. Абдулкарим — бу шахс Бадиуззамон Мирзодан Ҳусайн Бой— қарога хат олиб келган. Мазкур хат Навоий воситачилиги билан шохга топширилган.
48. Мўғулбек — Ҳусайн Бойқаронинг улуғ бекларидан. Аввал Ҳиротда, кейин Астрободда ҳоким бўлган. Умрининг охирида исён кўтариб, Ироққа қочиб кетган ва ўша ерда ўлдирилган.
49. Тарж.: май ичгилу, хушёр бўл.
50. Илдирим — Бадиуззамон Мирзо ҳузурда мирохур вазифасида хизмат қилган.
51. Ҳайдар — Навоийнинг жияни. Сабухий тахаллуси билан шеър ёзган. Навоий Астрободдалик пайтида уни бир иш билан Ҳиротга юборади. Бу ерда у подшоҳ одамлари Астрободда Навоийни заҳарламоқчи бўлганлиги ҳақида сўзлайди. Шу сабабли подшоҳ ғазабига учраб зиндонга солинадн. Кейинчалик бошқа бир баҳона билан қатл қилинади.
52. Султон Маҳмуд Мирзо — Султон Абусаиднинг ўғли. Аввал узоқ йиллар Хисорда, умрининг охирида бир неча ой Самарқандда подшоҳ бўлган.
53. Маҳмуд барлос — теурийлар Давридаги нуфузли ва эътиборли беклардан. Султон Абусаид даврида Кирмонга ҳоким этиб тайинланган. Кейинчалик Хисорда Султон Маҳмуд Мирзо қошида улуғ бек бўлган. Шеърлар ҳам ёзган. У ҳақда Навоий «Мажолис ун —нафоис»да маълумот бериб ўтади. Бобур ҳам «Бобурнома»да тилга олган.

54. Мавлоно Соҳиб — «Мажолис»да Навоий уни «Кабуджомалиғ, таъби яхши, ғойибона шатранжни хўб ўйнар эди», деб таъриф қилади. Навоийнинг яқин суҳбатдошларидан бўлган.
55. Мазкур хатни олимлар Ҳусайн Бойқарога ёзилган, деб ҳисоблашган. Аслида эса бундай эмас. Хатда Навоий адресат, номини имо—ишоралар билан кўрсатган. Мана ўша сўзлар: «Ул қаламгаким, варақ хошиясида бадоеъ нукта суруб замон нотавонин масрур қилибтур — етти иқлим якқалам бўлсун...» Бу ерда Бадиуззамон исмига ишорат бор.
- Демак, хат Ҳусайн Бойқарога эмас, Бадиуззамонга ёзилган.
56. Юсуф Али — Навоий мулозимларидан. У Машҳаддан Навоийнинг «оғзи сирештлиғ» (ёпик, махфий) хатини олиб келган.
57. Шайх Алибек — Машҳадда Навоий билан бирга бўлган.
58. Ҳусайнкулибек — Бу ҳам Машҳадда Навоий билан бирга бўлган.
59. Хожа Ҳожи Маҳмуд Табризий — мактубдан маълум бўлишича бу шахс эътиборсизлик ва хоксорликда қолган. Навоий подшоҳдан унга илтифот кўрсатишни сўрайди.
60. Хожа Ғиёсиддин Ҳофиз Дехдор — Хожа Дехдор номи билан машҳур. Навоийнинг яқин кишиларидан.
61. Жабраил — Оллоҳнинг тўрт фариштасидан бири. Пайғамбарларга Оллоҳнинг ваҳйларини етказувчи.
62. Арслонбек ахтаци — бу шахс Навоийга Бадиуззамон Мирзо мактубини етказган.
63. Тангри ризоси ота ризосига вобастадур, тангри ғазаби ҳам ота ғазабига вобаста.
64. Ҳаким Сулаймон — Туркий машойихлардан. Аҳмад Яссавий муриди. Сулаймон Боқирғоний номи билан шоир сифатида ҳам машҳур. Навоий уни «Насойим ул—муҳаббат»да зикр этган.
65. Адиб Аҳмад — Навоий уни ҳам «Насойим»га киритган. «Қутадғу билиғ»нинг муаллифи. Туғма кўр бўлган.
66. Иброҳим Халил — Иброҳим пайғамбар. Халил унинг лақаби. Каъбани бунёд этган. Икки ўғли бўлган: Сорадан Исҳоқ ва Хожардан Исмоил.
67. Озари буттарош — Иброҳим пайғамбарнинг отаси.
68. Бойсунғур мирзо (1399—1433/34) Шохрухнинг ўғли. Адабиёт ва санъатга, наққошлик ва хаттотликка иштиёқи баланд бўлган. Фирдавсий «Шохнома»сининг тўлик матнини туздирган ва ўзи сўзбоши ёзган.
69. Бобур Мирзо — Султон Абулқосим Бобур. Бойсунғурнинг ўғли. 1452—57 йилларда Хуросон ҳукмдори бўлган. Навоийнинг отасини Сабзавор ҳокими қилиб тайинлаган. Навоийнинг отаси вафот этгандан сўнг, Бобур ёш Алишерга ҳомийлик кўрсатган, уни сарой хизматида қабул қилган. Навоий бу подшоҳни ўз асарларида илик бир самимият билан эслайди. Абулқосим Бобур шеър ҳам ёзган, «Мажолис»да зикр этилган.
70. Улуғбек мирзо — Шохрухнинг ўғли, амир Темурнинг набираси, асл исми Муҳаммад Тарағай (1394—1449), буюк олим, астроном, давлат арбоби. Самарқандда расадхона (обсерватория) қурдирган ва илмий кузатишлар олиб борган. «Зижи Кўрагоний» номли юлдузлар жадвалини тузган. Тарихга доир «Тўрт улус тарихи» номли асари ҳам бор.
71. Абдуллатиф — Улуғбекнинг ўғли. Отасини қатл эттирган. Олти ой подшоҳлик қилгандан сўнг ўзи ҳам ўлдирилган. Абдуллатиф шеърлар ҳам ёзган.
72. Жаҳоншоҳ — Жаҳоншоҳ мирзо туркман, Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдори (1438 — 1467).
73. Ҳасанали — Жаҳоншоҳ мирзонинг ўғли.
74. Темурбек — амир Темур Кўрагоний (1336 — 1405), буюк давлат арбоби, жаҳонгир подшоҳ.
75. Дарвеш Муҳаммад — сарой мулозимларидан.

76. Зафарнома» — Шарафуддин Али Яздийнинг Темурбек Кўрагонга бағишланган тарихий асари.
77. Хофиз Муҳаммад Саной — Афтидан бу шахс шариат аҳкомларини яхши билган аллома бўлса керакки, Навоий Бадиуззамонга шаръий умурлар бобида ундан фойдаланишни тавсия қилади.
78. Мир Зайнулобидин Астробод ашрофларидан. Навоий Бадиуззамонга Мир Зайнулобидинни хурмат қилишни, унга илтифот кўрсатишни тайинлайди.
79. Муштарий — Юпитер, форсийда Биржис. Илми нужумда «Саъди Акбар», «Фалак қозиси» деб юритилади, жойи олтинчи фалакда эмиш.
80. Султон Муҳаммад Мирзо — Шу номда Ҳусайн Бойқаро ва Хадича бегимлар набира кўрганлари муносабати билан ёзилган табрик мактубидир.
81. Бегим — Хадича бегим. Аввал Абусаид Мирзонинг ғунчачиси (канизаги) бўлган. Бобур у ҳақда ёзади: «Муҳаммад Мўмин мирзони анинг саъйи билан ўлтурдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлари ёғиқтилар, кўпраки мунинг жиҳатидан эди, ўзини оқила тутар эди, вале беақл, пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур (2316).
82. Бу ўринда Жомий вафоти тўғрисида сўз кетмоқда. Бу хат ҳам «Муншаот»нинг аввалги нашрига кирмаган.
83. Тарж. ар.: Ҳар бир нарсанинг ҳалокати сабаб биландир. Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлувчидир.
84. Тарж. ар.: Дунёда ғарибдек ва мусофирдек бўл (ҳадис).
85. Тарж. ар.: Кудратли малик ҳузурида сидқ ўрни.
86. Жомий (1414—1492) — олим ва шоир. Навоийнинг дўсти, маслақдоши, ҳамфибри, 1476 йилда у Жомийни ўзига пир сифатида танлаган. Жомий вафотидан кейин Навоий унинг хотирасига бағишлаб «Хамсат ул—мутаҳаййирин («Ҳайратланганлар бешлиги») асарини ёзган.
87. Санжар — Навоий бу ерда салжукийларнинг охириги подшоҳи Султон Санжарга ишора қилади. Унинг пойтахти Мар шаҳри бўлганлиги, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абулмуҳсин ҳам Марвда ҳукмдор бўлганлиги сабабли Навоий уни «тахти Санжар узра шох», деб таърифлайди.
88. Абулмуҳсин — Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Онаси Латифа Султон оғача бўлган.
89. Муҳаммад Маъсум — Ҳусайн Бойқаро ўғли. Кандаҳорда ҳоким бўлган. Унга Улуғбек мирзонинг қизини олиб бергаи эди. Отаси ҳаётлигида вафот этиб кетган.
90. Музаффар Ҳусайн Ҳусайн Бойқаронинг ўғли. Онаси Хадичабегим.
91. Сафиябека — подшоҳ хонадонига мансуб аёллардан бўлса керак, деб тахмин қиламиз.
92. Сайд Бадр — Ҳусайн Бойқаро амирларидан шохга яқин, доимий улфати бўлиб, рақсга ҳам тушар экан. Мири Мўғул — Мўғулбек. Ҳусайн Бойқаро бекларидан. Маълум муддат Ҳиротда, кейинроқ Астрободда ҳоким бўлган. Сўнгра исён кўтариб Ирокка қочиб кетган ва ўша ерда ўлдирилган.
93. Муҳаммад Кўкалтош — Ҳусайн Бойқаро мулозимларидан.
94. Маҳмуд — бу шахс ҳақида бошқа маълумот тополмадик.
95. Мир Дарвеш Муҳаммад сувчи — шох саройида саққо бўлган.
96. Устодзодаи Чанги — мусикачи, чангда куйлар ижро этган.
97. Банда Бобо — шох надимларидан.
98. Афзал — Хожа Афзал. Ҳусайн Бойқаро вазирларидан. Навоий билан яқин дўст бўлган.
99. Шох Ғариб Мирзо — Ҳусайн Бойқаро ва Хадичабегимнинг ўғли. Лақаби Абулфаворис (Фаворис — фориснинг кўплиги, шер, суворий демакдир), букри бўлган, оила қурмаган. Иқтидорли шоир бўлган. Мажолисда шеърларидан намуналар келтирилган. Навоий бу шахзода мадҳида «Фарҳод ва Ширин» достонида алоҳида боб ажратган, вафотига бағишлаб марсия ёзган.
100. Абушаҳма Баҳодир — мактуб мазмунидан аён бўладики, бу шахс бошига

мусибат тушган. Навоий шу муносабат билан унинг кўнглини кўтариш, тасалли беришни подшоҳдан илтимос қилган.

101. Фисоғурс ҳаким — Пифагор (милоддан аввал VI аср), қадимги юнон файласуфи, диний ва сиёсий арбоб. Мусиқа илмининг ҳам асосчиси ҳисобланади.

102. Арасту — Аристотель, милоддан аввалги IV аср, қадимги юнон ҳакими. Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг устози ва маслаҳатчиси сифатида талқин этилган.

103. Абу Наср Форобий (260/1874 — 339/1950) — буюк олим, файласуф. «Арастуйи соний», «Муаллими соний» лақабларига сазовор бўлган.

104. Хожа Абдулқодир — XIV асрда шуҳрат қозонган машҳур чолғучи созанда.

105. «Мажолис ун-нафоис» — 1492 йилда ёзилган ва 1498 йилда Навоийнинг ўзи иккинчи тахририни амалга оширган. Унда 459 та шоир ҳақида маълумот ва асарларидан намуна келтирилади.

106. Мавлоно Қосим — Навоийнинг хизматига ўтмоқчи бўлган Дарвешали мусохибларидан.

107. Дарвеш Алибек — Навоийнинг укаси, Балх ҳокими ҳам бўлган. Навоий вафотидан кейин истеъфога чиқиб, 1563 йилда Шайбонийхон, 1511 йилда Бобур хизматига кирган.

108. Мана шу мактубдан бошлаб қолган мактублар «Муншаот»нинг аввалги нашрига кирмаган. Уларнинг айримларини адабиётшунос Ю. Турсунов Туркияда сақланаётган «Муншаот» фотонусхасидан олиб эълон қилган. Кейинроқ бу мактубларнинг аксарияти ўзимиздаги кўлёмаларда ҳам мавжудлиги маълум бўлди.

109. Бобобек — подшоҳ хонадонига мансуб ёшлардан. Мактубда унинг вафоти ҳақида сўз кетади.

110. Хожа Аҳмад — шахзодалардан бирининг хизматида бўлган шахс.

111. Бадиуззамон Мирзо — Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли. Онаси Санжар Мирзо Марвийнинг қизи Бека Султонбегим. 1506 йилда отаси вафотидан сўнг тахтга ўтиради. 1507 йилда Шайбонийхондан енгилиб, Шоҳ Исмоил ҳузурига қочади. Турк султони Султон Салимшоҳ Исмоил билан урушиб, Табризни ишғол қилгач Бадиуззамонни 1514 йилда Истанбулга олиб кетади. Кўп ўтмай тоун — вабо касалидан вафот этади.

Навоий бу шахзодага катта умидлар боғлаган, у билан шоҳ орасида низолар пайдо бўлганда, уларни яраштириш учун ҳаракатлар қилган. «Муншаот» таркибидаги қатор мактублар Бадиуззамонга ёзилган. Шоир дostonларида алоҳида бағишловлар, «Мажолис»да ҳам маълумотлар бор.

## **ВАҚФИЯ»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ**

1. Тарж. ар.: Унга Оллоҳнинг саловатлари бўлсин ва бани одамни мукаррам қилдик.

2. Каррубий — фаришта.

3. Тарж. ар.: Улуғ зот биз учун бошқа илм йўқ, сен ҳақиқий илм ва ҳикмат эгасидурсен.

4. Тарж. ар.: Унинг неъматлари улуғдир, шону шавкати буюқдур ва ундан бошқа илоҳ йўқдур.

5. Тарж. ар.: Хитой — Чинда бўлса ҳам илм талаб қилгин.

6. Тарж. ар.: Олимлар пайғамбарларнинг меросхўридир.

7. Маҳмуд — Муҳаммад пайғамбар лақабларидан бири.

8. Тарж. ар.: Олимлар бани Исроил пайғамбарлари каби умматлидир.

9. Тарж. ар.: Олимларнинг фазилатлари обидларга нисбатан ва қуйидагиларга нисбатан ҳам афзалдир.

10. Байтнинг мазмуни: Оллоҳ билан биргаларнинг қувончи ниҳоятда яқин (унинг) сирларига маҳрам. Байтнинг иккинчи мисрасидан «Қоба қавсайн»нинг маъноси «икки ёй

оралиғи»ни англатади ва бу ибора энг, ғоят яқин мазмунида ишлатилади.

11. Тарж. ар.: Унга, унинг яхши қариндошларига, пок саҳобаларига ва унга эргашганларнинг ҳаммасига Оллоҳнинг саловатлари бўлсин!
12. Тарж. ар.: Оллоҳдан бўлган ҳеч нарса йўқ эди.
13. Тарж. ар.: Бирон нарсани хоҳлаганда, унинг «Бўл!» демакликдир. Ва (у нарса) бўлур. (Ёсин сураси, 82—оят... ажаб бир яширин сир эдим, ўзни синаш учун халқни яратдим).
14. Тарж. ар.: Одамнинг лойини ўз қўлим билан 40 кун қордим.
15. Тарж. ар.: Бу омонатни осмонларга, ерга ва тоққа кўндаланг қўйган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар («Аҳзоб» сураси, 72 оят).
16. Тарж. ар.: Инсонни нутфадан (маний) яратади.
17. Тарж. ар.: У раҳмдилга Оллоҳнинг саловатлари бўлсин.
18. Тарж. ар.: Ҳазрати Муҳаммадга Оллоҳнинг салом ва саловатлари бўлсин.
19. Тарж. ар.: У субҳонаҳунинг ҳаққи!
20. Тарж. ар.: Тагидан ариқлар оқувчи боғлар.
21. Тарж. ар.: Биз уларнинг бўйинларига тавқ қўйдик.
22. Тарж. ар.: Иймон келтирганлар ва хайрли ишлар қилганлар учун беҳад ажри савоб бордур.
23. Тарж. ар.: Сукунат — олтиндир.
24. Тарж. ар.: Сурадаги оят ҳам шундай. (Яъни шу маънодаги).
25. Тарж. ар.: Ким бир деб ўқиса, ким қаттиқ ҳаракат қилса, киради.
26. Тарж. ар.: Ёмон она қорнида ҳам ёмондур.
27. Тарж. ар.: Улар дўзах ўтига лойиқ ва унда абадий ёнадилар.
28. Тарж. ар.: Ҳақиқатда Оллоҳ ҳар бир ишга (қодирдир).
29. Тарж. ар.: Иброҳим (саловат ур—раҳмони алайҳи) — пайғамбар. Лақаби Халил, Халилуллоҳ. Ривоятларга кўра у буттарош Озарнинг ўғли бўлиб, милоддан 2000 йил аввал Бобилда дунёга келган. Иброҳим ўз тоифасини ёлғиз Худони тан олишга даъват этган. Намруд уни оловга ташлаганда омон қолган экан. Каъбани Иброҳим бунёд қилган дейилади. Худованд Иброҳимга ўғли Исмоил (мусулмонлар ривоятига кўра) ёки Исҳоқ (яхудийлар ривоятига кўра)ни қурбон қилишни буюрганда, уни ижро этиш асносида ўғил ўрнида бир қўй қурбонликка юборилган экан. Иброҳим 170 йил умр кўрган дейилади. Ундан икки ўғил — Исҳоқ (онаси Сора) ва Исмоил (онаси Ҳожар) қолган экан.
30. Иброҳимнинг ўтга ташланганига ишора қилинмоқда.
31. Тарж. ар.: Юнус — Исроил авлодларидан, пайғамбар, лақаби «Зуннун, сафарларидан бирида тўфон кўтарилиб, кемадан дарёга йиқилади ва уни балиқ ютади, уч кундан сўнг қирғоққа чиқариб ташлайди, дейилади.
32. Тарж. ар.: Намруд — Бобилнинг афсонавий подшоҳи. Ривоятларга кўра, Бобилни Намруд бунёд этган экан. Шижоатли ва қўрқмас бўлган, Иброҳим пайғамбар унинг даврида яшаган дейилади.
33. Тарж. ар.: Оллоҳга, унинг элчисига ва барча улуғлар амрига итоат қилингиз.
34. Тарж. ар.: Муборак яратувчи, таолодан миннатдормиз.
35. Тарж. ар.: Бутлон рақами чекди ва китобларига насх хати тортди, айнан: беҳуда лигини қайд қилди ва зайил қилишлик хатини тортди. Бу ерда сўз Муҳаммад (а. с.)нинг бошқа пайғамбарлардан фарқи устида кетмоқда.
36. Тарж. ар.: Султон Оллоҳнинг ердаги соясидир.
37. Тарж. ар.: Салтанат эшиклари, ҳожатлар қибласи.

38. Тарж. ар.: Биз сенга аниқ-равшан қилиб очдик.
39. Тарж. ар.: Оллоҳ сенга азиз ғалаба беради.
40. Тарж. ар.: Асли мустаҳкам, боши самода.
41. Тарж. ар.: Халифаларни ерда мен таъминлайман.
42. Тарж. ар.: Бир соатлик адолат икки дунё ҳаракатларига баробар.
43. Тарж. ар.: Оллоҳ уларга адолат ва эҳсонни буюргандир.
44. Тарж. ар.: Аммо тиланчиларни ранжитма.
45. Тарж. ар.: Жамшид — Эроннинг афсонавий шоҳларидан. У қурол—аслаҳа, ипак ва ранглар ихтиро қилган, улкан бинолар қурдирган экан. Унинг даврида одамлар фаровон яшаган, хасталик нима, ўлим нима билмаган эмиш. Кейинчалик кибр—ҳавога берилиб кетган. Жамшидни жазолаш учун Худо истилочи Заҳҳокни юборган ва у Жамшидни арра билан икки бўлиб ташлаган эмиш. Бу ерда Навоий асли Ҳусайн Бойқарони Жамшидга ўхшатмоқда. Албатта Жамшиднинг ижобий фаолияти ва билим, ихтироларини Навоий кўзда тутди.
46. Сулаймон — Довуд ўғли, подшоҳ. Яхудийдар пайғамбари саналади. Байт ул-муқаддас — Қуддус шаҳрини бунёд қилган. У ҳайвонлар ва қушлар тилини билар, парилар унинг хизматида бўлар экан. Навоий бу ерда Ҳусайн Бойқарони Сулаймон каби деғу париларга ҳам султондир, деб таърифламоқда.
47. Қавс кузаҳ — камалак демақдир. Байтнинг мазмуни: Унинг мевалар соладиган тоғараси зангори осмон, отадиган ўқ ёйи —камалак кабидир.
48. Ҳотами Тоий — ҳокимият даврида ўзининг сахийлиги билан донг таратган «той» қабиласига мансуб зот. Унинг номи саховат ва қарам қилиш рамзига айланиб кетган. Бу ерда Навоий Ҳусайн Бойқарода шундай фазилат мавжуд, дея таърифлайди.
49. Навоий бу ерда Ҳусайн Бойқаро ўз салтанатини бошқаришда қатор қабилаларнинг вакилларига таянгани ва ҳар қайсига мувофиқ амаллар бергани ҳақида ёзади.
50. Тарж. ар.: Салсабил деб номланган булоқнинг ўзгинаси.
51. Жериб — ер ўлчови, тахминан 1 таноб. Жерибни, шунингдек, 1 жерибдон экиш мумкин бўлган ер бўлагини ҳам аташган. Е. Э. Бертельснинг изоҳлашича, турли даврларда жериб миқдори турлича белгиланган (100 то 200 м.га қадар).
52. Фикҳ усули ва фуруи — диний қоидалар ҳақидаги ҳуқуқ илмининг тармоқлари ва унга оид шарҳлар.
53. Тарж. ар.: Аллоҳ қабрларини мунаввар қилсин!
54. Тарж. ар.: Эй иймон келтирганлар, жумъа намози учун азон айтилса бас, интилинглар, (Аллоҳнинг) зикрига боринглар, савдо—сотикни тарк этган ҳолда.
- Аллоҳ зикри дейилганда жумъа намозидан кейин ўқиладиган хутба назарда тутилади. Савдо—сотикни тарк этган ҳолда дейилганда, Одатда жумъа кунлари бошқа кунларга нисбатан савдо—сотик яхши бўлган. Баъзи иймони заиф кишилар савдога қизиқиб, жумъа намозига қатнаша олмаганлар (Жумъа сураси, 9—оят).
55. Тарж. ар.: Халос ихлосдадир.
56. Муборак Ҳаж сафари — Навоий ислом рукнлари (тавҳид — иймон келтириб, беш вақт намоз, рўза ва закот)ни сидқидилдан бажариб келган ва энди Ҳаж сафари орзусида эканлигини баён этади.
57. Равотиб — хизматчиларга вақти—вақти билан бериб туриладиган маош, нафақа ва

бошқа моддий ёрдамларни англатади.  
58. 886/1481 — 82 йил.